

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ  
КОМИССИЯСИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ГЕНДЕР  
ТЕНГЛИГИ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ**

**“ҚАЛБ НУРИ” АЁЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИНИ  
ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**

**ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА  
АНЪАНАЛАРГА АКСИОЛОГИК  
МУНОСАБАТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ  
ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**халқаро онлайн конференция материаллари  
тўплами**

*20 май 2022 йил*

*Фарғона-2022*

*«Ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга аксиологик муносабатни юксалтиришнинг гендер хусусиятлари»– Фарғона, 20.05.2022. --- б.*

***Масъул муҳаррир:***

*Турғуной Эгамбердиева - педагогика фанлари доктори, профессор, Фарғона давлат университети қошидаги Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази раҳбари*

***Ташкилий қўмита ва таҳрир ҳайъати:***

- Б.Шермуҳаммадов – Раис, Фарғона давлат университети ректори, профессор.*
- И. Зокиров раис муовини, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор;*
- Т.Эгамбердиева – Фарғона давлат университети профессори, ФарДУ Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази раҳбари*
- Д. Тўхтасинова – аъзо, «Калб Нури» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори*
- Б. Курбонова – аъзо, ФарДУ Хотин-қизлар кенгаши раиси*

© Фарғона давлат университети, 2022.

## КИРИШ СЎЗИ

Инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб, энг машаққатли ва энг қийин вазифа – ёшлар масаласи бўлиб келган. Мутафаккир ва алломалар, зиёлилар жамиятнинг ривожини, тинчлигини ва хотиржамлигини ёшлар тарбияси билан боғлагани бежиз эмас. Қарерда тарбия масаласи қадрият, анъана билан боғлиқликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлган. Ёшлар тарбиясига эътиборсизлик бўлган жойда эса, инқироз ва емирилишлар содир бўлган.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги дастлабки фаолиятини айнан ёшлар масаласига кенгрок эътибор қаратиш, уларга барча имкониятларни яратиш учун муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш билан бошлади. Сўзимиз исботи сифатида 2016 йил 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қайта ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган ҳолда қабул қилинганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Ёшлар маънавияти ва тарбияси масаласи Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг доимий диққат марказидадир. Давлатимиз раҳбари ўзининг нутқлари, маъруза ва асарларида юқоридаги масала ҳақида бир қатор долзарб фикрларни билдириб келмоқда. Жумладан, Президентимиз куйидагиларни таъкидлайди: “биз мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз керак.

Бугунги кунда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида айрим ўлкаларда бетоқатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кескин вазиятда, улуғ мутафаккирлар айтганидек, **дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик қутқаради**” (Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. –Б. 278.).

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш зарурлиги ҳақида шундай ёзади: “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётини позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо ҳолисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур” (Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. 17-бет.).

Одамлар ҳаётга, табиат ва жамиятга, ўз-ўзига, келажак ва ўтмишга, бирон конкрет воқеага муносабатини белгилашда маълум мезонлардан, меъёрлар ва баҳолардан келиб чиқади. Бошқача айтганда, муайян урф-одат, қадриятлар билан таққослаб, баҳо беради ва муносабатда бўлади. Лекин инсон, жамоа, жамият қўллайдиган, мезон қилиб олган муайян урф-одат, анъана ва қадриятлар тўғри, ҳақиқий ёки сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий қадриятларни сохта қадриятлардан фарқлашда одамларга фан ёрдам беради. Илм-фан инсон ҳақидаги, олам ҳақидаги позитив билимларни очиб беради, фойдасиз нарсадан фойдали нарсани ажрата олади. У фақат ижобий билим бера олади. Жамиятдаги урф-одат, анъана ва қадриятлар тизими ижтимоий фанлар ёрдамида аниқланади. Табиатшунослик аниқлаган қадриятлар, бир томондан инсоннинг дунёқарқшининг кенгайишига, у турли хатоликлар ва нотўғри тасаввурлардан, хурофатдан холос бўлишига, иккинчи томондан – ишлаб чиқариш технологиялари ривожланишига, меҳнат унимдорлиги ва турмуш фаровонлигини ошишига хизмат қилади. Шу сабабдан илмий қадриятларнинг жамият ривожланишида, жумладан, маънавий ривожланишдаги ролини тадқиқ этиш катта илмий аҳамиятга эга.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш тамойилларининг янгиланиши серқирра жараён. У жуда катта ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафқураси, маданияти ва таълим тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши каби жараёнларларда намоён бўлади.

Замонавий таълим ривожда урф-одат, анъана ва илмий қадриятларни такомиллаштириш масалалари, жамият тараққиётида урф-одат ва анъаналарнинг ўрни ҳамда аҳамиятини илмий таҳлил қилиш умуммиллий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар тарзида, долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Демак, маънавий янгиланиш жараёнида урф-одат, анъана ва қадриятларни тадқиқ этишга нафақат назарий-методологик, шу билан бирга, амалий жиҳатдан қизиқишнинг ортиб бориши табиийдир. Мазкур жараёнда ёшларга миллий урф-одат ва анъаналарни ўргатишда, уларга нисбатан аксиологик муносабатни қарор топтиришда гендер омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ўтган асрнинг охирларигагина келиб таълим жараёнида гендер фарқлар ва ўхшашликларни ҳисобга олиш ҳақидаги фикрлар илгари сурила бошланди. ЮНЕСКОнинг 1998 йил 9 октябрдаги анжуманида олий таълим тизимининг мақсади зўравонлик ва зулмдан холи бўлган жамиятни барпо этиш эканлиги эътироф этилди. Бу мақсадни амалга ошириш учун янги педагогик технологиялар ва замонавий усулларни қўллаган ҳолда ўқув дастурларини қайта ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилган. Янгидан ишлаб чиқилган ўқув дастурларида эркак ва аёллар тенглиги, қолаверса, барча фанларнинг гендер омиллари ҳисобга олинган.

Ўзбекистоннинг баъзи олий таълим муассасаларида 2001 йилдан бошлаб, ташаббускор ўқитувчилар томонидан махсус курслар шаклида гендер тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатларини ёритувчи маърузалар ўқилмоқда. Бу борадаги тажрибалар талабаларнинг гендер тадқиқотларига қизиқиши кучли эканлигини кўрсатди. Республикамиз олий таълим муассасаларида гендер тадқиқотларининг ўрганилиши бўлғуси мутахассислар тафаккурининг дунёдаги энг янги таҳлилий ютуқлар асосида шаклланишигагина эмас, балки мазкур соҳанинг Ўзбекистон илм-фанида янада ривожланишига ёрдам бериши, шубҳасиз (Қурбонова Г.М. Гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятлари// Замонавий таълим. 2015, 12. – Б. 59-63.).

Гендер фарқлар ҳамда ўхшашликлар таълим жараёнида қиз ва ўғил болалар ўқув фаолиятидаги ўхшашликлар ва фарқларни ҳисобга олишга асосланади. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. У ёки бу жинсга мансублик ўқувчи шахсининг имкониятларини белгилайди. Қиз ва ўғил болалар орасидаги гендер фарқлар ва ўхшашликларни ҳисобга олишга қаратилган тадқиқотлар амалда гендер педагогикаси ҳамда психологиясида бир қадар кенг қўламда амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, жинсий тарбия ҳамда бу жараёнда руҳий имкониятларни ҳисобга олиш йўналишида яққол кўзга ташланади. Жинсга асосланган таълим-тарбия – ўқувчини келажакдаги ҳаётга тайёрлашда ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган таълимий-тарбиявий, маърифий воситалар йиғиндиси (Хоф Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культу-ра. // Под ред. Э.Шоре и К. Хайдер. – М.: 1999. – С. 23-53).

Бугунги кунда ўқув-билув жараёнида гендер фарқлар ва ўзига хосликларни ҳисобга олиш табиий-педагогик ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда. Бироқ дидактикада ушбу ҳодисанинг илмий талқини мавжуд эмас. Ўқув-билув жараёнида гендер фарқларга оид ўзига хосликларни ҳисобга олмасдан туриб, таълим натижасининг самарадорлигини таъминлаш мумкин эмаслиги барча мутахассисларга аён бўлмоқда. Айниқса, руҳшунослар бу соҳада бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш таълим соҳасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, **таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда**

**имкониятларни таъминлаш 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.**

Глобаллашув жараёнида хавфсизликка раҳна солувчи инсоннинг барқарор ижтимоий ҳаётига зид бўлган, унинг турли соҳаларига қаратилган ахборот таҳдидлари, миллий урф-одатлар, кадриятлар, ахлоқий меъёрлар, этник-маданий ва миллий тарихий илдизларидан ажратишга қаратилган турли кўринишлардаги маънавий таҳдидлар тобора авж олиб бормоқда.

Ушбу таҳдидлардан ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш, дунёда рўй бераётган сиёсийжараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаган ҳолда ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар, ҳодисаларга ўз мустақил фикрини билдира оладиган етук мутахассис сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шу боис маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ўғил-қизларни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун узлуксиз таълимнинг барча босқичларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Барча олийгоҳ ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши белгиланди.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлilar бириктирилиши маълум қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустақамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари маҳаллада обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга “Оқила аёллар” ҳаракатини ташкил қилишни таклиф этди. "Бу ҳаракат том маънода “маҳалланинг виждони”га айланиши керак. Чунки, маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди. Биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, жамиятда янги маънавий макон яратиш ҳақида гапирар эканмиз, бу ишларни оила, оналар маънавияти билан узвий амалга оширишимиз зарур...", деди Президент.

2020 йил ФарДУ Илмий кенгаши ыарори билан фаолиятини бошлаган Фарғона давлат университети қошидаги гендер тенглиги тадқиқотлар марказитомонидан ўтказилаётган **“Ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга аксиологик муносабатни юксалтиришнинг гендер хусусиятлари”** мавзусида халқаро онлайн конференцияёшларда миллий анъаналаримиз, кадрият ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат, Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни шакллантириш, уларни ”оммавий маданият” хуружларидан асраш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётган иқтидорли ва истеъдодли ижодкорлар, ижтимоий фаол навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб вояга етишлари, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун кўмаклашиш мақсадларини кўзлаган.

Конференцияда бир қатор долзарб йўналишларда олиб борилган халқаро ва республика миқёсидаги тадқиқот ишлари натижаларимуҳокама қилинган. Улар:

- Ёшларда аксиологик онгни юксалтиришнинг ижтимоий-маданий ва гендер омиллари;

- Миллий урф-одат ва анаъаналарда гендер жиҳатлар;

- Миллий урф-одат ва анъаналарнинг ёшларижтимоий-маънавий фаоллигига таъсири ва унинг гендер, тарихий, ментал, этник, педагогик ва психологик хусусиятлари;

- Ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга аксиологик муносабатни шакллантириш тенденциялари ;

- Ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга аксиологик муносабатни юксалтиришнинг гендер жиҳатларини тадқиқ қилишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни.

Ўйлаймизки, ушбу конференция материаллари ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга аксиологик муносабатни шакллантиришда муҳим илмий-услубий манбаа бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ушбу конференция асосида ёшлар тарбиясига оид муҳим фикрлар, муносабатлар алмашинуви амалга оширилиб, унинг натижалари тадқиқотчилар, ёш изланувчилар, магистрлар учун келгуси фаолиятида фойдаланиш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

***ФарДУ ректори, педагогика фанлари доктори,  
профессор Б.Ш. Шермуҳаммадов***

## ВВЕДЕНИЕ

Человечество пришло к выводу, что самой насущной, самой трудной и самой трудной задачей всегда была проблема молодежи. Не случайно мыслители и ученые связывали развитие, мир и спокойствие общества с воспитанием молодежи. Там, где была попытка решить проблему воспитания в отношении к ценностям, традициям, было развитие. Там, где образованием молодежи пренебрегали, происходили кризисы и оползни.

Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев начал свой первый срок на посту главы государства с более широкой направленности на вопросы молодежи и реализации важных мер по созданию для них всех возможностей. В доказательство наших слов можем констатировать, что 14 сентября 2016 года был пересмотрен и принят Закон «О государственной молодежной политике».

Вопрос духовности и воспитания молодежи находится в постоянном центре внимания Президента Ш.М.Мирзиёева. В своих выступлениях, речах и трудах глава нашего государства высказывал ряд актуальных вопросов по вышеуказанной проблеме. В частности, Президент сказал: «Мы должны создать новую стратегию системы духовного образования в нашей стране и поднять духовно-просветительскую работу нашего народа, особенно среди молодежи, на новый качественный и содержательный уровень».

Сегодня во многих частях мира человеческие ценности размываются. Особенно в условиях пандемии в некоторых странах усиливаются нестабильность и агрессия. В такой критической ситуации, как говорят великие мыслители, мир спасет добро, сострадание и человеколюбие» (Мирзиёев Ш. Стратегия нового Узбекистана. – Ташкент: «Узбекистан», 2021. – С. 278.).

Президент Шавкат Мирзиёев пишет о необходимости поднять на новый уровень духовно-просветительскую работу с молодежью: Однако, если принять во внимание тот факт, что сегодня весь мир борется за завоевание умов и сердец населения, особенно молодежи, и нарастают угрозы религиозного экстремизма, терроризма, наркомании, «массовой культуры», воспитание наших детей. Мы должны ни на миг не ослаблять нашу работу в области образования, а поднять ее на новый уровень» (Мирзиёев Ш. Мы построим наше великое будущее вместе с нашим смелым и благородным народом. – Ташкент: «Узбекистан », 2017. С. 17).

Отношение людей к жизни, природе и обществу, к себе, к будущему и прошлому, к тому или иному событию определяется определенными критериями, нормами и оценками. Другими словами, определенная традиция оценивается и трактуется посредством сравнения с ценностями. Но определенные обычаи, традиции, ценности, которые человек, сообщество, общество использует в качестве критерия, могут быть истинными, истинными или ложными. Наука помогает людям различать истинные ценности и ложные ценности. Наука раскрывает положительные знания о человеке, о мироздании, может отличить полезное от бесполезного. Он может дать только положительное знание. Система обычаев, традиций и ценностей в обществе определяется с помощью социальных наук. Определенные наукой ценности, с одной стороны, способствуют расширению мировоззрения человека, освобождают его от различных заблуждений и заблуждений, суеверий, с другой стороны - развитию технологий производства, повышению производительности труда и благосостояния. . По этой причине изучение роли научных ценностей в развитии общества, в том числе в духовном развитии, имеет большое научное значение.

Только в конце прошлого века в нашей стране стала выдвигаться идея учета гендерных различий и сходств в образовательном процессе. На конференции ЮНЕСКО 9 октября 1998 г. было признано, что целью системы высшего образования является построение общества, свободного от насилия и угнетения. Для достижения этой цели необходимо перепроектировать учебный план с использованием новых педагогических

технологий и современных методов. Недавно разработанные учебные программы учитывают гендерное равенство, а также гендерные факторы во всех дисциплинах.

В некоторых вузах Узбекистана с 2001 года предприимчивые преподаватели читают лекции по тем или иным аспектам гендерных исследований в виде спецкурсов. Опыт в этой области показал, что студенты проявляют большой интерес к гендерным исследованиям. Изучение гендерных исследований в высших учебных заведениях страны будет способствовать не только формированию мышления будущих специалистов на основе новейших аналитических достижений в мире, но и дальнейшему развитию этого направления в узбекской науке (Курбанова Г.М. 2015, 12. - С. 59-63.).

Гендерные различия и сходства основаны на учете сходств и различий учебной деятельности девочек и мальчиков в образовательном процессе. Это, в свою очередь, помогает обеспечить эффективность учебного процесса. Принадлежность к тому или иному полу определяет возможности личности школьника. Исследования, направленные на учет гендерных различий и сходства между девочками и мальчиками, в более широком масштабе проводятся на практике в гендерной педагогике и психологии. Особенно это проявляется в направлении полового воспитания и учета умственных способностей в этом процессе. Гендерное образование представляет собой комплекс воспитательно-просветительских средств, оказывающих комплексное воздействие на подготовку учащихся к будущей жизни (Хоф Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культур-ра. // Под ред. .Шор и К. Хайдер.- М.: 1999. - С. 23-53).

Сегодня учет гендерных различий и особенностей в образовательном процессе признается закономерным и педагогическим явлением. Однако в дидактике отсутствует научная интерпретация этого явления. Всем специалистам понятно, что невозможно обеспечить эффективность результатов обучения без учета специфики гендерных различий в процессе обучения. В частности, психологи делают ряд успехов в этой области.

Одной из основных задач образования является привлечение женщин к научной деятельности, поддержка их разработки программного обеспечения, инновационных идей, изобретений, рационализаторской деятельности на основе современных информационных и коммуникационных технологий. Поэтому обеспечение равных прав и возможностей женщин и мужчин в образовании, науке, спорте и здравоохранении является одним из приоритетов в реализации Стратегии гендерного равенства в Республике Узбекистан до 2030 года.

В процессе глобализации нарастают информационные угрозы национальной безопасности, национальным традициям, ценностям, нравственным нормам, различные формы духовных угроз, направленных на отрыв людей от их этнических, культурных и национально-исторических корней.

Защита сердец и умов подрастающего поколения от этих угроз, воспитание их в духе национальных и общечеловеческих ценностей, воспитание зрелых профессионалов, умеющих выражать свои независимые взгляды на происходящие вокруг них события, с глубоким пониманием смысла и причин политических процессов в мире.

Поэтому были даны указания создать единую систему духовно-воспитательной работы, в частности, воспитывать мальчиков и девочек с раннего возраста образованными и добродетельными, повысить эффективность духовно-воспитательной работы на всех ступенях непрерывного образования. Планируется ввести должность проректора по работе с молодежью и духовно-просветительской работе в составе действующих государственных подразделений во всех вузах и их филиалах.

Особое внимание уделялось обеспечению стабильности социально-духовной среды в микрорайонах. Объявлено, что к каждой махалле будут прикреплены профессора и известные интеллигенты по принципу «один интеллигент – духовный покровитель одного района».



Президент Шавкат Мирзиёев провел совещание по видеосвязи, посвященное важным мерам по поднятию на новый уровень системы поддержки женщин и дальнейшему повышению и укреплению роли женщин в обществе, а также усилению их социальной защиты, предотвращению домашнего насилия и обеспечению гендерного равенства. предложила организовать в микрорайоне движение «умных женщин», которое имеет большую репутацию и большой жизненный опыт. «Это движение должно стать настоящей «совестью соседства», потому что просвещенное общество не может быть построено без просвещенных матерей. Речь идет о построении основ Третьего Возрождения, создании в обществе нового духовного пространства...», — сказал Президент.

Международная онлайн-конференция «Гендерные особенности ценностного отношения к национальным обычаям и традициям у молодежи», организованная Центром исследований гендерного равенства Ферганского государственного университета в 2020 году при поддержке Ученого совета ФарГУ Формирование таких благородных чувств, как лояльность, защита от нападков «массовой культуры», всесторонняя поддержка одаренных и талантливых художников, общественно активной молодежи, вносящих вклад в социально-экономическое и духовно-культурное развитие нашей страны, их духовное развитие, направленная на то, чтобы помочь им найти свое место .

На конференции обсуждались результаты международных и отечественных исследований по ряду актуальных направлений. Они есть:

- Социокультурные и гендерные факторы в повышении ценностного самосознания молодежи;

- гендерные аспекты в национальных обычаях и традициях;

- влияние национальных обычаев и традиций на социально-духовную деятельность молодежи и ее гендерные, исторические, ментальные, этнические, педагогические и психологические особенности;

- тенденции формирования ценностных установок молодежи к национальным обычаям и традициям;

- Роль социально-гуманитарных наук в изучении гендерных аспектов воспитания ценностного отношения молодежи к национальным обычаям и традициям.

Считаем, что материалы данной конференции послужат важным научно-методическим ресурсом в формировании ценностного отношения молодежи к национальным обычаям и традициям. Я также считаю, что на базе этой конференции произойдет обмен важными идеями и подходами к воспитанию молодежи, результаты которого послужат программой для исследователей, молодых исследователей, магистров для использования в их дальнейшей работе.

**Rector of FarSU, Doctor of Pedagogical Sciences,  
professor B.Sh. Shermuhammadov**

## INTRODUCTION

Mankind has emerged that the most pressing, the most difficult, and the most difficult task has always been the issue of youth. It is no coincidence that thinkers and scholars have linked the development, peace and tranquility of society with the upbringing of young people. Where there has been an attempt to address the issue of upbringing in relation to value, tradition, there has been development. Where youth education has been neglected, there have been crises and landslides.

President Shavkat Miromonovich Mirziyoyev began his first term as head of state with a broader focus on youth issues and the implementation of important measures to create all opportunities for them. As a proof of our words, we can admit that on September 14, 2016, the Law "On State Youth Policy" was revised and adopted.

The issue of spirituality and education of youth is in the constant focus of President Sh.M.Mirziyoev. In his speeches, speeches and works, the head of our state has been expressing a number of topical issues on the above issue. In particular, the President said: "We must create a new strategy for the system of spiritual education in our country and raise the spiritual and educational work of our people, especially among young people, to a new level in terms of quality and content.

Today, in many parts of the world, human values are eroding. Especially in the context of the pandemic, instability and aggression are on the rise in some countries. In such a critical situation, as great thinkers say, the world will be saved by goodness, compassion and humanity "(Mirziyoyev Sh. Strategy of New Uzbekistan. - Tashkent:" Uzbekistan ", 2021. - P. 278.).

President Shavkat Mirziyoyev writes about the need to raise the spiritual and educational work with young people to a new level: However, if we take into account the fact that today the whole world is struggling to win the hearts and minds of the population, especially young people, and the threats of religious extremism, terrorism, drug addiction, "popular culture" are growing, the upbringing of our children We must not weaken our work in the field of education for a moment, but raise it to a new level "(Mirziyoyev Sh. We will build our great future together with our brave and noble people. - Tashkent:" Uzbekistan ", 2017. p. 17).

People's attitudes to life, nature and society, to themselves, to the future and the past, to any particular event, are determined by certain criteria, norms and assessments. In other words, a particular tradition is evaluated and treated in comparison to values. But certain customs, traditions, and values that a person, a community, a society uses, as a criterion, can be true, true or false. Science helps people differentiate between true values and false values. Science reveals positive knowledge about man, about the universe, and can distinguish useful from useless. He can only give positive knowledge. The system of customs, traditions and values in a society is determined using the social sciences. The values defined by science, on the one hand, contribute to the expansion of the human worldview, free it from various errors and misconceptions, superstitions, on the other hand - the development of production technologies, increase labor productivity and well-being. For this reason, the study of the role of scientific values in the development of society, including spiritual development, is of great scientific importance.

The renewal of the principles of shaping the spirituality of young people is a multifaceted process. It has a great social meaning and is manifested in such processes as the spiritual life, ideology, culture and renewal of the education system of society, the spiritual purification of people.

The issues of improving traditions, customs and scientific values in the development of modern education, the scientific analysis of the role and importance of customs and traditions in the development of society are on the agenda as a national, socio-political needs. Hence, it is natural that in the process of spiritual renewal there is a growing interest in the study of customs, traditions and values not only theoretically and methodologically, but also in practice. In this process, gender factors also play an important role in teaching young people national customs and traditions, in determining the axiological attitude towards them.

It was only at the end of the last century in our country that the idea of taking into account gender differences and similarities in the educational process began to be put forward. At the UNESCO conference on October 9, 1998, it was recognized that the goal of the higher education system is to build a society free from violence and oppression. To achieve this goal, it is necessary to redesign the curriculum using new pedagogical technologies and modern methods. The newly developed curricula take into account gender equality, as well as gender factors in all disciplines.

In some higher education institutions in Uzbekistan, since 2001, enterprising teachers have been lecturing on specific aspects of gender research in the form of special courses. Experiences in this area have shown that students have a strong interest in gender research. The study of gender studies in higher education institutions of the country will not only help to shape the thinking of future professionals on the basis of the latest analytical achievements in the world, but also the further development of this field in Uzbek science (Kurbanova G.M. . 2015, 12. - P. 59-63.).

Gender differences and similarities are based on taking into account the similarities and differences in the learning activities of girls and boys in the educational process. This, in turn, helps to ensure the effectiveness of the learning process. Belonging to one or another gender determines the capabilities of the student's personality. Research aimed at taking into account gender differences and similarities between girls and boys is being carried out on a larger scale in practice in gender pedagogy and psychology. This is especially evident in the direction of sexual education and the consideration of mental capacity in the process. Gender-based education is a set of educational and enlightenment tools that have a comprehensive impact on the preparation of students for future life (Hof R. Vozniknovenie i razvitie gendernyx issledovaniy./Pol, tender, kultu-ra. // Pod red. E.Shore i K. Hayder. - M.: 1999. - P. 23-53).

Today, the consideration of gender differences and peculiarities in the educational process is recognized as a natural and pedagogical phenomenon. However, in didactics there is no scientific interpretation of this phenomenon. It is clear to all professionals that it is impossible to ensure the effectiveness of learning outcomes without taking into account the specifics of gender differences in the learning process. In particular, psychologists are making a number of advances in this area.

One of the main tasks of education is to involve women in scientific activities, to support their software development, innovative ideas, inventions, rationalization activities based on modern information and communication technologies. Therefore, ensuring equal rights and opportunities for women and men in education, science, sports and health is one of the priorities in the implementation of the Strategy for Gender Equality in the Republic of Uzbekistan until 2030.

In the process of globalization, information threats to the various spheres of human life, national traditions, values, moral norms, and various forms of spiritual threats aimed at separating people from their ethnic, cultural and national historical roots are growing.

Protecting the hearts and minds of the younger generation from these threats, educating them in the spirit of national and universal values, educating them as mature professionals who can express their independent views on the events around them, with a deep understanding of the meaning and causes of political processes in the world. functions.

Therefore, instructions were given to create a single system of spiritual and educational work, in particular, to educate boys and girls from an early age to be educated and virtuous, to increase the effectiveness of spiritual and educational work at all stages of continuing education. It is planned to introduce the post of vice-rector for youth affairs and spiritual and educational work within the existing state units in all universities and their branches.

Particular attention was paid to ensuring the stability of the socio-spiritual environment in the neighborhoods. It was announced that professors and well-known intellectuals will be attached to each mahalla on the principle of "one intellectual - a spiritual patron of one neighborhood."

President Shavkat Mirziyoyev chaired a video conference on important measures to raise the system of women's support to a new level and further enhance and strengthen the role of women in society, as well as strengthening their social protection, prevention of domestic violence and gender equality. He proposed to organize a movement of "smart women" in the neighborhood, which has a great reputation and extensive life experience. "This movement must become a real 'conscience of the neighborhood', because an enlightened society cannot be built without enlightened mothers. We are talking about building the foundations of the Third Renaissance, creating a new spiritual space in society. . ", said the President.

International online conference "Gender features of axiological attitude to national customs and traditions in youth" organized by the Center for Gender Equality Research at Fergana State University in 2020 with the support of the Academic Council of FarSU. The formation of such noble feelings as loyalty, protection from the attacks of "popular culture", the full support of gifted and talented artists, socially active young people who contribute to the socio-economic, spiritual and cultural development of our country, their spiritual development, aimed at helping them find their place.

The conference discussed the results of international and national research in a number of topical areas. They are:

- Socio-cultural and gender factors in raising the axiological consciousness of young people;
- Gender aspects in national customs and traditions;
- The impact of national customs and traditions on the socio-spiritual activity of youth and its gender, historical, mental, ethnic, pedagogical and psychological features;
- Trends in the formation of axiological attitudes of young people to national customs and traditions;
- The role of social sciences and humanities in the study of gender aspects of raising the axiological attitude of young people to national customs and traditions.

We believe that the materials of this conference will serve as an important scientific and methodological resource in shaping the axiological attitude of young people to national customs and traditions. I also believe that on the basis of this conference there will be an exchange of important ideas and approaches to the education of young people, the results of which will serve as a program for researchers, young researchers, masters to use in their future work.

**Rector of FarSU, Doctor of Pedagogical Sciences,  
professor B.Sh. Shermuhammadov**

## 1-ШЎЪБА. ЁШЛАРДА АКСИОЛОГИК ОНГНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ВА ГЕНДЕР ОМИЛЛАРИ

### ЁШЛАРГА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИ ЎРГАТИШДА ОНАЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

*Турғуной Эгамбердиева*  
*ФарДУ профессори, педагогика фанлари доктори,*  
*Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази раҳбари*

Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, осори атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданиятга эга бўлган халқлардан бири сифатида ўзининг маънавий ва моддий хазинасига эга. Ўтмиш авлодларимиздан бизга қадимий урф-одатлар, тантаналар, халқона мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу билан биз ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бунинг учун ўша қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодларга ҳам етказиш муқаддас инсоний бурчимиздир, шуни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар давомида шаклланган урф-одат, маросим, адабиёт, санъат муаллақ холда, ўзга халқлардан бекитикча пайдо бўлиб ривожланмаган. Аксинча, биз билан қадимдан ёнма-ён жон қўшни сифатида ҳаёт кечириб келаётган қардош козоқ, қирғиз, туркман, тожик ва озарбайджон халқларнинг бевосита иштироки ҳамроҳлигида яратилган тараққий топган. Хатто жаҳоннинг кўплаб бошқа халқлари вакилларининг ҳам бу қадимий маданиятнинг шаклланишида муайян ҳиссалари бор.

Ҳар бир халқ ана шу удумлар, урф-одат, ўтмишга чуқур томир отиб кетган ўқ илдиэлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Тарихдан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русум, таомил, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қатор омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шундай омиллардан бири турмуш тарзидир. У ёки бу халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган ҳар бир маросим миллийлик қобидан чиқиб, умуминсоний қадриятга айланади; тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган қўшни халқларни бирлаштиради. Қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи кўприкларни вужудга келтиради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, барча халқ урф-одатлари, анъана ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, у моддий турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлган; вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келган.

Инсоният тарихида ахлоқ-одоб асосий ўрин тутади. Урф-одатлар билан ахлоқ-одоб ўртасидаги муносабатнинг шаклланишида, миллий анъаналар катта рол ўйнайди. Унинг учун ҳар бир киши ана шу урф-одатлар тараққиётининг нечоғлик зарурлигини билиб олиш ва бу урф-одатлар бошқа халқлар удумларидан нечоғли фарқ қилишлигини, урф-одатларнинг пайдо бўлиши ва йўқолиб кетиш сабабини илғаб олиши муҳимдир.

Олис ўтмишни ичига қанчалик чуқур кириб борилса, уни ўрганиш шунчалик қийин бўлади. Чунки, уни тадқиқ қилиш учун манбааларни топиш қийинлашади. Шундай бўлсада, мавжуд маълумотлар топиб, уни чуқур таҳлил қилиб, ўз аждодларимиз тарихини адолатли тарзда ўрганишимиз зарур. Акс ҳолда тарихий онгни тиклаб бўлмайди. Тарих бизни таянчимиз. Бу таянчдан куч олишимиз, уни яхши билишимиз даркор. Биз тарихни қанчалик қадрласак келажагимиз шундай порлоқ бўлади. Шу ўринда биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб номланган асаридан лавҳа келтиришни лозим топдим. “Шуни айтиб ўтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш... Тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора

муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида ўрин тутади”. Ёшлар маънавияти ва тарбияси масаласи Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг доимий диққат марказидадир. Давлатимиз раҳбари ўзининг нутқлари, маъруза ва асарларида юқоридаги масала ҳақида бир қатор долзарб фикрларни билдириб келмоқда. Жумладан, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлайди: “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда”.

Шавкат Мирзиёев ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш зарурлиги ҳақида шундай ёзади: “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо ҳолисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”.

Фарзанд – инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустаҳкам занжиридир. Яхши, солиҳ фарзанд – ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди. Фарзандлар “жаннат райҳонлари” деб тавсифланиши бежиз эмас. Аммо у одобли, яхши фазилатлар соҳиби, итоаткор ва қобил бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради. Бунинг акси бўлишидан Аллоҳ сақласин!

Оила ва солиҳ фарзандлар кўришни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Фарзанднинг яхши, одобли, меҳнатсевар, соғлом бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан онасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун динимиз кўрсатмаларида бўлғуси келинни танлашга алоҳида эътибор қилинади. Келажакда туғилажак фарзандларга муносиб она танлаш ҳақида фарзанд ҳали туғилмасидан қайгурилади. Оиша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзандларингизга муносиб онани ихтиёр қилинглар”, деганлар.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини ҳар қадамда ҳис этиб турган болалар бутунлай ўзларини жамоат ишига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгличан бўлиб улғайишар экан. Онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни турли азият берадиган нарсалардан сақлаган ҳолда вақтида озиқлантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, шамоллаб қолишига йўл қўймай, уни парвариш қилишда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай доимо хушёр ва ундан хабардор бўлишлиқдир.

Оналарнинг бошқа муҳим вазифаларидан бири фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим бўлади. Илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиш пайдо қилиб, ўқиб ўрганиб маълумот ҳосил қилган киши,

албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

Аёллар агар болаларига яхши тарбия бермасалар, уларга ўзини, миллатини, динини, Ватанини танитмасалар ва севдирмасалар, оналик ҳақини адо этмаган бўлишади.

Донишмандлар бола тарбиясига у ҳали ҳомила ҳолида эканидаёқ киришишни маслаҳат беришади. Бунга қандай эришиш мумкин? Бўлажак онанинг емиши ҳалол, пок бўлиши, у ҳамиша тоза, покиза юриши, дуо ва зикрни мунтазам айтиб туришининг туғилажак фарзанднинг келгусида яхши тарбияли, одобли, эътиқодли, чин инсон бўлиб камолга етишида катта фойдаси бор.

Шу ўринда машхур олимлар ва тасаввуф шайхларининг оналари ҳомиладорлик пайтларида нима-ларга эътибор қилишгани ва ўз фарзандларини тарбиялаб вояга етказишда қандай йўл тутишгани ҳақидаги ибратли ривоят билан танишайлик:

Собит исмли йигит бир боғдан оқиб чиққан ариқда юз-қўлини юварди. Шу пайт кўзи сувда қалқиб келаётган қирмизи олмага тушди. У олмани тутиб, бир тишлади. Тишладую, мазасини билган заҳоти хушёр тортди: «Нима қилиб кўйдим? Ахир бу олманинг эгаси бўлса керак?! Ўзимники бўлмаган нарсадан тотиндим, энди эгасини албатта рози қилишим керак!»

Йигит шу хаёл билан сув оқиб келаётган томонга юрди. Бироздан сўнг ҳосили кўплигидан шохлари сувга эгилиб турган олма дарахтларини кўрди. Қўлидаги тишланган олмага қараса, ўша дарахт мевасига ўхшайди. «Мен сўроқсиз тотинган олма шу боғдан экан», деб ўйлади ва боғ эгасини чақирди. Чиқиб келган боғ соҳибига бўлган воқеани тушунтирди. Сўнг «Розилигингизни олмоқчи эдим, олманинг ҳақини бераман, ғафлатда қолиб қилган хатойимни кечирингизни сўрайман, олмани менга ҳалол этсангиз», деди. «Уч йил менга ишлаб берасан, шундан кейин ўйлаб кўраман, олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чораси шу», деди боғ эгаси.

Собит розилик билдирди. Бир лаҳзалик ғафлат, сўроқсиз бир тишланган олманинг тўлови ўша боғдаги уч йиллик хизмат бўлди. Аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди. Нима қилиб бўлса-да, олмани ҳалоллаб олиши керак!

Уч йил тўлган куни Собит бадавлат боғ эгаси олдига борди. Муҳлат тўлганини айтиб, «ҳақингизни ҳалолланг, энди мен кетай», деди. «Уч йил ўтгач, ўйлаб кўраман, деган эдим. Ўйлаб кўрдим. Бироқ яна кичик бир шартим бор, шуни ҳам бажарсанг, кейин ҳақимни ҳалол этаман: менинг бир қизим бор, кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ – юрмайди. Агар шунга уйлансанг, олмага рози бўламан, акс ҳолда, рози эмасман», деди боғ соҳиби.

Йигит унинг шартига кўнди. Никоҳ ўқитилди, тўй зиёфати ўтди. Куёв гўшангага кирса, соппа-соғ, ҳусни бинойидай келин ўтирибди. «Бу ерда бир янглишлик ёки хийла борга ўхшайди», дея ўйлаган йигит қайнотага учради. «Отажон, менга кўр, тилсиз, мажруҳқизим бор, деган эдингиз, ҳолбуки, соғ-саломат гўзал қизни кўрдим», деди.

Қайнота кулимсираб: «Шундай, ўғлим, қизим ҳаромга қарамайди, шунга кўзлари кўр, ҳаромни сўзламайди, шунга тили йўқ, қўлини ҳаромга чўзмайди, шунга қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунга оёғи ҳам йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода айтдим. Чунки қизимга сен каби Аллоҳдан кўрқадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган бир солиҳ йигит ахтариб юрган эдим. Сенинг сўроқсиз тишланган бир лўкма олма учун ҳалоллик сўраганингда орзуимдаги йигитни топганимга ишондим ва сени уч йил имтиҳон қилдим. Синовлардан ўтганингдан кейин ҳеч бир тараддудсиз қизимни сенга узатишга рози бўлдим», деди.

Бу никоҳдан мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (Имоми Аъзам) раҳматуллоҳи алайҳи дунёга келди, бу зот шундай тақволи ота-онадан туғилди. Имоми Аъзам болалигида Қуръони каримни уч кунда хатм қилди. Югуриб бориб онасига: «Отажон, Қуръони каримни уч кундаёқ хатм қилдим», деб қувонди. «Ўғлим, агар отанг ўшанда олмани бир тишламаганида Қуръонни бир кунда хатм қилган бўлардинг!» деди онаси.

Бу ибратли ривоятдан равшан бўладики, боланинг келажакда қандай инсон бўлиб улғайиши кўп жиҳатдан оналарга, уларнинг қандай тарбия беришганига, ҳатто болаларига қай даражада меҳр кўрсатиб, эркалаганларига боғлиқ. Шундай бўлгач, болангизнинг баркамол дунёга келиши, яхши инсон бўлиб улғайишини истасангиз, онасининг емишига, кайфиятига эътибор қаратинг.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси борасида оилада онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Фарзандга меҳр деган улғу туйғуни онадан бошқа ҳеч ким бера олмайди.

Афсус, баъзан оналар учун бола тарбияси жамият ва рўзгор юмушлари олдида эътиборсиз нарса бўлиб қолмоқда. Агар аёллар болаларига яхши тарбия бермасалар, уларга ўзини, миллатини, динини, Ватанини танитмасалар ва севдирмасалар, оналик ҳақини адо этмаган бўлишади. Зеро, Ислоом олимларидан бири айтганидай, «Авлодларни вояга етказиш ва муносиб инсон қилиб тарбиялаш мақсад қилиб олинмаган никоҳ шунчаки бир айш-ишрат ва маишатдан бўлак нарса эмас. Бу никоҳдан туғилган болалар ҳам ўткинчи ҳирсининг қурбони бўлган бечо-ралардир». Оилада фарзанд тарбиясида аёл кишининг ўрни деганда фахр билан айтамикки, бугунги кунда ўзбек оилалари хусусан оналаримиз, аёлларимиз оиланинг соғлом иқлимли, оила бағрида фарзандларини эл-юртнинг муносиб ўғил-қизлари, Ватанининг ҳақиқий содиқ фуқароси бўлиб вояга етишларида жон кўйдирмоқдалар.

Оила тарбиясида доимий таъсирчан куч – оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир – бирига муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли кишиларнинг хулқ – авори, маънавий – сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромати, яшаш шароити ва шу каби омилларни ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Оила маънавияти деганда нима тушунилади? Оила маънавияти бу – оила аъзоларининг руҳий кечинмалари, ақлий қобилиятлари, иродасини мужассамлаштирувчи тушунча бўлиб, у оилавий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши, мустаҳкамланиши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади<sup>2</sup>.

Агар оилада оила бошлиқлари маънавиятли юксак кишилар – онгли, оқ – қорани таниган, фидойий, узоқни кўра билувчи, одамларга яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи эканлигини доимо ёдда сақлаб, фарзандларини ҳам шундай руҳда тарбиялайдиган бўлсалар бундай оилага ҳамма ҳавас билан қарайди, маҳалла – куй эса ундан ибрат олади.

Оилада ота-онанинг бир-бирига чексиз ҳурмати, вазминлиги, сермулоҳазалиги, барча оилавий ишларни бамаслаҳат ҳал қилиши, бу ишда фарзандларнинг истак-хоҳишларини ҳам тингланиши оила аъзоларининг барчасига ибрат бўлади. “Қуш уясида кўрганини қилади” – деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Эр – хотин ўртасидаги муомалада беписандлик, ҳурматсизлик, дағаллик, ёлғон сўзлаш, такрорланувчи уруш-жанжаллар болалар руҳиятига ёмон таъсир қилади, улар манавиятининг мажруҳ бўлишига олиб келади. “Ота ўтирган уйнинг томига чиқилмайди” - деб бекорга айтилмаган.

Дунё аҳолисининг ярмини аёллар ва қизлар ташкил этади бу инсоният салоҳиятининг ярмига тенг деганидир. Шу сабабдан аёллар ҳуқуқларни кафолатлаш ва уларнинг кадр қиммати, ўз имкониятларини юзага чиқариши, эркин қарорлар қабул қилиши, билим олиши, касб эгаллаши учун имкониятлар яратиш нафақат гендер тенгликка эришиш учун балки жамият маънавий ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Аёллар ва қизлар бу орқали ўз оилалари, давлати, мамлакати юксалиши учун ҳисса қўшиб, шу билан бирга оиласига қўшимча даромад келтиради, ватани ривожланиши учун ҳисса қўшади, сиёсий жараёнларда иштирок этади. Зиёли аёлнинг фарзанди тарбияли, билимга чанқок, юртини, ватанини севадиган соғлом фарзанд бўлиб улғаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги 3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланган бўлиб, IV-йўналишда оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини



мустаҳкамлаш, жамиятда анъанвий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик консултант ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармонига асосан маҳалла институтининг роли янада кучайтирилди ва “Кучли давлатдан кучли жамият сари” ҳаракати амалда ўз ифодасини топмоқда.

Шу сабабдан ҳам оила ижтимоий институт сифатида гендер тенглик масалалари ҳам биринчи навбатда оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатларда шаклланади. Нега энди айнан оилалар ва уларнинг муҳитида эркак ва аёлнинг тенглик масалаларини ўрганиш давлат сиёсати даражасида ўрганилмоқда? Сабаби, айнан оила омили турли ижтимоий мақомларни эгаллайдиган жамоа сифатида шахс тарбияси, авлодлар ворисийлиги билан инсонга бутун умри давомида таъсир этувчи, мавжуд бўлишига кўра тоифаланувчи фуқаролик жамияти институтларидан биридир. Ўз даврида жадид бобокалонларимиздан А.Фитрат “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам кучли ва тартибли бўлади”[8]деб таъкидлаган. Демак, оилалар кичик ижтимоий институт сифатида фаолият олиб бориши билан индивидуал қобилиятларни, шахсий, касбий қизиқишларни, таълимий, тарбиявий, ахлоқий меъёрларни, эркак ва аёл ўртасидаги тенглик масалаларини шакллантиради. Шу сабабдан оилада эр ва хотин ўртасида тенглик ғояси, бир-бирларини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, эркин фикр юритиши учун шароит яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб қувватлаш, гендер тенгликни таъминлашнинг бошланғич кўринишлари ҳисобланади.

Биз биламизки, қадимдан эр ўз оиласини боқиши, пул топиб келиши, уй рўзгорини бут қилиши, моддий томондан таъминлаши, аёл эса уй юмушларини бажариш, овқат қилиш, бола тарбияси билан шуғулланиши лозим бўлиб келган. Кўп йиллар давомида ривожланиб анъанага айланган эр боқувчи хотин она тамойили эр ва хотин ўртасидаги муносабатларга катта таъсир ўтказди, сабаби жамиятда ҳар бир инсоннинг қизиқишлари, интилишлари, салоҳияти ва лаёқати ўзига хос индивидуалдир. Лекин шундай бўлсада аёллар оиласини, фарзандларини - иш фаолиятидан кўра устун кўради, кадрлайди. Кўпчилик ўзбек аёлларига мартабадан кўра фарзандларининг бахт-саодати ва фаровон ҳаёти муҳимроқдир.

Оила муҳитидаги тарбиявий ишларнинг технологик тизимини ҳамкорликда сингдиришда кекса авлод ижтимоий фаоллигини ошириш мотивлари (кераклилик, дахлдорлик, эҳтиёж ва меҳрнинг юқорилиги) билан бирга жамиятда кекса авлодга аксиологик ёндашувнинг ҳиссий-иродавий компонентлари, ҳаётий тажриба (витаген таълим), интеллектуал-педагогик салоҳиятини долзарблаштириш асосида тадқиқ этиш юқори самара беради.

Витаген (ҳаётий) таълим – бу инсоннинг маълум бир ҳаёт босқичида шаклланган, шахсий муносабатларини акс эттирувчи билимлар, ҳис-туйғулар, ҳаракатлар мажмуидир. таълим жараёнида шахснинг ҳаётий тажрибаси, унинг интеллектуал-психологик ва педагогик салоҳиятини долзарблаштириш ва заруриятга айлантиришга йўналтирилган таълим ҳисобланиб, икки хил ҳаётий тажрибага асосланади. Биринчи ҳаётий тажриба - инсон учун етарли қийматга эга бўлмаган ҳаёти ва фаолиятининг айрим жиҳатларини ифодаласа; иккинчи ҳаётий тажрибада эса инсонга қадрли бўлган узоқ муддат хотирасида сақланган ва тегишли вазиятларда янгиланишга тайёр бўлган фаолиятдир. Бу тажриба замонавий педагогикада компетенция деб аталади.

Минг афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим эркакларнинг ўз турмуш ўртоғига муносабати ёки аёлларнинг ўзбек аёлига хос бўлмаган

Ўзини тутиши, муомаласи, ҳақорату дашномлардан иборат гап-сўзлари каби айрим ҳолатлар киши кўнглини хира қилмоқда. Бундай ҳолатларни кўриб, кўпни кўрган айрим кекса авлод вакиллари ва ўрта ёшли кишиларнинг норози бўлиб гапиришига, уларни гоҳ илмсизлик, гоҳ ахлоқсизлик ва гоҳида одобсизликда айблашларига тез-тез гувоҳ бўламиз.

Халқимизда “Аёл-оила кўрғонининг маликаси” деган гап бор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сизларнинг энг яхшингиз – аҳли аёлига яхши муносабатда бўладиганингиздир», деб марҳамат қилганлар. Шу сабабдан, «тенг ҳуқуқлилиқ»да мурасию мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя этиш оилалар маънавий- ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Аслида эса гендер тарбиянинг асоси оиладан бошланиши барчамизга маълум албатта. Бу масалада маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида шундай дейди: “Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилинур?” деган саволга келадур. Бу саволга биринчи уй тарбиясидир. Бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир, деб жавоб берса бу киши деюрки “қайси оилаларни айтарсиз билимсиз боши пахмоқ, қулоғи тухмоқ оналарни? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар” дер. Отасига нима дерсиз, десак “Қайси ота? Тўйчи улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи илм қадрини билмаган илм учун бир пулни кўзлари қиймаган замондан хабарсиз оталарни айтиурсиз? Аввал ўзларини ўқитмоқ, тарбия қилмоқ лозимдир”<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам кўп нарса катта авлод ибратига боғлиқ. Чунки ёшларни фазилатларга бой шахс сифатида камол топтиришнинг асосий омилларидан бири ибратдир.

Оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш ва гендер тенгликни таъминлашда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз ўрни бор. Оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёл жамиятдаги меъёрларга амал қилиши, зиммасидаги бурч ва вазифани қонун доирасида, адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда бажариши, оила бошқаришни билиши, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, турли ишларга чиройли тарзда сафарбар эта оладиган салоҳиятга эга бўлиши, нафақат оила аъзоларига, балки жамиятнинг барча аъзоларига ибрат бўлиши зарур. Эр ва хотиннинг гендер тенглик масаласида бир-бирларини тушуниши, ҳурмат қилиши оилавий масалаларни биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қилиши оилада юзага келадиган ҳар қандай низо, ихтилоф ва муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишга имконият яратади. Сабаби, ота- она, келажак авлод эгалари – ёшлар учун ибрат кўзгусидир.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- оналарнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки, ижтимоий фаоллиги ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини янада кенгроқ тадқиқ қилиш лозим.

- оналар тажрибаси ижтимоий тафаккурнинг муҳим йўналиши эканлиги, миллий урф-одат ва қадриятларни ёшларга сингдиришда айнан оналар таъсирини янада ошириш йўллари ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

- оналар билан ёшлар ўртасидаги муносабатларни миллий қадриятларимиз руҳида ривожлантиришда ўзаро меҳр-оқибат, юксак даражадаги маданият, инсонийлик тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. .

Ёшларга миллий урф-одат ва анъаналарни ўргатишда оналарнинг ролини ўрганиб қуйидаги амалий **таклифларни** беришимиз мумкин:

- ҳудудлар кесимида яшаб ижод қилаётганнамунали онахонлар имконияти ва тажрибасини оммалаштириш бўйича бобо-буви мактабларининг “Оилада эр ва хотин муносабатлари”, “Оилада хўжалик юритиши”, “Оила бошқаруви”, “Оила барқарорлиги” сайёр визуал рукнларини ташкил этиш;

- ибрат мактаби яратган бобо ва бувиларининг турмуш тарзи ва ҳаёт фаолияти бўйича ижтимоий роликлар тайёрлаш орқали улар ҳаёти ва фаолиятини жойларда кенг тарғиб қилиш;

– миллий урф-одат ва анъаналарни ёшларга ўргатишда нафақат насиҳат, маслаҳат йўлибалки, ибрат кўрсатиш, ҳамкорлик ва ҳамфикрликни йўлга қўйиш бўйича авлодлараро “Оғзаки тарих” коуч-тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон қонуни.
2. Аҳмедов Б. Ўзбек тилида гендер тадқиқи. Ўқув қўлланма. – Андижон: 2012. - 184 б.
3. Воронина О.А. Теоретико-методологические основы гендерных исследований. Курс лекций. - М.: МЦГИ, МВШСЭН, МФФ, 2001 - С. 13,106
4. Де Бовуар С. Второй пол. - М.: (DeBovuarC. Secondsex. М., 1997).
5. Силласте Г.Г. Гендерная социология и российская реальность. - М.: «Альфа-М», 2016.
6. A History of Woman in West. / Gen. eds. G.Duby, M.Perrot V.I Cambridge (Mass.), 1992
7. Фитрата. Оила. -Т.: “Маънавият”, 1998. – 112 б.
8. А.Авлоний. Туркийгулистонёхудалок. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992. 11-б.

### **ГЕНДЕРНЫЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ**

*Джамил Ахмад, Пакистан  
аспирант*

*ФГБОУ ВО «Башкирский государственный педагогический  
университет им. М. Акмуллы»*

*Email:[ahmadpakistan2014@gmail.com](mailto:ahmadpakistan2014@gmail.com)*

Проблемы, которые связаны с особенностями пола людей, их психическими особенностями, в наше время являются часто обсуждаемыми в обществе. Общение мужчины и женщины отличается, ведь они не являются одними и теми же людьми. Понятие «гендер» означает совокупность речевых, поведенческих, личностных характеристик, которые отличают мужчин и женщин, находящихся под влиянием культуры в духовном смысле.

Вопросы, которые касаются непонимания в ходе общения мужчин и женщин, волнуют субъектов данного процесса, ученых разных областей науки, занимающихся гендерной методологией. Ученые склоняются к утверждению, что на коммуникативный стиль все же оказывает влияние типичность черт представителей обоих полов. Мужчины понимают мир в виде отдельной личности в системе строя социума, где он находится выше или же ниже других. В его понимании жизнь представляет собой борьбу за право обеспечить себе независимость и избежать неудачи. Женщины считают, что жизнь является общностью, нужно стремиться поддерживать близкие отношения и избегать одиночества. В мире преобладает независимость, возможность отдавать приказы другим, что является демонстрацией превосходства над другими. Женщины отдают предпочтение близости, а мужчины – независимости.

В детстве женщины обучаются совместным разговорам, общению, дружелюбию, сочувствию. Беседа считается средством для сближения, взаимопонимания. Поэтому они больше спрашивают, интересуются. Мужчины ведут беседы в одностороннем порядке, у них происходит беседа в форме сообщения. В разговоре они демонстрируют свои знания, навыки, осведомленность. Мужчины пользуются разговором для привлечения внимания. Представительницы прекрасного пола предпочитают приватность в беседе, при беседе желают приобрести гармонию, согласие, тогда как мужчины просто излагают

информацию о важных происшествиях. В домашней обстановке ему говорить не о чем. Однако стоит появиться двум, трем человекам, так он сразу желает говорить. Различие в стиле общения является результатом воспитания. Мужчины и женщины развиваются в различных вербальных мирах. Общество разговаривает с ними по-разному, отвечать они должны также по-разному. В девочках воспитывают скромность, сочувствие, склонность к помощи окружающим. Мальчики играют в игры, направленные на победу, на то, чтобы уметь занять свое место в иерархии, из-за которого образуются споры. В играх для девочек нет жестокости, борьбы за статус, они учатся находить компромиссы, договариваться. Все эти аспекты оказывают влияние на образование отличий в стиле речевого общения между полами. Мужчины по своей природе прямолинейные, излагают мысли, следуя логике, им нужна цель разговора, аргументы. Женщины долго ходят вокруг да около, путаются в мыслях, нет последовательности, склоняются к обсуждению деталей.

В течении беседы женщины много спрашивают о том, что интересно другим, демонстрируют свое участие в разговоре, поддерживают говорящего. Мужчины в беседе многословны, контролируют тематику разговоров. Если идет разговор с женщиной, то их монолог длинный, похожий на лекцию, тогда как женщина выполняет роль слушателя.

Темы для беседы также различные. Мужской пол является сторонником обсуждения стоящих задач перед ним, рассказывает о бизнесе, футболе, спорте. Женщин волнуют взаимоотношения между людьми, красота, мода. Они настроены на получение помощи, поделиться советами. Также наблюдаются особенности и в манере слушания. Мужчины проявляют внимание к содержательной стороне беседы. Слушают они от десяти до пятнадцати секунд, когда осознают, что хочет донести до них собеседник, то либо начнут перебивать собеседника, либо критиковать. Женщина обращает внимание лишь на эмоциональную сторону общения, а не на содержание. У мужского пола стиль характеризуется активностью, содержательностью, конфликтностью, конкурентностью, эмоциональной сдержанностью.

Итак, есть много отличий в речевом поведении обоих полов. Происходит взаимоотношение различных культур в диалоге. Особенность менталитета, стереотип поведения представителей стран кладут отпечатки на стиль диалога мужчин и женщин.

### **Понятие коммуникативная компетенция**

Термин «компетенция» было принято обществом науки из-за работ американского лингвиста Н. Хомского. Он применяется в методике преподавания языка при определении цели и содержания обучения. В наше время наука вкладывает в данное понятие общность знаний, умений, навыков [1].

Данная компетенция состоит из навыка с пониманием отбирать средства языка, чтобы общаться в речевых ситуациях, осознавать речь устно и письменно, уметь воспроизвести содержание в нужном объеме, образовать свои связные высказывания в различном жанрово-стилистическом виде.

Можно выделить несколько компонентов коммуникативной компетенции:

1. Грамматическая компетенция – системное владение грамматическими правилами, словарными единицами, которые формируют единицы лексики в высказывании.
2. Социолингвистическая компетенция является способностью выбирать необходимые формы языка и средства в соответствии с ситуацией общения.
3. Дискурсивная компетенция – возможность выстроить целостные, связные, логичные выражения в различных стилях речи устно и письменно.
4. Социокультурная компетенция – понимание особенности культуры языкового носителя, привычки, традиции, нормы поведения.

Коммуникативная компетенция состоит из таких умений, как:

- чтение и понимание несложных, аутентичных текстов;
- устное общение в стандартных ситуациях жизни;
- устно рассказать о себе, пересказывать, выражать свое мнение, давать оценку.

Таким образом, коммуникативная компетенция может определяться как средство, необходимое для контроля и формирования ситуации речи в социальном контексте.

### **Коммуникационные препятствия**

Культура мужского пола продиктовывает требования, определяя специфику сложного характера образования мужской гендерной идентичности. Специфичность их культуры оказывает влияние на формирование их мужской личности, ценностях, сознании, норм поведения, которыми истинный мужчина должен руководствоваться всю жизнь.

Женская культура определяется социокультурной специфичностью поведения, имиджа, которым они должны следовать.

Психоанализ создал определенные постулаты мужских свойств, которые образуются в течение развития индивидуума. Поведение мужчин характеризуется агрессией, решимостью, соперничеством [2].

Обе культуры являются основами гендерной социализации мальчиков, девочек, мужчин, женщин, поэтому изначально возникающие противоречия, потом тянутся всю жизнь.

### **Методы формирования коммуникативной компетентности**

Коммуникативная компетентность понимается как возможности ресурсов человека, которые нужны, чтобы построить эффективное коммуникативное действие в определенной ситуации межличностного взаимодействия. Акт коммуникации состоит из анализа, оценки ситуации, формирования целей и состав действия, воплощение плана, его коррекцию.

Исследования социальных взаимоотношений дали возможность установить, что человечество при коммуникации делают ориентир на свод правил регулирования общих действий. Этот свод правил состоит из локального социального аспекта, ритуалов, правил регуляции активности соревнований.

Если человек не обладает знанием общепринятых правил, то окружающие испытывают неловкость. Создать адекватные инструменты анализа этой части коммуникативной компетентности – задача будущего.

Современный взгляд на проблему развития и формирования коммуникативной компетентности взрослых людей состоит в том, что на обучение смотрят как на самосовершенствование на базе своей деятельности [3].

Приобрести опыт коммуникации можно на базе самого участия в коммуникативных взаимодействиях с иными людьми. Эффективными являются формы групповой работы в виде групп, где участвующие приобретают возможность верифицировать свои определения ситуаций коммуникации в течение сравнения мнений всех участников группы. Работа в группах является значимой частью, так как в результате происходит образование новых инструментов для анализа, важным преимуществом их является эксплицированность в течение образования, способность изначальной коррекции [4].

Несомненно, что значимым остается наблюдение за коммуникативным взаимодействием с аналитикой, потому что это тренирует приобретенные познавательные инструменты, помогает овладеть способами регулирования своего поведения коммуникации.

Метод наблюдения способствует выявлению системы правил, при помощи которых люди создают личное взаимодействие, понимают какие нужны правила, которые необходимы для этого процесса, а какие мешают его осуществлению. Поэтому рекомендуется наблюдать за поведением коммуникации иных людей в качестве хорошего приема, чтобы повысить собственную компетентность.

Значимым аспектом в образовании навыков коммуникации является мысленное проигрывание личного поведения в многообразных ситуациях. Планировать свои действия про себя важно для нормально протекающего действия коммуникации. Возможность человека производить действия про себя можно применять при обеспечении

контролируемой спонтанности, которая является важной характеристикой компетентного коммуникативного поведения.

Групповые приемы изучения коммуникативности можно объединить в три основных блока:

- дискуссионные методы;
- игровые методы;
- поведенческий тренинг.

Объектом обсуждения метода дискуссий может выступить специально сформулированная задача, случай из профессиональной практики, межличностные отношения участников. Прием группового обсуждения дает возможность уяснить каждому участнику свою личную точку зрения, развить инициативу, качества коммуникативности и умения.

Игровые приемы можно разделить на операционные и ролевые. Операционные игры со сценарием, где закладывается жесткая система верности и неверности принятия решения, то есть учащийся может видеть те воздействия, которые оказывают его решения на события будущего. Данные игры используются в роли средств обучения профессионалов, формирования их личных, деловых качеств, профессиональной пригодности.

В основе социально-психологического тренинга лежат ролевые игры. В данной игре человек встречает ситуации, похожие на те, которые есть в реальности. Человек должен поменять личные стереотипы в предложенной ситуации. Формируются новые, эффективные навыки коммуникации. Вперед выходят активные действия как значимые детерминанты успеха социально-психологической тренировки [5].

В структуре коммуникативной компетентности заложены некоторые способности:

1. Управление социально-психологическими процессами общения.
2. Уметь формировать социально-психологический прогноз в определенной ситуации коммуникации.
3. Уметь программировать процесс коммуникации.

Прогнозирование выстраивается в процессе анализа ситуации коммуникации на уровне установок коммуникации. Установка коммуникации партнера является своеобразной программой поведения личности в процессе коммуникации [6].

Коммуникативная компетентность подразумевает под собой знание правил, норм общения, владение его технологией. Также она является частью коммуникативного потенциала личности.

Коммуникативный потенциал личности является характеристикой способностей человека, которые определяют качества его общения. Помимо компетентности в нем есть коммуникативные свойства человека, характеризующиеся развитием необходимости в общении, отношение к способу общения и способности коммуникации – возможность владеть инициативой в общении, способность показать активность, эмоционально откликнуться на состояние партнеров общения, сформулировать личную индивидуальную программу общения, способность к самостимуляции и обоюдной стимуляции в общении [7].

1.Берн С. Гендерная психология. СПб., 2002.

2.Горошко Е.И. Особенности мужских и женских вербальных ассоциаций (Опыт качественной интерпретации) // Гендер: язык, культура, общение / Доклады Второй Международной конференции. М., 2006.

3.Каплунович И.Я. О различиях в математическом мышлении мальчиков и девочек/ Педагогика, № 10, 2001г.

4.Клецина И.С. Гендерная социализация. СПб, 1997.

5.Красоткина И. Одинаково ли думают мальчики и девочки. / “Дошкольное воспитание”. №12. 2003. с. 44-52.

6.Лурия А.Р. Потерянный и возвращенный мир. М., 1971.

**ТАЗЙИҚДАМИСИЗ, ҚЎРҚМАНГ,  
ҲИМОЯДАСИЗ!**

*Шаҳодатхон Ахунова*  
*“Ёшлар сиёсати хотин-қизлар ва гендер тенглик”*  
*доимий комиссияси раиси,*  
*Халқ депутатлари Фарғона шаҳар*  
*Кенгаши депутати,*  
*“Миллий тикланиш” ДП Фарғона*  
*шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” раиси*

Мамлакатимизда аёл-қизларга бўлган ҳурмат-эътибор, ғамхўрликнинг ортаётгани жамият ҳаётида улар иштирокининг фаоллашуви, ўз ўрнини топишларида улкан самараларни бераётир. Азал-азалдан азизу мўтабар саналган опа-сингилларимизни ардоқлаш, асраб-авайлаш ҳисси бугун ҳар бир юртдошимиз кўнглини беэътиборлиқ билан рост. Аёлнинг аввало ОНА, авлодлар довоидаги мунис тимсол, мўтабар зот экани йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам: аёлни бахтли этиш орқали жамият фаровонлигига эришиш.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” йўналишларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳада амалга оширилган ишлар, аниқланган камчиликлар бўйича бажарилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида республикамиз бўйлаб минг-минглаб хотин-қизларимизнинг саломатлигитикланди, уларни қийнаётган муаммолар ҳал этилиб, таълим олиш, ишга жойлашиш, ўз-ўзини банд этиш ҳамда уй-жойли бўлишларида салмоқли имтиёзлар яратилди ва яратилмоқда.

2021 йилнинг май ойида Сирдарёнинг Сардоба сув омбори бузилиши билан боғлиқ юзага келган муаммолар, афсуски, йўқотишлар мард ва олижаноб халқимиз, жумладан, сирдарёликлар иродасини букиб қўймади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Фарғона вилоят бўлими раҳбарияти ҳамда партиянинг Фарғона шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари ҳам воқеликлар марказида бўлиб, сув тошқиндан талофат кўрган қишлоқ ва маҳаллаларда уйма-уй юрган ҳолда, аҳоли яшаш тарзи, мавжуд имкониятларини чуқур ўрганди.

Сир эмас, бутун дунёда авж олгани каби коронавирус пандемияси мамлакатимиз халқи учун ҳам синовли кечди. Касаллик билан боғлиқ оғир шароитдан келиб чиқиб, мавжуд имкониятларни тўла қувватларда ишга солган ҳолда давлат тараққиётини барқарорсақлабқолиш, бу йўлда имкон қадар яратиб берилган шароит ва қулайликлар боис ҳудудларимиз аҳолиси касаллик офатини мардонавар енгиб ўтди.

Қолаверса, май ойида “Сардоба” сув омборининг ўпирилиши натижасида юзага келган сув тошқини оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг жами 32381 гектар ери зарар кўрди. Мана шундай оғиршароитда халқимизнинг нақақадар бирдам бўла олиши кўзга ташланди. Бугун республикамиз вилоятлари қатори Фарғона вилояти ҳам биринчилардан бўлиб ёрдамга шошилди. Озиқ-овқат, қурилиш моллари, кийим-бош ортилган хайрия карвони ташкиллаштирилди. Буларни барчасини Сардобада туриб ўзим гувоҳи бўлдим.

Айтиш жоизки Сирдарё вилояти, Миробод тумани, “Навбахор” МФЙ йиғинида Сардоба сув омбори билан боғлиқ табиий офатдан зарар кўрган, Фарғона вилоятига бириктирилган 133 хонадон оилаларида бир неча йўналиш бўйича уйма-уй ўрганишлар олиб борилишида қатнашдим.

Вилоят хокимининг кўрсатмасига асосан 68 нафар аҳоли (қариялар, ногиронлар, хомиладор аёллар ва 12 нафар ёш болалар), COVID-19га таҳлиллар олиниб, Фарғона вилояти, Чимён қишлоғи, “Нуравшон” санаториясига юборилди. Уларга барча шарт-шароитлар яратилиб, соғлиқларини тиклашди. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари

олиб борилди. Олиб борилган ишлар Ўзбекистон 24” телеканали ва Фарғона вилояти телерадиокомпанияси “Диёр 24” кўрсатувларида намоёниш этилди. Ўрганишлар натижасига кўра деҳқончилик, уй хўжалиги, чорвачилик билан ҳаёт кечираётган оилалар, хусусан, уй бекаларига тадбиркорлик турлари бўйича атрофлича маълумот ҳамда уни йўлга қўйишга доир қатор имкониятлар тақдим этилди. Қувонарлиси, коронавирус пандемияси ҳамда сув тошқини талофатида ҳам аёллик иродаси, оналик ғурури, яратувчанликга, меҳнат қилишга бўлган интилиш, ишитёки сабаб юзлаб Сирдарёлик аёллар хонадонига тадбиркорлик ривожини кириб борди. Касаначилик, қандолатчилик, тикувчилик соҳаларида янги иш ўринларини яратиб, тошқиндан талофат кўрган туман ва қишлоқларда ўзини-ўзи банд этиш тизими йўлга қўйилди.

Жамиятда ҳаётида аёлларнинг фаол иштирокини ошириш, унинг ҳали очилмаган қирралари, иқтидор ва изланиш қуртакларини кашф этиш йўлида амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар бугун яна бир хайрли ва мақсадли ҳаракат билан бойигани ғоят қувонарли. “Гендертенглик” ҳамда “Хотин -қизларимизни тазйиква зўравонликдан ҳимоя қилиш” йўналишининг изчил йўлга қўйилгани биз, “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолларини янада илғорликка, огоҳликка, ташаббускорликка ундамоқда. Аёлнинг оилада, иш жойида, маҳалла-кўй, қариндошлар, ёр-дўстлар давраси, умуман, давлат ҳаётидаги ўрнининг муҳимлигини кўрсатиш, исботлаш, бунда, аввало, аёлни чин маънода ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифага киришиш бевосита мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар, улардаги масъуллар иштирокини сезиларли равишда ошириш, дея оламиз.

Ушбу янги тизим ва йўналиш мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва унда белгиланган мақсад-вазифаларни тўлиқ амалга ошириш биз, депутатлар зиммасидаги масъулият янада ортди, дейиш мумкин. Худудларда аёлларга нисбатан бўлаётган муомала, муносабатлар, уларнинг салбий томонларини ўз вақтида аниқлаш, ечимига доир тадбирлар ўтказиш вазифасига киришиш шу йўналишга алоқадор масъуллар қатори худудларда халқ ишонч билдириб сайлаган вакиллар – депутатларнинг ҳам вазифасидир. Ҳозирда мазкур тизимли йўналиш бўйича вилоят шаҳару қишлоқларида олиб борилаётган ҳаракатлар боис бир неча қизларимиз, аёлларимиз, уларнинг тимсолида ОНАларимиз ҳаётга қайтмоқда.

Биргина мисол, Қувасой шаҳрида ҳаёт сўқмоқларида билиб-билмай адашиб қолган, сўнгги дақиқаларда ўз жонига қасд қилиш даражасига бориб етган икки нафар қизнинг бепул психологик суҳбат ва машғулотларда бўлиб, ўзини руҳан тиклаши, “Ибратли бекам” ўқув марказининг пазандачилик соҳасини танлаб, иш билан таъминлангани ёки Фарғона шаҳар “Шодиёна” МФЙда истиқомат қилиб келаётган, кўп йиллар турмушнинг муштларию, тақдир синовларини бошдан кечирган муштипар аёлнинг Фарғона шаҳар “Меҳржон” ННТ хайрия ташкилоти кўмагида “Қандолатчилик” курсида бепул ўқитилгани, бу билан рўзғори бут, оиласининг хотиржамликка эришгани ғоят қувонарли. Бугун бу аёл тайёрлаётган ширинликлари, қандолатчилик маҳсулотлари бозорда, дўконларда харидорғир. Меҳнатдан роҳат кўраётган, ўз ҳаётини тиклаш, фарзандлар камоли йўлида букилмай келаётган аёл-қизларимизнинг фавқулотда дадиллигини кўриб ким ҳам қувонмайди дейсиз.

Муҳими ушбу эзгу амалларнинг, хайрли тадбирларнинг замирида хурматли Президентимизнинг аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибори, меҳр ва ғамхўрлиги мужассам. Қолаверса, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғриси”даги Конвенциянинг ижроси ҳам аёлларимизни асраш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий муҳофаза этиш мақсадларига қаратилгандир. Қарийб беш йилдан ортиқ муддат давомида яратилган мазкур Конвенция оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатиш, шунингдек, керакли ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлаш, меҳнат ҳақи ва иш билан бандликда аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолатларни тугатишни назарда тутиши билан ҳам аҳамиятлидир.



5 қисм, 30 моддадан иборат Конвенцияда белгиланган барча чора-тадбирлар аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш йўналишларини назарда тутди.

Конвенцияда белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган, айнан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ муносабатлар, жумладан, ҳақоратлаш, кадр – қимматнинг камситилиши; қариндошлар, дўстлар билан мулоқот қилишни мунтазам равишда тақиқлаш, маҳалла ёки ИИБга хабар берилганда қўрқитиш, жисмоний жазолаш, ажрашиш, фарзандларни олиб қўйиш билан таҳдид қилиш; мунтазам равишда калтаклаш, жинсий муносабатларга мажбурлаш, ўқиш ёки ишга рухсат бермаслик каби ҳолатларда ижтимоий, психологик, зарур ҳолларда эса ҳуқуқий ёрдам бериш, айбдорларганисбатан маъмурий ёки жиноий тартибда жавобгарликларни белгилаш бир вақтнинг ўзида юртимизда Конвенция ижросининг таъминланиши ҳамда миллий, умуминсоний мазмунда ўзбек хонадонларида маънавий муҳитни яхшилаш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари, учрашувларрежаси ҳам ўз ўрнида бардавом кетмоқда дея оламиз. Куни кеча Фарғона шаҳридаги “Азия” меҳмонхонасида ташкилланган, қатор масъул ва мутасадди ташкилотлар иштирокида “Аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан асраш” мавзусида кечган тарғибот тадбирида ҳам юқоридаги ҳолатлар, ушбу йўналишда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал этишга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, муҳокама этилди. Аёллар билан ишлаш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, саломатлигини тиклаш йўлида олиб бориладиган тадбирлар, қатор мақсадли лойиҳалар эса ҳали олдинда.

Мақсадимиз булғуси оналара, яъни оила деб аталмиш кичкинагина давлат яратилишида қизларимизга биз кимларнинг авлодимиз, биз Уруш жангохларидан юртимизга эвакуация қилинган ҳар хил миллат фарзандларига уйлари тўридан жой берган, дастурхонидан нон берган, бошини силаб, ўзи емай едирган, ўзи киймай кийдирган, керак бўлса жонини фидо қилган, урушдан, эридан қора хат келганда барча дардини ичига ютиб, фарзандлари учун сабр - матонат билан яшаган Ўзбек онасининг фарзанди эканлигини англатиш. Ухлашдан олдин фарзандларига алла айтган оналаримиз, алла эшитиб катта бўлган бола оиласига Ватанига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Муҳими, бу йўлда фаоллик ҳамда депутатлик ташаббусларини қўлдан бермаслик.

Мен Серқуёш ўлкани кадрлаган, онгли, фидойи ва садоқатли ёшларни ҳамжихатликда ҳаракат қилишга чақираман.

## **ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА АКЦИОЛОГИК ҚАРАШЛАРНИ ЎРНИ ВА ГЕНДЕР ОМИЛЛАРИ**

*Дилноза Охунова*  
*ФарДУ-педагогика кафедраси ўқитувчиси*  
*Хакимова Сарвиноз*  
*ФарДУ-педагогика-психология йўналиши талабаси*  
[dilnozaoxunova1@gmail.com](mailto:dilnozaoxunova1@gmail.com)

Бугунги кунда ёшлар тарбияси муаммолари деярли барча мамлакатлар учун умумий масаладир. Ёшлар тарбияси мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида шундай деди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш,

унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ёшлар тарбиясида гендр омилларини тўғри талқин этмоғимиз лозим”.

Мамлакатимизда ёшларни ўз иқтидорларини намоён қилиши, қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса ёшларнинг ўзига боғлиқ. Шу жумладан аёлларга ҳам.

Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади, рози бўлиб яшайди.

Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчими ё бўйсунувчи, эргашувчими ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретини қандай чизғилар билан бойитиш мумкин? Аёлларнинг кучли жинс вакиллари билан тенгма-тенг ҳуқуққа эга бўлиш жараёни юртимизда XX аср бошларидан авж олди. Сабаби, фарзанд тарбиялаётган оналарнинг ўзлари ҳам зиёли бўлиши лозимлигини кўпчилик тушуна бошлаган эди. Аёлларимиз ҳам оилани, ҳам касб-хунарни бирдек бошқариб, жамият учун керакли шахсларга айландилар. XIX аср охири XX аср бошларининг етакчи маърифатпарварлари М. Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлоний хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни борасида кенг фикрлар билдирганлар. Масалан, Фитратнинг «Оила» асарида шундай фикрлар бор: — Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миллий озодлик, эрк учун зарур: аёллар фақат уй-рўзғор, бола тарбияси билан банд қолмаслиги керак”, - дейди.

Ер юзи аҳолисининг эллик уч фоизини аёллар ташкил этади. Шунинг учун ҳам гендер муаммолари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда сонда учраб туради. Фикримизча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир ҳам бундай эмас.

Марказий Осиё халқларининг дунёга машҳур «Алпомиш», «Қирқ қиз» каби эпослари, ўзбек халқ эртақларида аёлларнинг мардлиги ва жасорати, уларнинг ақл-заковатда эркаклардан қолишмаслиги ёрқин ифодаланган. Тенглик, инсон ривожланиши концепцияси билан боғлиқ ҳолда барча одамларга моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда тенг имкониятлар яратилишини кўзда тутаяди, ва, авваламбор, бу ҳол таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларига тааллуқлидир. Имкониятлар тенглиги, аввало, моддий фаровонлик даражаси, ижтимоий мавқе, эътиқоди, жинси ва қайси миллатга мансублигидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланади, Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида (1948 йил) қайд этилганидек, инсон кадр-қиммати «озодлик, адолатлилик ва умумий тинчлик асосидир».

Ўзбекистон, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тadbирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция (CEDAW) ни ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди. Шу муносабат билан, жинслар тенглигига эришиш бўйича тегишли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш энг долзарб муаммога айланмоқда. Эркаклар ва хотин-қизларнинг биологик фарқларини мутлақлаштириш жараёни шунга олиб келдики, инсон фаолиятининг кўплаб соҳалари сунъий равишда «аёлларга хос» ва «эркакларга хос» турларга бўлина бошланди. Бу эса фан мазмунининг ўзида ҳам акс этди. Янги (гендер) концепцияси биологик жинс билан (инглизчасига – sex) ижтимоий жинс (инглизчасига – gender) фарқланишига ҳамда жинслар орасидаги ижтимоий муносабатлар фақат эркаклар ва хотин-қизларнинг

биологик ўзига хослиги билан белгиланмаслиги, ижтимоий роллар бирлиги, физиологик фарқлардан сезиларли равишда кенглигини англашга қурилган.

Гендер тенглик XXI асрда ривожланиш соҳасида БМТ мақсадларига эришиш борасида принципиал жиҳатдан аҳамиятли омилдир. Шунга мувофиқ тарзда гендер ёндашувларнинг такомиллаштирилиши ва жорий этилиши ижтимоий адолат, инсон ривожланишининг тенг ҳуқуқлилиги ва барқарорлигига эришиш йўлида асосий масала бўлиб қолмоқда. БМТ томонидан қўйилган масалаларнинг самарали тарзда ижро этиш йўллари излаш янги гендер ёндашувларни ишлаб чиқишга олиб келди. Аҳолининг турли гуруҳларининг ўзларининг ижтимоий роллари ва ўзига хос талабларига мос равишда ривожланиш бўйича фаолиятда иштирок этишига нисбатан гендер ёндашувнинг қўлланилиши ривожланишнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиши имконини берди ва унга қуйидаги таркибий қисмлар кирди:

- хотин-қизлар эҳтиёжларини устун тартибда кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш (айниқса, маданий меъёрлар ва кадриятлар, уларнинг фаолиятда тенг иштирокини чеклаб қўйган тақдирда);

- жамиятда хотин-қизлар аҳволини эркакларнинг аҳволига нисбатан аниқлаш ва яхшилаш;

- хотин-қизлар томонидан ўз аҳволини, талаб ва эҳтиёжларини англаш;

- хотин-қизлар аҳволини яхшилашга ҳалал берувчи тўсиқларни аниқлаш;

- хотин-қизлар фаолият соҳаларини кенгайтириш, улар томонидан анъанавий эркаклар роллари ва касб-корларининг ўзлаштирилиши;

- ўтмишдаги камситишнинг бевосита ёки воситали оқибатларини бартараф этиш;

- хотин-қизларнинг ночор гуруҳларини устун равишда ривожлантириш.

Гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, кадрият ва натижалардир. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан у, эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англалади. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди. Лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқдир. Гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;

- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Гендер тенглигини жорий қилиш нуктаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга ҳалал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида айтиш керакки Ўзбекистонда хотин-қизларини эъзозлаш, жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда

имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан. Аёлларга кўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айландилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони гендер тенгликнинг амалий дастури бўлишига шубҳа йўқ. Жумладан, давлат органларида, нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлаш сиёсатини такомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркаклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар икки тоифа вакилларининг ҳуқуқларини тенглаштириб, ғурурларини юксалтиради.

#### Адабиётлар

1. <https://strategy.uz/index.php?news=745>
2. <https://xs.uz/uzkr/post/huquq-va-gururning-erkak-ayoli-bolmajdi>

### ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИНИ РАВБАТЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*У.Қ.Мақсудов*

*Фаргона давлат университети педагогика-психология факультети декани,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш дидактик имкониятлари ифодаланган. Шунингдек, синфдан ташқари таълим жараёни ва ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳамкорликдаги тадбирлар бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш имконини бериши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** бошланғич синф ўқувчилари, халқ оғзаки ижоди, ижтимоий фаоллик, халқ педагогикаси, миллий маданият концепцияси, тарбиянинг замонавий моделлари, тарбияни инсонпарварлаштириш, синфдан ташқари таълим, ота-оналар билан ҳамкорлик, ташаббускорлик.

Ҳар бир инсон ҳаётига таъсир кўрсатадиган замонавий ижтимоий ривожланиш динамикаси, ижтимоий жараёнларнинг янги ўлчовларини пайдо бўлиши инсоннинг дунёдаги ижтимоий роли муаммосини ўрганишни талаб қилади. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланишнинг муайян мақсадлари ва йўналишларини белгилайди. Ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олаётган бир даврда инсон фаолияти (маданияти), одамлар ўртасидаги муносабат шакллари, уларнинг фаолияти давомида (ижтимоий) ўзгаришларида яққол ифодаланмоқда. Шу билан бирга, демократлаштириш шароитида ўғил ва қизларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий ҳаёт шакллари ва фаолиятларини танлаш имкониятлари сезиларли даражада кенгаймоқда. Сўнгги йилларда фан ва жамиятда “гендер” тушунчасига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, педагогика ва психология, тарих, фалсафа, социология, тилшунослик ва ҳ.к. фанларда олимлар, файласуфлар ва педагог тадқиқотчилар гендер тенглиги масалалари бўйича тадқиқотлари билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда фаол истеъмолда бўлган гендер сўзининг тушунилиши ва қўлланиш ҳолатларидаги нотўғри талқин ва тасаввурлар мавжудлигини айтиш жоиз. Хусусан,

гендерни аёллар мавзуси ёки уларнинг устунлигига оид тушунча деб қараш кузатилади. Албатта, бу тўғри эмас. Гендер – бу хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати эканлиги мазкур қонунда аниқ ёзиб қўйилган. Бу масалага оид тушунчаларга берилган тегишли изоҳларнинг мавжудлиги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, гендер масалалари барчани қизиқтиради - бугунги талабалар, эртанги куннинг ота-оналари ва ўқитувчилари ёки соҳа мутахассислари, касб-ҳунари ва йўналишидан қатъи назар, ҳаммамиз гендер ёндошувига асосланган билимларга муҳтожмиз. Жумладан, таълим жараёнида таълимберувчилар ҳам тобора кўпроқ таълим олувчиларнинг гендер идентиклигини (хусусиятларини) ҳисобга олишга киришдилар.

Гендер ёндошувга асосланган таълим - бу шахснинг психологик жинси, яъни жинсий ўзини англаш ва жинсий идентификациянинг маълум даражасига эришиш, эркек ёки аёл ролини ҳақиқий эгаллаш. Гендер тадқиқотлари соҳасининг предмети ҳам шахсларнинг ижтимоийлашуви бўлиб, у гендер идентификациясини шакллантириш ва гендер ролларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Республикамиз олий ўқув юртларида гендер ёндашув асосида талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқотларнинг олиб борилиши бўлғуси мутахассислар ижтимоий фаоллигининг янги таҳлилий ютуқлар асосида шаклланишига ёрдам беради.

Ушбу мақолада биз талаба-ёшларнинг ташаббусларини рағбатлантиришнинг ҳақида фикрлашмоқчимиз. Аммо ушбу мавзуни ёритишни бошлашдан олдин сизга ушбу тушунчаларнинг таърифини келтиришни лозим деб топдик.

Ташаббус (лотинча Инициаре-бошлаш) - ҳар қандай янги ғояни илгари суриш ва амалга оширишда, ҳар қандай муаммони ҳал этишда ташаббускорлик, фаолиятнинг янги шаклларига ички туртки бериш. Педагогик луғатда ташаббус фаол ва мустақил ҳаракатларга қобилият ва мойиллик билан тавсифланган шахсий хусусият сифатида талқин этилади.

Мотивация - бу инсоннинг қизиқиши, унинг истаклари ва интилишларига йўналтириш фаолияти. Бу интеллектуал, физиологик ва ақлий жараёнларнинг комбинацияси бўлиб, улар муайян вазиятларда инсоннинг қанчалик қатъиятли ҳаракат қилишини ва унинг энергияси қайси йўналишда тўпланганлигини аниқлайди.

Рағбатлантириш – эса, инсон манфаати учун ўзига хос стимуллардан фойдаланиш, шунингдек таъсир, мотивация, муайян ҳаракатларга ташқи таъсир қилиш жараёни.

Ғарб мамлакатлари илмий адабиётлар таҳлили ва бир қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, шахснинг ривожланиши ва касбий шаклланиши билан боғлиқ фалсафий, социологик ва психологик-педагогик тушунчалар (Б.Г.Ананев, Л.Выгоцкий, Е.Климов, С. Л.Рубинштейн, В.А.Сластенин) педагог, психолог ва файласуф олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Жумладан, шаснинг ривожланишида: ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахс фазилатлари - ижтимоий фаоллик, фаолиятда ўз-ўзини англашга эътибор, масъулият, мустақиллик, ташаббускорлик киради. Ташаббускорликни шакллантириш ёшларнинг катталар билан биргаликда ташкил этадиган фаолияти, уларнинг ўз-ўзини фаоллаштиришга айлантиришни ўз ичига олади. Ташаббус инсон тараққиётининг муҳим шarti ва шахснинг таълим олиш натижаси сифатида қаралади. Таълим жараёнида ташаббусни шакллантиришга қаратилган ўқув фаолиятининг мазмуни таълим олувчига ижодий фаолият орқали ўз шахсини ривожлантиришга ёрдам беришдир. Таълим берувчи бу ҳолда таълим олувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжларига, уларнинг интеллектуал қобилиятларига эътибор қаратади. Инсоннинг ташаббускорлик, мустақил ҳаракат,

ижтимоий фаоллик, тадбиркорлик қобилияти ва фаолият учун шаклланган эҳтиёжи: шахсий сифати ёки ташаббускорлигини шакллантиради.

Талаба-ёшларда гендер ёндошувга кўра ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик элементларини миллий қадриятларимиз орқали ривожлантиришда халқимизнинг кўп йиллик анаъналари, маданияти, урф-одатлари, миллий байрамлари, бой қадимий мерослари ўзининг алоҳида ўрни, аҳамиятига эга. Талаба-ёшларда миллий ифтихор, миллий ғурурни шакллантириш ва мустақамлаш асосида уларнинг ижтимоий фаолликларини ва ташаббускорликларини оширишга алоҳида аҳамият бериш бошланди. Ақлий заковат, руҳий, маънавий камолот, инсофу-диёнат, мурувват, меҳр-оқибат булар барчаси маърифатли, маънавиятли инсонларнинг асосий фазилатларидир. Ана шу фазилатларни ёшларимизда шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида интизомли, масъулиятли, сабр-бардошли, диёнатли, виждонли, иймонли, эътиқодли, бағрикенг, инсонпарвар, ижтимоий фаол ва шу каби олийжаноб фазилатлар эгаси бўлган ёшларгина яшаш учун зарур бўлган барча қулайликларни вужудга келтиришга қодир бўла оладилар. Ижтимоий тараққиётнинг демократик ривожланиш жараёнини шахснинг ўз-ўзини англаши қадр-қимматини қай даражада эъзозлай олиши, жамият учун хизмат қила олиш имконияти ва ҳаракатларига ҳам бевосита боғлиқ. Буларнинг барчаси шахснинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлиги билан боғлиқдир. Талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллашуви деганда улар вакилларининг ижтимоий жараёнларда онгли равишда, мустақил иштирок этишлари, зарур бўлганида ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга ташқаридан бўладиган босимсиз кўмаклашишга интилишлари тушунилади. Масъулият ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуқлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланидиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш ваузоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Бу мақсадлар доимоўзининг англанилиши ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам роль ўйнайди.

Ижтимоий фаолликнинг асосий шакли бурч ва вазифаларни масъулият билан ижро этишдан иборат бўлиб, у қулай шароитларда ташаббусга айланиши мумкин. Ижтимоий фаол шахс сифатларининг таркиб топишида фаолият, жумладан, меҳнат, таълим, ўйин фаолияти етакчи ўрин тутаяди. Масалан, иштирокчи ўйинда умумий талабларга бўйсунушга ўрганади. Ўйин ҳаракатларининг мазмунини тушуна боради. Ўйинлар жараёнида ташаббускорлик шаклланади.

Шу муносабат билан талабалар шахсий салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг ижодий ташаббускорлиги, ижтимоий фаоллигини оширишни икки шаклда амалга оширилиши керак:

- таълим жараёнида;
- таълим жараёнидан ташқарида.

Талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя қилишга асосланиши керак:

- 1) талабаларга ўқитувчилар жамоаси учун ўқув фаолиятининг муҳимлиги ва аҳамиятини намоён этиш;
- 2) тадбирларда профессор-ўқитувчиларнинг ихтиёрий ташрифини таъминлаш (шахсий ҳисса тайёргарлик жараёни натижага қизиқишни таъминлайди);
- 3) тадбирга тайёрланишни назорат қилиш: талабаларнинг ижод эркинлиги ва тадбир мазмуни доираси, ОТ ўқув фаолиятининг мақсад ва вазифалари ўртасидаги мувозанат;
- 4) талабаларнинг “вертикал” ўзаро таъсирини куриш ва мувофиқлаштириш: 1-босқичдан 4 - босқичгача бўлган талабаларнинг ОТМ фаолияти доирасида биргаликдаги фаолияти;

5) турли мутахассисларнинг талабалар фаолиятига узвий интеграцияси (стратегик фикрлашни ривожлантириш, рақобатбардошлик ва касбий ҳаракатчанликни ошириш, самарали мулоқот ва етакчилик моделларини ўзлаштириш);

6) дарсдан ташқари ишларда иштирок этиш учун мотивация яратиш учун турли механизмлардан фойдаланиш;

7) талаба-ёшларда жамиятдаги ижтимоий фаоллик бўйича кўникмаларини шакллантириш (Ёшлар Иттифоқининг фаолиятида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари, меҳр-саховат кўрсатишдаги ташаббускорлик аксиялари, мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари, қариялар уйларида ўтказиладиган тадбирлар фаолиятида, экологик ҳаракат, ўлкашунослик, маданий ҳаракатларда, ташаббускорлик тадбирларида иштирок этиш, касаба уюшмалар бошланғич ташкилотлар фаолиятида, аёллар ва хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари фаолиятида, диний кўмиталари фаолияти, имконияти чекланган шахслар жамияти (кўзи ожизлар, қар ва соқовлар, миллий марказлар фаолиятида иштирок этишларида жамиятда фаол инсонлар тажрибасидан фойдаланиш);

8) талабалар ижтимоий ва жинс кўрсаткичлари бўйича энг мобил ҳамда очик ижтимоий гуруҳларни шакллантириш.

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ГЕНДЕР СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ**

*Ю.Жамолова ФарДУ физика техника факультети  
Хайтий фаолият хавфсизлиги кафедраси ўқитувчиси*

Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тассавур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлар, меҳрибон ва оқида тарбиячилардир. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислоҳ Каримов мустақил мамлакатимизнинг фаол инсонлари бўлган аёллар ҳақида фикр юритиб, “Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанамизни эъзозлаган бўламиз”, деб юксак баҳо берган.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу муносабати билан “Оила манфаатларининг таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури”нинг қабул қилиниши ва амалиётга Олий Мажлиснинг XI сессиясида кенг умумжаҳон муҳокамасидан сўнг “Оила кодекси”нинг бир овоздан қабул қилиниши бу йўналишдаги катта воқеа бўлди. 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарорига биноан Республика “Оила илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги хотин-қизларга қанча эътибор берилганлигини давлат сиёсатида айланганлигини кўрсатди. Мамлакатимиз мустақиллиги, хотин-қизларнинг ижтимоий - иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустаҳкамлашнинг таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор муоаммоларни ҳал қилишда катта имкониятлар берди. 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг жамиятини, давлат бошқаришдаги билимлари, ақлу заковати, фахму-фаросати ва имкониятларига бўлган ишончини ёрқин мажмуасидар.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, сўнги тўрт йилда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқли ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларни тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва оширмоқда.

Мамлакатимизда кундалик ҳаётни барча йўналишларида хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонлигидан ҳимоя қилиш борасида”ги “Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларининг

кафолатларни янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, шунингдек гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш ишларини барча жавҳаларда, хусусан аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш борасида кенг қўламда амалий ишлар олиб борилаётганлигини дунё мамлакатлари эхтироб этмоқда.

Гендер тенгликни масаласи давлат сиёсат даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва Гендер тенглик масалари кўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон тарихида илк мартаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийиб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилганлиги Президентимиз томонидан олиб бораётган бу йўналишдаги ишларни яққол натижасидир.

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Хотин-қизларни ижтимоий - иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “Аёллар дафтари” тизими жорий этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд. сўм маблағ ажратилиб бориш йўлга қўйилганлиги буни ёрқин исботидир.

Талаба қизлар ўртасида ота-онасиёки уларнинг бирдан айрилган мухтож қизлар, боқувчисини йўқ, ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими жорий этилиб, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар, қизлар учун грант сони икки бараварига ортгани ҳам ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб қувватлаш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишлардан бири ҳисобланади.

Аёллар тадбиркорлик ривожлантириш мақсадида 224 минг дан ортиқ хотин-қизларга жами 6,9 трлн. сўм имтиёзли кредит ажратишилиш ҳам турли соҳаларда янги иш ўрни яратиш ва хотин-қизларни янгидан-янги йўналишларда тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишга кенг имкон яратишга асос бўлмоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг ислоҳотлар ҳалқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, жаҳон банкнинг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотлар амалга оширилган 27та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасидан 134-ўринни эгаллаши давлатимизни бу соҳадаги ишларини номуносидир.

Ўзбекистон БМТ Низомининг мақсад ва принципларига ҳамда ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэтироф этилган меъёри нормаларига изчиллик билан бажариб келаётганлиги улар томонидан доимо эътибор этиб келинган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган самитда 70-сон резолюцияси қабул қилиниб, мамлакатимиз учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125та мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор ишлаб чиқилиб бу йўналишида мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан мамлакатимизда иқтисодини ижтимоий-сиёсий, маънавий барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад - Гендер тенгликнинг таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш мамлакатимизда барча соҳада хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар бугунги куннинг асосий вазифалардан ҳисобланади.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Аёлга эхтиром “Ўзбекистон” нашриёти 1999 й. (143 бет)



2. Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқи ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида қонун. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг қарори 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглик эришиш стратегиясининг тасдиқлаш ҳақида.

4. 2009 йил 2 сентябр кунги ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сонли Қарори “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш” тўғрисида низом.

## АЁЛГА ЭХТИРОМ КЎРСАТИШ, УНИ ЭЪЗОЗЛАШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОЛИЙЖАНОБ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

*К. Хакимова, А Махмудова*

*Фарғона политехника институти ўқитувчилари*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат, унинг тарихий илдиэлари, давлатимиз томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар самараси, гендер тенглик масаласи алоҳида ўрин олган.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается отношение к женщинам в нашей стране, его исторические корни, итоги работы нашего государства по защите прав женщин, вопрос гендерного равенства.

**Abstract:** This article deals with the attitude to women in our country, its historical roots, the results of the work of our state to protect women's rights, the issue of gender equality.

Аёл жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати келажакимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдиэларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни кадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. [1; 253] Миллий тафаккур ҳар бир халқда кўп асрлар мобайнида шаклланади, унинг энг муҳим компонентларидан бири эса аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли, ёш авлодни тарбиялаш масалалари ҳисобланади. Хусусан, XX аср бошларида миллий маърифатпарварларимиз хотин-қизларнинг ўқимишли, илмли, маданиятли, ўз жамияти учун зарур ва фойдали инсонлар бўлиб етишишларига ўз муносабатларини билдирганлар. Абдулла Авлоний: “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, - деб ёзган эди. [2; 4]

Дарҳақиқат, бу масалани ҳал этмасдан тараққиётни тасаввур этиш қийин. Зеро, ривожланган жамиятларда маданиятлилик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат ва улар учун яратилган имкониятларга қараб белгиланади. Бу эса миллий анъаналарга ва шу билан бирга умумбашарий қадриятларга асосланган бўлмоғи даркор.

Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади»,— деб таъкидлайдилар президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи мамлакатда давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни

ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди.[3;8] Бу борада, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2021 йилдаги ПҚ-5020 сон , “Хотин қизларни кўллаб-қувватлаш уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, қолаверса 07.03.2022 йилдаги “Оила ва хотин қизларни тизимли кўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-87-сон фармони эълон қилиниши юқоридаги фикрларимизни исботи десак адашмаган бўламиз. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Олий таълим муассасаларида 2020-2021 ўқув йилида хотин-қизларга 4 фоизли кўшимча давлат грантларининг ажратилганлиги уларга берилган яна бир имконият ва имтиёздир. Айни вақтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган улкан имконият ва шароитлар туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Давлат ҳокимиятининг олий органларида, шунингдек, шаҳар, туман ҳокими, вазир, элчи каби масъулиятли лавозимларга аёлларнинг тайинланаётгани ҳам уларга бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради. Бугун мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортиди. Натижада уларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди. Фаол хотин-қизлар билан тизимли ишлаш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида таълим муассасаларида иқтидорли қизлар захираси яратилди. Охириги уч йилда иқтидорли талабаларга бериладиган Президент давлат стипендияси ва бошқа махсус стипендияларнинг 48 фоизи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирги кунда республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони қарийб 365 мингга етиб, жами талабалар сонига нисбатан 47 фоизни ташкил этмоқда. Магистратура босқичида ўқишини давом эттирган талаба-қизлар сони йилдан-йилга ошиб, 2019 йилдаги 4488 дан 2021 йилга келиб 13 минг 600 га етди. Жорий йилда олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғул-ланаётган хотин-қизлар сони 2,4 мингдан ошди. Жумладан, уларнинг 1300 нафардан ортиғи фан доктори (DSc), 1100 нафардан зиёди эса фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича илмий фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун янги имкониятларни яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада жорий йилдан бошлаб докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили маълум мақсадли квота ажратишни режалаштирилганлиги ҳам фикримиз исботидир. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хаттоки **Қуръони Каримнинг энг катта сураларидан бири – “Нисо”да ҳамаёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида теран ҳикмат борлиги қалбларни жунбушга келтиради.** Жамиятимизда улкан эврилишлар юз берган, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўй кўрсатаётган ҳозирги янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнатда айнан аёлларимизнинг маълум бир қатлами замон талабларига айрим эркакларга қараганда ҳам тезроқ “лаббай” деб жавоб бермоқда. Атоқли шоиримиз Абдусаид Кўчимов ёзганидек:

Мен аёл зотини муқаддас билдим,

У Момо Ҳавонинг буюк авлоди.  
Мен аёл зотида бир жаҳон кўрдим,  
У барча инсоннинг маъсум бунёди...

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Пошшоҳон Эшонхон қизи. "Аёл мўътабар зот". Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Маънавият ва маърифат. 2021 йил. 264
2. Н. А. Мустафаева тарих фанлари доктори- "Аёлни эъзозлаган юрт қудратли бўлади" - мақоласи
3. А. Х. Саидов "Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари" . Ҳуқуқшунослик. Тафаккур 2010 йил

**PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES OF USING INTERNET TECHNOLOGIES IN TEACHING ACTIVITIES OF TEACHERS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

*Shernafasova Husniyo Ravshanbekovna,  
Bekchanova Feruza Marimboy qizi  
Khorezm region of the Republic of Uzbekistan Urgench State University  
Department of Preschool Education Methodsteachers*

**Annotation:** Today, information and communication technologies are developing all over the world. Information and communication technologies are the main driving force of the state's economic system: creating new jobs in areas such as telecommunications, software development, as well as emerging services such as education and training around the new information and communication technologies creating new software. This article discusses the importance of using Internet technology in the pedagogical work of teachers in higher education.

**Annotatsiya:** Bugungi kunda butun dunyoda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari rivojlanmoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari davlat iqtisodiy tizimining asosiy harakatlantiruvchi kuchi: telekommunikatsiyalar, dasturiy ta'minotni ishlab chiqish kabi sohalarda yangi ish o'rinlarini yaratish, shuningdek, yangi dasturiy ta'minotni yaratuvchi yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari atrofida ta'lim va o'qitish kabi yangi xizmatlar. Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalari o'qituvchilarining pedagogik faoliyatida internet texnologiyasidan foydalanishning ahamiyati haqida so'z boradi.

**Аннотация:** Сегодня информационные и коммуникационные технологии развиваются во всем мире. Информационно-коммуникационные технологии являются основной движущей силой государственной экономической системы: создание новых рабочих мест в таких областях, как телекоммуникации, разработка программного обеспечения, а также образование и обучение новым информационно-коммуникационным технологиям, которые создают новое программное обеспечение, новые услуги. В данной статье рассматривается важность использования интернет-технологий в педагогической работе преподавателей высшей школы.

**Keywords:** Computer teaching technologies, pedagogical technology, interactive form, multimedia, distance learning, video conferencing, Internet technologies.

**Kalit so'zlar:** Kompyuter o'qitish texnologiyalari, pedagogik texnologiya, interaktiv shakl, multimedia, masofaviy o'qitish, videokonferensiya, internet texnologiyalari.

**Ключевые слова:** Компьютерные технологии обучения, педагогические технологии, интерактивная форма, мультимедиа, дистанционное обучение, видеоконференцсвязь, интернет-технологии.

Today, the education system pays special attention to the implementation of the goals and objectives of education. Proof of this can be seen in the new reforms and changes in education. The construction of modern educational institutions in our country, which are not inferior to foreign educational institutions, the modern conditions created for the education of students, all

kinds of modern pedagogical technologies that are convenient for teachers, didactic literature, technical equipment and devices (computers, video projectors, laboratory equipment) used to increase the effectiveness of the lesson is a clear proof of this.

The use of information and communication technologies in the educational process, in the classroom, increases the interest of students in learning, the effectiveness of independent work. Along with information and communication technologies, computers provide new opportunities for students to study and learn in the field of education.

Pedagogical technology is defined only as the use of information technology, as well as the use of teaching aids: computers, distance learning, or various techniques to increase the effectiveness of teaching, which must be used in the teaching process. . We believe that the most basic principle of pedagogical technology depends on the technology chosen so that the teacher and the student work together to achieve a guaranteed result from the set goal, that is, every step used in the teaching process to achieve a guaranteed result If learning technology can organize collaborative activities between teacher and learner, both can achieve positive results, and the teacher can create opportunities and conditions for their activities, this is the basis of the teaching process.

Computer-assisted learning technologies

Computer technology not only frees the teacher from stressful problems, but also allows him to move from informing creative discussions with students, to collaborate research to new forms of teaching, in a word, to more creative work .

The computer provides us with:

interactivity

multimedias

communicative

productivities simultaneous participation of the teacher and the computer in the learning process significantly improves the quality of education. The use of the proposed methodology activities in the teaching process, increases the student's interest in the subject being taught and allows for in-depth study of the material. On the one hand, computer and teacher collaboration help different categories of students to better understand the material. On the other hand, it places much higher demands on teacher qualifications and training. Today, information and communication technologies are developing all over the world. Including distance learning.

Distance learning is a relationship between a student and a teacher based on Internet technology or other interactive methods at a certain distance and all components of the learning process based on purpose, content, method, organizational forms and teaching methods.

The difference between distance learning and traditional full-time education is that it provides the following forms of learning process from the educational institution.

allows you to do outside:

- explanation of the teaching material by the teacher;
- consultations (individual and group);
- between the teacher and the audience throughout the learning period interaction; • discussions, tests; • Completion of joint research and creative assignments.

Spent on independent study. In this case, the constant interaction of student and teacher is carried out using means of telecommunication technologies (e-mail, bulletin board, chat, forum, video conferencing).

There were 79 higher education institutions in the world in 1900-1960, 70 in 1960-1970, 187 in 1970-1980, and 700 in 1980-1995. reached According to the Internet, this number has exceeded 1,500 since 1995. According to foreign experts, by 2025, virtual universities (MT) may replace traditional universities.

**Conclusion:** The use of Internet technologies in the teaching of pedagogical sciences and the formation of moral and ethical qualities and skills in them, the prevention and restoration of physiological and social deviations, the formation of immunity to negative social influences It is

advisable to organize socio-pedagogical activities in such areas as protection from psychological stress, preparation for management education, as well as creative development.

#### REFERENCES

1. Azizkhojaeva N.N. Pedagogical technologies and pedagogical skills. - Tashkent: Writers' Union of Uzbekistan. Literary Foundation, 2006.
- uPublishing house of "Sano-Standard" LLC, 2010.
3. Ismoilova. Methods of educational work. T., "Istiqlol", 2003
4. Innovative educational technologies / Muslimov N.A., Usmonbaeva M.X., Sayfurov D.M., Turaev A.B. - T.: "Sano standart" publishing house, 2015.
5. <http://www.tdp.uz>

#### TALABA-QIZLARNI IMTIYOZLAR ASOSIDA TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHGA YO'NALTIRISH

*Abdullayeva Nasiba  
FarDU, o'qituvchi*

**“Ta’lim tizimining barcha pog‘onalarida o‘qishga intilgan xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlaymiz va ularga sharoit yaratamiz”.**  
**Sh.M.Mirziyoyev.[1]**

Vatanimiz taraqqiyotida, oila va jamiyat hayotida xotin-qizlar muhim o‘rin va mavqega ega. Mamlakatimiz aholisining qariyb 50 foizini tashkil etadigan ayollar ijtimoiy-ma’naviy, siyosiy-iqtisodiy hayotning barcha sohalarida xususan, davlat boshqaruvi va vakillik organlarida, ishlab chiqarish, tadbirkorlik, fermerlik, sog‘liqni saqlash, ta’lim, ma’rifat, madaniyat va boshqa ijtimoiy sohalarida samarali mehnat qilmoqda.

Hozirgi vaqtda mamlakatimiz xotin-qizlari orasida 514 nafar fan doktori, 6 nafar akademik, 15 nafar O‘zbekiston Qahramoni, 17 nafar senator, 15 nafar Qonunchilik palatasi deputati borligi, shuningdek, mahalliy Kengashlar deputatlarining 23 foizidan ziyodini hamda ilm-fan, ta’lim-tarbiya, sog‘liqni saqlash, madaniyat va san’at sohalarida mehnat qilayotganlarning 72 foizini aynan ayollar tashkil etishini alohida ta’kidlash lozim.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yildagi 2 fevraldagi PF-5325-sonli “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2022 yil 7 martdagi PF-87-sonli “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo‘llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Prezident Farmonlarixotin-qizlarimizni ilm olishga, ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishga katta turtki bo‘ldi.

Endilikda yangi Farmonga muvofiq, Zulfiya nomidagi Davlat mukofotini o‘n to‘rt yoshga to‘lgan va o‘ttiz yoshdan oshmagan iqtidorli qizlarga Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridan ikki nafar talabgorlarga berish belgilandi va yosh chegarasining uzaytirilgani ta’lim, fan, adabiyot, madaniyat, san’at, sport sohalarida yutuqlarga erishgan hamda ilmiy izlanishlar bilan shug‘ullanayotgan olima qizlarimiz uchun keng imkoniyatlar eshigini ochib beradi.

Farmonda belgilangan yangi tartibga muvofiq, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’lim muassasalarining Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti laureatlari bo‘lgan o‘quvchilari bakalavriatga, bakalavriat talabalari esa oliy ta’lim muassasalari magistraturasiga tegishli yo‘nalish va ixtisoslik bo‘yicha kirish sinovlarisiz davlat grantlari asosida qabul qilinadilar [2].

Xotin-qizlarga ta’lim olishlari uchun yanada qulay shart-sharoitlar yaratish, ularning ilmiy salohiyati va malakasini tizimli oshirib borishni qo‘llab-quvvatlash maqsadida 2022/2023 o‘quv yilidan boshlab, xotin-qizlar kontraktlarini to‘lash uchun 7 yilga foizsiz kredit beriladi. Davlat

oliy ta'lim muassasalarilarida magistraturada o'qiyotgan barcha xotin-qizlarning kontrakt to'lovlari qoplab beriladi va bunga har yili kamida 200 milliard so'm ajratiladi.

#### **2022/2023 o'quv yilidan:**

- oliy ta'lim muassasalari, texnikum va kollejlarda, sirtqi va kechki ta'limda o'qiyotgan xotin-qizlar kontraktlarini to'lash uchun 7 yilga foizsiz kredit berish uchun banklarga byudjetdan har yili 1,8 trillion so'm yo'naltiriladi;

- davlat oliy ta'lim muassasalarilarida magistraturada o'qiyotgan barcha xotin-qizlarning kontrakt to'lovlari qoplab beriladi va bunga har yili kamida 200 milliard so'm ajratiladi;

- xorijiy oliy ta'lim muassasalarilarga bakalavriat uchun – 50 nafar, magistratura uchun – 10 nafar xotin-qizlarga har yili “El-yurt umidi” jamg'armasi orqali qo'shimcha grantlar ajratiladi;

- har yili 2 100 nafar ijtimoiy ehtiyojmand oila vakillari, yetim yoki ota-onasining qaramog'idan mahrum bo'lgan talaba xotin-qizlarning ta'lim kontraktlari mahalliy byudjetdan to'lab beriladi;

- mutaxassisligi bo'yicha kamida 5 yil mehnat stajiga ega, lekin oliy ma'lumotga ega bo'lmagan 500 nafar xotin-qizlar har yili Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi tavsiyanomalariga asosan davlat oliy ta'lim muassasalarilariga umumiy kvotadan tashqari alohida test sinovlari natijalariga muvofiq kontrakt asosida o'qishga qabul qilinadi;

- davlat ilmiy tashkilotlari yoki oliy ta'lim muassasalari doktoranturasiga xotin-qizlar uchun har yili kamida 300 tadan maqsadli kvota ajratib boriladi. Endilikda:

- yangi o'quv yilidan boshlab magistraturada o'qiyotgan qizlarning kontrakt pullari to'liq byudjetdan qoplab beriladi (23 ming nafar qizlarga 200 mlrd so'm)

- har yili 50 nafar qizlar nufuzli xorijiy oliygohlarga bakalavr va 10 nafari magistraturaga yuboriladi

- har bir viloyatda ehtiyojmand oila vakillari, ota yoki onasini yo'qotgan 150 nafar qizlarning (jami 2,1 ming nafar) ta'lim kontrakti mahalliy byudjetdan to'lab beriladi

- yosh farzandi bor talaba-qizlarga masofaviy o'qishga sharoit yaratiladi

- doktorantura yo'nalishida xotin-qizlar uchun har yili kamida 300 tadan maqsadli kvota ajratiladi [3].

Talaba-qizlarda ilmiy tadqiqotlashunchasini shakllantirish, ularda tadqiqotchilik kompetentligini rivojlantirish oliy ta'lim muassasalarilarining asosiy vazifalaridan biri bo'lib qo'lmoqda. Hozirgi kunda har bir oliy ta'lim muassasalarida iqtidorli talabalar bilan ishlash bo'limlari, har bir kafedralar qosida fan to'garaklari ishlab kelmoqda. Talabalarni bu to'garaklarga jalb qilish, fan bilan chuqurroq tanishtirish, albatta ilmiy tadqiqot olib borish istagini tug'diradi. Bunday jarayonlar talaba-qizlarimizda

- yangilikka intiluvchanlikni, yuqori darajadagi bilimdonligi;

- mustaqil, erkin va to'g'ri fikrlay olishni;

- ilmiy tafakkurga ega bo'lishni;

- kashfiyotchilik qobiliyatiga ega bo'lishlikni;

- ijtimoiy vaziyatlarni baholay olishni;

- muammoli vaziyatni to'g'ri baholay olishni;

- ijtimoiy munosabatlarda faol ishtirok etishni;

- tashkilotchilik va tashabbuskorlikni;

- ijtimoiy - siyosiy faollikni;

- xorijiy tillarini bilishni (til bilish darajalarini aniqlovchi sertifikatlariga ega bo'lishi);

- axborot texnologiyalaridan unumli foydalana olishni (Scopus, Web of Science, Pro Quest, Elsevir ma'lumotlar bazasidan unumli foydalana olishni);

- kompyuter yordamida ilmiy ishlanmalar yarata olish boyicha bilim va ko'nikmalarini oshiradi [4].

Talaba-qizlarga berilayotgan bunday imkoniyatlar ularga ilm bilan shug'ullanishga katta motivasiya bermoqda. Olimalirimiz safini o'sishi -vatanimiz uchun kelajakda yangi Ibn Sinolar,

Xorazmiylar, Navoiylar, Beruniylar yetishrishda ulkan xissa qo'shadi. Chunki ilmi ayol farzandiga ilm urug'larini tarab tarbiyalaydi, voyaga yetkazadi.

#### **Foydalanilaganadabiyotlar:**

1. Sh.M.Mirziyoyev 2018 yil 2-fevral, Toshkent shahri.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yildagi 2-fevraldagi PF-5325-sonli "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Farmoni.

2. 2022 yil 7 martdagi PF-87-sonli "Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Farmoni.

3. N.A.Abdullayeva "Talaba-yoshlarda ijtimoiy faollikning ilmiy tadqiqot olib borishdagi o'rni". "Demokratik va xuquqiy jamiyatni rivojlantirishda yoshlar ijtimoiy faolligini oshirish: muammolar va yechimlar" Respublika ilmiy-amliy-onlaynanjumani materiallari. Farg'ona, 2020.

### **ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ТЕХНОЭТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАР**

*Гулноза Алимжоновна Исроилжон қизи  
Фаргона политехника институти тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мазкур тадқиқот иши доирасида прагматик, тизимли-функционал моделни ишлаб чиқиш мақсад сифатида белгиланди. Моделнинг мазкур тури олий техника таълим муассасалари талабаларида техноэтик маданиятни ривожлантириш жараёнини бошқариш воситаларини излаб топиш, шунингдек, тайёргарлик даражасининг бошланғич ва якуний ҳолати ўртасидаги фарққа эришишга имкон берувчи тадқиқ этилаётган жараёнларни ақс эттиришга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** техноэтик маданият, ишлаб чиқаришнинг интеграцияси, методологик таъминот функцияси, амалий-тадқиқий (эмпирик) функция, ижтимоий буюртма, педагогик лойиҳалаш, аксиологик ва рефлексив ёндашувлар

Бугунги кунда бўлғуси мутахассислар, хусусан олий техник йўналиш талабаларининг техноэтик маданиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммолардан ҳисобланади. Феномен сифатида техноэтик маданият технооптимизм ва технопессимизм ўртасидаги интеллектуал-маданий восита бўлиб, техникада фойдаланиладиган билимлар, техниканинг инсон-жамият-табиат муносабатлари тизимидаги тугган ўрнига нисбатан турли хил ахлоқий-маданий ёндашувлар ва кишиларнинг техник хулқ-атворини ўзида мужассамлаштиради.

Мамлакатимизда олий техник таълим-тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "таълим сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш"[5] ва "зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш" каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда таълим олувчиларда яхлит ва тизимли интегратив билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятининг ривожланганлик ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўтган асрнинг бошларида «техноген цивилизация» деган ном олган ҳозирги замон цивилизацияси шаклланади ва ривожланиди. Унинг бағрида муҳандислик фаолиятининг

хар хил турлари лойиҳалаш, оммавий индустриал ишлаб чиқариш, технологиянинг замонавий шакллари вужудга келади. Буларнинг барчаси инсон ва жамиятнинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш ижтимоий лойиҳасини амалга ошириш имкониятини беради. Натижада нафақат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг мисли кўрилмаган имкониятлари ва қулайликлар яратилади, балки оламшумул инқирозлар юзага келади, Бугунги кунда инсон яна техникани қайта англаб етиш муаммосига дуч келмоқда. Бугунги кунда техникани яратишнинг муҳандислик усули бугунги кунга келиб ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди. Технологик усул техникани яратишнинг асосий усулига айланди. Мана шундай муаммоларни олий техника таълим муассасалари талабаларига сингдиришда педагогик таълим модели, технологияси ва уни амалга оширишга доир педагогик шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу жараёндаги энг самарали восита моделлаштириш ҳисобланади. Моделлаштириш асосида олий техника таълим муассасалари талабаларида техноэтик маданиятни ривожлантиришга доир таълим модели яратилади. Таълим модели маълум бир объект ҳақида янги ахборотлар олиш имконини берувчи, тадқиқот предметини илмий жиҳатдан акс эттирувчи фикрий тасаввур ёки унинг моддий кўринишга эги тизимидир[116;432]. Шунингдек, замонавий нуқтаи назардан исталган фаолиятнинг мақсади фаолият натижасини акс эттирувчи модел сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Кўплаб олимлар техник тараққиётнинг икки ёқлама табиатини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бир томондан, техника ва технологиянинг ривожланиши инсонга кўп сонли муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради, аҳоли фаровонлигини таъминлайди, ҳозирги техноген цивилизация асоси бўлиб хизмат қилади. Бошқа томондан эса, техник тараққиёт олдиндан айтиш ҳам, назорат қилиш ҳам мумкин бўлмаган кутилмаган салбий оқибатларнинг ўсишига олиб келади. Техник тараққиёт ўз ҳаракат мўлжалларига эга эмас, у қаёққа кетаётганини ҳеч ким билмайди. Шу туфайли ҳам унинг оқибатларини олдиндан кўра билиш мумкин эмас. Техник тараққиёт қанча кучли бўлса, унинг кутилмаган оқибатлари йиғиндиси ҳам шунча катта бўлади. Техника тараққиёти кучайиб боргани сари, у яратувчи зиддиятлар, тўсиқлар ва бўҳронлар сони ҳам кўпайиб боради. Хусусан, атроф муҳитнинг ифлосланиши, тикланмайдиган ресурсларнинг камайиши, потенциал хавф-хатарларнинг глобаллашуви шулар жумласидандир. Бинобарин, етказилган зарарни қоплашга ёки камайиб бораётган ресурсларнинг ўриндошини топиш учун тадқиқотларга ажратиладиган молиявий маблағларни муттасил равишда қайта ҳисоб-китоб қилиш талаб этилади. Шундай ҳисоб-китобдан кейингина техник ривожланиш маҳсулотининг реал қиймати, техника воситаларининг реал нархлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, кучли захарланишга сабаб бўлувчи техника тозалаш иншоотлари қуришни, саломатликни тиклаш марказлари ташкил этишни талаб қилади. Бинобарин, харажатлар умумий сметасига буларнинг қийматини ҳам киритиш талаб этилади.

## **БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ, ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Жўраева Гулмирахон Зуфаржон Қизи  
Фаргона Давлат Университетимустақил тадқиқотчиси*

Бугунги кунда олий таълимга инновацион ўқитиш технологияларини жорий этиш орқали таълим сифати ва тарбия самарадорлигига эришиш муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида таълим тизимидаги ислохотлар негзида чет тилларини ўқитишни ҳам тубдан такомиллаштиришга доир кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу орқали хорижий тилларни пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш мақсад қилинмоқда. Шу билан



бирга хорижий тажрибалар билан танишиш, ўрганиш ва миллий хусусиятларга мослай оладиган кенг дунёқарашли кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш мақсади ҳам хорижий тилларни ўқитиш кўламининг кенгайтириш учун асос бўлди. Бундай вазиятда хорижий тилни ўрганувчи инсонлар учун янгича талабалар ва масъулиятлар юкланади. Чунки хорижий тилларни ўрганишда ахборий хуружларга дуч келиш эҳтимоли юқори бўлади. Айниқса хорижий тилни ўрганувчилар, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини турли ахборотлардан кўп фойдаланишларибу жараёни тезлаштириб юборади. Шу боис талаба-ёшларда, бўлажак хорижий ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатинишакллантиришорқали информацион таҳдидларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш муҳим педагогик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги глобаллашув даврида жамиятнинг ахборотлашуви даражасининг ошиши, «ахборот технологияларининг ривожини бўлажак хорижий тил ўқитувчиларидан ижтимоий-сиёсий воқеликдаги ўзгаришларга мослашиш ҳамда жамиятда ўзларининг муносиб ўрнини эгаллашни кафолатловчи чуқур билим ва ўзига хос фикрлашни талаб этмоқда. Бу жараён, баъзи олимлар назарида, нафақат ОАВ, балки ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ҳам қамраб олмоқда». Бир сўз билан айтганда, ахборотлашув жараёнларининг шиддат билан кечиши, ёш авлоднинг маънавий қиёфасида бир томондан, «ахборот ресурслари ва ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ўз ичига олувчи ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатинишакллантириш, иккинчи томондан эса, уларни бу соҳадаги турли хуружлар ва таҳдидлардан асрашни ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айлантормоқда». Шу ўринда дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатларида ахборотлашув жараёнида инсондаги ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатинишакллантириш масалаларини таҳлил этишда, унинг даражасини белгиловчи бир қатор индикаторлар қабул қилинганлиги ва бу борада муайян тажриба тўпланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур параграфда бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришнинг янгича технологиялари, ўқитишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва бу борадаи мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимий ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргабугунги кунда чет тилини ўқрганувчи талабаларни Web-квест технологияси асосидаўқитиш оммалашаётган ва буборадаги мавжуд методикани такомиллаштириш ва таълим технологияларини ишлаб чиқиш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Шу боис ушбу масалаларни таҳлил этиш керак бўлади.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасасининг асосий вазифаси янгиликка, ўз-ўзинитарбиялашга ва ўз-ўзини ривожлантиришга қодир бўлган мутахассиснинг ижодий шахсинишакллантиришдан иборат. Бу муаммони ўқитувчидан талабага тайёр шаклда билим беришбилангина ҳал қилиб бўлмайди. Талаба «билимларни фаол яратувчи, муаммони шакллантираоладиган, уни ечиш йўллариини таҳлил қила оладиган, оптимал натижани топа оладиган ваунинг тўғрилигини исботлай оладиган бўлиши керак». Шу муносабат билан ўқув жараёнинишакл этишда талабаларда ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатинишакллантиришга алоҳида эътибор қаратишлозим. Бу эса ўқув жараёнида билимларни ўзлаштиришнинг фаол усулларига қаратиш, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва ҳар бир шахсининг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олувчи индивидуаллаштирилган ўқишга ўтишни ўз ичига олади.«Замонавий таълим жараёнида самарали амалий натижаларга эришиш, шахсинтеллектуал тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. XXI асрнинг «Интеллектуалақл-заковат асри» деб номланиши ҳам бу борадаги ишларни кенг ҳажмда, мисли кўрилмагандаражада тезкорлик билан ривожлантириш кераклигини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, танқидийва таҳлилий тафаккурни шакллантиришда компьютер ва ахборот тизимлари, интернетнингумумжаҳон тармоғи, мультимедиали анимацион технологиялардан самарали фойдаланишвосита ва услубларини яратиш ҳамда жорий этиш заруратини туғдиради». Шундай экан, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида

ахборотларга, воқеа ва ҳодисаларга, илмий парадигмаларга танқидий ва таҳлилий кўникмаларни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Шунингдек, талабаларда ахборотлардан фойдаланишда рационал онгни ва аналитик тафаккурни ривожлантириш керак бўлади.

### Адабиётлар

1. Поппель Г.Л., Голдстайн Б. Информационная технология – миллионная миллионные прибыли. Пер.с англ. - М.: Экономика, 2005
2. Коляда М.Г. Окно в удивительный мир информатики. -Донецк: Сталлер, 2007.
3. Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиётий ўлида. Ўқувқўлланма. –Тошкент.: «Extremum-press», 2015. –Б.8.
4. Ҳамдамов У.Э. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини веб-квест воситасида мустақил таълимни ташкил қилишга ўргатиш технологияси. Педагогика ва психологияда инновациялар журнали. №SI-2 | 2020. –Б. 482

## ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ АСОСИДА БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ ПЕДАГОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Назарова Гулсанамхон Абдурахмоновна  
Фаргона Политехника Институтитадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада замонавий иқтисодий таълим асосида бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантирувчи педагогик шароитлар тизими, шакллари ва усуллари профессор-ўқитувчилар томонидан муайян педагогик мақсадни амалга оширишга йўналтирилган яхлит илмий-дидактик омиллар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аналитик тафаккур, ахлоқий дунёқараш, диалектик тафаккурни, креативлик фаолият, глобал бизнес, менежменти, риск, бўлажак иқтисодчилар

Бўлажак иқтисодчиларнинг иқтисодий дунёқарашини соҳа билан боғлиқ билим ва кўникмалар билан бирга уларни тўғри таҳлил қила олиш иқтидорига эга бўлишини тушунишимиз мумкин. Масалан, талабаларнинг «ахлоқий муносабатлари — ахлоқий дунёқарашларида, ҳуқуқий муносабатлари — ҳуқуқий, сиёсий муносабатлари — сиёсий, диний муносабатлари — диний, иқтисодий муносабатлари — иқтисодий дунёқараш шакллари»да ўз ифодасини топади. Бугунги куннинг рақобатбардош иқтисодчи кадр иқтисодий дунёқарашга, яъни, хўжалик юритишга оид дунёқарашга эга юксак аналитик тафаккурли шахс бўлиши зарур.

Бугунги кунда олимларнинг тадқиқотлари натижасида аниқландики, олий таълим муассасаларида таълим олувчилар тафаккурининг шаклланиши биринчи галда ўқитиш муҳити таъсири остида амалга ошар экан. Тафаккур қилиш эса, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг принциплари ва шакллари каби педагогик категориялар орқали амалга ошади. Шу боис, «тафаккур» тушунчаси педагогик категория сифатида қабул қилинади. Бинобарин, талабаларда тафаккурнинг шаклланишини педагогик нуқтаи назардан ўрганиш жуда муҳимдир.

Талабаларнинг тушунчавий тафаккурини шакллантириш ўқув-тарбия жараёнида тафаккурни ривожлантиришнинг шартларини, йўллари аниқлаш каби тушунилади. Тафаккур қилиш педагогик категориялар орқали амалга ошишини назарда тутсак, билимларнинг шакллари, ўқитишнинг принциплари, методлари ва шакллари тафаккурни, хусусан тушунчавий тафаккурни ривожлантиришга қай даражада йўналганлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Бу эса тушунчавий тафаккурни ривожлантиришнинг шартлари, йўллари ва воситаларини аниқлаш имконини беради[1].

Ўқитиш мобайнида билимларнинг хилма-хил шакллари билан иш кўришга тўғри келади. Одатда тасаввур, тушунча, қонун, принцип, назария, ғоя, исбот, қоида, методлар ва бошқа билимларнинг кенг тарқалган шакллари ҳисобланади. Ўқитишда улар умумий тарзда эмас, балки маълум ўқув предметининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Билимларнинг зикр қилинган шакллари тушунчалар сифатида ҳам ўрганилиши жоиздир. Уларни ўзлаштиришга қаратилган фаолиятнинг барча турлари биринчи галда тушунчавий тафаккурни ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган.

Таълим макони илм-фан ва амалиётни конкрет шароитларда моделлаштирувчи «тирик тизим» сифатида намоён бўлади. Талабаларнинг креативлик фаолиятларини йўлга қўйиш илм олиш жараёнида уларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш усулларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналиши олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди. Иқтисодиёт олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни мустақил таълим олишга, ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунинг учун машғулотлар жараёнида ўқитишнинг турли хил технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Талабаларда ўқув фаолият бутунлиги ҳамда мантиқий тафаккурни шакллантириш. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, талаба-ёшлар мактаб давридан бошлаб ўқув фаолиятини, унинг компонентлари – ўқув масалалари, ўқув ҳаракатлари, ўз-ўзини баҳолаш билан биргаликда ўзлаштира оладилар. Бу борада талабаларда ўқув фаолиятини шакллантиришни, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашдан бошлаш мумкинлигини тавсия этиш мумкин. Чунки бу ҳолатда талабалар ўз ўқув ҳаракатларини таҳлил қила оладилар ва таққослайдилар.

2. Талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш. Маъруза ва амалий машғулотларни ташкил қилиш жараёнида ривожлантирувчи таълим талабаларнинг мустақил таълим олишини кучайтиришни назарда тутди. Мустақил таълим олиш деганда, ўқитувчининг топиши ва ажратилган вақт давомида, ҳамда бевосита унинг иштирокисиз бажариладиган одатдаги ўқув фаолияти тушунилади.

3. Талабаларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш. Асосий фикрлаш операциялари – бу анализ синтез, умумлаштириш, таққослаш, таснифлашдир. Фикрлаш операциялари асосан машғулотлар жараёнида фаоллаштирилиши мумкин. Бу ўқитувчининг

«Нима учун?», «Қандай мақсадда?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволлари муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин.

4. Машғулотлар жараёнида талабаларда диалектик тафаккурни ривожлантириш. Иқтисодиёт олий ўқув юрти талабаларини иқтисодий фикрлашга ўргатиш учун уларнинг фалсафий онгини кўтариш ниҳоятда муҳимдир. Талабаларни баҳслар, мунозаралар, қарама-қарши вазиятларга тортиш орқали аниқ ва ноаниқ, очиқ ва ёпиқ қарама-қаршилиқлар, ўзгаришлар-предметлар орасидаги боғлиқликларга аниқликлар киритилади. Бундай машғулотлар давомида тафаккур мослашувчанлиги таркиб топиб, бунда талаба ҳар қандай ҳолатни таҳлил қила олиб, ундаги ўзгариш ва ривожланишни аниқлаш, предметлар ва воқеликка ўзгача назар билан қарашни ўрганади. Бундай хусусият эса ниҳоятда тез ўзгараётган бугунги замонамизда ҳар бир талаба учун ниҳоятда зарурдир.

5. «Билимлар иқтисодиёти», «Инновацион иқтисодиёт» ва иқтисодиётга оид фанларни ўтиш жараёнида талабаларда ижодий тафаккурни шакллантириш.

Талабаларни муаммоли вазиятларга тортиш, танқидий ҳолатларни муҳокама қилиш улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ҳал этиш учун ўз лойиҳаларини, кейсларни тузиш ва ҳимоя қилиш талабалар тафаккурининг кенг бўлишига хизмат қилади. «Бугунги халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, олий таълим муассасаларида мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги

йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг касбий мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги каби хислатларни таркиб топтириш, олий таълимни ташкилий ва мазмун жиҳатдан такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса, таълим мазмунини интеграциялаш, илм-фан услубларини олий таълим шарт-шароитларига мослаштиришни тақозо этади. Таълимдаги тизимлилик ва кетма-кетликни, турли ўқув фанларига оид тушунча, қонун ва назарияларнинг ўзаро боғлиқ таъсирчан омили сифатида талқин этиш лозим, чунки фанларнинг интеграциялашуви умумлашган билимларни шакллантириш, улар мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш имконини беради»[2].

#### **Адабиётлар**

1. Hakimova M.F., Yulcheyeva G.T. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi. – T.: Fanva texnologiyalar, 2014. -B. 129.
2. Аброров И. Олий таълим тизими замонавий ёндашувлар асосида ривожланади. Халқ сўзи, 26 апрель 2017 йил.
3. Rodionov M, Dedovets Z. The Development of Students' Intellectual Tolerance in the Process of Teaching Mathematics at Secondary Level. London Journal of Research in Humanities and Social Sciences. Volume 18/ Issue 2. -pp. 1-14.
4. Фалсафа қомусий луғат. Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2004, -Б. 25.

### **БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ**

*Муродова Дурдонахон  
Фаргона давлат университеттадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг баддий-эстетик диди, инновацион таълим муҳити ва самарали педагогик жараён компетентлигини ривожлантиришга оид фикрлар таҳлил қилинган. Мусиқа таълими назариясини санъат фалсафаси интеграцияси асосида ўқитиш, талабаларда мусиқий асарларни ижросинигина эмас, баддий-эстетик муносабат ва фаолият, танқидий ва аналитик таҳлил кўникмаларини ҳам ривожлантиришга оид фикрлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** баддий-эстетик компетентлик, замонавий педагогик-коммуникация, баддий-эстетик тарбия, интерфаол таълим, касбий компетенция, эстетик онг

Мамлакатимизда таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ўқитиш методлари, воситаларини ва ташкил этиш шакллари такомиллаштириш зарурати янада кучаймоқда. Шунинг учун мутахассислар тайёрлаш, хусусан, янги даврга мос ўқув-методик ва илмий адабиётлар яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқув муассасаларини замонавий педагогик-коммуникация воситалари билан таъминлаш, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу кесимда мусиқа таълимида замонавий мусиқа таълимининг кенг қамровли ва чуқур илмий-методик пойдеворини ишлаб чиқиш жиддий масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, “бугунги кунда мамлакатимизда узлусиз мусиқий таълим тизими тўлиқ шакланган, десак муболаға бўлмайди. Чунки бугунги ёшлар мусиқа ва санъат мактабларидан тортиб лицей - коллежлар ва консерватория, санъат институти ҳамда педагогика университетларида мусиқанинг ўзлари танлаган йўналишлари бўйича таълим олиш имкониятларига эга. Бундан ташқари кўпгина туманларда янги лойиҳадаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари курилиб фойдаланишга топширилди. Республикадаги барча болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари замонавий ўқув жиҳозлари ва чолғу асбоблари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактаблари фортепиано, рояль ва бошқа зарур чолғу асбоблари билан босқичма-

босқич таъминланиб келинмоқда. Яратилган бундай имкониятлар эса педагоглардан янада масъулиятлироқ бўлишни, ўқувчилар онгига, руҳиятига мусиқа санъатининг барча қирраларини сингдиришни талаб этади»[1]. Бунинг учун эса, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг билим тафаккури, зарур педагогик компетентлиги ривожланган бўлиши зарур.

Жамиятимиз учун билимли, фан асосларини чуқур эгаллашга виждонан интиладиган ёшлар керак. Бундай фазилатлар етук ахлоқ ва одоб заминидагина шаклланиши мумкин. Ўқувчи ёшларда бурч, ватан ва миллат олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, қонунларга риоя этиш сингари фазилатларни ҳам шакллантириш керак. Ёшларнинг шахс сифатида камол топишига салбий таъсир этадиган муҳитни бартараф этиш ҳам тарбиявий ишлар тизимига киради. Ёшларни тарбиялаш – бутун жамоатчилик манфаатдор бўлган умумдавлат ишидир. Тарбия, таълим ишлари давлат томонидан бажарилиши ҳам истикбол эҳтиёжлари билан тақозо этган объектив заруриятдир. Болалик чоғидан фарздаларимизга тўғри мусиқий таълим бериш ва ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялаш учун республика бўйича кўп сонли мусиқа мактаблари, этнографик жамоалар, хор тўғарақлари ташкил қилинган.

Бадий-эстетик тарбия бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг маънавий камолотида муҳим ўрин тутувчи омиллардан бири бўлиб, уларнинг хоши - истаги туфайли эмас, жамиятнинг қонуний эҳтиёжларидан келиб чиқадиган заруриятдир. Бадий-эстетик тарбияга эътибор кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бугунги даврда ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг борлиқдаги гўзалликка, нафосат оламига яқинлаштириш жуда муҳим педагогик вазифалардандир. Чунки бадий-эстетик тарбия ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига тегишлидир. Бу орқали бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ижодкорлигини ошириш, мусиқий лаёқатини ривожлантириш ва эстетик муносабатга киришиш қобилиятини ўстириш мумкин бўлади. Бу эса, ўқувчиларнинг мусиқий тафаккури, саънатни тушуниши ва унга бўлган эстетик дидини ўсишига олиб келади.

Олий таълимда бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини такомиллаштириш зарурати бир қатор ижтимоий, иқтисодий, психологик ва педагогик омиллар билан белгиланади. Шуни таъкидлаш керакки, «бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини ташкил этишда мусиқий санъат ва педагогиканинг интеграциялашуви бўлган бўлажак мусиқа таълими ўқитувчисининг келажақдаги педагогик фаолияти таркибий қисмларининг бутун мажмуаси ҳали тўлиқ акс эттирилмаган»[2]. Шу туфайли олий таълимда мусиқа ўқитувчиси тайёрлаш тизими жуда мураккаб бир қатор (мусиқий педагогик, амалий ва назарий, услубий, дирижор, вокал-хор, инструментал таълим) компонентларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, педагогик илм-фаннинг замонавий даражаси бўлган бўлажак мусиқа таълими ўқитувчисининг бадий-эстетик фаолиятга тайёргарлик жараёнининг алоҳида жиҳатларини ўрганиш учун интеграл ёндашув зарур.

Ҳозирда мусиқа таълими соҳаси масофавий таълим каби янги шаклларни ўз ичига олиб, ривожланиб бормоқда. Булар онлайн-дарс машғулотлардан ташқари телекоммуникацион танлов лойиҳалари, Республика ва халқаро онлайн фан олимпиадалар, интернет ва электрон платформалар ёрдамида ўтказиладиган викторина ва танловлар, масофавий ўқитилаётган турли фанларнинг ўқитиш методикаларидир. Телекоммуникация муҳити, фанни ўқитиш мазмунига ўз қарашига эга бўлган ҳолда умумий маданий фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилишга, тегишли қарорлар қабул қилишга, таҳлил қилиш ва керакли маълумотларни саралаб олишга чорлайди. Компьютер технологияларни таҳлил қилган ҳолда, бугунги кунда уларни қўллаш зарур бўлган куйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- мусиқа асарларини тинглаб таҳлил қилиш;
- мусиқа яратиш;

- бир вақтда матн, аудио-ёзув ва видео кўринишдаги муסיқий материални назарияси ва тарихини ўрганиш;  
- шахсий муסיқий дастурларни яратиш;  
- интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда турли муסיқий маълумотларни олиш[3].  
Бундай имкониятлар орқали бўлажак муסיқа ўқитувчиси ўзининг муסיқий билими ва позициясини танлаши, муסיқа турлари бўйича ўз имкониятларини синаб кўриши ҳам мумкин.

Баркамол авлод камолотида муסיқа тарбиясини амалга оширишда муסיқа соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаётган таълим муассасаларида «Муסיқа ўқитиш методикаси» фани катта аҳамият касб этади. Бу фан мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфи, ўрта ва юқори синфларида муסיқа ўқитиш методикаси орқали сингдирилиб борилади. «Муסיқа ўқитиш методикаси» фан сифатида ўзининг тизимига мансуб бўлиб, муסיқий фанлар тармоғида ўзининг мустақил ўрнига эга. Унда муסיқий тарбия мазмуни, методлари, сифат ва самарадорликка эришиш йўллари, қонуниятлари билан бирга муסיқага нисбатан бадиий-эстетик дидни шакллантириш жараёни ўрганилади[4]. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг илмий, ахлоқий ва бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириш орқали кейинчалик педагогик фаолиятда ўз ўқувчиларига таълим беради, тарбиявий функцияни амалга оширади. Муסיқа ўқитувчилари ўқувчиларни муסיқа машғулотида асосида тарбиялашда нафосат, муסיқа физиологияси, муסיқий психология каби қатор фанларнинг тажрибаларига таяниш лозим. Чунки муסיқа инсон руҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унга энг осон таъсир этувчи куч ҳамдир.

#### **Адабиётлар**

1. Махмудова С. Инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг муסיқий маданиятини шакллантириш технологиялари. Замонавий таълим журнали. 2018. №8. –Б. 63.
2. Оманқулова Ш. Бўлажак муסיқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбийкомпетентлигини такомиллаштириш. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. –Б. 62
3. Мухитдинова М.С. Педагогика олий муסיқа таълимида бакалаврларни тайёрлашда учраб турадиган муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари. "Science and Education" Scientific Journal December 2020 / Volume 1 Special Issue 4. –Б. 242.
4. Шарипова Г. Муסיқа ва унинг ўқитиш методикаси. – Тошкент.: 2006. – Б.137.
5. Оманқулова Ш. Бўлажак муסיқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбийкомпетентлигини такомиллаштириш. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. –Б. 62

### **БЎЛҒУСИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ФАНЛАРАРО ҲАМКОРЛИК АСОСИДА МЕДИА ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

*Умурзакова Бонухон Азизовна  
Фаргона давлат университети тадқиқотчиси*

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қуйилаётганлиги, айти шу ахборот хужужларига қарши етарли иммунитетга эга бўлган, соғлом фикрли инсонларни майдонга чиқариш, замонавий ўзбек жамиятининг асосий функцияси эканлиги олимларимиз тамонидан асослаб бермоқда. Маърифатпарвар Абурауф Фитрат “Оила” рисоласида ахлоқ-одобда намунали авлодни тарбиялаш нафақат бир миллат ёки халқ учун, айти пайтда бутун инсоният учун ғоятда муҳим эканлигини зикр этиб, “Кимки бадахлоқ болаларни тарбия

этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади” деб ёзган эди. Бунда асосий эътибор оиладаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳамма замонларда ҳам маънавият кўргони бўлиб келганлигини, айниқса, ҳозирги замонда бу жуда долзабр эканлиги англашилади. Оиладаги муҳит соғлом бўлса ундан албатта мустақил фикрловчи, эртанги кун учун қайғурувчи инсонлар вояга етади. Бинобарин бугун ҳар бир давлат халқининг тинч-тотув яшаши йўлида сиёсат олиб борар экан, мамлакатимиз ҳам инфор­мацион хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериб келмоқда. Алоҳида қайд қилиш керакки, етарли билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аждодларининг кимлигидан бе­хабар, соддадил, ишонувчан ёшларнинг бугунги кунда бузғунчи ғоялар тузоғига тушиб қолаётганини алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Ҳозирда дунёнинг айрим худудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар, миллий онг, шунингдек диний кадриятларнинг ҳамда турмуш тарзини издан чиқаётганлигига кўз юмиб бўлмайди. Энг ёмони бундай ҳаракатлар натижасида ёшлар ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларидан йироқлашиб лоқайд ва манкуртга айланиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларимиз қалбида ва онгида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини ўзида мужассам этган, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги мақсад ва муддаоларини ифода этадиган, уларни амалга ошириш йўлида уюштирадиган эзгу ғояларга садоқат туйғусини шакллантириш лозим. Шу билан бирга, бунёдкор ғояларга зид бўлган, маънавий бузуқ ҳамда жаҳолатга хизмат қиладиган инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният шунингдек, қабих мақсадларга ундайдиган, халқларни, давлатларни таназзулга маҳкум этадиган бузғунчи ғоялар ҳам борлигини унутмаслик зарур.

**1.** Медиа-оммавий ахборот воситалари, ҳам кенг, ҳам махсус аудиторияга мўлжалланган кўнгил очар таклифларни тавсия этувчи, янгилик, ахборот ва реклама ахборотини тарқатишга йўналтирилган кўп сонли ва серқирра функцияларни амалга оширувчи коммуникация воситасидир». Аксарият ҳолларда мутахассислар медиа атамаси ўзагида айнан ушбу тавсифни кўради.

**2.** Медиа саводхонлик медиа функцияларини тушуниш, мазкур функцияларни амалга ошириш сифатини баҳолаш ва ўз-ўзини ифода этиш, шунингдек, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш учун медиалар билан рационал ҳамкорликка киришишга урғу беради.

**3.** Медиа маданият — турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси.

**4.** Медиатаълимдан кўзланган асосий мақсад медиасаводхонликни шакллантиришдир. Боиси саводхонликнинг айнан шу тури инсонга ахборий майдонда телевидение, радио, видео, кинематограф, матбуот, интернет, умуман олганда, медиамаданиятнинг тилини тушунишга, ахборотларни таҳлил этиш йўли билан қабул этишга, ахборотлардан фаол фойдаланишга ёрдам беради. Медиасаводхон одам социомаданий, сиёсий контекстаги медианинг фаолиятини таҳлил этиш, баҳо бериш қобилиятга эга бўлади.

**5.** Медиатаълим нафақат таҳдидларга жавоб бериш ва медианинг имкониятларидан фойдаланиш воситаси ҳисобланади, балки ундан турли, масалан, кибер буллинг, узоқлашиш, ирқчилик ва танҳолик каби мавзуларга диққатни қаратишга кўмак беради. Бундан ташқари, медиа таълим медиа воситасида ёшларнинг ушбу таҳдидларга қарши курашдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашади.

**6.** Медиа саводхонликнинг хавфсизлик, ижтимоий-ахлоқий, маданий ва технологик жиҳатлари билан боғлиқ кўникмаларни ўрганиш хусусида фикр юритиш мумкин. Медиа саводхонлик шаклланиши давомида талаба медиадан самарали ва хавфсиз фойдаланиши, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг муайян бир манзилидаги аҳволни адекват, касбий тарзда баҳолаши, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириши, бунинг баробарида фуқаролик жамиятини барпо этишга кўмаклашиш кўникмаларига эга бўлади.

7. Бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари учун ахборотнинг қанчалик фойдали экани ва мақсадга йўналтирилганлигига урғу берадиган прагматик жиҳат кучли тавсифлаб берилиши жуда муҳим. Бунга кўра, ахборотнинг фойдалилик меъёри унинг мавҳумлик меъёрига боғлиқ бўлиб, агар хабар олиш жараёнида ўрганувчи онгидаги муайян масала бўйича мавҳумлик ўзгарса, ахборотнинг фойдалилиги хабар олингунгача бўлган ва ундан кейинги мавҳумлик ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

8. Бўажак ўқитувчи учун медиатаълим ва у асосида шаклланадиган медиамаданият мавжуд маълумотларни синтез қилиш асосида ахборот таъсирининг исталган объекти учун хавфнинг юзага келиши механизмларини очиб бериш зарур. Фақатгина шу йўл билан замонавий жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларини аниқлаб олиш, турли хилдаги деструктив ахборот таъсирларидан ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш мумкин бўлади.

#### Адабиётлар

1. Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2005
2. Kubey, R. (1998). Obstacles to the Development of Media Education in the United States. Journal of Communication (Winter), pp.58-69. Маматова Я,
3. Сулайманова С. Ўзбекистон медиа таълим тараққиёти йўлида. Ўқувқўлланма. – Тошкент: «Extremum-press», 2015. – Б.8.
5. [www.edu.jobsmarket.ru](http://www.edu.jobsmarket.ru)
6. [www.advesti.ru/glossary/desk/1952](http://www.advesti.ru/glossary/desk/1952).

### AMIR TEMUR JANG SAN'ATI

*Xamidov Shukurullo FarDu Tarix fakulteti  
3-bosqich talabasi*

**ANNOTATSIYA:** Ushbu maqolada Amir Temurning jahon harbiy san'atiga qo'shgan hissasi, o'zining harbiy strategiyasi va taktikasi haqida o'sha davr manbaalaridan, ilmiy va badiiy adabiyotlardan, jahon adabiyotlaridan atroflicha o'rganib chiqilib ma'lumotlar olindi va shular asosida yangi ma'lumotlar bayon etiladi.

**Kalit so'zlar:** Mortira, katapulta, Amir Otlamish, faqih Mas'ud al-Quhoniy, barang'ar hiravuli, juvang'ar hiravuli, chapavul, shag'avul, mang'lay, muhoraba, yasol, handaq, janggoh, borgoh, polk, yasomishiy, takomishiy, nakomishiy, son, buljor, tanqol.

Amir Temur – buyuk shaxs, yirik davlat arbobi, sarkarda, qonunshunos, iste'dodli me'mor, notiq, ruhshunos, shu bilan birga el yurtini, xalqini sevgan va uni jahonga mashhur qilgan inson. Harbiy qo'mondonga beriladigan eng xolis baho uning janglarda erishgan galabasidir. Shu nuqtai nazardan Temur tarixidagi buyuk sarkardalar orasida alohida ajralib turadi. Uning harbiy iste'dodi asosan ikki yo'nalishda: mohir harbiy tashkilotchi va atoqli harbiy sarkarda tarzida yorqin namoyon bo'ldi. Dunyoning 27 mamlakatini zabt etishda Amir Temurning qo'shini va uning harbiy san'ati bosh omil bo'lib hizmat qildi. Uning g'olibona yurishlarida qo'llagan taktik va strategik jang qilish uslublari bugungi kunda ham jahondagi yetakchi mamlakatlarning harbiy bilim yurtlari va akademiyalarida o'rganiladi va o'qitiladi.

Amir Temur 1371-1404 yillar orasida Mo'g'liston, Eron, Ozarbayjon, Iroq, Shom (Suriya), Hindiston, Gurjiston, Armaniston, Kavkaz orti o'lkalari ustiga harbiy yurishlar qildi. Amir Temur Movarounnahrni mo'g'ullar hukmronligidan ozod etib, bu mamlakatda mustaqil davlat barpo etgan bo'lsada, hali mamlakatda barqaror tinchlik o'rnatilgan emas edi. Bir tomondan ayrim viloyat hokimlari Amir Temur hakimiyatini tan olishdan bosh tortib turgan bo'lsalar, ikkinchi tomondan mamlakatning sharqiy va shimoliy hududlari notinch edi. Mo'g'uliston bilan Oltin O'rda hukmdorlari Farg'ona vodiysining sharqi, O'tror, Yassi (Turkiston) va Sayram shaharlariga xavf solib, bu hududlarga tez-tez hujum qilar va aholini talontaroj qilardi. Shuning uchun ham Amir Temur dastlabki yillarda mamlakat sarhadlari



xavfsizligini ta'minlashga katta ahamiyat berdi. Isyonchi amirlarga qarshi shafqatsiz kurash olib bordi. Amir Temur biror mamlakatni tasarrufiga olishdan avval albatta o'sha joy aholisiga tinchlik yo'lini taklif etgan, bu yo'l inkor etilgan holdagina harbiy kuch ishlatgan. Amir Temur davlatiga chagaradosh yoki umuman chegaradosh bo'lmagan davlatlarning barcha hududlarida o'z ayg'oqchilarini tarqatib, qolgan mulklarida esa josuslar qo'ygan edi. Ular (josuslar) jumlasidan, uning amaldorlaridan biri Amir Otlamish bo'lsa. yana biri faqih Mas'ud al-Quhoniy. U Temur devoni as-hoblarining ko'zi edi. Josuslarning birisi Qohirada, Mo'g'ulistonda bo'lsa, yana birisi Damashqdagi so'fiylardan biri edi. "Ularning biri chakanafurush bo'lsa, ikkinchisi yirik savdogar, badxulq polvon va hunarmand, munajjim va o'z tabiaticha ish qiladiganlar, gapchinox qalandarlaru sayoq darveshlar. Zarofatli meshkoblar, latofatli etikdo'zlar bo'lib, ular chor atrofda bo'layotgan hodisalar va ularning xabarlarini Temurga yetkazib, o'zlari afzal ko'rgan ishlarini unga bayon etardilar. Ular vaznlar, narx-navolar to'g'risida unga zikr qilib, manzilu shaharlarni tavsiflardilar. Ularning tekis va notekis joylarining xaritasini keltirib, uylari va diyorlari o'rinlarini chizib ko'rsatardilar, shular orasida u joylarning yaqin yoki uzoq, tor yoki kengligini ularning qaysi tevarak-atrofdagi, g'arb yoki sharqdami, shaharlar va qishloqlarning ismlarini, manzil va panohjoylar nomlarini, har joyning ahliyu boshliqlari, amirlari, ulug'lari, fozillari, shariflari, boylariyu faqirlarini, ularning har birining ismi va laqabini, shuhrati va nasabini, ularning hunari va (ega bo'lgan) vositalarini (to'la-to'kis) bayon qilardilar. Natijada, Temur o'z fikri bilan shularni yaqqol ko'rib, tafakkuri vositasida o'z yerlaridan o'zga yerlar ustidan tasarruf yuritardi"19. Bunday ma'lumotlar savdo munosabatlari bahonasida ham to'planishi mumkin edi. Amir Temur Chingizxon singari savdo karvonlarini O'rta Osiyoning turli o'lkalariga, Xitoy, Hindiston, Misr, Saudiya Arabistoni, Suriya, Gurjiston va hatto Yevropa davlatlariga ham yuborar edi. Karvon qaytib kelgandan keyin darvesh ko'rinishida savdogarlar bilan karvonga qo'shilgan ayonlar yo'l davomida ko'rgan davlatlaridagi shart-sharoit, shu davlatda yashovchi xalq urf-odatlarini, eng asosiysi o'sha davlat hukmdorlarining o'z fuqarolariga bo'lgan munosabatlari haqida ma'lumot beradilar.

Amir Temur sayohatchilarga, savdogar va karvonboshilarga alohida homiylik qilar, ulardan o'zlari ko'rgan mamlakatlarning holati haqida muhim ma'lumotlarni bilib olardi. Ulardan lozim bo'lgan ma'lumotni olish uchun Amir Temur maxsus ishonchli amaldorlar tayin qilgan edi, Bu amaldorlar mol-ayirboshlash, chet ellik sayohatchi olimlarning asl niyatlari haqida aniq ma'lumotlarni to'plashlari, ayg'oqchilar yordamida o'zga davlat hukmdorlarining Amir Temurga bo'lgan munosabatlarini o'rganishlari, bu ma'lumotlarni tez va aniq qilib unga yetkazishari lozim edi. Agar bu ma'lumotlar ham yetarli bo'lmasa, elchilar yuborar, ular esa, o'z navbatida unga kerakli ma'lumotlarni yetkazishlari shart edi. Ba'zida esa, kerakli ma'lumotlarni to'plash uchun darveshlarni jo'natar edi. Amir Temur so'zlariga binoan, siyosat bilan maqsadga erishish mumkin bo'lgan yerlarda qurol bilan harakat qilish noto'g'ridir. Amir Temur boshqaruvning turli sohalariga odamlarni o'zi tanlar har bir narsani o'zi nazorat qilib turar edi. Ibn Arabshoxning ma'lumotlarida keltirilishicha, u odamlar bilan qisqa, mehribonlik va sabr toqat bilan muomala qilar, ular orasida tartib o'rnatib ko'rsatmalarining bajarilishini talab qilar edi. Amir Temur o'z xizmatidagilarni rag'batlantirishda boyliklarni ayamas, ularni o'zi bilan ovqatlanishga taklif qilar, ehtiyojlariniqondirishga harakat qilar, adolatli va beg'araz bo'lib, o'zining qo'shin vafuqarolarini, o'z ta'biri bilan aytganda, qo'rquv va umid o'rtasida ushlab turar edi.

Amir Temur o'z yordamchilarini aqlli kishlar orasidan tanlar, viloyatlarga hokim qilib, halol odamlarni qo'yar, ular esa o'z navbatida, xalq va qo'shin fe'l atvori umuman diqqatga sazovor har bir narsa haqida unga hisobot berib turardilar. Yolg'on xabar zo'rlik va shavqatsizlik uchun u boshliqlarni qattiq jazolardi. Maxsus ishonchli kishilar Amir Temurga xalqning holati haqida habar berib turishar, o'zi esa, shu xalq urf-odatlariga amal qilishga, umuman xalq muhabbatini qozonishga harakat qilar edi. Amir Temur taxti atrofida uning o'gillari, nabiralari va boshqa qarindoshlari, qarindoshlik darajasi va ahamiyatiga qarab yarim oy shaklida joylashar edilar. Temuriylar harbiy yurishlarga ko'proq ko'klam, yoz va kuz mavsumlarida o'tlanishni

ma'qul bilganlar. Safar qoidasiga ko'ra, har bir sarkarda o'z darajasi va lavozimiga qarab qism va bo'linmalari bilan yasol — jangovar tartibda harakat qilgan. Yasolni buzgan shaxs qattiq jazolangan. Qo'shin janggohga tushganda lashkargoh atrofi aravalar bilan to'silgan, xandaqdar bilan ihota qilingan, soqchi bo'linmalar tomonidan qo'riqlab turilgan. Yurish yoki jang paytida boshboshdoqlik, parokandalikni oldini olish maqsadida har bir bo'linma, guruh, qismning o'z maxfiy so'z — paroli belgilangan. Safar arafasida Temurbek o'z pirlari va rahnamolari huzuriga sof ishonch hamda pok ibodat bilan tashrif buyurib, ziyorat shartlarini bajo keltirgan. Muqaddas va muborak mozorlarni tavof qilgan. Mayib-majruhlarga, muhtoj va yo'qsillarga sadaqalar ulashgan.

Sohibqiron o'ta tahlikali onlarda ham sarosimaga tushmas, hissiyotga berilmas, metinday mustahkam irodasi ikkilanishga, qat'iyatsizlik ko'rsatishga aslo yo'l qo'ymas edi. Biror marta ham mag'lubiyat («loy jangi» bundan mustasno) alamini tortib ko'rmagan muzaffar qo'shin oliy bosh qo'mondonning har qanday og'ir va chigal vaziyatdan ham tadbirkorlik bilan chiqib ketishiga, o'zining sarkardalik mahoratiga butun vujudi bilan ishonar edi. Shuning uchun g'anim bilan faqatg'alabani ko'zlagan holda jon-jahdi bilan jang qilar edi. Yirik muhorabalar paytida dasta uchi yarim oy shakli qadalgan jangovar bayroq va tug'lar bilan bezatilgan. Oliy bosh qo'mondonning borgohi balandlikka tikilgan. U yerdan qism va bo'linmalarning maydondagi harakati, jangning borishi Amir Temur tomonidan kuzatib turilgan. Odatga ko'ra borgoh oldida harbiy orkestr askarlarni mardlikkarag'batlantiruvchi, ularning jangovar ruhini ko'taruvchi kuylarni tinimsiz chalib turgan. Sohibqiron janglarda mardlik va qahramonlik namunalari ko'rsatgan harqanday raqibini xurmat qilar, jangchilarini undan o'rnak olishga undar edi. Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, Amir Temurning 12 ming kishilik qo'shini jangga mana bunday tartibda kirgan. Dushman bilan dastlabki, to'qnashuvni ayg'oqchilik bilan mashg'ul bo'lgan qorovul boshlab bergan. Shundan so'ng o'ng va chap qanot ilg'or qismlari — barang'ar xiravuli va juvang'ar hiravuli madadida asosiy ilg'or qism — mang'lay jangga kirgan. Mang'lay ortidan barang'ar hamda juvang'arning qolgan 2 bo'lagi — chapavul va shag'avul ketma-ket harakatga kelgan. Ushbu kuchlar dushmani mag'lub etishga kifoya qilmasa, bosh qo'mondon (amir ul-umaro) boshchiligidagi markaz (qo'l) hal qiluvchi hujumga tashlangan.

Sohibqiron armiyasi qatnashgan ulkan janglarning taktik borish manzarasi quyidagicha bo'lgan: qo'shin markazi 40 qism — polkka taqsimlangan va Oliy bosh qo'mondonga itoat qilgan. Ushbu qismlarning sara jangchilardan tashkil topgan 12 qismi safning 1-qatorida, qolgan 28 qismi 2 va 3-qatorlarda joylashgan. Qirq qismning o'ng tarafi oldida amirzodalar qismlari, so'l tarafi oldida qarindoshlar va ittifoqchilar qismlari saf tortgan. 2-qatorning barang'arida 6 qism o'z ilg'ori — hiravul bilan o'rin egallagan. Ayni shu miqdordagi qism va hiravulga juvang'ar ham ega bo'lgan. 2-qator barang'ari va juvang'ari oldida yuqoridagi tartibda 1-qator qismlari joylashgan. Uning oldida bosh ilg'or — mang'lay (yoki hiravuli) harakatda bo'lgan. Yengil suvoriylardan iborat 2-qism armiyani qo'qqisdan bo'ladigan hujumdan muhofaza qilish uchun qo'shinning oldi qatorlarida turgan.

Buyuk sohibqiron o'rta asrlar harb san'atiga bir qator harbiy atamalar hamkiritganki bular haqida bizga sanoqli manbalar so'zlaydi. Masalan: “yasomishiy –lashkarni tartibga solib saflash, takomishiy yoki nakomishiy – chekinayotgandushmani quvlab zarba berish, son – qo'shin ro'yhati, buljor – lashkar yig'ilishi uchun belgilangan joy va muddat, tanqol yoki tunqol – lashkarning belgilanganjoyda yig'ilishi uchun berilgan buyruq yoki habar”<sup>20</sup>. Amir Temur buyuk davlat asoslarini barpo etdi. Uning davlati o'zbek davlatchiligi va madaniyati tarixining eng rivojlangan 2-renessans davrini tashkil etadi. Saltanatda barcha sohalarda tub burilishlar, yuksalishlar kuzatilgan. Buyuk sohibqiron Amir Temur mamlakatlarni bosib olishda avvalo hududni oldindan o'rgangan va shunga ko'ra tadbir qilgan. Kerak bo'lganda qattiqqo'llik bilan bo'ysunmaganlarni jazolagan va payti kelganda aholiga omonlik bergan. Bosib olgan hududlarda ham tiklash ishlarini olib borgan. Taraqqiyot uchun xizmat qilgan Amir Temur faoliyati bilan bog'liq tarixiy qadriyatlar allaqachon umuminsoniy qadriyat darajasiga yetib ulgurgan.

## **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.**

1. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. T.: "O'zbekiston", 1996.
2. Ibn Arabshox. Amir Temur tarixi. T.: "Mehnat", 1992.
3. Muiniddin Natanziy. Muntaxab ut-tavorixi Muiniy. T.: "O'zbekiston", 2011.
4. Ivanin M. Ikki Buyuk Sarkarda. Toshkent, 2017.
5. Dadaboyev H. Amir Temurning harbiy mahorati. T.: "Yozuvchi", 1996.
6. Ahmedov B. Sohibqiron Temur. T.: «A. Qodiriy nomidagi xalq merosi», 1999.7. Mo'minov I. Amir Temurning O'rta Osiyo tarixidagi o'rni va roli haqida. Toshkent, 1960.

## **БЎЛАЖАК КАДРЛАРДА ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Улмасов Мирзохид Музаффаржон ўгли  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали  
Умумқасбий, гуманитар ва табиий фанлар кафедраси мустақил тадқиқотчиси**

Бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг катта қизиқишини орттирган масала ижтимоий интеллект мавзуси бўлиб, мазкур муаммога доир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Инсон ҳаёти ва фаолияти давомида атрофдагилар билан бўлган муносабатларни самарали ва ижобий олиб боришга интилади. Бугунги кунда ҳар бир соҳада рақобатбардошликни талаб қилинадиган бир пайтда шахслараро муносабатларни ижобий амалга ошириш бўйича ҳам қатор муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Мазкур муаммога самарали ечим сифатида шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш, ижтимоий мослашувчанликни қарор топтириш талаб этилади.

Ижтимоий интеллектнинг юзага келишида умумий интеллектнинг барча элементлари бевосита иштирок этади: тафаккур, тафаккур турлари, анализ, синтез, ҳаёл, таққослаш, хотира ва унинг турлари.

Ижтимоий интеллект тушунчаси биринчи марта 1920 йили Э.Торндайк томонидан фанга киритилган. У мазкур тушунчани "шахслараро муносабатларда онгли, ўйлаб, оқилона ҳаракатлар билан мулоқотда бўлиш", деб тушунтирган. Э.Торндайк ижтимоий онг(ақл)ни одамлар билан мулоқотнинг муваффақиятини таъминлайдиган ўзига хос когнитив қобилият деб ҳисоблаган. Ижтимоий ақлнинг асосий вазифаси мулоқот жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларни олдиндан ҳис эта олишдир. Ижтимоий интеллект умумий интеллектнинг бир тури ҳисобланади

"Интеллект" лотин тилидан олинган бўлиб, ақл, идрок, зеҳн маъноларини англатади. Интеллект инсоннинг билиш қобилияти, фикрлаш, англаш, тафаккур қилиш салоҳиятини белгилайди. У маънавийга яқин бўлиб, инсоннинг руҳий-ҳиссий туйғуси, билиш қобилияти ва ақл-заковати, ақлий етуклиги ва юксакликка интилиши билан уйғунлашади [3, б-12]. "Педагогика" энциклопедиясида интеллект тушунчаси қуйидаги талқин қилинган: Интеллект кишиларнинг ақли, идроки, заковати, маънавий жиҳатдан етуклик даражасини ҳам ифодалайди; тасаввур, идрок, синчиковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва.х.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиш қобилиятини ҳам англатади. Тафаккур тарихида интеллект тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар турлича бўлган. Интеллект маънавийга таалуқли бўлгани учун руҳий ҳолат маҳсули сифатида иродадан устун туради, деган тасаввурлар мавжуд. Интеллектуал ресурс инсонларда билим, ҳаётий тажриба ва идрок ҳамда зеҳн асосида, аввало, ўз ақлий омилкорлик салоҳиятини, турмуш тарзини турли йўналиш ва шаклларда янада бойитиш, унинг янги қирраларини очиш, мукаммаллаштириш имкониятидир [4,б-222].

Ижтимоий интеллектнинг юзага келишида умумий интеллектнинг барча элементлари бевосита иштирок этади: тафаккур, тафаккур турлари анализ, синтез, ҳаёл, таққослаш, хотира ва унинг турлари. Ижтимоий интеллект тушунчасига оид қарашлар тарихий асосга эга бўлиб, энг қадимги ёзма манбаларданок бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Жумладан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто”да ижтимоий интеллектнинг моҳиятини очиб берувчи қатор маълумотларга гувоҳ бўлиш мумкин. Педагог олима С.Нишонова ўзининг “Комил инсон тарбияси” монографик асарида энг қадим замонлардан бошлаб инсонни шакллантиришнинг мезони сифатида: ақлий етуклик – соғлом фикр, юқори истеъдод, салоҳият; маънавий-ахлоқий юксаклик; жисмоний етуклик – бадан тарбияси, дилбарлик тарбияси; нафосат тарбиясига аждодларимиз алоҳида аҳамият қаратганлигини таъкидлаб, “Авесто”да – инсон меҳнати туфайли барча ёмон хислат, ёмонлик ҳамда ёвузликлардан қутулиш мумкинлиги асосий ғоя сифатида илгари сурилган лигини қайд этиб ўтган.

Ижтимоий интеллект муаммоси республикамиз психолог ва педагог олимлари томонидан ҳам ўрганилганлигини эътироф этиш ўринли. Аммо муаммога ижтимоий интеллект туси берилган бўлмаса-да, унинг асосий компонентлари ҳисобланган шахслараро муносабат, педагогик мулоқотга қобилиятлилиқ, ўзаро бир-бири тушуниш ва идрок этиш, педагогик ҳамкорлик ва фаолиятни бошқариш масалалари ўрганилганлигини эътироф этиш зарур. Ўзбекистонлик олимлардан Р.Сафарова, Б.Ходжаев, Ш.Абдуллаева, Х.Тожибоева, Н.Дилова, Қ.Иноқовлар томонидан томонидан ҳамкорлик педагогикаси масалалари, ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегиялари, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик имкониятлари ёритиб берилган. Ҳозирги вақтда ижтимоий интеллектга доир тадқиқотлар таълим муаммолари билан боғлиқликда амалга оширилиб, унинг турли жиҳатлари ўрганилиб, баҳс доираси чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Инсоннинг маданий-ижтимоий шартланган хулқ-атвори билан боғлиқликда ижтимоий интеллект билан боғлиқ қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Турли давлат тадқиқотчилари томонидан ижтимоий интеллектнинг муқобили сифатида “маданий интеллект”нинг бир қанча моделлари ишлаб чиқилган. Айниқса, уни ўлчаш учун махсус восита – “маданий интеллект шкаласи” яратилган (S. Ang, L. Van Dyne, K. Koch, 2003). Ҳозирги вақтда педагог ва жамоатчиликни болалар ва ўсмирларнинг агрессив хулқ-атвори, уларга психологик босим ўтказиш – буллинг муаммоси айниқса, ташвишга солмоқда. Қатор тадқиқотчилар ўзларининг ишларини ижтимоий интеллект ва болалар агрессивлиги билан алоқадор муаммоларига бағишлаган.

### Адабиётлар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 б.
2. 6. Федоренко А.В. Социальный интеллект: Сущность и проблемы у студентов педагогических специальностей//Вестник Военного университета. 2011.№4 (27).С.57-60.; Практический интеллект / Роберт Дж. Стернберг, Джордж Б. Форсайт, Дженнифер Хедланд и др. СПб.: Питер, 2002. – 265 с.
3. 7. Дружинин В. Н. Психология общих способностей / В. Н. Дружинин. - СПб. : Питер,1999. - 289 с.; Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение / Ю. Н. Емельянов. - Л. : Изд-во ЛГУ, 1995. – 167 с.; Южанинова А. Л. К проблеме диагностики социального интеллекта / А. Л. Южанинова // Проблемы оценивания в психологии. - Саратов: 1994. – С.84-87.Куницына В. Н. Межличностное общение: учебник для вузов / В. Н. Куницына, Н. В. Казаринова, В. М. Погольша. - СПб.: Питер, 2002. - 544с.Куницына В. Н. Социальная компетентность и социальный интеллект: структура, функции, взаимоотношение / В. Н. Куницына // Теоретические и прикладные вопросы психологии / Под ред. А. А. Крылова. - СПб. : 1995. - С. 48-59.

**АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНДЛИК МУАММОЛАРИГА  
ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

*Нигора Шерматовна Эркабоева*

*П.ф.д, доцент, Кўқон ДПИ*

*Педагогика ва психология факультети декани*

**Аннотация**

Ушбу мақолада хотин-қизлар муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари, имкониятлари орқали оилани мустахкамлаш, унинг моддий фаровонлигини ошириш натижасида аёлларнинг бахтли яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлашга оид фикрлар баёни берилган.

**Аннотация**

В данной статье описаны проблемы женщины, пути их преодоления, укрепление семьи через возможности, обеспечение ее права на счастливую жизнь в результате повышения ее материального благосостояния.

**Annotation**

This article describes the problems of women, ways to overcome them, strengthening the family through opportunities, ensuring its right to a happy life as a result of increasing its material well-being.

**Калит сўзлар:** Учинчи ренессанс, хотин-қизлар муаммолари, оила институти, “Аёллар дафтари”, бандлик масаласи, ижтимоий ҳимоя, аёллар тадбиркорлиги.

**Ключевые слова:** Третье Возрождение, женские проблемы, институт семьи, женская тетрадь, занятость, социальная защита, женское предпринимательство.

**Keywords:** Third Renaissance, Women's Issues, Family Institute, Women's Notebook, Employment, Social Protection, Women's Entrepreneurship.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг асосий мақсади Учинчи Ренессансга эришиш экан, ушбу жараёнда хотин-қизларларни билимли, янада маърифатли, касб-хунарга эга тадбиркор қилиш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга оширишда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш орқали уларнинг фаоллигини таъминлаш муҳим омиллардан саналади.

Аждодларимиз ижодига назар ташласак, унда аёлларни қадрлаш, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этилганлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу анъана бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида “Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт” деб таъкидлаб ўтганлигини асослаб кўрсатиш жоиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, улар билан **якка тартибда** аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш ва **манзилли ёрдам кўрсатиш** чоралари изчил давом эттирилмоқда. Хотин-қизлар ва ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этишини инобатга олиб, бу борадаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш, муаммоларга ечим топиш бўйича янги иш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушуб муаммонинг ечими сифатида давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатида ёшлар ва аёлларни касб-хунарга йўналтириш орқали иқтисодий

фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ушбу жараёнда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, уларга психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кумак бериш муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

Бугунги кунда ишсиз аёлларни иш билан таъминлашда бир қатор омиллар уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, аёлларни бандлигини таъминлашга биринчидан, **ижтимоий-психологик тўсиқлар** (оилавий муаммолар, касб-хунарга оид кўникмаларнинг етарли эмаслиги, хоҳишнинг йўқлиги),

иккинчидан, **иқтисодий-молиявий тўсиқлар** (бошланғич капиталнинг етишмаслиги, кредит олишдаги қийинчиликлар, бизнес юритишдаги қийинчиликлар),

учинчидан, ташкилий тўсиқлар (маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг камлиги, меҳнат бозори инратузилмасининг яхши ривожланмаганлиги) кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда Республикамизда рақобатбардош бўлмаган хотин-қизларни бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар давлат томонидан изчил амалга ошириб келмоқда. Давлат дастуриларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш

1. Оилавий бизнес.

2. Касаначилик.

3. Миллий хунармандчиликни ривожлантириш орқали амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб, “Аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиб “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилиши режалаштирилган:

- ижтимоий ҳимояга мухтож хотин-қизлар:
- боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар:
- ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар:
- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жойи мавжуд бўлмаган хотин-қизлар:
  - қарамоғида бир ёки ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар:
    - тиббий ҳимояга мухтож эҳтиёжманд хотин-қизлар:
    - ҳуқуқий ёрдам олишга мухтож хотин-қизлар:
    - психологик маслаҳатга мухтож хотин-қизлар (тазйиқ ва зуравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар).

“Аёллар дафтари”- ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз хотин-қизларни қайд этиш дафтари ҳисобланиб, “Аёллар дафтари” нинг жорий этилиши ҳар бир аёлнинг муаммосига индивидуал ёндашилиб, унинг муаммосини ёнма-ён туриб ҳал этиш каби **янгича ёндашув**нинг механизми йўлга қўйилганлигидан дараб беради.

Мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали қўллаб-қувватлаш ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал бўлмоқда. Бунга хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-хуналарга ўргатишни тизимли йўлга қўйиш, уларнинг муносиб иш ўрни топишига кумаклашиш орқали эришилмоқда. Ушбу жараёнда нафақат давлат таълим муассасалари, балки нодавлат касб-хунар таълими марказлари фаолияти ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг бир қатор хусусиятларига эгадир. Хусусан:

- хотин-қизлар масалалари доимий, узлуксиз комплекс ёндашувни талаб этиши:
- хотин-қизлар масалаларини ҳал этишга яқдиллик ва ҳамжихатлик билан ёндашиб, аёл муаммосига ечим топиш:

- хотин-қизларнинг дунёқараши, интилишлари, қизиқишлари, қобилиятини инобатга олиб давлат ва жамият уларнинг ҳар бирига шу имкониятларни яратиб беришга қаратилган **шахсга йўналтирилган ёндашувга** асосланилаётганлиги:

- хотин-қизларни таълимга қамровини кенгайтириш тизимини жорий этиш орқали уларнинг ижтимоий фаоллиги жозибadorлигини таъминлаш:

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш тизимининг йўлга қўйилиши орқали аёлларни касб-хунарга ўргатиш натижасида тадбиркорликни йўлга қўйиш:

- хотин-қизларни уйда ўтириб, илғор IT ёрдамида ишлай олиши, ўқиб-ўрганиб, яни замонавий касбларни эгаллашлари учун амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги:

- қизларни оилавий мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимининг мақсадли, манзилли, узлуксиз, ташкил этилаётганлиги: (“Қизларжон”, “Қиз бола ва ёш оила”, “Мустақил ҳаёт остонасида”, “Ораста қизлар” каби фаолияти орқали) ва х.к

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 1-март куни Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустахкамлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида “2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилиниши белгиланиб. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади. Аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилади”.- дейилди.

Кўриниб турибдики, жамиятимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият юритишлари учун тўсқинлик қилаётган бандлик масаласини хал этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган экан, ҳам бир аёл ушбу имкониятдан ўринли фойдаланиб, ўзоиласининг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши учун фидойи бўлиб оила қурғонининг мустахкам бўлишига интилиши зарур.

#### **Адабиётлар рўйхати**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 1-мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш тизими ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини янада мустахкамлаш масалалари бўйича видеоселектордаги сўзлаган нутқи”.

**2.** Жамиятда аёллар ва ёшларнинг ўрни ва мақеини янада мустахкамлаш. Бакиева И.А, Рахматуллаева Ш.Х,Оқмуллаев Р.Р // Иқтисодий ислохотларнинг изчил давом эттириш асосида 2021 йилда стратегик мақсадларга эришиш юзасидан амалга ошириладиган устувор йўналишларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича илмий-оммабоп рисола. Т. “Маънавият”- 2021.й.

#### **Адабиётлар**

1. Жамиятда аёллар ва ёшларнинг ўрни ва мақеини янада мустахкамлаш. Бакиева И.А, Рахматуллаева Ш.Х,Оқмуллаев Р.Р // Иқтисодий ислохотларнинг изчил давом эттириш асосида 2021 йилда стратегик мақсадларга эришиш юзасидан амалга ошириладиган устувор йўналишларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича илмий-оммабоп рисола. Т. “Маънавият”- 2021.й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 1-мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш тизими ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини янада мустахкамлаш масалалари бўйича видеоселектордаги сўзлаган нутқи”.

#### **ТАЪЛИМДА ГЕНДЕР ЁНДАШУВГА ОИД ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

*Камбарова Дилорам Юсуповна  
Фаргона давлат университети доценти,  
педагогика фанлари номзоди*

Гендер концепцияси ижтимоий-иқтисодий таҳлил категорияси сифатида МДХ минтақаси учун янгиликдир. Айни пайтда, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва

бошқа республикаларда гендер тадқиқотлари асосида олий ўқув юртлари талабаларининг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Республикаимиз олий ўқув юртларида гендер ёндашув асосида талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқотларнинг олиб борилиши бўлғуси мутахассислар ижтимоий фаоллигининг дунёдаги энг янги таҳлилий ютуқлар асосида шаклланишига ёрдам беради.

Шу жиҳатдан гендер ёндашув бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳар томонлама ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган талаба-қизларни мутахассислик асосида тайёрлаш ва улар ёрдамида мамлакатимиз хотин қизлари салоҳиятидан жамиятимиз маънавияти ва моддий фаровонлигини янада ошириш йўлида тўлароқ фойдаланишга ёрдам беради. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш педагогика тарихида Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Элбек (Машрик Юнусов) каби алломаларимизнинг илмий йўналишлари асосини ташкил этган.

Замонавий шароитда жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришга доир илмий-тадқиқот ишлари фалсафий, ижтимоий, психологик ва иқтисодий йўналишларда амалга оширилаётганлиги кўзга ташланади. Уларнинг фалсафий-методологик жиҳатлари Симона де Бувар, Р.Хов, Ж.Лорбер, К.Уэст ва Д.Зиммерманн, Е.Кучкина, В.Фесенко, ижтимоий йўналишда В.М.Хвостов, О.Воронина, Б.Фридан, Е.Здравомислова, гуманитар ёндашув асосида Н.Вульф, К.Мишар-Маршаль, К.Рибери, Г.Мур каби олимларнинг илмий ишлари, монография ва ўқув қўлланмаларида чуқур таҳлил этилган.

Педагог олимлардан М.Қурононов, С.Нишонова, О.Мусурмонова, Н.Эгамбердиева, Э.Турдикулов, А.Зуннунов, С.Очил, Ж.Ҳасанбоев, У.Маҳкамов, Р.Сафарова қа-биларнинг илмий изланишларида жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришга доир айрим хусусиятларга эътибор қаратилган.

Замонавий шароитда жаҳон амалиё-тига асосланган мазкур дастлабки изланишлар БМТ тараққиёт дастури ЮНЕСКО, «Очиқ жамият» Кўмак жамғармаси институ-ти томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, уларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли бунёдкорига айлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Сўнгги йилларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

МДҲ минтақасининг айрим давлатларидагина, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистонда умуминсоний ҳуқуқларга, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларига дахлдор янги механизмлар, Омбудсман институти, болалар ишлари институти каби янги механизмлар яратилди. Айни пайтда бундайин-ститутларнинг ваколатларини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш давримизнинг долзарб масала-ларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар лойиҳаси яратилди ва у самарали амалга оширилмоқда.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.



Ўзбекистон тарихида илк мартаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида «Аёллар дафтари» тизими жорий этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд сўм маблағ ажратиб бориш йўлга қўйилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими жорий этилиб, олий ўқув юртига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки бараварга ортиди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн сўм миқдоридан имтиёзли кредит ажратилди.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон БМТ Низомининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэтироф этилган нормаларига содиқ эканликларини доимо кўрсатиб келган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида 70-сон резолюцияси қабул қилиниб, мамлакатимиз учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 та мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор ишлаб чиқилган.

Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад — Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислохотлар билан ҳамоҳангдир.

Таълим тизимига гендер ёндашув борасида дунё давлатларида ижобий тажрибалар тўпланди. Жумладан, **Корея Республикаси (Жанубий Корея)**да оила ва гендер тенглиги масалалари бўйича вазирлиги томонидан мамлакатда гендер тенглигини мустаҳкамлаш мақсадида беш йилликга мўлжалланган “Кореянинг миллий гендер стратегияси” ишлаб чиқилган. У қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- гендер тенглиги маданиятини яратиш;
  - меҳнат фаолияти ва шахсий ҳаёт ўртасида мувозанатни сақлашга кўмаклашиш;
  - ишга жойлашишда гендер мувозанатсизлиги муаммоларини ҳал қилиш;
  - давлат ва халқаро соҳаларда аёллар иштирокини таъминлашдаги муаммоларни ҳал қилиш;
  - зўравонликка барҳам бериш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - соғлиқ ва фаровонлик ҳолатларини яхшилаш;
  - гендер тенглигини таъминлаш учун барқарор қонунчилик асосларини яратиш.
- Улардан қуйидаги устувор вазифаларни ажратиб олиш мумкин:
- меҳнат бозорида аёллар иштироки даражасини ошириш;
  - аёл ва эркаларнинг меҳнат фаолияти ва шахсий ҳаётида мутаносиблик бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш;
  - аёлларни раҳбарлик соҳаларида қамраб олинишини кучайтиришдан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Жанубий Кореянинг нуфузли нашрларидан бири – «The Korea Post» веб-саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг “Янги Ўзбекистоннинг гендер сиёсати” сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида

мамлакатда аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатлаш уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини кенгайтириш борасидаги амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилади.

#### **Адабиётлар**

1. Курбонова Г., Абдуллаева З. Гендер ёндашув асосида талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш назарияси//Замонавий таълим. 2014, 6. – Б. 37-40.

2. <https://lex.uz/docs/> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон

### **ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

*Меҳринисо Алимжонова*

*Фаргона давлат университети тадқиқотчиси*

Ахборотлашган жамиятда инновацион йўналишдаги билимни олиш усули ахборотлар технологиясининг янги авлоди имкониятларидан самарали фойдаланишга асосланади. Бу даврда таълим классик рационализмга асосланган бўлиб, таълим жараёнида билимлар ва муаммоларни ечиш усуллари тўғридан - тўғри узатилади. Мураккаб тизимларни ўрганиш, ўзини-ўзи ташкил этувчи, ўзини-ўзи ривожлантирувчи табиатни ўрганишга ўтилиши тизимларнинг ёпиқлиги тўғрисидаги механистик тасаввурларнинг радикал трансформациясига олиб келди. Демак, янги даврга келиб таълим олиш ва билимни ошириш мураккаблашиб боради.

Ахборотлашган жамиятда таълим ва илмий техника кибернатик тараққиёт қонуниятлари трансформациялашуви кузатилади. Чунки бундай тафаккур услуги тизимда бўладиган беқарорлик ва хаотик ҳолатларни миллий манфаатларга зидлигини эътироф этади. Ваҳоланки билим илмий ижод маҳсули бўлиб, у ўзида рационал ва иррационал ҳолатларни мужассам этади. Таълимдаги чизикли тафаккурнинг устунлиги постноклассик фан асосларига мувофиқ келмай қолди. Натижада билимларни узатиш жараёни, билимлар генерациясининг самарадорлиги, билиш субъектлари ижодкорлигининг сусайиши юз берди. Бу тараққиётда «таълимнинг инқирози» сифатида баҳоланмоқда. Шу маънода таълим тизимининг ижтимоий тараққиётда ижтимоий модернизация ролига мутахассислар эътибор қаратиб, таълим аксиологик қадрият сифатида баҳоланган. Ҳар қандай ижтимоий тараққиёт умумжаҳон тарихий қонунияти интеллект билан узвий боғлиқдир. Шу боис замонавий таълимда фундаментализация, ноосферизация, гуманизация, креативлаш, интеллектуализация, ахборотлаштириш, таълим ва тадқиқот жараёнларини бирлаштириш кабилар етакчи ўринни эгаллаган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси жамиятнинг ривожланиш мезонларида бозор муносабатлари ва мулкий ҳолат таълимдаги трансформация жараёнларига ўзаро таъсир этиши туфайли таълимнинг коммерциялашуви ва глобаллашувига олиб келади. Биз АҚШ Франция Германия, Хитойнинг онлайн таълимконкуренциясини назарда тутмоқдамиз. Айни вақтда Ҳиндистоннинг Деҳли университетинингостонасига қадам қўймай, йилига беш юз минг одам дунё бўйлаб диплом соҳибига айланмоқда. Демак онлайн таълим ижтимоий тараққиётнинг муҳим ишлаб чиқариш мезонига айланиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлишини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги глобаллашган оламда ва ахборотлашга маконда ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси рақобатбардошликка боғлиқ бўлган бир вазиятда жамиятнинг билим даражаси, кадрлар салоҳияти ва саводлилиқ даражаси уларнинг имкониятларини кенгайтирмоқда.

Биз олий таълим халқаролашувига транснационал таълим деб аташ ҳақидаги П. Лутфуллаевнинг фикрлари бахсли деб ҳисоблаймиз. Шу маънода мамлакатимиздаги

Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Москва давлат университетининг Тошкент, Сингапур менежмент институти филиаллари, Турин политехника университетини транснационал таълимга яққол мисол бўла олмайди. Транснационал таълим ўз моҳиятига кўра кенгмиқёсли, таълимхизматини бир давлатга эмас, балки бир қатор дунё давлатларига кўрсатишини назарда тутилади. Шундай қилиб, таълим тизими бизнеснинг оммавий шаклига айланиб олий таълим дунё мамлакатларига юксак таълим сервисини кўрсата бошлади.

Дунёда мамлакатлар ижтимоий тараққиётида ва иқтисодий барқарорлигида сифатли олий таълимнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олий таълимга катта умид боғлаб, улардан иқтисодиётнинг ўсиши ва билимлар жамиятининг шаклланишига ёрдам берувчи кенг кўламли вазифаларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Анъанавий таълим, илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти билан бир қаторда олий ўқув юртлари мамлакат тараққиётида кенг иштирок этишга ҳамда интеллектуал ва инновацион салоҳиятининг узлуксиз ўсишини таъминлашга чақирилмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида кўплаб мамлакатларда олий таълим мазмунини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалалари алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Олий таълимнинг Европа майдони» каби интеграцион жараёнлар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда олий таълим бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг олий таълимни янги босқичга олиб чиқиш бўйича олиб борган ишлари жамланиб, «Олий таълим: тажриба сабоқлари» баёнотида даромад даражаси ўртача бўлган давлатларда таълимга инвестицияни ошириш, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, бошқа давлатлардан ўқишни истаганлар учун шарнома асосида таълим олиш имкониётини яратиш катта самара беришини илгари сурган ҳолда, энг асосийси, олий таълимга маблағларни инвестиция қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар зарурлиги ҳам эътироф қилинди. Унда мамлакатларни ҳар томонлама ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш учун олий таълимнинг аҳамиятини бутун тафсилотлари билан кўриб чиқилган ва тадқиқот институтлари томонидан таклиф қилинаётган таълим стратегияларини тажрибадан ўтказиш зарурати алоҳида таъкидланган. Мазкур баёнотда асосий эътибор жаҳон даражасидаги ОТМларни барпо қилиш, олий таълимнинг рақобатбардошлигини кенгайтириш ва глобал таълиммуҳитни яратиш мамлакатни ривожлантиришга таъсири масалаларига қаратилган. Жаҳоннинг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатида етакчи ўринни эгаллашга интилган турли мамлакат ҳукуматлари ва академик доиралари замонавий дунёда таълимнинг мақсади ва ўрни ҳақида янги тасаввурларни ишлаб чиқишга ҳаракат қила бошладилар. Бугунги кунда айрим мамлакатлар таълим тизими фақат маҳаллий ёки миллий манфаатларга хизмат қилишларидан қониқиш ҳис қилмаётганлигини таъкидлашга ўтмоқдалар. Олий таълимнинг ривожланиши учун уларни қиёслаш имкониётини берувчи индикаторлар борган сайин кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсидаги ОТМлар – нафақат сифатли таълим берувчи, интеллект ва маданиятни ривожлантирувчи олий ўқув юртлари – улар ғурур ва ифтихор манбаига айланди, чунки мамлакатлар ўз ўқув муассасалари статусини бошқа давлатларники билан солиштириб баҳолайдилар.

### Адабиётлар

1. Хакен Г. Информация и самоорганизация: макроскопический подход к сложным системам. – Москва.: 1991. – С.145.
2. Чернозуб С.П. Концепт национальной науки в новом дискурсе цивилизаций // Историческая психология и социология истории, – 2012, – Т.5, – №1, – С. 43 – 61.
3. Фукуяма Ф. «Великий разрыв»– Москва.: ООО. АСТ. 2003. – С.19.

4. Тиббий таълим трансмиллийлиги //https://kun.uz/news/2020/08/08/dunyoning-farmatsevtik-gigant-kompaniyalari-yettiligi(Сана: 06. 05. 2021)

5. Лутфуллаев П. Особенности итернационализации высшего образования: международный опыт //Перспективы развития высшего образования / Отв.ред М.А. Рахматуллаев –Ташкент.: Вита колор. 2014. – С. 75. .

6. European integration in higher education: the bologna process towards a european higher education area, Hans de Wit, University of Amsterdam, the Netherlands, © Springer 2007

## **ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА АККУЛЬТУРАТИВКЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Раимов Абдулхамид*

*Тошкент ахборот технологиялари университети  
Фаргона филиали тадқиқотчиси*

Педагогика фанлари доирасида олиб бориладиган тадқиқотларда асосий мақсадга эришишнинг муҳим воситаларидан бири педагогик моделни ишлаб чиқишдир. Педагогик модел маълум бир объект ҳақида янги ахборотлар олиш имконини берувчи, тадқиқот предметини илмий жиҳатдан акс эттирувчи фикрий тасаввур ёки унинг моддий кўринишга эги тизимидир.

Тадқиқот доирасида прагматик, тизимли-функционал моделни ишлаб чиқиш мақсад сифатида белгиланди. Моделнинг мазкур тури ўқувчиларда аккультуратив кўникмаларни ривожлантириш жараёнини бошқариш воситаларини излаб топишга ёрдам беради.

Бизнинг тадқиқотимизда моделлаштириш объекти сифатида тарих фанини ўқитишда ўқувчиларда аккультуративкўникмаларни шакллантириш жараёни, предметини эса, уларда Тарих фанини ўқитиш асосида ўқувчиларда маданий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни ва методик тизими ташкил этди.

Талаб этилаётган педагогик тизимни моделлаштиришда қуйидаги функцияларнинг бажарилиши кўзда тутилди:

- методологик таъминот функцияси. Мазкур функцияни амалга ошириш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқувчиларда аккультуратив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асосларини белгилаб берувчи ижтимоий буюртма билан боғлиқ;

- меъёрий-ҳуқуқий таъминот функцияси. Мазкур функция ўқувчиларда аккультуратив компетентлигини ривожлантиришга доир фаолият жалб этиш тамойиллари, мазмуни, вазифалари, педагогик шарт-шароитлари, диагностик воситаларини аниқлашни тақозо этади;

- методик таъминот функцияси. Ўқувчиларда аккультуратив компетентлигини ривожлантиришнинг методик (мазмуни, шакл, метод ва воситалари) шарт-шароитларини аниқлаштиришни талаб этади;

- амалий-тадқиқий (эмпирик) функция. Мазкур функция қатор вазифаларни ҳал этишга имкон беради: ўқувчиларда аккультуратив компетентлигини ривожлантиришга доир билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан боғлиқликда кадриятга йўналтирилган установка ва барқарор мотивларни шакллантириш, тадқиқ этилаётган жараённи таҳлил этиш ва муайян тузатишлар киритиш; натижаларни баҳолаш ва таҳлил этиш ва ҳ.к.

Тадқиқ этилаётган жараённи моделлаштиришнинг назарий-методологик асоси сифатида қуйидаги қоидаларга таянилади:

- тизимли, шахсий-фаолиятга йўналтирилган, рефлексив ёндашувлар;

- педагогик лойиҳалаш назарияси, ривожлантирувчи таълим муҳитини моделлаштириш;

- дидактик ва методик таъминотни яратишнинг назарий асослари;

- аксиологик йўналганликни шакллантириш ва фуқаролик тарбияси концепцияси;
- ўқувчиларда аккультура тив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари.

Ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели мақсадга йўналтирилган, назарий-методологик, мазмунга доир, ташкилий ва натижавийлик компонентларини ўзида акс эттирди.

Мақсадга йўналтирилган блок ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш тизимининг бошқа блоклари учун етакчи роль ўйнайди. Мазкур блок мазмунини аниқлаштириш асосида тадқиқот соҳасига доир таълим стандарти ва ижтимоий буюртма, меъёрий-ҳуқуқий асослар белгилаб олинди. Шунингдек, моделнинг мақсад ва вазифалари ҳам аниқлаштирилди.

Ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий буюртма сифатида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, миллатлараро муносабатлар ва маданий алоқаларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари орқали белгилаб олинди.

Миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга доир таълим стандартлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили мактаб таълимида ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий-профилактик ишларни мақбуллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Тизимнинг мақсадга йўналганлиги маълум натижаларга эришиш билан белгиланади. Мақсадни аниқлаштириш ишлаб чиқиладиган тизим жавоб бериши лозим бўлган бир қатор саволларга эътибор қаратиш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш учун мазкур жараённинг якуний натижаси аниқ акс этирилиши лозим. Моделнинг мақсади “Тарих” фани орқали ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш тарзида аниқлаштирилди.

Моделни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

- 1) ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга доир методологик ёндашувларни аниқлаштириш;
- 2) моделнинг блок-тузилмасини аниқлаштириш;
- 3) модел блок ва элементлари ўртасидаги алоқадорликни очиб бериш;
- 4) моделнинг блок-тузилмаси ва элементларига тавсиф бериш.

Ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантиришнинг юқорида кўрсатилган мақсад ва вазифалари комплекс методологик ёндашувлар билан боғлиқ.

Ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали ёндашувларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тизимли-жараёнли ёндашув тадқиқотнинг умумий асоси сифатида илмий изланиш мантиғини акс этирувчи муаммони қўйиш, асосий ва локал мақсадларни аниқлаштириш, қарама-қарши фикрлар ва нуқтаи назарларни айнанлаштирувчи қоидалар билан тавсифланади ҳамда ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишни таъминлайди;

- аксиологик ва рефлексив ёндашувлар стратегиянинг назарий-методологик асоси сифатида назарий тадқиқот йўналишларини аниқлаб беради, унинг умумий кўринишини акс эттиради. Мазкур ёндашувлар қадриятлар тизимини аниқлаш ҳамда ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни ривожлантириш тизимида қайта алоқани таъминлашга имкон беради;

- шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашув қўйилган мақсадга эришиш учун педагог ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш механизми ва тартиб-қоидаларини аниқлаш, ўрганиладиган ҳодисадан амалий фойдаланишнинг ўзига хосликларини очиб беришга йўналтирилган амалий-йўналтирилган тактика сифатида намоён бўлади.

Ҳар бир методологик ёндашув қўйилган мақсадни амалга оширишга имкон берувчи маълум бир тамойиллар тизими билан боғлиқ. Тамойил деганда педагогик моделлар,

тизим кабиларни ишлаб чиқиш жараёнига кўйиладиган талаблар, бошланғич қоидалар тушунилади. Тамойиллар тадқиқ этилаётган йўналишни шакллантиришга доир объектив талабларни акс эттиради.

Тадқиқот доирасида кўриб чиқиладиган тизимли ёндашувнинг асосий тамойили ўқувчиларда аккультура тизимли ривожлантириш тизимини ҳам яхлит, ҳам қисмлар (блоклар) йиғиндиси сифатида таҳлил этишни талаб этувчи яхлитлик тамойилидир. Ўқувчиларда аккультура тизимли ривожлантириш моделини ўзаро алоқадор блок ва элементлар йиғиндисидан ташкил топган тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин. Мазкур тамойил нафақат таълим олувчининг алоҳида хатти-ҳаракатга муносабатини кўриш, балки уни яхлит оламнинг бир қисми сифатида алоҳида воқеликни идрок этишга ўргатишга ҳам имкон беради.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбекстон. 2019. –Б. 186.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбекстон. 2019. –Б. 184.
3. Berry JW (1997) Immigration, acculturation and adaptation. Appl Psychol, 46:5-68; Berry JW (2001) Apsychology of immigration. J Soc Issues, 57:615-631
4. Flaskerud JH (2007) Cultural competence column: acculturation. Issues Ment Health Nurs, 28:543-546.

### **ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТ-БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ТУШУНЧА ВА СТРУКТУРА**

*Саидова Хилолаҳон*

*Кўқон Давлат Педагогика Институтитадқиқотчиси*

Ўзбекистоннинг янги ривожланиш босқичида таълим тизимини ислоҳ қилишсифат ва самарадорлиқни таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки жамият ривожланиши илм-фанга инвестиция киритиш орқали инсон капиталидан рационал фойдаланишга боғлиқ эканлиги намоён бўлмоқда. Бинобарин, “инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”. Дарҳақиқат, ривожланган давлатлар амалиёти ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишнинг, унга эътиборни, инвестицияни кўпайтиришни ҳамда инсон ресурсини тўғри бошқариш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу маънода бугун таълимда ислохотларни жадаллаштириш билан бирга тўғрива самарали бошқарув тизимини яратиш вазифалари ҳам устуворлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббускорлигида “умумий ўртатаълим тизимини бугунги кунталаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимизни ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш” да таълим бошқарувини ҳаи ислоҳ қилиш ва бу орқали узлуксиз таълим сифатига ва билим бериш самарадорлигига таъсир кўрсатиш зарурати ортиб бормоқда. Зеро, “таълимжараёнини ихтиёрий қуриш ва амалга оширишдан, унинг ҳар бир қисм ва босқичларини изчил асосланган, якуний натижани ҳаққоний ташхислашга йўналтирилган” га ўтиш учун асос зарур. Шундай экан, таълим тизими бошқарувининг ҳар бир қисмини самарали, натижакор тарзда олиб боришга имкон берадиган менежмент тамойилларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот ишининг умумий мақсадидан келиб ичққан ҳолда ушбу параграфда таълим сифатининг назорат-бошқарув тизимининг мазмуни ва структурасини тадқиқ этиш, таълим менежменти нуқтаи назаридан таснифлаш, таҳлил этиш ва моҳиятини очиб бериш мақсад қилинган. Шу боис таълим сифати назорат-

бошқарув тизимини тадқиқ этган олимлар ва тадқиқотчилар хулосаларини ўрганиш ва уларнинг келтириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Турли тадқиқотчилар таълим муассасасининг бошқарув жараёнини турлича изоҳлашади. Масалан, С.Хедекар таълим муассасасида бошқарув жараёни – бу таълим мақсадларига эришиш мақсадидан аинсон ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнидир, деб таъкидлаган. Демак, бу олим таълим муассасаси бошқарувини инсон, меҳнат ресурслар и ва бошқарув циклига боғлаган. Бошқа бир олим О.Хомерики бўлса, ўзининг таълимда бошқарув жараёнини тўлиқ акс эттирувчи кўп ўлчовли концептуал моделини ишлаб чиқади. Унга кўра, бошқарув фаолияти мазмунини тўртта йўналиш қамраб олади: маъмурий-хўжалик вамолиявий фаолият, ўқув-методик ва тажриба-синовийлари, кадрлар билан ишлаш ва жамоанинг психологик муҳитини мустаҳкамлаш. Демак, таълим муассасаси бошқарув кенг қамровли фаолиятни ташкил этиши ва бунда моддий-техник таъминотдан тотиб, жамоада психологик муҳитни бошқаришгача жараёни қамраб олиши лозим.

Таълим муассасасининг раҳбари ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қуйидаги уч турдаги объектларга бевосита таъсир кўрсатади: таълим жараёни иштирокчилари (ўринбосарлар, ўқитувчилар, ўқувчилар, техник ходимлар, ота-оналар, хомийлар ва ҳ.к.), жараёнлар (таълимий, тарбиявий), моддий-техник воситалар. Бунда, жараёнларга тўғрибаҳо бериш, вазиятларни аниқлаштириш ва у асосида бошқариш, қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотчилар Ж.Маткаримова ва Ш.Шарофаддиновлар фикрича, “самарадорлик тушунчаси бошқарувга доир фанларда кўплаб баҳс вamuнозараларга сабаб бўлиб келади. Сабаби турли соҳаларда самарадорлик соҳанинг хусусий кўрсаткичларидан келиб чиқиб аниқланади. Аммо таълим тизими ижтимоий соҳага тегишли тизим бўлганлиги сабаб барча натижаларни аниқ кўрсаткичлар билан баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Кўп тадқиқотчилар самарадорлик тушунчасини таърифлашда «унумдорлик» тушунчасига мурожаат қилишади”. Шу боис таълим исфати самарадорлиги жуда мураккаб ва кўплаб ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Яъни таълим самарадорлиги айрим ижтимоий муаммолар ечими билан ҳам боғлиқлиги ёки таълим сифати аниқ кўринмаслиги, кўп йилларни талаб этиши келиб чиқади.

Бошқа бир рус тадқиқотчилари В.И.Зверева ҳамда П.И.Третьяковларнинг фикрича, “таълим муассасасининг бошқарув самарадорлиги – бу бошқарув фаолияти мақсадига эришганлик кўрсаткичи, яъни таълим муассасасида ҳар бир таълим олувчининг шахсини ривожлантирувчи шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳисобланади”. Умуман олганда таълим муассасаси бошқаруви самарадорлигини икки жиҳатдан баҳолаш мумкин: Биринчидан, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат, тартибгасолиш, бошқарув аппарати таъминоти учун нисбатан кам харажат қилиниши билан, Иккинчидан, таълим муассасасида педагогик жараёнларнинг ўзгариш динамикаси, ресурсларнинг натижавийлиги, ўтказилаётган ислохотларнинг ҳар бир шахс учун таъсир даражаси билан ҳам самарадорлик баҳоланишимумкин.

Венгрия Фанлар Академияси доктори Габор Кертеси ўзининг тадқиқотларида таълим бошқарув самарадорлиги фақатгина иқтисодий кирим ва чиқимлар нисбати билан эмас, ижтимоий кирим ва ижтимоий чиқим нисбатини билан ҳам баҳоланиши зарурлигини айтади. Унинг фикрича, ижтимоий кирим – бу меҳнат, товар ва хизматлар ҳамда капитални ташкил этади. Таълим бошқаруви самарадорлигида “ижтимоий чиқим сифатида эса таълим олувчилар жамиятнинг фаолаъзоси сифатида шаклланиши ва давлатнинг ривожига самарали ҳисса қўша оладиган билим ва кўникмаларни эгаллаганлиги даражаси назарда тутилади”. Демак, таълим бошқарув самарадорлигида битирувчиларнинг жамиятга кўрсатадиган ижобий таъсири, фаол фуқаролик позициясини намоён қилиши ҳамда ижтимоий тараққиётга қўшаётган улуши билан ҳам ўлчанади.

Юқоридаги фикрлар асосида таълим сифатини назорат-бошқаруви деб, таълим муассасасида мавжуд бўлган ресурслар (моддий, инсон) вавоситалардан қай даражада фойдаланганлик, таълим олувчиларнинг жамият аъзоси сифатида қай даражада шаклланганлиги ва давлатнинг ривожига ҳисса қўша оладиган билим ва кўникмаларни қай даражада эгаллаганликларини назорат қилиш ва бу орқали баҳолаш тушинилади.

#### **Адабиётлар**

1. Беспалько О.В. Социальная педагогика: схемы, таблицы, комментарии (учеб.пособие). – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 208 с. – ISBN 978-966-364-837-8.
2. SandhyaKhedekar.EducationalManagement,TSCER. III.1 Function of Education Management. 2007. P. 1.
2. МаткаримовЖ.Ш., ШарофаддиновШ.А. Таълим жараёнида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид назарий қарашлар. Замонавий таълим журнали. 2015. №3. –Б. 12.
3. ХомерикиО.Н.Развитиешколыкакисновационный процесс. – М., 1994.
4. Маткаримов Ж.Ш., Шарофаддинов Ш.А. Таълим жараёнида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид назарий қарашлар. Замонавий таълим журнали. 2015. №3. –Б. 13.
5. Зверева В.И. Организационно-педагогическая деятельность руководителя школы.–М.:«Новаяшкола», 1997. –С. 28-29; Третьяков П.И. Формирование и развитие системы управления общеобразовательной школой. Дисс. докт. пед. наук. – М., 1997.
6. GaborKertesi.Theassessmentandevaluationofeducational institutions, school accountability. Green Book:for the renewal of public education in Hungary. Budapest,2009. P. 179-180.

### **КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

*Эватов Саминжон Собирович  
Фаргона давлат университети тадқиқотчиси*

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш тизимида коммуникатив билим ва кўникмаларни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш ва бу борадаги таълимий ислохотларни жадаллаштиришга доир кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислохотлар узлуксиз таълим тизимида ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Умумтаълим мактаблари олдида янги мақсад ва вазифалар қўйилмоқда. Барча ўзгаришларнинг мақсад ва моҳияти марказида ривожланаётган ўқувчи шахси – унинг мақсади ва ўзини англаши, шахс бўлиб етишиши, комуникативлик кўникмаларига эга бўлиши каби масалалар туради. Ўзбекистонда ёш авлодни комуникативлик компетентлик асосида тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги масалага айланиши бежиз эмас. Чунки комуникативлик ёшларнинг эркинлиги таъминланган жамиятда ривожланади, фикрнинг эркинлиги эса жамиятнинг кучли бўлиши гаровидир. Зеро, «буларнинг барчасидан ягона мақсадимиз – мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат».

Мазкур параграфда коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланиши, педагогик аҳамияти ва уни шакллантиришга қаратилган таълим тизимининг имкониятлари ва мавжуд ҳолати тадқиқ этилган. Шунингдек, комуникативлик дунёқараши ва тафаккурини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, қонунчилик нормаларини амалиётдаги ҳолати ҳам ёритилган. Бунинг учун аввало компетенция тушунчасининг мазмунини очиқлаб олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.



Компетенция атамаси фанда илк бор XX асрнинг 50–60-йилларида қўлланган. Инглизча “*competence*” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевоситачуқур билимга асосланган қобилият, лаёқатлилик даражасини англатади. Мазмунан эса «фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш»ни билдиради. Умуман олганда, «компетенция» ва «компетентлилик» тушунчаларига берилган таърифларда компетенция муайян фаолиятда талаб қилинадиган хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентлилик эса ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намоёйиш қилишнинг пировард натижаси деб талқин қилинади.

Педагогикадан атамалар луғатида «компетенция—уёкибусоҳабўйичабилымдонлик» сифатида тариф берилган бўлса, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «компетенция — 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба» сифатида тарифланади.

Тадқиқотлар асосида компетенция сўзининг 16 хил маънолари фарқланади ва улар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш масалаларини еча олиш қобилияти;
- аниқ вазиятларда билим ва кўникмаларни қўллаш олиш қобилияти;
- касбий стандарт тавсифига мослиги;
- ташкилот томонидан субъектнинг сифатли фаолиятини шакллантириш мақсадида ишчига қўйилган талаб;
- ишчининг хулқ-атвор меъёрлари ташкилотга мослиги;
- билим, кўникама малакалар (БКМ), қобилият, мотив, шахс, коммуникатив сифатлар ва бошқа тушунчаларнинг умумий йиғиндиси;
- сифатли ишга тайёргарлиги ва кўникмаси;
- лавозим вазифаларига масъуллиги ва ваколати;
- БKM+касбий муҳим сифатлар;
- компетенциянинг турли жиҳатлари;
- касбий муҳим сифатлар ташкилотчилик контексти билан биргаликда касбий тажрибани чуқур англаниши;
- шахсий хусусият, индивидуаллик;
- муваффақиятли фаолиятда инсон омили;
- самарали ишлаб чиқариш фаолияти мезонлари;
- ижодкорлик. Демак, компетенция бу—билимлар, кўникмалар, малакалар, сабаб омиллари, шахсий сифатлар, мақсадли вазиятларнинг умумий уйғунлиги ҳисобланади.

Тадқиқотчи олим И.Алиевнинг фикрича, компетентлик маълум бир эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади. Мазкур тушунчаларда «нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш», «хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ» дея тарифланади. «Компетентлик таърифий ўхшаш ва бир-бирини ўрнини эгаллайди (тўлдиради), шу билан бир вақтда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча «ваколатлар йиғиндиси (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) қандайдир орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар», «ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш (эгаллик қилиш)», «кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами (соҳаси)» тушунилади. Демак, компетентликнинг маънолари турли соҳаларда турлича маъно касб этади.

Аслида компетентлилик тушунчаси таълим соҳасига психологларнинг илмий изланишлари натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи-назардан компетентлилик «ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик»ни

англатади.Шунингдек, компетенциялар билимларни доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. У билимга асосланган ҳақиқий, шаклланган шахсий сифат ҳисобланиб, шахсинг интеллектуал ва шахсан аниқланган ижтимоий ва касбий шаклланишидир. Шунингдек, у муайян объектлар ва жараёнлар билан боғлиқ ҳолда аниқланган ва уларга нисбатан юқори сифатли ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ хусусиятлар тўпламини (билим, кўникма, фаолият усуллари) ўз ичига олади. Демак, ўқувчиларга нисбатан уларнинг таълим жараёнидаги тайёргарлигига бўлган маълум бир ажратиб олинган, махсус талаб ҳисобланади.

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 57
2. Нарзиева Н. Формирование исследовательских компетенции у учащихся на основе интегративного подхода // XV Международная научно-практическая конференция. Worldscience: problemsandinnovations. Мцнс «Наука и просвещение». 30-ноября 2017.– Пенза, 2017.Часть 3. –С. 114.
3. Педагогикадан атамалар луғати. — Тошкент: Фан, 2008. — 196 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Кониғил. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. — 704 б
5. Ашуров А.А Коммуникатив компетенция тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.—№1(30). — С.76–83 (<https://journal.fledu.uz>)
6. Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги// Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истикболлари: Респ.илмий-амалий анжумани материаллари. — Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. — 55 б.
7. Маннопов Ж., Холматова А. Касб таълими ўқитувчисининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш// Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истикболлари: Респ.илмий-амалий анжумани материаллари.—Тошкент: Низомий номидагиТДПУ, 2013. —209 б
8. Юсуфбекова Н.Р. Тенденции и законы инновационных процессов в образовании. Новые исследования впедагогических науках. - М.: Педагогика, 1991.-№2. –С. 6-9.
6. Амиров Н.И. Таълим жараёнида талабаларкоммуникатив к

### ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ АСОСИДА ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ ВА ҚИЗЛАРНИ ТУРМУШГА ЧИҚИШ МАСАЛАСИДА ГЕНДР МУНОСАБАТЛАР

*Дилноза Охунова*  
*ФарДУ-педагогика кафедраси ўқитувчиси*  
*Сотволдиева Орзул*  
*ФарДУ-педагогика-психологи йўналиши талабаси*  
[dilnozaoxunova1@gmail.com](mailto:dilnozaoxunova1@gmail.com)

Қиз бола тарбияси ўта нозик тарбиядир. Халқимизда “онасини кўриб қизини ол” деган гап бор.Бу гапнинг замирида ката маъно мужассам. Оилада қиз бола онасининг юриш туриш муносабати, ҳунармандлигидан дарс олади, шу ҳислатни ҳаётда татбиқ этишда ҳаракат килади.Ёшлигидан қиз болани озодаликка, ширинсуҳанликка ўзидан катталарни доимо ҳурмат қилиб боришга ундаш ва ўргатиш лозим. Қиз бола номига бир

доғ тушса, бу доғ ҳеч қачон кетмайди. Кейинги пайтда қизлар тарбиясида нуқсонлар учраб турибди, буларни бартараф этиш ота-она зиммасида улкан масъулият юкланмоқда. Турмушга чиқаётган айрим қизлар турмушнинг оғир енгиллиги бардош беролмай гулдек оиласини ташлаб кетмоқда. Қиз бола шунчаки қиз бола бўлиб қолиши мумкин эмас. У жуда назокатли, ифбатли, иболи, сабр-бардошли, оқила меҳрибон бўлиши керак. Ҳаттоки, қиз болага берилган нисбат, ўлчов, мезонлар ҳам ўртамиёна, ярим-ярим, ним-таъриф, чала нисбат бўла олмайди. Улар устуннинг ё энг тепаси, ё энг пасти бўлади. Айб ёки гуноҳ иш қилиб қўйган бошқа ҳамма кечирилиши мумкин. Фақат қиз бола кечирилмайди. Қиз болага келганда ҳукм ҳам ғоят мухтасар: “Ўғил бола шу ишни қилганида –бошқа гап эди. Аммо у қиз бола-я”. Ўзбек хонадони борки, агар унда қиз ўсаётган бўлса, шу хонадон соҳибларининг кўнглига ғурур, сурур ва қиз шаъни билан боғлиқ ор-номус ҳам юқори бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз қиз боланинг маънавий етук, комил инсон бўлиб ўсиши учун алоҳида аҳамият беради. Уни “оқ қанддек ўраб-авайлаб, гард теккизмасликка” ҳаракат қилади.

Узоқ йиллар давомида миллийликдан узоқлашиб, умумийлашиши, ўзга қолиплардаги тарбия маънавий бузилиш, ҳатто тарбиядаги парокандалик таълим ва тарбияни берк кўча томон буриб юборди. Миллий педагогика “оммавий маданият” нинг маъмурий марказлашган “совет халқи” таъқибиди шаклланди. Зеро? тарбия инсонни болалигидан миллий одат ва анъаналар руҳида шакллантириш бўлиб, унинг асосида гендер (жинс) тарбияси ётади. Усиз ҳеч қандай тарбия хусусида гапириш мумкин эмас. Миллий гендер тарбияси миллий қолипдан умуминсоний қолипларга ўтиши туфайли қайсидир маънода миллатнинг миллий кадрларига дарз кетаётгани сир эмас.

Ўзбек аёлининг ҳаётида турмушга чиқиш энг асосий воқеадир. Отасининг уйдаги ўтган ҳаёти унинг келин (қайнонаси учун), хотин (эри учун) ва она (фарзандлари учун) бўлишига тайёргарликдир. Халқ мақолида “Қиз бола бировнинг хасмидир” дейилади. Итоаткор, чаққон ва камгап қизнинг никоҳга тайёрланиши замонавий аёл андозасидир.

Имом Ғаззолий "Ихёу улумиддин" китобларида Асмо бинти Хорижанинг турмуш кураётган қизига насиҳатларини келтирадилар: "Қизалоғим, ўсиб улғайган уйингдан чиқдинг ва ўзинг танимайдиган ва олдин яқин бўлмаган кишининг уйига кетдинг.

- *У учун ер бўл, сенга осмон бўлади.*
- *У учун ўрин бўл, сенга устун бўлади.*
- *У учун чўри бўл, сенга у қул бўлади.*
- *Унга хиралик қилма, ёқтирмай қолади. Яъни, ҳадеб ундан ҳар нарсани талаб қилаверма, зада бўлади.*
- *Ундан узоқлашма, эсдан чиқариб қўяди.*
- *Сенга яқин бўлса, унга яқин бўл.*
- *Сендан узоқлашса, ундан узоқ бўл.*
- *Унинг бурни, қулоғи ва кўзини муҳофаза қил, сендан фақат ширин ҳидласин, фақат гўзал сўз тингласин ва сенинг чиройингни кўрсин".*

Мазкур ривоятда қиз болани никоҳга тайёрлашнинг ибратли томонлари мужассам. Афсус, баъзи оналар турмушга чиқаётган қизларига оиладаги устунликни қўлга олиш, эр ва қайнонага бўш келмаслик ҳақида "насиҳат" қиладилар. Бу ишнинг нотўғрилиги "У учун ер бўл, сенга осмон бўлади, у учун ўрин бўл, сенга устун бўлади", мисралари кўрсатиб турибди. Яъни, келин куёвга қанчалик муҳаббат ва садоқат кўрсатса, камтарлик билан муомала қилса, унга ҳам куёвдан шундай илиқлик ва самимийлик қайтиши табиий.

Бугунги кунда кўпчилик оналар турмушга чиқаётган қизларига эртанги куни учун керакли панд-насиҳатлар бериш ўрнига қизларига қилинаётган зебу-зийнатлар, қимматбаҳо уй жихозлари, кийим-кечаклари, “тўёна”ларни санаш билан овора. Ёки маслаҳатлар беришда ҳам борган оилада ҳеч кимдан “паст” келмаслиги, турмуш ўртоғини “қўлга олиши”, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини айтгани бўлиши кераклиги уқтирилмоқда. Бунинг оқибатида қизлар мустақил турмуш жараёнида кўплаб муаммоларга учрамоқда. Ҳали турмуш қурганига 2 ой бўлмасдан куёв билан жанжалашиш, қайнона-қайнотани

назар-писанд қилмаслик ва натижада “биз бир-биримизни тушунмадик, бир-биримизга тўғри келмадик” деб ажрашиб кетишлари кузатилмоқда. Зеро психологларни таъкидлашича эр ва хотин бир-бирини тўла тушунишлари учун ҳеч бўлмаганда 20 йил керак бўлар экан. Масаланинг яна бир томони қизларни эрта турмушга беришдир. Ўзига ишонч пайдо бўлмасдан, мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан узатилган қизлар гоҳ оналарини, гоҳ аммаларини ёки дугоналарини нотўғри берган маслаҳатлари натижасида оиласини сақлаб қололмабдилар.

Кўпгина юртдошларимизда 20 ёшдан ошган қизлар қари қиз бўлиб қолади, деган фикр мавжуд. Бу тамға унга ҳар бир балоғатга етган қизни кузатиб борувчи маҳаллада қўйилади. Агар қиз белгиланган (18-21) ёшда турмушга чиқмаса, у кейинчалик умуман турмушга чиқа олмаслиги ҳам мумкин. Унинг тўғрисида миш-мишлар тарқата бошлайдилар ва қизга куёв сифатида ажралишган ёки ундан ёши анча катта бўлган бева кишилардан совчилар кела бошлайди. Бу ёш қизнинг кадр-қимматини янада кўпроқ камситади. У ўзи билан ўзи кўпинча яккаланиб қолади.

Одат (ёзилмаган қонун) қизни гоҳ қари қиз бўлиб қолиши билан қўрқитиб, гоҳ ғоявийлашган оилавий ҳаётнинг бўрттирилган сароблари остида тезроқ эрга тегишга ундайди. Шундай қилиб, эрта никоҳларга хайрихоҳлик одати аёлни 25 ёшгача турмушга чиқишга мажбур қилади. Буни аёлнинг оиладаги аҳолини дискриминация қилувчи омил дейиш мумкин.

Қаҳри қаттиқ одатлар қизга 25 ёшдан кейин мукамал оила барпо қилишга деярли имкон қолдирмайди. 18 ёшдан бошлаб кўпчилик қизлар амалга ошмаган бурчдан виждон азобини ҳис қила бошлайдилар. Бунга 2000 йилда “Оила ва жамият” рўзномасига келган хатлар далил бўла олади. Ноқулайлик ва норасолик ҳисси уларни таъқиб қила бошлайди ва қизнинг онгида ёмон из қолдиради. Ҳеч қандай бошқа ҳаётий мақсадлар кучи унга тенг кела олмайди. Деярли ҳамма ҳолларда қизнинг бундай ҳолати ота-онаси, қариндошлари ва умуман жамият томонидан шаклланади. Анъанавий фикрлаш доиралари эрга тегмаган қизлар ва аёлларни чеклайди, қўл-оёғини боғлаб қўяди, бунинг натижасида уларнинг орзу-умидлари ва ҳаётдаги даражалари рўёбга чиқмаслиги мумкин.

Қиз боланинг ижтимоийлашуви ўғил болаларникидан жиддий фарқланади. Уларнинг фикрлаш шакли ва даражаси ҳам ўғил боланикига нисбатан чуқурроқ ва кенгроқ. Шу билан бирга, унинг турмуш тарзида нафосат марказий ўринни эгаллаганидан феъл-атворида артистизмга мойиллик яққол намоён бўлади.

Шарқона қиз тарбиясида боланинг покизалиги, хушмуомалалиги, кийинишда танасининг тўла либосланиши, уй ишларида моҳир чевар ва пазандалиги, оилавий алоқаларда ҳалимлик, отаси, ака-укаларига беғараз саранжом-сарипталик хизматини адо этиши, уларнинг сўз ва шаънини ҳар қадамда ҳис этиши, онасининг ёнида меҳрибон ёрдамчи сифатида уй юмушларини тоқат билан эгаллаши асосий мезонлар саналади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Қизлар тарбиясида миллий урф-одат ва анаъаналардан вос кечмган ҳолда миллий гендр тарбиясини самарали йўлга қўйиш зарур.

2. Ота-оналарни педагогик саводхонлигини ошириш лозим. Бунинг учун маҳаллаларда, мактабларда қизлар тарбияси мавзусида оналар учун семинарлар, маърузалар ташкилланиши керак.

3. Умумий ўрта таълимнинг 9-10-11 синф қизлари билан психолог учрашувлари, ўзининг наъмунали турмуш тарзи билан ўрнатилган ёши улуғ, зиёли онахонлар билан тарбиявий суҳбатлар тез-тез ўтказилиши талаб этилади.

4. Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талаба қизлар, мустақил ҳаёт остонасида турган бўлажак келинчақлар билан “қайнона-келин” муносабатлари, “эр ва хотин муносабатлари” мавзуларида давра суҳбатлари, семинар трейнинглар олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

5. Жамиятда қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун барча таълим тизимида кенг эътибор қаратилиши керак деб ўйлаймиз.

## Адабиётлар

1. <http://hazratnavoi.uz/maqolalar/2581-iz-bola-tarbiyasi-va-uning-shani.html>
2. <https://aniq.uz/yangiliklar/qiz-bola-tarbiyasidagi-bir-xato-butun-jamiyatni-katta-xatarga-quyishi-mumkin>
3. <https://es-es.facebook.com/qadriyat.uz/posts/781513448571801:0>
4. Гулшода Ўрозалиева “Гендр ва аёллар хукукий маданияти” Тош. 2009 йил

## ДУХОВНЫЕ И ПРАВСТВЕННЫЕ ОБЯЗАННОСТИ СЕМЬИ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Асқарова Адолатхон Маматхоновна  
ФарДУ Ижтимоий иш кафедраси ўқитувчиси*

Негативное влияние глобализации на воспитание молодежи сказывается не только на их умах и сердцах, но и на их способности анализировать различную информацию. «Ценности», предлагаемые этими средствами, часто отчуждают нашу молодежь от наших национальных ценностей, иными словами, приводят к формированию конкретных «безродных личностей», отдаляющихся от своих исторических корней.

Бороться с этим может только духовно-нравственное воспитание молодежи. Во многих случаях существуют духовные угрозы молодым людям, которые направлены на человеческую свободу, идеологическую зависимость, дестабилизацию духовного мира, прикрываются своими обаянием и идеями, разрывают религиозные и национальные связи, захватывают сердца и умы молодых людей, нанося ущерб их мировоззрению, в конечном итоге угрожая безопасности страны и национальным интересам, ведя общество на улицу кризиса. С учетом того, что основой общества является семья, на новом этапе развития Узбекистана становится понятным уровень духовно-нравственной значимости семьи. Итак, эти риски касаются всех, кому небезразлично будущее страны, нации, общества, в котором он живет, кто имеет гражданскую позицию, чувство принадлежности к стране, что, в свою очередь, требует использования их способностей и потенциала. чтобы предотвратить это. На наш взгляд, духовно-нравственное воспитание в семье осуществляется в два этапа:

Первый этап направлен на формирование основных составляющих духовности личности - веры, знания, ответственности, сострадания, вытекающих из исторического развития нашей национальной духовности, и начинается с воспитания веры.

Второй этап - это материальное отражение духовности, т. Е. Связанное с культурой, и часто состоит из сложных областей воспитания, которые формируются на стыке духовности и экономики, духовности и политики.

В нашем обществе постоянное повышение духовного и просветительского уровня населения, особенно наших юношей и девушек, имеет первостепенное значение.

Поэтому, исходя из программной идеи «От национального возрождения к национальному прогрессу», очень почетно воспитывать молодых людей в духе преданности Родине, формировать в них инициативу, целеустремленность, нравственные качества.

Как отметил Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своей книге «Высокая духовность - непобедимая сила»: «Важно, чтобы мы понимали, что они делают».

С этой точки зрения мы постарались выделить задачу разделения наших национальных духовных ценностей, которые служат основой для воспитания духовно зрелого человека, на основные типы и формирования их как духовного качества.

Словом, на новом этапе развития Узбекистана, как духовно-нравственная задача семьи, восточная культура базируется на таких ценностях, как интересы общества, семейная честь и святость, социальные традиции и порядок, уважение к взрослым. К

сожалению, в большинстве случаев молодые люди достигают своих целей, постепенно лишая их национальной идентичности, подрывая их национальные традиции и обычаи, отрезая их историческую память и тем самым влияя на семью как принцип господства над народами.

На наш взгляд, на новом этапе развития Узбекистана пора научно отнести труды Президента Республики Узбекистан к использованию в духовно-воспитательном воспитании молодежи как духовно-нравственную задачу семьи. создал бы широкий спектр возможностей. В то время, когда мы являемся свидетелями глубоких изменений в геополитическом, экономическом и социальном, информационном и коммуникационном ландшафте мира, споры между различными идеологиями становятся все более важными.

Уважение к пожилым в узбекской семье, забота о малышах, добрососедство, уважение к матери и женщине, действия по советам и советам взрослых - вот уже тысячелетия духовные ценности нашего народа. Исходя из этого, это духовно-нравственная задача семьи на новом этапе развития Узбекистана.

Перед высшими учебными заведениями стоят большие и ответственные задачи по дальнейшему укреплению нашего общества на основе национальных ценностей, в том числе социально-политической активности молодежи. На данном этапе, когда на практике решаются важные проблемы развития демократии, укрепления здорового образа жизни, становления нового человека в нашей стране, возрастает роль молодежи. Мы не должны забывать, что фундамент нашего будущего закладывается в образовательных учреждениях, иными словами, то, каким будет будущее нашего народа, зависит от того, как наша молодежь сегодня образована и воспитана. Образование неотделимо от воспитания, а воспитание неотделимо от образования - это восточный взгляд, восточная философия жизни.

Считаем, что в вопросе повышения общественно-политического сознания молодежи Узбекистана и формирования нового мировоззрения необходимо формировать семью. Таким образом, молодые люди проявляют склонность к факторам сотрудничества, солидарности, единомыслия, основанного на духовной зрелости. Это ведет к постепенному развитию.

Быстро развивающаяся современная эпоха «Нам необходимо обучать нашу молодежь, чтобы реализовывать ее стремления к науке. Для этого необходимо развивать систему дошкольного образования, коренным образом улучшить материально-техническую базу среднего и высшего образования, качество научно-образовательного процесса. Другими словами, становится ясно, что молодым людям целесообразно осознавать свою любовь к Родине с вниманием к просвещению. Постановление Президента Республики Узбекистан от 4 августа 2018 года № 3898 «О коренном совершенствовании системы повышения духовно-образовательного уровня военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан». В связи с этим в Вооруженных Силах Республики Узбекистан каждую пятницу объявлено «Днем духовного подъема и патриотизма». Цель - повысить у молодых людей и военнослужащих чувство мужества, отваги, гордости и гордости, укрепить духовные и образовательные знания военнослужащих и членов их семей, привить им необходимые качества, такие как патриотизм, любовь к Отечеству, верность национальной идее.

Эффективность наших масштабных реформ во всех сферах жизни неразрывно связана с восстановлением национальной духовности, углубленным изучением нашего богатого исторического наследия, сохранением наших традиций и обычаев, развитием культуры и искусства, науки и образования, и, самое главное. Поэтому родителям важно подавать пример личного опыта в патриотическом воспитании молодежи, воспитанной в узбекских семьях. То есть в семейном воспитании важно воспитывать молодежь в духе понимания национальной идентичности, исторического мышления, основанного на национальных ценностях.

Одна из важных задач, стоящих перед нами сегодня, - воспитать великих мыслителей как достойных преемников в обучении молодежи. Когда мы говорим о патриотизме, наши предки невольно вспоминают Амира Темура, Наджмиддина Кубро, Джалолиддина Мангуберди. и чтобы быть достойным своих предков, прежде всего должно быть воспитание в семье. В то же время в результате воспитания молодежи в семье идеология национальной независимости, основанная на многовековых традициях, обычаях, языке и духе нашего народа, прочно гармонирующая с общечеловеческими ценностями, должна служить делу развивайте смелость и настойчивость, чувство справедливости, стремление к знаниям и просвещению.

Короче говоря, можно назвать многие черты, определяющие национальный характер узбеков с точки зрения роли семьи в воспитании молодежи в духе патриотизма. Можно выделить такие качества, как отношение молодежи к семье, уважение к родителям, любовь к ребенку, честь, стыд, скромность, любовь к Родине. Воспитание молодежи в семье в духе патриотизма должно быть долгом родителей перед Отечеством. Это не задача, специфичная для одной семьи, а особенность, уникальная для всего человечества. Неслучайно Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев сказал: «Мы должны обратить особое внимание на то, чтобы привить в сознание молодежи бесценное наследие наших великих ученых и писателей, непобедимость наших непобедимых полководцев и вождей, укрепить их». их чувство национальной гордости".

## **GENDER STEREOTIPLARI: MUAMMO VA YEChIMLAR**

*X.A.Yulbarsova*

*FarDU, Ijtimoiy ish kafedrasida dotsenti*

*E-mail: [hurshida08yulb@mail.ru](mailto:hurshida08yulb@mail.ru)*

*A.Asqarova*

*FarDU, Ijtimoiy ish kafedrasida o'qituvchisi*

Jamiyatimizda shunday paytlar bo'ldiki, zo'ravonlik, kambag'allik kabi so'zlarni ishlatishdan qanchalik qo'rqsak, rahbarlarimiz gender tenglik so'zini qo'llashdan ham shunchalik qo'rqr edilar. Bu so'zlar mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy, sotsial-iqtisodiy hayotida deyarli oshkora tilga olinmasdi. Shuning uchun ham, gender tenglik deganda kishilarimiz ongida noto'g'ri tushunchalar shakllanib qoldi. Xuddiki, gender tenglik atamasi ayollar erkaklardan ustun bo'lishi, ularni mensimaslik, erkaklarga o'z gapini o'tkazish, degan ma'nolarni anglatadi, deya qabul qilindi. Vaholonki, gender tengligi juda ham chiroyli tushuncha. Bu erkaklar va ayollarga hamma narsada teng imkoniyatlar va sharoitlarning mutanosibliigi tushuniladi. Ya'ni bilim olish, kasb tanlash, lavozimda ko'tarilishda erkaklar bilan ayollarga birdek imkoniyatlar yaratilishi — gender tenglikni anglatadi.

Respublikamiz BMTning “Xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning barcha shakllarini yo'q qilish haqida”gi konventsiyasiga, Xalqaro mehnat tashkilotining “Onalikni muhofaza qilish to'g'risida”gi,”Mehnat va mashg'ulotlar sohasidagi kamsitishlar to'g'risida”gi konventsiyalariga MDH davlatlari ichidan birinchilar qatorida qo'shildi.Bu hujjatlar xotin-qizlar manfaatlarini muhofaza qilish va ularning oiladagi va umuman jamiyatdagi mavqeini mustahkamlashga qaratilgan me'yoriy - huquqiy hujjatlar kompleksining tarkibiy qismidir.

Avvalambor, gender stereotipi tushunchasining o'zini ko'rib chiqamiz. A.V.Merenkovning ta'kidlashicha, bu “idrok etish xususiyati, maqsadga intiluvchanlikning, shuningdek, mazkur madaniyatda qabul qilingan muayyan jins vakili turmushi va faoliyatidagi me'yor va qoidalarni xisobga olgan holda inson xulq-atvorining dasturiy anglashilishidir” [1].

Yana bir ta'rifga ko'ra: “Gender stereotiplar - bu mazkur jamiyat uchun aynan shu tarixiy davrdagi erkaklar va ayollar o'rtasidagi farqliklar to'g'risidagi tasavvurlar” [2] tushuniladi.

I.S.Kletsinaning fikricha: “Gender stereotiplari deganda, “erkaklarga xos” va “ayollarga xos” tushunchalarga mos keluvchi xulq-atvor modellari va xarakter xususiyatlari to'g'risidagi andozalashtirilgan tasavvurlar tushuniladi” [3].

Yuqoridagi ta'riflardan xulosa qilib shuni aytish kerakki, “gender stereotiplari” tushunchasiga, birinchidan, erkaklar va ayollarni odatda ifodalovchi xususiyat va ta'riflar kiradi. Ikkinchidan, gender stereotiplarida erkak va ayollar jinsiga an'anaviy ravishda xos bulgan me'yoriy xulq-atvor namunalari mavjud buladi. Uchinchidan, gender stereotiplarida erkaklar va ayollar bir-birlaridan nima bilan farqlanishi to'g'risidagi odamlarning umumlashtirilgan fikri, mulohazasi, tushunchasi o'z ifodasini topadi. Va nihoyat, to'rtinchidan, gender stereotiplar ular mavjud bulgan madaniy muhitga ham bog'liqdir.

Umuman gender stereotiplarini uch guruhga taqsimlash mumkin.

Birinchisi – maskulinlik/feminlik (yoki femininlik) stereotiplari. Boshqacha aytganda, bu mardlik/latofatlik stereotiplari deb ataladi. Dastavval, maskulinlik (mardlik) va feminlik (latofatlik) tushunchalari nimani anglatishini ko'rib chiqamiz.

I.S.Kon[4] tomonidan takdim etilgan “maskulinlik” atamasi ma'nosini tahlil qilishga asoslanib, feminlik va maskulinlik tushunchalariga berilayotgan mazmuni qo'yidagicha ifoda etish mumkin.

1. Maskulinlik va feminlik tushunchalari erkaklarga (maskulinlik) yoki ayollarga (feminlik) “xolisona xos bulgan” (I.Konning ta'kidlashicha) ruhiy va xulq-atvoriy xususiyatlarini aks ettiradi.

2. Maskulinlik va feminlik tushunchasi turli ijtimoiy tasavvurlar, fikrlarni o'z ichiga oladi, erkaklar va ayollar qanday va ularga qaysi xususiyatlar maqbul ekanligi aniqlanadi.

3. Maskulinlik va feminlik tushunchalarida ideal erkak va ideal ayolning me'yoriy qoliplari o'z ifodasini topadi.

Shunday qilib, birinchi guruhdagi gender stereotiplarni mardlik va latofatlik haqidagi tasavvurlar aksini topgan muayyan shaxsiy fazilatlar va ijtimoiy-psixologik xususiyatlar yordamida erkaklar va ayollarni tasniflovchi stereotiplar sifatida belgilash mumkin. Masalan, ayollarga passivlik, emotsionallik, konformlik kabi xususiyatlar, erkaklarga esa - faollik, mustaqillik, kompetentlik, jaxldordik va xokazolar xos. Ko'rib turganimizdek, maskulinlik va feminlik xususiyatlari qarama-qarshi qutublarga ega: faollik - passivlik, kuch - o'jizlik. N.A.Nechayevaning tadqiqotlariga ko'ra, ayolning an'anaviy ideali vafodorlik, sodiqliq, kamtarlik, nazokat, latofat, itoatkorlik kabi fazilatlarini o'z ichiga oladi. Shunga ko'ra an'anaviy nuqtai nazardan ifodalovchi fazilatlar va xususiyatlarga yondashgan holda ayol-muloyim, latofatli, sadoqatli, erkak esa-faol, ishonchli, kuchli degan qarashlar shakllangan.

Gender stereotiplarning ikkinchi guruhi oilaviy, professional va boshqa sohalarida muayyan ijtimoiy rollarni mustahkamlash bilan boqliq. Ayollarga, odatda, asosiy rollar sifatida oilaviy (ona, uy bekasi, turmush o'rtog'i) rollar, erkaklarga esa -professional rollar belgilanadi. I.S.Kletsina ta'kidlashicha, “erkaklar o'z kasb-korida erishgan yutuqlariga qarab, ayollar esa-oilasi va bolalari mavjudligiga qarab baholanadi[5]”.

Muayyan bir sohada (masalan, oilaviy) erkaklarga va ayollarga xos deb hisoblangan rollar majmui har xil. Farg'ona davlat universitetida sotsiologiya yo'nalishi talabalari o'rtasida o'tkazilgan tadqiqotda (100 nafar talabalar) er-xotin o'rtasida oilaviy majburiyatlarni taqsimlashda quyidagi differentsiatsiya paydo bo'ldi. Jumladan, uyni tozalash, ovqat pishirish, kir yuvish va dazmol qilish, idish-tovoq yuvish kabi rollar faqat ayollarga xos deb ta'kidlangan. So'rov ishtirokchilarining fikriga ko'ra, oilada erkakning vazifasi pul topish, uyda ta'mirlash ishlarini bajarish, axlatni olib chiqishdan iborat. So'rov qilinganlarning 90% ortig'i oilada erkak va ayollarning vazifasi haqidagi an'anaviy tasavvurlarni aks ettiruvchi “Ayolning asosiy burchi - yaxshi rafiq va ona bo'lish” va “Erkak - bu asosiy boquvchi, oilaning boshlig'i” degan qarashlarni qo'llab-quvvatlaganlar. Mazkur tadqiqot doirasida olib borilgan guruh; interv'yu qatnashchilarining fikrlariga ko'ra, ayolga ko'pincha uy bekasi vazifasi yuklanadi, ya'ni, respondentlar fikricha, u “oilaning yaxlitligini ta'minlaydi” va “uyda sog'lom muxitni yaratadi” deb hisoblashgani aniqlandi. Erkak esa “oila tayanchi” rolini bajaradi, va bu vazifa ko'prok,



rahbarlik qilish xarakteriga ega: erkak oilada “strategik maqsadlarni belgilash” bilan shug'ullanadi, u “boshqaradi”, “ko'rsatma beradi” va umuman hamma uchun namuna bo'ladi. Shu bilan birga dam olish, hordiq chiqarish bilan bog'lik, rollar odatda ayollarga qaraganda erkaklarga mos deb hisoblanadi (do'stlar bilan pivo ichib, mulokot qilish, divanda dam olib yotish, televizor ko'rish va gazeta o'qish, baliq ovlash, futbol o'ynash va hokazo). Bu holni ommaviy axborot vositalari orqali ham kuzatishimiz mumkin, ya'ni, erkak personajlar ayollarga qaraganda dam olish vaziyatlarida ko'proq aks ettirilgan.

Gender stereotiplarining uchinchi guruhi erkaklar va ayollar o'rtasida farqliqni mehnatning muayyan turlari bilan shug'ullanish jarayonida o'z ifodasini topgan. Jumladan, erkaklarga, odatda ijodiy va yaratuvchanlik xarakteriga ega intrumental soha faoliyatidagi mashg'ulot va kasblar, ayollarga esa - bajaruvchi va xizmat ko'rsatuvchi xakteri bilan farqlanuvchi ekspressiv sohalar xos deb hisoblanadi. Shuning uchun “erkaklarga xos” va “ayollarga xos”, deb ataluvchi kasblar mavjudligi to'g'risidagi fikr keng tarqalgan va bu stereotipga aylangan.

YuNESKONing[6] ma'lumotlariga ko'ra, erkaklarga xos kasblarning andozaviy ruyhati arxitektor, xaydovchi, muxandis, mexanik, tadqiqotchi va xokazo kasblardan, ayollarga xos kasblar esa kutubxonachi, tarbiyachi, o'qituvchi, aloqa xodimi, kotiba va boshqalardan iborat. Yuqorida aytilgan tadqiqotimizda ham fokus guruhi intervъyu qatnashchilarining fikriga ko'ra, “erkaklarga xos” rollar qatoriga sanoat, texnika, qurilish, xarbiy, qishloq xo'jaligi boshqa sohalaridagi mutaxassisliklarning keng majmui kiradi. Ayollarga bu borada an'anaviy ravishda ta'lim sohasidagi (o'qituvchi, tarbiyachi), tibbiyotdagi (vrach, hamshira, doya), xizmat ko'rsatish sohasida (sotuvchi, farrosh, ofitsiant) kabi nikasblar mos deb hisoblanadi. Erkaklarning ilm sohasidagi bandligi aniq ijtimoiy fanlar, ayollarning esa ishtiroki - aksariyat hollarda gumanitar fanlar bilan bog'liq.

Erkaklarga va ayollarga xos deb taqsimlashning ushbu “gorizontal” bo'linishi bilan birga vertikal bo'linishi ham mavjud, ya'ni, raxbar lavozimlarini ko'pincha erkaklar egallaydi, ayollarning o'rni esa ijrochi xarakteriga ega. Oliy Majlis Qonunchilik palatasiga saylangan 150 nafar deputatning 48 nafari yoki 32 foizini xotin-qizlar tashkil etdi. Senatda esa bu ko'rsatkich qariyb 25 foizga yetdi. Mahalliy Kengashlar deputatlarining 31 foizi ham faol ayollardir. Ana shunday natijalar tufayli O'zbekiston parlamenti ayol deputatlar soni bo'yicha dunyodagi 190 ta milliy parlament o'rtasida 37-pog'onaga ko'tarildi.

Gender stereotiplarining keltirilgan tasnifi uzil-kesil emas va u yetarli darajada shartli tusga ega bo'lganligi bois tahlilni oddiyashtirish uchun qabul qilingan. Gender stereotiplarining qayd etilgan guruhleri orasida feminlik/maskulinlik stereotiplari bir muncha umumiy va universal hisoblanadi. Ikkinchi va uchinchi guruhdagi andozalar ko'prok shaxsiy xarakterga ega hamda aksariyat hollarda, oilaviy va professional sohalarini qamrab oladi. Bunda gender stereotiplarining bayon etilgan uchta guruhi bir-biri bilan o'zaro qalin bog'langan. Ehtimol, gender stereotiplarini tasniflash uchun turli xil asoslardan foydalangan holda ularning boshqa turlarini ham ajratib ko'rsatish mumkin bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati**

1. Меренков А.В. Социология стереотипов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. Ун-та, 2001, с. 161.
2. Гендерный подход в дошкольной педагогике: Монография в двух частях под ред. к. пед. н. Л.В.Штылевой, Мурманск, 2001 г. Теория. с.
3. Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. С.-Петербург, изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 1998. с. 19
- 4.Кон И.С. Мужские исследования: меняющиеся мужчины в изменяющемся мире. //в кн. Введение в гендерные исследования. Ч.1: Учебное пособие/Под ред.И.А.Жеребкиной-Харьков: ХЦГИ, 2001; СПб.: Алетейя, 2002. С.571-572.
5. Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. с. 19
6. Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках; Париж; ЮНЕСКО, 1991, с.115.

## ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ

*С.В.Йўлдошев т.ф.б.ф.д.(PhD) ФарДУ*

**Аннотация:** Мазкур мақолада халқ ўйинларининг тарихий, илмий - педагогик асослари ва гендер таҳлилига, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни ёшлиқдан уйғотиш, болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида алоҳида эътибор қаратилган. Халқ ўйинларининг қисқача тарихи ва ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти педагогик таҳлил асосида ёритилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш борасида муҳим шарт-шароитлар яратилди. “Ёшлар тарбияси борасида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таяниб, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш” долзарб вазифа этиб белгиланди.

Бугунги кунда жисмоний ва маънавий саломатликни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни ёшлиқдан уйғотиш, болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бу “Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир”. Шунингдек Юртбошимиз ўз маърузаларида қизлар спортини ривожлантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, шунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбаритомонидан соғлом авлодни вояга етказишни амалга тадбиқ этиш бўйича оила, таълим, тиббиёт, спорт муассасалари, жамғармалари олдида катта вазифалар кўйилди.

Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида улар фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади.

Мустақил давлатимизнинг ривожланиши ва равнақида ёшларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва руҳий баркамоллигига, уларнинг саломатлигига боғлиқдир. Жисмонан соғлом, бақувват, руҳан тетик, ақл-заковатли ёшлар билан мамлакатимизнинг истиқболли келажагини тасаввур қилиш мумкин. Бугунги кунда соғлом авлодни шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунга энг аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли маиший шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялашнинг моддий асосини белгилаш, яъни давлат томонидан иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш киради.

Ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар, шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани куриш учун зарур шароитларни яратиш; ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора – тадбирларини амалга ошириш масалалари ёритилган.

Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маонавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростляпти.

Тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русм, таомил, маросимларининг вужудга келиши ва ривожланишига бир қатор омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шундай омиллардан бири турмуш тарзидир. У ёки бу халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган ҳар бир маросим миллийлик қобиғидан чиқиб умуминсоний қадриятга айланади; тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган кўшни халқларни бирлаштиради. Қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи кўприкларни вужудга келтиради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, барча халқ урф-одатлари, анъана ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, у моддий турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлган; вақт ўтган сари улар тобора мустақамланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келган. Халқнинг анъанавий, оммавий ўйинлари, сайллари ва удумлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик турмушига сингиб кетган бўлиб, халқнинг орзу-истаклари ҳамда интилишларини ўзида акс эттиради. Бу маросимлар асрлар оша аждодлардан авлодларга асосан ўзгармасдан ўтиб келган. Шу жиҳатдан ҳамурф-одат, анъана, маросимва удумлар узоқ вақт давом этган тарихий тарақиётнинг маҳсулидир. Шунинг учун ҳар бир халқнинг турмушида унинг ўзига хос белги ва хусусиятлар мавжуддир. Бу анъаналар узоқ давр мобайнида вужудга келади, давр ўтган сари уларнинг айримлари моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондирилиши билан уларнинг сафи ва сифати ўсиб, ўзгариб боради. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, жуда кўп вақтлардан буён халқимиз орасида яшаб келаётган урф-одатлар, маросимлар, ўйинлар, удумлар ва таомиллар борки, бу халқимизнинг тўй-тантаналарга ўчлигидан, қувноқлик, хушчакчаклик кайфиятига, кулгисеварлигига, шижоатлигига, тадбир ўтказишда тадбиркорлигидан далолат беради.

Мана шу маънавий мероснинг энг қадимий қатламига хос қадриятлар тизимида анъанавий халқ ўйинлари алоҳида ўрин тутади. Дунёда анъанавий ўйин шаклланмаган бирорта ҳам халқ йўқ. Чунки оилада фарзанд дунёга келиши биланоқ маълум вақтдан сўнг ўзини ўраб олган ташқи оламни турли-туман ўйинлар, ўйинчоқлар воситасида англай бошлайди. Ўйин инсон ҳаётининг деярли барча босқичларида ўзига хос тарзда ифода этиладиган ихтиёрий фаолият турларидан бири бўлиб, тарбиявий-ахлоқий, ижтимоий - эстетик функцияни бажаради.

Бугунги кунда ўрганилган мавжуд ўйинларнинг ҳудудий кесимдаги мониторинги натижаларига кўра Фарғона водийси вилоятлари ва Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикаларининг унга туташ вилоятларида жами 145 турдаги (номдаги эмас) халқ ўйинлари таҳлилга тортилган. Шундан Андижонда 29, Наманганда 33, Фарғонада 42, Қирғизистон Республикасида 23, Тожикистон Республикасида 18 турдаги халқ ўйинлари таҳлил учун қайд этилган.

Фарғона водийсидаги халқ ўйинлари ўзига хос маҳаллий (локал) хусусиятларига эга бўлиб, уларни бир қатор туркум ва гуруҳларга ажратиш мумкин. Халқ орасидаги ўйинлар доимий, мавсумий, ҳатто шаҳар-қишлоқларга, катта ва кичик ёшларга, кундузги ва тунги характерга эгадир. Бундан ташқари ўйинларни уларда иштирок этадиганлар сирасига қараб, болалар, ўсмирлар, ёшлар, қизлар, аёллар ва эрақлар ўйини каби турларга ажратиш мумкин. Ўйинлар, шунингдек, ифода воситаларига қараб сўзли, қўшиқли, рақсли, ҳаракатли, мусобақавий этнографизм сифатида намоён бўлади. Кўп ўринларда ўйинларни болалар ва ўсмирлар ҳамда катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган ўйинларга ажратиш таомилга кирган.

Халқ ўйинларининг гендер таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, жами ўйинлар нисбатида эрақлар томонидан ўйналадиган ўйинлар салмоғи 51,7 фоизни ташкил этганлигини кўрамайиз. Аёллар томонидан ўйналадиган ўйинлар салмоғи эса 8,3 фоизни ташкил этган. Эрақлар томонидан ўйналадиган ўйинлар салмоғининг кўплиги улоқ, кураш каби оммавий ўйинлар ҳисобига ортган. Энг муҳими ҳар иккала жинс иштирокчилари томонидан ўйналадиган ўйинлар мажмуида болалар ўйинлари ҳисобида юқори кўрсаткич (40 фоиз) кузатилади. Водийнинг ўзбек болалари орасида кенг тарқалган ўйинлардан бири “**беш тош**” ёки “**тўп тош**” деб номланади. М.С. Андреев, К.Ш.

Шониёзов каби олимлар бу ўйиннинг турли хил вариантлари нафақат Фарғона водийсида, балки Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалганлигини қайд қиладилар.

“Беш тош” жуда мураккаб ўйинлар сирасига киради, у, асосан, қиз болалар томонидан ўйналади. Ғ. Жаҳонгиров нашр эттирган китоб матнида унинг элементлари қуйидаги тартибда баён қилинган: 1) бош; 2) қапчик; 3) бир олар; 4) икки олар; 5) уч олар; 6) тўрт олар; 7) дўппос; 8) олма; 9) мамо; 10) чиқ этар; 11) чиқ этмас; 12) чандик.

Ўйин элементларининг бундай номланиши тош билан бажариладиган ўйин амалларининг характеридан келиб чиқади. Юқорида келтирилган атамаларни “Беш тош” ёки “Тўп тош” номи билан ўйналадиган ўйинлар турли шакллари бўлишига қарамасдан ўйин жараёни қиз болаларни эпчил, зийрак, зукко қилиб тарбиялаш воситаси вазифасини бажаради. Агар эътибор берилса, ўйин мукаммал сюжет тизимига эга бўлиб, анъанавий бошлама (иштирокчининг ўйиндаги ўрни аниқланиши), асосий элементлар (“Беш тош” билан турли хил амалларни қўллаб ўйнаш) ва яқунланма (“ўйин охири” ғолибни аниқлаш) босқичлари борки, бу ўйин мазмунини ва яшовчанлигини ошириб келмоқда. Халқ ўйинлари генезиси ва этногеографияси такомилда водий аҳолисининг ижтимоий тараққиёт тарихи ўз ифодасини топган. Халқ ўйинларининг генетик асоси аجدодларимиз тафаккурининг энг қадимги элементларидан бири бўлган урф-одат ва маросимларнинг таркибий қисми сифатида жуда қадим замонларга бориб тақалади. Халқ ўйинлари Фарғона водийси аҳолиси орасида қадим замонлардан бошлаб шаклланган ва тарқалган бўлиб, даврлар ўтиши билан аجدодлардан авлодларга ўтиб такомиллашиб, сайқалланиб борган. Халқ ўйинларининг тарихий илдизлари ва уларнинг келиб чиқиши жараёни водий аҳолисининг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти ва қадимги диний қарашлари билан узвий равишда боғлиқ;

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, халқ ўйинларининг этнографик ва этнопедагогик таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона водийси халқ ўйинлари ўзининг локал хусусиятларига эга бўлиб, уларни ташкил этиш ва ўтказишнинг қатъий қоида ҳамда меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда ўйинлар, асосан, ҳалоллик, чаққонлик, хушёрлик, устамонлик, рақибни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, толерантлик, миллатидан қатъий назар ўйин иштирокчиларига умуминсоний қадриятлар доирасидан чикмаган ҳолда муносабатда бўлиш каби тамойиллар асосида ўтказилган. Халқ ўйинлари тўй-томошаларда, Наврўз байрами ва бошқа сайлларда халқнинг қувноқлик, хушчакчаклик кайфиятини оширишга, ёшларни жисмонан ҳамда маънан тарбиялашга хизмат қилган омил ва воситалардан бири бўлиб, оммавийлик касб этиб келмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотларда шахс соғлом турмуш тарзига таъсир этувчи омиллар ва воситалар аниқланди, соғлом турмуш тарзи масалаларинафақат тарихчилар, файласуфлар, социологлар, тиббиёт соҳаси олимлари томонидан ўрганилди, балки педагогика-психология фанининг ҳам долзарб муаммоларидан бирига айланди.

### **Адабиётлар**

1. Шавкат Мирзиёев . Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.66

2. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып. 1. – Сталинабад, 1957. – С.112-113.; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки... – С.167-168.

3. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаева.Ф. Минг бир ўйин... – Б.78.

## АКСИОЛОГИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ В РИТОРИКЕ В КОНТЕКСТЕ ГЕНДЕРНОГО ПОДХОДА

*Гульчехра Давлятова,  
кандидат педагогических наук, доцент  
Ферганский государственный университет  
[gdavlyatova@inbox.ru](mailto:gdavlyatova@inbox.ru)*

Высшая школа остается основным пространством распространения всесторонних знаний, в том числе гендерных. Традиционно риторика определяется как наука об искусстве речи, о красноречии. Первоначально она понималась узко - только как наука об ораторском искусстве, впоследствии ее значение расширилось. Среди лингвистов до сих пор нет единого мнения относительно понятий «риторика» и «риторический дискурс», так как эти термины тесно связаны с такими научными областями, как лингвистика, аксиология, психология, социология, контактология, культурология и др.

Сегодня существуют варианты появления понятия «гендер» в научных исследованиях во многих областях жизнедеятельности. Термин «гендер» означает различия по полу и власти, которая организует и контролирует эти различия. Изначально гендер - это грамматическая категория рода.

О гендерной идентичности говорил известный учёный-психиатр Роберт Столлер, который определил данный термин как присущее человеку устойчивое представление о себе как о мужчине или женщине [3. - 12 С.]

По мнению исследователя О.В. Зиневич, гендерная тематика, несмотря на заметные успехи и достижения находится ещё на периферии «знанияевой» сферы и просвещения в плане, в частности, раскрытия аксиологической стратегии, что свидетельствует о незавершённости внедрения гендерного подхода в образовательный процесс. [2. – С. 26]

Необходимо отметить, что именно эволюция академического феминизма сделала гендер полезной категорией социально-исторического анализа: разделение труда по признаку пола, оплате труда, профессиях, карьерный рост, исключение из публичной деятельности, стереотипы, национальные традиции, обычаи и ценности и т.д.

Известно, гендер пронизывает также и частную сферу, т.е. повседневную жизнь каждого члена общества. Кроме этого представления о половых гендерных ролях и поведение людей как мужчин и женщин заданы национальным культурно-историческим контекстом, национальными ценностями, конкретной ситуацией, спецификой профессии, особенностями традиций и обычаев, которые так или иначе влияют на жизнь конкретных полов.

Нами рассматриваются вопросы использования в риторической речи, особенно таких приёмов речевого воздействия, в основе которых лежат гендерные стереотипы, выражающие национальные ценности, традиции. Гендерная тематика не только подтверждает эти тенденции, но и характеризуется рядом особенностей ее институционализации как сферы.

Изучение различий мужских и женских выступлений позволяет определить степень эффективности реализации гендерных подходов к изучению общения, коммуникации. Безусловно, можно наблюдать очевидные различия между мужской и женской речью, их ценностными ориентирами, которые обусловлены биологическими различиями, социальными ролями и стереотипами, которые закреплены в обществе, конкретнее в этнообществе.

Публичное выступление мужчин или женщин, это весьма сложный процесс, который требует серьезной и тщательной подготовки, ибо, как отметил М. М. Бахтина, «выступающий должен учитывать знания, взгляды, убеждения адресата, его предубеждения, симпатии и антипатии». [1. – С. 9] Действительно, для достижения желаемого результата изначально выступающий (мужчина или женщина) должен

расположить к себе публику и привлечь ее внимание, что осуществляется с помощью контактоустанавливающей тактики, которая также зависит от национальных убеждений, взглядов и мировоззрения.

Анализ выступлений ораторской речи позволяет установить, проявляются ли какие-либо различия в вербальной коммуникации в зависимости от пола, национальности. Такой подход к изучению ораторской речи и коммуникации позволяет предположить наличие следующих стратегий:

использование особенностей речевого поведения женщин и мужчин, которые необходимы для создания речевого акта;

коммуникативная тактика мужчин и женщин при выступлении перед аудиторией, использование различных видов гендерных стереотипов;

использование выразительных средств языка (риторических троп и фигур) при гендерных различиях;

выбор ключевых способов эффективного воздействия на аудиторию, а также жанр, применяемого при публичном выступлении;

создание успешного коммуникативного имиджа выступающего (педагога, психолога, юриста, политика, дипломата и т.д.);

важность и необходимость самопрезентации (демонстрации профессионализма, успеха, показа своих достижений и т.д.);

стараться убедить публику в своей осведомленности предмета речи, в предъявляемой оратором области знаний и актуализации способности ее развития и др.

Главное, при публичном контактировании важно обращение выступающего к слушающим с такой проблематикой и вопросами, которые интересны для данной аудитории, которые выражают их желания и чаяния, касающихся аксиологических отношений к национальным ценностям, традициям и обычаям. Применительно к социальному развитию слушающих в качестве образования и воспитания могут выступать ценности коммуникативной, национальной, этнической др. культуры. Оратору важно включиться в диалог, совместно с аудиторией работать и искать оптимальные решения жизненных вопросов и проблем, в том числе и гендерных, определить совокупность приоритетных ценностей в образовании, воспитании и саморазвитии человека.

Всё это зависит не только от конкретной ситуации, но и от типа личности выступающего (преподавателя, государственного деятеля, политика и др.). Учет гендерных характеристик аудитории позволяет усилить воздействие на неё речи оратора. Здесь важно выборочное и осторожное употребление некоторых гендерно обусловленных черт речи (например, как использование лексико-грамматических эвфемизмов для смягчения смысла некоторых лексем, которые играют важную роль в социальных и межличностных отношениях).

Приведём пример избыточной риторики: обращение мужа или жены друг к другу. В этом плане интересен пример, как «Менинг хужайиним или чолим» говорят замужние женщины о своём муже, где «хужайин» на русском языке «господин, хозяин». Так традиционно называют узбекские женщины своих мужей, в знак уважения, как хозяина дома, как главы, главного в семье. Кроме этого используется понятие «чолим» (дословно: «мой старик»). Редко, когда женщины называют своих мужей по имени или словом «эрим» (дословно: «мой муж»). Мужчины, когда представляет кому-нибудь свою жену, свою вторую половину называют либо «болларимни онаси» («мать моих детей»), либо «аёлим» («моя женщина»), «рафикам» («моя супруга»), «хотиним» («моя жена»). Здесь форма принадлежности данных слов обозначает близкое отношение между людьми по отношению к лицам женского пола пожилого возраста. При этом при обращении к жене, супруге, в основном взрослые мужчины стараются не называть её по имени. Имеет место также то, что обращаясь к жене они могут называть её по имени старшего ребёнка (дочери или сына). Это связано с традициями, обычаями народа, своеобразием лексико-семантической подсистемы лексики узбекского языка со значением слов, которые связаны

с браком. Хотя современная молодёжь не всегда придерживается таких традиционных правил.

Основные ценности (жизнь, здоровье, любовь, образование, труд, мир, красота, творчество и др.) остаются постоянными на разных этапах развития социума и являются всегда значимыми для человека. Ибо аксиологический подход изначально определяет всю систему духовно-нравственного развития и воспитания, утверждает оратора как носителя базовых национальных ценностей, высшую ценность субъекта, который способен к организации своей деятельности на основе духовных идеалов, нравственных установок и этических норм.

Аксиологические стратегии и тактики гендерных практик в риторике и определенные системы являются застывшими, вечными или заданными природой, становятся широко распространенным и отличаются своим динамизмом, а также зависят от структурных условий (экономики, политики, образования, религии), по-разному конструируются в различных социальных слоях, возрастных и этнических группах, которых отличают разные нюансы действия и взаимодействия.

Нами невозможно было охватить все случаи использования риторических средств, выражающих гендерные стереотипы с аксиологической точки зрения. Но следует отметить, что именно гендер является наиболее продуктивной темой для утверждения аксиологических стереотипов в различных источниках, в том числе публицистических, художественных, официально-деловых дискурсах, в том числе и разговорных.

#### Список литературы

1. Бахтин М. М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. - 445 с.
2. Зиневич О.В. Гендер в международных отношениях // Учеб.-метод. пособие / О. В. Зиневич, Я. И. Щербакова, Е. А. Рузанкина. - Новосибирск: Новосибирский государственный технический университет, 2012. - 70 с.
3. Столлер Р. Гендерная психология: некоторые проблемы и перспективы // Журнал: Ярославский педагогический вестник, № 2, 2021.

## MILLIY URF-ODATLAR VOSITASIDA TALABA-QIZLARNI MUSTAQIL HAYOTGA TAYYORLASH

*Дилдора Солихўжаева*

*O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Ma'naviy-axloqiy tarbiya  
boshqarmasi mutaxassisi, mustaqil tadqiqotchi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada talaba-qizlarni mustaqil hayotga tayyorlashda ta'lim muassasasi, oila va mahalla hamkorligi masalalariga bag'ishlangan.

**Kalit so'zlar.** Ta'lim, oila, mahalla, mustaqil hayot, ta'lim muassasasi.

**Annotatsiya.** V dannoy state rassatrivayutsya voprosy vzaimodeystviya uchebnogo zavedeniya, semi i obshstva v podgotovke devochek k samostoyatelnoy jizni.

**Klyuchevye slova.** Obrazovaniye, semya, sosestvo, samostoyatelnoye projivaniye, obrazovatelnoye uchrejdeniye.

**Annotation.** This article focuses on the issues of educational institution, family and community cooperation in preparing girls for independent living.

**Keywords.** Education, family, neighborhood, independent living, educational institution.

Yurtimizda xotin-qizlarning ta'lim sohasi va ilm-fandagi o'rini kengaytirish, kelajakda ularni ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatga yanada keng jalb etishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz ta'kidlaganidek, har qanday jamiyat va davlatning qay darajada xalqparvar hamda adolatli ekani uning xotin-qizlarga bo'lgan munosabati va g'amxo'rliги bilan belgilanadi. Shu ma'noda, so'nggi paytlarda O'zbekistonda xotin-qizlarning qonuniy huquq va manfaatlarini ta'minlash, ularning iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy faolligini oshirish Yangi

O'zbekiston taraqqiyot strategiyasining muhim yo'nalishlaridan biri sifatida belgilanib, keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda.

Joriy yil mart oyining boshida ushbu sohada ikkita tarixiy farmon qabul qilangani ham shundan dalolat beradi.

Yosh avlodni, ayniqsa qiz bolalarni ma'naviy-axloqiy, madaniy-ma'rifiy jihatdan yetuk insonlar qilib tarbiyalash ishi birinchi navbatda oiladan boshlanadi.

Islom dini oilaviy munosabatlarning hayot haqiqatlariga, adolat tuyg'usiga va insonparvarlikka asoslangan ma'naviy mezonlarini yaratdi, ayollarning oila va jamiyatdagi haququqini belgiladi, bu borada, ayniqsa uning onalik burchiga, bolalari uchun murabbiylik faoliyatiga yuksak e'tibor berdi.

Oilada qiz farzand milliy urf-odatlarimizga ko'ra tarbiya topadi, kamolga yetadi. Jumladan,

Sharqona tarbiyada deraza oldida qizil gul turgan bo'lsa, bu uydaturmushga chiqish yoshiga yetgan, bokira qiz bor. Uy oldidan o'tayotganda gap-so'zlarga e'tiborli bo'lish, haqoratli so'zlarni gapirmaslik;

har bir xonadon eshigi ustida ikkita to'qmoq bo'lib, biri yo'g'on, ikkinchisi ingichka bo'lgan. Mehmonga kelgan kishi ayol bo'lsa, eshikni ingichkato'qmoq bilan taqillatgan. Shundan kelib chiqib, xonadonsohibasi eshikniochgan.

Azaldan qiz bola tarbiyasiga o'ta nozik masala sifatida qaralgan. Xalqimizda "onasini ko'rib qizini ol" degan gap bor. Bu gapning zamirida katta ma'no mujassam. Oilada qiz bola onasining yurish turish munosabati, hunarmandligidan dars oladi, shu xislatni hayotda tatbiq etishda harakat qiladi.

Qiz bolaga yoshligidan ozodalikka, shirinsuxanlikka, sekin so'zlashish, baqirib kulmaslik, bemahalda yolg'iz yurmaslik, begona odamlar yoniga yolg'iz bormaslik, erkaklardan bir qadam ortda yurish, ularning oldini kesib o'tmaslik, yonida erkak kishi bo'lsa narvonga chiqmaslik kabi odoblar o'rgatilib kelingan.

Shuningdek, qizlarning orasta, iboli, hayoli, barkamol inson bo'lib voyaga yetishida otana tarbiyasi bilan birgalikda, atrof - muhitning ta'siri ahamiyatli. U ulg'aygan mahalla, ta'lim olayotgan maskan, dugonalarining o'rni katta.

Agar yon-atrofidagi insonlar ilmga intiluvchan, o'z ustida ishlovchi, bilimli bo'lsa, albatta buning natijasi o'z samarasini beradi.

Vaholanki, qiz bola oliy ma'lumotli bo'lsa, qanchalik bilim va salohiyat olsa, buni kelgusida farzandlariga ham "yuqtiradi", har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazish masalasiga mas'uliyat bilan yondashadi. Zero, donishmandlar aytganidek, o'g'il bolani o'qitsang bir oilani, qiz bolani o'qitsang butun millatni o'qitgan bo'lasan. Yurtning kelajagi esa mana shunday dunyoqarashga ega onalar tomonidan yaratiladi va bu asosan u yashagan oilaga bog'liq bo'ladi.

Qizlarimizning baxtli kelajagi uchun barcha imkoniyatlarni yaratamiz, ammo ularni oilaga tayyorlashni ba'zan esimizdan chiqarib qo'yamiz. Aslida, qiz bolaning tarbiyasi u hali beshikda yotgan go'daklik mahalidayoq boshlanishi kerak. Onalar yoxud oila kattalari qiz farzandining voyaga yetib, oqila uy bekasi bo'lguniga qadar bu mas'uliyatni unutmastliklari kerak.

Sharqda yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashga qadimdan jiddiy ahamiyat berilgan. Jumladan, Abu Nasr Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Kaykovus, Alisher Navoiy, Rizouddin Ibn Faxriddin kabi allomalar bu masala yuzasidan o'zlarining durdona fikrlarini asarlarida qoldirib ketganlarki, ular hozirgacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Ular "Nasihatnoma", "Pandnoma", "Xikmatnoma" tarzida bizgacha yetib kelgan.

Bu manbalarda qizlarni hayotga tayyorlashda, ularda birinchi navbatda insoniy fazilatlar shakllangan bo'lishi, oila muqaddas, uni avaylab asrash aynan uy bekalariga bog'liq ekanligi haqida turli tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan hodisalar hikoya qilinadi.

Qizlarni oilaviy hayotga tayyorlashda quyidagi yo'nalishda ishlarni tashkil etish maqsadga muvofiq:



1. Oilada qizlarni milliy urf-odatlar ruhida tarbiyalash uchun kekxa avlod vakillari bilan ular o'rtasida ko'proq muloqotlar, uchrashuvlar o'tkazish.
2. Mehmonga borish, mehmon kutish odatlarini shakllantirish.
3. Oilada qizlar tarbiyasini tashkil etish, ularda ijtimoiy-g'oyaviy, axloqiy, iqtisodiy, huquqiy, ekologik, estetik, gigiyenik hamda sog'liqni saqlash borasidaginazariy bilimlarni oshirish, shuningdek, amaliy ko'nikma va malakalarinishakllantirish imkonini beruvchi manbalar bilan ta'minlash, uslubiy yordamko'rsatish.
4. Muayyan masalalarda mutaxassis maslahati hamda amaliy yordami (masalan, huquqshunos, psixolog, pedagog, iqtisodchi hamda tibbiyot xodimlaritomonidan ko'rsatiladigan ko'mak)ni uyushtirish.
5. Ta'lim muassasalarida ma'naviyat kunlarida "Oila odobi", "Milliy urf-odatlar asosida kiyinish", "Buvijonimkiyan liboslar" mavzularida tadbirlar tashkil etish.
6. Ijtimoiy tarmoqlardan, gadjetlardan samarali foydalanishi yuzasidan tavsiyalar berish.
7. Qizlar o'rtasida sog'lom turmush tarziga, reproduktiv salomatlikka e'tiborli bo'lish, erta tug'ruq, erta homiladorlikning salbiy oqibatlarini to'g'risida tushuntirish ishlarini kuchaytirish maqsadga muvofiq.

Xulosa o'rinda aytadigan bo'lsak, hozirgi kunda hech qaysimizga sir emaski, ba'zi bir sabablarga ko'ra qizlarimizning yomon yo'lga kirib qolayotganlarini ko'rib turibmiz. Bunday xunuk ishlarni, vaziyatni vujudga kelmasligini oldini olish maqsadida qizlarimizni milliy urf-odatlarimiz ruhiyatida tarbiyalashimiz maqsadga muvofiq bo'lardi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil mart oyida O'zbekiston Respublikasi Senatida so'zlagan nutqidan.
2. To'raqulov E., Rahimov S. Abu Rayhon Beruniy ruhiyat va ta'lim-tarbiya haqida – Toshkent: O'qituvchi, 1992, 65-b. 99
3. Oila tarbiyasida milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o'rni / Najmidinova Karimaxon Usmonovna. – T.: "Adolat", 2016. 16 b.
4. Kaykovus, Qobusnoma, – Toshkent, "O'qituvchi", 2010y, – 118 b.

### **ЮРТИМИЗДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АКСИОПЕДАГОГИК МОҲИЯТИ**

*Махмудова Сумбула Абдумаликовна  
ФарДУ мустақил тадқиқотчиси*

Муסיқа – улкан таъсир кучига эга бўлган тарбия воситаси бўлиб, инсон руҳиятига ҳаётбахш куч беради. Инсондаги гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамоллик ҳақида гапириш ноўрин. Яъни одам ўзи яшаётган жамиятда, инсонларда, тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, уни маънавий баркамол инсон деб бўлмайди. Муסיқа ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялаш воситасидир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: «Муסיқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий кадриятларга хурмати баланд бўлади»[1], – деган эди.

Мустақил Ўзбекистонда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, халқимизни, жумладан, ёшларни умуминсоний кадриятларга хурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатда амалга ошириляётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилига айланди. Мамлакатда барча йўналишлар қатори маданият соҳасида ҳам кенг қўламли ислохотлар бошлаб юборилди.

Халқнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи барча соҳалар қатори театр ва муסיқа маданиятини ривожлантириш ҳам давлат ҳимоясига олинди. Республикада театр

ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, театр ва мусиқа санъатини янада юксалтириш, ютуқларни мустаҳкамлаш ва мусиқа санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилди. Шунингдек, халқимизнинг бой мусиқий меросини асраш ҳамда мусиқа маданиятининг мунтазам тараққиёти учун мукамал ҳуқуқий кафолатлар ишлаб чиқиш мақсадида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мусиқий таълим миллий таълим тизимининг таркибий қисмидир. Униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши, уларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Бу борада бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш, уларни юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шунингдек, Р.Глиэр номидаги ва В.А.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказилди[2, 63]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори қабул қилинди[3].

Халқимизнинг азалий мусиқий меросини дунё аҳлига кўз-кўз қилиш, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзалликни, чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, Ўзбекистонни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади[4]. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларига миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасини чала олиш маҳорати ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари (шаҳодатнома)га тегишли қайд киритилади.

Мусиқа фани ўқитувчиларининг миллий чолғулардан камида биттасини, 2023/2024-ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасини чала олиш маҳоратига эга бўлиш мажбурий ҳисобланади.

Уларга асосий иш жойида иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда, мусиқа фанидан дарс ўтиш ва тўғарак машғулотларини олиб боришга рухсат берилади. Мусиқа дарсларида «Ҳаётимга ҳамроҳдир чолғу» шиори остида «чолғу ижрочилиги» машғулотлари йўлга қўйилади.

Мактабларни ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. 2022–2024-йиллар давомида 10130 та мактаб, 323 та болалар мусиқа мактаби, 826 та маданият маркази 7 турдаги миллий чолғулар билан 3 тўпламдан таъминланади. Бунинг учун республика ва маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда жами 205 млрд сўм ажратилади. Шунингдек, ўқувчилар учун миллий мусиқа чолғулари, тасвирий ва амалий санъат, хунармандчилик йўналишларида амалий тўғараклар тапшил этиш учун 2022 йилнинг ўзида 92 млрд сўм маблағ ажратилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган чолғу асбоблари, овоз кучайтиргич мосламалари, техник жиҳозлар, чироклар, махсус либослар Ўзбекистонга олиб кирилишига 2025-йил 25-январгача божхона божидан озод этилади.

Демак, мусиқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда профессионал мусиқа санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг

бой маданий меросини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, асраб-авайлаш мақсадида илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда мусиқа маданиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Халқнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи барча соҳалар қатори мусиқа маданиятини ривожлантириш ҳам давлат ҳимоясига олинди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим-тарбия бериш сифатини янги босқичга кўтариш, кўп йиллар давомида ўзининг фидокорона хизматлари билан таълим самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар ва педагог ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ижодий маҳорати ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилди[5]. Шунингдек, юртнинг эртаси бўлган ёшларга оид кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг Миллий тизими яратилди. 2016 йилда Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016–2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланди. Айниқса, ўрта махсус ва олий таълим тизими йўналишида қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар, мусиқий таълимнинг мунтазам тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги нутқидан. <https://kun.uz/news/>
2. Ирзаев Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 63.
3. <https://lex.uz/docs/> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 05.05.2016 йилдаги 144-сон
4. <https://lex.uz/docs/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 02.02.2022 йилдаги ПҚ-112-сон
5. <https://uza.uz/uz/posts/> Болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида-01-10-2019

**3-ШЎБА. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ЁШЛАР  
ИЖТИМОЙИ-МАЪНАВИЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ГЕНДЕР,  
ТАРИХИЙ, МЕНТАЛ, ЭТНИК, ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

---

**РОЛЬ ЖЕНСКОГО ЛИДЕРСТВА В РАЗВИТИИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ В УРАЛЬСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

*Максимова Людмила Александровна,  
кандидат педагогических наук, директор института психологии; Уральский  
государственный педагогический университет; 620017, Екатеринбург, пр.  
Космонавтов, 26; e-mail: [maximova70@mail.ru](mailto:maximova70@mail.ru)*

**Аннотация.** Статья посвящена описанию роли женского лидерства в развитии психологического образования в рамках одного из самых «молодых» подразделений Уральского государственного педагогического университета – института психологии. Автор отмечает, несмотря на тот факт, что первым деканом факультета (в дальнейшем института) психологии был мужчина, история становления института во многом связана с деятельностью женщин-лидеров.

**Ключевые слова.** Женское лидерство. Высшее образование. Преподавание психологии.

В этом году институт психологии Уральского государственного педагогического университета отмечает свой двадцатипятилетний юбилей. Несмотря на то, что инициатором создания и первым деканом факультета (в период с 1997 по 2002 год) был мужчина – кандидат психологических наук, доцент Пятинин Андрей Энгельсович, своему развитию институт во многом обязан женскому лидерству.

Наиболее значимый вклад в организацию и продвижение института психологии внесла доктор психологических наук, профессор Светлана Алиарьевна Минюрова, возглавлявшая его с 2002 по 2014 год. Благодаря ее энергии и неоспоримым лидерским качествам, институт психологии стал одним из ведущих подразделений университета, стабильно демонстрирующим высокие достижения студентов, значительные результаты научной работы, реализующим востребованные у абитуриентов направления подготовки. Под ее руководством число направлений подготовки, реализуемых институтом, возросло с одного до пяти, количество студентов увеличилось в 20 раз, конкурс на бюджетные места стал одним из самых высоких в вузе. С.А. Минюрова организовала ряд уникальных мероприятий, ставших впоследствии «фирменными» проектами института. Так с 2004 года институт психологии становится площадкой для проведения третьего (заключительного) этапа всероссийской студенческой олимпиады по педагогике и психологии. Ежегодно для участия в олимпиаде приезжают команды со всей России: от Южно-Сахалинска и Красноярска до Волгограда, Москвы и Архангельска. Во время олимпийских соревнований студенты имеют возможность продемонстрировать не только теоретические знания в области психологии и педагогики, но и продемонстрировать умения решать сложные задачи, возникающие в профессиональной деятельности педагога-психолога. Особое внимание при разработке заданий для олимпиады уделяется выявлению и развитию лидерских качеств участников. Например, одно из традиционных заданий заочного этапа предполагает разработку и реализацию собственного психолого-педагогического проекта. Анализ достижений победителей олимпиады разных лет позволяет сделать вывод о том, что компетенции, полученные ими во время выполнения заданий, позволили занимать лидирующие позиции в профессиональном сообществе.

Показателем высокого творческого и научного потенциала института психологии становится защита преподавателями института 19 докторских и кандидатских диссертаций.

Являясь ярким лидером и постоянно совершенствуясь в развитии собственных лидерских качеств, С.А. Минюровой удалось создать в институте уникальную творческую атмосферу, позволяющую каждому студенту и сотруднику выступать инициатором и организатором образовательных, научных, социально-культурных проектов. Одним из примеров может служить организованный студентами и реализуемый на протяжении многих лет проект «Студенческая кузница», когда каждый обучающийся получает возможность в атмосфере неформального общения представить сверстникам и преподавателям результаты своей научно-исследовательской работы или проектной деятельности.

В 2013 году в рамках соглашения с Восточно-Каролинским университетом (США) под руководством кандидата психологических наук, доцента кафедры социальной психологии, конфликтологии и управления Светланы Геннадьевны Крыловой стартовал проект «Глобальное лидерство», целью которого является знакомство с современными исследованиями в области лидерства и помощь студентам в формировании индивидуального лидерского стиля.

Одним из инструментов развития лидерских качеств сотрудников стало внедрение С.А. Минюровой системы менеджмента качества, основанного на сочетании принципов личного лидерства с принципом делегирования ответственности. В настоящий момент, являясь ректором университета, С.А. Минюрова инициирует и координирует участие вуза в значимых всероссийских и зарубежных проектах.

Бесценным ресурсом развития института психологии становится деятельность доктора психологических наук, профессора Наталии Николаевны Васягиной, 20 лет возглавляющей кафедру психологии образования. Благодаря ее лидерским качествам, кафедра становится инициатором инновационных процессов в вузе: разрабатываются экспериментальные образовательные программы, заключаются сетевые договоры по подготовке студентов с ведущими российскими вузами, организуются международные научные конференции и пр. В настоящий момент Наталия Николаевна является внештатным главным психологом Свердловской области, координатором внедрения в Свердловской области профессионального стандарта педагога-психолога, эффективно представляет институт в профессиональном сообществе, являясь членом федерального учебно-методического объединения «Образование и педагогические науки», входя в состав нескольких диссертационных советов по педагогической психологии.

С января 2014 года институт возглавила заведующая кафедрой социальной психологии, конфликтологии и управления, кандидат педагогических наук, доцент Людмила Александровна Максимова. Под ее руководством разрабатываются новые профессиональные образовательные программы бакалавриата и магистратуры, успешно реализуются новые проекты междисциплинарного характера. Например, институт психологии становится центром подготовки медиаторов для работы в школьных службах примирения.

В последние годы в институте психологии активно развивается научно-исследовательская работа. 90% научно-педагогических работников института принимают участие в выполнении научных грантов и государственных заданий, посвященных актуальным проблемам современности: «Реальное и виртуальное пространство мегаполиса: стресс и девиации поведения городской молодежи», «Изучение феномена несоответствия зрительного и тактильного восприятия при использовании дошкольниками информационных устройств с сенсорным экраном (технология тачскрин)», «Научно-методическое обеспечение коррекционных и профилактических программ в сфере употребления несовершеннолетними обучающимися психоактивных веществ», «Научно-методическая разработка и апробация единого комплекса методик для

оценки риска суицидального поведения обучающихся в целях организации психолого-педагогического сопровождения в образовательных организациях», «Исследование эмоционального интеллекта субъектов образовательной среды в условиях цифровизации», «Научный анализ применения единой методики социально-психологического тестирования обучающихся, направленного на раннее выявление немедицинского потребления наркотических средств и психотропных веществ, и ее доработка» и др.

Под руководством Максимовой Людмилы Александровны с 2021 года в Свердловской области внедряется Программа по развитию личностного потенциала в образовании, направленная на создание личностно-развивающей образовательной среды в школах и детских садах региона.

По инициативе Людмилы Александровны активно развивается международное сотрудничество, в том числе с вузами Средней Азии. Одним из перспективных направлений стало сотрудничество с Ферганским государственным университетом (далее ФерГУ). С 2018 года проведен ряд совместных научных и образовательных мероприятий: ежегодная конференция по проблемам психологического благополучия (2021, 2022), студенческая научно-практическая конференция (2019-2021), стажировки преподавателей (2018), визит студентов ФерГУ в институт психологии и победа в одном из туров студенческой олимпиады (2019), преподаватели института психологии регулярно приглашаются для чтения лекций студентам ФерГУ, Стоит подчеркнуть роль женщин-лидеров Ферганского государственного университета в развитии данного сотрудничества, прежде всего заведующей кафедрой психологии Исаковой Муаззам Тулкиновны

В настоящий момент институт психологии является одним из самых крупных подразделений университета, где реализуется 14 основных профессиональных образовательных программ бакалавриата и магистратуры. Анализ кадрового состава показывает, что 86 процентов преподавателей института – женщины, они занимают практически все руководящие должности: директора, заместителей директора и заведующих кафедрами. Таким образом, институт психологии представляет собой яркий пример проявления женского лидерства в высшем образовании.

## **ИСЛОМ ДИНИ МАНБАЛАРДА ГЕНДЕР ТЕНГ ЛИГИ ҒОЯСИНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ ВА БУГУНГИ КУН ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ.**

*Дилноза Охунова*  
*ФарДУ-педагогика кафедраси ўқитувчиси*  
[dilnozaoxunova1@gmail.com](mailto:dilnozaoxunova1@gmail.com)

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси қаторида МДХ давлатлари орасида биринчилардан булиб, халқаро ҳужжатларни эътироф этди ва ўз зиммасига хотин-қизларга нисбатан камситиш сиёсатини ўтказмаслик мажбуриятини олди ҳамда шу мақсадда хотин-қизлар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи тегишли қонунларини қабул қилди. Айнана жорий йилда президент Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий жамиятда аёлларга бир қатор имтиёзлар яратиш бўйича кўплаб қонун ва қарорлар имзоланди. Албатта бундай имкониятлар жамиятимизда аёллар фаоллигини оширишга, қизларни олий таълимда ўқишга нисбатан қизиқишларини янада оширади.

Олимлар аёллар масаласини жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда таҳлил қилиш натижасида кишиларнинг ижтимоий бирлиги, жамият бўлиб яшаши учун зарур бўлган оила, урф-одат, маданият, халқаро ва цивилизациялараро муносабатлар, дин, меҳнат ва жамоат ташкилотларига уюшиш катта аҳамият касб этишини илмий ифодалаганлар.

Тарихий манбалар айнан аёлни инсоният маданиятининг асосчиси деб аташади. Ҳақиқатан ҳам меҳнатнинг ибтидоий жамоа тузумида тақсимланишига қараб эркаклар ов қилувчилар, аёллар эса ҳосил йиғувчилар вазифасини бажарганлар. Фақат аёлгина ердан тўйимли ўсимлик илдизларини, инлардан майда жониворларни, ҳашоратлар личинкасини қазиб олиш билан машғул бўлган. Ривоятларда оловни кашф этганлар эркаклар тимсолида учрайди.

Ислом динивужудгакелиши арафасида дунёда икки катта давлат – Рим ва Эрон бир-бирлари билан рақобатлашар, бошқа халқ ва элатлар устидан ҳукмларини ўтказишар эди. Рим насроний давлат, Эрон эса оташпараастлар юрти эди. Бу давлатларнинг қонунчилиги бузуқ, инсон ҳақ-ҳуқуқларипоймол эди, ички низолар оқибатида кучсизланиб қолган эдилар.

Арабистон ярим ороли гоҳ у, гоҳ бу давлатнинг қўшинлари билан ҳарбий тўқнашувларга дуч келиб турарди. Ислом динининг вужудга келиши Арабистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни муолажа қилувчи бир дастур сифатида қарши олинди. Ҳаётнинг барча жабҳаларини қамровчи Ислом аёллар ҳақ- ҳуқуқларига ҳам катта эътибор берди.

*Исломда аёлнинг ҳақлари қуйидагича адо этилиши лозим деб кўрсатилган.*

**1. Аёлларга яхши муомалада бўлиш,** уларга нисбатан хушмуомала, ширинсўз, мулоғим муносабатда бўлиш, ноҳақлик ва қўполлик қилмасликни тарғиб этди.

Бу хусусда Муҳаммад Пайғамбар мўминларнинг энг тўла ишончлиси хуш хулқлисидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёлларга, завжаларига яхши муомалада бўлганларингиздир, аёллар хусусида Аллоҳдан кўркингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳдан омонат ўлароқ олгансиз, деб таъкидлаганлар.

**2. Аёлларни урмаслик.** Аёлларга муносабат тўғрисида Қуръони каримда: “Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнг (бу таъсир қилмаса) уларни ётоқларида тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса,) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқа) йўл ахтармангизлар, деб қайд қилинган.

“Нисо” оятида айтилганидек, итоатсиз аёлни тарбия ва сўнгги чора сифатида қаттиқ оғритмасдан уришга изн берилган. Лекин, маълумотларга кўра Пайғамбарнинг ўзи аёлларини урмаган ва хотин кишини урганларга ҳам қарши турган. “Не бўлди эркакларга, хотинларини кул каби урадилар, ҳолбуки, айни кун сўнгги (тун)да латифлашадилар”, деган ҳадис ҳам бу фикрнинг исботидир. Айни пайтда, аёлларга ҳам эрларига озор бермаслик амр этилган.

**3. Аёл ва болаларни ўлдирмаслик.** Маълумки, юқорида таъкидланганидек, исломга қадар айрим араб мамлакатларида оилада қиз фарзанд туғилса, фожеааломати деб қаралган, шубоис, уни тириклайин кўмишган. Бу одат ваҳшийлик ҳисобланмас, аксинча, аёлларни бундай хўрлаш одатга айланган эди. Исломда эса аёл ва болаларни ўлдириш ман этилган. Қуръони Каримда шундай дейилади: “(Эй инсонлар), болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир” (“Ал-Исро”, 31). “Ўз болаларини ақлсизлик қилиб, жоҳилона ўлдирган ва Аллоҳга тухмат қилиб улар учун Оллоҳ ризқ қилиб берган (хайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар, албатта, (ўзларига) зиён қилганлар. (Улар) ҳақиқатдан адашдилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар” (Анъом” 140).

Ислом ҳуқуқида ҳатто уруш вақтида аёл ва болаларни ўлдириш тақиқланган. Пайғамбар: **“Кимки иккита қизни вояга етгунча боқса, жаннатга мен билан бирга киради”**, деб таъкидлаганлар.

**4. Аёлларнинг илм олишлари.** Аёл ваэркак мусулмонларга илм ўрганмоқ фарздир. Қуръони Каримда фақатгина аёлларнинг ўзига хос, жисмига мувофиқ келган (масалан, авратларини тўсиш, бола эмизиш, идда муддати, талоқ тўғрисида ва ҳақозо) қолган барча оятлар эркагу аёлга тегишли ҳисобланади. Илм ҳақидаги чақириқлар ҳам шулар жумласидандир.

Исломда иймондан кейинги фарз илм олишдир. Бунинг ахамияти тўғрисида Муҳаммад пайғамбар “илмни Чингабўлса ҳамбориб, олинглар” деб таъкидлайди.

Исломда илм фикҳ, ҳадис, фароиз, тиб, ҳандаса, тарих, фалакиёт ва бошқа соҳаларга бўлинган. Мусулмонлар Қуръон ва суннатга амал қилган вақтларида уларнинг орасида илмнинг барча соҳаларида дунёга танилган алломалар етишиб чиққан. Бунга ўзимизнинг ватандошларимиз: Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Замахшарий ва бошқа кўплаб олимларнинг номларини келтириш мумкин. Ислом оламида биринчи дарсхоналар, мадраса ва масжидлар очилган.

Уни диний ва дунёвий билимлар билан бойитишга муваффақ бўлдилар. Бу диний ва бошқа билимларни таҳсил этишда аёл-эркак ажратилмаган. Чунки Исломда илм олишда аёл-эркак тенгдир. “Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”, деган ҳадис ҳам фикримизнинг тўғрилигини ифодалайди.

Ислом таълимотича, шубҳасиз, шариатнинг уч амал таянчи бор.

Булар: илм, амал, ихлос. Тўрт халифа замонлари ўтиб кетгач, Ислом давлатларида сохта дин пешволари тарафидан аёлларнинг илм олишини тақиқлайдиган уйдирма ҳадислар ҳам юзага келди. Ҳолбуки, Муҳаммад пайғамбар ва Ҳорун ар-Рашид даврларида аёллар илм таҳсилнинг чўққисида бўлганлар. Кимки “Муслима аёлларнинг илм олишини дин тақиқлаган ёки тақиқлайди” иддаосини илгари сурса, билингизки, у кимса Исломга хиёнат этган”, деган ҳадис ҳам ислом аёлларнинг илм олишини рағбатлантирувчи дин эканлигидан далолатдир.

Ислом динининг таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим камситувчи ҳолатлари ҳам мавжуд: аёллар асрлар давомида оила доираси билангина чекландилар, эрта никоҳлилик, кўпхотинлик, оилада аёлларни доимий равишда тазйиқ остида яшаши кабилар шулар жумласига киради.

Турмуш тарзи тизимида аёллар ҳуқуқларининг камситилиши амал қилган. Ўтмиш замонларда аёлларни камситиш жамият турмуш тарзи учун одатий ҳол бўлиб келган. Бундай ҳолатни баъзи ҳуқуқий одат ва нормалар орқали асослашга ҳаракат қилинган.

Бугунги кунда ҳам аёлларни камситилиши, уларнинг ҳуқуқлари паймол этилиш ҳолатлари афсуски кўплаб учраб турибди. Айнан Ислом динига эътиқод қилувчи Эрон, Афғонистон, Сурия каби мамлакатларда хатто ҳукумат томонидан аёллар эркинлиги, инсоний ҳуқуқларига зид келувчи қонунлар ҳам қабул қилинмоқда. Қўшни давлат Қозоқистонда эса қизларни “тўй учун олиб қочилиши” миллий урф-одати ҳали ҳам мавжуд бўлиб, бу урф-одат “қурбони” бўлган қизларнинг деярли етмиш фоизи ўз турмуш-тарзидан норозилиги аниқланган. Баъзида олиб қочилган қизларни олиб қочган шахс томонидан жонига қастдан суиқасд қилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Яқиндагина ижтимоий тармоқларда Қозоқистонлик қизни “тўй учун олиб қочилиб” сўнг ўлик ҳолда топилгани кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Аёллар масаласи кишилик жамияти, ижтимоий муносабатлар, миллатлар ва давлатлар, маданият ва цивилизация билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам жамият томонидан аёлларнинг ижтимоий фаоллигига эътибор бериш, улар учун кенг имкониятлар яратиш зарур.

2. Аёллар масаласини таҳлил этганда оила, урф-одат, маданият, дин аёлларнинг меҳнат қилиши, таълим олиши, жамиятни бошқаришда, сиёсий жараёнларда қатнашишини чеклаб келганлигини унутмаслик ва аёллар фаоллигини чекланишига йўл қўймаслик лозимдир.

3. Турли минтақаларда аёлларга нисбатан муносабатларнинг турли-туман бўлиши, аёл ҳуқуқларининг ҳам турли тараққиёт босқичларида турлича бўлишига олиб келди. Аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқи сифатида тан олиниб, халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи соҳа даражасига етгунча кўп асрлар давомида курашиб келинган.



4. Ислом дини мукаммал дин. Унда эркак ва аёл бир хил ҳуқуқга эгаллиги таъкидланган. Ислом динини ёшларга тўғри ўргатиш ва унга тўғри амал қилишга одатлантириш зарур.

5. Аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи бугунги кунда инсон муаммоси даражасига кўтарилди. Эндиликда халқаро майдонда жинслар ўртасидаги муносабат маданиятини юксалтирмасдан, аёлларнинг тенглигига эришиш мумкин эмас, деган янги ғоя илгари сурилди. Шундай ғоялардан бири бугендерғоясидир.

## **МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ TASHKILOTLARIDA TURLI YOSH GURUHLARIDA EKLOGIK MADANIYATNI TARBIYALASH ASOSLARI**

*Ro'zmetova Farangiz Azamat qizi UrDU*  
*“Maktabgacha ta'lim metodikasi” kafedrasi o'qituvchisi*

Jahonda inson ma'naviyatini rivojlantirish, sifatli ta'lim olish imkoniyatlarini kengaytirish, intellektual darajalariga qo'yiladigan talablarning ortib borishi, ma'naviy-axloqiy fazilatlarini taraqqiy ettirishga bo'lgan e'tiborini hisobga olgan holda respublikamizda ko'plab islohatlar amalga oshirilmoqda.

Shu jumladan bugungi kunda mamlakatimizda siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik sohalarda tub o'zgarishlar, rivojlanishlar, o'z aksini topmoqda. Bu esa soha vakillaridan kasbiy yetuklik va mahorat bilan ishlashni talab qiladi. Ayniqsa kelajagimiz tayanchi bo'lgan yosh avlod ta'lim-tarbiyasiga jiddiy e'tibor qaratishimiz darkor. Zero, yoshlar bizning ertangi kunimizni yaratib beradi. Demak biz ta'lim va madaniyat tushunchalarini bolalar ongiga yoshlikdanoq singdirishimiz darkor. Sir emaski bugungi kunda maktabgacha ta'lim tizimida qator islohatlar amalga oshirilmoqda. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarga ta'lim-tarbiya berish jarayoni “Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat standarti” va “Ilk qadam” davlato'quv dasturi asosida rejalashtiriladi. Bugungi kunda Respublikamizda maktabgacha ta'lim vazirligi tasarrufidagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarni sifatli maktab ta'limiga tayyorlashga alohida e'tibor berilmoqda. Jumladan, “Ilk qadam” davlat o'quv dasturini ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llash, davlat o'quv dasturini to'laqonli bajarilishida metodik ta'minot va metodik yordamning o'rni belgilab olindi. “Ilk qadam” davlat o'quv dasturi asosida barcha kichik, o'rta, kata va tayyorlov guruhlarida belgilab qo'yilgan mavjud markazlar hamda umumiy guruhda tashkil qilinadigan mashg'ulotlarda tarbiyachining o'rniga alohida e'tibor berilmoqda.

Ta'lim tashkilotiga ajratilgan namunaviy va ishchi o'quv dasturi tashkilot pedagoglari tomonidan ota-onalarni jalb etilgan holda tuziladigan va amaldagi qonunchilik tartibida tasdiqlanadigan qilib belgilandi. Barcha yosh guruhlarida ekologik madaniyatni shakllantirish bolalarda tabiat haqidagi bilim, idrok, ong, malaka, ko'nikmalarga ega bo'lish va uni amalda qo'llay bilish faoliyatini rivojlantirishga yordam beradi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning yoshini hisobga olgan holda “Atrof-olam bilan tanishtirish”, “Ilm-fan va tabiat” markazida faoliyatlar jarayoni amalga oshiriladi. Bu faoliyatlarning miqdori va vaqt davomiyligi “Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat standarti” da belgilab qo'yilgan. Bolalar ekologik madaniyatni nafaqat bu jarayonlarda balki, tabiatdagi kuzatuv va mehnatni tashkil qilganda, boshqa erkin faoliyatlarida, o'z uyi, o'z bog'ida ham shakllantirib olishi mumkin. Bolalarga ekologik madaniyatni shakllantirishda oila a'zolarida ta'lim beruvchi pedagog hodimlarning o'zida ekologik madaniyat shakllangan va to'liq amal qilinadigan bo'lishi kerak.

Ekologik madaniyatli inson atrof-muhitni his qilishi, unga nisbatan mehribon, ziyrak, mas'uliyatli bo'lishi hamda ekologik irodaga ega bo'lishi ya'ni shaxsning o'zi va o'zgalarning tabiatga qilgan xatti-harakatlarini to'g'ri baholay olishi, nazorat qila olishi darkor. Bunda bolalarni faqat tanqid qilmay ularga tushintirish ishlari olib boriladi, undan qat'iyatlilik, tejamkorlilik, pokiza bo'lish talab qilinadi. Bolaga uning o'zi tabiatning bir bo'laki ekanligini u ham tabiatga nisbatan g'amxo'r, sezgir, foyda keltiruvchi, mehnat qiluvchi tabiatni asrab-

avaylaguchi ekanligini anglatmoq zarur. Bolalar tabiat hodisalarni oldindan ko‘ra olishi va tabiat ne‘matlaridan oqilona foydalangan holda bu yaxshiligini javobsiz qoldirmasligi kerak.

Tabiat qonunlarining buzilishiga insonlarda ekologik bilimning yetishmasligi, tabiatning kelajakdagi ahvoli qanday bo‘lishini oldindan ko‘ra bilmasligi sabab bo‘lmoqda. Ekologik bilim tirik tabiatning tuzilishi, rivojlanishi, o‘zgarishi yer yuzidagi tirik jonzoatlarning holatini o‘rganish, tabiiy boyliklardan tejamkorlik bilan foydalanish yo‘llarini o‘zlashtirishdan iborat. Azon qatlamining yemirilishi, Orol dengizining qurishi natijasida ekologik muammolar kelib chiqmoqda. Zavod-fabrikalardan chiqayotgan zaharli gazlarning havoga ko‘tarilishi, avtomobillardan zaharli gazlarning havoga chiqishi, turli xildagi portlashlar oqibatida xlorli gazlar havoga ko‘tarilib, ozon qatlamining yemirilishiga olib kelmoqda. Havoning bunday ifloslanishi, uning tarkibidagi karbonat angidridning ko‘payishi inson salomatligiga jiddiy xavf tug‘diradi.

Odamlar daryolarni bo‘g‘ib, yo‘lini to‘sib, sun‘iy dengizlar yaratish, yerlarni o‘zlashtirish bilan shug‘ullanganlar. Bu “yutuqlar” tufayli tabiat qonunlari hamda uning murakkab va nozik muvozanati buzildi. Biroq odamlar bu ishlar turli-tuman ofatlar keltirib chiqarishi mumkinligi haqida o‘ylamadilar. Natijada o‘t-o‘lanli yaylovlar buzilib, yangi yerlar o‘zlashtirildi. Osmondan va yerdan sepiladigan zaharli kimyoviy moddalar tufayli hasharotlarni yeb o‘simliklar dunyosiga foyda keltiradigan qushlarning bir qismi qirilib ketdi. Ekologik tarbiya shaxsiy muammo deb qaralishi lozim. Ota-bobolarimiz daraxt ekishni, bog‘-rog‘ yaratishni savobli ish deb bilishgan. Bir tup mevali daraxt ekan kishining ikki dunyosi obod bo‘ladi deb bejiz aytishmagan. Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.) hadislarida bu ishning savobi xususida quyidagilar aytilgan: “Ekmoq niyatida qo‘lingizda ko‘chat turgan paytda, bexosdan qiyomat qoyim bo‘lib qolishi aniq bo‘lganda ham, ulgursangiz uni ekib qo‘ying”. Atrof-muhitning tozaligi, sofliqini ta‘minlash har birimizga bog‘liq. Ekologik tarbiyani oiladan, maktabgacha yosh davridan yosh avlodga singdirish kerak. Maktabgacha ta‘lim tashkilotining ta‘lim-tarbiya dasturida bolalarga ona-tabiatga muhabbatni, o‘simliklar, hayvonlar haqida g‘amxo‘rlik qilish ko‘nikmasini tarbiyalash, tabiat qo‘ynida o‘zini odobli tutish, o‘simliklarni o‘stirish, hayvonlarni parvarish qilish, muhofaza qilishga qiziqish uyg‘otish, daraxtlarni sindirmaslik, hayvonlarni qiynamaslik ko‘nikmalarini tarbiyalash kichik guruhdan boshlab amalga oshirilishi ko‘zda tutiladi Bolaning ekologik madaniyatini quyidagicha tarbiyalash mumkin? Maktabgacha yoshdagi bolalarning ekologik madaniyatini tarbiyalash bolaning oilasida boshlanadi. Bolalar o‘z ota-onalarining xatti-harakatlariga taqlid qilishadi. Shuning uchun ota-onalar farzandiga ekologik madaniyatning asoslarini tushuntirishlari va ularning so‘zlarini harakatlar bilan mustahkamlashlari juda muhimdir. Ota-onalarning o‘zlari kuzatmayotgan narsalarni bolaga o‘rgata bo‘lmaydi. Bolaga suv va quruqlikdagi hayotning ajoyib turlari haqida gapirib berish, hayvonot va o‘simliklar haqidagi tasvirlangan ensiklopediyalar va filmlar tomosha qildirish orqali tabiatga nisbatan mehr-muhabbatlarini uyg‘otish lozim. Bu esa bolalarda ekologik madaniyatning dastlabki ko‘rinishini shakllantirishga yordam beradi.

Maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida bolalarga ekologik tarbiya berish quyidagi usullarda olib boriladi:

1. Ko‘rgazmali (kuzatish, rasmlar ko‘rish, diafilmlar namoyish etish).

2. Amaliy (o‘yin tarzida). 3. Og‘zaki (hikoya, tushuntirib berish, badiiy asarlam o‘qib berish).

Ko‘rgazmali metod. Kuzatishlar tarbiyachi tomonidan bolalarni o‘simlik, hayvonlar, ob-havo bilan, kattalarning tabiatdagi mehnati bilan tanishtirish asosida tashkil etiladi. Kuzatishlar mashg‘ulotda, sayrda, ekskursiyada, ilm-fan va tabiat markazlarida olib boriladi. Uni bolalar amaliy faoliyat bilan qo‘shib olib borsalar yaxshi natijaga erishish mumkin. Maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida foydalaniladigan diafilmlar MTTning “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturi asosida ishlab chiqilgan. Videofilmlar tarbiyachiga dastur mazmunini ma‘lum sistema asosida bolalarga qiziqarli qilib yetkazishga yordam beradi. Maktabgacha Ta‘lim tashkilotlarida tarbiyachilarning markazdagi faoliyatlari. Mashg‘ulot va ekskursiyalar, sayrlarni tashkil qilishi ekologik ta‘limda muhim o‘rin egallaydi. Markazlardan ayniqsa ilm-fan va tabiat markazidagi

tajribalar bolalarga ekologik olamni anglashga undagi tabiatni his qilishga yordam beradi. Rolli-sujetli o'yinlar va dramalashtirish markazida esa markazni kichik o'yinchoqlar - qo'g'irchoqlar bilan kichik teatrni tashkil qilish kerak. Bolalargabiron –bir ertak yoki tabiat haqidagi o'yinni sahnalashtirish orqali shu o'yin yoki ertak qahramonlariga tabiatga qanday munosabatda bo'lish haqida gapirib berish kerak. Tarbiyachi qahramonlari bilan bahslashish, hazil qilish va kulib bolalar bilan rolga kirishishi kerak.

Demak maktabgacha yoshdagi bolalarda ekologik madaniyatning xilma-xilligi va shakllari ko'p. Bu tarbiyachining ijodkorligi va kreativligi o'zxohishi va tasavvuriga bog'liq. Demak ekologik ta'lim va madaniyatni bolalarga yoshlikdanoq shakllantirish ayniqsa Maktabgacha ta'lim Tashkilotida tarbiyalab borish zarurligini har biro ta-ona va tarbiyachi-pedagoglar bilishi, amal qilishi lozim.

#### **Adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Ta'lim to'g'risidagi qonuni. 23.09.2020. O'RQ-637- son
2. Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat standarti. Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 22-dekabrda 802-son qaroriga ilova
3. Birlashgan Millatlar Tashkiloti Ozbekistonga tegishli ikkinchi atrof-muxit holati sharxining 29-seriyasi 2010.

### **YUKSAK MANAVIYATLIYOSHLARNI TARBIYALASHDA TOXIR MALIKASARLARINING AHAMIYATI**

*Dautova Bekposhsha Ergashevna UrDU*  
*“Maktabgacha ta'lim metodikasi” kafedrasi o'qituvchisi*

*Bolani tergab-nazorat qilish ota-ona yuzining yorug'ligini ta'minlaydi. Tarbiyadan tashqaridagi bola bebosh va yaramaslik sari og'adi. Erka bo'lib o'sgan o'g'il-qizlar xatti-harakati ota-onaga mung va alam keltiradi. Shu bois ham Abdulla Avloniy ta'kid etganlaridek: «tarbiya bizlar uchun yo hayot - yo mamot, yo najot - yo halokat, yo saodat - yo falokat masalasidir» deyilmish fikrni barchamiz birdek shior sifatida qabul qilmog'imiz lozim bo'ladi.*

**Toxir Malik**

Tarbiya — shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma'naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik jarayon; insonning jamiyatda yashashi uchun zarur bo'lgan xususiyatlarga ega bo'lishini ta'minlash yo'lida ko'riladigan chora tadbirlar yigindisi. Tarbiya insonning insonligini ta'minlaydigan eng qad. va abadiy qadriyatdir. Tarbiyasiz alohida odam ham, kishilik jamiyati ham mavjud bo'la olmaydi. Chunki odam va jamiyatning mavjudligini ta'minlaydigan qadriyatlar tarbiya tufayligina bir avloddan boshqasiga o'tadi.

Pedagogik adabiyotlarda " Tarbiya" atamasi keng va tor ma'nolarda ishlatiladi. Keng ma'noda Tarbiya inson shaxsini shakllantirishga, uning jamiyat ishlab chiqarishi va ijtimoiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol ishtirokini ta'minlashga karatilgan barcha ta'sirlar, tadbirlar, harakatlar, intilishlar yigindisini anglatadi. Bunday tushunishda Tarbiya faqat oila, maktab, bolalar va yoshlar tashkilotlarida olib boriladigan tarbiyaviy ishlarni emas, balki butun ijtimoiy tuzum, uning yetakchi goyalari, adabiyot, san'at, kino, radio, televideniye va boshqalarni ham o'z ichiga oladi. Shuningdek, keng ma'nodagi tarbiya tushunchasi ichiga ta'lim va ma'lumot olish ham kiradi.

#### **Toxir Malik hayoti va asarlari, yoshlar tarbiyasi — jamiyatdagi muhim masala**

1946-yilning 27-dekabrda Toshkent shahrida ziyoli oilasida dunyoga kelgan. Toshkent Davlat Universiteti (hozirgi O'zbekiston Milliy Universiteti)ning jurnalistika fakulteti kechki bo'limida o'qib, kunduzi qurilish ishlarida qatnashgan. 1966-yildan beri O'zbekiston radiosida, gazeta va jurnallar tahririyatida, O'zbekiston yozuvchilar uyushmasida, nashriyotlarda faoliyat yuritgan. Hozirgi kunda „Sharq“ NMAK Bosh tahririyatida muharrir.

Barcha tengdoshlari singari u ham urushdan keyingi turmush qiyinchiliklarini boshidan kechirgan. Oilada besh farzand bo‘lib Tohir Malik eng kenja farzand bo‘lgan. Tohir maktabga bormay turiboq, dars tayyorlab o‘tirgan akalari va opalari yonida savodni o‘zlashtirgan. Ukasining kitobga bo‘lgan ixlosini sezgan akalari unga — “*Mard yigit*” ertaklar to‘plamini sovg‘a qilishadi va ushbu kitobni hozirga qadar e‘zozlab saqlashini aytgan. Taniqli o‘zbek adibi va tarjimoni Mirzakalon Ismoiliy Tohir Malikning tog‘asi bo‘lib, uni 1949-yilda “*xalq dushmani*” degan tuhmat bilan qamoqqa olishadi. Bu haqida adibning o‘zi ushbu so‘zlarni aytgan.

Darhaqiqat, inson hayoti bir necha bosqichlarga bo‘linadi. Bu bosqichlar ichida umrning yoshlik bosqichi alohida ahamiyatga egadir. Yoshlik insonning eng nozik davri hisoblanib, insonning quvvatga to‘lgan va harakatchanligi ziyoda bo‘lgan vaqtdir. Shu bilan birga bu davr insonning hayot yo‘llarining chorrahasida turgan payti hamdir. Agar, o‘sha chorrahada yaxshi yo‘lga kirib olinsa, o‘zi, oilasi, xalqi, vatani uchun juda katta yaxshilik sari yuzlangan bo‘ladi. Agar, Alloh taolo ko‘rsatmasin, mazkur chorrahada yomon yo‘lga burilib ketsa, o‘zi, oilasi, xalqi, vatani uchun ko‘ngilsiz hodisalar sari qadam qo‘ygan bo‘ladi. Yoshlar har bir millatning kelajagidir. Bu esa yoshlarga jiddiy ahamiyat berilishi lozimligini bildiradi. Har bir shaxsning kim bo‘lishligi yoshlik paytidan bilina boshlaydi. Yoshlik paytida shakllanib qolgan sifatlar insonga butun umri davomida hamroh bo‘ladi. Shuning uchun jamiyatda yoshlarning odobli, aqlli, halol, tarbiyali inson bo‘lishlari uchun harakat qilinadi.

O‘zbek adabiyotida Tohir Malik o‘zining «Somon yo‘li elchilari», «Zaharli g‘ubor», «Chorrahada qolgan odamlar», «Falak» va boshqa fantastik, «Charxpalak», «Bir ko‘cha, bir kecha», «So‘nggi o‘q», «Shaytanat» singari detektiv asarlari bilan tanilgan va kitobxonlarning sevimli yozuvchisiga aylangan ijodkordir. Bir qator hukumat nishonlari va mukofotlari bilan taqdirlangan, O‘zbekiston xalq yozuvchisi Tohir Malik 1946-yil dekabrda Toshkentda ziyoli oilada dunyoga keldi. Barcha tengdoshlari singari u ham urushdan keyingi turmush qiyinchiliklarini boshidan kechirdi. Oiladagi besh farzandning kenjasi bo‘lgan Tohir maktabga bormay turiboq savodini chiqardi. Uning kitobga ixlosini sezgan akasi birinchi sinfga borgan ukasiga hozirga qadar e‘zozlab saqlayotgani — «Mard yigit» ertaklar to‘plamini sovg‘a qildi.

Tohir Malik o‘zining barakali ijodi va ibratga to‘la hayotini o‘sib kelayotgan yosh avlod ta‘lim-tarbiyasi, ularning ma‘naviy-axloqiy kamolotiga bag‘ishladi. Uning asarlarida odob-axloq, mehr-oqibat va odamiylik fazilatlarini targ‘ib qilgan. Yozuvchi ijodidagi g‘oyalar kitobxonni jamiyat illatlaridan ogoh bo‘lishga, inson ruhiyatidagi ba‘zi qusurlardan xalos bo‘lishga chorlaydi.

«Alvido, bolalik» asari Tohir Malik ijodida alohida o‘rin tutadi. Asardagi asosiy mavzu hech kim jinoyatchi bo‘lib tug‘ilmaydi, bolani atrof-muhit, jamiyatdagi turli illatlar jinoyatchiga aylantiradi. Bu haqda adibning o‘zi shunday deydi: «Men o‘smirlar va yoshlarning jinoyat ko‘chasiga kirib qolayotganligiga befarq qarab turolmayman. Bolalar axloq tuzatish koloniyalariga har borga-nimda yuragim eziladi. Ozod, erkin yashab, o‘qib, hunar o‘rganadigan bolalar bu yerga qanday tushib qoldilar?! Nahot jinoyat olami ularga jozibali ko‘rinsa?! Men jinoyat olamini «Shaytanat», ya‘ni shaytonlar o‘tovidagi zulmkorlar mamlakati deb atab, «Ehtiyot bo‘ling, jigarlarim, bu ko‘chaga yaqin yo‘lamang. Boshi berk bu ko‘chaning adog‘ida faqatgina azobli, xorli o‘lim topasiz», demoq niyatida yozdim. Yozganlarimni ogohlantirish deb qabul qilishlarini istardim», deydi.

Yozuvchi “Odamiylik mulki” asarida shunday fikrlarni keltiradi “Abdurauf Fitrat hazratlarining bizga bir oz keskinroq, hatto qo‘polroq tuyulishi mumkin bo‘lgan bayonlari bor. Birga o‘qiylik: «...ko‘raylik-chi, biz musulmonlar, xususan turkistonliklar, o‘z farzandlarimizga tarbiya beryapmizmi yoki yo‘qmi? Savolning oxiridagi so‘z bunga javob bo‘la oladi, ya‘ni «yo‘q!» Men buni shunday isbot qilaman: biz, turkistonliklar bolalarimizdan ko‘ra mollarimizga yaxshiroq qaraymiz. Eshak va qo‘ylarimizni farzandlarimizdan ham ko‘proq yaxshi ko‘ramiz, deb aytmayapman. Yo‘q-yo‘q, bolalarimiz jonimizdan ham aziz. Ular nazarimizda hammadan suyukli va ardoqli. Lekin baxtimizga qarshi shuni e‘tirof qilish lozimki, shuncha muhabbat va mehrga qaramasdan, eshak va qo‘ylarimizdan kamroq tarbiyalaymiz! Mening bu so‘zlarimdan

hayron bo‘lmang, sabr qiling, da’vomni isbotlayman. Falon narsani tarbiyalash, ya’ni uni asta-sekin kamolga yetishtirishdir. Nazarimizda qo‘yning kamoli uning semizligi va sog‘lomligidadir. Eshakning kamoli uning kuchi, oyoqlarining baquvvatligi va yaxshi yurishidadir. Faraz qiling, qo‘zi yoki ho‘tik sotib olib uyga keltirasiz. Diqqat bilan ularga qarab, bir muddatdan keyin qo‘yni semirtirib, eshakni baquvvat va yo‘rg‘a qilasiz, ya’ni ularni tarbiyalab, kamolga yetishtirasiz. Ammo aziz farzandlaringizga shunday diqqat bilan tarbiya bermaysiz. Bahona qilasizki, bolangiz ham kamolga yetishgan. E’tiroz bildirishingiz mumkinki, biz mollarimizni boqishga qancha urinsak, farzandimiz tarbiyasiga ulardan yuz barobar ko‘proq harakat qilamiz.”

Xulosa o‘rnida shuni aytamizki Toxir Malik asarlarida yoshlar manaviyatini to‘g‘ri shakllantirish ularni to‘g‘ri yo‘lga boshlash, yoshlarga diniy bilimlarni berish, xalol va xarom o‘rtasidagi farqlar haqida chuqur falsafiy fikrlar bayoni berilgan , Toxir Malik asarlari hozirgi kunda globallashuv davrda , g‘arb madaniyatini internet orqali yoshlar ongiga singib borayotgan bir davrdayoshlarni manaviy qiyofasini shakllantirishda muhim qo‘llanma hisoblanadi .

### **Foydalanilgan adabiyotlar :**

“Toxir Malik” “Odamiylik mulki”, Toxir Malik номидагинашриётуйи,  
Toxir Malik, ”Halol nimayu Harom nima” , Yangi Asr Avlodi 2014  
[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)  
[www.vikipediya.org](http://www.vikipediya.org).  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).

## **MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING MATEMATIK RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI**

*Madirimova Momajon Raximboyevna*  
*Urganch davlat universiteti o‘qituvchisi*  
[momajonmadirimova@gmail.com](mailto:momajonmadirimova@gmail.com)

Maktabgacha ta’lim tashkilotida matematik tasavvurlarni shakllantirish nazariyasi va texnologiyalari fanining predmeti quyidagilardan iborat:

1. Matematika o‘qitishda ko‘zda tutilgan maqsadlarni asoslash (nima uchun o‘qitiladi va qanday o‘rgatiladi?).

2. MTTda matematik tasavvurlarni shakllantirishni o‘rgatish mazmunini ilmiy ishlab chiqish (nimani o‘rgatish kerak?), bolalarga bilimlar qanday berilsa, bu bilimlar fan, texnika va madaniyatning hozirgi zamon rivojlanishi talablariga mos keladigan bo‘ladi?

3. Matematik tasavvurlarni shakllantirish metodlarini ilmiy ishlab chiqish (qanday o‘qitish kerak?), ya’ni bolalar hozirgi kunda zarur bo‘lgan bilimlarni, malakalarni, ko‘nikmalarni va aqliy faoliyat, qobiliyatlarni egallab oladigan bo‘lishlari uchun o‘quv ishlari metodikasi qanday bo‘lishi kerak? Matematik bilimlarni egallash jarayonida bolalar shaxsining shakllanishi va garmonik rivojlanishini amalga oshirish uchun qanday o‘qitish kerak?

4. Matematik tasavvurlarni shakllantirish vositalari: darsliklar, didaktik materiallar, ko‘rsatma qo‘llanmalar va texnik vositalarni ishlab chiqish (nima yordamida o‘qitish kerak?).

5. Ta’limni tashkil qilishni ilmiy ishlab chiqish (darsni va ta’limning faoliyatdan tashqari shakllarini qanday o‘tkazish kerak?)

6. Ta’limiy faoliyat ishlarini qanday tashkiliy metodlarda o‘tkazish kerak? Ta’limiy faoliyatlar jarayonidagi ta’limiy va tarbiyaviy masalalarni qanday qilib samaraliroq hal qilish kerak?).

7. Kichkintoylarga bilim berish maqsadlari, metodlari, vositalari va shakllari metodik tizimning asosiy komponentlaridir.

Fan bo‘yicha talabalarning bilim, ko‘nikma va malakasiga qo‘yiladigan talablar.

Matematik tasavvurlarni shakllantirish nazariyasi va texnologiyalari o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar borasida bakalavr:

- Matematika tushunchalari umumiyligi haqida;
- Matematik modellashtirish haqida tasavvurga ega bo'lishi;
- Maktabgacha ta'limda matematik tasavvurlarni shakllantirish;
- Matematik o'yinlar turlari;
- O'yinlarni tashkil qilish, ularni qo'llash vositalarini bilish va ulardan foydalana olishi;
- Miqdoriy munosabatlarni mustahkamlashga doir o'yinlar;
- Predmetlar miqdori haqidagi tushunchalarni aniqlashtirishga doir o'yinlar;
- Geometrik shakllar haqidagi tasavvurlarni kengaytirish;
- Fazoda yo'nalish olishni takomillashtirishga doir o'yinlar;
- Vaqt tasavvurlarni mustahkamlashga doir o'yinlarni tashkil etish va o'tkazish ko'nikmalariga ega bo'lishi kerak.

Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim va tarbiya berishning asosiy vazifalari bolalarni jismoniy, aqliy va ma'naviy jihatdan rivojlantirishda ularning tug'ma iqtidori, qiziqishi, ehtiyoji va imkoniyatlarini hisobga olgan holda, milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida muntazam ta'lim olishga tayyorlashdan iborat.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga ta'lim berish jarayonini rivojlantirishning asosiy vazifalaridan biri bo'lajak tarbiyachining ilmiy va uslubiy ta'minlanganligi, uning kasbiy tayyorgarligini oshirishdan iborat. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda miqdor va sanoq, buyumlarning kattaligi va shakli, geometrik figuralar, fazoda mo'ljal olish, vaqt bo'yicha tasavvurlarni shakllantirish uchun bir xil harakat usullarini har xil vaziyatlarda va turli ko'rgazmali materiallar bilan ko'p martalab aytib ko'rsatish ularni bolalar o'zlashtirishlariga imkon beradi.

Matematik bilimlar bolalarga, ular nimani bilib olganliklari va nimaning uddasidan chiqa olishlarini hisobga olgan holda, aniq tizim va izchillikda beriladi. Bolalarning matematik tushunchalarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishi, ularning idrokini ya'ni sensor tuyg'ularini o'stirish bilan bevosita bog'liqdir. Shu munosabat bilan bolada maktabga borish davrigacha matematik tasavvurlarni shakllantirish uchun maktabgacha ta'lim tashkilotlarida barcha o'quv-tarbiya ishlari bir-biri bilan uzviy bog'liq ravishda ish olib boriladi. Fan-texnika nihoyatda jadal rivojlanayotgan bugungi kunda tarbiyalanuvchilarning turli sohalaridagi tajribalarni sodda holda o'rganishi va ulardan amaliyotda foydalana olishi uchun ularning maktabgacha yoshdan kerakli va zarur bilimlarni egallashlariga jiddiy e'tibor berishimiz lozim.

#### **Ilk sodda matematik tasavvurlarni shakllantirish natijasida bolalarda:**

➤ geometrik shakllar va predmetlarning shakli borasidagi tasavvurlar shakllantiriladi; fazoviy munosabatlarni tushunish va fazoda mo'ljal olish ko'nikmasi hosil qilinadi; vaqt bo'yicha tasavvurlar shakllantiriladi; miqdor (kattalik) haqida tasavvurlar va ko'nikmalar hosil qilinadi; son va sanoq haqida ma'lumotlar berilib, birinchi va ikkinchi o'nlik ichida miqdoriy munosabatlar haqida tushunchalar hosil qilinadi.

Ta'limiy faoliyatlar mavzusi, maqsad-vazifalari, kutilayotgan natijalar, kerakli jihozlar, ta'limiy faoliyatning borishi to'liq va aniq yoziladi. Ta'limiy faoliyatlar davomida mavzular kichikintoylarga sodda holda tushuntirilib, amaliy ishlar va turli interfaol, didaktik o'yinlar yordamida mustahkamlanadi. Har bir ta'limiy faoliyatning oxirida bolalarning bilimlarini aniqlash va mustahkamlash uchun o'rgatilgan ma'lumotlar bo'yicha savollar beriladi.

#### **Maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik rivojlanishning metodologik, psixofiziologik va psixologik-pedagogik asoslari, o'qitish usullari va vositalari.**

Maktabgacha yoshdagi bolalarni matematik tasavvurlarini rivojlantirishning metodologik jihatlarini quyidagi tamoyillar asosida o'rganish maqsadga muvofiqdir:

**1. Ilmiylik tamoyili.** Bu tamoyil maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o'rganiladigan ma'lumotlarni ular fanda qanday yoritiladigan bo'lsa, shunga moslab yoritishni talab qiladi, ya'ni biz ilmiylik to'g'risida gapirar ekanmiz, birinchi navbatda, berilayotgan bilim mazmuni ilmiylik asosida tuzilgan bo'lishiga e'tibor qaratishimiz kerak.

**2. Nazariya va amaliyotning birligi tamoyili.** Bu tamoyil berilgan nazariy bilimlarning hayotda, amaliyotda qo'llanishini butun choralar bilan kengaytira borishni talab qiladi. Matematik nazariyadan bevosita har xil misol va masalalarni yechishga o'tish yo'li bilan bu tamoyil keng suratda olib boriladi. Haqiqatan ham yosh bolalarga har kuni ko'zi bilan ko'rib turgan xonada, ko'chada, uydagi o'zi biladigan narsalar bilan bog'langan holda faoliyat olib borish lozim, chunki bu bolalarning tez tushinib olishiga, o'zlashtirishiga yordam beradi.

**3. Ko'rsatmalilik tamoyili.** Bu tamoyil bolalar tafakkurining aniqlikdan mavhumlikdan aniqlikka qarab rivojlanish xususiyatlariga bog'liqdir. Matematikani o'qitishdan asosiy maqsad – mantiqiy tafakkurni rivojlantirishdan iboratdir; biroq matematikani o'qitish aniq dalillardan ajralmasligi, aksincha, har qanday masalani o'rganishi shu aniq dalillarni tekshirishdan boshlash kerak.

Ko'rgazmalilik o'quv materialini o'zlashtirishni osonlashtiradi va bilimning mustahkam bo'lishiga yordam beradi. Masalan, oval haqida gapirganimizda bolaning har biriga ovallardan berib qo'yib bolalar ikki qo'llari orasida ushlab ko'rishlari kerak. Uning qanday ekanini, tekis ekanini bolalarga barmoqlar yordamida chegaralab ko'rsatish eslarida yaxshiroq qolishiga yordam beradi.

**4. Bilimlarni o'zlashtirishda sistemalilik, ketma-ketlik va mustahkamlik tamoyili.** Matematikada ma'lumotni sistemali bayon etishning ahamiyati juda katta, chunki bunda ayrim faktlar orasidagi mantiqiy bog'lanishlar g'oyat muhimdir. Kichkintoylarga berilayotgan bilim parcha-parcha bo'lib qolmay, bir-biri bilan bog'langan holda oson mashqlardan boshlanib asta-sekin murakkablashtirib borilishi lozim. Puxta o'zlashtirish bu fanda katta ahamiyatga egadir. Matematikada miqdor va sanoq, kattalik, geometrik figuralar, fazoda mo'ljal olish, vaqtni chamalash malakalarini puxta egallashning ham ahamiyati juda katta. Matematikada dasturning biror qismini yaxshi o'zlashtirmasdan va malakani yaxshi mustahkamlamasdan turib, muvaffaqiyat bilan oldinga qarab borish mumkin emas.

**5. Individual yondashish tamoyili.** Bu tamoyil bolalarning yosh xususiyatlarini, ya'ni qobiliyatlarini, psixologiyasini hisobga olish kerak, degan talablardan kelib chiqadi va bular matematikani o'qitish davrida amalga oshirilishi shart.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiyani pedagog-tarbiyachi amalga oshiradi. U pedagogik jarayonda markaziy o'rinni egallaydi. Shuning uchun tarbiyachi o'z sohasini chuqur bilishi, har xil metodik vositalarni yaxshi egallagan, puxta pedagogik-psixologik tayyorgarlikka ega bo'lishi kerak.

#### **Adabiyotlar.**

1. Djanpeisova G.E, Xodjimuratova B.N. Matematik tasavvurlarini shakllantirish. T.: "Innovasiya-Ziyo", 2020.
2. Xasanboyeva.O.U. va boshqalar. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi".T.
3. Bikbayeva N.U. Ibragimova Z.I. Kosimova X.I. «Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish» T. «O'qituvchi», 1995y.
4. O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari. T.: BMT Bolalar jamg'armasi(YUNISEF), 2018.

### **PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ADABIYOTLARDA MATEMATIK TASAVURLARNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI**

*Omonov Sherzod. UrDU.*

*"Maktabgacha ta'lim metodikasi " kafedrasi o'qituvchisi*

Bolalarga matematikadan ta'lim berish va maktabgacha ta'limdagi o'quv- tarbiya jarayonini takomillashtirishning maqsadlaridan biri - bu bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirishdir. Bolalar matematik tushunchalarini rivojlantirish uchun pedagogika, falsafa, mantiq, psixologiya va boshqa bir qator fundamental fanlarda o'rganiladigan xususiyatlar va

qonuniyatlarni bilish kerak. Bolalardagi matematik bilim hayotdan ajralmagan holda dunyoni chuqurroq o'rganishga imkon yaratadi. Bunda bolalarda matematik tushunchalardan oldin mavjud bo'lgan g'oya katta ahamiyatga egadir. Har bir yangilikdan oldin g'oya paydo bo'ladi, keyin shu yangilik ham kelib chiqqan natijalarni isbotlash uchun umumiy uslubni anglashga va shu natijani umumiy ifodalashga harakat qiladi. Matematik masalalarni yechish jarayoni o'zining mohiyati bo'yicha mustaqil fikrlashni talab qiladi. Matematik tushunchalarni rivojlantirish darajasi turli insonlarda turlicha bo'ladi. Uning shakllanishi doimiy mashq qilishni talab qiladi. Bu mashqlar oila va maktabgacha ta'limdan boshlanadi. Har bir mustaqil yechilgan masala, tuzilgan masala va masalani yechish jarayonida uchragan qiyinchiliklarni mustaqil yengishida matonat shakllanadi, ijodiy qobiliyatlar rivojlanadi.

Ruxshunoslarning fikriga qaraganda, matematik tushunchalarni shakllantirish muammosi murakkab va serqirralidir. O'zining mohiyati bo'yicha har bir fikr ijodiy, past yoki yuqori darajaning maxsulidir. Har bir fikr - izlanish va yangilikni yaratish hamda uni ommalashtirishga qaratilgan mustaqil harakatdan iborat.

S.L.Rubinshteynning diqqat markazida, inson faoliyati jarayonida faqatgina o'ziga xos bo'lgan shaxs sifatida o'zining xususiyatlarini namoyon etib qolmay, balki undagi ruhiyatning shakllanishi ob'ekt bo'lib aniqlanadi, degan mazmun turadi. "Faoliyat", "harakat" tushunchalarining fundamental psixologik tushunchalari A.N.Leontev ishlarida yoritilgan. Faoliyat - sub'ektning bir-biriga bog'langan realligining o'zaro ta'sir ko'rsatishi deb bilgan A.N.Leontev, reallikning bola ongida aks ettirilishi - "ta'sir"ning natijasi bo'lmay, o'zaro ta'sir, ya'ni bir-biriga duch kelgan jarayonlarning natijasidir, deb hisoblaydi.

A.N.Leontev va S.L.Rubinshteynning o'qitish amaliyotidagi xulosalariga qaraganda, matematik tushunchalarni shakllantirishda faoliyat shakllarining ishlanmasi va ishlatilishi hamda ta'limdagi faoliyat tamoyillarining bir-biriga ketma-ket o'tkazilishi eng foydali va natijali yo'nalishdir. Matematik tushunchalarni rivojlantirishda bo'lgan barcha izlanishlar ikki asosiy yo'nalishda olib borilmoqda.

Birinchi yo'nalishda matematik tushunchalarning o'ziga xos xususiyatlari ta'riflanadi. Shu nuqtai nazardan muammolarni o'rganishga ko'p olimlarning ishlari bag'ishlangan. Ularda bir necha g'oyalar aniq aks ettirilgan:

a) g'oyalardan biri - bolalarning amaliy faoliyati bajarilishidagi ayrim belgilar ularning har xil birikmalarini ajratib ko'rsatmoqda, ya'ni amaliy masalalarni mustaqil ravishda tuzmoq, bajarish, ijodiy harakterdagi masalalarni yechish, aniq va yashirin jarayonlarning funksional bog'lanishini tushungan holda bajarish va hokazo;

b) izlanishlarning ikkinchi guruhi matematik tushunchalarni shakllantirishning xususiyatlarini bilim boyligi va uni o'zlashtirish darajasi orqali izohlashni o'z ichiga oladi;

d) uchinchi - matematik tushunchalarni shakllantirishning asosini tarbiyachilarning turli xil (masalan, tushunchalar yigindisini: qo'shmoq, mulohaza qilmoq, mantiqiy bog'lanishni aniqlamoq, bilmoq) masalalarni yechishda namoyon bo'lgan umumiy qobiliyatlari bilan bog'laydi.

Ikkinchi yo'nalishdagi izlanishlar matematik tushunchalarni shakllantirishning mexanizmi, o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish va tushuntirishga bag'ishlangan. Bunda matematik tushunchalarni shakllantirishni shaxs xususiyatlari (kasbga bo'lgan qiziqish, shaxs uchun ijodiy fikrlashning ahamiyati, shaxsning yoshiga xos bo'lgan xususiyatlar) bilan bog'lashga harakat qilingan. Bolada matematik tushunchalar shakllangan hisoblanadi. Agar masalani yechishdagi yangilikni, masalani qiziqarli yechish uslubini, doim qo'llab kelgan standart uslublaridan voz kechib, masalaning yangi yechimlarini, muammoning asosiy bog'lanish mohiyatini anglash va uni yechish uchun turli usullarni topish, amaliy masalalarni yechish muammolaridan chiqish, oldindan aytib berish qobiliyatlariga ega bo'lsa, matematik tushunchalar rivojlangan hisoblanadi.

L.S.Vigotskiy fikrlashning rivojlantirish muammosini o'rganib, dastlab matematik tushunchalarni shakllantirishni ilgari suradi. Bunda u bolalarda matematik tushunchalarni shakllantirish uchun eng qulay sharoitlarni topish lozimligini taqidlaydi.



L.S.Vigotskiyning fikri bo'yicha, bolaning tasavvuri rivojlanishi bilimlarni o'zlashtirish jarayonisiz o'tmaydi, faqatgina o'quv axborotlarining to'plami (bilim, bilish) fikrlashni harakatlantiradi, bolalarning fikrini rivojlantiradi. O'z navbatida matematik tasavvurning hosil bo'lishi bilim va bilishni o'zlashtirish yuqori darajada bo'lishiga dastlabki shart hisoblanadi. O'qitish jarayonida tasavvurni hosil qildirish jarayonini ko'zda tutish muhimdir, ya'ni tarbiyachilarning egallagan matematik tushunchalarni rivojlanish darajasini e'tiborga olish va ularni keyingi yengilroq maydonga siljitish kerak. Ushbu maydonni aniqlash uchun L. S. Vigotskiy ikki ko'rsatkichdan foydalanishni tavsiya etadi:

- 1)bolaning yangi bilimlarni kattalar yordamida egallashi;
- 2)boladagi o'zlashtirilgan bilimlarni masalalarni mustaqil yechishda qo'llash, tatbik etish qobiliyati.

L.S.Vigotskiyning takliflarini amaliyotda qo'llaganda:

- a)bolalarga masalani yechilishini ko'rsatib, xuddi shunga o'xshash masalani o'zlariga yechish uchun beradi;

- b)tarbiyachi boshlab qo'ygan masalani bolaning yechib tugatishini tavsiya etadi;

- d)murakkabroq masalalarni yechishni bolaga tavsiya etadi;

- e)masalaning yechilish prinsipini tushuntiradi, yordamchi savollar beradi, muammolar qo'yadi, masalani qismlarga bo'ladi va hokazo.

Xulosa qilib aytganda, masalani yechish jarayonida tasavvurni hosil qildirish jarayonini aniqlash uchun tavsiya etilayotgan usullardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi, deb hisoblaymiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Djanpeisova G.E, Xodjimuratova B.N.Matematik tasavvurlarini shakllantirish. T.: "Innovasiya-Ziyo",2020.

2. Xasanboyeva.O.U. va boshqalar. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi".T.

3. Bikbayeva N.U. Ibragimova Z.I. Kosimova X.I. «Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish» T. «O'qituvchi» ,1995y.

### **MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI MATEMATIK TA'LIMIDA STEAM-TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH**

*Yuldashev Sanjar, UrDU.*

*"Maktabgacha ta'lim metodikasi " kafedrasi o'qituvchisi*

STEAM bu — S — science, T — technology, E — engineering, A — art va M — math, ingliz tilida bu shunday bo'ladi. O'zbekchada esa: tabiiy fanlar, texnologiya, muhandislik, san'at va matematika. STEAM ta'limi yo'nalishi va amaliy yondashuvni qo'llash, shuningdek, barcha beshta sohani yagona ta'lim tizimiga integratsiyalashuviga asoslangan.

STEAM yondashuvi o'quv samaradorligiga qanday ta'sir qiladi? Uning asosiy g'oyasi shundan iboratki, amaliyot nazariy bilimlar singari muhimdir. Ya'ni, o'rganish paytida biz nafaqat miyamiz bilan, balki qo'limiz bilan ham ishlashimiz kerak. STEAM yondashuvining asosiy farqi shundaki, bolalar turli xil mavzularni muvaffaqiyatli o'rganish uchun ham miyani, ham qo'llarini ishlatadilar. Ular olgan bilimlarni o'zlari «uqib oladilar». STEAM ta'limi nafaqat o'qitish usuli, balki fikrlash tarzidir.

STEAM ta'lim muhitida bolalar bilimga ega bo'ladilar va darhol undan foydalanishni o'rganadilar. Shuning uchun, ular o'sib ulg'ayganlarida va hayotiy muammolarga duch kelganda, atrof muhitning ifloslanishi yoki global iqlim o'zgarishi bo'ladimi, bunday murakkab masalalarni faqat turli sohalardagi bilimlarga tayanib va birgalikda ishlash orqali hal qilish mumkinligini tushunadilar. Bu yerda faqat bitta mavzu bo'yicha bilimga tayanish etarli emas.

Agar biz an'anaviy ta'limning asosiy maqsadi bilimlarni o'rgatish va bu bilimlardan fikrlash va ijod qilish uchun foydalanish deb aytsak, STEAM yondashuvi bizni olgan bilimlarni

haqiqiy ko'nikmalar bilan birlashtirishga o'rgatadi. Bu bolalarga nafaqat ba'zi bir g'oyalarga ega bo'lish, balki ularni amalda qo'llash va amalga oshirish imkoniyatini beradi.

STEAM yondashuvi dastlab AQShda ishlab chiqilgan. Ba'zi maktablar o'zlarining bitiruvchilarining karyeralarini rivojlantirishga e'tibor berishdi va fan, texnologiya, muhandislik va matematika kabi fanlarni birlashtirishga qaror qilishdi, ya'ni STEM ni tashkil etildi. (Tabiiy fanlar, texnika, muhandislik va matematika). Keyinchalik unga Art (san'at) qo'shildi va STEAM tashkil etildi. STEAM yondashuvining eng mashhur namunasi Massachusetts Texnologiyalar Instituti (MIT)da ishlab chiqilgan. Bu mashhur universitetining shiori "Mind and hand" – "Aql va qo'l" dir. Massachusetts Texnologiya instituti STEAM kurslarini ishlab chiqdi va hatto ba'zi o'quv yurtlarida STEAM ta'lim markazlari yaratildi. STEAM o'quvchilarda quyidagi muhim xususiyatlar va ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi:

Muammoni keng qamrovli tushunish; Ijodiy fikrlash; Muhandislik yondashuvi;

Tanqidiy fikrlash; Ilmiy metodlarni tushunish va qo'llash; Dizayn asoslarini tushunish.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, bolalar matematika fanini o'rgana boshlaganlarida darsda o'rgatiladigan dastlabki mavzularga qiziqish ko'rsatadilar, tarbiyachining savollarini muhokama qilishda faol ishtirok etishadi. Biroq, vaqt o'tgan sari matematikaga hali ham ishtiyoqli bo'lgan 1-2 gina o'quvchi qoladi. Tarbiyachilarning ish uslublarining bir xilligi bolalar orasida qiziqishning pasayishiga olib keladi.

### **Lego qurilishi- eng biri zamonaviy tendensiyalar bolalarning rivojlanishi.**

LEGO bolalarga o'yin orqali o'rganish imkonini beradi. Eng muhimi, bolalarga imkoniyat berishdir. Yangi narsalarni o'rganish natijasida bolalar sodir bo'layotgan narsalarga o'z munosabatini bildirishni o'rganadilar. Ta'lim faoliyati davomida bolalar quruvchi, me'mor va ijodkor bo'lib o'ynab, o'z g'oyalarini o'ylab topadilar va amalga oshiradilar. Faoliyat jarayonida turli xil vazifalar hal qilinadi.

Sayohat paytida bolalar do'stlariga, qahramonlarga muammodan xalos bo'lishga yordam berishadi, qiziq faktlar, qurish, sxemalar bo'yicha ishlashni o'rganishadi. Shu bilan birga, bolalarda ijodiy tasavvur, muloqot qobiliyatlari, qiziquvchanlik rivojlanadi. Asosiysi, tomoshabin yo'q, faqat ishtirokchi bor, hamma katta ishtiyoq bilan qatnashadi. Bolalar tomonidan olingan bilimlar ular uchun dolzarb va zarurdir. Ma'noli, qiziqarli material osongina o'rganiladi.

**Bolalar bog'chasida o'quv robototexnika.** Zamonaviy bolalar faol axborotlashtirish, kompyuterlashtirish va robototexnika davrida yashaydi. Texnik yutuqlar inson hayotining barcha jabhalariga tobora ko'proq kirib bormoqda va bolalarda zamonaviy texnologiyalarga qiziqish uyg'otmoqda. Texnik ob'ektar bizni hamma joyda maishiy texnika va qurilmalar, o'yinchoqlar, transport, qurilish va boshqa mashinalar ko'rinishida o'rab oladi. Bolalar erta yoshdan boshlab motorli o'yinchoqlarga qiziqishadi. Maktabgacha yoshda ular qanday ishlashini tushunishga harakat qilishadi. LEGO kompaniyasining hozirgi bosqichdagi ishlanmalari tufayli bolalarni maktabgacha yoshdayoq texnik ob'ektarning tuzilishi asoslari bilan tanishtirish mumkin bo'ldi. Lego Education g'ishtlari - bu bola qiziqarli o'yin jarayonida zamonaviy fan va texnologiya haqida eng ko'p ma'lumotga ega bo'lishi, uni o'zlashtirishi uchun mo'ljallangan maxsus ishlab chiqilgan qurilish to'plamlari. Ba'zi to'plamlarda fizika, matematika, informatika qonunlarini amaliyotda o'rganishning eng oddiy mexanizmlari mavjud. LEGO-ning g'ayrioddiy mashhurligi oddiygina tushuntirilgan - bu qiziqarli turli yoshdagi, fikrlash tarzi, moyilligi, temperamenti va qiziqishlari bo'lgan odamlar uchun mos keladi. Aniqlik va hisoblashni yaxshi ko'radiganlar uchun batafsil ko'rsatmalar, ijodiy shaxslar uchun - ijodkorlik uchun cheksiz imkoniyatlar (eng oddiy ikkita LEGO g'ishtini 24 xil usulda joylashtirish mumkin) mavjud. Qiziquvchanlar uchun - LEGO ta'lim loyihasi, jamoa uchun - qo'shma qurilish imkoniyati. Robototexnika bugungi kunda sanoatning eng tez rivojlanayotgan sohalaridan biridir. Bugungi kunda zamonaviy dunyodagi hayotni oziq-ovqat mahsulotlarini yaratish va qayta ishlash, kiyim-kechak tikish, avtomobillarni yig'ish, murakkab boshqaruv tizimlarini boshqarish va boshqalar uchun dasturlashtirilgan mexanik mashinalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. AQSH, Yaponiya, Koreya, Xitoy, qator Yevropa davlatlarida robototexnika jadal rivojlanmoqda. Bolalar

bog'chasidan boshlab robototexnika va yuqori texnologiyalarga bag'ishlangan to'garaklar va innovatsion markazlarga borish imkoniyatiga ega.

Xulosa qilib aytganda, Steam ta'lim tizimi yangicha metodika va ishlanmalarga boy bo'lgan tizim. Bu tizim bilan bolalar texnologiyalar bilan hamnafas bo'lgan holatda tarbiyalanadi. Bugungi kunda hamma yosh avlod texnologiyalarga qiziqadi. Demak, bu tizimda qiziquvchanlik bilan o'rganishadi. Ushbu ta'lim yondashuvi bolalarga nazariya va amaliy ko'nikmalarni samarali tarzda birlashtirishga imkon beradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Djanpeisova G.E, Xodjimuratova B.N. Matematik tasavvurlarini shakllantirish. T.: "Innovasiya-Ziyo", 2020.
2. Xasanboyeva.O.U. va boshqalar. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi".T.
3. Bikbayeva N.U. Ibragimova Z.I. Kosimova X.I. «Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish» T. «O'qituvchi», 1995y.

### **BOSHLANG'ICH SINFLARDA ERTAK O'QITISHGA KREATIV YONDASHUV**

*Mo'minova Nigora Axadovna*

*Quva tumani 59-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Hammamizga ma'lumki, bugungi boshlang'ich sinflar uchun yaratilgan o'qish darsliklarida mavzularning salmoqli qismini ertak janri tashkil qiladi. Ertak bola hayotida, kundalik turmushida katta rol o'ynaydi. Bola ertak qahramonlariningijobiy hamda salbiy xislatlarini taqqoslab, ulardan o'ziga tegishli xulosa chiqaradi. Dovyurak, saxiy, odobli, ezgu niyatli qahramonlarga beixtiyor ergashadi. Aksincha, yovuz, qo'rqqoq, aqlsiz, yomon niyatli qahramonlardanyuz o'giradi. Shunday ekan, boshlang'ich sinf o'quvchilariga ertak janrini o'rgatishning yangi usullarini ishlab chiqish har bir boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining muhim vazifasidir. Misol uchun o'qish darsligidagi „Hakka bilan tulki“ o'zbek xalq ertagini o'quvchilarga quyidagicha o'rgatish mumkin.

Ertak o'quvchilarni tabiatga sayohat usulida olib kiriladi.

- 1- qator o'quvchilari qushlar nomini
- 2- qator o'quvchilari uy hayvonlari nomini
- 3- qator o'quvchilari yovvoyi hayvonlarinomini zanjir usulida aytadilar.

Maxsus topshiriq berilgan o'quvchilardan biri "Olaqanot hakkalar" qo'shig'ini, ikkinchi o'quvchi esa tulki haqida topishmoq aytadi.

#### ***Olaqanothakkalar***

*Olaqanot hakkalar,*

*Shoxdan-shoxgaqo 'nasiz. O'rmonichrasayyorman*

*Chig'ir-chig'labnimanidir, Dumim supurgisifat*

*Izlab topgan bo'lasiz.*

*Teraklarning uchidan*

*Sizga boqar polapon.*

*Qamishzorlar ichidan,*

*Unga qarab qolaman.*

*Shoshqaloqlab tumshug'in,*

*Siz tomonga tutadi.*

Yangi mavzu hakka va tulki bilan aloqador ekanligi shu orqali tushintiriladi.

O'quvchilarning rus va ingliz tilidagi bilimlari sinab ko'riladi.

- Tulki rus tilida nima deyiladi? (*лиса*)

- Barakalla, ingliz tilida-chi? (*fox*)

- Hakkani ham bilamizmi? (yo'q)

Hakka rus tilida *copочуй*, ingliz tilida esa *magpie* deb ataladi.

#### ***Topishmoq***

*O'lgudayin ayyorman,*

*Na do'stim bor na ulfat*

*Meni tanirsiz balki*

*Nomim to'g'ri ayt \_\_\_\_\_*

Ertak mavzusi tanishtiriladi. Ertak multfilm tarzida multimedida namoyish etiladi va mazmuni tushintiriladi.

Qisqa savol - javob o'tkaziladi.

Ertakni tushundikmi?

Ertak nima haqida?

Ertakqismlarga bo'linib, o'quvchilarga tarqatiladi. O'quvchilar ertakni tarqatmaga asosan ketma-ketlikda o'qiydilar.

Matndagi tushunish qiyin bo'lganso'zlar ma'nosi tushuntiriladi va lug'at ishi o'tkaziladi.

### *Lug'at ishi.*

*Daydib – sanqib, tentirab yurmoq*

*Ho'ngraganicha – yig'lagan cha*

*Majruh – jarohatlangan*

*Qarg'ish – birovga aytilgan yomon tilak.*

So'ngra tarqatmalarga asoslanib o'quvchilar ertak mazmunini qismlarga bo'lib so'zlaydilar.

Tanlab o'qitish mashqi bajariladi.

### *Tanlab o'qitish.*

- Ertakni kirish qismini o'qing.
- Hakkani so'zlari qatnashgan jumlaning o'qing.
- Tulki nutqini o'qing.
- Hakkani quvonchi ifodalangan gapni o'qing.
- Tulki hakkaning ota-onasi istagini bajargan jumlaning o'qing.
- So'roq gapni topib o'qing.
- Eng yoqqan joyini o'qing.
- Sizga yoqmagan joyini o'qing.

Ertakka she'riy xulosa qilinadi. Buesa bolalarni ijodiy fikrlashga undaydi.

### *Xulosa*

*Ertak yoqdimi rosa, Bolajonlar maslahat,  
Endi qilsak xulosa. Tulkiga bo'lmang ulfat.  
Har qanday mushkulni ham Maqtovga uchmang sira,  
Aql-la bo'lar yechsa. Ko'ngil bo'lmasin xira.  
Odatdagi hakklar, Hakkadek bo'ling bilimdon,  
Bunday dono bo'lmasdi. Tulkini deymiz nodon.  
Bizning dono hakkamiz. Bilimdon hakka uchar  
Aqlini ishlatmasa, Nodon-chi yerni quchar.  
Ozodlikni ko'rmasdi. Laqmalik yomon odat,  
Aqlli toparkan baxt, Ziyon keltirar faqat.  
Aqlsiz qolar karaxt.  
Bunga misol ertakdir,  
Tulki biroz tentakdir.*

So'ngra savol va topshiriqlarga javob beriladi.


### *Savollar:*

1. Hakka Tulkining tuzog'iga qanday ilindi?
2. Hakka ayyor Tulkini qanday aldadi?
3. Ertakdan qanday xulosachiqardingiz?
4. Tulki haqidayana qanday ertaklarni bilasiz?

### *Topshiriq.*

Ertak qahramonlariga ta'rif bering.


Topshiriq venn diagrammalarida bajariladi.



Ertak haqidagi bilimlarni mustahkamlash maqsadida quyidagi topshiriq bajariladi

**Berilgan soʻzlardan ertakda ishtirok etganlarini kataklarga  
joylashtiring**

**Ovqat, doʻst, hakka, tulki, sayohat, bolalik, baland togʻ, chiroyli, qanot, quvonch, kuchuk,  
amalga oshmoq, qargʻish, kuz, tutib olmoq.**



Xulosa qilib aytganda, bugungi boshlangʻich sinf oʻquv materiallarining barchasidan ertak janrini oʻrgatishda foydalansa boʻladi. Oʻqituvchi yangi metod va texnika vositalini qoʻllash orqali taʼlim sifatini yaxshilaydi. Bu esa shubhasiz, vatanimiz gullab-yashnashini, ravnaq topishini taʼminlaydi.

Boshlangʻich sinf oʻquvchilariga ertak janrini samarali oʻqitishda quyidagi tavsiyalarni berishimiz mumkin:

- a) boshlangʻich sinf oʻquvchilari orasida “Eng koʻp ertak oʻqigan oʻquvchi” nomli koʻrik tanlov oʻtkazish;
- b) viloyat yoki tuman kutubxonalariga ekskursiya uyishtirish;
- c) oʻrgatilayotgan ertak matnini obrazlarga boʻlib oʻqitish;
- d) “Yosh ertakchi” nomli toʻgarak tashkil etish.

**Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati**

1. Abdullayeva Q., Rahmonbekova S. Diktantlar toʻplami. –T.: Niso poligraf nashriyoti. 2012.
2. Ashrapova T., Odilova M. Ona tilimetodikasi. -T.:Oʻqituvchi,2014.
3. QosimovaK.,Matchonov S.,Gʻulomova H.Ona tili oʻqitish metodikasi. -T.:Noshir, 2009.

**BOSHLANGʻICH SINFLARDA ILMIY-OMMABOP ASARLARNI OʻRGATISH**

**Yusupova Nozima Muzaffarovna  
Quva tumani 59-maktab boshlangʻich sinf oʻqituvchisi**

Boshlangʻich sinf oʻquvchilriga ilmiy-ommabop asar oʻqitishdan asosiy maqsad ularda tabiat, kishilar faoliyati va ijtimoiy hayot haqida maʼlum darajada bilim berish, fikrlash doiralarini kengaytirishdan iborat. Ilmiy- ommabop asarlar nafaqat boshlangʻich sinflarning, balki, yuqori sinflarning ham bilim saviyasini sezilarli darajada oʻstiradi. Har qanday mavzudagi ilmiy-ommabop asarlar oʻquvchilarning shu mavzuga oid boʻlgan bilimlarini boyitadi. Masalan, Vatan mavzusidagi ilmiy- ommabop asar oʻquvchilar ongida va yuragida Vatanga boʻlgan iftixor va gʻururlarini jonlantiradi.

Sinfda oʻqish darslarida taʼlim-tarbiyaviy vazifalar umumiy ravishda hal qilinadi. Bolalarning atrofni oʻrab olgan muhit haqida, vatanimizning xalqimizning mustaqillikdan oldingi va hozirgi hayoti haqida bilimlari kengayadi: milliy dunyoqarashi, ijobiy, axloqiy sifatlari shakllanadi, ular aqliy va maʼnaviy jihatdan kamol topadilar. Boshlangʻich sinfdagi “oʻqish kitobi” buni tasdiqlaydi. Bu darsliklarning mazmuni va metodik materiallari oʻzaro bogʻliq holda beriladi. Taʼlim –tarbiyaviy vazifalarni birgalikda amalga oshirish uchun oʻqish darslarida matnni oʻqishgina emas, balki matn ustida qanday ishlash kerakligi ahamiyatlidir. Sinfda oʻqish darslarida taʼlim – tarbiya vazifalarini oʻquvchilarga bilim va koʻnikmalarning maʼlum yigʻindisini egallashni ularda milliylik uchun zarur boʻlgan shaxsiy sifatlarni shakllantirish bilan birga amalga oshiriladi.

Barchamizga ma'lumki, yosh bolalar, ayniqsa boshlang'ich sinf o'quvchilari eshitganidan ko'ra ko'proq ko'rganida tez o'rganadi. Ilmiy-ommabop asarlarni o'tish darslarida ko'rgazmali qurollar muhim ahamiyat kasb etadi. Ko'rgazmali qurollar dars sifatini ham sezilarli darajada oshiradi. Shuning uchun ilmiy-ommabop asarlarni o'qitishda ko'rgazmali qurollardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Ilmiy-ommabop asarlarni o'qishda bolalar har bir sohaga oid bilimlarni o'zlashtiradilar. Quyida o'qish darsligidagi Abdusalom Umarovning "Istiqlol kemasi" ilmiy-ommabop asarning dars ishlanmasi bilan tanishamiz.

Darsning borishi: Tashkiliy qism: O'quvchilar bilan salomlashish, davomatni aniqlash, o'quvchilarni darsga hozirlash, ma'naviyat daqiqalari o'tkazish;

O'tilgan mavzuni takrorlash: "Koinotga sayohat" matni mazmuni so'raladi, matn asosida savol-javob o'tkaziladi.

- Ertakda to'rt og'a-ini botirlar haqida nima deyilgan?

- Bolalar nimanirejalashtirishdi?

- Bolalar qanday yangilik yaratishdi?

"Aql charxi" mashqi orqali o'tilgan mavzu mustahkamlanadi.

Yangi mavzu bayoni: Dars mavzusi "istiqlol kemasi" e'lon qilinadi va doskaga yoziladi. Muallif Abdusalom Umarov haqida ma'lumot beriladi. Matn o'qituvchi tomonidan o'qib beriladi va mazmuni tushuntiriladi. O'quvchilarga matn zanjir usulida o'qitiladi va mazmuni so'zlatiladi. O'quvchilarning fikr mulohazalari tinglanadi. Ularga o'qituvchi tomonidan koinot, quyoshoy, yer sayyorolari haqida ma'lumotlar beriladi. Globusni yaratgan olim Abu Rayhon Beruniy haqida va uni qilgan ishlari haqida ma'lumot beriladi. O'quvchilardan Quyosh atrofida aylanayotgan 7 sayyora haqida so'raladi. Ularning javobiga qo'shimcha qilib, o'qituvchi ushbu sayyoralar haqida to'liq ma'lumot beradi. Bolalarning suhbatlari sahna ko'rinishi asosida rollarga bo'lib o'qitiladi. Bu metod o'quvchilar nutqini o'stirishga yordam beradi. "Zakovat" o'yni orqali dars mustahkamlanadi.

Dam olish daqiqasi o'tkaziladi.

Yangi mavzuni mustahkamlash: Darslik bilan ishlanadi, matn mazmuni hikoya qildiriladi, lug'atishio'tkazilib, matndan o'tanish bo'lgan so'zlar o'quvchilarga tushuntirib beriladi. Tarqatma materiallar tarqatilib ularga javoblar olinadi. O'tilgan mavzu yuzasidan test sinovlari o'tkaziladi va o'quvchilarning bilimi sinovdan o'tkaziladi.

Darsga yakun yasash va baholash:

Dars so'ngida o'quvchilar bilan darsda o'rganilganlar yuzasidan savol-javob o'tkaziladi.

- Dars sizga yoqdimi?

- Matnni o'qib qanday xulosa chiqardingiz?

- Bolalarning qaysi xislatlari sizga yoqdi?

O'quvchilarning javoblari to'ldirilib, umumlashtiriladi va darsga yakun yasaladi

Umumiy qilib aytganda, ilmiy-ommabop asarlarni o'qitish boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun judayam zarur va foydalidir. O'quvchilar ilmiy-ommabop asarlar orqali yurtimizdan yetishib chiqqan mashhur shaxslar, davlat arboblari, shoir-u yozuvchilar, akademiklar, qolaversa, tabiat, jamiyat, ijtimoiy hayot va ijtimoiy muhit, dunyotexnologiyalari haqida ham bilimlarga ega bo'ladilar. Vatanimiz o'tmishi haqida hikoya qilingan ilmiy-ommabop asarlar bilan tanishtirish va ularni tahlil qilish jarayonida o'quvchilar o'tmish bilan bugungi kunni taqqoslash imkoniga ega bo'ladilar. Ilmiy-ommabop asarlarni o'qitishda muhim bo'lgan omil bu o'qituvchining dars o'tish saviyasidir.

O'qituvchi mavzuni bolalarga bolalarcha tildatushuntirib bera olishi juda muhimdir. Dars jarayonida mavzuga oid bo'lgan turli o'yinlar, tarqatma materiallar va ko'rgazmali qurollar dars saviyasini oshiradi. Dam olish daqiqalari ham dars jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi. Dam olish daqiqalari o'quvchilar hayolini bir joyga jamlashga va bilimlarni to'liqroq egallashga yordam beradi. Dam olish daqiqalaridan to'g'ri va o'rinli foydalanish dars saviyasini oshirishga yordam beradi.

Darsni sinfni guruhlarga bo'lib o'tgan maqsadga muvofiqdir. Chunki boshlang'ich sinf o'quvchilari dars jarayonida o'zining guruhini g'olib bo'lishi uchun darsga faol qatnashadi va dars tartibli o'tadi.

Xulosa qilib aytak, ilmiy ommabop asrlarni o'tishda an'anaviy va innovatsion usullardan foydalanish o'qituvchining maqsadidankelib chiqib belgilanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abdullayeva Q., Rahmonbekova S. Diktantlar to'plami. –T.: Niso poligraf nashriyoti. 2012.
2. Ashrapova T., Odilova M. Ona tilimetodikasi. -T.:O'qituvchi,2014.
3. Qosimova K., Matchonov S., Gulomova H. Ona tili o'qitish metodikasi. -T.:Noshir, 2009.

## RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH-ZAMONAVIY FAOLIYAT

*N.M. Quchqorova UrDU.*

*“Maktabgacha ta'lim metodikasi” kafedrasida dotsenti, PhD*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida raqamli texnologiyalardan foydalanish va uning samarali jihatlari borasida ilmiy fikrlar o'z aksini topadi.

**Tayanch so'zlar:** maktabgacha ta'lim, texnologiyalar, raqamlashtirish, interfaol doska, smartfon, planshet, noutbuk.

**Аннотация.** В этой статье представлен научный взгляд на использование цифровых технологий в дошкольных учреждениях и их эффективность.

**Ключевые слова:** дошкольное учреждение, технология, оцифровка, интерактивная доска, смартфон, планшет, ноутбук.

**Annotation.** This article provides scientific insights into the use of digital technology in preschools and its effectiveness.

**Keywords:** preschool, technology, digitization, interactive whiteboard, smartphone, tablet, laptop.

Mamlakatimiz bugungi kunda rivojlangan davlatlar qatori raqamli texnologiyalar davriga qadam qo'yimoqda bu bilan bog'liq o'zgarishlar ko'p hollarda, ishlab chiqarishda, uy-joykommunal xo'jaligida, savdo va boshqa sohalarda aniq namoyon bo'lmoqda. Hozirgi kunda biz o'z hayotimizning asosiy qismini virtual dunyo bilan bog'laganmiz: kompyuterlar, noutbuklar, planshetlar, smartfonlar va boshqa moslamalar. Biz u yerda suhbatlashamiz, do'stlar orttiramiz, o'yinlardan foydalanamiz, ma'lumotlar joylashtiramiz. Zamonaviy axborot texnologiyalarining eng kichik maktabgacha yoshdagi bolalar uchun ham qiziqarliligiga qarasaq, bugungi ta'lim jarayonida raqamli texnologiyalarning qanchalik muhim ahamiyat kasb etishini anglashimiz mumkin.

Zamonaviy raqamli texnologiyalar butun dunyo bo'ylab barcha ta'lim muassasalarini shu jumladan, maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirish uchun ham yangi vositalar va usullarini taqdim etmoqda. Raqamlashtirish bolalarning o'rgatilayotgan bilimlar va berilayotgan ma'lumotlarni o'zlashtirishini osonlashtirishga, ta'lim jarayonini qiziqarli tarzda tashlik etishga katta yordam beradi. Mamlakatimiz rahbari tomonidan turli sohalarda, shu qatori maktabgacha ta'lim tizimida ham raqamli texnologiyalarni joriy etish borasida bir qator yangiliklar qilinmoqda. Bunga misol tariqasida “Raqamli O'zbekiston-2030” strategiyasini tasdiqlash to'g'risidagi prezident farmonini keltirishimiz mumkin.”[1].

Ta'lim jarayonini raqamlashtirish turli shakllarda amalga oshiriladi:

- mavjud o'quv materiallarini, shu jumladan ko'rgazmalar, prezentatsiyalar, uslubiy qo'llanmalar, faoliyat ishlanmalarining elektron nusxasini tarjima qilish;

- tarbiyachi va bolalar o'rtasidagi o'zaro aloqalar uchun interaktiv elektron muhitni shakllantirish, shu jumladan tarbiyachilar uchun elektron guruh xonalari yaratish, munozarali faoliyat jarayonlarini tashkil etish hk.;

- yangi turdagi o'quv vositalarini yaratish: elektron qo'llanmalar, video mashg'ulotlar bazasi, kompyuter orqali didaktik o'yinlar;

- elektron muhit imkoniyatlaridan foydalangan holda ta'limning yangicha shakllarini yaratish - axborotni xayoliy uzatish doirasini kengaytirish, raqobatbardosh o'yinlardan nusxa olish, ulardan foydalanish va hk.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida interaktiv uskunalar, kompyuterlar, interaktiv doskalar, multimediya uskunalari, elektron to'plamlar hamda LEGO to'plamlaridan foydalanish ta'lim sifatini oshirish bilan birga bolalarning ta'lim olishga qiziqishini kuchaytiradi. Lekin bugungi kundagi maktabgacha ta'lim tizimidagi ta'lim jarayoniga e'tibor qaratadigan bo'lsak, raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari birmuncha cheklangan. Masalan, guruh xonalarining jihozlanishiga ko'ra interfaol doskalardan foydalanish imkoniyati yo'q. Agar har bir ta'lim tashkilotida hech bo'lmaganda bitta guruhda interfaol doskalardan foydalanish imkoniyati yaratilsa, bu o'sib kelayotgan yosh avlodni raqamli texnologiyalar bilan tanishtirish va shu bilan birga ularni zamon talabiga mos ravishda voyaga yetkazishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ko'plab tarbiyachilar taqdimotlar, turli xildagi ko'rgazmali vositalarni, mavzuga doir videoliklarni namoyish etishda multimedia uskunalari qatorida interfaol doskalardan ham foydalanish imkoniyatiga ega bo'lishlari kerak.

Interfaol doskadan foydalanadigan tarbiyachilar o'rganish uslublari bilan tajriba o'tkazishlari, turli yosh guruhlari ehtiyojlarini aniqlashlari va kerakli ma'lumotlarni osonroq topishlari mumkin. Shu bilan birga, illyustrativ materiallarni (matn va multimedia fayllari, jadvallar, diagrammalar, internetdagi tasvirlar, geografik xaritalar va boshqalar) saqlash va ularni turli yosh guruhlari moslashtirish, o'zining uslubiy bazasini yaratishi qulayroq bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta'lim tizimida ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalarni joriy etish tarbiyalanuvchilarning bilim olishga qiziqishini oshirish bilan birga ta'lim jarayonini ham samarali tashkil etishga katta yordam beradi. Bu boradagi muhim muammolardan biri, maktabgacha ta'lim tashkilotlarining raqamli texnologiyalar (interfaol doskalar) bilan jihozlanishi ekan. Muammoni hal etish uchun MTT larning jihozlanish me'yorlarini qayta ko'rib chiqish lozim.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati**

1. «Raqamli O'zbekiston—2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF-6079-sonli prezident farmoni. Toshkent 2020.
2. Расулов Т.Х. (2020). Инновационные технологии изучения темы линейные интегральные уравнения. Наука, техника и образование. 73:9, С. 74-76.
3. Халикова М.У. Raqamli texnologiyalar asosida maktabgacha va boshlang'ich ta'limning integratsiyasini ta'minlash. Maqola. 2021. <http://www.scientificprogress.uz/>

### **ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ТАЪЛИМИДА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МОҲИЯТИНИ ЁШ АВЛОДГА ЕТКАЗИШНИНГ АКСИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*Самедова Наргиза*

*ФарДУ Ўзбекистон тарихи мутахассислиги магистранти*

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида “янги жамият қурилиши жараёнида халқимизнинг бой маданият ва бунёдкорлик анъаналарини ўрганиш ва улардан фойдаланиш” муҳим вазифа сифатида белгиланиб, “бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақли равишда шу мамлакат халқи эканлиги” эътироф этилиши бежис эмас. Ватан тарихининг барча даврлари, айниқса буюк тарихий



ёдгорликларимизнинг маънавий моҳияти ҳақидатадқиқотлар олиб бориш, бунда “гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш” орқали “тарихий жараёнларни тиклаш” долзарб вазифа сифатида белгиланганлиги шу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнида ҳам миллий-маданий мерос идрок қилинибгина қолмай, интеллектуал - ижодий нуқтаи назардан ўрганилиши зарур. Чунки интеллектуал - ижодий креатив идрок қилиш ва уни ижодий фаолият жараёнига жорий этишни, зарур коммуникатив муносабатларни амалга татбиқ қилишни синфдан ташқари шароитларда тўлиқ амалга ошириш мумкин. Юқори синф ўқувчиси ижодий маҳсулот яратар экан, қадимий меъморий объектнинг меъморий-тимсолли ифодалилигини ҳис этиши; ишнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани; мазмунан режалаштирилганини англаши; материални мантиқий ва изчил идрок этиши; ижодий тасавури кенг бўлиши; ёдгорликнинг нафақат тарихий - маданий, балки меъморий-бадий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши; ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши; интеллектуал – ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши; фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Таъкидлаш жоизки, ўқувчидак реативлик қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур дидактик шарт-шароитлар таъминланиши зарур.

Тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганишга қаратилган машғулот жараёни модели муаммони ҳал этишнинг структуравий-мазмундор асоси сифатида Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишга қаратилган синфдан ташқари машғулотлар мазмуни негизини ташкил этади. Мазкур жараёнда ранг-баранг ва кўп вариантли иштурлари, типлари, жанрлари ва услубларидан фойдаланилади.

Қўлланиладиган иш тематикаси ҳам ўзига хос ва қизиқарли бўлиб, муайян мавзу юзасидан мулоҳоза юритиш, фикрлашиш, ёзма ва оғзаки мулоқот (шеър ёзиш, насрий матнлар тузиш ва ҳ.к.), узоқ ўтмиш билан “диалог” га киришиш, ижодий тасаввурга берилиш, ўз даврига “қайтиш” қабиларни қамраболади. Бундай иш тематикасини амалга оширишда реферат, маъруза, маърифий материаллар тайёрлашдан фойдаланилади. Меъморий ёдгорликни ҳиссий-эмоционал идрок қилиш, қадимий меъморчилик санъатини бадий-эстетик алгоритмланган таҳлилини амалга ошириш, бу ҳақда ўқувчиларнинг таассуротларини тинглаш ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда муҳима амият касб этади. Юқори синф ўқувчилари ўз аксиологик маданиятини ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотларнинг муҳимлиги, моҳияти ва ролини англаб оладилар.

Ҳақиқатан, Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш бўйича машғулотлар ўқувчига нималарни бериши мумкин? Машғулотлар сабабли ўқувчилар тарихий -маданий ёдгорликларни улуғ миллий кадрят, миллий мерос сифатида тушунадилар; уни ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинадиган жаҳон бойлиги сифатида тасаввур қиладилар; буюк қадимий меъморчилик ёдгорликлари тўғрисидаги тарихий-маданий билимларни эгаллайдилар; тарихий-маданий иншоотлар эстетикаси ва бадий-меъморий хусусиятларини билиб оладилар. Уларда идрок, ижодий тасаввур, билиш, фикрлаш, фараз қилиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштиришга оид ижодий қобилиятлар фаоллашади. Тарихий – маданий меъморчилик ёдгорликларига нисбатан қизиқиш пайдо бўлади, уларни ижодий ўрганишга, тасвирий ижодда акс эттиришга нисбатан эҳтиёж вужудга келади. Ўртоқлари ваяқинлари билан ўз билимларини ўртоқлашиш, ўз креативлик қобилиятларини кўрсатиш истаги вужудга келади. Ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва ишлар уларни билишга оид, педагогик мўлжалга қаратилган, амалий, тасвирий ва ижодий таржимага оид фаолиятга йўналтиради. Бунда муайян-назарий ва луғавий тушунчаларга оид билимлар, ҳаттоки, инглиз тили луғати билан ишлаш, фанни билиш, мисол учун, “кластер”, “инсайт”, “брейнсторминг”,

эвристик, алгоритмик, “мини-тадқиқотчилик” сингари ва бошқа (мураккабликнинг турли даражаларидаги) методлар ва қобилиятлардан фойдаланиш талаб этилади. Ўқувчиларга, албатта, шахс сифатида ўсиш, креатив, креативлик – интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга оид мотивация керак. Чунки ўқув-билув фаолияти жараёнида ўқувчи креатив ўз-ўзини намоён қилиши (ижтимоийлашув), ўз-ўзини фаоллаштириши, ўз қобилиятларини ривожлантириши зарур.

Самарқанд, Бухоро, Хива меъморий мажмуаларига экскурсоводлик қилиш учун тайёрланадиган матнлар, қадимий меъморий санъат “мўъжиза” сисаналган Бибиҳоним мадрасаси, Шоҳи Зинда мақбараларининг бош пештоқиолдида сайёҳлардан олинадиган репортаж учун саволлар тайёрлаш, Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар тўғрисида мақолалар ва эсселар ижод қилиш, ахборот ва маълумотлар ёзиш, шунингдек, Ўзбекистон қадимий шаҳарларининг силуетлари ва манзаралари, уларнинг герблари ва рамзлари; қадимий меъморчилик ёдгорликлари ҳудуди бўйича экскурсия йўналишларининг жадваллари; меъморий – бадий компонентлар, деталлардан лавҳалар, расмлар тайёрлаш ўқувчилардан фаол интеллектуал – иждодий қобилиятларни талаб қилади.

Масалан, “Ўзбекистон тарихий-маданий меросини ўрганишга қаратилган машғулотлар якунида ўқувчиларга “брейнсторминг” методи асосида назорат текширув саволлари, тест ва анкетаишлари топширилиб, уларга меъморий иншоотларни таърифлаш, улар ҳақида ҳикоя қилиш таклиф этилади. Тест ва анкета ишларини ўтказишдан мақсад: ўқувчиларнинг тарихий-маданий ёдгорликни креатив ўрганиш тўғрисида қандай тасаввурга эга эканлигини аниқлашдан иборат. Тест ва анкета ишларида “Тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганиш тўғрисида тасаввурга эгамисиз?” (жавоблар: ҳа; суэт тасаввурга, ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман (маъқулини тагига чизинг), “Сиз қадимий меъморий ёдгорликни таҳлилий ўрганганмисиз? (жавоблар: ҳа; суэт тасаввурга, ҳеч қандай тасаввурга эгаэ масман (маъқулини тагига чизинг)”, “Ўзбекистон тарихий – маданий ёдгорликларини ўрганиш бўйича тақдим этилган сабаблардан бирини ажратиб кўрсатинг (жавоблар: Ўзбекистон қадимий меъморчилик ёдгорликлари тарихини билиш, Ўзбекистон қадимий меъморчилик архитектура санъатига қизиқиш, ўз креативлик қобилиятларини ривожлантириш, Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларини креатив жиҳатдан ўрганилишини ўзлаштириш истаги) каби савол ва кўрсатилган тест вариантлари берилиб, ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил этилади[6]. Ҳар қандай машғулот ўзига хос педагогик технологияга эга бўлади. Масалан, Самарқанд тарихий-маданий ёдгорликларини интеллектуал - иждодий жиҳатдан ўрганиш мавзуси бўйича қўлланиладиган машғулот технологияси қуйидаиларни қамраб олади:

I. Мотивацион – кўрсатмали ва ташкилий-педагогик суҳбат.

Ўқувчиларни мавзу билан таништириш. Турли вариантдаги топшириқларни таклиф этиш.

II. Энг қадимги даврларнинг тарихий-маданий, меъморий таҳлили.

III. Қадимий меъморий ёдгорлик, миллий мерос ва унинг тарихи тўғрисида ҳикоя.

IV. Ўқувчиларни тарихий-маданий ёдгорликнинг ўрганилишига креатив–интеллектуал-ижодий ёндашув; идрок қилиш алгоритми–бадий-меъморий таҳлили, умумлаштирилиши, ўз фикри ва муносабатини баён қилиш.

V. Меъморчилик ёдгорлигини креатив англаш ва интеллектуал-ижодий ўрганиш жараёни.

VI. Ёдгорликнинг эмоционал-ҳиссий идрок этилиши, меъморий–бадий таҳлили ва қадимий меъморчилик санъатига қадриятли-эстетик муносабатда бўлишни ўзлаштириш (таклиф қилинган алгоритм бўйича).

VII. Баён қилинган материални ўзлаштириш.

VIII. Мавзубўйичасосий, муҳиммазмунни мустаҳкамлаш.

IX. Самарқанд ёдгорликлари тўғрисида ўта қизиқарли мавзуни шакллантириш.

X. Белгиланган мавзу бўйича ижодий топшириқ ва интеллектуал-ижодий ишларни таклиф қилиш. Ўқувчиларни мактабдаги ижтимоий-коммуникатив тадбирларда чиқиш қилишга тайёрлаш (мактаб аудиторияси талаб қиладиган интеллектуал-ижодий ва маънавий-ахлоқий даражада).

XI. Машғулот мавзуси бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини ҳавола этиш.

Албатта, синфдан ташқари машғулотларда ўқитувчи ёки таклиф этилган режа асосида олдиндан тайёрланиб келган иқтидорли ўқувчининг маърузаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Самарқанд ёдгорликлари – энг буюк тарихий-маданий мерос ва жаҳон қадрияти” мавзусида ташкил этиладиган маъруза давомида ўқувчилар (кенг форматли, рангли, меъморий ёдгорликнинг турлир акурсларида бой иллюстратив материаллар билан танишадилар.

Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш унга бевосита тааллуқли айрим психологик-педагогик жиҳатларни, жумладан, шахс, юқори синф ўқувчиси шахси уларнинг ёш хусусиятлари (қобилиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари), интеллектуал-ижодий фаолияти, муаммони ечишга мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулот жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материални интеллектуал-ижодий идрок қилиш, англаш алгоритмлари, тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, идрок қилиш, таҳлил этиш, юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлан-тириш кўрсаткичлари ва мезонлари (Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида), интеллектуал-ижодий топшириқларни бажаришнинг психологик жиҳатлари кабиларни кўриб чиқишни талаб этади.

Юқори синф ўқувчиси ижодий маҳсулот яратар экан, қадимий меъморий объектнинг меъморий-гимсолли ифодалилигини ҳис этиши, ишнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани, мазмунан режалаштирилганини англаши, материални мантиқий ва изчил идрок этиши, ижодий тасаввури кенг бўлиши, ёдгорликнинг нафақат тарихий-маданий, балки меъморий-бадий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши, ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши, интеллектуал-ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши, фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Таъкидлаш жоизки, ўқувчида креативлик қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур дидактик шарт-шароитлар таъмин-ланиши зарур. Тарихий-маданий материални идрок қилиш жараёнида юқори синф ўқувчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

– умумий, фаол идрок ва ижодий тасаввур асосида қадимий меъморий ёдгорликларни бадий-эстетик таҳлил қилиш, асосий ва муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш;

– аниқ-предметли-материал баёни мантиқини англаш–унинг жадвали, режаси, тезисларини тузиш, асосий масалалар, айрим далилларига эътибор бериш, тарихий-маданий материалнинг баён қилиниши жараёнида мини-мунозарада иштирок қилиш, мулоҳаза қилиш, ўз фикрига эга бўлиш;

– Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг энг буюк ёдгорликлари яратилган давр тўғрисида суҳбатда иштирок этиш;

– эмоционал идрок этиш;

– ёдгорликнинг мазмунан ва шаклан бирлигини англаш, унинг меъморий-бадий компонентларини ажрата олиш;

– иншоотнинг гўзаллигини ҳис этиш;

– ўзаро уйғунлаштириш, структуралаштириш усулларини эгаллаш,

– умумлаштира билиш, хулоса чиқариш, ўз фикрига эга бўлиш.

Ушбу ўринда VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив ривожланишидаги қадимий меъморий ёдгорликларни идрок этиш, таҳлил этиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш ва таҳлил этишда ўқувчилар олдин эмоционал “ҳис этиш”га, кейин аниқ бир мақсадга йўналтирилган бадиий-манتيқий ўрганишга ва шундан сўнггина, тарихий, маданий, бадиий, ахлоқий-ижтимоий ва эстетик кадрят, жаҳон эътирофига сазовор бўлган миллий бойлик сифатида қадимий меъморий иншоотини яхлит идрок этишга йўналтирилади. Ўқувчилар қадимий меъморчилик санъатини ўрганишни ўз эмоционал-индивидуал тасаввуридан келиб чиққан ҳолда бошлашни афзал кўрадилар. Кейин, нафақат таклиф қилинган алгоритм бўйича, балки ўзининг(етарлича ҳаққоний бўлган) бадиий-таҳлилий усуллари бўйича ёдгорликни бадиий таҳлил этадилар, бадиий-меъморчилик воситаларининг тизимига тушуниб етиб, уларнинг маъносини англаб, ўрганишга киришадилар. Бунда уларга интеллектуал-ижодий қобилиятлар, энг аввало, иждодий тафаккур, тасаввур, мантиқий мулоҳазалар ёрдам беради. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш-таҳлил этишга технологик-конструктив ёндашув қуйидаги компонентлардан иборат:

1) эмоционал-ҳиссий–тарихий иншоотни “ўзиники” сифатида идрок қилиш, ёдгорлик тўғрисида серкирра маълумот ва ахборотларга эга бўлиш орқали уни иккиламчи идрок қилиш,

2) бошқариладиган-алгоритмланган, ёдгорликка нисбатан ўз мулоҳа заси, фикри, муносабатининг вужудга келиши, у тўғридаги ўз фикри ва таассуротларини ифодалаш.

Шунгақўра, биз Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожланганлиги мезонларини қуйидагича белгиладик:

I. Ўз креатив қобилиятларини ривожлантиришга қизиқиш ва мотив; ўз креатив потенциалини ривожлантириш истаги.

II. “Креатив” тушунчаси, унда интеллектуал-ижодий қобилиятнинг муҳимлиги, роли ва аҳамиятини билиш–тушуниш–англаболиш.

III. Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий, бадиий-меъморий ёдгорликларни фаол креатив идрок қилиш ва ўрганиш.

IV. Умрбоқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланган Ўзбекистон қадимий меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги топшириқлар, ишлар, назарий-амалий топшириқлар, эгалланган билим ва таассуротларнинг ҳар хил турларини креатив–интеллектуал-ижодий акс эттириш.

V. Мактабда Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларига бағиш-ланган интеллектуал-ижодий ишларни публистик чиқишларнинг турли даражаларида тайёрлаш ва амалга ошириш.

VI. Ўзида креатив қобилиятни ривожлантиришга тайёрлик.

Креатив қобилиятларнинг мезоний асослари, юқорида белгиланган назарий дефинициялари VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари ва педагогик асосларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

#### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 5.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 40

3. <https://lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сон қарори.

4. Sh.A. Abdujalilova , S.B. Qorayev The Role Of Pedagogical Technologies In The Formation Of Students' Scientific Outlook European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 03, 2020

5. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.в.). – Т., 1980. – 111б.

## **OLTIN BESHIK YOXUD QO‘QON XONLARI SULOLASI QONUNIYLASHTIRILISHI**

*Xamidov Shukurullo FarDu Tarix fakulteti  
3-bosqich talabasi*

**ANNOTATSIYA:** Ushbu maqolada Qo‘qon xonlari sulolasining kelib chiqishi haqidagi “Oltin beshik” afsonasi va uning yaratilishi haqida bayon etilgan va Qo‘qon xonlari sulolasi hokimiyatining qonuniylashtirilishi haqida xulosalar berilgan

**Kalit so‘zlar:** “Oltin Beshik”, afsona, Qo‘qon xonlari sulolasi, Bobur, “Baxtiyornoma”, “Shohnomai Umarxoniy”, temuriylar, qonuniylashtirish.

O‘rta Osiyoning uzoq ming yillik tarixiga boqar ekanmiz, ushbu tarixda mavjud bo‘lgan davlatlar tepasida turgan hukmdorlarning o‘z sulolasi hokimiyatini qonuniylashtirishga urinishlariga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Ayniqsa xonliklar davrida hokimiyat tepasiga kelgan hukmdorlar o‘z sulolasini Chingizxon avlodlariga bog‘laydilar. Chunki hokimiyat tepasida bir uchi albatta Chingizxon avlodlariga borib taqaladigan sulola vakillari o‘tirishi mumkin edi. XVIII asrning boshlarida vujudga kelgan Qo‘qon xonligi xonlari ham o‘z hokimiyatini legitimlashtirish uchun shunday qilishdi va “Oltin beshik” nomli afsona vujudga keldi.

“Oltin Beshik” afsonasi xalqimizga azaldan yaxshi ma‘lum. Unga ko‘ra, Bobur rakiblaridan qochib, Farg‘ona yerlarini tashlab ketayotganida endigina tug‘ilgan o‘g‘lini sharoit og‘irligidan yo‘lda tashlab ketishga majbur bo‘ladi. Uni Farg‘ona vodiysi mahalliy aholisi topib oladi. Bola oltin beshikda yotgan edi. Shu bois chaqaloqqa Oltin Beshik deb ism qo‘yadilar. Uning kelib chiqishiga ko‘ra oliy suloladan ekanligini his qilib, Oltin Beshikni avaylab-asrab katta qiladilar, ta‘lim va tarbiya beradilar, keyinchalik o‘zlariga podsho qilib ko‘taradilar. Bu boladan Qo‘qon xonlari sulolasi (1710 – 1876) boshlanadi. Uni bir qizga uylantiradilar bu nikohdan Sulton Edik (*yoki boshqa manbalarda Ilik*) ismli farzand tug‘iladi. Undan Xudoyor ismli farzand qolgan, undan esa Abulqosim, undan esa Shohmastbiy, ikkinchi ismi esa Jamoshbiy, Shohmastbiy, Jamoshbiydan Shohruhbiy va undan Hojibiy, undan esa Ashurbiy tug‘ilib, Ashurbiydan esa bizga mashhur Shohruhbiy tavallud topgandir. Ya‘ni, Qo‘qon xonligi hukmdorlari Oltin Beshik shaxsi orqali Bobur avlodlari o‘laroq tarixda nom chiqaradilar.

Qo‘qon xonligi tarixchilari Amiriy taxallusi bilan she‘rlar bitgan Qo‘qon xoni Umarxon (1810 – 1822) davridan boshlab mazkur afsonani o‘z tarixiy asarlarida keltirib, Qo‘qon xonlarini Bobur orqali Temuriylardan kelib chiqishini ta‘kidlab o‘tganlar. Qo‘qon xonligi tarixi haqidagi yozilgan “Oltin beshik” haqidagi boshqa afsonalardan birida minglarning hokimiyat tepasiga kelishini 1702-1707-yillar mustaqil bo‘lgan Balxning afsonaviy hukmdori Muhammad Muqimxon nomi bilan ham bog‘lanadi. Unga ko‘ra, Muhammad Muqimxon Boburning to‘rtinchi avlodi bo‘lib, bir vaqtlar Qobulni boshqargan. Keyinchalik Xurosonga, u yerdan Buxoroga, Vali Muhammadxon huzuriga keladi. Valimuhammadxon unga ajdodlari hududi bo‘lgan Farg‘onani beradi. Lekin Imomqulixon uni mag‘lubiyatga uchratadi. Muhammad Muqimxon esa Targavaga yashirinadi. U yerda Niso begimga uylanadi. Bu nikohdan bir farzand tug‘ilgan, lekin tez orada Niso begim vafot etadi. Muqimxon Andijonni bosib olishni orzu qilgan, lekin o‘limi orzusining amalga oshishiga xalaqit bergan. Undan qolgan farzandni esa shu yerdagi to‘rtta qabila boqib katta qiladi. Afsonaning qolgan qismi ham yuqoridagi syujet bo‘yicha davom etadi. Umuman Qo‘qon xonlari shajarasi haqida bir necha faraz mavjud bo‘lib, bu haqida B.M.Babadjanov o‘zining kitobida batafsil ma‘lumot bergan.

Shu bilan birga Umarxon davrida xonlar shajarasini ulamolar sinfi bilan ham bog'lash masalasiga e'tibor berilgan va bu borada bir qancha farazlar yaratilgan. Lekin bu faktlarning barchasi Qo'qon xonlari shajarasining Boburga bog'lanishini tasdiqlay olmaydi. Chunki, birinchidan, Boburning Shayboniyxonga qarshi kurashi asnosida farzandi bo'lganligi haqida biror bir manbada ma'lumot berilmaydi. Ikkinchidan, Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining "Boburnoma"sida ham Farg'onada uning o'g'li qolganligi haqida ma'lumot bermaydi.

XIX asr boshi Qo'qon saroyi tarixchisi Mushrif Isfaragiy fors tilida yozilgan va Umarxonga bag'ishlagan "Shohnomai Umarxoniy" nomli tarixiy asarida birinchi marta "Oltin Beshik" afsonasini keltirgan. Shu asardan boshlab Qo'qondagi boshqa tarixchilar ham mazkur afsonani o'z asarlarida keltira boshlaydilar.

"Oltin beshik" haqidagi afsona haqida B.M.Babadjanov, V.V.Nalivkin va Xudoyorxonozoda asarlarida batafsil ma'lumot berilgan.

Umarxon 1810 yilda taxtga chiqqach, sulolasi va o'z saltanati tarixini yozishni Fazliy Namangoniyga topshiradi. Ayni shoir va tarixchi bizga Umarxon saroyi shoirlari she'rlari jamlangan "Majmuai shoiron" she'riy to'plamini tartib beruvchilardan biri sifatida yaxshi ma'lum. Fazliy Umarxon buyrug'ini bajarib, "Umarnoma" nomli tarixiy doston yaratadi. Qo'qon xonligi tarixiy asarlarini o'rgangan olimlar fikriga ko'ra, Umarxonning ayni "Umarnoma"dan ko'ngli to'lmagan. Sababi, bu dostonda Qo'qon xonlari sulolasi, garchi, Bobur orqali Temuriylardan kelib chiqishi ta'kidlab o'tilgan bo'lsa-da, Oltin Beshik voqeasi singari Temuriylarga Qo'qon xonlarini bog'lovchi, xalqni Qo'qon xonlari sulolasi ulug'ligini tan olishiga qaratilgan asos keltirilmagan edi. Ayni vazifani Fazliydan keyin "Shohnomai Umarxoniy" tarixiy asarini yaratgan Mushrif Isfaragiy muvaffaqiyat bilan amalga oshirgan: "Oltin Beshik" afsonasini o'z asarida keltirgan. Shu yo'l bilan u Qo'qon xonlarining kelib chiqishini Temuriylarga bog'lanishini xalq uchun go'yoki "isbotlagan".

Bundan tashqari, tarixdan ma'lumki, hokimiyat ustida hukmronlik qilayotgan biror bir sulola siyosiy jihatdan kuchaya boshlashi bilan o'z hokimiyati asosi, qiyofasi, o'ziga xosligi – identifikatsiyasi, kelib chiqishini (shajara, genealogiya) izlashga va agar u mavjud bo'lmasa, uni tuzishga kirishadi. Mazkur jarayonlarda madaniy sohadagi faoliyatini kuchaytirishga intiladi yoki o'tmishdagi namunaviy sulolalarga taqlid asosida o'zligini namoyon qilishga urinadi. Shu jihatdan olib qaraganda, Umarxon hukmronligi davrida Temuriylarga, xususan, Husayn Boyqaro (1469–1506) saltanati zamoniga taqlid vujudga kelgan edi. Qo'qondagi mazkur jarayonlarda Qo'qon xonligining Buxoro amirligidan (1747–1920) uzoqlashib, alohida davlat sifatida o'z qiyofasini topishga bo'lgan intilishi katta ahamiyatga ega bo'lgan.

Qo'qon xonligi 1710 yili tashkil topgan. Boburning Movarounnahrni butunlay tashlab ketishi 1512 yilga to'g'ri keladi. Oradagi ikki yuz yil bo'shliqni to'ldirish, ayni vaqtda, Qo'qon xonligi sulolasini isbotli asos bilan Temuriylarga bog'lash ehtiyoji asosli dalillarni talab qiladi. Ayni bo'shliqni "Oltin Beshik" afsonasi, aniqrog'i, Oltin Beshikdan boshlab davom etib kelayotgan Bobur orqali Temuriylar sulolasiga qon-qardoshlik asosi to'ldirib berardi.

Avvalo, shuni ta'kidlash kerakki, "Oltin Beshik" afsonasi Farg'ona vodiysi turkiy qavmlari, xususan, ming urug'i vakillari orasida tarqalgan ekan, uning manbasini ham ular muhitidan izlash kerak bo'ladi. Ayni jihatdan Qo'qon tarixi bo'yicha kitoblar va maqolalar muallifi qozog'istonlik olim Temur Beysembiev qarashlariga diqqat qilish kerak bo'ladi. Uning fikriga ko'ra, "Oltin Beshik" afsonasi syujeti qadimiy bo'lib, u turkiy qavmlardan bo'lmish burkas nomli urug' haqidagi rivoyatga o'xshab ketadi.

"Oltin Beshik" afsonasi genezisini turkiy xalqlar og'zaki ijodidan izlash o'zini mantiqan oqlaydi. Masalan, Chingiz Aytmatov "Oq kema" qissasida qirg'iz xalqi urug'laridan birining kelib chiqishi haqidagi afsonani keltiradi. Unda aytilishcha, shoxdor ona kiyik Enasoy daryosi bo'ylarida yashagan va dushmanlar bilan olishuvda barcha yaqinlaridan ayrilgan bolalar – bir o'g'il va bir qizni o'zi bilan olib ketadi. Shoxdor ona kiyik yetimchalarni Issiqko'lga olib boradi. Bolalar ulg'aygach, turmush qurib, o'g'il farzand ko'radilar. Bola tug'ilganidan keyin o'sha ona kiyik ularga o'z shoxida keltirgan bir beshikni sovg'a qiladi.

Tarix fanlari doktori, professor Aftondil Erkinovning fikriga ko‘ra “Oltin beshik” afsonasining asosi Umarxon kutubxonasida saqlangan va uning 1811-yil sanasi bilan muhri urilgan fors tilida yozilgan “Baxtiyornoma” (xalq orasida “Dah vazir” nomi bilan mashhur) asaridan olingan. Asardagi hikoyaga ko‘ra Seystonda Ozodbaxt ismli podsho bo‘lib, u o‘z sipohsolorining qizini sevib qoladi va qizning otasidan beruxsat unga uylanadi. Natijada, podsho va sipohsolor dushmanga aylanadilar. Bunday sharoitda Ozodbaxt qo‘shin to‘plash uchun xotini bilan o‘z shahrini tashlab qochishga majbur bo‘ladi. Yo‘lda xotini o‘g‘il tug‘adi va sharoit og‘irligi uchun chaqaloqni tug‘ilgan joyida majburan tashlab ketadilar. Chaqaloqni o‘g‘rilar guruhi topib oladi. Guruh boshlig‘i chaqaloqqa Xudoydod ismini berib, tarbiyalab, katta qiladi. Xudoydod ulg‘aygach, o‘g‘rilar qatorida, tasodifan, bu vaqtga kelib podsholikka ko‘tarilgan otasi qo‘liga tushadi. Podsho Xudoydodga nisbatan qandaydir ichki muhabbat his qiladi va unga Baxtiyor ismini qo‘yib, saroyiga xizmatga oladi. Xudoydodni katta qilgan o‘g‘rilar boshlig‘i podshoga bu bolaning topib olinishi voqesini gapirib berganida, podsho Ozodbaxt Baxtiyor – Xudoydod o‘z o‘g‘li ekanligini bilib qoladi. Baxtiyorni podsho qilib ko‘taradilar.

Ayni voqea ko‘p jihatdan “Oltin Beshik” afsonasiga o‘xshab ketadi. Masalan, hatto bosh qahramonga ism qo‘yilish uslubigacha. “Oltin Beshik” da Boburning tashlab ketilgan o‘g‘liga Oltin Beshik ismidan tashqari yana Ollohberdi ismi ham beriladi. “Baxtiyornoma”da o‘g‘rilar chaqaloqqa Xudoydod ismini qo‘yadilar. Ikkala ism – Ollohberdi va Xudoydod o‘zbek tiliga tarjima qilinganda “Yaratgan tomonidan berilgan” ma’nosini anglatadi.

Aftondil Erkinovning fikrini “Oltin beshik” afsonasi va “Baxtiyornoma” asaridagi hikoyadagi o‘xshash jihatlarni solishtirish orqali isbotlaydi

1. *Hukmdor va rafiqasining dushmanlar ta’qibidan qochishi.*
2. *Rafiqaning qiyin vaziyatdagi homiladorligi.*
3. *Qochish yo’lida oyyuzli o’g’ilning tug’ilishi.*
4. *O’g’ilning majburlikdan tashlab ketilishi.*
5. *Chaqaloqni zarbof kiyimlarga o’rab qimmatbaho toshlar bilan qoldirish.*
6. *Ota-onaning farzand bilan aloqalari uziladi.*
7. *Chaqaloqni begona odamlar topib olishadi.*
8. *Bolaning zotli oiladan ekanligini his qilish.*
9. *Begonalar bolani o’g’il qilib olishadi.*
10. *O’g’ilga qo’yilgan ism.*
11. *Begonalar bolaga tarbiya beradilar.*
12. *Bola o’qib-o’rganib, malaka hosil qiladi.*
13. *Ota-ona farzandlari taqdiri haqida hech narsa bilmaydilar.*
14. *Hukmdor ota boshqa kishilar vositasida o’g’lini topadi.*
15. *Bola (shahzoda) ulg’aygach, otasi o’rniga hukmdor bo’ladi.*

Umuman olganda ushbu afsonaning yaratilishidan maqsad Qo‘qon xonlarining o‘z kelib chiqishlari – shajaralarini Temuriylarga bog‘lashlaridan iborat bo‘lgan. Bu esa o‘z navbatida Qo‘qon xonlari sulolasining xalq nazaridagi obro’sini oshirishga, Temuriylar avlodlari o‘laroq tan olinish va hurmat qilinishiga xizmat qilishi kerak edi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.**

1. Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. Ташкент-Токио. 2010.
2. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886.
3. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент. 2014.
4. Azamat Ziyov. O‘zbek davlatchiligi tarixi. T., —Sharq, 2000.
5. Н. Bobobekov. Qoqon xonligining qisqacha tarixi. —Turon tarixil jurnali. To`plam. N-2 T., —Fanl, 2008
6. **Афтондил Эркинов.** “Олтин бешик” афсонаси ва Дақоикий Самарқандийнинг “Бахтиёрнома” асари // “Жаҳон адабиёти”, 2014 йил, 4-сон

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

*О.Р.Жамолдинова — Олий ва ўрта махсус таълим вазиримаслаҳатчиси,  
вазирликнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни  
таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси, п.ф.д., профессор*

БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” қабул қилинди. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги бешинчи мақсад – “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”дир. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъул этиб белгиланган.

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида ҳам энг муҳим ижтимоий соҳалар сифатида белгиланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълимда гендер ёндашуви элементларини жорий этиш тобора оммавийлашмоқда. *Таълимда гендер тенглиги* ижтимоийлашув жараёнини таъминлаш ҳамда меъёр ва тушунчаларни етказиш, шу жумладан гендер тенглиги тўғрисидаги сифатли билим олишдан тенг фойдаланишни англатади. Шундай экан, хотин-қизларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, таълим олишда гендер тенглиги тамойиллари устуворлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланганлиги масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Сўнгги беш йилда мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 28 фоизга етказилиб, хотин-қизлар умумий талабалар улушининг 47 фоизини ташкил этаётганлиги ёшларни олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

*Таълим олишда тенглик*деганда йигит ва қизларга расмий ва норасмий таълимга кириш учун тенг имкониятлар яратиш тушунилади.

Ўзбекистон Републикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қуватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли фармониға мувофиқ, хотин-қизларнинг олий таълим олиши учун яратилаётган қўшимча имтиёзлар хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш имкониятини янада кенгайтиради.

Жумладан,

олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит берилиши;

давлат олий таълим муассасаларида магистратурада ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилиши;

хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура таълим дастурлари бўйича хотин-қизларни ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижий олий таълим муассасаларига юборилиши;



хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университетнинг ташкил қилиниши;

давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши мамлакатимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қавватлашнинг яққол намунаси ҳисобланади.

Тизимда гендер ёндашувни татбиқ этишнинг самарали механизмлари, инновацион технологияларини аниқлаш, бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш олий таълим истиқболини таъминлашда муҳим омил саналади.

Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, шунингдек, барча олий таълим муассасаларида тузилган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши коллегиал маслаҳат органи бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида иштирок этади;

қабул қилинаётган идоравий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этади;

тизимда меҳнат қонунчилиги ва бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг яратилганлик ҳолатини ўрганади ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлайди, жамоада тенг имкониятлар яратилишини таъминлайди;

иш берувчи томонидан вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда гендер тенгликни таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқувлар, семинар-тренинглар ташкил этиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш орқали гендер маданиятни юксалтириш чораларини кўради.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий таълим тизимида гендерга оид таълим беришнинг икки хил ёндошуви кенг қўлланилмоқда:

гендер изланишлар бўйича таълим бериш;

гендерга оид билимларни ўқув дарслари мазмунига сингдириш.

*Биринчи ёндошувга мувофиқ*, олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази томонидан “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш масалалари” бўйича қисқа муддатли малака ошириш курси йўлга қўйилди.

*Иккинчи ёндошувга кўра* сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, тарих, педагогика, психология ва бошқа фанлар мазмунига гендер тенглик тушунчаси, гендер тенгсизлиги бўйича мавжуд муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилишга оид мавзулар киритилиб, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциялари ривожлантирилмоқда.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар маркази, илмий лабораториялар ташкил этиш, кафедралар фаолиятини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш орқали муҳим ижтимоий масаланинг илмий-амалий ечимига эришилади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар эса миллий урф-одатлар, анъаналар замирида ёшлар онгига инсоний қадриятларни сингдириш, гендер мутаносибликнинг таъминланишининг тарихий илдизлари, бугуни ва келажак истиқболлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Шу билан бирга олий таълим тизимида гендер стратегиясини таъминлашда қуйидаги йўналишларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- олий таълим дастурлари ва дарсликларида гендер таълимини жорий этиш чораларини кўриш ҳамда магистратура, докторантурада қўллаб-қувватлашни давом эттириш;

- олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фан дастурлари, жумладан жисмоний маданият фанининг вариатив дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳомиладор ва фарзандли талабаларнинг таълим олишида қулайликлар яратиш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув материаллари ва бошқа нашрларнинг гендер экспертизасини ташкил этиш;
- ўқув фанлари ва йўналишлари, шу жумладан мутахассисликларни танлашда гендер мувозанатини яхшилаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;
- қизлар ва аёлларнинг ноанъанавий техник мутахассисликлардаги иштирокини ошириш мақсадида тарғибот-тушунтириш тадбирларини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.
3. Эгамбердиева Т.А., Сиддиқов И.Б. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар иштирокининг замонавий омиллари. Ўқув услубий қўлланма – Фарғона, 2020.
4. Вазирлик, идора ва ташкилотларда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини юритиш юзасидан тавсиялар. — Тошкент, 2020. 6 б.
5. Қурбонова Г.М. Гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятлари// Замонавий таълим. 2015, 12. – Б. 59-63.
6. [хтпс:// www. edu.uz](http://www.edu.uz)

### **OLIY TA'LIMDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARI**

*Siddikov Xasan Taxirovich, Urganch davlat universiteti  
“Maktabgacha ta'lim metodikasi” kafedrasi o'qituvchisi.*

**Аннотация:** Ushbu maqolada oliy ta'limda innovatsion ta'lim texnologiyalari va ularning o'quv jarayonidagi o'rni, oliy ta'limdagi innovatsion ta'lim texnologiyalarining tasnifi, shuningdek, o'qitishda innovatsion ta'lim texnologiyalarini keng joriy etishga to'sqinlik qiluvchi omillar haqida so'z yuritiladi.

**Калит со'з:** texnologiya, metodologiya, ta'lim texnologiyasi, innovatsion ta'lim texnologiyalari, an'anaviy ta'lim texnologiyalari, noan'anaviy ta'lim texnologiyalari, o'qitish usuli.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются инновационные технологии обучения в высших учебных заведениях и их роль в образовательном процессе, классификация инновационных технологий обучения в высших учебных заведениях, а также факторы, препятствующие широкому внедрению инновационных технологий обучения в преподавании.

**Ключевые слова:** технология, методология, технология обучения, инновационные технологии обучения, традиционные технологии обучения, нетрадиционные технологии обучения, метод обучения.

**Annotation.** In this article, it is given the innovative learning technologies in higher education institutions and their role in the educational process, the classification of innovative learning technologies in higher education institutions, and as well the factors preventing the widespread introduction in innovative learning technologies in teaching.

**Key words:** technology, methodology, teaching technology, innovative teaching technologies, traditional teaching technologies, non-traditional teaching technologies, teaching method.

Zamonaviy sharoitda Oliy ta'lim muassalarining strategik rivojlanishining asosiy yo'nalishi har tomonlama modernizatsiya bo'lib, uning asosiy sharti innovatsion salohiyatga va uni amalga oshirish imkoniyatlariga ega ijtimoiy subyektlarning mavjudligidir. Oliy ta'lim salohiyati yetakchi o'rin tutadigan ushbu jarayonda ta'lim tizimining ishtirokisiz modernizatsiya jarayonlarini muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun mustahkam zamin yaratish mumkin emas [1, 26-b].

Ta'lim tizimining hozirgi holati noan'anaviy ta'lim texnologiyalarining rolini oshirish bilan tavsiflanadi. Talabalar tomonidan ularning yordami bilan bilimlarni o'zlashtirish an'anaviy texnologiyalarga qaraganda ancha tezdir. Ushbu texnologiyalar bilimlarni rivojlantirish, egallash va tarqatish xarakterini o'zgartiradi, o'rganilayotgan fanlarning mazmunini chuqurlashtirish va kengaytirish, uni tezda yangilash, samaraliroq o'qitish usullarini qo'llash, shuningdek, har bir kishining ta'lim olish imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytirish imkonini beradi. "Ta'lim texnologiyasi" tushunchasi keng qo'llanilishiga qaramay, o'zboshimchalik bilan ajralib turadi. V.I.Zagvyazinskiyning ta'kidlashicha, o'quv jarayonida qo'llaniladigan texnologiyalar turlari aniqrog'i o'quv yoki pedagogik emas, balki o'qitish deb ataladi va ishlab chiqarish sohasidan olingan atamaning o'zi, albatta, ta'limda shartli ravishda qo'llaniladi [1,58-b]. Ijtimoiy texnologiyaning bir turi sifatida ishlab chiqarish texnologiyasi kabi qattiq va oldindan belgilangan xususiyatga ega emas.

Texnologiya va metodologiyani farqlash muammosi hali ham juda ziddiyatli. Ba'zi olimlar texnologiyani metodologiyani amalga oshirish shakli deb hisoblashsa, boshqalari texnologiya tushunchasi metodologiyadan kengroq deb hisoblashadi. V.I.Zagvyazinskiy texnologiya va metodologiya ilmiy huquqiy qoidalar tizimiga asoslanishi kerak, deb hisoblaydi (ya'ni, ular tizimli xususiyatga ega), ammo ideal texnologiya qat'iy belgilangan retseptlar tizimiga ega bo'lib, ular maqsadga erishish uchun kafolatlanadi. Metodologiya nazariy qoidalarni amalga oshirish usullarining xilma-xilligini, o'zgaruvchanligini ta'minlaydi va shuning uchun maqsadga kafolatlangan erishishni anglatmaydi, ya'nihatto ideal texnika ham yuqori instrumental emas.

Fikrimizcha, ta'lim texnologiyasi - bu ishtirokchilar uchun qulay sharoitlarni ta'minlash va cheklovlarni hisobga olgan holda muayyan natijaga erishish uchun uni rejalashtirish, tashkil etish, yo'naltirish va sozlash bo'yicha o'quv jarayoni sub'ektlarining birgalikdagi faoliyati tizimidir.

Mavjud ta'lim texnologiyalarining keng doirasi ularni tasniflashni taklif qiladi. Bugungi kunda oliy ta'lim tizimida ta'lim texnologiyalarining yagona, aniq belgilangan tasnifi mavjud bo'lmas-da, bir qator tadqiqotchilarning e'tiborini ikkita texnologiya guruhi jalb qilmoqda: an'anaviy va innovatsion ta'lim texnologiyalari [2,11-b].

An'anaviy ta'lim texnologiyalari bilimlarni yetkazish va harakat usullarini tavsiflashga qaratilgan bo'lib, talabalarga tayyor shaklda uzatiladi va reproduktiv assimilyatsiya qilish uchun mo'ljallangan.

Ushbu ta'lim texnologiyalari guruhiga quyidagilar kiradi:

- 1) Tushuntirish va illyustrativ o'qitish texnologiyasi;
- 2) Muammoli ta'lim texnologiyasi;
- 3) Dasturlashtirilgan ta'lim texnologiyasi;
- 4) Modulli ta'lim texnologiyasi
- 5) Katta blokli o'rganish texnologiyasi;
- 6) Ma'ruza-seminar-kredit tizimi;
- 7) O'yinni o'rganish texnologiyasi va boshqalar.

Innovatsion ta'lim texnologiyalari o'qituvchining o'quv faoliyatini tashkil etishning bunday harakatlari, usullari va shakllaridan foydalanishga yo'naltiradi, bunda asosiy e'tibor o'quvchining majburiy kognitiv faoliyatiga, tizimli fikrlash va ijodiy muammolarni hal qilishda g'oyalarni shakllantirish qobiliyatini shakllantirishga qaratilgan. M.M.Blagoveshchenskaya,

V.F.Manuilov,I.V.Fedorov bunday texnologiyalarning uch turini ajratib ko'rsatadi: radikal (o'quv jarayonini yoki uning katta qismini qayta qurish); birlashtirilgan (bir qancha ma'lum elementlar yoki texnologiyalarni yangi texnologiya yoki o'qitish uslubiga birlashtirish); o'zgartirish o'qitish usuli yoki texnologiyasini sezilarli darajada o'zgartirmasdan takomillashtirish [2, 15-b].

Bunday texnologiyalarni ishlab chiqish quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi: 1) reproduktiv ta'lim ("individual ravishda belgilangan" trening, shaxsiylashtirilgan, shuningdek "jamoal-individual" trening); 2) tadqiqot mashg'ulotlari (o'quv jarayoni kognitiv-amaliy, amaliy ma'lumotlarni izlash sifatida quriladi); 3) tarbiyaviy muhokama uchun modellarni ishlab chiqish;4) o'yin modellari asosida o'qitishni tashkil etish (o'quv jarayoniga simulyatsiya va modellashtirishni kiritish). Mualliflarning fikricha, oliy ta'lim sohasidagi innovatsiyalar professional shaxsni shakllantirish maqsadlarini qayta yo'naltirishga (birinchi navbatda, ilmiy-texnikaviy va innovatsion faoliyat qobiliyatini rivojlantirish), shuningdek, bilimlarni yangilashga qaratilgan eng dolzarb hisoblanadi [3,18-b]. Ta'lim jarayonining mazmuni ta'limda tavsiflashdan tashqari mantiqiy va xayoliy fikrlashni shakllantirishga e'tibor berish, tanlangan kasb bo'yicha bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni shakllantirish orqali o'rganishda amaliylikka e'tibor berish, mustaqil ta'lim ustuvorligiga e'tibor berish. Demak, oliy ta'limda innovatsion ta'lim texnologiyalari deganda ta'limda fanning zamonaviy yutuqlari va axborot texnologiyalaridan foydalanishga asoslangan usullar tushuniladi. Ular o'quvchilarning ijodkorligi va mustaqilligini rivojlantirish orqali o'qitish sifatini oshirishga qaratilgan. Ular onlayn ta'lim olish imkonini beradi; talabalarning o'rganilayotgan fanga qiziqishini oshirish; o'qishni kundalik hayot amaliyotiga yaqinlashtirish (samarali muloqot ko'nikmalarini rivojlantirish, tez o'zgaruvchan turmush sharoitlariga moslashish, psixologik stressga chidamliligini oshirish, nizolarni hal qilish ko'nikmalarini o'rgatish va boshqalar); yangi sotsiologik bilimlarni olish usullarini o'rgatish. Bu guruhga quyidagilar kiradi:

- 1) Shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari;
- 2) Guruh loyihalash texnologiyasi;
- 3) Modulli ish texnologiyasi;
- 4) Axborot texnologiyalari;
- 5) Salomatlikni saqlash texnologiyalari va boshqalar.

Xulosa qilib shuni ta'kidlaymizki, o'quvchilarning o'zlarining innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etishda motivatsiyasi yo'qligi, bizning fikrimizcha, nafaqat eng halokatli, balki o'zgartirishi eng qiyin omildir. Vaqt yetishmasligi muammosini o'quvchilarning sinf va darsdan tashqari yuklamalarini teng taqsimlash orqali hal qilish mumkin bo'lsa, o'qitishning innovatsion texnologiyalarini qo'llash sohasidagi bilimlarning yetishmasligini o'qitish metodikasi sohasida malaka oshirish orqali qoplash mumkin. Innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etishga asoslangan va hatto eng passiv talaba auditoriyasi ham kelajakdagi mutaxassislikka yaqin bo'lgan materialning qiziqarli taqdimoti, agar faol bo'lmasa, lekin kognitiv bo'lsa, amalga oshirilishi mumkin, o'quvchilarning motivatsiyasini oshirish mumkin bo'lmaydi. Binobarin, universitet ma'muriy-boshqaruv apparatining barcha sa'y-harakatlari nafaqat professor-o'qituvchilar mehnatini rag'batlantirish, balki o'quvchilarning o'z-o'zini takomillashtirish va o'z-o'zini anglashi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish orqali ushbu omilni tenglashtirishga qaratilishi kerak.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. V.I.Zagvyazinskiy O'qitish nazariyasi: Zamonaviy talqin. - M.: Akademiya, 2001. - 192 b.
2. Manuilov V.F., Fedorov N.V., Blagoveshchenskaya M.M. Muhandislik ta'limidagi zamonaviy ilm-fanni talab qiladigan texnologiyalar // Rossiya oliy texnik maktabidagi innovatsiyalar: Maqolalar to'plami. Maqolalar. - M., 2002. - Nashr. 2. - B. 11-20.

3. Oliy kasbiy ta'limning davlat ta'lim standarti asosida amalga oshiriladigan asosiy ta'lim dasturlarini ishlab chiqish va o'zlashtirish natijalariga qo'yiladigan talablarni shakllantirish bo'yicha uslubiy tavsiyalar. - Belgorod: IPK NRU "BelGU", 2010. - 83 b.

### ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

*Асқарова Адолатхон Маматхоновна ФарДУ  
Ижтимоий иш кафедраси ўқитувчиси  
Холхўжаева Шахнозахон Муротхожаевна  
ФарДУ магистранти*

#### **Аннотация**

*Мақолада Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий мероси, улардаги оилавий турмуш қоидалари, шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлари Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, достонлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мероси масалалари баён этилган.*

**Таянч сўз ва тушунчалар:** ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, меҳр-оқибат, муҳаббат, сабр, покизалик, сахийлик, ростгўйлик, камтарлик, олийҳимматлик, вафодорлик, андишалилик, иззат-ҳурматни билиш.

#### **Аннотация**

*В статье изложены вопросы научного и культурного наследия мыслителей Востока, их воззрения о принципах семейных отношений, культуре межличностных отношений, развитии детства, отношениях между мужчиной и женщиной, появлении человеческих качеств, которые в неразрывной связи с фольклором (народные пословицы и поговорки, сказки, стихи, легенды, повествования) народов Востока, в частности, узбекского народа, образуют их научное и культурное наследие.*

**Ключевые слова и понятия:** честность, правдивость, честь и совесть, милосердие, любовь, терпение, опрятность, щедрость, правдивость, скромность, благородство, добросовестность, верность.

#### **Annotation**

*When we study scientific and cultural heritage of Eastern thinkers, we can find that the rules of family, the culture of intercultural relations, the development of children, the relation, between a man a woman, the formation of humane features are founded on the basis of close connection with Uzbek folklore, eposes (Uzbek folk proverbs, fairy tales, epic poems, myths and legends).*

**Keywords:** honesty, trustworthiness, shame, love, tolerance, cleanliness, generosity, modesty, loyalty, sense and awareness of respect.

Оилани қадрият сифатида тавсифлаш ва жамият ҳаётидаги нуфузини таъкидлаш билан биргаликда, унинг мустаҳкамловчи кафолатли омилларининг ролини ўрганиш, айниқса, ёшларни оилада тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур».

Дарҳақиқат, асрлар давомида ўз эътирофини топган ва диний-ахлоқий қадриятлар даражасига кўтарилган оилавий муносабатларда ҳалол яшаш, меҳнат қилиш, фарзанд

тарбияси ижтимоий ҳаёт тарзини ривожлантириш манбаидир. Шарқона тарбияда шахснинг умуммаданий дунёқараши шаклланишининг асоси оиладан бошланади.

Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса, эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндalари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган.

Шарқ мутафакрларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён этилган оилавий турмуш қоидалари, шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, дostonлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз.

Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, севгига садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлилик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ дostonларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин.

«Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тенг ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган».

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам оилавий турмуш ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Қуръони Каримда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий ман этилган. Айни пайтда умрини бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу йўлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. «Авесто»да қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим бўлган. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган.

Умуман олганда, зардуштийликда ҳам, исломда ҳам никоҳда икки томон тенг ва муносиб бўлиши таъкидлаб ўтилган. Никоҳ тартиблари ва ҳаётий тажрибаларига кўра, келин ва куёв насл-насабда, илм-этиқодда, мулкдорликда бир-бирларига тенг бўлиши маъқул топилган. Шу боис, Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тенгини топиб уйлантиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлашда уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақида аждодларимиздан бизгача етиб келган панднома ва ҳикматномаларда айтилган.

Кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан етишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва кадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданий мерос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз ижтимоий қарашларини акс эттирган яхлит ижтимоий таълимот яратмаган бўлса-да, лекин у ижтимоий масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини кўпгина қомусий асарларида изҳор этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар айтишга ҳаракат қилган. Берунийнинг муайян қарашлари оилавий турмуш, оила ва никоҳ, оилавий кадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларга хосдир. Бундай ишораларни Беруний ҳикматларида ҳам учратамиз. «Яхши хулқ яхшилик аломатидир». «Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди». «Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эхтирослар, ғам-ғусса бўлмайди. Оилавий муносабатларда ана шундай ҳикматларга амал қилишимиз мақсадга мувофиқдир».

Ушбу муаммога оид мулоҳазалар Абу Али ибн Синонинг (980-1037) «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Тиб қонунлари», «Уй хўжалиги» каби қатор асарлари Марказий Осиё халқлари ахлоқ-одоб, тарбия психологияси, фалсафа ва таъбаот оламида алоҳида ўрин тутади. Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи эрнинг олдидаги масъулиятли вазифаларга эътиборини қаратади. Унинг фикрича, биринчи навбатда эр оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади. Эр-хотин муносабати тенглик, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, «Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энгяҳши ворис ва ёрдамчисидир» деб ёзади Ибн Сино.

Кайковус қаламига мансуб «Қобуснома» асари (1082-1083 йилларда ёзилган) Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳурдир. Қобусномада қатор ибратли ва ҳаётий панд-насихатлар билан биргаликда «Ишқ ва унинг одатлари зикрида», «Хотин олмоқ зикрида» ҳам қимматли маълумотлар берилган. «Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин». Бунда бўлғуси эр-хотиннинг никоҳигача даврда бир-бирини кўриб-билиб, синаб маъшуканинг оқила, ораста, тежамкор, саромжон-саришта, бола тарбиясини, уй-рўзғор ишларини ўрнига қўядиган камтарин ва эрига садоқатли бўлиши назарда тутилади. «Эй, фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз ҳурматингни яхши сақлагил. Гарчи мол азиз бўлса ҳам хотин ва фарзандингдан дариғ тутма. Аммо хотинни пок дил, фарзандни фармонбардор ва меҳрибон тутгил. Бу иш сенинг қўлингдандир». Бу ўринда хотинга хос муносабатда бўлиш эрнинг ихтиёрида эканлигидан огоҳлантирилган.

Алишер Навоий (1441-1501) «Маҳбуб ул қулуб», яъни «Қалблар севгилиси» ва «Вақфия» асарларида оилавий турмуш билан боғлиқ эр ва хотиннинг вазифалари, бурчлари, ўзаро муносабат-мулоқот маданияти, уларнинг мувофиқлиги ва номувофиқлиги, унинг оқибатлари ҳақида қимматли насихат ва маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, Навоий «Маҳбуб ул қулуб» асарининг 37-фасли «Уйланганлик ва хотинлар тўғрисида» аёлнинг фазилатлари ва унинг оиладаги ўрни ҳақида қуйидагиларни

ёзади: «Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур, уй беаги ундан ва уйланганнинг (эрнинг) тинчлиги ундан. Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса, жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзгор керак яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғи бўлса - ғам-кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳарбир бало келса, кўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидан ул ғам чекади. Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва ҳам яширин кўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, рух ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса, эрга юз қаролик келади. Майхўр бўлса, уй ободонлиги йўқолади ва бузуқи бўлса уй ичи расвогарликка айланади».

Ўз даврининг етук уламиси Ризоуддин ибн Фахруддин эр-хотин муносабатларининг софлиги нақадар муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда бу масалага шундай ёндашади. «Гўзал муомалали бўлмоқ ислом шариатининг биринчи қоидаларидандир. Гўзал муомаланинг энг лозим қисми хотин билан бўлажак муомаладир. Қуръони Карим хотинлар билан гўзал мушоират этишга буюргандир. Бундай муомала этувчи эрнинг дунёси тузук, охирати роҳат бўлур. Хотинга гўзал муомала қилувчи олий табиатли эрлар шариату ақл тарафидан ман этилган нарсаларга хотинларини йўлламайдилар ва энг азиз боласига бўлган меҳру-шафқати даражасида оқибат кўрсатиб, хотинларини барча машаққатдан сақлайдилар, қурбилари етмаган хизматга буюрмайдилар».

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан бундай мисолларни адоқсиз давом эттириш мумкин. Кўриниб турибдики, оила барқарорлиги, шахслараро муносабатлар таъсири масаласига Шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари алоҳида эътибор билан қараганлар. Уларнинг асарларида оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, оила муқаддаслигини белгиловчи муҳим миллий-маданий ва миллий-психологик омиллар кўрсатиб ўтилган.

Айниқса, оиланинг асосини ташкил этувчи эр ва хотинга хос сифат ва фазилатларнинг шаклланган бўлиши, улар оилавий бурч ва вазифаларини садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримлилиги энг муҳим қадрият сифатида эъзозланади.

Оила барқарорлигини белгиловчи шахслараро муносабатлар таъсирига хос қимматли маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ҳамда, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг тараққиёти жамиятнинг руҳий ва маънавий такомиллашувида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқи оилавий турмуш, эр-хотин муносабатлари, уларнинг вазифа ва бурчлари, сифат ва фазилатлари акс этган муқаддас диний манбалар, ўзбек халқи оғзаки ижоди, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида қимматли маълумотлар жамланган. Улардан ҳозирги ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.

#### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқична кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. –Б. 281.
2. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фан. доктори илм. дар. ол. учун ёзилган диссертация. - Фарғона, 1994. Б. 56.
3. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. - Т.: «Чўлпон», 1992. –Б. 3, 237.
4. Ашуrow А. Авестодан мерос маросимлар. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси», 2001. –Б. 32.
5. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. - Т.: «Ёш гвардия», 1973. – Б. 174.
6. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино: ҳаёти ва ижодий меъроси. – Т.: «Фан». 1980. –Б. 208.



7. Кайковус. Қобуснома. - Тошкент: «Истиклол», 1993. –Б. 76.
8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб. Танланган асарлар тўплами. 13-т. - Т.: Гафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – Б.. 244.
9. Ризоуддин ибн Фаҳруддин. Оила. – Т.: «Меҳнат», 1991. – Б. 64.

## **ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИРЛАРДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ**

*Тожибоева Хилолаҳон Махмутовна,  
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий  
ходими, педагогика фанлари доктори (DSc).  
E-mail: hilol0311@mail.ru*

Маълумки, гендер маданият ижтимоийлаштиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб, ижтимоий маданий жараёнларда ўғил ва қиз болаларнинг иштирок этишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар гендер маданият тушунчасига эҳтиёткорлик билан ёндашдилар. Мазкур тушунча кўп жиҳатдан шахснинг ижтимоий маданий жараёнларда иштирок этиб, маданий бойликларни ўзлаштиришига боғлиқ. маскулинлик ва фемининлик ҳар доим гендер тадқиқотлар моҳиятини ҳар доим ҳам бирдай англаш имкониятини бермайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гендер маданият тушунчаси илмий муомалага яқинда кириб келган. Мазкур ёндашувнинг асосини ранг-баранг илмий назариялар ташкил этади. Гендер маданият бизнинг тадқиқотимизда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг маданиятга оид билимлари тизими, ижтимоий маданий меъёрлар ташкил этади. Бу ўз навбатида самарали гендер муносабатлар ҳамда шахснинг умумий маданиятини ривожлантириш имконини берадиган механизмларни тадқиқ этиш даражасида таҳлил қилинади.

Гендер маданият ўқувчиларга эгалитар кадрларни тақдим этиш даражасида кўриб чиқилиши лозим. Ўғил ва қиз болалар ўртасидаги ижтимоий маданий муносабатларнинг мунтазам ривожланиши жараёнида уларда “оммавий маданият”га қарши иммунитет ҳосил қилишда эгалитар ёндашувга таяниш муҳим аҳамият касб эади. Бу таълим муассасаларида ўғил ва қиз болалар орасидаги ўзаро муносабатлар ва мулоқотни меъёрлаштириш, уларда ижтимоий-маданий кўникмаларни ҳосил қилиш, жинсларга хос ролларни бажаришга ўргатиш, эркаклик ва аёлликка хос бўлган сифатларни ўсмирлик давридан бошлаб шакллантиришни назарда тутади.

Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бирида жамият ҳаёти учун зарур бўлган жинсга хос роллар, муносабатлар ва муомала маданиятини шакллантириш, бунда халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибасига таяниш, уларнинг жамият ҳаётига муваффақиятли мослашишлари учун зарур ҳисобланади.

Н.И.Андреевнинг таъбирича, гендер маданият – бу мазкур жамиятда жинснинг ижтимоий-маданий ролларини шакллантирувчи йўналишлар, гендер роллар, гендер муносабатлар, гендер стереотиплар, оилавий никоҳ қоидалари ҳамда амал қилинадиган нуқтаи назарлар, установкалар, принциплар, хулқ-атвор матрицалари тизимини ифодалайди. Жинслар ижтимоий маданий ходиса каби бир турга мансуб эмас.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг гендер маданияти ўзига хос педагогик ходиса ҳисобланади. Маълумки, оммавий маданият билан миллий маданият орасида ўзига хос фарқлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир маданиятда аёллар ва эркаларнинг хулқ-атворини белгилаб берувчи қоидалар амал қилади. Эркалар ва аёлларнинг жинсий хусусиятларга хос бўлган роллар ўзаро фарқланади. Бунда шахснинг маданий жиҳатларини фарқлашга хизмат қиладиган белгиларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда гендер роллар нафақат ижтимоий маданий балки физиологик асосларга ҳам эга.

Ислом дини тамойилларига кўра аёллар ва эркакларга хос бўлган стереотиплар мавжуд. Жинсларга хос хатти-ҳаракатларнинг аксарияти асрлар давомида қадрият даражасига кўтарилиб, бугунги кунга қадар етиб келган. Мазкур қадриятларнинг аксарияти ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатларига сингиб кетган. Бу аёллар ва эркакларнинг кундалик эҳтиёжлари, ҳаётий фаолиятлари, ижтимоий турмуш ва муайян тарихий шароит талабларига кўра эркаклар ва аёлларга хос ролларнинг ўзаро ўрин аллшмашиниши, эркаклик ва аёллик моделларига намоён бўладиган миллий анъаналарда ўз ифодасини топади.

Кўришиб турибдики, гендер – маданиятнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда “оммавий маданият”нинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Бунда кўзга ташланаётган энг муҳим ҳолат гендер роллар ва гендер қиёфаларнинг алмашинаётганлигидир. Бундай алмашиниш айниқса ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар қиёфасида яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар онгига “оммавий маданият” жадаллик билан таъсир кўрсатмоқда. Бу эса гендер онгининг ўзгаришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз бугунги Ўзбекистон жамиятида гендер қиёфаларнинг шаклланишида “оммавий маданият”нинг таъсирини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Шу асосда гендер зиддиятларни бартараф этиш орқали ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгида гендерга хос қарашларни таркиб топтиришнинг педагогик воситалари, усул ва методларини тадбиқ этиш мақсадини амалга оширамиз. Шу мақсадда биз ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида гендер онгининг ўзига хос жиҳатлари ва ижтимоий воқеликнинг унга кўрсатадиган таъсирини ҳам рефлексив методлар ёрдамида аниқлашга интилдик.

Эркаклик ва аёллик ижтимоий воқеликнинг таркибий қисми сифатида муайян маданий установакалар, хулқ-атвор меъёрлари, ижтимоий роллар, қадриятли йўналишлар, эркак ва аёлларга хос бўлган хатти-ҳаракатлар мажмуини мужассамлаштиради.

Жамиятдаги меъерий қонун қоидалар шахснинг ўз мавқеини аниқлашига кўмаклашади. Жамият ҳаётининг янгиланиши шароитида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз мавқеини белгилаши муҳим аҳамиятга эга. “Оммавий маданият” тобора кенг кўлам касб этаётган бугунги кунда йўқотилган миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ёшларни мазкур қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Йўқотилган қадриятларни қайта тиклаш ва ёш авлод тарбиясида ушбу қадриятлардан фойдаланиш жамиятни маънавий соғломлаштириш учун зарур ҳисобланади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда гендер ёндашувга таяниш педагогларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Чунки, маданиятдаги рамзлар орқали гендермуносабатларнинг шаклланишида миллий маданиятнинг аҳамиятини ошириш зарурияти вужудга келди.

Ўмишда ўзбек халқи маданий ҳаётида қизлар ва ўғил болаларга алоҳида-алоҳида ёндошган ҳолда уларга хос бўлган ижтимоий ролларни шакллантириш амалиёти мавжуд бўлган. Бу амалиёт миллий маданиятнинг таркибий қисмини ташкил этган. Қизларга таълим бериш оилавий ҳаёт доирасида амалга оширилган. Ўғил болаларни ўқитишга эса қатъийроқ ёндашув мавжуд бўлган.

Бугунги кунда ўғил ва қиз болаларда гендер стереотипларнинг шаклланишида ижтимоий тармоқлар катта таъсир кўрсатмоқда. Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар гибрид маданиятга хос бўлган ролларни ўзлаштиришда алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бунда рекламанинг ўрни беқиёс бўлиб, қизларга хос бўлмаган турли кийимлар, тақинчоқларни тавсия қилса, ўғил болалар учун ноодатий бўлган соч турмаклари, либосларни тарғиб қилишга катта ўрин ажратмоқда. Оммавий маданиятнинг таъсири ўғил ва қиз болаларнинг нутқи, хатти-ҳаракатлари, мимикаси, соч турмаклари ва интилишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Айниқса, қиз болалар учун хос бўлмаган хулқ-атвор стереотипларини улар онгига сингдириш жадал кечмоқда. Қизларга хос бўлган анъанавий сифатлар инкор қилиниб, уларни замонавийлаштириш тарғиб этилмоқда. Бу эса қизлар хулқ-атворида мешчанлик, мода кетидан кувиш, дағаллик, миллий анъаналарга хос бўлмаган кийиниш тарзи, оилага беҳурматлик, уни қадрият даражасида идрок этмаслик каби салбий сифатларни таркиб топтирмоқда. Аксарият қизлар ўғил болаларга хос кийимлар кийиш, сочларини эркакча турмаклашни афзал кўрмоқдалар. Уларнинг нутқида ноодатий иборалар кенг қўлланилмоқда. Чекиш, спиртли ичимликларни ичиш, дискотекаларда ўғил болалар билан биргаликда рақс тушиш, беҳаёликни тарғиб қилаётган кинофильмларни кўриш, қизлар ҳаётининг асосий мазмунига айланмоқда. Ярим яланғоч кийимлар, татировкалар, миллатимизга хос бўлмаган ноодатий соч турмаклари ҳам ўсмир ёшдаги қизлар орасида кенг тарқалмоқда. Бу эса қизларга хос анъанавий роллар ва сифатларни инкор қилмоқда.

Умуман олганда, таълим-тарбия инсон ижтимоий фаолиятининг таркибий қисми сифатида ёш авлодга миллий қадриятлар ва ижтимоий тажрибани тақдим этиш асосида уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий шакли ҳисобланади. Таълим-тарбиянинг мақсади ўқувчи-ёшларни атроф-оламга мослаштириш асосида фаол ҳаракатланишга тайёрлашдан иборат. Ушбу жараёнда ўқувчилар муайян ижтимоий маданий ҳамда гендер меъёрларни ўзлаштиришлари керак. Кенг маънода таълим-тарбия асрлар давомида ўзбек халқи яратган маданий бойликларни шахснинг ижтимоий тажрибаси ва маданий дунёқарашига сингдириш шакли ҳисобланади. Мазкур маданий дунёқараш ўқувчи-ёшларнинг онги, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

#### **Адабиётлар**

1. Сафарова Р.Г. ва б. Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмлари. - Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2018 йил, 192 бет. Б.91.

2. Андреева, Наталия Ивановна. Формирование гендерной культуры в современном обществе: философско-культурологический анализ: автореферат дис. ... доктора философских наук: 09.00.13 / Рост. гос. ун-т. - Ростов-на-Дону, 2005. - 43 с.

### **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ**

*Турсунова Бибиражаб  
Жиззах политехника институти  
хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси*

**Аннотация:** Таълим муассасаларида ва ташкилотларда, бугунги кунда хотин-қизларни сиёсий, ижтимоий - иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш, гендр тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан шунчаки, адолатли муносабат сифатида эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсишини давом эттириш, барқарорлиги ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири сифатида кўриб чиқилиши, айнан шу сабабли, бу йўналишдаги ишлар, энг аввало, жинслар тенглиги ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳақида маълумот бериб бориш

**Калит сўзлар:** Ижтимоий-ҳуқуқий, жинслар тенглиги, гендер тенглик, тазйик, зўравонлик, маслаҳат кенгаши.

**Аннотация:** В образовательных учреждениях и организациях сегодня необходимо повысить политическую, социально-экономическую активность женщин, ликвидировать все формы дискриминации в отношении них, обеспечить гендерное равенство, продолжить экономический рост страны, устойчивость и устойчивое развитие. рассматривается как одно из основных условий обеспечения всестороннего развития

страны, именно поэтому работа в этом направлении в первую очередь направлена на укрепление правовой базы обеспечения гендерного равенства.

Ключевые слова: социально-правовое, гендерное равенство, гендерное равенство, угнетение, насилие, консультационный совет.

Annotation: In educational institutions and organizations, today, to increase the political, socio-economic activity of women, to eliminate all forms of discrimination against them, to ensure gender equality, to continue the country's economic growth, sustainability and sustainable development. to be considered as one of the main conditions for ensuring the comprehensive development of the country, which is why the work in this direction is primarily aimed at strengthening the legal framework for gender equality.

Keywords: Socio-legal, gender equality, gender equality, oppression, violence, advisory board.

Таълим муассасаларида хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан оиласида ногиронлиги бўлган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишишларини амалга ошириш зарур.

Таълим муассасаларида ва ташкилотларда, бугунги кунда хотин-қизларни сиёсий, ижтимоий - иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш, гендр тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан шунчаки, адолатли муносабат сифатида эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсишини давом эттириш, барқарорлиги ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири сифатида кўриб чиқилиши, айнан шу сабабли, бу йўналишдаги ишлар, энг аввало, жинслар тенглиги ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳақида маълумот бериб бориш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш, шу билан бир қаторда, бизнинг миллатимиз кадриятлари, анъаналарини ҳам унутмаслигимиз, шарқ қизларининг одоби-ахлоқини бутун дунё халқлари тан олишини унутмаслигимиз кераклиги ҳақида ҳам айтиб ўтишимиз даркор деб ўйлайман.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги Давлат дастурларининг, Қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлашдаги ташаббускорлик ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини оммага етказиб боришни таъминлаш.

Хотин-қизлар маслаҳат кенгашииштиракчи давлатга бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари орасида гендер тенгликка эришишга муваффақ бўлинганлигини қониқиш билан қайд этади, бироқ аёллар ва қизлар ҳамон соғлиқни сақлаш, таълим ва хизматлар соҳасидаги сингари анъанавий «аёллар» таълим ва касб фаолиятини танлашидан, ҳамон табиий фанлар ва техникфанлар соҳасини танламасликларидан ташвишланади. Иштирокчи давлатнинг мактаб дастурлари ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш ниятини қайд этиб хотин-қизлар кенгашииштиракчи давлатга дастурлар ва дарсликларда аёлларга нисбатан бир қанча салбий бир тахлитдаликлар сақланиб қолаётганлигини, таълим олувчиларнинг гёши ҳисобга олинган ҳолда репродуктив саломатлик масалалари бўйича таълим дастурлари мавжуд эмаслигидан ҳамон ташвишланади.

Хотин-қизлар маслаҳат кенгашииштиракчи давлатга:

а) салбий бир тахлитдаликни устувор тартибда бартараф этишни ва шу жумладан, вақтинчалик махсус чоралар кўриш ҳамда қизларга маслаҳат бериш йўли билан қизларга анъанавий ўқув фанларини танлаш имконини бермайдиган таркибий тўсиқларни бартараф этишни, шунингдек, анъанавий бўлмаган мутахассисликлар, хусусан фан ва технологиялар соҳасида қизларга маслаҳат беришни;

б) мактаб дастурлари ва дарсликлардан бир тахлитдаликни чиқариб ташлаш учун уларни қайта кўриб чиқишни ва ўқув дастурларига репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар

масалалари бўйича таълим олувчиларнинг ёшига мос бўлган тегишли курсларни киритишни тавсия қилади.

Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши болалар меҳнатидан фойдаланмаслик, эришилган сезиларли муваффақиятларни қутлайди. Шу билан бирга:

а) аёллар учун тақиқланган касблар рўйхатидан хавотирланмокда, ушбу рўйхат ҳаддан ортик чекловчи тусга эга ва унда аёлнинг она сифатидаги роли ҳаддан ортик қайд этилади. Аёллар учун иш вақтига ҳамда ишдан кейин ва тунги “пайтда ишлашга ортикча чекловлар қўйилади, бу ўз навбатида бир қанчасоҳаларда уларнинг имкониятлари чекланишига олиб келади”;

б) меҳнат бозорида аёллар ва эркаклар ўртасидаги касб сегрегациясиницг – сақланиб қолишидан ҳамда иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторларидаги иш ўринларида аёлларнинг юқори даражада жамланишидан;

Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши иштирокчи давлатга:

а) шу жумладан давлат секторида ва хусусий секторда иш берувчиларнинг бандлик соҳасида аёлларга нисбатан камситиш тақиқланишидан хабардорлигини ошириш, аёлларга профессионал-техник тайёргарлик кўришида ёрдам бериш ва болаларни парвариш қилиш ва мактабгача таълим соҳасида хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш орқали расмий иқтисодиёт секторида уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш йўли билан аёлларнинг катта иқтисодий мустақилликка эга бўлишига доир шарт-шароитларни ташкил этиш борасида ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришни;

б) тенг кийматга эга бўлган меҳнат учун тенг ҳақ тўланишини кафолатловчи қонунлар амалиётда қўлланилишини, эркаклар ва аёллар меҳнатига ҳақ тўлашдаги тафовутни қискартириш чораларини кўришни, аёллар кўп жамланган секторларда иш ҳақи миқдорини мунтазам равишда қайта кўриб чиқишни;

с) аёллар учун тақиқланган мутахассисликлар ва профессионал фаолият соҳалари рўйхатини бундай тақиқлар оналикни муҳофаза қилиш принципларига қатъий мувофиқ бўлишини таъминлаш ва қонундан кўзланган мақсад билан мос бўлиши учун қайта кўриб чиқишни, шунингдек, меҳнат шарт-шароитлари, гигиенаси ва хавфсизлигини яхшилаш йўли билан профессионал фаолиятнинг олдин тақиқланган соҳаларида аёлларнинг ишга жойлашишини рағбатлантиришни ва соддалаштиришни

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим муассасаларидаги хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаолиятининг долзарб ва муҳимлигини ҳисобга олиб, талаба-қизларни оилага тайёрлашда, оилада бўладиган салбий ҳолатлар (тазийқлар ва зўравонликлар)нинг олдини олишда, етарли тажриба зарурлигини инобатга олган ҳолда, мутахассислар ва хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раисларининг малакасини оширишишларини йўлга қўйиш зарур деб ўйлайман.

#### **Фойдаланилган манбаалар:**

1. Интернет маълумотлари
2. Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаолиятидан

### **YANGI O'ZBEKISTONDA AYOLLARNI IJTIMOY QO'LLAB QUVVATLASH MASALALARI**

*X.A.Yulbarsova*

*FarDU, Ijtimoiy ish kafedrasi dotsenti*

*E-mail: [hurshida08yulb@mail.ru](mailto:hurshida08yulb@mail.ru)*

*I.Mirzayeva*

*Bag'dod tumani 3-IDUMI o'qituvchisi*

Respublikamiz BMTning “Xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning barcha shakllarini yo'q qilish haqida”gi konventsiyasiga, Xalqaro mehnat tashkilotining “Onalikni muhofaza qilish

to'g'risida”gi, ”Mehnat va mashg'ulotlar sohasidagi kamsitishlar to'g'risida”gi konvensiyalariga MDH davlatlari ichidan birinchilar qatorida qo'shildi. Bu hujjatlar xotin-qizlar manfaatlarini muhofaza qilish va ularning oiladagi va umuman jamiyatdagi mavqeini mustahkamlashga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar kompleksining tarkibiy qismidir.

Shu bois mamlakatimizda 2019 yilning 2 sentyabrida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining «Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida»gi qonuni mamlakatimizda gender tenglikni ta'minlashga qaratilgan yaxlit va asosiy qonun hujjati hisoblanadi. Ushbu qonun bilan ilk bor milliy qonunchiligimizda «gender» tushunchasiga ta'rif berilgan. Unga ko'ra, “gender — xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim hamda ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihat”[1] tushuniladi. Demak gender tengligi bu faqat ayollarning ustunligini ta'minlash emas, jamiyatdagi erkak va ayol jinsining teng imkoniyatlarga ega ekanligini anglatadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahnamoligida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, salomatligini muhofaza qilish, intilish va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, ularga munosib mehnat va yashash sharoitlarini yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 7 martdagi “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-87-sonli Farmonining qabul qilinganligi buning yorqin ifodasidir. Farmonga muvofiq, 2022 yil 1 sentyabrdan byudjet tashkilotlaridan boshqa barcha yuridik shaxslarda oxirgi 6 oyda uzluksiz ish staji bo'lgan ayollarga har oy uchun minimal iste'mol xarajatlari miqdoridan kelib chiqib byudjet hisobidan homiladorlik va tug'ish nafaqasi to'lanadi.

2022/2023 o'quv yilidan:

- OTM, texnikum va kollejlarda, sirtqi va kechki ta'limda o'qiyotgan xotin-qizlar kontraktlarini to'lash uchun 7 yilga foizsiz kredit berish uchun banklarga byudjetdan har yili 1,8 trillion so'm yo'naltiriladi;

- davlat OTMlarida magistraturada o'qiyotgan barcha xotin-qizlarning kontrakt to'lovlari qoplab beriladi va bunga har yili kamida 200 milliard so'm ajratiladi;

- xorijiy OTMlarga bakalavriat uchun – 50 nafar, magistratura uchun – 10 nafar xotin-qizlarga har yili “El-yurt umidi” jamg'armasi orqali qo'shimcha grantlar ajratiladi;

- har yili 2 100 nafar ijtimoiy ehtiyojmand oila vakillari, yetim yoki ota-onasining qaramog'idan mahrum bo'lgan talaba xotin-qizlarning ta'lim kontraktlari mahalliy byudjetdan to'lab beriladi;

- mutaxassisligi bo'yicha kamida 5 yil mehnat stajiga ega, lekin oliy ma'lumotga ega bo'lmagan 500 nafar xotin-qizlar har yili Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi tavsiyanomalariga asosan davlat OTMlariga umumiy kvotadan tashqari alohida test sinovlari natijalariga muvofiq kontrakt asosida o'qishga qabul qilinadi;

- davlat ilmiy tashkilotlari yoki OTM doktoranturasiga xotin-qizlar uchun har yili kamida 300 tadan maqsadli kvota ajratib boriladi [1].

Shuningdek, bugungi kunda xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash tizimini yangi bosqichga ko'tarish va ayollarning jamiyatdagi o'rnini yanada yuksaltirish va mustahkamlash, shuningdek, ularning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish, oilaviy zo'ravonlikning oldini olish, gender tenglikni qaror toptirishga qaratilgan muhim chora-tadbirlar, muhim me'yoriy huquqiy mexanizmning yaratilishi natijasida o'tgan 2021 yilda jumladan:

- 2021 yilda ayollar tadbirkorligi dasturlari doirasida 200 mingdan ziyod loyihalarga 2 trillion so'm kredit va subsidiyalar ajratilib, 320 ming xotin-qizlar doimiy ish o'rinlariga ega bo'ldi;

- 2021 yilda 190 ming nafar ayollar kasb-hunarga o'qitildi;

- 2020 yilda yo'lga qo'yilgan “Ayollar daftari” tizimi doirasida 900 mingga yaqin xotin-qizlarga ijtimoiy-iqtisodiy, tibbiy, huquqiy va psixologik ko'mak berildi;

- 2021 yilning o'zida 4 mingdan ziyod xotin-qizlarga uy-joy to'lovining boshlang'ich badaliga mablag' ajratildi;

- 2 ming nafar qiz alohida grant asosida oliygohlarga qabul qilindi, yana 1 ming 800 nafariga kontraktlari to'lab berildi. Natijada 2021 yilda oliygohlarga kirgan talabalarning 60 foizini xotin-qizlar tashkil etdi (2016 yilda bu ko'rsatkich 38 foiz bo'lgan).

- 2021 yilda 1 ming 153 nafar ayolga yuqori texnologik tibbiy operatsiyalar bepul o'tkazildi[2].

Shu o'rinda mamlakatimizda oila institutini mustahkamlash va xotin qizlarni qo'llab quvvatlash bo'yicha davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat:

xotin-qizlarning ta'lim va kasbiy ko'nikmalar olishlari, munosib ish topishlariga har tomonlama ko'maklashish, tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash, iqtidorli yosh xotin-qizlarni aniqlash va ularning qobiliyatlarini to'g'ri yo'naltirish;

gender tenglikni ta'minlash siyosatini davom ettirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularni qo'llab-quvvatlashga doir islohotlarni amalga oshirish;

hududlarda, ayniqsa, qishloqlarda xotin-qizlarga ko'rsatiladigan tibbiy-ijtimoiy xizmatlar sifatini, ular o'rtasida sog'lom turmush tarzini ta'minlash borasidagi ishlar samaradorligini oshirish;

turar joyga muhtoj xotin-qizlarni uy-joy bilan ta'minlash, turmush va mehnat sharoitlarini yaxshilash, daromadlarini ko'paytirish borasida tizimli chora-tadbirlarni belgilash;

og'ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlarga ijtimoiy-huquqiy, psixologik yordam ko'rsatish, ularni «Ayollar daftari» orqali manzilli qo'llab-quvvatlash;

jamiyatda xotin-qizlarga tazyiq va zo'ravonlikka nisbatan murosasizlik muhitini yaratish, xotin-qizlarning huquq va qonuniy manfaatlarini ta'minlash;

oilaning tarbiyaviy-ta'lim salohiyatini mustahkamlash, jamiyatda oilaviy qadriyatlarni saqlash, oilalarda ma'naviy-axloqiy muhitni yaxshilash va ularning farovonlik darajasini oshirish.

O'zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashda xotin-qizlarni tadbirkorlik faoliyatlarini qo'llab-quvvatlashda ham muhim ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 14 martdagi "Oila institutini mustahkamlash va xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha 2022 yilda amalga oshiriladigan chora-tadbirlar to'g'risida"gi 51-son yig'ilish bayoni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 31 martdagi "Xotin-qizlar muammolarini o'rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 145-sonli Qarorlari bugungi kunda xotin qizlarni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etishning tizimli asoslari yaratilganligiga misol bo'ladi.

Xotin qizlarni qo'llab quvvatlashda belgilangan ustivor yo'nalishlar quyidagilardan iborat:

1. Xotin-qizlar bandligini ta'minlash;
2. Tomorqadan daromad manbai sifatida foydalanishi uchun ko'maklashish;
3. Ularni tadbirkorlikka jalb qilish;
4. Moddiy yordam ko'rsatish;
5. Turar joy ijarasi uchun kompensatsiya to'lash;
6. Ijtimoiy uylarga joylashtirish va ularning uy-joylarini ta'mirlashga ko'maklashish;
7. Tibbiy, huquqiy psixologik yordam ko'rsatishga alohida e'tibor qaratish;

Xotin-qizlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash maqsadida oila va xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash davlat maqsadli jamg'armasi tashkil etildi. Bu jamg'arma hisobidan xotin-qizlarga tadbirkorlik sohasida quyidagi imtiyozlar berilyapti:

1)2022 yil davomida 65 mingdan ortiq tadbirkorlik qilish istagidagi xotin qizlarni tadbirkorlik ko'nikmalariga oid qisqa o'kuv-kurslariga bepul o'qitish;

- 2) Biznes boshlamoqchi bo'lgan xotin-qizlarga imtiyozli kreditlar ajratish;
- 3) Yangidan biznes boshlagan xotin-qizlarning 3 oylik ijara to'lovlarini to'lab berish;
- 4) Ularning biznes faoliyatlarini monitoringini yuritish va realizatsiyasiga ko'maklashish.

Bunday imtiyozlar xotin-qizlarning nafaqat turmush tarzini yaxshilashga, balki ularning jamiyatda munosib xayot kechirishlariga, jamiyatda va oiladi o'z o'rnini mustahkamlashga xizmat qiladi. Xotin-qizlar tadbirkorlik sohasini qo'llab quvvatlashning tizimli mexanizmlari

yaratilgan bo'lib, bu tizim ayollarni jamiyatdagi o'rnini mustahkamlashga xizmat qiladi. Xususan,

- 14 ta hududiy boshqarmalar qoshidagi o'quv markazlarda o'quvlar tashkil etib kelinmoqda. Birgina 2021 yil davomida "Yoshlar 1+1" dasturi doirasida 59 mingdan ortiq, "Ayollar daftari" ga kiritilganlardan 18 mingga yaqin xotin-qizlar o'qitildi.

- Tadbirkorlikni boshlamoqchibo'lgan xotin-qizlar uchun seminarlar tashkil etib kelinmoqda.

- Oliy majlis senati bilan hamkorlikda forumlar tashkil etilmoqda. Markaziy osiyo ishbilarmon ayollari o'rtasida B2Bonlayn uchrashuvlar tashkil etilib, tadbirda 250 nafar O'zbek xotin-qizlari ishtirok etib, bir qator to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishga erishildi hamda navbatdagi bosqichi joriy yilning avgust oyida bo'lib o'tishi belgilandi.

- Maxsulot yoki hizmatlarni realizatsiya qilishda ko'maklashish maqsadida elektron tijoratni yo'lga qo'yish bo'yicha o'quvlar tashkil etildi. Mazkur o'quvlarda 70 nafarga yaqin tadbirkor xotin-qizlar faol ishtirok etdilar.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. «Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida»gi O'RQ-562- sonli, 02.09.2019y.

2. <https://review.uz/oz/post/magistraturada-oqiydigan-barcha-xotin-qizlarning-kontrakti-tolab-beriladi>

### **O'RTA OSIYO XONLIKLARIDA YER EGALIGI MUNOSABATLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

*Xamidov Shukurullo FarDU Tarix fakulteti  
3-bosqich talabasi*

**ANNOTATSIYA:** Ushbu maqolada O'rta Osiyo hududida mavjud bo'lgan Buxoro amirligi, Qo'qon va Xiva xonliklarida mavjud bo'lgan yer egaligi munosabatlari, yerga egalik tartiblari va ularning o'ziga xos xususiyatlari haqida mavjud manba va adabiyotlar asosida fikr yuritilib, yerga egalik munosabatlarining o'xshash va farqli tomonlari haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** yer egaligi, mulk yerlari, vaqf yerlari, davlat yerlari, ijarachi, dehqonchilik, xiroj, soliqlar, maxsus yorliqlar, amir Shohmurod islohotlari.

O'rta Osiyo xonliklarida yer egaligini munosabatlari ijtimoiy - siyosiy munosabatlarning asosiy negizi hisoblangan. Bu davlatlarda siyosiy, ijtimoiy-iktisodiy va ma'naviy hayotining mohiyatini chuqur tushinib yetish uchun, avvalo ulardagi yer egaligi munosabatlarini aniqlab olish zarur. Yer va suv barcha boylikning manbasidir. Yer egaligining munosabatlari turli tarixiy davrlarda turlicha shaklda namoyon bo'lib kelgan. Har bir davlat va sulolalar o'z hukmronligi yillarida turli yer egaligi munosabatlarini joriy etib kelganlar. Masalan, davlatga, xususiy shaxslar, diniy muassasalarga qarashli yer egaligi shakllari hukmron tuzum mazmuniga qarab o'zgarib borgan. Qadimgi davrda jamoa yerlar ta'siri kuchli bo'lsa, ilk o'rta asrlarda sarkor, dehqonlarga qarashli yerlar ko'payib borgan. Bu davrda diniy tashkilotlarga qarashli yerlar vag'inze deb yuritilsa, arablar istilosidan so'ng vaqf deb yuritilgan.

Tarixiy taraqqiyotning ba'zi davrlarida hukmron sulola va davlat yerlari asosiy yer egaligi shaklida e'tirof etilsa, boshqa bir davrda xususiy yerlarning ta'siri ko'pchilik hududini egallab borgan.

O'rta Osiyo xonliklarida yer egaligining quyidagi shakllari:

1. Davlatga qarashli yoki xonga qarashli yerlar;
2. Xususiy kishilarga qarashli yerlar yoki mulk yer egaligi;
3. Diniy muassasalarga qarashli vaqf yerlari manbalarda e'tirof etiladi.

Buxoro, Xiva va Qo'qon xonliklarida yer egaligi ko'p jihatdan bir-biriga o'xshash bo'lib kelgan. Mulkchilikning asosini tashkil etgan yer-suv xonliklarda oliy hukmdor hisoblanmish amir va xonning izmida bo'lgan. XIX asr o'rtalarida Amudaryoning chap sohili ya'ni Xiva



xonligida hududida 1 mln. 966 ming tanobdan ortiq ekinzor bo'lgan. Tanob O'rta Osiyoda yer o'lchovi bo'lib, turli rayonlarda turli miqdorda yuritilgan. Manbalarda qayd etilishicha tanob bu har tamoni 60 gazga baravar bo'lgan to'rt burchakli yerdir [11,76]

Xiva xonligida jami yerlarning 85 ming tanobi davlatga qarashli bo'lgan. 165-170 ming tanobi vaqf yerlari, 1,2 ming tanob serhosil yerlar yirik mulkdorlarga qarashli edi.

Buxoro amirligida davlat yerlarining suvsiz, dasht, tuqayzor qismi ko'chmanchi jamoalarga bo'lib berilgan. Ular bu yerlardan foydalanganliklari uchun davlatga xiroj to'laganlar. Bunday yerlar sotilmagan va ayirboshlanmagan. Davlat yerlarining boshqa bir qismi yirik yer egalari, hukmron sulola a'zolariga, yirik davlat mansabdorlariga, lashkarboshlariga davlat oldidagi xizmatlari evaziga suyg'ol shaklida in'om etilgan edi.[5,200]

Buxoro va Qo'qon xonligida siyosiy tarqoqlik tufayli, markaziy hokimiyatining zaiflashganligidan foydalanib, yirik yer egalari mustaqilligi kuchayib, ular markaziy hokimiyatiga bo'ysunmay quydi.

Buxoro amirligida yangicha yer egaligi, ya'ni, "tanho" deb nomlangan shakli mavjud edi. Bu turdagi yerlar asosan harbiy xizmatda bo'lgan kishilarga in'om etilgan. Tanhodorlar faqat yerning o'ziga emas, mazkur yerlardan olinadigan daromadlarning ham egasi hisoblangan. XIX asrning birinchi yarmida tanhodorlarning soni 12 mingdan 36 ming nafarga yetgan. Eng kichik tanho yeri 3-5 gektarni tashkil etgan.

Amir va xonga qarashli yerlar bevosita davlatga, xonga qarashli bo'lib, avloddan-avlodga meros bo'lib o'tgan. Hukmdorlarga qarashli yerlarga sug'oriladigan ekinbon yerlar bilan birga, partov va adirlar, qumlik va yaylovlar, ko'l va to'qayzorlar ham qaragan. Bu kabi yerlar istilochilik urushlari, mulqdorlarning yerlarning o'zlashtirilishi hisobiga kengayib borgan. Xonga qarashli yerlar olingan hosilning 40-50 foiziga davlatga natura yoki pul hisobida soliq shaklida to'laganlar. Amlok yerlari davlat xazinasining asosiy daromad manbai bo'ldi. Amir va xonlar vaqti-vaqti bilan o'zlariga yaqin kishilar, ya'ni amaldorlar, qarindoshlariga, navkarlariga hamda din peshvoriga podsholik yerlaridan in'om tariqasida hadiya qilib turarlar. Ko'pchilik holatlarda ular soliqdan ozod etilgan.

Davlat yerlaridan dehqonlarga ijaraga berilgan qismidan xazinaga ko'p miqdorda soliq tushgan. Xususiy yer mulklari ko'pincha xonning shaxsan o'ziga, uning yaqin qarindoshlariga, yirik boylarga, saroy amaldorlariga va boshqa mulkdorlarga qarashli bo'lgan. Amirlik va xonliklarning markaziy tumanlaridagi unumdor, serhosil ekinzorlar va bog'lar mana shu mulk egalari ixtiyorida bo'lib kelgan.

Masalan, Xiva xonligida sayyohatda bo'lgan rus geografi Danilevskiy 1840 yilda mulk egalari qarashli yerlar xonlikdagi jami sug'oriladigan maydonning yarmidan ko'prog'ini tashkil etganligi ta'kidlab o'tadi. Ba'zi mulkdorlar qo'lida ikki-uch ming tanob va hatto undan ham ziyod yerlari bo'lgan. Xususan, Pitnak, Hozorasp va SHO'rxon shaharlari va ularga tutash butun qishloqlar bilan amirulumoraga tegishli edi. Muhammad Amin o'g'li Abdulla to'raga 20 ming tanobdan ortiq ekin yerlari tortiq qilingan. Sayid Muhammad Rahimxonning ishonchli amaldori Muhammad Murod devonbeganing yer mulki 50 ming tanobga yaqin edi. Yirik yer egalari o'zlariga qarashli yerlardan juda katta miqdorda daromad olganlar.

Xususiy mulk yerlari ikkiga, ya'ni, "atoyi mulk", va "yorliqli mulk" tarzda guruhlariga ajratiladi. Otadan bolaga meros qolgan yerlar "atoyi mulk" deb ataladi. Xon tomonidan in'om qilingan yerlar "yorliqli mulk" deb ataladi. Ikkinchi turdagi mulk yerlari soliq tulovlaridan ozod qilinadi.

Sayyoh N.N. Muravyov xon va uning ayonlariga qarashli yerlarni shunday tasvirlaydi: "Bu xonlikning ekinzor yerlari ajoyib manzarani tashkil qiladi: hammayoqda qo'm-ko'k dalalar, serhosil g'allalar, ariqlarning bo'ylarida tokzor va mevazor bog'lar yashnab turadi, bu yerlarning egalari mulchilikda yashaydi. Xonlikda undiriladigan turli-tuman don-dunning miqdori xalqning (ya'ni yuqori tabaqaning) ehtiyojidan ancha oshiqdir. Ularning qo'shnisi bo'lgan ko'chmanchi qabilalar: Bolqon, Mang'ishloq xalqlari, qirg'iz va turkmanlarning bir qismi, ota va taka urug'lari g'allani ulardan ulgurji sotib oladilar. Xivaliklar asosan bug'doy ekadilar, chunki ularning mamlakatida g'alla hosili juda yaxshi bo'ladi va ko'p qismi bozorga chiqarilib sotiladi."

Buxoro amirligida xususiy yerlarning bir qismi xususiy shaxslarning yerlari bo'lib, ularning bu yerlarga egalik qilishlari davlat xizmati bilan bog'liq bo'lmagan. Bunday yerlar asosan arablarga qarashli yerlar bo'lgan. Bunday yerlar soliqlardan ozod qilingan, ammo ular daromadning 1/10 qismi miqdorida o'lpon to'laganlar. Mulk yerlarining ikkinchi qismi, mulki hur yoki mulki hurri xolis deb nomlanib davlat xizmati bilan bog'liq kishilar, urushlarda jasorat ko'rsatgan yoki hukmdorning alohida topshiriqlarini bajarishda namuna ko'rsatgan shaxslarga berish natijasida vujudga kelgan. Bu kabi yer egalari maxsus yorliqlar berilib, ular barcha soliqlardan ozod etilgan.

XIX asrda ham o'rta asrlardan beri davom etgan vaqf mulki maorif va madaniyatini rivojlantirishda asosiy moddiy tayanch hisoblangan. Bu mulk shakli xonliklarda bir xil maqsadlarda, ya'ni masjidlar, madrasalar, korxonalar sarf-harajatlarini qoplashda foydalanilgan. Vaqf mulki harajati va daromati taqsimoti mutavallil qo'lida edi. Xayr-ehson qilingan moddiy boylik va ashyolar, yer-suv hisobiga daromad ko'payib borgan. Madrasa talabalariga ham vaqf mulklari hisobidan moddiy yordam berilgan.

Buxoro amirligida Shohmurod hukmronligi yillarida vaqf mulklarining miqdori ko'paygan. Amir Shohmurod darvishlik suluki tashviqotchilaridan bir edi. Shuning uchun xalq unga hurmat bilan "amir ma'sum" (begunoh amir) unvonini bergan. Samarqandning har bir madrasasiga imom, muazzim, mudarrisni o'zi tayinlagan. Talabalar va mudarrisning maoshi uchun vaqf yerlari va mulklar ajratgan. Amir Shohmurod vaqf mulki daromadlari hisobidan G'uzor tumanida madrasa va masjid qurdirgan. Buxoroning Ja'farxoja mahallasida madrasa bunyod etgan.

Faqat amir Nasrullo davrida vaqf mulk yerlarining katta qismi musodora qilinadi. Buxoroda bu davrda 103 ta madrasa, 360 masjid mavjud edi.

Xiva xonligida esa XIX asr o'rtalarida 136 ta masjid, 164 ta g'aribxona, 74 ta qabriston, 10 ta dahma, 71 ta avliyolar-muqaddas joylar, 100 dan ortiq madrasa va boshqa diniy muassasalar faoliyat ko'rsatgan. Ularga qarashli bo'lgan vaqf yerlarning umumiy hajmi 170-175 ming tanobni tashkil etgan. Jumladan, Muhammad Rahimxon madrasasiga 29,161 tanob, Muhammad Amin inoq madrasasiga 35,325 tanob yer vaqf tarzda berilgan.

Xonlik va amirlikda qadimgi davrlardan buyon qisman qishloq jamoa yerlari ham saqlanib qolgan. Bunday yerlarning harajati va daromadi qishloq oqsaqollarining qattiq nazoratida bo'lgan edi. O'rta Osiyo xonliklarida qishloq xo'jaligidagi asosiy ishlab chiqaruvchi kuch – yersiz ishlab chiqaruvchi; ijarador, batraq – dehqon va qullar edi.

Ijarador xo'jaliklarining umumiy soni taxminan mulkdorlar xo'jaligining soniga teng edi. Shuning uchun ishlab chiqarishda to'tgan o'rni jihatidan ijaradorlar mulkdorlarga baravar kelar edi. Ijaraga olgan yerning turiga qarab butun ijaradorlar uch kategoriyaga bo'lingan: Davlat yerini ijaraga oluvchilar, ular Xivada "bevatan" nomi bilan atalgan, Xususiy yerlarni ijaraga oluvchilar – koranda, vaqf yerlarni ijaraga oluvchilar – vaqfkor deb atalgan. Ijara haqidan tashqari butun ijaradorlar mulkdorlar bilan bir qatorda yer solig'i to'laganlar va boshqa majburiyatlarni ham bajarganlar. Korandalar esa o'z yerlari bilan birga uylarini ham sotib, yana turar joy uchun ham hak to'lashga majbur bo'lganlar.

Xususiy mulk va vaqf yerlarining ko'pchilligi batrak-dehqon tomonidan ishlatilgan. Huquqiy tamondan batrak-dehqon shaxsan ozod bo'lgan. Yerning yaxshi – yomonligi va boshqa sharoitlarga qarab hosilning 1/3 dan tortib 1/2 gacha ijara haqi to'lashdan tashqari, bevatan 5 tanobga bir tilla hisobidan masjidga o'ndan bir soliq, ya'ni ushr to'laganlar va turli – tuman majburiy ishlarni bajargan[7, 134].

N.V. Kislyakovning fikriga ko'ra, dehqonlar yoki mulkdorlarga tegishli bo'lishidan qat'i nazar barcha xususiy yerlar mulk degan umumiy nom bilan atalib, ular amlok hisoblangan[13, 80]. Vaqf yerlari barcha beklklarda mavjud bo'lib, Sharqiy Buxoroda ularning miqdori G'arbiy Buxorodagiga nisbatan ancha kam bo'lgan. Buning asosiy sabablari hususida to'xtaladigan bo'lsak, birinchidan, mahalliy xokimiyat bilan aholi o'rtasida uzoq vaqt (XIX asrning oxirlariga qadar) davom etgan ziddiyatli qarama-qarshilar din pishvolari qo'lida yerlarning ko'proq

miqdorida to'planishiga imkon bermadi. Ikkinchidan esa hukumat Buxoro va uning atrofdagi yerlarga katta e'tibor berib, markazdan uzoq hududlarga kam e'tibor qaratgan[12, 125].

XIX-XX asr boshlariga kelib ham mahalliy aholining qishloq xo'jaligidagi asosiy mashg'uloti dehqonchilik va chorvachilikdan iborat bo'lgan. Dehqonchilik vohaning tog' va tog' oldi hamda tekislik qismlarida yaxshi rivojlanib, dehqonchilikda bug'doy, arpa, jo'xori, tariq, no'xat, sholi, paxta; yog'li o'simliklardan zig'ir, kunjut, kungaboqar; oziq-ovqat ekinlaridan kartoshka, piyoz, sabzi, turp, lavlagi; poliz mahsulotlardan, qovun, tarvuz, bodring, pomidor va boshqalar yetishtirilgan.

Dehqonchilik obi (sug'orma) hamda lalimikor turlarga bo'lingan. Sug'oriladigan yerlarda asosan bug'doy, arpa, sholi, jo'xori, paxta, dukkakli va sabzavot ekinlari ekilgan. Ekinlar ichida maydoni ko'pligi jihatidan g'alla birinchi o'rinda turgan. Hosildorlik yaxshi bo'lgan yillari har desyatina (1 desyatina – 1,09 gektarga teng) yerdan 60 pudgacha (bir pud – 16 kg) hosil olingan. Ekin turlari ichida jo'xoridan eng yuqori – uch yuz pudgacha hosil olingan. Buxoro amirligi bo'yicha lalmi yerlar maydoni 600 desyatinadan oshiq бўлиб, бунинг 60 фоизига bug'doy, 25 foiziga arpa, qolgan qismiga esa boshqa ekinlar ekilgan. Bug'doy arpadan tashqari tariq ham lalmi yerlarga ekiladigan asosiy ekin turi hisoblangan. Surxondaryo, Surxon va Vaxsh vohalarida 15 ming gektardan oshiq maydonlarga tariq ekilgan. Tariqdan xo'jalikda keng foydalanib, un sifatida ham iste'mol qilingan.

XIX asr oxiri – XX asr boshlariga kelib amirlik bo'yicha dehqonchilik qilinadigan umumiy yer maydoni 2700 ming desyatinani tashkil qilgan. Bu davrda ham sug'oriladigan yerlar aholining ehtiyojini to'la qondira olmasdi. Aholi jon boshiga sug'oriladigan yerlar sharqiy tumanlarda 0,3 desyatina, markaziy tumanlarda 0,4 desyatina, shimoliy tumanlarda 0,5 desyatina, g'arbiy tumanlarda 0,8 desyatina, janubiy tumanlarda 0,5 desyatinadan to'g'ri kelgan. Ma'lumotlarga ko'ra, Amudaryoning yuqori va o'rta oqimida joylashgan Fayzobod, Kofrinihon, Denov, Boysun va SHerobod hududlarida ekin maydonlari ekin turiga ko'ra quyidagicha taqsimlangan: 130 ming ga, sholi – 34 ming ga, arpa – 24 ming ga, kunjut – 20 ming ga, paxta – 500 ming ga, uzumzor va bog'lar – 3400 ga, poliz va tomorqa ekinlari – 6500 ga[10, 184].

Manbalarning tahlili XIX asrda vohada dehqonchilik jadal rivojlanganligidan dalolat beradi. Ayniqsa, aohaning shimoliy hududlardagi yerlardan dehqonlar unumli foydalanganligi, qishloqlarda qarovsiz qolgan yerlarni yo'qligi ta'kidlanadi. Shuningdek, qishloqlar atrofida yashillikka burkangan bog'larning ko'pligi kishini hayrtga solishi e'tirof etiladi.

Yirik yer egalari dehqonlarga yerlarini o'z hohishlari bilan ijaraga berishgan. Beklik va amlokliklarda yerni ijaraga berish sharti bir xil bo'lmagan. Ba'zi amloklarda ijaradorlar ijaraga bergan yerdan tashqari urug'ni ham berib, buning evaziga hosilning  $\frac{1}{2}$  qismini olgan. Ijarachi olgan yerida yollanma ishchilarni ishlatish lozim bo'lsa, haqini o'z hisobidan to'lash shart edi. Ba'zi hollarda mulkdor (yer egasi) ijrachiga urug', ot yoki hukuz bermagan. Ijrachi yerga o'zining mehnat quroli bilan ishlov bergan. Ijrachi ariqlarni yollanma ishchilar yordamida tozalagan hollarda hosilning  $\frac{1}{3}$  qismini olgan, lekin bunday ijarachilar ancha kam bo'lib, butun beklikda ularning soni 50 tachaga yetishi mumkin edi. Ijarachilar ko'p hollarda olgan yerlariga o'zlari to'la ishlov bermasdan, uni ma'lum shartlar asosida mayda ijrachilarga berishga majbur bo'lishgan.

Buxoroning ba'zi bekliklari bug'doy va arpa yetishtirishda boshqa bekliklarga nisbatan oldingi o'rinda turgan. Beklik bo'yicha bir mavsumda 40 mingdan 70 ming botmongacha (XIX asrda Buxoroda bir botmon – 8 pud, ya'ni 131,044 kg ga teng bo'lgan) bug'doy va arpa hosili olingan. SHerobod shahri va uning atrofidagi dalalarga g'alla, tariq, jo'xori, arpa va paxta ekilgan. Dehqonchilikda g'alla ekini yetakchi tarmoq hisoblangan. Poshxurt va Ko'xitang tog'i oralig'ida joylashgan qishloqlar SHerobod bozorlaridan g'alla sotib olishmagan. Ular g'allani ko'p miqdorida ekishgan va hosil yig'imi paytida ortiqchasini G'arbiy Buxorodan keluvchi savdogarlarga sotishgan. Buxoro atrofida bog'dorchilik va polizchilik ishlari yaxshi yo'lga qo'yilgan edi. Bu yer aholisi boshqa joylarga nisbatan poliz mahsulotlarini yetishtirishda, ayniqsa, katta tajribaga ega bo'lishgan. Masalan, SHerobod o'zining qovunlari va qovun qoqilari

bilan mashhur bulgan. Ular Buxorodan tashqari boshqa xonliklarga, hatto Rossiyaga ham olib ketilgan.[2, 120]

XIX asrning boshlarida vohada dehqonchilikka mo'ljallangan yerlarning miqdori bu davrga oid mnbalarda aniq keltirilmagan. XIX asrning ikkinchi yarmiga kelib dehqonchilikda hosildorlikning oshib borishi bilan birga ekin maydonlari ham kengayib borgan va ularning miqdori aniqlanib, to'lov va soliqlar shunga qarab olingan[12,153]. Voha bekliliklarida dehqonchilikka mo'ljallangan yer maydoniga qarab farq qilgan. Ma'lumotlarga ko'ra, XX asr boshlariga kelib SHerobod va uning atroflarida dehqonchilik qilish uchun yaroqli yer maydonlari 15876 desyatini tashkil qilgan. Ulardan 65,9 foizini lalmi, 34,1 foizini obikor yerlar tashkil qilgan. Bu yerlarning asosiy qismiga donli ekinlar ekilgan, qolgan 5,3 foizini sholi, 13,5 foizini paxta, 3 foizini esa boshqa o'simliklar tashkil etgan.

Buxoro bekliliklarida tog' yonbag'irlari, qir va adirlarda lalmikor dehqonchilik ancha yaxshi rivojlangan. Ma'lumotlarga ko'ra, Boysun amlokligida bir yilda (mavsumda) 7 ming, Yaumchi amlokligida 2 ming botmon bug'doy va arpa yetishtirilgan. Buxoroning katta qismi tog' va qirlardan iborat bo'lganligi bois dehqonchilikda yerlarning asosiy qismini lalimi yerlar tashkil etgan. Vohaning boshqa hududlariga qaraganda sug'oriladigan yerlar tanqisiroq bo'lib, qishloq xo'jaligining asosiy ekin turlaridan hisoblangan paxta va sholi hozirgi Qumqo'rg'on va Jarqo'rg'on hududlarida, Surxondaryo sohilidagi yerlarda ko'proq ekilgan.[7 10]

Xullas, O'rta Osiyo xonliklarida yer egaligining o'ziga xos shakllari mavjud bo'lib, Buxoro va Xivada ular ko'p jihatdan bir-biriga o'xshash edi. Yerlarning quyidagi shakllari: davlat, xususiy va vaqf mulki yerlari tarzda mavjud bo'lib kelgan.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Abdulazim Somiy. Tarixi salotini mang'itiy: 1993;B.87.
2. Abduraimov M.A. Buxoro xonligida agrar munosabatlar tarixidan lavhalar. T. Fan, 1968; B.324.
3. Amir Said Olimxon Buxoro xonligining hasrati tarixi. T. Fan, 1991;B.25.
4. A'zamat Ziyo. O'zbek davlatchiligi tarixi. T. Sharq, 2000; B.312.
5. Bayoniy Y.M. Shajariy xorazimshohiy. T. Fan,1991.B 56.
6. Bobobekov H.N. Qo'qon tarixi. T. Fan, 1996; B.257.
7. Gafurov B., Proxorov N.N. Padeniya Buxarskogo emirata. – Stalinabad: Gosizdat Tadj., 1940. S. 14.
8. Jaloliddin M. Termiz tarixi. - T.: Sharq, 2001. B. 86.
9. Ibrat. Farg'ona tarixi.T. Mehnat, 1991;
10. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир в второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 184
11. Yo'ldoshev M.Y. Xiva xonligida yer egaligi va davlat tuzilishi, T, 1959; B.278.
12. Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX – нач. XX века. – Душанбе-Алм-Ата: Ирфон, 1967.
13. Кисляков Н.В. Патриархально-феодалные отношения Бухарского ханства в конце XIX-нач. XXв. – М. Л.:Изд-во АН СССР, 1962. – С. 80;

**5-ШҮҖБА. ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРГА  
АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ГЕНДЕР  
ЖИХАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАРНИНГ ҶРНИ**

---

**РАЗВИТИЕ ЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТАЦИЙ И ГЕНДЕРНЫХ  
ПРЕДСТАВЛЕНИЙ У СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ ПОДГОТОВКИ  
«ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ»**

*Талышева Ирина Анатольевна,  
канд. пед. наук, доцент кафедры педагогики  
e-mail: ira.talysheva@mail.ru*

*Асхадуллина Наиля Нургаяновна,  
канд. пед. наук, доцент кафедры педагогики  
e-mail: nelyatdkama2008@rambler.ru*

*Елабужский институт (филиал)  
ФГАОУ ВО «Казанский (Приволжский) федеральный университет»,  
г. Елабуга, Россия*

Социокультурные преобразования в России, обусловленные политическими и экономическими факторами, способствовали появлению в нашей стране новых типов образовательных организаций и форм дифференцированного обучения как возможности развития ценностных ориентаций и гендерных представлений у молодежи. Еще с распадом Советского Союза в начале 90-х годов прошлого столетия появилась возможность возрождения новых форм раздельного обучения и воспитания мальчиков и девочек – гендерного обучения. Гендерные исследования стали неотъемлемой частью современных гуманитарных наук, в том числе и педагогической науки. Кроме того, в совокупности средств научного обеспечения современного образования, теория гендерного подхода все больше утверждается как методологическое направление в педагогике [1; 2].

Гендерное равенство мужчин и женщин является глобальным приоритетом для ЮНЕСКО и неразрывно связано с ее усилиями по продвижению права на образование и поддержке достижения Целей устойчивого развития в глобальном мировом сообществе. Ежегодно в качестве дополнения к основному докладу ЮНЕСКО публикуется доклад о гендерном аспекте в образовании.

На повестке дня одного из заседаний ЮНЕСКО "Образование 2030" было отмечено, что гендерное равенство требует подхода, который "гарантирует, что девочки и мальчики, женщины и мужчины не только получают доступ к образованию и завершат образовательный цикл, но и получают равные возможности в процессе и через образование" [3].

Проблема применения форм гендерного обучения на сегодняшний день приобретает особую актуальность в связи с тем, что у современной молодежи в возрасте от 16 до 25 лет под воздействием влияния молодежной субкультуры и средств массовой информации происходит порой становление неадекватного социотипа с признаками трансгендерности. На этом этапе у молодых людей продолжается социальное становление и формирование ценностных ориентаций, которые проявляются в их идеалах, убеждениях и как следствие в поступках. Очень часто у молодых людей наблюдается стирание граней полового различия, утрачивается культура выстраивания отношений между мужчиной и женщиной.

В современной молодежной среде наблюдается трансформация нравственных ориентиров. Проявляется это как смещение нравственных ценностей от идеальных (уважение к старшим и забота о младших, вежливость, любовь к Родине, любовь к

искусству, чувство долга, верность, честность, искренность, милосердие и т.п.) к материальным (достаток, престижность в обществе, карьерный рост и т.п.).

Исследования образовательной сферы показывают, что с точки зрения ценностей гендерного равенства она нуждается в психолого-педагогической фасилитации. Именно поэтому применение гендерного подхода в образовании в настоящее время рассматривается как условие развития ценностных ориентаций и гендерных представлений у студентов направления подготовки «Педагогическое образование».

В ходе проведенного опроса студентов бакалавриата Елабужского института Казанского федерального университета направления подготовки «Педагогическое образование» в количестве 64 человек (из них 39% - представители мужского пола, 64% - женского пола) в возрасте от 18 до 22 лет были выявлены следующие данные.

Результаты проведенного опроса показывают, что наиболее значимыми для будущих педагогов являются социальные (17%), финансовые (15%) и семейные ценности (15%). Наименее значимыми для респондентов являются общественные(9%), физические (9%) и духовные(10%) ценности. Полученные данные свидетельствуют о том, что у современной молодежи материальные ценности преобладают над идеальными (Рис. 1). Это подтверждается ответом студентов на вопрос «Считаете ли вы, что у современной молодежи происходит смещение нравственных ценностей от идеальных к материальным? Из 64 респондентов ответ «да» выбрали 87%.

Если же рассматривать отношение студентов к ценностям в гендерном соотношении (муж. и жен.), то сразу можно отметить отличие предпочтений студентов мужского пола от женского (Рис. 2).




Рис. 1. Диаграмма оценки студентами Елабужского института КФУ ценностей



Рис. 2. Диаграмма распределения ценностей по степени приоритетности студентами Елабужского института КФУ в гендерном соотношении (муж. и жен.)

Из Рис. 2 видно, что приоритетными ценностями для студентов мужского пола являются профессиональные ценности, на втором месте – интеллектуальные и социальные ценности, третье место занимают финансовые ценности. Что же касается приоритетов ценностей у студенток, то на первом месте у них семейные ценности, на втором месте – финансовые, а третьем – профессиональные. Кроме того, полученные данные свидетельствуют о том, что под влиянием профессиональных и социальных установок у девушек не снижается значимость ценности семьи. Для девушек данная группа ценностей является значимой, в то время как для юношей – это значение намного ниже.

Вероятнее всего, такой выбор обусловлен спецификой подготовки к педагогической профессии с учетом ее направленности на работу с детьми.

Распределение значимости условий, оказывающих воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи, было предложено студентам оценить по десятибалльной шкале. Несмотря на незначительный отрыв между указанными в опросе условиями, полученные данные указывают на приоритетность для респондентов условия «личность молодого человека» (19%). И этот факт для нас является очевидным в силу того, что участниками опроса были молодые люди в возрасте от 18 до 22 лет, когда уровень притязаний в личностном становлении наиболее ярко проявляется именно в этом возрасте.

Вторую позицию у студентов занимают такие условия, как интернет-пространство и семья и ближний круг общения (по 18%). Незначительно уступает социокультурная среда образовательной организации (17%). Все эти группы условий (личность молодого человека, интернет-пространство, семья и ближний круг общения, социокультурная среда образовательной организации) можно отнести к внутренним. Процессы глобализации и состояние общества несколько уступают вышеуказанным условиям (по 14%), что свидетельствует о незаинтересованности студентов в принятии внешних условий, оказывающих воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи (Рис. 3).



Рис. 3. Диаграмма оценки будущими педагогами условий, оказывающих воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи

Таким образом, полученные в ходе опроса студентов Елабужского института КФУ данные свидетельствуют о полном совпадении выбора условий, оказывающих воздействие на формирование гендерных представлений у девушек и юношей – социокультурная среда образовательной организации. Наибольший разрыв наблюдается в выборе условия «личность молодого человека». Здесь данное условие занимает вторую строчку по значимости у девушек, юноши выделяют это условие на предпоследней ступени. Интернет-пространство как условие, оказывающее воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи, тоже оказалось более приоритетным для девушек, чем для юношей (Рис. 4).





Рис. 4. Диаграмма распределения условий, оказывающих воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи (по степени приоритетности) студентами Елабужского института КФУ в гендерном соотношении (муж. и жен.)

В результате проведенного исследования проблемы развития ценностных ориентаций и гендерных представлений у студентов направления подготовки «Педагогическое образование», мы пришли к выводам.

1. Влияние социокультурных условий оказывает воздействие на формирование гендерных представлений у молодежи. На возрастном этапе от 18 до 22 у молодых людей продолжается социальное становление и формирование ценностных ориентаций, которые проявляются в их идеалах, убеждениях и как следствие в поступках. Очень часто у молодых людей наблюдается стирание граней полового различия, утрачивается культура выстраивания отношений между мужчиной и женщиной. Поэтому важно сформировать ценностную ориентацию у студентов с учетом особенностей их гендера.

2. Применение гендерного подхода в образовании в настоящее время рассматривается как условие развития ценностных ориентаций и гендерных представлений у студентов направления подготовки «Педагогическое образование». Результаты опроса студентов Елабужского института КФУ подтвердили наши предположения.

3. Гендерные представления студентов направления подготовки «Педагогическое образование» формируются под влиянием учебно-воспитательной работы со студенческой молодежью. Особое внимание при этом необходимо уделить работе по развитию общественных и духовных ценностей у девушек и семейных ценностей – у юношей.

#### Список литературы:

1. Баратова, Ш. Вопрос гендерного подхода в педагогической практике (на примере системы образования зарубежных стран) / Шохсанам Баратова // ОИИ. – 2021. – №3/S. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vopros-gendernogo-podhoda-v-pedagogicheskoy-praktike-na-primere-sistemy-obrazovaniya-zarubezhnyh-stran> (дата обращения: 16.05.2022).

2. Шеймарданов, Ш. Ф. Психолого-педагогический анализ и перспективы изучения раздельного обучения в общеобразовательных школах / Ш. Ф. Шеймарданов // Педагогический журнал. – 2018. – Т. 8. – № 5А. – С. 292-300.

3. Education and gender equality // UNESCO. URL: <https://en.unesco.org/themes/education-and-gender-equality> (дата обращения: 16.05.2022)].

#### YOSHLARDA MILLIY URF-ODAT VA AN'ANALARGA AKSIOLOGIK MUNOSABATNI SHAKLLANTIRISH TENDENSIYALARI

*Mo'minov Davronjon Marifjon o'g'li*  
*Farg'ona davlat universiteti psixologiya kafedrasi o'qituvchisi*  
*Elektron pochta: [davronmominov02@gmail.com](mailto:davronmominov02@gmail.com)*

*Telefon raqami:*

*Davlatov Iqboljon*

*Farg'ona davlat universiteti Pedagogika-psixologiya fakulteti Amaliy psixologiya  
yo`nalishi 1-kurs talabasi*

Urf-odat va an'analar. Bu ikki atama o'zbek xalqiga juda ham yaqin. Negaki, o'zbeklardek urf-odat, qadriyatlarni ulug'lovchi va asrovchi xalq kamdan kam uchraydi. Binobarin, xalqimiz bunday qadriyatlarni tarixdan ardoqlab keladi. Misol uchun, ajdodlarimizdan qolgan ko'pkari, kurash, turli tuman sayillar, bahor fasli kelganda barchaning xayoliga birinchi bo'lib keladigan sumalagu ko'ksomsalar azal azaldan xalqimizning ardog'ida.

Ammo hozirgi texnologiyalar asriga kelib, yuqoridagi fikrlarni ildiziga bolta uruvchi va ko'nglimizni xira qiluvchiomillar biz yoshlar ongiga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolgani yo'q. Ayni paytda aksariyat yoshlar telefonsiz va internetsiz hayotini tassavvur qila olmay qoldi. Ushbu salbiy omillar milliy o'yinlarimizning hozirgi kunga kelib kamayib ketishiga olib kelmoqda. Ushbu maqolada yuqoridagi muammolarning yechimini izlashga harakat qilamiz.

**Yoshlik**- ushbu davr har birimizning boshimizdan o'tgan va biz bu davr haqida juda yaxshi taassurotlarga egamiz. Bu davrda inson hissiyotlarga beriluvchi, jo'shqin, shijoatli, har kimga va har narsaga oson ishonuvchi bo'ladi. Biz aynan shunday paytda yoshlarimizning nimalar bilan mashg'ul bo'layotgani, ular nimalarga qiziqayotganligi haqida o'ylab ko'rishimiz lozim.

Yoshlar ittifoqi tashkiloti bugungi kunda yoshlarning intilishlarini ro'yobga chiqaruvchi, ularni qo'llab quvvatlovchi tirgak vaifasinibajarmoqda. Butashkilot yoshlarimizni milliylikka, milliy qadriyatlarga, urf-odatlariga yanada sodiq bo'lib ulg'ayishlarida ko'maklashmoqda. Ushbu tashkilot yoshlarning yanada yuksaklarga parvoz qilishida qanot bo'lib xizmat qilmoqda. Yoshlar kelajakpoydevoridir. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ham **"Biz O'zbekistonda 3-renessans davrini quramiz va bu davrni biz Yoshlarimiz bilan birga quramiz"** deb bejizga aytmaganlar.

Ammo biz yoshlar hozirgi asr vabosi bo'lgan telefon va internetlardan boshimizni ko'tarmasak, chet el urf-odatlariga va oqimlariga ko'rko'rona ergashsak, o'z milliy qadriyatlarimizga bepisand qararak bu renessansni kim quradi? Axir, yurtboshimiz aynan bizlarga, yoshlarga, ishonch bildirmoqdalar.

Hozirgi globalizm davrida turlichaurf-odatlarva an'analarning kirib kelishi va ularning yoshlar orasida tarqalishi salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkin. Sababi, bu qadriyatlar bizning qadriyatlardan tubdan farq qiladi. Hozirda bu odatlarning kirib kelishiga qarshi turmasak, yoshlarda ularga qarshi immunitetni shakllantirmasak yaqin kelajakdabizning, ha aynan bizning farzandlarimiz o'zimizga qarshi chiqishni boshlashadi. Xalqimiz va dinimizga putur yetkazuvchi turli-tuman illatlar, urf-odatlar va g'oyalaryoshlar ongini zaharlay boshlaydi. Bu yot kuchlarni biz, sog'lom fikrli yoshlar bartaraf etishimiz zarur.

O'zbekxalqining miliy urf-odat va an'analarga nazar solaylik:

- Aytingchi, qaysi xalqda boro'zbeklardagi kabi ota-onaga, yoshi ulug'largahurmat-u kichiklarga izzat?

- Aytingchi, qay yurtda bor nahorgioshlar-u, karnay-surnaylar bilan to'y berishlar?

- Qay yurtda bor ayollarni e'zozlash, qo'ni-qo'shnicilik oqibatlari?

- Qay yurtda bor erta bahordan ko'klamni sumalak, ko'ksomsa, ko'kchuchvaralar bilan kutib olish, turli sayillar?

Milliy bayramlarimizdan biri bo'lmish Navro'zda o'zbek xalqining chinakamiga milliyligi aks etadi. Xalq sayllari, dor o'yinlari, kurash musobaqalari, lapar-u o'lanlar, ko'pkari o'yinlari o'zbek xalqining milliyligini bor bo'yicha namoyon etadi. Ana shunday milliyligimiz aks etgan turli tomoshalar va qadriyatlar dunyoning to'rt tomonidan kelgansayyohlarning e'tiborini tortib, havasini keltiradi. Egnilaridayal-yal atlas, adras, boshlarida do'ppi, sochlari mayda o'rilgan ayol timsolida beixtiyor o'zbek ayollari ko'z o'ngimizda namoyon bo'ladi. Chopon, yaktak, belida qiyiq, boshida do'ppisida esaAlpomish va Amir Temur avlodlari bo'lmish haqiqiy o'zbek yigitlari gavdalanadi.

O'zbekona to'ylerde ham o'zbek xalqining milliyligi,urf-odat va an'analari alohida o'rin egallaydi. Faqatgina bizning yurtimizdayuzlab, minglabinsonlar chaqirilib dasturxon yoziladi, noz-ne'matlar bilan mehmon qilinadi.

Nikoh va oila tushunchalari, ayniqsa, bizning xalqimizdamuqaddas sanaladi. Oila esa muqaddas qo'rg'on va jamiyatning eng katta, asosiy bo'g'ini hisoblanadi. Shuning uchun oilaga hurmat, mehr-muhabbat yoshlarimizga yoshlikdan singdiriladi. Oiladagi o'zaro iliq munosabatlar va oila a'zolarining bir-biriga hurmati ham oilaning muqaddas qo'rg'on ekanligini yana bir isbotlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, har bir xalq o'zining tarixi, milliy urf-odatlari va an'analari bilan go'zaldir. Ana shu milliylik esa barcha xalqlarning naqadar chuqur tarixga va an'nalarga boy ekanligini, madaniyati va ma'naviyati boyligini ko'rsatadi. Shuning uchun milliylikni saqlaylik va o'zligimizni yo'qotmaylik!

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

4. Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik! –Toshkent, 2021.
5. Sodiqov H., Jo'rayev N. O'zbekiston tarixi. – Toshkent, 2011.
6. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –Toshkent, 2008.

### **ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Ж. Юнусалиев*  
*Қўқон давлат педагогика*  
*институтини тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада ўқувчиларда тарих таълимида буюк аждодларимизнинг илмий мероси орқали илмий дунёқарашни шакллантиришда ёндашувни ва маълумотлар бериш тизимини ўзгартириш талаб этилиши, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришда мактаб таълимида буюк мутафаккирларнинг илмий фаолиятининг ўзига хос томонлари, улар эришган натижалар, илм олишдаги уларнинг имконияти ва қийинчиликларни ўша давр руҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш ва кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация:** Статья призывает студентов изменить подход и систему формирования информации в формировании научного мировоззрения в историческом образовании через научное наследие наших великих предков, важно объяснить и показать происхождение.

**Annotation:** The article calls on students to change the approach and system of information formation in the formation of scientific worldview in history education through the scientific heritage of our great ancestors. it is important to explain and demonstrate the origin.

**Калит сўзлар:** тарих, умумий ўрта таълим, илмий дунёқараш, илм-фан, буюк мутафаккирлар.

**Ключевые слова:** история, общее среднее образование, научное мировоззрение, наука, великие мыслители.

**Keywords:** history, general secondary education, scientific worldview, science, great thinkers.

Мактаб таълимидаги 7-синфлар учун тайёрланган “Ўзбекистон тарихи” дарслигининг тўртинчи боби “Аждодларимизнинг илмий мероси абадиётга дахлдор маънавий хазина” деб номланади ва бунда Моварауннаҳр ва Хоразмдаги маданий ҳаёт, адабиёт, диний ва дунёвий илмларнинг ривожланиши, буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, асарлари ва уларнинг жаҳон тамаддуни учун аҳамияти ёритилган. Шунингдек, илм-фан ўчоғи бўлган “Байт ал-ҳикма”нинг фаолияти ва бу масканда фаолият юритган, илмий изланишлар олиб борган буюк мутафаккирларимиз ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ушбу мавзуда ҳам ўрта асарлар Шарқ алломаларининг илмий фаолияти, илмий изланишларда эришган натижалари, жаҳон илм-фанига қўшган улуши ҳам қайд этилган. Мазкур мавзуларни ўтиш методикаси ва технологиясини такомиллаштириш орқали уларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, бу орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш муҳим ижтимоий талабдир. Бунинг учун тарих таълимини интеграциялашган таълим технологиясини ишлаб чиқиш керак. Интеграциялашган таълим муҳотида ўқувчиларнинг турли фанлардан олган билимлари ўзро солиштирилади, анализ ва синтез қилиш орқали илмий дунёқараш шакллантирилади.

Шунингдек, мазкур дарсликнинг 6-боби “XIV-XV асрларда фан ва маданиятнинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” деб номланади. Унда бу даврдаги

илмий муҳит, илм-фан тараққиёти, унга таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Улуғбек расадхонасида фаолият кўрсатган буюк аждодларимизнинг илмий фаолияти, турли фанлардан олиб борган изланишлари баён қилинган. Бироқ келтирилган маълумотлар умумий ва баландпарвоз фикрлардан иборат холос. Ўқувчиларда тарих таълимида буюк аждодларимизнинг илмий мероси орқали илмий дунёқарашни шакллантиришда ёндашувни ва маълумотлар бериш тизимини ўзгартириш талаб этилади. Чунки ўқувчи бунча кўп маълумотни ўзлаштира олмайди. Уларни ёдлаб олгани билан унчалик аҳамияти йўқ. Чунки мавзу моҳиятини англамасдан ёдлаб олинган фактлар ўқувчининг дунёқарашини ўстирмайди. Шу боис ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришда мактаб таълимида буюк мутафаккирларнинг илмий фаолиятининг ўзига хос томонлари, улар эришган натижалар, илм олишдаги уларнинг имконияти ва қийинчиликларни ўша давр руҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш ва кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, Қозизода Румий, Жамшид Косоний ва Али Қушчиларнинг илмий фаолиятини аниқ чизгилар асосида ёритиш, кўрсатиб бериш, Улуғбек расадхонаси фаолияти билан боғлиқ бирор воқеликни баён қилиш, Шамсиддин Муҳаммад Хавофий шахсиятини аниқ ёритиш орқали ўқувчида илмий фаолиятга қизиқишни ошириш мумкин бўлади. Дарсликда бўлса, буюк мутафаккир-олимларнинг исми ва асарлари берилган холос. Дарсликдаги ҳар бир мавзу жуда кўп фактлар ва исмлар, атамалар билан тўлдириб ташланган. Ўқувчиларда тарихнинг мазмуни ва герменевтик моҳиятини тушунтириш орқали уларда тарихий хотира билан боғлиқ кўникмаларни шакллантириш мумкин бўлади.

Мазкур дарсликнинг бешинчи боби “Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи” деб номланади. Унда ўқитувчи ўқувчиларни, аввало, Амир Темур шахсияти, унинг ҳарбий юришлари, жаҳон тарихий ўзгаришлар жараёнидаги ўрни ва Темурийлар салтанати тўғрисида аниқ ва асосли фикрларни ва фактларни ўқувчиларга ўргатиш билан бирга уларда Темурийлар давридаги маданий ўзгаришлар, маданий синтезлашув жараёни, миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшашларининг асосий омили нималардан иборат эканлигини ҳам тушунтириб бера олиши жуда зарур. Темурийлар даврининг жаҳон тарихида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда уларнинг маданиятлар муносабатига қаратилган сиёсати, динлараро бағрикенгликни таъминланганлиги тўғрисида ўқувчиларда тўғри хулосаларнинг шаклланиши уларда илмий дунёқарашни шаклланишига туртки бўлади.

8-синф “Ўзбекистон тарихи” дарслиги ҳам ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун мазкур дарсликда келтирилган буюк алломаларнинг илмий фаолиятини кенг қамровда, тушунарли қилиб, ғарб илмий тараққиёти билан солиштириш орқали баён қилиш самарали бўлади. Мисол учун, хонликлар даврида илм фаннинг ривожланиши, унга таъсир кўрсатган омиллар ва бу даврда яшаб ўтган илм эгалари, уларнинг илмий изланишлари тўғрисида объектив ёндашув асосида реал хулосаларни ўқувчиларда шакллантириш самарали бўлади ва ўқувчиларда илмий дунёқарашни шаклланишига таъсир кўрсатади.

9-синфлар учун ишлаб чиқилган “Ўзбекистон тарихи” дарслигининг олтинчи бўлим “Жадидлар ҳаракати ва унинг Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги аҳамияти” деб номланиб, унда жадидлар ҳаракатининг шаклланиши, ижтимоий муҳитга таъсири, маданий муносабатларнинг жонланиши, илм-фан ва тарбия масалаларини долзарблик касб этиши тарихи баён қилинади. Жадидлар ҳаракати маданий ўзгаришлар, миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенглик ва маданий хилма-хилликни тўғри қабул қилиш билан боғлиқ ижтимоий дунёқарашни шаклланишида муҳим роль ўйнади. Буни ўқувчиларга сингдириш ва бу орқали уларда илмий дунёқарашни шакллантириш муҳим педагогик вазифалардан биридир. Чунки жадидларнинг таълим-тарбия масаласидаги ўткир фикрларини замонавий таълимга сингдириш сифат ўзгаришини келтириб чиқаради. Мисол учун, жадид ҳаракати намоёндаларининг илмий-интеллектуал фаолияти, турли фанлардаги тадқиқотларининг натижалари ва уларнинг ўша давр учун, ижтимоий

ўзгаришлар учун аҳамиятини асл манбалар, мутафаккирларнинг асарларидан ўқиш орқали ўрганиш ва ўргатиш ҳам ўқувчиларда илмий дунёқарашни шаклланишига таъсир кўрсатади.

Педагогиктехнологиялар тизимидаиҳчам содда,қўллашанчаосонлиги билан “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Мунозара”, “Синквейн”, “Кластер” технолгиялари ҳаманчақўлланмоқда. “Синквейн” – дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлар тизимидамуҳимаҳамият касб этади.“Синквейн” методиўқув мақсади ва вазифаларини аниқлашбелгилашдаўқитувчи фаолияти орқали эмас, балкиўқувчи фаолият орқали амалга ошади.

Мақсадгақўраметодлар тизими:билим эгаллаш, малака ва кўникмани шакллантириш, билимларни амалётда қўллаш, ижодий фаолият,мустаҳкамлаш методи,билим, малака ва кўникмаларни текшириш методи.

**Идрок этиш методи.** Бунда билиш фаолияти характерига кўраметодлар тушинтириш, яъни иллюстратив ахборот – “рецептив” характерда бўлади. Уларнинг характерлихусусиятларибилимларнинг тайёрҳолда тавсия этишдир. Билимлар, идроклар, тушунчалар “рецепция” қилинади ва тушиниб олинади.

Репродуктив метод-билимлар тайёр тайёр ҳолдатавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки эслаб қолишга эришилади.

Эврестик метод. Бу методда билимлар мустақил равишдаэгалланади.

Танқидий метод.Бунда муаммоларбелгиланиб олинади. Билимлартадқиқи этиш жараёнидаэгалланади.

**“Кичик эссе” стратегияси.** Стратегия ўқувчилар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баёнқ илиш имконини беради.

**“Мунозара” методи.** Мазкур метод ўқувчиларни фаоллаштириш, баҳсга барча иштирокчиларни жалб қилиш мақсадида ташкил қилинади. Маълумки, умумтаълим мактабларининг одатдаги семинар машғулотларида ўқитувчи бир неча ўқувчи талаба билан ишлашимкониятига эга бўлади. Синф ва гуруҳдаги ўқувчилар эса дарсни монолог шаклида ўтганлиги сабабли зерикиб қолмайдилар.

**“Ақлий ҳужум”** усулида ижодий вазифанинг муҳокама қилиниши ва ўқувчилар томонидан унга баҳо берилиши ўқувчиларда тарихий жараёнлар, маданийтларнинг мулоқаоти, маданий синтезлашув жараёни тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилишига ёрдам беради.

“Ақлий ҳужум” усули бу босим остида ақлий куч йўли билан қабул қилинган ғояларни ҳамкорликда муҳокама қилишдир. У вақтинчалик мустаҳкамланган, жисмоний ёки руҳий чекловларнинг ўрнатилиши воситасида яратилади. Асабий зўриқишсиз инсон мияси ва қатнашувчини ихтиёрсиз ва бирдан жавоб беришга мажбур қилади. Кўп ҳолларда бу машқ тўғри ва ҳиссиётли натижа беради. Агар ундан тўғри фойдалана олинса у жуда фойдали усулдир.

“Ақлий ҳужум” – диққат-эйтибор талаб этувчи машқдир. У завқли машқ бўлиш билан бирга, жуда фойдали ва билим доирасини кенгайтиришга омил бўлади. Аммо у етарли даярада тайёрланмаган ва режалаштирилмаган бўлса, машқ ҳамманинг бир вақтнинг ўзида бақириб, қий-чуй кўтариб тўполон қилишига сабабчи бўлади. Агар ўқувчилар улар устидан назоратни йўқотиб қўйилганини ва дарс нотўғри режалаштирилганини сезишса, ўқитувчи қийин вазиятга тушиб қолади. “Ақлий ҳужум”нинг асосий стратегияси бу – етук ғояларни эслаб қолиш ва тез суръатда ишлашга риоя қилган ҳолда доим юқори даражада бўлишдан иборат. Тажрибалар шуни кўрсатдики қатнашувчиларга бирон нима гапирмасларидан аввал узоқ ўйлашлари учун кўп вақт бермаслик керак. 7 – 8-синф ёшидаги ўқувчиларда фикрлаш образлиликни, қабул қилинаётган материалнинг аниқлигини талаб этади. Шахсларда ўқувчилар меҳнатига нисбатан нуқтаи назарнинг жонланиши юз беради, шунингдек, ўқувчилар меҳнати тўғрисида билим уларнинг ҳиссиётларига таъсир этиши ортади. Бу машғулотда тинч

ҳолатда ўқувчилар ўз ҳиссиётлари ва фикрларини ифода этишларига учун “ақлий ҳужум” усулидан ҳам фойдаланилади. “Ақлий ҳужум” тинч ҳолатда яширинган ҳиссиётларни чиқаришга ёрдам беради. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланган ҳолда, кишиларнинг хаёлига илк келган фикрга, айниқса 7 – синф ўқувчиларида саволни муҳокама қилишда уни ички ҳис билан сезишларига ва янги нуқтаи назар билан ёндашишларига эътибор қаратиш лозим.

“Ақлий ҳужум” машқи давомида тезда саволларга жавоб беришларини талаб этиш лозим. Бу каби машқлар енгил ва ўзида “ҳазил”ни сингдирган бўлиши керак. Дарслар ҳиссиётга бой ва ўқувчилар учун руҳан оғирлик қилиши мумкин, вазифани осонлаштириш йўллари топишингиз лозим.

“Ақлий ҳужум” машқи қўлланилган дарс суръати назорат қилибборилади. Бу каби машқлар аудиторияни босим билан ушлаб турилган вақтда яхши самара беради. Шунингдек тарих дарсларида илмий дунёқарашни ривожлантириш жараёнида “Яшин тезлигида” усулини қўллаш ҳам яхши самара беради. Бунда барчани бирдек жалб қилиш фаол иштирок этмаётган, у қадар сўзомол бўлмаганларга тўғридан-тўғриси савол бериш тавсия этилади.

Хулоса қилганда, ўқувчиларда илмий дунёқарашни ривожлантиришда асосий эътибор қаратиладиган жиҳат илмий қизиқишларни шакллантириш учун муносиб ижтимоий муҳитни яратиш ҳисобланади. Чунки ўқувчиларда илмий дунёқараш илмий изланишлар ва фаолият муҳитида кучли ривожланади. Шу билан бирга ўтмиш аждодларимиз мероси, илмий ғоялари ва назариялари, уларнинг бугунги тамаддун ривожига қўшган улушини илм кадрланадиган таълим муҳитида янгича технология асосида ўқитиш ва тушунтириб бериш, уларга муносиб бўлиш мажбуриятини англашлари учун идеолдогик таъсир кўрсатиш механизмлари самарали бўлади. Шундай экан, мактаб таълимида ўқувчиларда илмий дунёқарашни ривожлантириш учун буюк шарқ мутафаккирларини илмий меросини содда ва тушунарли тилда тушунтириб бериш заруралиги келиб чиқади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мўминов Н. ва бошқалар. Тизимлар назариясининг илмий амалий ва методологик аҳамияти. – Тошкент: ТАТУ, 2004. – Б.216.
2. Махкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашни дидактик асослари. (7-синф тарих мисолида). – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.26.
3. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. 7-синф ўқитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.155.

### **RAHBAR TADQIQOTCHILIK KOMPETENSIYALARI TARKIBIGA QO‘YILADIGAN ZAMONAVIY TALABLAR**

*Otayeva Salamat Sabirovna  
Urganch davlat universiteti o‘qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada zamonaviy pedagog ish faoliyatida innovatsion usullardan foydalana bilishi, shuningdek rahbar tadqiqotchilik kompetensiyalari tarkibiga qo‘yiladigan zamonaviy talablar yoritilgan.

**Tayanch tushunchalar:** kompetensiya, Individual rivojlanish dasturi, kasbiy kompetentlik, shaxslararo kompetensiya, shaxsiy kompetensiya, ijtimoiy kompetentlik, maxsus kompetentlik, texnologik kompetentlik, ekstremal kompetentlik.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается использование инновационных методов в работе современных педагогов, а также современные требования к составу управленческих исследовательских компетенций.

**Основные понятия:** компетентность, индивидуальная программа развития, профессиональная компетентность, межличностная компетентность, личностная

КОМПЕТЕНТНОСТЬ, СОЦИАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ, СПЕЦИАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ, ТЕХНОЛОГИЧЕСКАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ, ЭКСТРЕМАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ.

**Annotation:** This article describes the ability of modern pedagogue to use innovative methods in their work, as well as modern requirements for the composition of managerial research competencies.

**Basic concepts:** competency, Individual development program, professional competence, interpersonal competence, personal competence, social competence, special competence, technological competence, extreme competence.

Zamonaviy mutaxassis o'z sohasining umumiy metodologik va uslubiy bilimlariga ega bo'lishi bilan bir qatorda, ish faoliyatida innovatsion usullardan samarali foydalanaolishi lozim bo'lib, muammoni tahlil qilish, katta hajmdagi axborotlar bilan ishlash, asosli va to'g'ri xulosalar chiqarish kabi ko'nikmalarni uzluksiz va tizimli tarzda rivojlantirib borishi kerak. Prezidentimiz Sh Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston strategiyasi" nomli asarida "Yangi O'zbekistonni - obod va farovon, demokratik mamlakatni, Uchinchi Renesansni barpo etishda pedagoglar, professor-o'qituvchilar, ijodkor ziyolilarni eng katta kuch, tayanch va suyanch, deb bilaman." deb aytib o'tgan.[1.b.206] Haqiqatdan ham zamonaviy pedagoglar mamlakatni ziyoli qatlami vakillari sifatida mavjud muammolarga o'zlarining bilim va tajribalari orqali yechim topa olish kompetensiyasiga ega bo'lishi kerak. Kompetensiya - shaxsning o'zaro bir-biriga bog'liq sifatlarining jamlanmasi bo'lib, samarali va unumli faoliyat ko'rsatib olinishini belgilovchi omildir.

Har qanday mutaxassis kabi pedagog ham o'zi uchun shaxsiy-amaliy xarakterga ega "Individual rivojlanish dasturi" ni ishlab chiqa olishi, u asosida pedagogik faoliyatni yo'lga qo'yishi zarur.

Individual rivojlanish dasturi (IRD) - har bir shaxs yoki mutaxassis o'zida ma'lum sifat, BKM, kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirish ehtiyojlari asosida ishlab chiqilgan shaxsiy-amaliy xarakterdagi dastur o'z-o'zini rivojlantirish shaxsning o'zida kasbiy tajriba, malaka va mahoratni takomillashtirish yo'lida aniq maqsad va puxta o'ylangan vazifalar asosida mustaqil ravishda amaliy harakatlarni tashkil etishi kerak. Pedagogning kasbiy kompetentlik sifatlariga quyidagilarni kiritishimiz maqsadga muvofiq

1. Ijtimoiy kompetentlik.
2. Shaxsiy kompetentlik.
3. Maxsus kompetentlik.
- 4, Texnologik kompetentlik.
5. Ekstremal kompetentlik.

Ta'lim menejerini tayyorlashda zarur bo'ladigan ilmiy-tadqiqotchilik kompetensiyalari modelini asosiy mazmunini bo'lajak rahbarning umumiy va kasbiy kompetensiyalari tashkil qiladi. Umumiy kompetensiyalarga (tayanch, xal qiluvchi, universal) mutaxassislar butun ta'lim jarayoni davomida va amaliyotda, tajribada erishilgan bilimlar, ayrim sohalaridan egallangan metod va terminlarni bilishga bo'lgan qobiliyatni kiritishadi. Kasbiy va ilmiy faoliyat uchun zarur bo'lgan umumiy kompetensiyalarni 3 turga ajratish mumkin: instrumental, shahslararo va shaxsiy.

Instrumental kompetensiya deganda kognitiv fikr va g'oyalarni tushunish va qo'llay bilishqobiliyati va metodologik qobiliyatlar, ya'ni ish vaqtini tashkil qilish, qarorlar qabul qilish, o'qish strategiyasini tanlash va boshqalar, texnologik ko'nikmalar (turli texnik vositalarni va kompyuterni ishlata olish) vamuayyan lingvistik ko'nikmalar tushuniladi.

Tayanch instrumental kompetensiyalardan biri axborot kompetentligi hisoblanadi. Uning mazmunini turli texnik qurilmalarni, kompyuter texnologiyalarini egallagani, turli manbalardan kerakli ma'lumotlarni olabilishi, ulardan umumlashtirilgan holda samarali foydalana olish, axborotlarni tahliliy qayta ishlashi, o'zining sohasi bo'yicha ma'lumotlar oqimini xususiyatlarini bilishi va boshqa bir qator ko'nikmalarni o'z ichiga oladi.

Instrumental kompetensiya quyidagi guruhlarga bo'linadi: bilimlarni egallashdagi kompetensiyalar; gipotezani tuzish, natijalarni oldindan ko'ra bilish kompetensiyalari;

muammolarni optimal xal qila bilish yo'llarini tanlash va ularni amalga oshirish kompetensiyalari; olingan natijalarni tanqidiy baholash va tushuntirish kompetensiyalari.

Shaxslararo kompetensiyalar ijtimoiy ko'nikmalarni va ularni amalga oshirish qobiliyatlarini tadqiqot faoliyatida qo'llashni o'zida aks ettiradi. Shaxslararo

kompetensiyalarni shakllanish darajasida tadqiqotchining jamoa bilan ishlash imkoniyatlari, shaxslararo munosabatlarni to'g'ri yo'lga qo'yish imkoniyatlarining ro'yobga chiqqanligi aks etadi. Shaxsning kommunikatsion kompetentligi (aloqaviy xabardorlik) uning ijtimoiy-madaniy kommunikatsiya jarayoniga kirishish samaradorligini, jamiyatda sub'ekt tomonidan turli funksiyalarning amalga oshirish va aktuallashtirishda faol va yetarli sharoitlar mavjudligini bildiradi.

Rahbar ilmiy-tadqiqot faoliyatida namoyon bo'ladigan shaxslararo kompetensiyalariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- turli guruhlarda ishlay bilish;
- guruhda bajarilgan topshiriq uchun ma'suliyat sezish;
- guruhdao'zaro munosabatlarni nizolarsiz tartibga solishga intilish;
- kasbiy muloqotdan qoniqishni xis qilish;
- loyiha rahbari sifatida shaxslar orasida o'zaro ta'sirni tartibga solish qobiliyatini ko'rsatish, qo'l ostidagilarga ijobiy ta'sir ko'rsatish;

Ilmiy-tadqiqotchilik faoliyatida rahbar shaxsiy kompetensiyalari quyidagilardan iborat:

- faoliyatning turli sohalarida, shu jumladan ilmiy va kasbiy soxalarda mustaqil fikrlashni namoyon qilish;
- guruh bilan ishlash jarayonida o'zining tashabbuskor bo'lishi va boshqalarning tashabbuslarni q'llab-quvvatlashi;
- kreativ fikrlashga ega bo'lish, doimo yangilikka intilish;
- tanqidiy tafakkurga ega bo'lish;
- yuqori darajadagi ahloqiy refleksiya ega bo'lish;
- o'z-o'zini nazorat qilish, o'z-o'zini tahlil qilish, o'z-o'ziga baho berish;
- irodaviy sifatlarini rivojlantirish, muvaffaqiyatsizlik holatlarida o'z hissiy ahvolini boshqara olish.

Demak, instrumental kompetensiya deganda kognitiv fikr va g'oyalarni tushunish va qo'llay bilish qobiliyatini, shaxslararo kompetensiyalarni shakllanish darajasida tadqiqotchining jamoa bilan ishlash imkoniyatlari, shaxslararo munosabatlarni to'g'ri yo'lga qo'yish imkoniyatlarining ro'yobga chiqqanligi aks etishini, ilmiy-tadqiqotchilik faoliyatida rahbar shaxsiy kompetensiyalari kreativlik, tanqidiy tafakkurga ega bo'lish, axloqiy refleksiya ega bo'lish, o'z-o'zini nazorat, tahlil qilish, irodaviy sifatlarini rivojlantirish ko'nikmalarini menejerda mavjudligidir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

7. Sh.M.Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston strategiyasi." - Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2021 y. 206.b.
8. Soares L.A «Disruptive» Look at Competency-Based Education // How the Innovative Use of Technology Will Transform the College Experience. – 2012.
9. Djo'raev R.X, Turg'unov S., Ta'lim menenjmenti. T.: "Voris-Nashriyot", 2006.
10. Друкер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке: Учеб. пособие / Пер. с англ. и ред. Н.М.Макаровой. М.: Вильямс, 2000

#### **MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI USLUBCHISINING ISH HUJJATLARI**

*Abdullayeva Dilfuza. UrDU*

*"Maktabgacha ta'lim metodikasi" kafedrasi o'qituvchisi*

Bizga ma'lumki, hozirgi kunda ta'lim tizimiga, jumladan, maktabgacha ta'lim sohasiga talab kundan-kun kuchaymoqda. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarda samarali natijalarga erishish



uchun, albatta, metodistning har bir pedagog bilan amalga oshiradigan ishlar rejasini puxta tuzishi va uni amaliyotga tadbiq eta olishi muhim jihatlardan biridir. Buning uchun u, avvalo, o'z vazifa va burchlarini aniq bilishi lozim.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Yana bir muammoni hal etish o'ta muhim hisoblanadi:bu pedagog va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarini shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur",- degan fikrlari katta ahamiyat kasb etadi. [1,45-b]. Davlat boshqaruv organlariga rahbarlik qilish, ta'limni rivojlantiruvchi dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirish har bir rahbarning bosh vazifalaridan biridir.Maktabgacha ta'lim to'g'risidagi Nizomda ham maktabgacha ta'lim muassasalarini boshqarish va kadrlar tayyorlashi shlarini omalga oshirish,rahbarning huquq doirasi kafolatida belgilab berilgan.Maktabgacha ta'lim muassasasi ustavida har bir maktabgacha ta'lim muassasasi tomonidan qabul qilingan ustaviga binoan metodistlarning ishjarayonida huquq vazifalari aniq belgilab beriladi. Har bir yosh mutaxassis ishini endi boshlayotgan yosh tarbiyachi maslahatlar olib turishi uchun unga tajribaliroq murabbiy birlashtirilishi lozim.Yosh mutaxassisning kasb mahoratini egallab olish osonlik bilan bo'lmaydi.Mana shuninh uchun ham yosh pedagog ishning ilg'or metodlari va usullarini egallashga,o'z bilimlarini doimo to'ldirib borishga,erishganlar bilan cheklanmay,tarbiya turlarini egallash ishtiyoqini singdirishga yo'llash metodisning vazifasi hisoblanadi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotida uslubchining hujjatlari 04 soni ostida berilagan.

|              |  |   |
|--------------|--|---|
| <b>04-01</b> | Davlat talablari,o'quv dasturlari va metodik qo'llanmalar  | Yngilar bilan almashtirilgandan 276-madda |
| <b>04-02</b> | Metodistning shaxsiy ish rejasi (Ish jurnali)  | 3 yil<br>124-modda                        |
| <b>04-03</b> | Maktabgacha ta'lim tashkilotida ta'lim sifati hamda pedagoglarning kasbiy malakasini oshirish bo'yicha ish rejalar | 3 yil<br>171-modda                        |
| <b>04-04</b> | Bolalarni rivojlanish xaritasining yuritilishini nazorat qilish kitobi.  | 3 yil<br>124-modda                        |

**04-01.** O'zbekiston respublikasining Maktabgacha ta'lim vazirligining 2018-yil 18-iyunda 1-MX son buyrug'i bilan tasdiqlangan (Adliya vazirligida 3-iyul 2018-yilda 3032-son bilan ro'yhatdan o'tgan) "O'zbekiston respublikasi ilk va maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yilgan Davlat talablari".

O'zbekiston RespublikasiMaktabgacha ta'lim vazirligining 2018-yil 7-iyuldagi 4 sonli hayat yig'ilishi qarori bilan tasdiqlangan "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi.

**04-02.** Metodistning shaxsiy ish rejasi (Ish jurnali)ga quyidagi bo'limlar kiritilgan:

- 1.Pedagog kadrlar attestatsiyadan o'tkazish yuzasidan qaydnomalar.
- 2.Pedagogning metodik ishlardagi ishtiroki haqida ma'lumot.
- 3.Maslahat soatlarini rejalashtirish qaydnomalari.
- 4.Ta'lim-tarbiyaviy va pedagogik jarayonlarini kuzatish qaydnomalari.
- 5.Metodistning oylik ish rejasi.
- 6.Keyingi o'quv yili rejasi.

**04-03.** Maktabgacha ta'lim tashkilotida ta'lim sifatini hamda pedagoglarning kasbiy malakasini oshirish bo'yicha ish rejalarini metodist tomonidan pedagoglarning kasbiy mahoratlarini oshirishga qaratilgan metodik o'qishlar,pedagogik minbarlar,turli mavzularda treninglar,uchrashuvlar,tadbirlar hamda yangi metodik adabiyotlarni o'rganish yangiliklarni tashkilot faoliyatiga tadbiq etish mualliflik dasturlarni ishlab chiqishga yo'naltirish kabi mavzular kiritilgan.

## **Pedagoglarning kasbiy kompetensiyasi maktabgacha ta'lim tashkilotida ta'lim sifatini oshirish bo'yicha ish reja.**

| <b>.r</b> | <b>T</b> | <b>Mavzu</b> | <b>Muddat</b> | <b>Mas'ul</b> | <b>Bajarilganl<br/>igi haqida izoh</b> |
|-----------|----------|--------------|---------------|---------------|--|
| <b>1</b>  |          |              |               |               |  |
| <b>2</b>  |          |              |               |               |  |

**04-04.** Bolalarni rivojlanish xaritasi yuritilishini nazorat qilish kitobi tashkilotdgi guruhlar kesimida tarbiyalanuvchilarning rivojlanish xaritalari asosida yuritiladi. Guruhlarda bolalar bilan yilda 3 marta kuzatish o'tkaziladi. Rivojlanish xaritasi asosida bolalarni kuzatish natijalari tahlil qilinadi. Kuzatish jarayonida 5 ta rivojlanish sohalari asosan belgilangan mezonlar bo'yicha o'zlashtirilmagan bolalar soni yoziladi. Daftarning izoh qismidakuzatish natijalarida bolalalar rivojlanishida aniqlangan bo'shliqlar asosida yakka tartibda olib boriladigan, ta'lim jarayoniga o'zgartirishlar kiritish bo'yicha vazifalar qayd etiladi.

Xulosa qilib aytgach, MTT da faoliyat olib borayotgan har bir uslubchilarning ish hujjatlarini to'g'ri yuritishni bilishi muhim ahamiyatga ega. Chunki, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida olib borilayotgan ta'lim-tarbiya va metodik ishlarni zamon talablari darajasida yangicha yondoshgan holda tashkil qilishko'p jihatdan hujjatlarni to'g'ri yuritilishiga bog'liqdir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh.M. "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". Toshkent 2017, 45-bet.

2. Maktabgacha ta'lim vazirligining 2019 yil 30 avgustdagi "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarining ish hujjatlari to'g'risida"gi 155-sonli buyrug'i.

## **O'QUVCHILARNI YOZUVGA O'RGATISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI**

### ***Maksudova Dilfuzaxon Maxamadsodiqovna. Farg'ona viloyati Quva tumani 60 - maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi***

Yozuv juda qadimiydir. Jahonda 220 xil yozuv hududlar bo'yichatarqalgan. Orfografiya grekcha so'z bo'lib, (orfog- "to'g'ri", grapo-yozaman") to'g'ri yozish ma'nosini ifodalaydi. Yozma nutqni ifodalashda grafik yozuv orqali amalga oshiriladi. Orfografik qoidalar 35millionli o'zbek xalqining so'zlar yozuvini bir xil yozma ifodalashni ta'minlaydi. Inson hayotida yozuv muhim o'rin tutadi, chunki u har kuni turli – tuman qog'ozlar va hujjatlardan foydalanadi. Bularning hammasi chiroyli va bexato yozishni taqozo etadi. Ammo qisqa muddat ichida o'quvchilarda chiroyli, tez va bexato yozish malakalarini o'stirish mumkin emas, buning uchun bir nechayillik mehnat talab etiladi. Chiroyli yozuvga o'rgatish uchun bolalarning maktabga qadam qo'ygan kunlardan boshlab izzatli mashqlar olib borish zarur.

1927 -1928 o'quv yili arab grafikasidan lotin yozuviga o'tilib maktablarga joriy etildi. 1940-41 o'quv yilining 1-sentyabridan kirill alifbosi asosidagi o'zbek alifbosida xat savod o'rgatish boshlangan. 1940 yil 1-sentabrdan yozuvga qabul qilingan kirill grafikasi ingichkava bosimli chiziqlar, kichik va katta yoysimon chiziqlar, har-xil nuqtali qayrilgan chiziqlar va boshqa murakkab shakllarga boy bo'lib, o'quvchini qiynar edi. Shuning uchun 1970 yildan kirill yozuvi soddalashtirildi.

O'zbekistonda mustaqillik qo'lga kiritilgandan keyin 1993 yilning 2-sentabrida lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosiga qayta erishildi. Umumiy ta'lim maktablarida yangi alifbo asosida ishlash bosqichma-bosqich amalga oshirildi. 1996-97 o'quv yilidan 1 -sinflarda yangi alifboda o'qitish boshlandi.

Hozirgi yozuv shrifti lotin alifbosi asosida qabul qilingan ( 1995 yil 24 avgust) bosma shakldan yozma shaklga keltirildi. Lotin yozuvidagi harflar bosmasdan yozishga mo'ljallangan; juda ko'p harflarning shakli sodda; katta harflarning shakli kichik harflarning shakliga

yaqinlashtirilgan; harflar bir maromda, qo‘lni uzmasdan bog‘lab yozishga mo‘ljallangan. Har bir harfni so‘z tarkibida ulanish usullari alohida tushuntiriladi.

Yozuvga- husnixatga o‘rgatishning vazifasi harfni, so‘z va gapni kitobdan va xattaxtdan to‘g‘ri, husnixat qoidalariga rioya qilib ko‘chirib yozish, yozganlarni tekshira olish va yo‘l qo‘ygan kamchilik va xatolarini o‘qituvchi rahbarligida yoki o‘zi tuzata olishi kerak.

Birinchi marta tovush metodi asosida toshkentlik Saidrasul Saidazizov 1902 yilda "Ustodi avval" ni yaratdi [1,20-b]. Bu darslik asosida o‘zbek xalqining katta qismi savod chiqardi va yozuvni o‘rgandi. Bog‘chasaroilik qrim-tatar millatiga mansub Ismoil Gaspirali ham tovush metodi asosida 40 kun o‘qish davomida bolalar savodini chiqarishdek ulkan ishni amalga oshirdi.

Har bir o‘quvchi u yoki bu harfni tushunib yozishi, harflarning bir-biriga nisbatini, balandligini qiyaligini avtoruchkani ushlab va to‘g‘ri o‘tirish qoidalarini yaxshi bilishi lozim. Chiroyli yozuv malakalarini o‘stirishda eng birinchi qoida bu ozodalik talablari va yozuvning qiyaligini to‘g‘ri saqlashga eslatish so‘ngra harf va harf elementlari orasidagi masofani chamalab yozish qoidalari singdirib boriladi. Bu qoidalar keyinchalik takomillashtiradi. Har bir yozuv mashqi aniq maqsad asosida oson, tushunarli olib borilishi kerak. Buning uchun chiroyli yozuvga o‘rgatishning turli usullaridan foydalanish lozim. Yozuv jarayonida yozuvni ifoda qilishning turli usullaridan foydalanish mumkin. Masalan; hoshiya chizdirish, havoda yozdirish kabilar.

O‘quvchilarni yozuvga o‘rgatishning muvaffaqiyatli natijasi bir qancha vositalarga bog‘liq bo‘lib, ularni shartli ravishda 2 turga ajratish mumkin.

1. Texnik shartlar
2. Ta‘limiy shartlar

1. Texnik shartlarga quyidagilar kiradi: o‘qituvchi bu jarayonda o‘quvchilarning grafik va orfografik ko‘nikmalarini yaxshi rivojlantirishga harakat qilishi kerak. Grafik malakalari yaxshi rivojlanmagan o‘quvchilar yozuv jarayonida tovushni harfga aylantirish, harfni yozish, ularni bir – biriga ulashda keragidan ortiq vaqt sarflaydilar. Grafik malakalarsiz to‘g‘ri yozuvlar bo‘lishi mumkin emas. Bola qanchalik chiroyli yozsa, undagi yangi narsalarni o‘zlashtirishga qiziqish ortadi. O‘z ichiga sinchkovlik va diqqat bilan qaraydi, yozuvini kuzatib boradi. Yozuvni dastlabki vaqtlarda grafik jihatdangina kuzatsa, keyinchalik orfografik jihatdan ham kuzata boshlaydi.

Ushbu shartlar bir- biriga o‘zaro bog‘liq holdat o‘g‘ri yo‘lga qo‘yilsa, chiroyli yozuvga o‘rgatishning texnikaviy shartlari bajariladi.

2. Ta‘limiy shartlar – o‘qituvchining faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan shartlar majmuasidir:

1 – sinfga qabul qilingan o‘quvchilar o‘qishning dastlabki haftalarida o‘qish va yozishga bo‘lgan qiziqishi kuchli bo‘ladi. O‘qituvchi o‘quvchilarning manashu qiziqishlarini so‘ndirmasdan maqsadga to‘g‘ri yo‘naltira bilishi zarur. Buning uchun bolalarni fiziologik va psixologik xususiyatlarini o‘rganish talab etiladi 1- sinf o‘quvchisi harfni yozayotganda shu harfning elementlariga tuzulganini, bu elementlar qayerdan qayergacha davom etishini, ularning chiziqlar orasida joylashuvini, harflarning o‘lchamini o‘ylaydi. Boshlang‘ich sinflarda yozuvga o‘rgatishning eng qulay yo‘li bu harflarni guruhlarga ajratishdir. Bu guruhlarni harflar I ning o‘xshash unsurlariga ko‘ra tasnif qilish mumkin;

Ma‘lumki o‘quvchilarning yozish sur‘ati bir xil bo‘lmaydi. Lekin shunga qaramasdan butun o‘quvchilarning yozish tezligini barobarlash chora- tadbirlarini belgilash, bir darsda yoziladigan material miqdorini aniqlab olish mumkin. O‘quvchilar barmoq muskullarining erkin harakatlanishini rivojlantiruvchi mashqlarini doimiy ravishda o‘tkazib turish ham yozuvga o‘rgatishning ta‘limiy vositalaridan biri ko‘rgazmalidir. Ko‘rgazmalilik 2 xil bo‘ladi:

- 1) Ko‘rgazmali tasvir.
- 2) Ko‘rgazmali harakat.

Ko‘rgazmali tasvir- bu o‘qituvchi tomonidan biror ta harfning yozma shakli ifodalangan bo‘lsa, shu shakl kichik hajmda, har bir o‘quvchining partasiga beriladi. O‘quvchilarning o‘zlari

harfning yozma shaklini ko‘rib, daftarlariga yozadilar. Ammo bunday ko‘rgazmalarni tayorlashda ortiqcha bezaklarga o‘rin bermaslik lozim. Bu ularni diqqatini chalg‘itishi mumkin.

Ko‘rgazmali harakat o‘qituvchi tomonidan amalga oshiriladi, bunda o‘qituvchi har bir harfning yozilish shaklini doskada ko‘rsatib izohlaydi. Ko‘rgazmali harakatning to‘g‘ri bo‘lishi uchun, avvalo o‘qituvchining o‘zi chiroyli yozuv qoidalarini, ya‘ni har bir harfning yozilish nazariy qoidalarigina emas, balki amaliy yozilishini ham o‘zlashtirgan bo‘lishi lozim.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Қосимова К., Матжонов С., Фуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Бошланғичсинфлардаонатилиўқитишметодикаси.Т., ТДПУ. 2008 20-bet.
- 2.R.Mavlonova, N.Rahmonqulova “Boshlang‘ich ta‘limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya” o‘quv qo‘llanma. G‘.G‘ulom nashriyoti. T 2013 yil.
3. Tarbiya .O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent-2010.

### BOSHLANG‘ICH SINFLARDA XALQARO BAHOLASH DASTURLARI

#### *Soyipova Zaxroxon Qaxramonovna. Farg‘ona viloyati Quva tumani 60-maktab boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi*

**Annotatsiya.** Maqolada bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini xalqaro baholash dasturlariga o‘rgatishning ta‘liy-tarbiyaviy ahamiyati, PISA, TMSS, PIRLS va TALIS testlariga ta‘rif va na‘munalar berilgan.

**Annotatsiya.** В этой статье даны примеры и определения к тестам PISA, TMSS, PIRLS и TALIS, а также образовательно-воспитательное значение международных программ оценки будущих учителей начальных классов

**Annotation.** The article provides the educational value of training future primary school teachers in international assessment programs, descriptions and examples of PISA, TMSS, PIRLS and TALIS tests.

Jahon miqyosida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini o‘quvchilarda iqtisodiy savodxonlikni shakllantirishga tayyorlash, o‘quvchilarda tejamkorlik sifatlarini tarbiyalash kompetentligini rivojlantirishning innovatsion yondashuvga asoslangan modellarini takomillashtirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Ayniqsa, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini xalqaro baholash dasturlariga muvofiq matematik va tabiiy fanlar bo‘yicha shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim jarayonini tashkil etishga maqsadli tayyorlash, iqtisodiy tejamkor interaktiv dasturiy vositalarni ishlab chiqish malakasini rivojlantirish, raqamli texnologiyalarning adaptiv variantlarini qo‘llash asosida iqtisodiy bilimlarni tarkib toptirish mexanizmlarini takomillashtirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Dunyoda bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini integrativ ta‘lim jarayonlarini tashkil etishga tayyorlash, pedagogika oliy ta‘lim muassasasi talabalarining iqtisodiy madaniyatini rivojlantirishga doir qator ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarida iqtisodiy madaniyatni rivojlantirishning innovatsion texnologiyalarini ishlab chiqish, ta‘limni axborotlashtirish sharoitida iqtisodiy bilimlarni o‘zlashtirish sifatini oshirishning pedagogik mexanizmini takomillashtirish masalalarini tadqiq etish alohida dolzarblik kasb etadi. Bu esa kredit-modul tizimi asosida boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarida iqtisodiy madaniyatni rivojlantirishga doir elektiv kurslar mazmunini takomillashtirish, bo‘lajak o‘qituvchilarda tadbirkorlik va ishbilarmonlik sifatlarini rivojlantirishning pedagogik tizimini ishlab chiqishni taqozo etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Yana bir muammoni hal etish o‘ta muhim hisoblanadi: bu pedagog va professor-o‘qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta‘lim olish, ma‘naviy-ma‘rifiy kamolot masalalari va

haqiqiy qadriyatlarini shakllantirish jarayonlariga faol ko‘mak beradigan muhitni yaratish zarur”,- degan fikrlari katta ahamiyat kasb etadi. [1;45-b.].

Bugungi kundagi ta‘lim tizimidagi eng muhimtalablaridan biri bo‘lajak o‘qituvchilarni xalqaro baholash dasturlariga mos tayyorlashdir. Avvalo Xalqaro baholash dasturlari, ularning maqsad va vazifalari bilan tanishib chiqsak.

**PISA** – Xalqaro iqtisodiy hamkorlik va rivojlantirish tashkiloti tomonidan 3 yilda bir marta o‘tkaziladigan xalqaro dastur bo‘libunda o‘quvchilarning savodxonligi va kompetensiyasi aniqlanadi. PISA 1000 ballik tizimda baholanib, turli davlatlarda 15 yoshli o‘quvchilarning o‘qish, matematika, tabiiy fanlardan olgan nazariy ma‘lumotlarini, bilimlarini hayotiy jarayonlarda, amaliyotda qo‘llash qobiliyatini baholovchi dasturdir. Ushbu xalqaro dastur 1997- yili ishlab chiqilib, 2000 yilda turli davlatlardabirinchi marta asosiy amaliyotda qo‘llangan. Bizning ta‘lim-tarbiya jarayonidagi bolalar ham 2021-yildan bu dasturga qo‘shilishga tayyorgarlik ko‘rmoqda. Bunday asosiy maqsad bolalarda XXI asr ko‘nikmalarini shakllantirish hamda, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash ya‘ni kelajak uchun mustahkam zamin yaratish hisoblanadi. Maktab o‘quvchilarining real hayotda kerak bo‘ladigan voqea-hodisalarni tahlil qilish, ulardan kerakli xulosa chiqarish va hayotda muloqotga kirishish ko‘nikmalarini qay darajada egallayotganini hamda ta‘lim tizimining bu yangiliklarga qanchalik moslashayotganini aniqlash maqsadida o‘tkaziladi.

**PISA testlari 5 ta yo‘nalish bo‘yicha o‘tkaziladi:** o‘qish, matematik savodxonlik, tabiiy-ilmiiy fanlar, hamkorlikda muammolarni hal qilish va moliyaviy savodxonlik yo‘nalishlari.

Testlaryuqoridagi yo‘nalishlarga doir o‘quvchilarning eng asosiy tushunchalarni bilishi, kerakli, bazaviy bilim va ko‘nikmalarni egallagani, ulardan hayotiy vaziyatlarda foydalana olishiga qaratiladi

Dastur asosida ko‘plab davlatlardagi ta‘lim tizimidagi o‘zgarishlar, yutuq va kamchiliklar aniqlanadi, taqqoslanadi va baholab boriladi.

**TMSS** -maktabda matematika va aniq fanlar sifatini tadqiq qiluvchi xalqaro monitoring bo‘lib, dunyodagi ko‘plab mamlakatlar ta‘lim tizimida keng tadbiiq etilmoqda. Bu har 4 yilda bir marotaba olib borilib, o‘quvchilar, maktab ma‘muriyati va o‘qituvchilari o‘rtasida qo‘shimcha so‘rovnoma o‘tkazadi va fan sohasida to‘sqinlik qilayotgan asosiy omillarni, muammolarni aniqlaydi. **TMSS** har bir mamlakatga o‘zlarining davlat ta‘lim standartlari va ta‘lim samaradorligini boshqa davlatlar bilan solishtirib ko‘rish imkonini beradi.

**PIRLS** – boshlang‘ich 4-sinf o‘quvchilarining matnni o‘qish va tushunish darajasini baholash.

**TALIS** – umumiy o‘rta ta‘lim maktablari direktorlari va o‘qituvchilari bilan so‘rovnoma o‘tkazish orqali maktabda o‘qitish va ta‘lim olish jarayonlari samaradorligini baholashni amalga oshiradi.

Hozirgi kundagi talaba ertangi o‘qituvchidir. Talabalarimiz xalqaro baholash dasturlarini bilishi shartligiga doir Respublikamizda ham muhim hujjat qabul qilingan. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda “Xalq ta‘limi tizimida ta‘lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi 997-son qarori qabul qilindi

Qarorda quyidagi vazifa belgilangan: Pedagog kadrlar tayyorlovchi oliy ta‘lim muassasalarida talabalarga o‘qish, matematika va tabiiy fanlarni o‘qitish metodikasi o‘quv dasturlarini xalqaro tadqiqotlar talablariga moslashtirish, bitiruvchi talabalarga umumiy o‘rta ta‘lim muassasalariga ishga kelishda mazkur yo‘nalishda tayyor holda kelishlarini ta‘minlash [2].

Demak, har bir talaba xalqaro baholash dasturlari, ularning maqsad va vazifalari hamda amaliy jarayonda PISA testlaridan foydalanishni bilishlari lozim.

Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari o‘quvchilarda iqtisodiy madaniyatni shakllantirishda maktabdagi o‘quv predmetlari asosiy omil ekanligini unutmasligi kerak. Turli fanlardagi mavzular, masala va misollar, topshiriqlar orqali ham boshlang‘ich sinf o‘qituvchisida ham o‘quvchilarda iqtisodiy madaniyat shakllanib boradi. Bolalarni hayotda iqtisodiy

munosabatlarni tushunishga, ular voyaga yetganlarida ko'radigan qiyinchilik va muammolarni tushunishga tayyorlash zarur.

Bolalarni tejamkorlik va iqtisod qilishga o'rgatish chindan ham murakkab. Bunday uquvga, albatta osonlikcha erishilmaydi. Chunki tejamkorlik shunchaki yirtmaslik, bulg'amaslik, tashlab yubormaslik, sindirmaslik odati emas. Bu avvalo, axloqiy fazilat, ma'naviy madaniyat ko'rsatkichidir [3;235-b.].

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'quvchilardaiqtisodiy tarbiya berishda quyidagi ma'lumotlarni vitagen ta'lim bilan maqbul ravishda masalan, non, suv, elektr kabilarni asrash, tejamkorlikka o'rgatish yo'llarini bola tilida, sodda va aniq qilib bayon qilishni o'rganishlari lozim.

O'quvchilar iqtisodiy madaniyatini rivojlantirishga va vitagen ta'limiga doir masalalarni quyidagicha turkumlashimiz mumkin:

- a) tejamkorlikka doir masalalar;
- b) baho, miqdor va pulga doir masalalar;
- c) oila daromadiga doir masalalar;
- d) kasb-hunarga doir masalalar;
- e) ijara hisobiga doir masalalar.

Masalan, tejamkorlikka doir masala:

1. Buzuq jo'mrakdan bir soatda 18 l suv oqib ketmoqda. Shu jo'mrakdan bir sutkada, 30 kunda qancha litr suv bekorga oqadi?

Yechish:

a) jo'mrakdan 1 sutkada qancha suv oqadi?  $18 \text{ l} * 24 = 432 \text{ l}$ .

b) 30 kunda qancha suv oqadi?  $30 * 24 = 720$   $720 * 18 \text{ l} = 12960 \text{ l}$ .

2. Binoda ehtiyoj bo'lmasa – da, bir kuni 2 soat davomida lampochkalar yoniq qolgan. Bunga ikki kilovatt – soat elektr quvvati sarflanadi. Bunday binolar shaharda 2500 ta ekanligi aniqlandi. Bir kilovatt – soat elektr quvvati 11 so'm 30 tiyin bo'lsa, bir soat davomida necha so'm behuda elektr sarflangan?

Yechish:

a) binolardagi lampochkalar necha soat yoniq qolgan?  $2500 * 2 = 5000$  soat.

b) bir soat davomida necha so'm behuda sarflangan?

$11 \text{ so'm } 30 \text{ tiyin} = 1130 \text{ tiyin}$   $1130 * 2500 = 2825000 \text{ tiyin} = 28250 \text{ so'm}$ .

Ona tili, o'qish darslarida tejamkorlik haqida maqollar yozdirish ham ahamiyatga ega. Yotib yeyishga tog' ham chidamaydi. Saqlasang-ming kunlik saqlamasang-bir kunlik. Hisobni bilmagan hamyonidan ayrilar. Toma-toma ko'l bo'lur, tommay qolsa cho'l bo'lur.

Xulosa qilib aytsak, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'quv predmetlariga doir darsliklarni chuqur o'rganib, undagi topshiriqlarni tahlil qilib, xalqaro baholash dasturlariga doir amaliy faoliyatga tayyorlanishi muhim ahamiyatga ega.

Iqtisodiy tushunchalar majmuasini shakllantirish texnologiya mazmunini takomillashtirishning eng muhim tarkibiy qismlaridan biri sifatida namoyon bo'ladi. Bo'lajak o'qituvchi iqtisodiy tushunchalar mohiyatini qanchalik to'liq va atroflicha tushunib yetgan paytdagina iqtisodiy sohadagi faoliyatini rejali va samarali olib bora oladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh M "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". O'zbekiston. Toshkent, 2017. 45-bet.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Qarori.

3. Xudoyqulov X.J. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini tarbiyalashda iqtisodga oid tushunchalarni shakllantirishning nazariy va amaliy asoslari. Ped.fan.nom. ... diss. – T.: 2008. –B. 235.

## OILAVIY NODAVLAT MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINI TASHKILLASH HUQUQIY-IQTISODIY FAOLIYAT

*N.M.Quchqorova UrDU.  
"Maktabgacha ta'lim metodikasi"  
kafedrası dotsenti, PhD*

Respublikamizda Prezidentimiz tomonidan yosh tadbirkorlarga katta e'tibor berilayotgan hozirgi davrda barcha sohadagi tadbirkorlar qo'llab- quvvatlanmoqda. Jumladan, maktabgacha ta'lim sohasida ham tubdan o'zgarishlar amalga oshirilib, sohani rivojlantirish maqsadida tadbirkorlarga imkoniyat va katta imtiyozlartaqdim qilinmoqda. Oliy ma'lumotli maktabgacha ta'lim mutaxassisleri esa davlat MTT larida yoki boshqa soha tadbirkorlari tomonidan tashkil qilingan xususiy MTT larda tarbiyachi bo'lish bilan chegaralanib qolmoqda. Ulardagi iqtisodiy, huquqiy bilimlarning sustligiya'ni biznes loyihalarni amalga oshira olmaslik, bankdan imtiyozli kredit olishga yetarlicha huquqiy ko'nikmalarga ega emaslik hozirgi kunning dolzarb muammolaridan biri hisoblanmoqda.

Yurtimizda kelajak avlodning sog'lom har tomonlama yetuk, barkamol avlod qilib o'stirish uchun juda ko'plab shart-sharoitlar yaratilgan. Yosh avlodning jismonan, aqlan, ma'nan, ruhan rivojlanishini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini yanada rag'batlantirish va rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida" gi 2018-yil 5-apreldagi PQ-3651-sonli qarori qabul qilindi. Uni amalga oshirish maqsadida Vazirlar mahkamasining 2018-yil 30-iyuldagi 595-sonli qarori "Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari hamda oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyati bo'yicha ruxsatnoma berish tartibi to'g'risida nizomlarni tasdiqlash haqida" qabul qilindi [1;595].

Bu bilan yosh avlodning kelajagini yanada mustahkamlash, ularni maktabga tayyorlash, ta'lim berish va tarbiyalash uchun yana bir qadam qo'yildi.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari ham davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari kabi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga va qonunlariga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon, qaror hamda farmoyishlariga amal qiladi.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari yosh avlodni har jihatdan rivojlantirishga ularga ta'lim va tarbiya berishda quyidagi muhim jihatlarni o'z zimmasiga oladi:

- yosh avlodni yurtimizninginsonparvarlikan'anasiga, xalqimizning yuksak ma'naviyatiga sadoqat tuyg'ularini shakllantirish;

- yosh avlodning jismoniy rivojlanishini, intellektualsalohiyati, axloqiy, estetik rivojlanishini mukammal darajada ta'minlash;

- ta'lim tarbiya jarayonini tashkil etishda eng zamonaviy texnologiyalarni hamda yangi ta'lim dasturlarini joriy etish va foydalanish;

- yosh avlodning sog'ligini mustahkamlash, hayotini muhofaza qilish;

- bola shaxsini sog'lom, barkamol, yetuk, maktabda o'qishga har jihatdan psixologik, fizilogik jihatdan tayyorlangan tarzda shakllantirish kabi muhim jihatlarni vazifalarni o'zida jamlaydi.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari ta'lim-tarbiya jarayonlarining o'ziga xos jihatlaridan bittasi tarbiyaning oila muhiti bilan chambarchas bog'liq holda olib borilishidir. Zero, buyuk allomamiz Abdulla Avloniyning quyidagi fikrlari ham buning yaqqol dalili desak mubolag'a bo'lmaydi: "Al-hosil, tarbiya bizlar uchun yo hayot, yo mamot, yo najot – yo falokat, yo saodat – yo razolat masalasidir" [3;45-b].

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlaridata'lim va tarbiya jarayonining ishtirokchilari tarbiyachi, yordamchi tarbiyachi hamda ota-onalar bilan kelishilgan holda o'qituvchilar, murabbiylar, va tibbiyot xodimlari hisoblanadi. Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim va tarbiya jarayonlarini tashkil qilishda tarbiyalanuvchilar sonidan kelib chiqqan holda 4 nafar tarbiyachi va yordamchi tarbiyachilar jalb etiladi.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari muassislari yakka tartibdagi tadbirkor bo'ladi. Bunda ta'lim-tarbiya jarayonini amalga oshirish uchun undan litsenziya talab etilmaydi. Ta'lim-tarbiya faoliyatini olib borish uchun tadbirkorlarga ya'ni muassisga tegishli bo'lgan uy(turar joy) yoki davlat organlari tomonidan ro'yxatdan o'tgan yoki qonunchilikda belgilangan boshqa asoslarga ko'ra foydalanish imkoni bo'lgan turar va noturar joylarda amalga oshirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida 3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan 7 dan 50 nafargacha bo'lgan bolalarga ta'lim va tarbiya beriladi. Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotini tashkil etish uchun mo'ljallangan uyda yosh avlodning ta'lim va tarbiya olishlari olishlari hamda sog'lom o'sishi uchun barcha zarur shart-sharoitlar bo'lishi, ushbu binoning yong'in xavfsizligi hamda sanitariya emidemiologiya xizmatining sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlariga mos bo'lishi kerak.

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiya mazmuni maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablariga asosan ishlab chiqilib, O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi tomonidan tasdiqlangan yoki tavsiya qilingan dasturlar bilan olib boriladi. Va albatta, oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari o'zining variativ ishlab chiqqan dasturidan (mualliflik) foydalanishi mumkin. Ushbu dasturlarni tasdiqlab foydalanishga ruxsat berish O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi tomonidan amalga oshiriladi. Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o'z mualliflik dasturlarida ta'lim-tarbiya jarayonida milliy, etnik va diniy adovatni targ'ib etishga qaratilgan buzg'unchilik g'oyalari aks aks ettirishga yo'l qo'ymaydi.

Xulosa qilib aytganda, oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarini tashkillash iqtisodiy-huquqiy faoliyat mahsuli bo'lib, bolalar qamrovnikengaytirishda muhim ahamiyatga ega. Chunki barcha bolalarni ham davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlariga qamrab olishni iloji yo'q. Har bir oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyachilarining bilim, ko'nikma va malakalarini oshirish uchun davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari birikirilgan. Bu bilan ko'p natijalarga erishish mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 30.07.2018 yildagi 595-son <https://lex.uz/docs/-3843060>
2. O'zbekiston Respublikasi Nodavlat maktabgacha ta'lim muassasasi to'g'risidagi Nizom. T., 2017
3. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – Toshkent, O'qituvchi, 1992. 45-b.
4. F. Qodirova. Maktabgacha pedagogika. – Toshkent, Tafakkur nashriyoti, 2019

#### **MAKTABGACHA YOSHIDAGI BOLALARNING SENSOR TARBIYASI**

*Abdullayeva Dilfuza UrDU.*

*“Maktabgacha ta'lim metodikasi” kafedrasi o'qituvchisi*

Milliy til millatning eng katta boyligi va iftixoridir. U millatning ezgu fikr va niyatlarini, uning dilini namoyon etish vositasidir. Maktabgacha yoshdagi bolalar va o'quvchilar nutqiy muloqotiga oid sotsiopsixolingvistik xususiyatlar tadqiqi ta'lim-tarbiya jarayoni bilan bevosita bog'liq bo'lib, yurtboshimiz SH. Mirziyoyevning tashabbuslari bilan maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar olamiga, ularning har tomonlama rivojlanishiga katta e'tibor qaratilmoqda. Xususan, birinchi Prezidentimizning barkamol avlod faqat tarbiyasi bilangina emas, balki bilimdon, ma'naviy jihatdan yetuk farzandlari bilan ham jahonni qoyil qilishi lozim” degan fikrlari ham bejiz aytilmagan.

Nutqi to'liq rivojlanmagan maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar nutqini faollashtirishda sensor tarbiya bolalar nutqini rivojlantirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Maktabgacha



ta'limyoshidagi bolalarda nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarda nutqiy idrok faoliyatlarining rivojlanmaganligini aniqlagan holda biz o'z tadqiqotimizda maktabgacha tarbiya yoshidagi nutqi to'liq rivojlanmagan bolalar nutq faolliginirivojlantirishda sensor tarbiyaning ahamiyati zarurligini aniqlab, bolalarda sezgi, idrokni rivojlantirish orqalnutq malakasinihosil qilishni tadqiqotimizning vazifasi deb bildik.

Maktabgacha tarbiya yoshidan boshlab sensor tarbiyani to'g'ri olib borish har bir tarbiyachi, logoped, defektologning vazifasidir. Sensortarbiya nima? U tevarak-atrofdagi borliqnibilish sezgi va idrokka asoslanadi.Tasavvurning asosini bevosita sezish orqali idrok qilish tashkil etadi. Sensor tarbiya- sezgi va idrokni biror maqsadga qaratilgan holda rivojlantirishdir.

Borliqni bilish sezish, idrok qilishdan boshlanadi.

Kichik maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar aqliy bilimlarining 9.10 qismini sezish orqali idrok etilgan taasurotlar tashkil etadi. Sezgi va idrok qanchalik boy bo'lsa, insonning tevarak-atrofdagi olam haqidagi tasavvurlari shunchalik keng bo'ladi. Maktabgacha tarbiya yoshi davri bolalarning sensor jarayonlarini rivojlantirish davridir. Sensor tarbiya buyumlarni chuqurroq idrok etish, ularni ushlab, ular bilan muomalada bo'lganda xilma-xil sezgilarning ishtirok etishi bilan muhimdir.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalaryoshi ulg'ayib, hayotiy tajribalari ortishi, sharoitlarining o'zgarishi bilan ularning idrok etish xususiyatlari rivojlanadi, ularga qo'yilgan talablar ham murakkablashib boraveradi.Bolalar ulg'aygan sari narsalarning katta-kichikligini, chuqur yoki yuzakiligini, piyola yoki taqsimchalarni farq qila boshlaydilar. Ular idishlarning og'irligini, sirtining silliqiligini, ushlaganda issiq yoki sovuqligini sezish orqali idrok qiladilar.Biz o'z tadqiqotimizda nutqi to'liq rivojlanmagan 2-3 darajadagi bolalar nutq faoliyatini faollashtirishda ular idrok qilish qobiliyatlarining holatini tekshirdik.Tekshirishda 25 ta nutqi to'liq rivojlanmagan bola qatnashib, ularga biror-bir maqsadga qaratilgan rasm chizish, plastilindan buyumlar, applikatsiyalar yasash, shuningdek, rasmni chizishdan oldin buyumlarning rangiga qarab taqqoslash talab etiladi.Bolalarga tabiatda bo'ladigan o'zgarishlar, qish, bahor, yoz, kuz fasllari, yil davomida ularda qanday o'zgarishlar bo'lishi, har bir faslning o'ziga xos xususiyatlari, buyumlarining shakli, o'lchash uchun ko'rgazmali materiallar berilib, jonli-jonsiz tabiatdagi hodisa va narsalar qanday, nima uchun degan savollarga bolalar ayrim buyum, narsalarni ushlab ko'rib eshitib, taxminiy bilib javob berdilar.Tekshirishda 2-3 darajali nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarning frazali va bog'langan nutqi rivojlanmaganligi uchun tushuntirib berishda qiynalganligi, lug'at, so'z boyligi, kambag'alligi ko'rindi. Nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarda lug'at boyligining yetishmasligi natijasida idrok qilish qobiliyatlari rivojlanmaganligining guvohi bo'ldik. Bizga ma'lum ki, nutqi to'liq rivojlanmagan bolalardanutqning rivojlanmaganligi3 ta darajada kuzatiladi:

1- darajadagi nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarda nutqsizlik ayrim tovushlarga taqlid qilish bilan, o'z fikrlarini bildirish bilan kechadi.

2-darajada esa frazali nutq (jumla tuzish) rivojlanmagan, lug'atida ot, sifat, son yetarli rivojlanmagan bo'ladi.

3-darajali nutqi to'liq rivojlanmagan bolalar da lug'at, so'z turkumlari yaxshi rivojlanmagan. Ular mustaqil rasmlarga qarab gapiribbera olmaydilar. Tevarak-atrofdagi narsa va hodisalarnita`riflashda qiynaladilar. So'zlarni bir-biri bilan bog'lab gapirib bera olmaydilar.Biz nutqi to'liq rivojlanmagan bolalar nutq faoliyatini o'rganib, lug'at boyligini rivojlantirishni sensor tartibda, ya`nihar bir narsa va hodisani idrok etish orqali lug'at boyligi, jumla tuzish va bog'langan nutqni rivojlantirish ustida korreksion ishlar olib borilishi zarur, degan xulosaga keldik.Olimlarning aniqlashicha, duduqlanish asosan 2 yoshdan 4 yoshgacha bo'lgan vaqtda, ya`nibola gapira boshlagan vaqtda paydo bo'larkan. Keyin bolalar o`rtasida duduqlanish ko`rsatkichi pasayib, maktab yoshiga etgach yana ortadi. Bunga sabab bola maktabga borganda o'ziga begona bo'lgan sharoitga tushishidir. Bu vaqtda bolaga e`tiborkuchayadi, talablar oshadi (o'qish bilan bog'liq).Eng qizig'i, qishloq joylarda yashovchi bolalar orasida duduqlanish shahardagi tengqurlari orasidagidan ancha kam bo'lar ekan.

Bundan tashqari, duduqlanish rivojlangan mamlakatlarda ko'proq uchrarkan. O'g'il bolalar orasida duduqlanish qizlardan uch baravar ko'proq bo'larkan. Bularning barchasi ya'ni bolalar nutqining o'sishi va undagi nuqsonlarning paydo bo'lishi ham bola nutqining sensor tarbiya bilan qanchalik bog'liq ekanligini ko'rsatadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Karimov I. Barkamol avlod orzusi. -Toshkent: Sharq, 1999. - B. 92.
2. Qodirova F.R., Toshpo'latova SH.Q., Kayumova N.M., Agzamova M.N. "Maktabgacha pedagogika" T.: Tafakkur, T- 2019.
3. Xoshimov K., Nishonova. S. Pedagogika tarixi - T.: A.Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005 y. 287-297-6.
4. Yo'doshev J.F., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari:-T.: "Tarbiyachi", 2004 y.

### **JAMIYATDA AYOLLAR HAMDA ERKAKLARNING GENDER TENGLIGI**

*Nasritdinova Madina*  
*Farg'ona davlat universiteti "San'atshunoslik" fakulteti*  
*Musiqqa ta'lim va madaniyat yo'nalishi kafedrasi o'qituvchisi*  
*Abduqodirova Donoxon,*  
*Farg'ona davlat universiteti "San'atshunoslik" fakulteti*  
*Musiqqa ta'lim yo'nalishi 3-kurs talabasi*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada jamiyatimizda ayol va erkaklarning gender tengligi, ularni jamiyatimizda huquqlari, munosabatlarning birgalikdagi faoliyati to'g'risida so'z yuritilgan. Shu jumladan bu masalalarda yuzaga keladigan muommolarni bartaraf etish to'g'risidagi chora – tadbirlari ko'rish va ularni amaliy qo'llash masalalariko'zda tutilgan.

**Kalit so'zlar:** gender tenglik, qonun, huquq, munosabat, ayol – erkak, pakt, xotin – qizlar.

Ma'lumki, 2019 yil 2 sentyabrda qabul qilingan "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasining qonuni xotin-qizlarning jamiyatdagi o'rniga qaratilgan huquqiy himoya, huquqiy kafolat sifatida ma'qullangandi.

Quvonarli tomoni shundaki, ming yillardan buyon jamiyatda ayol va erkak o'rtasidagi tengsizlik va uni hal etish masalasi hamisha dolzarb bo'lib kelgan huquqiy munosabatlarning nechog'lik dolzarbligiga qaratilgan qonundir. Jumladan, qonunning 1-moddasida qayd etilganidek, qonunning maqsadi xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat.

To'g'ri, hozir biz yashayotgan davr yangilanayotgan O'zbekistonning islohotlarida inson manfaatlarining ustunligiga qaratilgan bir paytda, hali ham oilaviy nizolarning juda katta qismi erkaklar tomonidan ayol huquqlarining tan olinmaslik holatlari shuningdek, ayrim holatlarda jamiyatda ham xotin-qizlarning huquq hamda imkoniyatlariga yetarlicha ahamiyat berilmayotgani haqiqatdir.

Ana shunday salbiy holatlarga qarshi mazkur qonunning 2-moddasida "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risidagi qonun hujjatlari ushbu Qonun va boshqa qonun hujjatlaridan iboratdir. Agar O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida O'zbekiston Respublikasining xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilganidan boshqacha qoidalar belgilangan bo'lsa, xalqaro shartnoma qoidalari qo'llanilishi" belgilangan.

Shuningdek, qonundagender tushunchasi ham qayd etilgan bo'lib, unga ko'ra, gender—xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim hamda ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihati ko'rsatilgan. Demak, gender tushunchasi faqat ayollar manfaatlarini ifodalamaydi. Balki har ikki jins vakillarining o'z orzu va maqsadlari sari

dadil odimlashi, hayot sifatini oshirish uchun bir xil imkon berish kerakligini ilgari suradi, xolos. Aynan rivojlangan jamiyatning talablaridan biri bu erkak va ayol huquqlari tengligining ta'minlanishidir.

Darhaqiqat, qadim yunon Suqrot, Arastu, Aflotun kabi olimlari eng yaxshi davlat sifatida jamiyatda tenglik va adolat hukm surgan polisni nazarda tutishgan. eng yaxshi qonunlar sifatida ham barcha tengligini kafolatlagan qonunlarni ilgari surishgan. Erkak va ayollar tengligi g'oyasini yunon olimi Antifont o'z asarlarida qo'llagan holda: «Tabiat barchani: ayollarni ham, erkaklarni ham teng qilib yaratadi, lekin odamlar insonlarni tengsiz holatga soluvchi qonunlarni ishlab chiqishadi», deb ta'kidlagan. Sharq qomusiy olimlardan Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri" asarida tenglik hukm surgan davlatni fozillikka intilgan davlat sifatida qayd etgan bo'lsa, 1791 yilda Olimpiya De Guj tomonidan tayyorlangan fuqarolik va ayol huquqi deklaratsiyasida ilk bor ayollarning erkin fikrlash va o'z fikrini bildirish huquqiga ega ekanligi e'tirof etilgan. Gender tengligining huquqiy rivojiga e'tibor beradigan bo'lsak, eng avvalo, gender tenglikning huquqiy asoslari xalqaro va milliy qonunchilik tarixiy-nazariy va huquqiy jihatlarini tahlil etish joiz. Albatta, barchamizga ma'lumki, 1948 yilda BMT Bosh assambleyasi tomonidan qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasida erkak va ayollarning tengligi alohida e'tirof etilgan bo'lib, Deklaratsiyaning 1-moddasida «Hamma odamlar o'z qadr-qimmatini hamda huquqlarida erkin va teng bo'lib tug'iladilar. Ularga aql va vijdon ato qilingan, binobarin birbirlariga nisbatan birodarlik ruhida munosabatda bo'lishlari kerak», deya ta'rif berilgan. BMT tomonidan 1966 yilda qabul qilingan yana bir xalqaro hujjat – Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro paktning 3-moddasida ta'kidlanishicha, «Mazkur paktida ishtirok etuvchi davlatlar erkaklar va ayollar uchun ushbu Paktga ko'rib chiqilgan barcha fuqarolik va siyosiy huquqlardan bir xilda foydalanishini ta'minlash majburiyatini oladi». Aynan mazkur xalqaro norma "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida" qonunning 2-moddasida "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risidagi qonun hujjatlari ushbu Qonun va boshqa qonun hujjatlaridan iboratdir", - degan moddaning amaliy va huquqiy asosidir. Demak, yuqorida qayd etilgan xalqaro hujjatlarni ratifikatsiya qilgan mustaqil davlatimiz xalqaro huquqning umume'tirof etilgan talablaridan kelib chiqib o'z milliy qonunchiligida ayollar va erkaklar tengligi masalasiga jiddiy ahamiyat berishining sababi ham asoslidir.

Mazkur asosning yana bir huquqiy kafolati bu O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 46-moddasida «Xotin-qizlar va erkaklar teng huquqlidirlar», deb belgilanganligidir. Demak, gender tengligining ham xalqaro huquqiy ham, konstitutsiyaviy huquqiy asosi kafolatlangan. Gender tengligi ijtimoiy tenglikni ham anglatadi. Bunday tenglikni ta'minlash uchun Konstitutsiya va qonunlarga zarur qoidalarni kiritishning o'zi kifoya emas. SHu bois ham, "Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish"ga alohida e'tibor qaratilgan. CHunki, mana shunday sinovli kunlarda, ya'ni karantin davrida hamshifokorlar, ichki ishlar, hatto Milliy Gvardiya xodimalarining erkaklar bilan yelkama-yelka turib ishlashganining guvohi bo'ldik. Karantin bo'lishiga qaramay, tibbiy niqoblar, tibbiy kiyim-kechak, zarur vositalarni zudlik bilan yetkazish uchun tadbirkorlik ishlarini yo'lga qo'yishganining boisi, biror bir tez tibbiy yordam ko'rsatishda uzulishlar, yetishmovchiliklar bo'lmaganining guvohimiz. SHifokorlarimizning azaliy Gippokrat qasamyodi hammaga ma'lum. Kunu-tun inson salomatligi yo'lida xizmat qilgan shifokorlarimizning mashaqqatli mehnati evaziga sog'aygan fuqarolarimizning xursandchiligining ham guvohimiz.

Ana shunday izchillik bilan amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar natijasida jamiyatimizda tinchlik va iqtisodiy barqarorlik ta'minlanmoqda. Kundalik hayotiy tajriba shuni ko'rsatmoqdaki, xalq farovonligida, jamiyat tinchligida hamda iqtisodiy barqarorlikda erkak va ayolning teng huquqliligi muhim o'rin tutadi. Gender tengligini ta'minlash bo'yicha davlat miqyosida ishlab chiqilgan qonunlar va dasturlar ham muhim ahamiyatga ega. Hatto Jahon Iqtisodiy forumio'tkazgan tadqiqot natijalariga qaraganda, xotin-qizlar erkaklarga nisbatan bir yilda qariyb 35 kundan ko'proq ishlar ekan. BMT Bolalar Jamg'armasi YUNISEF tadqiqotlariga qaraganda esa, qizlar o'g'il bolalarga nisbatan biror ishni bajarishda 35-36 foiz

ko'p vaqt sarflar ekan. Bu hali ham dunyoda gender tengligiga erisha olinmayotganligini ko'rsatadi.

SHu bois ham, 2019 yilning 2 sentyabrida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining «Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida»gi qonuni mamlakatimizda gender tenglikni ta'minlashga qaratilgan yaxlit va asosiy qonun hujjati hisoblanadi. Ushbu qonun bilan ilk bor milliy qonunchiligimizda «gender» tushunchasiga ta'rif berilgan.

Unga ko'ra, xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari, ushbu sohada davlat boshqaruvi mexanizmlari belgilandi.

Xususan, xotin-qizlarning gender kamsitilishiga yo'l qo'ymaslik maqsadida O'zbekiston Respublikasida Gender tenglikni ta'minlash masalalari bo'yicha komissiya tashkil etildi.

Komissiyaning asosiy vazifalari xotin-qizlar va erkaklar uchun tenghuquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi yagona davlat siyosatini amalga oshirish, ushbu sohada davlat dasturlarini, milliy harakatlar rejalari va strategiyalarini ishlab chiqish va amalga oshirishda ishtirok etish, ushbu sohada qilingan ishlar bo'yicha har yili O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga axborot taqdim etish, xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash va bu borada xalqaro standartlarga rioya etish sohasida xalqaro tashkilotlar, xorijiy mamlakatlarning tegishli organlari bilan hamkorlikni amalga oshirishdan iborat.

Hayot shiddat bilan o'zgarayotgan davrda jamiyat ham taraqqiy etar ekan, insonlar ham zamon bilan hamnafas bo'lishga harakat qilashadi. Bu ayollarga ham tegishlidir. Endilikda ayollar faqat uy-ishlari, bola tarbiyasi bilan shug'ullanib, "yo oila, yo ish", -degan fikrlar gender tengligiga to'sqinlik qiladi. Ko'rib turibmizki, rivojlanishning eng o'tkir muammolaridan biri tenglikka erishish, ayniqsa, jamiyatda ham, oilada ham erkak va ayolning gender tengligiga erishish eng og'ir masalalardan biridir. Ming afsuski, xotin-qizlar ko'pincha rivojlanish jarayonidan chetda qoladi va hatto unda ishtirok etgan taqdirda ham juda katta qiyinchiliklar va hatto yo'qotishlar vaziga erishadi. Mazkur holatni oldini olishda qonunning 25-moddasida "Uy mehnati jins bo'yicha bevosita yoki bilvosita kamsitish uchun asos bo'lishi mumkin emas, u ayollar va erkaklar tomonidan teng darajada amalga oshiriladi"-deb belgilangan. Aynan 21-modda esa, mehnat munosabatlarida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlarini belgilagan. Bugun xotin-qizlar bandligini ta'minlash ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning ustuvor yo'nalishlaridan biri, xalq turmush darajasi va sifatini yuksaltirishning muhim sharti sifatida belgilangan. Xotin-qizlar qo'mitalari tashabbusi bilan bo'sh binolarni qayta ta'mirlash va ishga tushirish hisobiga 2700 tadan ortiq kichik sexlar tashkil etilib, 18 ming nafarga yaqin xotin-qizlarning bandligi ta'minlandi. Xotin-qizlarni tadbirkorlikka keng jalb etish, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida kreditlar ajratish oxirgi yillarda sezilarli oshdi.

E'tiborli jihati shundaki, bugungi yangilanayotgan jamiyatda ayollarning siyosat va iqtisodiyotga keng jalb qilinishi tufayli gender tengligi borasida o'zgarishlar, siljishlar, hattokiyutuqlar ko'zga tashlanmoqda. Ayniqsa, siyosatda ayollar faollashganining guvohimiz ya'ni davlat boshqaruvida, sudlov tizimida, ichki ishlar, bojxona tizimida ham xotin-qizlarning mehnat qilayotgani ayni haqiqatdir.

Gender tenglik jamiyat rivojida muhim bo'lgan ijtimoiy munosabatlarda dolzarb ahamiyatga ega ekanligi bugungi kunda yanada yaqqol namoyon bo'lmoqda. Bugun oilada, jamiyatda, ayniqsa, xotin-qizlarning ijtimoiy hayotdagi faolligini oshirishga alohida e'tibor qaratilayotgani natijasida ijtimoiy munosabatlarda ham, qonunchilikda ham katta o'zgarishlar amalga oshirilmoqda.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. 1948 yilda BMT Bosh assambleyasi tomonidan qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasidagi qarorning 1-moddasi.

2. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T.: O'zbekiston. 1992. –17-21 b.

3. Xotin-qizlar huquqlari kamsitilishining barcha shakllariga barham berish to'g'risidagi Konventsiya. T.: BMTning O'zbekistondagi vakolatxonasi. 1998. 1– 3 betlar.
4. Azimov A. Islom va hozirgi zamon.-T.:O'zbekiston.1991,-5 b.3
5. Mejdunarodnyy bill' o pravax cheloveka. OON, Nyu-York: 1995. - S. - 39.
6. Jabborov S. Musulmon huquqi va odat normalari. T.: 2001-. 47 b.
7. Inomova S.T. E'zozli ayol iqboli. T.: O'qituvchi. - 2005. 8 b

## **MILLIY URF – ODAT VA ANANALARDA GENDER JIHATLAR**

*G`aniyeva Shaxrizod Nurmaxamadovna  
Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti*

[shaxrizod.ganiyeva@mail.ru](mailto:shaxrizod.ganiyeva@mail.ru)

*Shaxzodbek Yetmishboyev*

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Farg'ona filiali talabasi*

[shaxzodbekyetmishboyev3@gmail.com](mailto:shaxzodbekyetmishboyev3@gmail.com)

O'tgan to'rt yilda gender tengligi, xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning davlat va jamiyat hayotidagi rolini oshirishga oid ikkita qonun, Prezidentimizning 6 ta Farmon va Qarori, 16 ta hukumat Qarori qabul qilangani barchamizga ma'lum.

Gender tengligi nafaqat inson huquqlarini ta'minlashda, balki jamiyatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida ham muhim o'rin tutadigan ezgu qadriyatdir. Qolaversa, gender tengligi mamlakatning demokratik taraqqiyot darajasining ko'rsatkichlaridan biridir. Bugungi globallashuv davrida bu masala jamiyatda ustuvor ahamiyatga ega.

Gender tengligi va gender siyosati, aniqrog'i, erkak va ayolning tengligi, oilada erkak va ayol o'rtasidagi tenglik tushunchasi va boshqa huquqiy munosabatlardir. Ayrim tadqiqotchilarning fikricha, gender tengligi ijtimoiy va jinsiy munosabatlarning patriarxal tuzumdan keyingi bosqichidir. Gender tengligi tamoyili - shaxsning paydo bo'lishi uchun barcha ijtimoiy to'siqlarni o'rganish va bartaraf etish, shuningdek, hayotning barcha sohalarida erkaklar va ayollarning o'ziga xosligini tushunish uchun teng ijtimoiy imkoniyatlar yaratishdir [1].

Gender tenglik masalasida aholining dunyoqarashini rivojlantirish zarur. To'g'ri, hozirda yurtimizda bu yo'nalishda ayollar faolligini oshirishga ko'proq e'tibor berilayapti. Buning ham o'ziga yarasha sabablari bor - bizning jamiyatimizda erkaklar hamisha yetakchi mavqeda va faol bo'lib kelgan. Ammo, ayollar masalasida hali qilinadigan ishlar ko'p. Shu bois, gender tenglik bilan bog'liq loyihalarimiz ko'proq ayollarning faolligini oshirishga yo'naltirilgan. Tabiiyki, bu yo'nalishdagi ishlar bir tizimga tushgach, gender tenglik loyihalari erkaklar va ayollar uchun teng muhit yaratishda davom ettiriladi.

O'zbekistonda 2020-2030 yillarda Gender tenglikka erishish strategiyasi yakuniy muhokamadan o'tkazildi. Ta'kidlanishicha, strategiyadan ko'zlangan asosiy maqsad – barcha ayollar va qizlar, erkaklar va bolalar uchun ularning irqi, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, ijtimoiy mavqeyidan qat'iy nazar ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy hayotdagi fundamental inson huquqlarining ta'minlanishiga erishish hisoblanadi. [5]

O'zbek oilasining asosiy xususiyatlari – mehmondo'stlik, keksalarga hurmat-ehtirom ko'rsatishdir. O'zbeklar odatda bir necha avloddan iborat ko'p bolali oilalarda yashaydi, shuning uchun ular hovlisi ko'proq bo'lgan katta uylarni afzal ko'radilar. Mehmondo'stlikning bir qismi bo'lgan choy marosimi kundalik hayotda juda muhimdir. Mehmonlar uchun choy qaynatish va uni quyish faqat uy egasining huquqidir. Tushlik yoki kechki ovqatga takliflar har doim va o'z vaqtida qabul qilinadi. Tashrif buyurganingizda mezbonning farzandlari uchun esdalik sovg'alari yoki shirinliklar olib kelganingiz ma'qul. Odatda ular faqat erkaklar bilan qo'l siqishadi. Ayollar va undan uzoqroqda o'tirganlar o'ng qo'llarini yuraklariga qo'yib, boshlarini sekin egib salomlashishlari kerak. Qo'l berib ko'rishish chog'ida an'anaga ko'ra odamlardan sog'lig'i, ish va uy sharoiti haqida so'rashadi. Qishloq joylarda ayollar, odatda, erkaklar bilan bir dasturxonaga o'tirishmaydi, ularning suhbatiga xalaqit bermaslik uchun. Ayollarning go'zalligiga qoyil qolish

va ularga jiddiy qarash qabul qilinishi mumkin emas. Yashash xonasiga kiraverishda poyabzal olib tashlanadi. Siz uy egasining o'rindig'iga o'tirishingiz kerak. Bu joy kirish joyidan qanchalik uzoqda bo'lsa, shunchalik hurmatli bo'ladi.

O'zbek xalqining an'analar asrlar davomida o'zbek millatining shakllanishida ishtirok etgan barcha qabila va elatlarning madaniy mahorati va an'alarining uyg'unlashuvining murakkab jarayonlari natijasida shakllangan. Ular juda noyob, yorqin va rang-barang bo'lib, patriarxal munosabatlardan kelib chiqadi. Ko'pgina urf-odatlarimiz oilaviy hayotga, jumladan, farzandning tug'ilishi va tarbiyasi (beshik to'yi, sunnat), nikoh (barakali to'y, to'y) bilan bog'liq. Ular ko'pincha sehrgarlik amaliyoti bilan bog'liq bo'lgan qadimiy shakllarda islom an'alarining ajralmas qismini ifodalaydi. Islom dini qabul qilingandan so'ng uning ta'sirida ko'plab oilaviy va maishiy an'analar o'zgarib, o'zbeklar hayotiga musulmon urf-odatlari kirib keldi. Juma kuni bayram bo'lib, o'sha kuni barcha masjidlarda umumiy namoz o'qiladi. Patriarxal an'analar hali ham masjidlarda, choyxonalarda, bozorlarda va erkaklar hukmronlik qiladigan jamiyatda yashaydi.

2019-yil 2-sentabrda O'zbekiston Respublikasining 562-sonli "Ayollar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi qonuni qabul qilindi. O'zbekistonda 2019-yildan buyon Gender tengligi komissiyasi faoliyat ko'rsatib kelmoqda [2].

Ayrimlar gender tengligi tushunchasini tanqid qilmoqda. Ushbu kontseptsiya tanqidchilari tenglik kontseptsiyasi hamma uchun teng imkoniyatlar haqida asosiy postulatlarni keltirib o'tadilar. Gender tengligi kontseptsiyasining tanqidchilari buni deyarli imkonsiz deb aytishadi, chunki "erkaklar va ayollar nafaqat fiziologik, balki ruhiy jihatdan ham farqlanadi" va shuning uchun "tenglik" haqida gap ketganda "hech qanday savol bo'lishi mumkin emas", chunki jamiyat agar erkaklar majbur bo'lsa, ayollar yaxshi ko'radigan narsalarni qilishi (do'konlarga borish, kiyim-kechak sotib olish, yuzlarini kosmetika bilan bezash, bolalarga qarash, uyni tartibga solish) bilan baxtli bo'lmaydi. Ayol ham o'z navbatida, jamiyat uni faqat erkaklar bajaradigan ishga majburlasa, baxtli bo'lmaydi, masalan: o'tin kesish, mashina ta'mirlash, buldozer. Ba'zi sotsiologlar zamonaviy jamiyatda psixika, xatti-harakatlar motivlari va fikrlash usullari ustunlik qiladi, deb hisoblashadi.

Tenglik kontseptsiyasining tanqidchilari, umuman olganda, tushunchaning mohiyatini e'tirof etgan holda, unga yana bir ta'rif beradilar: Gender tengligi – bu ayolning ayol, erkakning erkak sifatida rivojlanishi uchun imkoniyatdir.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni. 2019-yil 2-sentabr
2. Gender tenglik bo'yicha butunjahon statistikasi.
3. Uchebno-metodicheskie materialy po kursu. M., 1998.
4. A. Avloniy "Turkiy Guluston yohud ahloq" (nashrga tayyorlovchi Holiqov L)- Toshkent: O'qituvchi, 1992.
5. Sh. Shodmonov, M. Halimov, N. Fayzullayeva. Tarbiyaviy ishlar uslubiyati. T.2008y.

## INKLYUZIV TA'LIMDA NOGIRONLIGI BO'LGAN O'QUVCHI QIZLAR BILAN IJTIMOIY ISH AMALIYOTINING SAMARADORLIGI

*Manzura Manafovna Abduraxmonova,  
Farg'ona davlat universiteti  
«Ijtimoiy ish» kafedrasini mudiri,  
Iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent  
e-mail: [manzura.abdurahmonova@mail.ru](mailto:manzura.abdurahmonova@mail.ru)  
Akramov Davronbek Oybek o'g'li  
Farg'ona davlat universiteti  
tayanch doktoranti,  
e-mail: [davronbek\\_ao95@mail.ru](mailto:davronbek_ao95@mail.ru)*

Mamlakatimizda ham barcha sohalar qatori nogironligi bo'lgan o'quvchi bolalarning inklyuziv ta'limini ham tubdan isloh qilishga katta e'tibor qaratilmoqda. 2022-2026 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ettita ustuvor yo'nalishi bo'yicha Taraqqiyot strategiyasida "Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish" hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 13-oktabrdagi "Alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarga ta'lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4860-son qarori [1] ustuvor vazifalar etib belgilandi. Bu esa, O'zbekiston maktab ta'limida inklyuziv ta'limni rivojlantirish, alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarga ta'lim-tarbiya berish tizimini takomillashtirish hamda ularga ko'rsatiladigan ta'lim xizmatlari sifatini yaxshilash zaruriyatini ko'rsatdi.

Nogironligi bo'lgan bolalarning umumta'lim maktablariga integratsiyalashuvi inklyuziv ta'lim tizimining rivojlanishidagi tabiiy bosqichdir. Bu jamiyat va davlat tomonidan nogironligi bo'lgan bolalarga nisbatan munosabatni qayta ko'rib chiqish, nafaqat ularning huquqlari tengligini tan olish, balki jamiyatning bunday bolalarga turli sohalarida, shu jumladan ta'limda ham keng imkoniyatlarni taqdim etish majburiyatini anglashi bilan bog'liq. UNICEFning 2021-yilgi yangi hisobotiga ko'ra, dunyo bo'ylab nogironligi bo'lgan bolalar soni deyarli 240 millionni tashkil etadi.[2] Ba'zi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki [3] nogironligi bo'lgan barcha bolalarning yarmidan kamrog'ini qizlar tashkil qiladi deb faraz qilsak ham, butun dunyo bo'ylab nogiron qizlar soni sezilarli bo'lishi mumkin. Mavjud ma'lumotlar, asosan, nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarning ta'lim sohasidanogironligi bo'lgan o'g'il bolalarga qaraganda kamroq maktab ta'limida o'qishini ko'rsatadi. Misol uchun, YuNESKO, Butunjahon ko'rlar ittifoqi va boshqalar nogironligi bo'lgan ayollarning savodxonlik darajasini bir foiz deb baholaydilar, bu esa umumiy nogironlar uchun taxminan uch foizni tashkil qiladi [4]. Global hisob-kitoblar shuni ko'rsatadiki, nogironligi bo'lgan qizlarning atigi 41,7 foizi boshlang'ich maktabni tamomlay olishadi [5]. Hozirgi kunda O'zbekistonda bir millionga yaqin imkoniyati cheklangan va nogironligi bo'lgan fuqarolar [6], shu jumladan, 100 mingdan ortiq 16 yoshgacha nogironligi bo'lgan bolalar istiqomat qilmoqda.[7] Jumladan O'zbekistonda bor bo'lgan 9 mln. 800 ming nafardan ziyod 16 yoshgacha bolalardan, 100 ming 110 nafarida nogironlik mavjud. Nogironligi bo'lgan bolalarning 54 ming 846 nafari o'g'il, 45 ming 264 nafari qizlar. Ularning 43 ming 47 nafari shaharlarda, 57 ming 63 nafari qishloq joylarda istiqomat qiladi. [8]

### **Mavzuning dolzarbligi**

Umumta'lim maktablarida inklyuziv ta'lim tushunchasini olimlar turlicha talqin qilishadi. Inklyuziv ta'lim – inglizcha so'zdan olingan bo'lib, inclusive, inclusion – uyg'unlashmoq, uyg'unlashtirilgan, o'ziga tortuvchi, qamrab oluvchi, lotinchada esa includ – qamrab olaman, jalb qilmoq, ya'ni alohida e'tiborga muhtoj bo'lgan va oddiy bolalar o'rtasidagi to'siqlarni bartaraf etish degan ma'nolarni anglatadi. Inklyuziv ta'lim alohida e'tiborga muhtoj bo'lgan, voyaga etayotgan o'smirlar rivojlanishida uchraydigan nuqsonlar yoki iqtisodiy qiyinchiliklardan qat'i nazar ijtimoiy hayotga moslashtirishga yo'naltirilgan o'quv jarayoniga jalb qilishni ifodalovchi ta'lim tizimidir. Shuningdek, inklyuziv ta'lim nogironligi bo'lgan o'quvchilarning

xilma-hil ehtiyojlariga xizmatlarning uzluksizligi, jumladan ular uchun eng qulay bo'lgan ta'lim muhiti bilan mos kelishini taklif qiladi. Ko'plab davlatlarda nogiron farzand ko'rish oilalar tomonidan ko'pincha "fojia" yoki "jazo" sifatida ko'riladi, aynan nogironligi bo'lgan qiz bolaga ba'zan nohaq munosabatda bo'ladi. Nogironligi bo'lgan qizlar ta'lim olishlaridagi eng ko'p to'siqlarga uchrashishadi, ba'zilar gender qarama-qarshiligini asosiy to'siq deb bilishsa [9], boshqalarning fikricha, nogironlikning o'zi nogironligi bo'lgan qizlarning imkoniyatlarini yanada cheklaydi. Nogironligi bo'lgan qizlar maktablarda sifatli ta'lim olishda ko'plab to'siqlarga duch kelishadi, Gender va nogironlikka asoslangan ikki tomonlama kamsitish va madaniy qarama-qarshiliklar asosiy tushuntirish omillaridir, mazkur maqolada ba'zibir to'siqlar tahlil etiladi:

- iqtisod ko'pincha gender rollari bilan o'zaro bog'liqdir. Kambag'al oilalarda mavjud cheklangan resurslar sababnogironligi bo'lgan qizlarning ta'lim olishlari ehtimoldan yiroq, ayniqsa, agar ularga nogironlik bilan bog'liq jihozlar, maxsus transport yoki alohida shaxs yordami kerak bo'lsa, maktab ta'limiga borish darajasi pasayadi. Biroq o'rta va yuqori iqtisodiy ta'minlangan oilalaridagi nogironligi bo'lgan qizlar nafaqat kambag'al oilalardagilarga qaraganda maktabga borish ehtimoli yuqori, shuningdek nogiron bo'lmagan tengdoshlariga qaraganda ham ta'lim va kasbiy imkoniyatlardan ko'proq foydalanishlari mumkin.

- Zo'ravonlik barcha qizlar uchun ta'lim olish uchun to'siq bo'lsa-da, bu nogironligi bo'lgan qizlar uchun ko'proq muammo bo'lishi mumkin. Mavjud ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, nogironligi bo'lgan qizlar oilada, muassasalarda va jamiyatda nogiron bo'lmagan tengdoshlariga qaraganda ko'proq zo'ravonlikka duchor bo'lishadi. Va ular duch keladigan zo'ravonlik surunkali va og'irroq, ba'zilari alohida shakllarga ega bo'lishi mumkin, masalan, g'amxo'rlik, parvarishdan voz kechish. Zo'ravonlik ayiblovining bir qismi nogironlikning o'zi bo'ladi, bu ba'zi qizlar uchun zo'ravonlik holatlarini baholash, o'zini himoya qilish yoki qochishva zo'ravonlik holatlari haqida xabar berishni qiyinlashtiradi. Ko'pincha kasal, nochor, aseksual va kuchsiz deb qabul qilingan nogironligi bo'lgan qizlar oson nishon sifatida ko'riladi. Shuningdek, ular muntazam ravishda zo'ravonlikni tan olish va unga qarshi kurashish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar va imkoniyatlardan mahrum bo'lishadi.

- Maktabgacha bo'lgan masofa ko'plab qizlar uchun ta'lim to'siqidir. Muammolarga bunday qizlarning kuzatuvchisiz borib kelish kabilardir. Ba'zi hududlarda nogironligi bo'lgan o'quvchilarga xizmat ko'rsatadigan maxsus ta'lim maktablari bo'lib, ko'pincha shahar markazlarida joylashgan bo'ladi, qishloq joylardan kelgan nogironligi bo'lgan o'quvchilar maktabga borish uchunuzoq masafadan kelishi hamda ko'pincha maktabda yashashlari kerak bo'ladi.[9]

Yuqorida ta'kidlagan nogironligi bo'lgan o'quvchi o'quvchi qizlar duch kelishi mumkin bo'lgan to'siqlardan himoyalash, ularni maqsadli va manzilli qo'llab quvvatlash uchun ijtimoiy ish kasbiy faoliyatini maktabdagi roli muhimdir. Bunda nogironligi bo'lgan o'quvchilarni sifatli ta'lim olishini tashkil etishda oila-maktab va jamaotchilik hamkorligini ta'minlash orqali tashkil etish muhimdir. Ekspertlarning fikriga ko'ra nogironligi bo'lgan bolalarninginklyuziv ta'limini rivojlanishida ijtimoiy sheriklikning o'rni beqiyosdir. Aynan shuning uchun ham inklyuziv ta'limni rivojlanishining asosiy tamoyillaridan biri ijtimoiy sheriklik hisoblanadi [10. -B.126]. Ijtimoiy sheriklik – bu davlat hokimiyati organlari va fuqarolik jamiyati institutlarining o'zaro hamkorligi va manfaatlarni uyg'unlashtirish asosida jamiyatda mavjud bo'lgan muayyan ijtimoiy muammolarni hal etishga qaratilgan muloqot hamda konsensusga kelish tizimidir [11, -B 17]. Biz aynan ushbu konsensusnimaktabda nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarni ta'liminida tashkil etishda oila-maktab jamaotchilik hamkorligidagi ijtimoiy ish kasbiy faoliyati orqali tahlil qilmoqchimiz.

### **Adabiyotlar tahlili**

Jahondagi rivojlangan davlatlar tajribasini o'rganganilganda maktablarda oila – maktab va jamaotchilik hamkorligini ta'minlashamaliyotida ijtimoiy ishning ixtisoslashgan shakli bo'lgan maktabdagi ijtimoiy ishkasbiy faoliyati orqali amalga oshiriladi. Dastlab, umumta'lim maktablarida ijtimoiy ish amaliyoti AQShning Nyu-York shtati dasturi asosida o'z



farzandlarining ehtiyojlarini qondirish maqsadida, oila va maktab o'rtasidagi yaqin hamkorlikka intilish natijasida 1906 - 1907 yillarda AQShning Nyu-York, Chikago, Boston va Xartford, Konnektikut shtatlarida o'qituvchilar xizmati sifatida tashkil etilgan [12]. Maktablarda oila-maktab xamkorligini ta'minlaydigan birinchi maktab ijtimoiy ishchilari, "tashrif buyuradigan o'qituvchilar" deb nomlangan. Amerikalik olim Meri Richmond (1861-1928) tashrif buyuradigan o'qituvchilar xizmatining muhimligini ko'rsatib "tashrif buyuradigan o'qituvchi "oila va maktab o'rtasidagi strategik pozitsiyani egallaydi, lekin bu yerda bundan boshqa foydalaniladigan yaxshi yo'l ham yo'q edi" [13. -B.197] deb ta'kidlab o'tadi. J. Openxemer tomonidan maktab ijtimoiy ishchisi rolining bayoni maktab-oila-jamoatchilik munosabatlari sifatida ishlab chiqiladi va tavsiflanadi [14. -B.11 ]. Kolumbiya universiteti professori J. Epstein (1915-1996) "oiladagi maktab orqali muloqot, bolalarga ta'limning ahamiyati va bola hayotidagi ushbu ikki (oila va maktabning o'zaro ta'siri) asosiy ta'sir doiralari o'rtasidagi qo'llab - quvvatlashni va uzluksizlikni ta'minlaydi" [15. -B.108 ] deb ta'kidlaydilar. Amerikalik professor S. Germain (1917-1995) " maktabning ijtimoiy ish xodimi "nafaqat bola va maktab, balki oila va maktab, hamjamiyat va maktabning o'zaro aloqasida turadi, shu tarzda ular bolaga, ota - onalarga va jamoaga ijtimoiy kompetensiyani rivojlantirishga yordam berishlari va shu bilan birga maktabning bolalar, ota - onalar hamda jamiyat ehtiyojlari va istaklariga javob berish qobiliyatini oshirishlari mumkin" [16. -B.27] deb ko'rsatadi. Maktabdagi ijtimoiy ishning asosiy yo'nalishi: o'qituvchi, ota-ona va o'quvchi bo'lib, uchala yo'nalish obyektlari vazifalarini to'g'ri taqsimlanishi, bajarilish nazorati ijtimoiy ish xodimi tomonidan amalga oshiriladi va to'g'ri yo'lga qo'yilgan faoliyat orqali sog'lom muhit ta'minlanadi. Chunki, "...maktab ijtimoiy ishchilari joylarning ilmiy missiyasini oila, maktab va jamoatchilik hamkorligi orqali amalga oshirish muhim ahamiyatga egadir [17].

#### **Tadqiqot metodologiyasi**


Ta'lim va nogironlikning rivojlanayotgan konteksti maktabda ijtimoiy ish kasbiy faoliyatini zarur ahamiyatini keltirib chiqardi. Maktabda ijtimoiy ishi bu amaliyotning alohida sohasi bo'lib, unda professional tarzda tayyorlangan ijtimoiy ishchilar o'quvchilarga jumladan nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarga ruhiy salomatlik, deviantlikka moyillik (xulq-atvor buzilishlari), ijobiy xulq-atvorni qo'llab-quvvatlash, akademik va sinfda yordam berish, maslahat berish kabi turli ehtiyoj va tashvishlarda yordam beradi. Maktabda ijtimoiy ish faoliyati o'quvchilarning akademik va ijtimoiy muvaffaqiyatlarini oshirish uchun to'g'ridan-to'g'ribilvosita yoki bevosita ijtimoiy xizmatlarni taqdim etishda oila, maktab va jamoatchilik o'rtasidagi bog'lovchi bo'lib xizmat qiladi. Maktabda ijtimoiy ish faoliyati inklyuzivlikni targ'ib qiladi va yordam beradi, nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarning shaxsiy ehtiyojlari bilan shug'ullanadi. Maktabda ijtimoiy ish faoliyatining asosiy maqsadidan birinogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarga yordam berish va o'quv jarayonini optimallashtirish uchun ularga mos muhitni ta'minlashdir [18].

Professional ijtimoiy ishchilar nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlar bilan ishlash va ularning oila va maktabi o'rtasida hamkorlikni yo'lga qo'yish, shuningdek, inklyuziv ta'lim amaliyotini ta'minlashga jamoatchilikni jalb qilish uchun zarur bo'lgan bilim va ko'nikmalarga ega. Ular ehtiyojni to'g'ri baholash va jamoatchilikda inklyuziv ta'lim maqsadiga erishish uchun ularni yetarli resurslar bilan bog'lash orqali o'quvchilar va oilalar uchun dalillarga asoslangan aralashuvlarni ta'minlaydi [19]. Maxsus ehtiyojli o'quvchilar uchun inklyuziv ta'limni ta'minlashda ijtimoiy ishchining turli rollari quyidagilardan iborat:

**Baholash:** Inklyuziv ta'limni ta'minlashda ijtimoiy ishchining eng muhim rollaridan biri erta aralashuvni rejalashtirish uchun nogironligi bo'lgan nogironligi bo'lgan o'quvchi qizning ehtiyojlarini baholashdir. Baholash o'quvchilarning turli ehtiyojlarini qondirilgan muhitni yaratishda va aralashuv rejalarni ishlab chiqaradigan keng qamrovli jarayondir. Ijtimoiy ishchi tomonidan bolaning ehtiyojlarini baholash, bolaga va uning atrof-muhitiga ta'sir qiluvchi turli jihatlarni o'rganishni talab qiladiva albatta nogironligi bo'lgan bolalarni umumiy ta'limga jalb qilishdan foyda olish maqsadida amalga oshirilishi kerak [20]. Ijtimoiy ishchining baholash natijasi psixolog, o'qituvchi, direktor kabi boshqa mutaxassislariga inklyuziv ta'limdastur va rejalarni ishlab chiqishga hissa qo'shish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Quyidagi ushbu rasmda bola va uning oilaning har tomonlama diagnostikasini o'tkazishda baholanishi kerak bo'lgan parametrlar keltirilgan. Bola va oila haqida ma'lumot to'plashda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan uchta asosiy o'lchov va ushbu o'lchovlarga kiritilgan asosiy o'lchamlarni aks ettiruvchi baholash doirasi uchun xalqaro asosni taqdim etadi [21. -B.87].

1-rasm



Baholash doirasi yuqoridagi uchburchak shaklida umumlashtiriladi.

Ekologik nuqtai nazardan, ijtimoiy ishchining roli inklyuziv ta'limni ta'minlash uchun nafaqat o'quvchining maktab muhitini, balki oilasi, tengdoshlari, do'stlari va qo'shnilarini ham hisobga olgan holda, uning umumiy muhitida bolani tushunishdir. Inklyuziv ta'limni ta'minlashdan tashqari, ijtimoiy ishchi nogironligi bo'lgan o'quvchini kuch nuqtai nazardan ko'radi, kuchli tomonlarini kashf etadi va ulardan o'z akademik maqsadlariga erishish uchun foydalanadi [18].

**Ehtiyojlarni baholash** to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita o'quvchiga bo'lgan turli xil tizimlarni hisobga olgan holda yaxlit tarzda amalga oshiriladi. Shu sababli, ijtimoiy ishchi o'quvchining turli ehtiyojlarini baholashda o'qituvchilardan o'quvchining muammosi bo'yicha, ota-onalardan bolaning uydagi xatti-harakatlari haqida ma'lumot olish, bundan tashqari, oilaning ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlari, masalan, oilaning tuzilishi, moliyaviy ahvoli haqida ma'lumot to'plash, bolaning faoliyati va qarindoshlari, do'stlari va mahalladagi xatti-harakatlarini o'rganishlardan foydalaniladi. O'quvchining muammosini kontseptsiyalashda ijtimoiy ishchi turli yo'nalishlarda, masalan, to'g'ridan-to'g'ri xizmatlar ko'rsatish, maslahatlar berish va umumiy inklyuziv ta'limni ta'minlash uchun resurslarni bolaning ehtiyojlari bilan to'g'ri bog'lash uchun aralashuv rejalarini ishlab chiqish kabilarda faoliyat ko'rsatadi.

**Oilaga tashriflar va maktab oila hamkorligi:** Oilaga tashrif buyurish ijtimoiy ishchining asosiy jihatlardan biridir. Oilaga tashrif buyurish amaliyoti nogironligi bo'lgan o'quvchi qizning ehtiyoj va xavf-hatarllarini to'g'ri baholash uchun asos bo'lishi mumkin bo'lgan juda ko'p foydali ma'lumotlar beradi. Oilaga tashriflar uy muhiti va uning faoliyatiga ta'sirini tushunishni yaxshilash uchun ekologik nuqtai nazardan foydalanadi [22]. Nogironligi bo'lgan bolalar bilan ishlashda oilaga tashrif buyurish juda foydali hisoblanadi. Ijtimoiy ishchilaro'quvchining oilasiga tashrif buyurganda o'quvchining ta'lim muassasasidan tashqaridagi muhitini tushunishga, ota-onalar ( yoki vasiylar) bilan muloqot qilishga hamda ijtimoiy ish xodimlari ota-onalar, aka-uka va opa-singillar o'rtasida bolalarning alohida ehtiyojlariga nisbatan o'z rollari va burchlarini tushunishda xabardorlikni oshirish kabi faoliyatlari sifatli inklyuziv ta'limga sababchi bo'ladi [23]. Oilaga tashrif buyurish amaliyotida ijtimoiy ishchiga maktab va oila o'rtasidagi aloqani yaratishga yordam beradi. Ko'pincha, maktabda barcha zarur yordamga ega bo'lishiga qaramay, o'quvchilar hali ham o'rganishda to'siqlarga duch kelishadi, bu ularning oila

sharoitidagi turli omillar bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Bu maktab ijtimoiy ishchilari tomonidan oilaga tashrif buyurish orqali tan olinishi va hal qilinishi mumkin.

Redagog o'qituvchilar o'quvchining ta'lim ehtiyojlari bilan shug'ullanadilar va shuning uchun ota-onalar bilan bevosita aloqada bo'lish, oila va maktab o'rtasida aloqa o'rnatishda boshqa mutaxassis ishlash kerak. Bu rolni o'qituvchilarga berish ularni ortiqcha bosim yuklanishi va ularning dars berishiga ham ta'sir qilishi mumkin [24]. Shunday qilib, ijtimoiy ishchilar alohida ehtiyojli bolalarga yordam berish uchun ijtimoiy-ma'rifiy maslahatlar berish orqali muhim rol o'ynaydi. Konsultatsiya jarayonida o'quvchi, ota-onalar va o'qituvchilar tomonidan turli xil muammolar aniqlanadi. Bu ijtimoiy ishchiga o'quvchiga ta'sir qiladigan turli xil hayotiy vaziyatlarni baholashga va kerakli maqsadga erishishga yordam beradigan aralashuvni rejalashtirishga yordam beradi. Ijtimoiy ishchining oila va maktab hamkorligi hamda ijtimoiy-ma'rifiy muhokamasi o'quvchining kuchli tomonlari bilan bir qatorda alohida ehtiyojlarini ham ochib beradi, bu esa uning ehtiyojlarini qondirish va salohiyatini maksimal darajada oshirish uchun mos inklyuziv ta'lim muhitini rejalashtirish hamda strategiyasini ishlab chiqishga yordam beradi.

**Mediatsiya (Vositachilik):** Inklyuziv ta'limda ijtimoiy ishchi vositachiligining roli katta ahamiyatga ega bo'lib, ota-ona va maktab o'rtasidagi nizolarni hal qilishda yordam beradi. Mediatsiya o'quvchiga ta'sir qiladigan turli tizimlar o'rtasida aloqalarni yaratadi va bu tizimga o'quvchi va uning ijtimoiy dunyosi o'rtasida bo'lib, unga ota-onalar, sinfdoshlar, tengdoshlar, do'stlar, o'qituvchilar va boshqalar kiradi.

Mediatsiya maxsus bilim va ko'nikmalarni talab qiladi va inklyuziv ta'lim sohasida ijobiy o'zgarishlarni keltirib chiqarish uchun oila, maktab va jamoa o'rtasida to'g'ri aloqani ta'minlash uchun professional ijtimoiy ishchi tomonidan samarali amalga oshirilishi mumkin [25].

Mediatsiya va ijtimoiy ishning umumiy maqsadi xolislik, adolat va ijtimoiy farovonlik tamoyili asosida o'quvchilarning imkoniyatlarini kengaytirishdir. Mediatsiyadan foydalanadigan ijtimoiy ishchi nogironligi bo'lgan bolaga va uning ta'limiga ta'sir qiluvchi tizimlar o'rtasida umumiy konsensus va tushunishni qidiradi. Ekologik nazariya doirasida mediatsiya o'quvchilarning ular yashayotgan tizimlarga oid muammolarini hal qilish uchun vosita sifatida ishlatilishi mumkin. Inklyuziv ta'limni ta'minlash uchun ijtimoiy ish xodimlari tomonidan vositachilikni qo'llash usullaridan biri bu tengdoshlar vositachiligidir. Bu nogironligi bo'lgan o'quvchilarning tengdoshlarini o'z tengdoshlariga moslashish va interaktiv bo'lishga o'rgatishni o'z ichiga oladi. Ushbu jarayonda ijtimoiy ishchilar tengdosh guruhlari o'rtasida xabardorlikni shakllantirish uchun rol o'yinlari, modellashtirish, aniq ko'rsatmalar va boshqalardan foydalanadilar. Bu ta'lim muassasalarida ijtimoiy mediatsiya sifatida ishlaydigan tengdoshlar guruhini yaratishga yordam beradi. Mediatsiya rolidagi ijtimoiy ishchilar betaraflik, maxfiylik va xolislik tamoyiliga amal qiladi. Ijtimoiy ishchilar mojarolarni hal qilishda vositachilar sifatida alohida ehtiyojli bolaga inklyuziv ta'limni taklif qilishda ishtirok etuvchi tomonlarga maslahat berishi, yo'l-yo'riq ko'rsatishi, himoya qilishi va yordam berishi mumkin [26].

**Advokatlik roli.** Ijtimoiy ishchining maktabda nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlar bilan ishlashdagi muhim rollaridan biri – advokatlik rolidir. Advokatlik roli kasb sifatida ijtimoiy ishning hal qiluvchi elementidir. Inklyuziv ta'limni ta'minlashda ijtimoiy ishchidan har bir bolaning ta'lim resurslari va imkoniyatlaridan teng foydalanishini ta'minlash uchun bolalar huquqlarini himoya qilishni talab qiladi. Ijtimoiy ishchining roli nafaqat bolalarning ehtiyojlarini qondirish uchun turli tizimlar o'rtasida aloqa o'rnatish, balki ularning huquqlarini himoya qilish, stigmatizatsiyani kamaytirish va ularga jamiyatda munosib joy berish orqali tenglikni targ'ib qilishdir [27.-B.105]. Shunday qilib, ijtimoiy ishchilar o'quvchilar, oilalar va maktab tizimlarining ehtiyojlariga samarali javob beradigan o'zgarishlarni amalga oshirish uchun yordamchi sifatida harakat qilishadi. Ular har bir bolaning ta'lim olish huquqi ularning umumiy o'sishi va rivojlanishi, ularning qadr-qimmati, qobiliyatlari va salohiyatini to'liq ro'yobga chiqarish hamda ta'minlash uchun targ'ibot rolini o'ynaydi. Ijtimoiy ishchi bolaning ijtimoiy-ta'lim ehtiyojlarini inklyuziv sharoitda qondirish uchun mavjud bo'lishi kerak bo'lgan xizmatlarning ko'rsatilishini himoya qilishi kerak [25].

**Ko'p tarmoqli jamoaviy ish yondashuvi:** Inklyuziv ta'limni ta'minlashda ko'p tarmoqli jamoaviy yondashuv katta ahamiyatga ega. U nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlar uchun turli xil xizmatlarni taqdim etish uchun turli sohalaridagi mutaxassislarni, jumladan, maktab psixologi, ijtimoiy ishchi, maktab shifokori, o'qituvchi, defektolog va boshqalarni birlashtiradi. An'anaviy ravishda ijtimoiy ishchilar o'quvchilarni va ularning muammolarini yaxshiroq tushunish uchun boshqa sohalar mutaxassislari bilan muvofiqlashtirilgan holda ish olib boradilar [28]. Ko'p tarmoqli jamoalar maktablarda ham juda foydali deb topilgan va bunday jamoalarda ijtimoiy isg xodimlarning rolini e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi.

Ijtimoiy ishchining ko'p tarmoqli jamoalardagi hissasi katta bo'lib, ekologik tizimlar nazariyasida amalga oshiradigan rollarini aniqta'vsi'flaydi. Ijtimoiy ishchilar shaxsning faqat bir jihatini emas, balki ehtiyojmand shaxsga ta'sir qiluvchi turli tizimlar bilan ishlaydi. Ekologik tizimlar nazariyasiga ko'ra, ijtimoiy ishchilar maktabning boshqa xodimlari bilan hamkorlikda ishlashda va inklyuziv ta'limni to'liq ta'minlash uchun turli tizim darajalarida aralashuvni amalga oshirishda muhim rol o'ynaydi. Bu inklyuziv ta'lim sohasida ishlayotganda tegishli aralashuv modelini ishlab chiqish uchun turli mutaxassislardan turli jihatlar bo'yicha bilim va tushunchalarni shakllantirishga yordam beradi.

Ko'p tarmoqli jamoada ishlash vazifalarni to'g'ri taqsimlashga yordam beradi, bunda rollar aniq belgilangan va turli jamoadoshlarning ma'lumotlari alohida ehtiyojli talabalar uchun samarali qaror qabul qilish va aralashish uchun to'planadi. Kasblararo jamoada ijtimoiy ishchilar boshqa mutaxassislar bilan birgalikda qiyinchiliklarning dastlabki belgilari va o'quvchilarning alohida ehtiyojlarini aniqlash uchun yaqindan hamkorlik qiladilar. Ijtimoiy ishchilar boshqa maktab xodimlari bilan hamkorlikda nogironligi bo'lgan o'quvchilar duch keladigan ijtimoiy muammolar haqida xabardorlikni oshirishda muhim rol o'ynashadi. Maktab ijtimoiy ishchilari o'quvchilar, ularning oilalari, o'qituvchilari, jamoatchilik va boshqa manfaatdor tomonlar bilan birgalikda ishlash orqali sog'lom va do'stona muhitni rivojlantirishda va shu bilan inklyuziv ta'limni ta'minlashda faol ishtirok etishadi.

Ijtimoiy ish milliy assotsiatsiyasining standartigako'ra, maktab ijtimoiy ishchilari o'quvchilar farovonligini oshirish va akademik natijalarni yaxshilash uchun boshqa maktab xodimlari, ota-onalar va jamoalar bilan ishlash orqali kasblararo etakchilik va hamkorlikni ta'minlashi kerak[25].

#### **Xulosa:**

Bugungi kunda nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarni ta'limdagi ijtimoiylashuvini rivojlantirish orqali hayotgatayyorlashda, ular faoliyatidagi muammolarni, kamchiliklarni bartaraf etishmaqsadida oila - maktab-mahalla hamkorligidan kuchli ijtimoiy hamkorlikni ta'minlovchi oila - maktab - jamoatchilik hamkorliginirivojlantirishzarurligi haqida konsensus aniq shakllanmoqda. Kuchli oila-maktab va jamoatchilikaloqalari va yordamlari nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlarga belgilangan ta'lim standartlariga javob berishga yordam beradi. Bu, ayniqsa, eng katta ijtimoiy va ta'lim to'siqlariga duch kelgan nogironligi bo'lgan o'quvchi qizlar faravonligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Maktabda ijtimoiy ish faoliyati respublikamiz maktablari kontekstida ma'lum emas, ammo ta'lim tizimidagi islohotlar tufayli nogironligi bo'lgan o'quvchilarga samarali xizmat ko'rsatish uchun ta'lim muassasalariga ijtimoiy ishmutaxassisligini kiritish zarurati juda muhim bo'lib qoldi. Inklyuziv ta'lim nogironligi bo'lgan o'quvchilarning ta'lim ehtiyojlarini ta'minlashda tegishli bilim, ko'nikma va munosabatdan foydalanishni talab qiladi. Inklyuziv ta'lim sohasida ishlaydigan ijtimoiy ishchi shaxslar, guruhlar, oilalar va jamoatchilik bilan ishlash ko'nikmalariga ega bo'lishadi. Bugungi globallashuv davrida maktab ta'limidanogironligi bo'lgan o'quvchi qizlar bilan ishlashdagi oila-maktab hamkorligini takomillashtirish, jamoatchilik ishtirokini ta'minlashda jaxon tajribasida qo'llanilayotgan ijtimoiy ishning ixtisoslashgan shakli maktabda ijtimoiy ish orqali amalga oshirish mantiqdan haqiqatga aylantira oladi. Demak, yurtimizda nogironligi no'lgan o'quvchi qizlarni ijtimoiylashuvini rivojlantirish orqali hayotga tayyorlashda, ular faoliyatidagi muammolarni, kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida maktab – oila - jamoatchilik hamkorligini rivojlantirish zarur. Bu hamkorlikni ta'minlashda ijtimoiy ish

mutaxasislari orqali amalga oshirilishi, konsensusni sifat jixatdan samadorligini oshirishga xizmat qiladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori <https://lex.uz/docs/-5044711>
2. United Nations Children’s Fund, Seen, Counted, Included: Using data to shed light on the well-being of children with disabilities, UNICEF, New York, 2021. P.18 <https://data.unicef.org/resources/children-with-disabilities-report-2021/>
3. The Right to Education for Women and Girls with Disabilities . <https://www.ungei.org/publication/right-education-women-and-girls-disabilities>
4. Some Facts about Persons with Disabilities,” Convention on the Rights of Persons with Disabilities, <http://www.un.org/disabilities/convention/facts.shtml>
5. World Health Organization & World Bank. (2011). World report on disability 2011. World Health Organization. <https://apps.who.int/iris/handle/10665/44575>
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston xalqiga murojaati <https://isrs.uz/oz/ozbekiston-yangiliklari/ozbekiston-xalqiga-murojaat>
7. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining yettinchi yalpi majlisi to‘g‘risidagi AXBOROT <http://isrs.uz/oz/ozbekiston-yangiliklari/informacia-o-sedmom-plenarnom-zasedanii-senata-olij-mazlisa-respubliki-uzbekistan> (15.05.2021)
8. Ulug‘bek VAFOYEV. Nogironlarni parvarish qilayotgan kishilarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish lozim.// Xalq so‘zi.29 Sentyabr 2020 <https://xs.uz/uz/post/nogironlarni-parvarish-qilayotgan-kishilarning-izhtimoij-himoyasini-kuchajtirish-lozim>
9. Education for All: a gender and disability perspective. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000146931>
10. Nishanbayeva Enahon, Abdukhalilov Abdulla. The role of social partnership in the development of inclusive education // International Journal of Social Studies. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 126-133
11. Муминов А., Нишанбаева Э., Абдухалилов А. Ижтимоий шериклик. Услужий қўлланма. Университет нашриёти. – Т.:2018 йил. – Б.17
12. Mears PA, Washington OR, Welsh BL. Social Work Services in Schools, Allyn and Bacon, Boston, 1996.
13. Richmond, M. E. (1922). What is social case work? An introductory description. New York, NY: RussellSage: Foundation.(-P.-197) <https://archive.org/details/whatisocialcase00richuoft/page/26/mode/2up>
14. R. Constable, J.P Flynnand McDonald, Sh. 2002. School social work. Practice, Police, and Research Perspectives. Lyceum Books P.11 <https://archive.org/stream/schoolsocialwork05edunse#page/n7/mode/2up>
15. Epstein, J. L., & Lee, S. (1995). National patterns of school and family connections in the middle grades. In B. A. Ryan, T. Adams, R. Gullotta, G. Weissberg, & R. Hampton (Eds.), The family–school connection: Vol. 2. Theory, research, and practice (pp. 108–154). Thousand Oaks, CA: Sage. <https://sedl.org/connections/resources/citations/38.html>
16. Germain, C. B. (2002). An ecological perspective on social work in the schools. In R. Constable, S. McDonald, & J. P. Flynn (Eds.), School social work practice, policy and research perspectives (5th ed., pp. 25–35). Chicago: Lyceum Books. –P.27
17. School Social Work Association of America. (2005). SSWAA’s organizational mission statement. Retrieved April 1, 2008, from <http://www.sswaa.org/>
18. Openshaw, L. (2007). Social work in schools: Principles and practice. Guilford Press. <https://sng1lib.org/book/1223289/dcd3d4?dsource=recommend>
19. Meares, P. A. (1977). Analysis of tasks in school social work. Social Work, 22(3), 196-201.

20. Mensah, F. A., & Badu-Shayar, J. (2016). Identification of Special Educational Needs for Early Childhood Inclusive Education in Ghana. *Journal of Education and Practice*, 7(11),1-8.
21. Э.Ким. Д.И.Исаева.С.Х.Таджиева.Д.Ф.Собирова. Болаларваоилаларбиланижтимоийишамалиёти. Ўқувслужбийқўлланма. Б.87Т.:2012
22. Pope, N.D. &Hadden, J.B. (n.d.). Tips for Making Home Visits in Child Welfare. <https://www.socialworker.com/feature-articles/practice/Tips for Making Home Visits in Child Welfare/> (16.06.2022)
23. Winter, K., & Cree, V. E. (2015). Social work home visits to children and families in the UK: A Foucauldian perspective. *The BritishJournalofSocialWork*, 46(5),1175-1190. [https://www.researchgate.net/publication/282841008\\_Social\\_Work\\_Home\\_Visits\\_to\\_Children\\_and\\_Families\\_in\\_the\\_UK\\_A\\_Foucauldian\\_Perspective](https://www.researchgate.net/publication/282841008_Social_Work_Home_Visits_to_Children_and_Families_in_the_UK_A_Foucauldian_Perspective)
24. McDavitt, K. (2017). School social work: Supporting children's primary education in the South West of Western Australia. <https://ro.ecu.edu.au/theses/1979/>
25. National Association of Social Workers. (2012). NASW Standards for school social work services. <https://www.socialworkers.org/LinkClick.aspx?fileticket=1Ze4-9-%20Os7E%3D&portalid=0>
26. Vieira, A. M. (2013). Mediation and social work at schools: two case studies about new social actors in education. <https://iconline.ipleiria.pt/bitstream/10400.8/2077/1/mediation%20and%20social%20work%20in%20schools.pdf>
27. Kwan, V., & Cheung, J. C. S. (2017). Social work initiatives for the inclusion of students with special educational needs. *Practice*, 29(2),107-119. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/09503153.2016.1211260>
28. Kim, A. J. (2012). Interdisciplinary collaboration in school social work: building relationships for ecological change. (Doctoral dissertation, Smith College, Northampton, Massachusetts). <https://scholarworks.smith.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1715&context=theses>

## SOCIO-CULTURAL OF AXIOLOGICAL ELEVATION IN YOUTH

*Makhmudova Sumbula Abdumalikovna*

*Senior research associate of the "Museum of memory of victims of repression in the structure" of the Fergana State University*

### **Annotation**

The article deals with the socio-cultural situation in the society of the ongoing change in the action of the mechanisms of gender socialization of adolescents.

### **Key words:**

Gender socialization, methodology for studying the gender of adolescents, sociocultural factors in the formation of gender identity.

One of the main problems of modern sociological gender theory is the question of gender socialization. During the gender socialization of adolescents, i.e. in the process of mastering the rules, values, orientations, norms of the corresponding masculine or feminine behavior, a complex, multidimensional system or, better to say, a composition of socio-cultural multi-level interactions is largely revealed.

This also means that this issue allows to reflect in a relevant way the changes that are taking place in general in the socio-cultural life of society. Thus, we can say that the socio-cultural factors of the formation of gender relations, gender socialization of the young generation in society are determined from the standpoint of a two-sided complementary analysis of the stability and instability of socio-cultural institutions and at the micro level - the dynamics of

interpersonal relations and position. This situation is necessarily connected with the study of spiritual and moral value consciousness, its dynamics and processes of self-identification. In adolescence, when puberty occurs, gender socialization, identification of one's gender "I" often becomes the most important problem in the process of general socialization.

Many experts argue that it is in adolescents that gender identity includes a common set of prescriptions and norms from society, which also arise in the course of communication with peers and their joint activities. Inclusion in a male or female group determines the choice of appropriate behavior patterns, forms certain gender roles. Of course, the main agents of gender socialization, such as family, school, peer environment, act in a special, specific way, the degree of their influence on a teenager is different at various stages of his individual development.

Adolescents are surrounded by a huge variety of roles offered by many reference groups and people. These roles need to be integrated into personal identity, and conflicting points need to be balanced or rejected. The most stable element among modern institutions of socialization is the family. However, here, too, significant changes are taking place that affect the gender identification of the younger generation. Under these conditions, a qualitative study of gender issues acquires a special role. Particular attention here should be paid to the context of gender relations, for example, a discursive analysis of speech containing important information about the problems we are studying, which, however, is not directly expressed - "silent speech". In the dynamics of the gender orientations of the younger generation, microanalysis also acquires special significance, where the relevant individual social practices are studied. All this makes it possible to see a real "living person" beyond the boundaries imposed by the narrowly professional methodology of his study.

Gender specificity in this aspect appears as a sociocultural phenomenon that arises in a multidimensional and multiple social reality, which includes many identities [3]. Let us also note that the fluidity and fragility of the gender identity of modern young people, the uncertainty of social and gender self-determination are largely connected and legalized at the present time by the procedure of gender reassignment. This situation has ceased to be isolated and has acquired the scale of a whole social phenomenon. In many areas of social activity, non-traditional relations both between men and women have a serious impact on the distribution of social status positions and power relations in some sociocultural groups. Hence, the requirement for an interdisciplinarity of the gender approach to the study of the problems of gender socialization of the younger generation should be accompanied by the construction of a methodological theory, where the microanalysis of social practices is complementarily combined with the institutional approach based on a qualitative approach. Crisis in an innovative postmodern society is an essential feature of the development and existence of an individual.

It can be said that the crisis of gender identity in general and the gender identity of adolescents in particular can serve as a kind of optical lens through which the most significant problems of modern society stand out. According to the well-known statement of B. Russell, this society is unstable, multiple, diverse, which, as P. Bourdieu argued, gives rise to general uncertainty, exerting a powerful influence on the human subconscious and consciousness. According to Z. Bauman, an individual loses his place in society, and a similar situation can be repeated regularly. Postmodern society produces a permanent crisis of gender identity, which is associated with a comprehensive "shuffling" of cultural values, changes in the paradigms of gender socialization, socializing trajectories. No wonder K. Lash argued that the identity that every individual aspires to, in postmodern conditions, becomes something like a suit that can be taken off and put on depending on desire. As a result, the situation of postmodernity clearly shows us that the time of universal rigid explanatory schemes of social processes is coming to naught, giving way to a new methodology for the sociological analysis of the gender identity of the younger generation. The non-classical turn in natural science, which took place as early as the first third of the 20th century, has been repeated in a specific way in the last decade in sociology. In this context, the crisis of gender identity of adolescents, their gender socialization

is in the area of interest of sociological thought, which integrates various areas of the humanities, recognizing the multidimensionality, heteronomy of human social existence.

An individualized society, about which Z. Bauman wrote, involves the formulation of such methodological tasks in the field of gender analysis, which are solved in the synthesis of sociological, psychoanalytic, cultural, philosophical and anthropological knowledge. This fundamental interdisciplinarity can look like an external conglomeration of various scientific discourses, if one does not see in modern sociology a generalizing discipline, the theory and methodology of which make it possible to consider a person and society, an individual and society in a holistic sociocultural analysis. What is important here is not an analysis of abstract social structures that are clearly collapsing under the influence of postmodernist values, but a concrete direct study of the individual, who in each specific case chooses various elements of crumbling social ties. It is this approach that makes it possible to overcome the gap between the individual perception of life and those "invisible", elusive to the outsider's eye connections that exist in society.

To accomplish this task, the least of all are general abstract schemes that determine the research interest of a sociologist, but it is necessary to use the results and materials of studying the most diverse aspects of life, ideas and images born of common sense, conclusions drawn in related socio-humanitarian disciplines. After all, the structure of modern sociological knowledge reflects the rapid fluidity of the society of the 21st century, where opposition hierarchies are being destroyed, authorities are being replaced, new spiritual worlds are being created, where innovation clearly triumphs over tradition. The very gender nature of a person and the keen interest that arose in it at the end of the 20th century clearly testify to the changes that have taken place in the very thickness of sociological knowledge about the world. Thanks to gender sociology, it became clear that society, social groups, social structures, public institutions are of a gender nature. Gender is an important component of power structures and changes in this area have a serious impact on the social practice of life and actions of individuals. Gender norms, stereotypes, identification in a crisis transitional society are undergoing significant changes, having a direct impact on the gender status of the family and family ties, which directly determines the behavior of adolescents. These phenomena at the level of mass consciousness are produced by modern advertising, distributed by the media, and a teenager, being drawn into this system, can lose himself, his gender identity, which is a very dangerous sign, a kind of social ailment.

One of the main agents of socialization for a modern teenager is the Internet. The study of the gender characteristics of adolescents in the virtual world is very promising. O.V. Gavrichenko and T.V. Smolyakova conducted an interesting sociological study of teenage Internet diaries. Using the method of content analysis, they obtained important sociological information that makes it possible to identify the gender self-presentation of adolescents in the virtual world. The researchers examined the following materials in Internet diaries: texts, self-descriptions, additional visual means used, including photographs, drawings, audio files, etc. We also studied links to other Internet resources, teenagers' self-presentation through their own online testing, artistic means of expressing their "I" in prose and poetic forms. In teenagers' blogs, the main part is occupied by personal statements, in which the attitude of the individual to the events is recorded. Adolescents are characterized by a special interest in their own experiences, the emotional expression of their feelings and moods. A sociological study showed that the communicative function, the function of communication, is the most important for virtual diaries of teenagers. This shows the difference between a virtual diary and a real one, since the latter is not intended for outside reading.

However, some features of real diaries are preserved in virtual diaries, since they primarily record the feelings, emotions and thoughts of adolescents. The function of self-knowledge is performed by online self-testing.

The main agents of gender socialization of adolescents are at first the family and the immediate environment. It should be noted that the means of mass communication in modern



society cover all spheres of social reality and affect the broadest masses of the population. However, for the society of the XXI century, characterized by an increasing heading and specialization of the presentation of information for various groups of the population, people of different professions, interests and ages. This trend clearly manifested itself already in the course of the formation of a mass consumer society, where youth and adolescent subcultures turned out to be recipients of the information that was produced by interested representatives of retail chains, relevant fashion and advertising institutions. Television and the Internet have the greatest influence on the consciousness and formation of the cultural picture of the world among adolescents in the field of mass communication. Entire television channels sprang up, targeted at a teenage audience. They are filled with relevant shows, series, movies, advertisements, etc. Like mushrooms after rain, teenage glossy magazines arose on the model of "adults".

If we analyze the articles written in these journals by men and women, we will find corresponding gender differences. In "male" articles, thoughts are expressed, as a rule, more directly, clearly, the only opinion is posited, which, it seems, does not require special proof. The idea is expressed by stylistically complex grammatical constructions, based on presented as undoubted knowledge, such as "general opinion" or "fundamental sociological survey".

In articles written by women, common features are more difficult to identify, they are more individual and emotional. These articles contain many emotional artistic images, linguistic paradoxes and understatements that characterize the "mysteriousness of the female soul." "Female" articles in glossy magazines, as a rule, contain seven or eight exclamatory sentences and about ten interrogative ones.

In this regard, R. Connell put forward the concept of gender composition [4]. The latter is a combination of gender practices - both fixed in the social structure, and innovative, emerging again. For R. Connell, the use of the term "composition" makes it possible to abandon the traditional structural-functional approach based on the concept of "system". It is this approach - "compositional" - that makes it possible, from our point of view, to adequately reflect the "mobile in the mobile" - gender socialization of adolescents.

#### LITERATURE

1. Ионин Л.Г. Философия и методология эмпирической социологии. М., 2004.
2. Авдулова Т.П. Гендерная социализация и структура общения в отрочестве // Психологические исследования. 2009. № 5(7) // <http://www.psystudy.ru>
3. Козлова Н. Гендер и вхождение в модерн // <http://www.ecsocman.edu.ru/ons/msg/154845.html>
4. Connell R. Gender and Power. Society, the Person and Sexual Politics. Stanford University Press, 1987.

### **ЎШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Асқарова Адолатхон Маматхоновна ФарДУ Ижтимоий иш кафедраси ўқитувчиси*

*Асқарова Одинахон Маматхоновна ФарДУ магистранти*

#### **Аннотация**

*Мақолада ўшларни оилага тайёрлашнинг асосий омиллари ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари баён этилган, бу омиллар эмпирик тадқиқ этилиб, психологик таҳлили берилган, натижалар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*Таянч сўз ва тушунчалар: оила, оила қуриши омиллари, тасаввурлар, оилавий ҳаёт, оила муносабатлари, оила қуриши мотивлари, оила қуриши ёши, оила соғломлиги, оила муҳити.*

### **Аннотация**

*В данной статье представлены основные факторы подготовки молодежи к семейной жизни и их психологические особенности, эти факторы эмпирически исследованы, приведен психологический анализ полученных результатов, на основе которых разработаны заключения и рекомендации.*

*Ключевые слова и понятия: семья, факторы создания семьи, представления, семейная жизнь, семейные отношения, мотивы создания семьи, возраст создания семьи, здоровье семьи, среда семьи.*

### **Annotation**

*This article presents the main factors of preparing young people for family life and their psychological characteristics, these factors have been studied empirically, is a psychological analysis of the results, which are designed on the basis of the conclusions and recommendations.*

*Keywords: family, a family factors, presentation, family life, family relationships, motives marriage, age marriage, family health, the environment of the family.*

Оила ҳар бир жамиятнинг табиий асосий таянч бўғини сифатида амалдаги қонунлар, одат ва диний қоидалар билан тартибга солинади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида, жумладан бизнинг мамлакатимиз учун, шахс маънавиятини, диний-маърифий саводхонлигини соғломлаштириш асосида оилавий муносабатларга оид ислом ҳуқуқи қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруратдир. Шу боис исломда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг замонамиз учун аҳамиятли жиҳатлари, тарихий негизларини, маданий-маънавий хусусиятларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий ўзига хослигини ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ва диёримиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг илмий мероси асосида тадқиқ этиш ва одат ҳуқуқи билан қиёсий ўрганиш мафкуравий курашлар авж олиб бораётган ҳозирги кун учун ўта зарур масаладир. Зеро, "...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда".

Мамлакатни модернизация қилиш жараёнлари фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оиланинг яхлит тизими, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий асосларига ҳам таъсир қилади. Айни пайтда Ўзбекистонда 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жами 8 871 412 та оила мавжуд. Шу оилалардаги реал жараёнлар, хусусан, никоҳ, ажрим, туғилиш, ўлим, аҳолининг репродуктив установакалари, яъни нечта фарзанд кўришга нисбатан интилиши, хоҳиш-истаклари, реал даромадлар, миграция ҳолатлари қабилар мамлакатдаги демографик вазиятни белгиловчи омиллардир.

Республикамизда оила ва оилавий муносабатларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлигини эътироф этиш мумкин.

Бизга маълумки, ҳозирда мамлакатимизда ёшларга, уларнинг илм олиш ва касб-хунар эгаси бўлишига катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир йигит-қизнинг таълим масканларида ўқиб, бирор мутахассисликни эгаллаши объектив ҳодиса бўлиши билан бирга, унинг ёш жиҳатидан оила қуриши ҳам инкор этилмайдиган қадриятдир.

Бизнинг фикримизча, оила муаммосини тадқиқ қилишда, аввало бугунги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Чунки кўп ҳолларда турмуш қурган икки ёш ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нозик жиҳатлари ҳақида етарли билим, зарурий кўникма ва малакага эга бўлмастик, қолаверса икки ёшнинг бир-бири ҳамда оилавий ролларнинг тақсимланиши тўғрисидаги адекват тасаввурларнинг шаклланмаганлиги улар муносабатларининг ижобий кечиши ва динамик жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш жуда муҳимдир. Чунки бу орқали

ҳозирги ўзбек оиласининг мустаҳкам ва бахтли этиш йўллари аниқлаш мумкин. Шундай экан, бу мавзу энг долзарб масала ҳисобланади.

Статистик маълумотлар Ўзбекистонда йил сайин никоҳлар сони ошаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикада 206,7 мингта никоҳ ҳолатлари қайд [этилган](#). 2021 йилнинг 9 ойида қайд этилган никоҳлар сони 2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 12,3 фоизга ошган. 2021 йилнинг 8 ойида 174 998 та никоҳ қайд этилган.

Бунга сабаб, бир томондан, аҳоли, биринчи навбатда ёшларнинг сони ошганлиги, уларда расман қурилган оила институтига нисбатан муносабатнинг ижобий томонга ўзгарганлиги бўлса, иккинчи томондан, жамоатчилик, маҳалла фаоллари, ҳокимликларнинг оталиқни белгилаш ҳолатларини камайтиришга қаратилган самарали саъй-ҳаракатлари оқибатидир, дейиш мумкин.

Никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бунга, биринчи навбатда, келин-куёвларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворнинг бир-бирига мос келмаслиги, рашк, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкилик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, оилани мустақил бошқара олмаслиги), қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари сабаб бўлган. Бу муаммоларга эрнинг бошқа шаҳарларга иш қидириб кетиб, қайтиб келмаганлиги, бошқа бир аёл билан янги турмуш бошлагани ҳам қўшилди.

Ёшларни оилавий ҳаётга ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлашнинг устувор йўналишлари хориж олимларидан Е.Алешина, Н.Х.Сафина, Т.Ю.Сорокина, ўзбек психолог олимларидан М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиевб, В.М.Каримова, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров, Н.Х.Лутфуллаева, М.Умарова, Ф.Саифназарова, М.Х.Файзиевава бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Оила психологиясида никоҳ қурувчиларнинг никоҳ қуриш омиллари ва шартлари масаласи муҳим бўлиб, никоҳ қуриш омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Оилавий ҳаётга етуклик.
2. Оила қуриш ёши.
3. Оила қуриш мотивлари.
4. Оила қурилгунгача таниш муддати.
5. Оила қуриш шартлари ва шароитлари.
6. Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари.

Никоҳга етуклик омиллари қаторига ёшларнинг оилавий ҳаётга маънавий етуклиги, уларнинг оила қуриш мотивлари, никоҳ қуриш ёшига оид фикрлари ва бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурларини киритар эканмиз, бу жиҳатларнинг ҳар бири қандай хусусиятга эга эканлигини кўриб чиқамиз.

Никоҳга етуклик тушунчаси ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам ривожланиб, такомиллашиб боровчи, ўз маънавий, ахлоқий ривожда мунтазам равишда янгиликларни ўзига сингдирувчи мавжудотдир. Кишининг етуклиги, айниқса, оилавий ҳаётга етуклиги масаласида фикр юритилганда, бу тушунчадан бир шартли ўлчов сифатидагина фойдаланилади. Никоҳга етуклик дейилганда, оила қурувчи ёшларнинг жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин.

Буларнинг орасида эса жинсий, ҳуқуқий етуклик кўрсаткичлари аниқ аломатларга эга бўлса, иқтисодий, психологик, маънавий-ахлоқий жиҳатлар қатъий бир кўрсаткич билан белгиланмайди. Шахснинг жинсий етуклиги унда балоғатга ўтиш аломатларининг кузатилиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг кескин даражада намоён бўлиши билан, ички секреция безларининг фаоллашуви билан характерланади. Шахснинг психологик етуклиги деб эса, унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олишида

намоён бўлади. Ёшларда кузатиладиган психологик етуклик шахснинг бошқаларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ўзаро ёрдам қабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларини ҳам билдиради. Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Никоҳ олди омилларида бири – бу никоҳ қуриш учун асос бўлган никоҳ мотивлари ҳисобланади. Оила қурилишида бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари мавжуд. Лекин уларни умумлаштирилган равишда учта тоифага ажратиш мумкин: 1. Севги туфайли оила қуриш. 2. Моддий ёки ўзга манфаатдорлик асосида оила қуриш. 3. Стереотип бўйича оила қуриш.

Оиланинг мустаҳкам бўлишида оила қуриш ёши муҳим ҳисобланади. Кузатувлардан кўринадики, ниҳоятда эрта (16, 17 ёшда) ва кеч (28, 30 ёшдан кейин) оила қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Эрта оила қуриш йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қиз боланинг оила юмушларига эрта жалб этилиши натижасида у бекалик, физиологик жиҳатдан эса оналик вазифаларига етилган бўлиши мумкин. Лекин оилада эркакнинг ёши келиннинг ёши билан барабар бўлиши, йигитнинг ёши кўрсаткичи оила мустаҳкамлигига таъсир этади. Чунки келин томонидан у бола сифатида тасаввур этилади ва куёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига олиб келиши мумкин.

Кеч оила қуриш ҳам мақсадли эмас. Айниқса қизлар учун оила қуриш имкониётларини пасайтиради. Ўзига турмуш ўртоқ танлашдаги мезонлар сони ортишига, лекин номзодлар сони камайишига дуч келади. Бу ўз навбатида қиз бола учун оила қуришни мураккаблаштиради.

Шунинг учун оптимал ёшни ўтказиб юбормаслик керак. Бунинг учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий етуклик ёши танланса, маъқул бўлади. Бу эса аксарият ҳолда қизлар учун 20 ёш ва ундан юқори, йигитлар учун 24 ёш ва ундан юқори бўлган даврларга тўғри келар экан.

Ёшларнинг ўз оилавий ҳаётларига оид тасаввурлари муҳим бўлиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Афсуски, ёшларнинг ҳамма вақт ҳам оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки аксарият ҳолда ҳақиқий ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни имкон қадар ҳаётда кузатиладиган паст ва баланд, ширин ва аччиқ, роҳат ва ташвиш, қоронғу ва ёруғ томонлари бўлиши муқаррарлигига ўргатиб боришимиз ва бу томонлар ҳақида адекват (тўғри) тасаввурларни шакллантира олишимиз керак бўлади.

Психологик ва ҳаётий кузатувлардан кўринадики, никоҳга кирувчиларнинг 20 ёшдан кичикроқ бўлиши уларда ҳаётий тажриба 20-24 ёшдагиларга қараганда камлиги, ижтимоий-иқтисодий етуклик даражаларининг етарли эмаслиги туфайли оилаларда ажралиш ёки тушунмаслик, оилада турли даражада низоларга олиб келиши мумкин экан.

### 1-жадвал. «Турмуш қуриш ёши қиз бола учун қандай бўлиши керак?» саволи бўйича ёшларнинг фикрлари (фоизда)

| Оила қуриш “қизлар” учун | Йигитлар жавоблари | Қизлар жавоблари |
|--------------------------|--------------------|------------------|
| 16-17 ёш                 | 14,5%              | 4,0%             |
| 18-19 ёш                 | 70,5%              | 65,5%            |
| 20-21 ёш                 | 12,5%              | 18,5%            |
| 22-23 ёш                 | 2,0%               | 12,0%            |
| 24-25 ёш                 | 0,5%               | -                |
| 25 дан катта             | -                  | -                |

### 2-жадвал. «Турмуш қуриш ёши йигит учун қандай бўлиши керак?» саволи бўйича ёшларнинг фикрлари (фоизда)

| Оила қуриш «йигитлар» учун | Йигитлар жавоблари | Қизлар жавоблари |
|----------------------------|--------------------|------------------|
| 16-17 ёш                   | -                  | -                |
| 18-19 ёш                   | 3,5%               | -                |
| 20-21 ёш                   | 10,5%              | 8,5%             |
| 22-23 ёш                   | 22,0%              | 12,0%            |
| 24-25 ёш                   | 50,5%              | 64,5%            |
| 25 дан катта               | 13,5%              | 15,0%            |

Шунинг учун биз тадқиқот ишимизда махсус тузилган ижтимоий-психологик сўровномамизга киритилган саволлар орасида қизларнинг турмуш қуриш ёши ва йигитларнинг турмуш қуриш ёшига оид фикрларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун биз уларга «Турмуш қуриш ёши қиз бола учун қандай бўлиши керак?» деган савол билан муурожаат қилдик.

Эътибор қиладиган бўлсак, қизлар учун 25 ёшдан кейин оила қуришни ҳеч қайси респондент танламаган. Бу ўз навбатида оила қуришга нисбатан установкалар, ўзбек миллатига хос бўлган ёндашув шаклланганлигини билдиради. Олинган натижаларни (1-жадвал) таҳлил этадиган бўлсак, шу нарса кўринадики, оила қурмаган йигитлар қиз боланинг турмуш қуриш ёши 16-17 ёш бўлишини маъқул деб, бу жавобни 14,5 фоиз йигитлар белгиланган.

Иккинчи ёш кўрсаткичи 18-19 ёшлар бўлиб, олинган натижаларнинг характерли томони шундаки, бу ёшни оила қуриш учун маъқул ёш сифатида аксарият йигит-қизлар танлашган (70,5% йигитлар ва 65,5% қизлар). Улар бу ёшда синфдошлари, танишлари, қўшнилари шу ёшда, айниқса оила қураётганликларини кузатадилар ва натижада бу ёш никоҳ қуриш учун энг маъқул ёш деган фикрга келадилар.

Демак, оилавий ҳаёт қуриш учун 20-21 ёшни танлаш асосида бир қатор сабаблар бўлиши мумкин: биринчидан, оила қурганлар оилада бажариладиган турли вазифаларни яхши англайдилар: бу вазифаларга тарбиявий, иқтисодий, коммуникатив, жинсий, психологик, репродуктив ва бошқалар киради. Ҳар бир функциянинг оила шароитида бажарилишида маълум бир шарт керак. Масалан, иқтисодий вазифа тўғри бажарилиши учун оила қурган киши маълум бир соҳани эгаллаган, меҳнат қилиб оилани пул билан таъминлайдиган даражага эришган бўлиши керак. Коммуникатив вазифа тўғри бажарилиши учун оиладагилар бир-бирлари билан муомала ўрната олиш малакаларига эга бўлмоқлари талаб этилади. Репродуктив вазифа бажарилишида ёшларнинг саломатлик кўрсаткичлари меъёрда ривожланган бўлиши лозим. Бу жиҳатлар қиз боланинг оила қуриши учун энг оптимал ёш сифатида 20-21 ёшни танлаш маъқуллигини билдиради.

Жадвалдаги аҳамиятли жиҳат шундаки, қиз боланинг оила қуриш ёши учун 24-25 ёшдан кейинги кўрсаткичлар маъқул эмаслиги бўлиб, бунда ёшларнинг яқка фикрлилиги кўринади. Аммо биламизки, ёш катталашган сари қизларнинг оила қуриш имкониятлари пасайиб боради, танлаш даражалари камаяди, муаммолар ортади.

### 3-жадвал. Ёшларнинг никоҳга маънавий тайёрлик даражалари (фоизда)

| Объект   | Паст даража | Ўртача даража |
|----------|-------------|---------------|
| Йигитлар | 23,5%       | 76,5%         |
| Қизлар   | 5,5%        | 94,5%         |

Биз оила қуриш ёши масаласида «Йигит учун қайси ёш маъқул бўлади?» деган масалани ҳам қўйдик.

2-жадвалдаги эътиборли жиҳат шундаки, йигитлар учун оила қуриш ёшининг 16-17 ёш бўлишини бирорта ҳам респондент белгиламаганлигидир. Ҳақиқатан ҳам эркак

кишининг оила қуриши учун масъул эканлиги ва бунинг учун маълум бир ёшга ва етуклик мезонларига мос келиши кераклигини ҳаммамиз англаймиз, албатта.

Йигитларнинг оила қуришлари учун энг мақбул ёш сифатида барча иштирокчилар томонидан 24-25 ёш танланган. Ҳақиқатан бу ёшда йигитлар бирор мутахассислик ёки ҳунарга эга бўладилар, ўзларини иқтисодий жиҳатдан, қисман бўлса-да оилани таъминлашга қодир, физиологик жиҳатдан етукликка эришган паллада бўладилар. Бу эса бу ёшнинг уларнинг оила қуриши учун энг оптимал ёшга эга давр сифатида танлашга олиб келади. Гоҳида оила қурмаган ёшларнинг фикрларида оила қуришни вақтли бошласа ҳам бўлади, деган фикр кузатилади ва йигит учун 22-23 ёшни оила қуриш учун яхши деб ўйлайдилар. Аслида йигитларнинг ёши катталашган сари оила қуриш имкониятлари пасаймайди, аксинча ортади, оилада уларнинг ижтимоий, иқтисодий мавқелари ошиши, натижада келин томонидан уларнинг турмуш ўртоқ сифатида идрок этилиши, ҳурмати сақланиши кузатилади.

Демак, турмуш қуриш ёшининг никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи омил сифатида кўрилиши бу айна ҳақиқат экан, бу ёшнинг қизлар учун ҳам, йигитлар учун ҳам қаралганда алоҳида ўз оптимал муддатлари мавжуд эканки, оила қураётган ҳар бир шахс бу муддатни билиб, оила қуриши унинг никоҳи барқарорлигига олиб келар экан.

Биз ўз тадқиқот ишимизда ёшларнинг никоҳга нисбатан маънавий тайёрлик хисларини аниқламоқчи бўлдик. Бунинг учун психологияда маълум бўлган «Никоҳга маънавий тайёрлик» тестидан фойдаландик. Тест 16 та савол-тасдиқдан иборат бўлиб, натижаларни қайта ишлаш орқали 3-жадвалда келтирилган маълумотларга эга бўлдик. Бу тест саволномада иштирок этган 60 нафар талабада ўтказилди.

Кўриб турганимиздек, тест натижаларига кўра оила қурмаган ёшларнинг никоҳга маънавий тайёрлик даражаларида жинсий тафовутлар кўринади. Маънавий тайёрликнинг паст кўрсаткичи кўпроқ йигитларда кузатилади, ўртача кўрсаткич эса қизларнинг деярли барчаларида кўп. Бу ўз навбатида қизларнинг бу ёш даврларида оила қуришлари улар учун энг муҳим қадрият сифатида қаралиши, уларнинг уйларига совчилар кела бошлагани, уларнинг оила вазифаларига буткул берилганликлари, уларнинг танишлари аллақачон оила қурганликлари, яқинлари томонидан бу ёшдаги қизнинг оила қуришига оид фикрлар кўплаб айтилаётгани ва уларда бу қадриятга нисбатан кўникиш ва бўлиши зарур бўлган ҳақиқат сифатида қараш таркиб топганлигини билдиради. Йигитлар эса ўзларини аввал иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан мустақил кўришлари кераклиги, оила қуриш учун ўзларини англаб олишлари, мутахассис сифатида шаклланишлари муҳимлигини ҳис этишлари устунлиги кўринади.

Ёшларда олиб борилган сўровнома ва психологик тестдан олинган натижалар ёшларда келажак оилавий ҳаётлари ҳақида этник, жинсий, психологик хусусиятлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари уларнинг ёш кўрсаткичлари, маънавий етуклик даражалари, оилада олган турли даражадаги ижтимоий таъсирларига боғлиқ эканлиги кўринди. Мазкур тадқиқот ишида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёшлар томонидан қиз боланинг турмуш қуриш ёши масаласида энг оптимал ёш сифатида 20-21 ёш танланган бўлиб, бу ўз навбатида оила қурувчининг оилада бажарадиган турли вазифаларни яхши англаган бўлишини тақозо этади. Бу вазифаларга тарбиявий, иқтисодий, коммуникатив, маънавий, ижтимоий, психологик, репродуктив ва бошқа вазифалар киради. Ёшлар фикрича, ҳар бир функциянинг оила шароитида бажарилишида маълум бир етуклик шарт зарур экан.

2. Йигитларнинг оила қуришлари учун энг мақбул ёш сифатида 24-25 ёш энг мақбул ёш сифатида танланган. Айрим ёшлар фикрига кўра, йигит кишининг оила қуриши учун энг мақбул ёш сифатида 22-23 ёшни олиш мумкин.

3. Йигитларнинг аксарият қисми учун севги асосида оила қуриш ҳолати маъқул экан. Аксарият қизлар отаси талабига кўра оила қуришни маъқуллар эканлар. Улар бу орқали

оталарининг фикри билан ҳисоблашишлари, оталарининг уларнинг оилавий ҳаётига нисбатан аниқ ва тўғри фикр билдиришларини ҳис этишларини намоён этар эканлар.

4. Никоҳга маънавий тайёрликнинг паст кўрсаткичи йигитларда оз бўлса-да кузатилар экан.

5. Никоҳга маънавий тайёрликнинг ўртача кўрсаткичи қизларнинг деярли барчалари учун хос экан.

6. Ёшлар учун уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган педагогик-психологик усулларни қўллаш зарурлиги кўринди, чунки ёшлик даври айрим ёшларнинг оила қуриши учун муқаррар ёш даври эканлиги кузатилди.

Олинган натижалар, хулосалар асосида ушбу тавсияларни беришни зарур деб ҳисоблаймиз:

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг маънавий, касб жиҳатидан, яъни профессионал, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик етук бўлишларига эришиш. Бунинг учун ёшларга педагог-ўқитувчилар, ота-оналар, катталар томонидан шу жиҳатларнинг муҳим эканлигини ўргатиб бориш ва тушунтириш;

- академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қошида ташкил этилган «Оила – бахт қасри» мактабларида шу соҳа мутахассислари: психолог, педагоглар иштирокида оила муҳим қадрият эканлигига оид турли давра суҳбатлари олиб бориш;

- маҳалла фуқаролари йиғинларида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» орқали ёшларга қай йўсинда суҳбатлар ташкил этиш йўл-йўриқларини ўргатиш, ёшларга «Оила – муқаддас маскан» рукни орқали тажрибали, намунали оилалар иштирокида ибратли давра суҳбатларини ўтказишни ташкил этиш; ёшларга оила мустақамлигини таъминловчи омилларга оид махсус суҳбат ва мунозараларни ташкил этиш, малакали мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш;

- оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда шу мавзуда мулоқотлар олиб бориш;

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишини муҳим деб қараб, оилага доир суҳбатлар уюштириш; ҳаётий мисоллар воситасида никоҳ қуриш омилларининг никоҳ барқарорлигига таъсирининг ибратли жиҳатларини кўрсатиш орқали бу муаммога доир ижобий тасаввур шакллантира олиш.

Демак, таълим муассасаларида таълим- тарбия самарадорлигини оширишда нафақат мутахассислик фанларига, балки шахснинг ўз-ўзини яхши ҳис этиши, атрофдаги одамлар билан бўладиган шахслараро муносабатларда зўриқмай, ўзини эркин ҳис қилишига ёрдам берадиган психологик билимларни бериш, қолаверса, йигит-қизларга «табиатнинг шоҳ асари бўлмиш – оила»нинг ўзига хос қонун-қоида, сир-синоатларини ўргатиш зарур.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, № 119. 2017 йил 16 июнь.

2. <https://daryo.uz/k/2021/09/21/ozbekistonda-qancha-oila-mavjud/>

3. <https://www.xabar.uz/jamiyat/ozbekistonda-nikohlar-soni-2020-yilga>

4. Оила психологияси. // Шоумаров Ғ.Б. таҳрири остида. – Т.: 2007. -53-б

5. Оила психологияси. // Шоумаров Ғ.Б. таҳрири остида. – Т.: 2007. -58-б.

6. Юқоридаги манба.-58-б.

7. Алимова Г., Акрамова Ф. Эрта никоҳ оқибатлари (маҳалла маслаҳатчилари, амалиётчи-психологлар учун қўлланма). – Т., 2014. -23-б.

8. Соғинов Н.А., Хабибуллаев Х. Оилани ўрганиш психологик тестлари тўплами. – Т., 1996. –34-б.

## **SHARQONA ETIK HAMDA ESTETIK TARBIYANI MUKAMMAL RIVOJLANTIRISHDA GENDERLIK YONDASHUVNING O'RNI**

*Qurbonova Baxtixon Qo'chqarbayevna  
FarDU dotsenti*

**Annotatsiya:** Maqolada gender ta'limida milliy an'analarni rivojlantirish muammolari, ayollar huquqlarining kamsitilishining barcha shakllariga barham berish bo'yicha umume'tirof etilgan xalqaro me'yorlarning milliy qonunchiligida, O'zbekiston Respublikasi unga qo'shilgan gender tenglik to'g'risidagi xalqaro hujjatlar normalarining amalda bajarilishini monitoring qilish va unda belgilangan tavsiyalarning bajarilishi tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** sharqona tarbiya, milliy urf-odatlar, gender ta'lim, gender vakolati, uzluksizlik, gender vakolatining tarkibiy qismlari va mezonlari.

XXI asr jamiyatda gender tenglikni aniqlashning ko'plab stereotiplarini tubdan o'zgartirdi. Ushbu o'zgarishlarning eng muhim hodisalari ijtimoiy faoliyatning turli sohalarida ayollarning o'rni va rolini qayta ko'rib chiqish, jinslarning o'zaro ta'sirida uyg'unlikni baholashga yangicha yondashuv bo'ldi.

2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha amalga oshirilgan davlat dasturiga muvofiq ishlab chiqilgan ilm-fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida mo'ljallangan strategiyaning asosiy maqsadi - amalga oshirilayotgan islohotlar samaradorligini tubdan oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun sharoit yaratish, mamlakatni modernizatsiya qilish va hayotning barcha sohalarini liberallashtirishdir.

O'z navbatida, xotin-qizlarning davlat va jamiyat hayotidagi ishtirokini kuchaytirish, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayotning barcha bosqichlarida har tomonlama ishtirok etishi hamda qaror qabul qilishda yetakchilik qilishi uchun teng imkoniyatlarni ta'minlash, gender tenglik tamoyillarini boshqaruvning turli bosqichlarida davlat dasturlarini qabul qilish jarayoniga to'la singdirish kabi chora-tadbirlar ham izchil amalga oshirilib kelinmoqda. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senatining "Ayollarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va gender tengligini ta'minlash sohasidagi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Farmonga binoan Oliy Majlis Senatining xotin-qizlar va gender tengligi masalalari bo'yicha maslahat kengashi tuzildi.

Ta'kidlanganidek, maslahat kengashining asosiy vazifalari mamlakatda gender tengligini ta'minlashga qaratilgan davlat siyosatini amalga oshirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish va ayollarning jamoat ishlarida faol ishtirok etishi, gender tengligi masalalarini va oila institutini rivojlantirish, to'g'risidagi qonunlarni ularning maqsad va vazifalariga muvofiqligini hisobga olgan holda, mamlakat islohoti va xalqaro huquq normalarini ko'rib chiqish va tegishli xulosalar chiqarishdir.

Maslahat kengashiga, shuningdek, xotin-qizlar huquqlarining kamsitilishining barcha shakllariga barham berish bo'yicha milliy qonunchilikda tan olingan xalqaro normalarni amalga oshirish bo'yicha takliflar ishlab chiqildi. O'zbekiston Respublikasi a'zo bo'lgan gender tengligi bo'yicha xalqaro hujjatlar normalarining amalda bajarilishini nazorat qilish va ularda belgilangan tavsiyalarga amal qilishko'rsatib o'tildi.

Maslahat kengashi o'z faoliyatida aholi, shu jumladan, ayollar bilan to'g'ridan to'g'ri muloqot olib borish va aniqlangan dolzarb muammolarni parlament nazorati orqali hal etish choralari ko'rish orqali sohadagi gender muammolarining haqiqiy holatini o'rganishga alohida e'tibor qaratmoqda.

Bundan tashqari, maslahat kengashi a'zolari jismoniy va yuridik shaxslarning reproduktiv salomatlik, onalik va bolalikni muhofaza qilishni yaxshilash bo'yicha takliflar tayyorlash orqali ayollar, gender tengligi va oila institutiga oid murojaatlarini ko'rib chiqadilar.

Shuningdek, O'zbekiston milliy qonunchiligida mustahkamlanib qo'yilgan gender tengligi va xotin-qizlar huquqlari kafolatlari to'g'risidagi O'RQ-562-son 2019 yil 17 avgustdagi Qonuni



xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi munosabatlarni tartibga solish to'g'risidagi Qonun ayollar uchun munosib ish va turmush sharoitlarini yaratish, ularni ijtimoiy himoyalash, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy faolligini oshirish, mamlakat hayotidagi o'rni va nufuzini yanada mustahkamlash, davlat boshqaruvida ayollardan rahbar kadrlar safini kengaytirish, ularni jamiyatning faol qatlamiga aylantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Jamiyatning gender rolini tabaqalanishidagi keskin o'zgarishlar sharoitida gender omili ijtimoiy va gumanitar fanlar bo'yicha deyarli har qanday tadqiqotning ajralmas qismi bo'lib, uni obyektiv va ilmiy deb ta'kidlaydi. Erkak va ayol insonning ikkita asosiy turi bo'lib, ular o'rtasidagi munosabat inson munosabatlarining asosiy modeli sifatida ko'rib chiqilishi kerak.

“Jins” toifasi (inglizchadan, jinsi, jinsidan), ijtimoiylashuvning biologik (aniqlangan) omillaridan farqli o'laroq, erkak va ayolning ijtimoiy uyushgan guruhlar sifatida o'zaro ta'sir qilish xususiyatlarini aks ettiradi. Gender tadqiqotlarining obyekti jamiyatning jinslararo tabaqalanishiga asoslangan jinlar o'rtasidagi ijtimoiy o'zaro ta'sirlarning butun doirasidir.

Har bir yosh avlodni milliy ruhda tarbiyalash, sharqona etik hamda estetik tarbiyani mukammal rivojlantirish har bir insonning burchi hisoblanadi. Shunday ekan, sharqona tarbiyani shakllantirishda genderli yondashuv kata ahamiyat kasb etadi.

Sharqona tarbiyani shakllantirishda genderli yondashuvning ilmiy pedagogik asosini tahlil qilish jarayonida bir qancha mezonlar ishlab chiqildi. Jumladan, motivatsion-shaxsiy, kognitiv, prosessual, integrativ-shaxsiy, genderli yondashuvni takomillashtiradigan metodik tayyorgarligini belgilovchi darajalari, texnologik tizimi, texnologik modeli, shuningdek, malaka talablari, o'quv dasturlari va o'quv-uslubiy majmuasi ishlab chiqildi hamda ilmiy pedagogik asosi takomillashtirish bo'yicha axborot resurslari yaratildi.

Sharqona tarbiyani shakllantirishda genderli yondashuvning ilmiy pedagogik asosijtimoiy-gumanitar fanlarnio'qitishda genderli munosabatni takomillashtirishga xizmat qiladigan bilimlar, axborotlarni taqdim etish, shakl, metod, vosita hamda texnologiyalari ishlab chiqildi va foydalanish bilan tadqiq etildi.

Bundan ko'rinadiki, sharqona tarbiyada gender tengligi masalasini to'g'ri talqin etish orqali o'zbekona urf-odat hamda an'analarimizni saqlash hamda kelajak avlodga yetkazish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

#### **ADABIYOTLAR RO'YHATI**

1. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash mamlakat rivoji va xalq farovonligining kafolati. Toshkent, O'zbekiston, 2017, 48-b.

2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 7-fevraldagi PF-4947-son Farmoni

3. O'zbekiston qonunchiligida gender tengligi va xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari. Qo'llanma – T. Gredo Print nashriyoti. 2020 y.

4. Egamberdiyeva T., Jamoldinova O., Solixojayeva D. Oliy ta'lim tizimiga gender yondashuvni bugun va kelajak tamoyillari. Uslubiy qo'llanma – T. 2022y.

5. Холматова З.Т. Теоретические основы гендерного подхода в педагогике. Научный журнал «Гуманитарный трактат» [www.gumtraktat.ru](http://www.gumtraktat.ru) ISSN 2500-115915 iyulya 2019 g.

6. Шарипова Д., Холикова Д., Основные направления работы по технологии здоровьесбережения в начальной школе. “Xalq ta'limi” ilmiy-metodik jurnali. 2017. № 6. [www.xtjurnali.zn.uz](http://www.xtjurnali.zn.uz)

## MILLIY URF–ODAT VA AN'ANALARDA GENDER JIHLATLAR

*Nasritdinova Madina Nurullayevna*  
*Farg'onadavlatuniversiteti*  
*"Musiq ta'limi va madaniyat"*  
*kafedra o'qituvchisi*  
*Turg'unboyeva Muhlis Baxromjon qizi*  
*FDU, "Musiq ta'limi" yo'nalishi*  
*2–bosqich talabasi*  
*turgunboevamuhlis570@gmail.com*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada xotin–qizlar va erkaklarning gender tengligi, milliy an'analarimizda gender jihatlari hamda yurtimizda urf–odat, qadriyatlarimizda ayollarga qaratilgan e'tibor, mamalakatimizda ularga yaratilayotgan imkoniyatlar to'g'risida ma'lumotlar yoritib berilgan.

**Kalitso'zlar:** milliy, urf–odat, an'ana, gender tengligitamoyili, xotin–qizlar, qadriyatlar, jamiyat, qaror.

Yer yuzidagi har bir millat faqat uning o'ziga xos bo'lgan an'ana va qadriyatlari bilan alohida ajralib turadi, tabiiyki, har qaysi xalqning bebaho boyligi bo'lgan bunday qadriyat va an'analar bir-ikki kunda paydo bo'lib qolmagan. Insoniyatning necha ming yillik tarixiy tajribasi shuni ko'rsatadiki, biror-bir narsaning an'anaga, ayniqsa, qadriyatga aylanishi uzoq davrni talab qiladi. Yillar, asrlar davomida muayyan qarash, odat, tushuncha, tajribalar zamonlar, avlodlar sinovidan o'tadi, sayqal topib boradi. Agar ular keyingi avlodlar tomonidan ham qabul qilinsa, davom ettirilib, urf-odatga aylansa, demakki, endi ularni milliy an'ana va qadriyat deb atash mumkin bo'ladi. Bugungi kunda barchaxalqlaro'ziningmilliyruf–odatvaan'analarigaegadir. Xalqimizning ham urf–odat, an'ana va qadriyatlari asrlar davomida avloddan–avlodga o'tib rivojlanib, mustahkamlanib shu kungacha yetib keldi. Ota–bobolarimizdan me'ros qolgan an'analar, oiladagi muhit ta'lim–tarbiya, o'zaro xurmat, odob–axloq va umuminsoniy qadriyatlarda namoyon bo'ladi. Milliy qadriyatlarni bugungi yosh avlodga o'rgatish ularda Vatanga bo'lgan xurmatni, mehr–muhabbatni, milliy g'ururni shakllantirish xususida turli hil loyhalar amalga oshirilmoqda. Bugungi Yangi O'zbekistonda barpo etilayotgan hozirgi sharoitda milliy urf–odatlar, an'analar, oilaviy qadriyatlarining o'rni har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi kunda G'arb madaniyatidan kirib kelayotgan ba'zi g'oyalar bizning mintalitetimizga qarama–qarshi bo'lib yoshlarimiz ongini zaharlamoqda. Bugungi kundagi turli zararli ta'sirlardan saqlanish, har qanday sharoitda ham xalqimizga azaldan xos bo'lgan milliy qiyofa, betakror fazilatlar egasi bo'lib qolishimizda qadimiy an'ana va qadriyatlarimizni asrab–avaylab, ularga amal qilib yashash o'ta muhimdir.

Bizning an'analarimiz bugungi kunda yangi bosqichlarda rivojlanmoqda. Milliy qadriyatlarimizdan xisoblangan kottalarga xurmat, ayollar erkaklardan bir pog'ona pasda bo'lishlari to'grisidagi o'gitlarni eshitib kelganmiz. Albattashuni ham aytishimiz joizki, texnika, ilm–fan rivojlanayotgan davrda, ayol va erkakning aqliy imkoniyatlari tengligi tushunchalarini, keng tarqalayotgani guvohi bo'lyabmiz. Bu tenglik – "Gender tenglik" deyiladi.

Ammo, bu tushuncha xalqimiz orasida to'g'ri ma'lumotlar bilan talqin qilinmaganligi, tufayli bir qancha muammolar kelib chiqanini guvohi bo'lmoqdamiz. Gender tengliko'zinima? Xalqimiz orasida qanchalik keng tarqalgan? Bu bizning milliy qadriyatlarimizga to'g'ri keladimi? Yurtimizda gender tengligiga extiyoj bormi? Eng asosiysi gender jihatlari avvaldan urf–odatlarimizda bor bo'lganmi? Kabi savollar juda ham ko'p. Albatta barcha savollarga javob topishimiz mumkin. Unda bir boshdan ko'rib chiqamiz.

Gender tengligi va jinsiy tenglik, aniqrog'i: erkaklar va ayollar o'rtasidagi tenglik — bu oilada erkaklar va ayollar o'rtasida teng huquqlarga erishishni nazarda tutadigan tushuncha va boshqa qonuniy munosabatlar. Ba'zi tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, Gender tengligi tamoyili

insonning shaxs sifatida paydo bo'lishiga to'sqinlik qiladigan barchai jtimoiy to'siqlarni o'rganish va yo'q qilish, shuningdek, hayotning barcha sohalarida erkaklar va ayollar shaxsiyatini anglash uchun tengi jtimoiy imkoniyatlarni yaratishdan iborat [1].

Ushbu termin yurtimizda 2019–yildan keng tarqalishni boshlagan. 2019–yil 2–sentabrda 562-sonli O'zbekiston Respublikasi "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi qonuni qabul qilingan. Bu esa prezidentimiz tomonidan xotin-qizlar uchun yaratilgan shart-sharoitlardan biridir. Hozirgi kunda O'zbekistondagi Gender tenglik bo'yicha Komissiya 2019-yilda boshlab o'z ishfaoliyatini yuritib kelmoqda. O'zbekiston Respublikasi Gender tenglikni ta'minlash masalalari bo'yicha komissiyasining raisi Oliy Majlis Senati Raisi Tanzila Narbayevadir [2].

"Gender tenglik" tushunchasi xalqimiz orasida keng tarqalmagan desak mublag'a bo'lmaydi. Buning sababi avvalo bu tushuncha kamdan-kam qo'llaniladi, lekin gender jihatlarini atrofimizda juda ko'p uchratishimiz mumkin. O'tgan 5–6 yil nariga nazar soladigan bo'lsak, xalqimiz orasida qizlarni o'qishiga, ayyollarni rahbarlik lavozimlarida ishlashlarig aqarshilikla rko'p bo'lgani, harbiy sohalarda esa deyarli ayollar yo'qligi guvohi bo'lamiz. Bugungi kunga kelib esa yurtimizda ayol va erkakning teng huquqlarga egaligi va ular ham o'zi tanlagan kasblarda bemalol faoliyat yuritishlari uchun imkoniyatlar yaratilmoqda. Tangani ikkinchi tarafi bo'lganidek, bumasalani ham boshqa tarafdin ko'rib chiqamiz. To'g'ri gender tenglik ayol va erkaklarni bir hil imkoniyatlarini ta'minlaydi, tushunchani noto'g'ri talqin qilish orqali bizning mintalitetimizga, urf-odat va qadriyatlarimizga mutlaqo zid bo'lgan qarashlar shakllanib qolyapti bu esa kelajak avlodni milliy ruhda tarbiyalash kabi masalalarda bir qancha muammolarni keltirib chiqaradi. Gender tenglik avvaldin bo'lgan, lekin u termin sifatida qabul qilinmagan. Ayolni e'zozlash bizning millatimiz, mamlakatimiz uchun oliy qadriyat darajasidagi fazilatdir. Masalan, o'zbek oilasida kattalarga nisbatan xurmathamayolga ham erkakka bir hilda ko'rsatiladi. Qadriyatimizdin yana birida gender jihatlarini ko'rishimiz mumkin. Masalan, qiz va o'gil bollar yoshlikdin barcha mehnatturlarini birdek bajarishadi, ba'zi faoliyatlar jismoniy kucht alab qilingani tufayli faqat erkakalar tomonidin bajarilgan. Lekin bu gender tengsizlik bo'lmaydi. Har qanday davlat va jamiyat taraqqiyotida, ayniqsa iqtisodiyotning tarkibiy qismi bo'lgan tadbirkorlik sohasida xotin-qizlarning mavqeyi muhim o'ringa ega. "Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risidagi" qaror imzolandi [3]. Bu qarorda ayollarning mehnat va pensiya sohasigi yutuqlari, gender tengligini ta'minlash bo'yicha mutlaqo yangi kafolatlarni belgilab bermoqda.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan bir nechta savollarga javob oldik. Xulosa o'rnida shuni aytmoqchimiz, gender tenglik tushunchasi to'g'risidagi xalqimizning qarashlarini o'zgartirsa kjudda kata natijalarga erishishimiz mumkin. Bilimli va salohiyatli qizlarimiz jamiyatda o'z o'rnilarini topishda oila a'zolarini ham yordami va qo'llab-quvvatlashlari kata ahamiyatga egadir. Bir faylasuf aytganidek: "O'g'il bolaga yaxshi ta'lim bersang bir oila ma'naviyatli bo'ladi, qiz bolaga ta'lim bersang butun jamiyat ma'naviyatli bo'ladi". Shunday ekan, Yangi O'zbekiston qurish g'oyasia yollarimiz va qizlarimizning siyosiy saviyadagi bilimini e'tirof etishi kerak, deb hisoblaymiz. Shaxs sifatida o'zbek ayoli o'zida ijtimoiy, ma'naviy, axloqiy hislat va fazilatlarni yaxlit bir butunlikda namoyon qilish uchun bosh qomusimiz—O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida to'la kafolatlangan bo'lib, uning 46–moddasida "Xotin-qiz va erkaklar teng huquqliligi" takidlangan [4]. Albatta xotin-qizlarga berilayotgan imkoniyatlar, yaratilgan shart-sharoitlardan oqilona foydalangan holda, ayol va qizlarimiz, erkaklar bilan bir qatorda turib istiqlolimizning islohotlarini, keng qamrovli bunyodkorlik, ma'naviy yetukishlarini amalga oshirmoqdalar. Bugungi kunda ayollarimiz barcha sohalarda faoliyat olib borayotganlari hamda samarali mehnatlari Vatanimiz taraqqiyotiga sezilarli ta'sir ko'rsatayotganini ham aytib o'tishimiz joizdir. Bu esa juda quvonarli holat. Yurtimizda gender tengsizlikni barham topishida yutuqlarga erishgan, jamiyatda o'z o'rnini topgan xotin-qizlar bilan uchrashuvlar tashkillash maqsadga muvofiq bo'ladi deb o'ylaymiz. Taklif o'rnida shuni aytmoqchimizki, respublikamiz bo'ylab maktabgachat a'lim muassasalarida, umumiy o'rta ta'lim hamda oliy ta'lim

dargohlarida, va barcha shahar, tuman rayyonlarda gender tengligi to'g'risida malakali mutaxassislar tomonidan suxbatlar, treninglar uyushtirib xalqimizda to'g'ri tushunchani shakllantirishimiz kerak.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Gender\\_tengligi](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Gender_tengligi)
2. <https://www.savol-javob.com/milliy-anana-va-qadriyatlar/>
3. PQ-4235-сoH 07.03.2019. Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risida <https://lex.uz/docs/-4230944>
4. "Markaziy Osiyo davlatlari olima ayollarning ilm-fan sohasiga qo'shgan hissasi". Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti nashriyoti. 2020 yil 20-mart. Toshkent.
5. <https://lex.uz/docs/-4494849>

### **GENDER SOTSIOMADANIY FENOMEN SIFATIDA**

*X.A. Yulbarsova*

*FarDU, Ijtimoiy ish kafedrası dotsenti*

*E-mail: [hurshida08yulb@mail.ru](mailto:hurshida08yulb@mail.ru)*

Zamonaviy fanda ijtimoiy, madaniy, ruhiy jarayonlar va hodisalarni tahlil qilishda gender yondashuvi juda keng qo'llaniladi. Gender tadqiqotlari jarayonida jamiyat ayollar va erkaklarga ijtimoiylashuv, mehnat taqsimoti tizimlari, madaniy qadriyatlar va ramzlar orqali belgilab beradigan rollar, me'yorlar, qadriyatlar, xarakter xususiyatlari ko'rib chiqiladi.

Bugungi kunda ijtimoiy-gumanitar fanlarda qabul qilingan genderning asosiy nazariyalari orasida genderning ijtimoiy qurilishi va gender tizimining nazariyalari, jinsni tabaqalanish kategoriyasi sifatida tushunish va jinsni madaniy belgi sifatida talqin qilish kiradi.[1]

Genderning ijtimoiy qurilishi nazariyasi ikkita yo'nalishga asoslanadi:

1) gender ijtimoiylashuv, mehnat taqsimoti, gender rollari tizimi, oila, ommaviy axborot vositalari orqali quriladi;

2) gender individlarning o'zlari tomonidan ularning ongi darajasida jinsni identifikatsiya qilish orqali quriladi, ya'ni jamiyat tomonidan belgilangan me'yor va rollarni qabul qilish va ularga moslashish (kiyim, tashqi ko'rinish, xulq-atvor, shaxsiy xususiyatlar) orqali namoyon bo'ladi.

Bu nazariya gender identifikatori, gender mafkurasi, gender tabaqalanishi va gender roli tushunchalaridan faol foydalanadi. Gender mansublik (identiklik) insonning o'zini madaniyatida mavjud bo'lgan erkaklik va ayollik nuqtai nazaridan belgilashini anglatadi. Gender mafkurasi gender tafovutlari va gender tabaqalanishi ijtimoiy jihatdan, shu jumladan, "tabiiy" farqlar yoki g'ayritabiiy e'tiqodlar nuqtai nazaridan oqlanadigan g'oyalar tizimidir. Gender differentsiatsiyasi - bu erkaklar va ayollar o'rtasidagi biologik farqlarga ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lish va ijtimoiy tasniflash vositasi sifatida foydalanish jarayoni sifatida belgilanadi.

Gender roli ma'lum ijtimoiy normalarning bajarilishi sifatida tushuniladi, ya'ni nutq, xulq-atvor, kiyim-kechak, imo-ishoralar va boshqalar ko'rinishidagi jinsga mos xulq-atvorning namoyisi. Genderning ijtimoiy ishlab chiqarishi tadqiqot predmetiga aylanganda, odatda, gender ijtimoiylashuv, mehnat taqsimoti, oila, va ommaviy axborot vositalari kabi institutlar orqali qurilishi o'rganiladi. Bunda asosiy mavzular - gender rollari va gender stereotiplari, gender o'ziga xosligi, gender tabaqalanishi va tengsizlik muammolari kabilarga e'tibor qaratiladi.

Gender stratifikatsiya toifasi sifatida boshqa stratifikatsiya toifalari (sinf, irq, millat, yosh, kasb) yig'indisida ko'rib chiqiladi. Gender stratifikatsiyasi - bu jinsning ijtimoiy tabaqalanishning asosiga aylanishi jarayoni, ya'ni jinsga qarab ajratish tushuniladi.

Genderni madaniy ramz sifatida tushunish insonning jinsi nafaqat ijtimoiy, balki madaniy va ramziy talqinga ham ega ekanligi bilan bog'liq. Boshqacha qilib aytganda, biologik jinsiy farqlash madaniyatda erkak yoki ayol tamoyilining ramziyligi orqali ifodalanadi va mustahkamlanadi. Bu ko'plab tushuncha va hodisalar (tabiat, madaniyat, elementlar, ranglar, ilohiy yoki boshqa dunyo, yaxshilik, yomonlik va boshqalar) kabi "erkaklik" yoki "ayollik" bilan bog'liqligida ifodalanadi.

Shunday qilib, "ayol" va "erkak"ning ramziy ma'nosi paydo bo'ladi va "erkak" Xudo, ijodkorlik, yorug'lik, kuch, faollik, ratsionallik va boshqalar bilan birlashtiriladi. Shuning uchun Xudo, ijodkorlik, kuch va boshqalar erkaklik tamoyilini anglatadi. "Ayol" qarama-qarshi tushuncha va hodisalar bilan bog'liq: zulmat, bo'shliq, bo'ysunish, zaiflik, nochorlik, tartibsizlik, passivlik va boshqalar bilan ifodalanadi. Madaniyatning erkak/ayol va jinsiy ramziyligi asosidagi bo'linishi so'zning keng ma'nosida jamiyatning mavjud gender ierarxiyasini aks ettiradi va qo'llab-quvvatlaydi.[2] Demak, "gender" tushunchasi jamiyat tomonidan erkak va ayol rollari, xulq-atvori, aqliy va hissiy xususiyatlaridagi farqlarning shakllanishi (qurilishi)ning ijtimoiy-madaniy jarayonini ham anglatadi va natijaning o'zi jinsning ijtimoiy tuzilishini belgilaydi. Gender tafovutlarini yaratishda muhim elementlar "erkak" va "ayol" qarama-qarshiligi va ayolning erkakka bo'ysunishidir.

Shuni esda tutish kerakki, zamonaviy gender nazariyasi o'ziga xos ayollar va erkaklar o'rtasidagi ma'lum biologik, ijtimoiy, psixologik farqlar mavjudligini shubha ostiga qo'yishga urinmaydi. Biroq, ko'plab psixologlar individlararo farqlar jinslararo farqlarga qaraganda ko'proq ekanligini ta'kidlashadi. Bu shuni anglatadiki, ikki erkak yoki ikkita ayol o'rtasidagi farq erkak va ayol o'rtasidagi farqdan kattaroq bo'lishi mumkin. Gender farqlari ko'pincha matematik qobiliyatlarda, tajovuzkor xatti-harakatlarda (erkaklarda ustunlik qiladi), empatiya, emotsionallik, muvofiqlik, lingvistik va muloqot qobiliyatlarida (ayollarda ustunlik qiladi) namoyon bo'lishi ta'kidlanadi.[3] Ammo biz jamiyatda meyoriy emotsional va tajovuzkor erkaklarni, ayol matematiklarni ham uchratishimiz mumkin.

Gender nazariyasi ta'kidlashicha, o'z-o'zidan farqlar haqiqati ularning ijtimoiy-madaniy bahosi va talqini, shuningdek, ushbu farqlarga asoslangan quvvat tizimini qurish kabi muhim emas. Gender yondashuvi erkak va ayol o'rtasidagi biologik yoki fiziologik farqlar emas, balki jamiyatning bu farqlarga beradigan madaniy va ijtimoiy ahamiyati muhim degan fikrga asoslanadi. Gender tadqiqotlarining asosi nafaqat erkaklar va ayollarning maqomlari, rollari va hayotining boshqa jihatlaridagi farqni tavsiflash, balki gender rollari va munosabatlari orqali jamiyatda o'rnatilgan kuch va hukmronlikni tahlil qilishdir.

Mahalliy va xorijiy adabiyotlarda psevdogender deb ataladigan yondashuv keng qo'llaniladi. Psevdogender tadqiqotlari - bu "gender" tushunchasi go'yoki "jins" yoki "ijtimoiy-jins roli" tushunchasi bilan sinonim deb hisoblangan tadqiqotlar. Bunday holat muallif-tadqiqotchilar ongli yoki ongsiz ravishda biodeterministik pozitsiyalarni egallagan holda rivojlanadi, ya'ni inson biologiyasi erkak va ayolning ijtimoiy rollarini, psixologik xususiyatlarini, kasblarini va hokazolarni qat'iy belgilaydi va "gender" tushunchasida "zamonaviyroq" atama sifatida ishlatiladi. Mualliflar tomonidan biologik fakt sifatida jins va ijtimoiy shakl sifatida gender hali ham ajratilgan bo'lsa ham, vaziyat o'zgarmaydi, lekin ikkita qarama-qarshi "jins" (erkak va ayol) mavjudligi ikki xil biologik xususiyatning aksi bo'lgan jinslar sifatida qabul qilinadi. Gender emas, balki ijtimoiy-jinsiy yondashuvning odatiy misoli - bu faqat ayollarga qaratilgan an'anaviy savol: "Agar moliyaviy imkoniyatingiz bo'lsa, uyda qolishni xohlaysizmi?" Yoki "Ayol kishi ham siyosatchi bo'lishi mumkinmi?" Bunday tadqiqotlar natijalari metodologiyaning o'zi tomonidan oldindan belgilanadi. Ko'rinib turibdiki, ayollarga nisbatan faqatgina uy bekasi, farzand tarbiyalovchi, ro'zg'orni yurituvchi va uy xizmatchisi sifatidagi sotsial rollariga ko'proq e'tibor qaratiladi. Ayollarni faqat shunday ijtimoiy holatdagina tasavvur qilinadi va munosabat bildiriladi.

Psevdogender tadqiqotlari, masalan, mehnat (kasbiy faoliyat) psixologiyasi bo'yicha tadqiqotlar bo'lib, unda "erkak" va "ayol" kasblari yoki ish joylarining tavsifi ushbu farqlanishning sabablari va ma'nosini tahlil qilish bilan birga kelmaydi. Ijtimoiy-gender

yondashuvi nuqtai nazaridan, nima uchun SSSRda shifokorlar, sudyalalar yoki bank xodimlarining aksariyati ayollar, Evropa va AQShda esa bundaylar asosan erkaklar bo'lganligini tushuntirish qiyin. Gender nazariyasi nuqtai nazaridan tadqiqotchi ma'lum bir kasbning jamiyatdagi nufuzini va ish haqi miqdorini tahlil qilgandagina vaziyat aniq bo'ladi. Ko'rinib turibdiki, SSSRda shifokorlar orasida ayollar ko'proq bo'lgani, chunki ular "tabiiy ravishda rahm-shafqatli va fidokorlikka moyil" (biodeterministlar aytganidek) ekanligida emas, shuningdek, bu jins vakillarining ijtimoiy rollari shunday (ijtimoiy-jinsiy nazariyotchilar aytganidek) ekanligida emas, balki bu ish kam haq to'lanadigan (harbiy-sanoat kompleksida ishlash bilan solishtirganda) va umuman olganda unchalik noyob kasb bo'lmaganligi sababli (ishchilar shifokorlarga qaraganda ko'proq ijtimoiy imtiyozlarga ega edilar) ayollar ko'proq band bo'lganlar.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, "gender" atamasining ma'nosi ayollar va erkaklar o'rtasidagi farqlar va munosabatlarning ijtimoiy tuzilishi g'oyasida yotadi. Gender jamiyat va uning institutlarida (oila, siyosiy tuzilma, iqtisodiyot, madaniyat, ta'lim va boshqalar) ayollar va erkaklarning mavqei va rolini belgilovchi ayollik va erkaklikning ijtimoiy modellari sifatida jamiyat tomonidan yaratiladi (quriladi). Muayyan jinsiy rollarning bajarilishini belgilovchi xulq-atvor me'yorlari tizimi ma'lum bir madaniyatda "erkak" va "ayol" nimadan iboratligi haqidagi qat'iy g'oyalarga asoslanadi. Biologik jins emas, balki ijtimoiy-madaniy me'yorlar pirovard natijada ayollar va erkaklarning psixologik sifatleri, xulq-atvori, faoliyati, kasb-hunarleri, sotsiomadaniyatini belgilaydi.

Gender tizimi nazariyasi jamiyatning tabaqalashtiruvchi funktsiyalaridan biri sifatida genderni metodologik jihatdan tushunishni va atrofdagi dunyoni tartibga soluvchi tamoyilni nazarda tutadi. "Gender" atamasi va uning hosilalari, biologik asosga qo'shimcha ravishda, o'g'il va qizning rivojlanishining madaniy kontekstiga kuchli ta'sir ko'rsatadigan ayol va erkak to'g'risida ijtimoiy jihatdan aniqlangan g'oyalar mavjudligini anglatadi. Shu nuqtai nazardan, individning jinsi quyidagilarga ta'sir qilishi tushuniladi:

- uning ijtimoiy mavqei va maqomiga;
- erkaklar va ayollar uchun qanday xatti-harakatlar me'yoriy yoki deviant hisoblanishiga;
- u yoki bu jins vakiliga qanday psixologik yoki sotsiologik sifatlar xosligiga ta'sir qiladi.

#### **Adabiyotlar ro'yhati**

1. Теория и методология гендерных исследований : курс лекций / под общ. ред. О. А. Ворониной. М., 2001. С. 101-105.
2. Словарь гендерных терминов / под ред. А. А. Денисовой. М., 2002. С. 24—29.
3. Берн Ш. Гендерная психология. СПб., 2001. С. 83—120.

### **ОБЕСПЕЧЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА С ПОМОЩЬЮ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ СТРАТЕГИЙ**

*Абдувалиева Севара  
Студенка 1-курса*

*Факультета Иностранных языков и литературы*

**Abstract:** The best educational settings are the ones that are fair to all students, whether male or female. However, many places around the world, do not necessarily have equal access to quality education. Creating equal educational opportunities for students begins in the classroom, the main role being played by the teacher. Strong teachers are the ones who treat their students fairly and create an environment where students feel equally capable of participating.

**Key words:** Education, students, pedagogy, methods, rules, teacher, gender equality, advices, environment, women, man, increase

**Аннотация:** Лучшая образовательная среда та, которая справедлива по отношению ко всем учащимся, мужчинам и женщинам. Но во многих странах мира студенты женского и мужского пола не всегда имеют одинаковые условия для получения хорошего образования. Организация Объединенных Наций по вопросам образования, науки и

культуры (ЮНЕСКО) считает, что доступ к хорошему образованию важен для комфортного существования. Образованный человек с большей вероятностью будет иметь больше безграничные возможности для трудоустройства. Это увеличивает их шансы воспитать здоровых детей и помочь им получить образование. Когда все учащиеся, как мужчины, так и женщины, имеют равный доступ к образовательным возможностям, результат влияют на будущее поколение. Никто не знает, что поджидает женщин в будущем, поэтому каждая женщина должна быть в состоянии обеспечить себя и свою будущую семью. Но для того, чтобы это было легко для нее, ей необходимо иметь соответствующее образование. Создание более равных образовательных возможностей для учащихся начинается в классе и с учителем. Сильный учитель — это тот, который справедливо относится к своим ученикам и создает среду, в которой ученики чувствуют себя в равной степени способными принять участие.

**Ключевые слова:** Воспитание, студенты, педагогика, методы, правила, учитель, гендерное равенство, советы, среда, женщины, мужчина, рост.

**Annotatsiya:** Eng yaxshi ta'lim muhiti barcha talabalar, erkaklar va ayollar uchun adolatli muhitdir. Ammo dunyoning ko'p joylarida qiz va erkak talabalarning yaxshi ta'lim olishlari uchun har doim ham bir xil sharoitlar mavjud emas. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha tashkiloti (YUNESKO) farovon hayot uchun yaxshi ta'lim olish muhim deb hisoblaydi. O'qimishli odamda cheksiz ish imkoniyatlari ko'proq bo'ladi. Bu ularning sog'lom farzand tarbiyalash va ta'lim olish imkoniyatlarini oshiradi. Barcha o'quvchilar, ham erkaklar, ham ayollar ta'lim olish imkoniyatlaridan teng foydalanish imkoniga ega bo'lsa, natija kelajak avlodlarga ta'sir qiladi. Kelajakda ayollarni nima kutayotganini hech kim bilmaydi, shuning uchun har bir ayol o'zini va kelajakdagi oilasini ta'minlashi kerak. Ammo bu unga oson bo'lishi uchun u tegishli ta'limga ega bo'lishi kerak. Talabalar uchun ko'proq teng ta'lim imkoniyatlarini yaratish sinfda va o'qituvchidan boshlanadi. Kuchli o'qituvchi o'z o'quvchilariga adolatli munosabatda bo'lgan va o'quvchilar teng darajada ishtirok etishlari uchun sharoit yaratadigan kishidir.

**Tayanch so'zlar:** Ta'lim, o'quvchilar, pedagogika, metodlar, qoidalar, o'qituvchi, gender tengligi, maslahat, atrof-muhit, ayollar, erkak, balandlik.

В последние годы в нашей стране наблюдается рост числа женщин, занимающих высокие посты в государственных органах управления, что является важным шагом на пути достижения гендерного равенства. Законодательно это закреплено в 17-й статье Закона Республики Узбекистан “О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин»: Статья 17. Равный доступ женщин и мужчин к конкурсам на замещение должностей государственной службы.

#### **а) Советы по созданию гендерно равной среды обучения**

Учителя могут создать видимость гендерной предвзятости непреднамеренными невербальными действиями. Первый шаг к решению этой проблемы — организовать среду класса таким образом, чтобы все учащиеся чувствовали себя равными.

##### **1. Установление правил**

Учителю важно с самого начала установить набор правил, способствующих равенству. Эффективный способ сделать это - создать правила класса с учениками. Попросите учащихся предложить идеи о том, как сохранить равные и уважительные отношения в классе.

Это позволяет учителю указать на правила как на нечто, с чем согласился весь класс. Важно включить правила, касающиеся уважения к учащимся, уважения к учителю и участия в занятиях.

##### **2. Составьте план рассадки в классе, поддерживающий равное участие.**

Если вы заметили, что некоторые учащиеся, независимо от их пола, не участвуют в занятиях, попробуйте изменить план рассадки в классе. Например, попробуйте сделать так, чтобы ученики, которые обычно сидят сзади, вышли вперед.

Учителя, как правило, больше всего взаимодействуют с учащимися, сидящими ближе всего к ним. По этой причине важно изменить порядок рассадки, чтобы дать всем учащимся возможность сесть рядом с учителем.

### 3. Иметь равные академические и поведенческие ожидания от всех учащихся

Учителя должны стараться не упрощать задачи учащимся мужского и женского пола, задавая им более простые вопросы в классе или пытаясь решать проблемы за учащимися.

Это может создать представление, что некоторые учащиеся не такие умные, как другие. Учителя должны предъявлять одинаковые требования ко всем учащимся.

### 4. Пользуйтесь групповой работой

В классе могут быть ученики, мужчины или женщины, которым неудобно выступать перед большим классом. Но они могут чувствовать себя более комфортно, выступая в небольших группах. Чтобы дать всем учащимся возможность принять участие в занятиях, попробуйте выполнить некоторые действия в небольших группах из трех-четырех учеников.

**б) После организации вашего класса способствующую равенству гендера, следующим шагом будет рассмотрение последствий ваших действий в классе.**

#### 1. Равноправное обращение к учащимся

Одна из основных возможностей для участия учащихся в работе класса — это когда они отвечают на вопросы учителей. Учителя должны спрашивать или разговаривать как с учащимися женского, так и с мужского пола сбалансированным образом. Исследования показывают, что как мужчины, так и женщины-учителя часто призывают учеников-мужчин выступать в классе чаще, чем учениц.

#### 2. Обеспечьте достаточное время ожидания, чтобы ответить на вопросы.

Некоторым учащимся, как мальчикам, так и девочкам, может понадобиться время, чтобы обдумать ответ на вопрос, когда к ним обращается учитель. Обращаясь к учащимся, которым кажется, требуется больше времени ответить, обязательно дайте учащимся не менее четырех-пяти секунд. Исследования показывают, что предоставление учащимся большего времени для ответа увеличивает количество участвующих учащихся.

#### 3. Жесты

Учителя могут не осознавать, что их жесты по отношению к ученицам могут отличаться от жестов по отношению к учащимся мужского пола.

Всякий раз, когда разговаривают ученики мужского или женского пола, используйте уважительный, слушающий язык тела. Повернитесь лицом к слушателю, не уходите и не перебивайте учащихся.

Также учитель может перемещаться в разные части класса во время разговора. Это важно, потому что ученики, сидящие дальше от учителя, как правило, меньше участвуют.

#### 4. Дисциплина

Будьте осторожны, когда учащиеся мужского пола оскорбляют учениц или ученицы женского пола оскорбляют учащихся мужского пола.

Если оскорбления кажутся гендерными, справедливо накажите учащихся за их действия. Будьте быстры, чтобы вмешаться и дисциплинировать студентов, делающих оскорбления. Это показывает учащимся любого пола, что они будут поддержаны.

Однако важно, чтобы учащиеся мужского и женского пола получали одинаковую дисциплину за одни и те же действия.

Я надеюсь, что эти стратегии помогут учителям создать более равноправную среду в классе для своих учеников, это приведёт к тому, что все дети в школах будут учиться и расти в гендерно-равном пространстве.



## АБУ НАСР ФОРОБИЙ: ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН МАШХУР МУСУЛМОН МУТАФАККИРИ

*Эшпулатов Иноят Сапарович  
БухДУмустақил изланувчиси*

Абу Наср Фаробий – файласуф, энциклопедик олим, астраном, математик, Шары перипатетизмининг асосий вакилларида бири. Иккинчи устоз (Арастудан кейин) машхур номга сазовор бўлган. Асосий асарлари: “Донишнома”, “Ҳимматли шаҳар аҳолисининг нуқтаи-назари ҳақида рисола”, “Илмлар таснифи ҳақида рисола” ва бошқалар.

Фаробий асарлари асрлар давомида жаҳон фани ва фалсафасининг тараққиёт йўлини белгилаб берди. “Фусус ал-Ҳикам” асари асрлар давомида Шарқда, кейинроқ Ғарбда дарслик вазифасини ўтаган. Бугунги кунга қадар 117 та, жумладан, мантқиққа оид 43 та, метафизикага доир 11 та, ахлоққа доир 7 та, сиёсатшуносликка доир 7 та, мусиқа, тиббиёт ва социологияга доир 17 та китоб нашр этилган. 11 та асарларга шарҳлар ёзган.

Фаробий “Бахт саодатга эришиш” асарида “Фалсафа бизга юнонлардан Афлотун ва Арастудан келган. Уларнинг ҳар бири бизга нафақат фалсафани, балки унга олиб борадиган йўлни, йўқолган ёки таназзулга учраганда уни қайтадан яратиш йўлини ҳам ўргатган”, деб ёзади.

Фаробий барча динлар марказ томон ҳаракат қилмоқда, деб ҳисоблайди. Бу марказ унингча, Худонинг ўзидир. Бу борада Фаробийда бугунги кунга хос бўлган ўзига хос бағрикенглик бор. Масалан, аллома одамларни бир-биридан ажратиб турадиган нарса улар эътиқод қилган динларнинг хилма-хиллиги эмас, балки ҳақиқатни тушунмаслиги, дейди. Ҳақиқат шуки, барча инсонлар борлиқнинг турли даражаларида ва маънавий юксалишнинг турли босқичларида бўлсалар ҳам, уларнинг барчаси илоҳий иродаси билан яратилган. Фаробий ҳақиқатнинг бирлиги масаласини чуқурлаштириб, пайғамбар шахсининг ҳар томонлама ва ифодали тавсифини беради.

Унинг фикрича, пайғамбар ҳам фалсафий, ҳам маънавиятда юксак чўққиларни забт этган муқаддас зотдир. Фаробий мулоҳазаларига кўра, одамларнинг бахти фақат давлатнинг ичидагина бўлиши мумкин. Инсонлар турли хил қобилиятларга эга. Жамият ва давлат хизматида турли вазифаларни бажаради. Шундай экан, давлат ўз фуқароларига ўзининг ҳақиқий қобилиятларини намоён этиши учун шароит яратиши керак.

Идеал давлат илоҳий қонунлар асосида қурилган экан, унинг фуқоролари тўлиқ бахтли бўлиши керак. Давлатнинг вазифаси ўз фуқороларининг бахтини таъминлаш эди. Фаробий бахтнинг моҳияти ва унга эришиш йўллари ҳақида батафсил гапирди. Бахтнинг учта талқинини кўрсатади. 1. Бахт – соф назарий фаолиятдир. 2. Бахт – бу соф амалий фаолият. 3. Бахт юқоридаги иккаласининг ҳам бирикмасидир. Бахтга эришишнинг ҳақиқий йўллари индивидуал фаолият натижаси сифатида кўрсатилган бўлсада, мутафаккир файласуф таъкидлашча, бахтга одамларнинг бирлиги, аниқроғи жамият шароитида, Худони бағрига босиш орқали эришиш мумкин. Бу бахтнинг ахлоқий қонунларидир. Кўриниб турибдики, Фаробий комил давлатга бўлган эҳтиёжни олий идеал ҳукмдорнинг мавжудлиги билан боғлайди.

Алломанинг машхур асарлардан бири унинг “Фозил шаҳар аҳлининг қарашлари” асари бўлиб, у бу асарда “идеал давлат” тушунчасини илгари сурди. Фаробий ҳам физикада бўшлиқлар мавжудлиги ва уларнинг табиати ҳақида ўзига хос шаклда фикр билдирган биринчи тадқиқотчилардан ҳисобланади.

Фаробий мулоҳазаларига кўра, инсоний хислатлар тўрт хил бўлиб, назарий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма фазилатлари ва амалий санъат фазилатларидан иборатдир. Назарий фазилатлар тўғрисидаги билимдан мақсад ундан сўнги мақсад-муддао кўзда тутилади. Бу илм ёрдамида барча нарсаларни ўз ичига олган мавжудотни ва фақатгина ақл ёрдамида билинадиган предметлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш кўзда тутилади.

Бу илм воситасида инсонлар томонидан билиб олинмаган нарсалар аввалига тушунарли бўлмайди, инсон нарсанинг қандай қилиб ва қердан келиб чиққанини билмайди. Баъзан текширган нармиз ҳақида гумон аралаш бир турли ишонч ва қаноат ҳосил бўлади, айрим ҳолларда эса эҳтимол шу нарса ҳақида иккиланиш, ҳайронлик ҳам пайдо бўлади. Бир мақсад йўлида ақидаларнинг турлича бўлиши йўлнинг турли равишда бўлишига сабаб бўлади ва йўлнинг бир хилда бўлишига имконият бермайди. Чиндан ҳам ягона мақсад йўлида ақидалар турлича бўлса, йўллар ҳам турлича бўлиши керак, деб хулосалайди мутафаккир.

Файласуф Фаробийнинг илмий-фалсафий меросини Ибн Сино, Бахманёр, Низомий, Ибн Рушд, Сафиаддин Урмавий, Носириддин Тусий, Ибн Халдун ва бошқалар ўрганган. У қолдирган илмлар хазинаси ғоялар манбаи бўлиб келган. Умуман олганда, Фаробий Аристотелдан кейинги барча замон ва халқларнинг энг буюк файласуфи ҳисобланади. Фаробий Ибн Сино, Ибн Рушд каби Шарқ даҳоларининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди.

#### Адабиётлар

1. <https://arboblar.uz/uzkr/people/abu-nasr-farabi>
2. Taylan Necip. Anahatlarıyla islam felsefesi. İstanbul: “Ensar”, 2000, s. 179.
3. Ахмедов Э. Арабо-мусульманская философия средневековья. Баку: «Маариф», 1980, 66 с. 28.

### ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО ОТНОШЕНИЯ К НАЦИОНАЛЬНЫМ ОБЫЧАЯМ И ТРАДИЦИЯМ У МОЛОДЕЖИ

*Исмаилова Зухра Карабаевна*

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт  
инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» профессор  
z.ismailova@mail.ru*

*Мустафоева Дурдона Асиловна*

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт  
инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» доцент*

**Аннотация.** На основе историко-педагогического анализа предложена аксиологическая формула базовых ценностей воспитания молодежи. В статье охарактеризованы современные воспитательные практики, ориентированные на формирование российской гражданской идентичности и национального самосознания.

**Ключевые слова:** аксиологический подход, базовые ценности воспитания, национальное самосознание, воспитательные практики.

Перед системой профессионального педагогического образования ставится задача по подготовке социально активных специалистов высокого класса, владеющих современными технологиями и средствами обучения, ориентированных на повышение своей квалификации. Однако на практике возникают трудности по подготовке таких специалистов, вызванные рядом объективных причин, связанных с общественным статусом профессии педагога, его заработной платой, ценностным отношением к выбранной профессии, неудовлетворённостью качеством получаемого образования. На наш взгляд, целесообразно и логично решать вопросы подготовки педагогических кадров с определения ценностных ориентиров педагогического образования с учетом отечественного и мирового опыта.

Аксиологические вопросы образования нашли отражение в работах философов Н.С. Розова, Г.П. Выжлецова, М.С. Кагана, В.А. Канке и психологов Г.Е. Залесский, В.Н.

Мясищев, Д.А. Леонтьев, Е.А. Климов 2001 и др. Эти исследования оказали влияние и на педагогическую науку: формируется новое направление «педагогическая аксиология», представители которой разрабатывают механизмы и условия формирования ценностной структуры личности А.В. Кирьякова, Г.И. Чижакова, Н.Н. Павелко и др [1. Б-18].

Наши исследования проводились в национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» по направлениям «Профессиональное образование» и кроме прочего, мы постарались выяснить, какие преимущества и недостатки видят студенты в своей будущей профессии. Среди преимуществ на первом месте – длительный отпуск (40,6%); на втором – возможность передавать свои знания детям (21,2%); на третьем – возможность помогать другим (17,5%). Акцентирование длительного отпуска не удивительно, два месяца отдыха учителей разительно выделяются на фоне двухнедельного отпуска других категорий работников. Более того, большинство респондентов в качестве основного недостатка профессии указали именно маленькую заработную плату (39,5%). На втором месте находится необходимость душевных затрат (23,5%); на третьем месте – как раз низкий социальный статус профессии (18,5%). Остальные недостатки не так значительны. Таким образом, мы констатируем, что студенты технического вуза не удовлетворены статусом профессии учителя в современном обществе и не ожидают большого денежного вознаграждения, однако большинство из них стремится работать по профессии. Это обусловлено причинами экономического характера (экономическая стабильность профессии), объективными преимуществами профессии (длительный отпуск, наличие свободного времени), и причинами, связанными с сущностью педагогической деятельности: возможность отдавать себя детям, осознание собственного призвания.

Существуют различные подходы к классификации ценностей. Они достаточно полно представлены в исследовании И.А. Суриной. Рассмотрим некоторые вслед за ней. М. Рокич выделял два класса ценностей: ценности-цели (терминальные) и ценности-средства (инструментальные). Данная классификация стала классической и послужила основой для многих других. В. Франкл, изучая проблему смысла жизни, различал ценности творчества, ценности переживания и ценности отношения. В.П. Тугаринов, исходя из структуры общественных явлений, выделил материальные, социально-политические и духовные ценности. Основные классификации систем ценностей И.А. Сурина представила в таблице [2. Б-45].

**Таблица 1.**

**Основные классификации систем ценностей**

| Признак классификации              | Классы ценностей  |
|------------------------------------|---|
| Объективные характеристики явлений | Духовные, материальные  |
| Тип потребностей                   | Экономические, политические, социальные, нравственные и т.д.  |
| Субъект отношения                  | Общественные ценности, ценности социальной группы, ценности индивида  |
| Функции в конкретной ситуации      | Интегрирующие, дифференцирующие   |
| Целеполагание                      | Ценности-цели, ценности-средства  |
| Роль в жизнедеятельности личности  | Существующие или наличные, актуальные; целевые или мыслимые, желанные; возможные: ценности-цели, ценности идеалы, ценности желания, ценности должного |

На сегодняшний день воспитание вновь начинает рассматриваться как важнейший социокультурный феномен. Наметился подъем уровня национальной самоидентификации, гражданственности и патриотизма в молодежной среде. Появились фундаментальные исследования в педагогике и психологии. В отношении образовательных организаций и

институтов у общества начал формироваться запрос не только на предприимчивую, но и социально активную личность [3. Б-61]. В процессе поиска национальных ценностей и смыслов, а также сущности российской идентичности происходит возрождение отечественного историко-педагогического опыта воспитания. Официальное закрепление этих тенденций нашло отражение в указ Президента Республики Узбекистан "Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы" от 10 июля 2020 года, утвержденная в соответствии с указом концепция включала в себя ряд неотложных задач и приоритетов в этой области, которая на современном этапе выступает в качестве основного идеологического тренда.

Аксиология, обеспечивая связь между историей и современностью, позволяет, с одной стороны, изучать явления с точки зрения заложенных в них возможностей удовлетворения образовательных потребностей людей, а с другой – решать современные задачи гуманизации общества в целом [4. Б-61]. В этом случае аксиологический подход является «методологической машинкой» для исследования ряда феноменов ценностного порядка. К таким феноменам можно отнести и национальное самосознание, проявляющееся сегодня в сбережении самобытности народов, культивировании уникальности культуры и характеров.

В основе национального самосознания, как инварианта для всех народов, лежат социокультурные системы, несущие в себе отпечаток мировой и национальной культуры: наука, философия, религия, право, искусство. Национальное самосознание – это сущностная системная характеристика нации, определяющая ее целостность как субъекта историко-цивилизационного процесса. Оно представлено совокупностью идей и концепций, которые выражают:

- содержание, уровень и особенности понимания и чувственно-эмоционального переживания нацией самой себя;
- осознание нацией смысла своего существования и своих национально-государственных, социально-экономических, идеологических и религиозных идеалов, ценностей, целей и интересов;
- представления о своей истории, современном состоянии, перспективах своего развития, месте среди других народов и характере взаимоотношений с ними [5. Б-28].

Аксиологическая формула «общечеловеческие – традиционные – семейные ценности – национальный образовательный идеал – воспитание национального самосознания» является ориентиром для определения эффективных практик воспитания, систему которых необходимо выстраивать как на народных традициях и достижениях отечественной педагогики прошлого, так и на основе современных технологий. Вместе с тем большинство воспитательных практик, позиционируемых инновационными, таковыми не являются. Под воспитательными практиками мы понимаем обобщенные группы эффективных форм и методов воспитания под влиянием социокультурных условий, отечественных и зарубежных педагогических идей, общественно педагогических движений.

#### **Список литературы:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан "Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы"
2. Куликова С. В. Аксиологический подход к изучению феномена «национальное самосознание» в отечественной истории педагогики // Изв. Волгоградского гос. пед. ун-та. – 2014. – № 6 (91). – С. 29–32.
3. Барина К. В. Русское национальное самосознание и выбор исторической судьбы России // Русская культура. Созерцание и осмысление. – М., 2002. – С. 122–129.
4. Богуславский М. В. Научные основы историко-педагогической экспертизы инноваций в образовании // Отечественная и зарубежная педагогика. – 2016. – № 1 (28). – С. 9–17.

5. Богуславский М. В., Куликова С. В., Романов А. А. Совершенствование историкопедагогического образования: проблемы и перспективы // Психолого-педагогический поиск. – 2013. – № 1 (25). – С. 50–60.

## **ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИ РИВОЖЛАНИШИДА ҒОЯВИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Умурзакова Дилфуза Илхомовна  
Фаргона давлат университети мустақил тадқиқотчиси*

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар эртанги ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаб, келажакда комил инсон бўлиб етишишларини кўзда тутди. Ёшларнинг толерантлик тафаккури ривожланиши юксак маънавиятда, ҳақиқий инсоний моҳиятда мужассам бўлиб, инсоннинг олижаноб фазилатлари етук шахслар тимсолида ўз аксини топади. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, унинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришида, муайян мафқурани амалга оширишида яққол кўринади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, кадр-қиммати борасида ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўйганлиги; биринчидан инсоннинг кадр-қимматини жойига қўйиш, инсон учун бахтли ҳаётини шарт-шароитларини яратиш; иккинчидан инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ва имон-этиқоди бутун бўлиши учун қулай шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Ёш авлодни баркамол бўлиб шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароит, айниқса, ғоявий таълимотлар муҳим ўрин тутди. Инсониятнинг улуғ мутафаккир-алломалари, донишмандлари инсон ва унинг ҳаёти учун, толерантлик, ижтимоий тотувлик учун нимаки зарур бўлса, айнан ўшани буюк неъмат деб билиб, қадрият сифатида эзозлаб келганлар, ёш авлодга ҳаёт учун зарур ва муҳим бўлган барча нарсаларни кадрлаш ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар.

Қадриятлар жамиятни инсонпарварлаштиришга, халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги зиддият ва ихтилофларни ҳал этишга, бутун жаҳонни ташвишлантираётган экологик танглик, қашшоқлик, СПИД, гиёҳвандлик, терроризм сингари глобал муаммоларни, минтақавий можароларни оқилона ҳал этилишига ёрдам беради. Ғоявий таълимотлар инсон жамиятини, унинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб боргани сайин қадриятлар тўғрисидаги тушунчалар ҳам тобора чуқурроқ мазмун ва аҳамият касб этиб борган. Қадриятларимизнинг ўтмиши уч минг йилдан ортик даврни ўзида мужассамлаштиради. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтироми, аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос бўлган қадриятлар тизимини яратган ва шунга таяниб, ижтимоий - сиёсий муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ аждодларимиз ўз асарларида маънавий қадриятларни, хусусан; диний, ахлоқий, маърифий қадриятларни кенг тарғиб этишга, дўстлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик сингари ахлоқий қадриятларни эъзозлашга даъват этганлар. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ниҳоятда улкан муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз актив ҳаётини позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Халқимиз маданий-маънавий бойликлари, миллий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш ҳозирги авлоднинг кундалик вазифаси бўлиб,

Ўтмишнинг маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги юксак босқичга кўтара билишидадир. Тарихий маданий меросга ҳурмат, бу эса аввало, унинг яратувчиси, ривожлантирувчиси бўлган - халқ оmmasига кўрсатилган иззат-эҳтиром, меҳр-оқибатдадир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёт қуриш сиёсатининг моҳиятини билиш, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабат, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганиш, яъни назария билан амалиётга моҳирона ёндошиш, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади. Энг муҳими ёшларда янги дунёқарашни, юксак маънавиятни шакллантириш, уларни Ватанга бўлган садоқат, сиёсий хушёрлик, бузғунчи ғояларга мурасасизлик руҳида тарбиялашда маърифатнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган ёшлар фаоллиги жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради. Ёшлар маънавияти, аввало, миллий кадриятлар таъсирида шаклланади. Зеро, оила, мактаб, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Бу эса уларнинг фаоллигини ошириш, ёшларда миллий кадриятларга содиқлик туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Ғоявий таълимотларда кадриятларни кадрлаш объекти сифатида кишиларнинг хулқ-атворини бошқарувчи, инсоний муносабатларни такомиллаштирувчи муҳим восита бўлиб келган. Кадрият тушунчасида ҳамиша яхшилик, эзгулик, ҳақиқат мужассамлашган бўлиб, ҳамиша ижобийлик ва тараққиёт рағбатлантирилади. Шунинг учун ҳам салбий ва реакцион кадриятлар бўлмайди, миллий ва умуминсоний кадриятларда ҳамиша эзгулик, яхшилик, ёруғлик гавдаланилади.

Ҳозирги авлоднинг, айниқса ёшларнинг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари энг аввало, мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятни янада такомиллаштириш вазифасини қай даражада муваффақиятли удаллаши билан ўлчанади. Ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриш – эртанги кун, ёрқин келажак ҳақида қайғуриш демакдир. Айнан шундай масалаларни Олий ўқув юртлирида таълим олаётган ёшлар бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётда тўла намоён этиш имкониятига эгадирлар. Бугунги талаба ёшлар эртанги кунда мамлакатимиз олдида турган улғувор вазифаларни амалга оширишга тайёрланаётган келажак кишиларидир. Улар бу борадаги масъулиятни доимо эсда тутмоқлари керак. Бинобарин, талаба меҳнати ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган ақлий меҳнат экан, демак бу меҳнат аъло ўқишда, илмий фаолиятда ва фан асосларини ижодий ўзлаштиришда ўз ифодасини топади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавиятенгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008й.

#### **GENDER TENGLIK SIYOSATI USTUVOR MASALA**

*Madinaxon Bahromova*  
*Farg`ona davlat universiteti*  
*Ijtimoiy ish yo`nalishi talabasi*  
*e-mail: [xonkamila@mail.ru](mailto:xonkamila@mail.ru)*

**Annotatsiya:** Maqolada O‘zbekistonda gender tenglikni ta’minlash kafolatlari yaratilgani, bu masala davlat siyosati darajasiga ko’tarilganligi vamamlakatimizning inson huquqlari sohasida ilg’or qadam tashlashi, yurtimizda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish,

salomatligini muhofaza qilish, intilish va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, ularga munosib mehnat va yashash sharoitlarini yaratishga alohida e'tibor qaratilganligi to'g'risida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Gender tenglik, gender statistikasi, inson huquqlari, resurslar gender taqsimot, ijtimoiy siyosat samaradorligi, BMT,temir daftar, ayollar daftari.

Dunyo rivojining hozirgi davrida inson taraqqiyoti, uning huquq va erkinliklari, ijtimoiy adolat va inson xavfsizligini ta'minlash borasidagi olib borilayotgan islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun ayollar va erkaklarning jamiyat hayotining barcha jabhalaridagi tengligini amalda ta'minlash masalalari ustuvor vazifalarning biriga aylanmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoev rahnamoligida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, salomatligini muhofaza qilish, intilish va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, ularga munosib mehnat va yashash sharoitlarini yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda

Shuningdek, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga qilgan Murojaatnomalarida 6 milliondan ortiq xotin-qizlarning muammolari puxta o'rganilganligi hamda xotin-qizlarni qiynayotgan ko'plab ijtimoiy-iqtisodiy muammolarga amaliy yechim topish maqsadida "Ayollar daftari" va "Temir daftar" shakllantirilganligi ushbu muammolarni hal etishda mahallalarda yangi tashkil etilgan "Ayollar maslahat kengashlari" ham yaqindan ko'mak berib kelayotganligi ta'kidlab o'tildi. Bu borada xotin-qizlarning jamiyatdagi va davlat boshqaruvidagi mavqeini yanada oshirishga qaratilgan yaxlit tizim yaratish bo'yicha taklif ishlab chiqish vazifasi belgilab berildi. Fikrimizcha, jamiyatda ayollar va erkaklar tengligi tamoyilini ilgari surish demokratik boshqaruvning asosiy va ajralmas qismi bo'lib, dunyodagi yuz berayotgan iqtisodiy rivojlanish siyosati gender jihatdan neytral bo'lish mumkin emasligini tasdiqlamoqda, gender tenglik va iqtisodiy samaradorlik o'rtasida bevosita aloqa mavjud.

Shunday ekan, O'zbekiston Respublikasida gender tengligiga erishish strategiyasini 2021 — 2023 yillarda amalga oshirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini hamda maqsadli ko'rsatkichlarni ishlab chiqish hamda davlat xizmati, ta'lim, ilm-fan hamda sog'liqni saqlash, shuningdek, ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda, tazyiq va zo'rvonlikning oldini olishda, oilaviy munosabatlar hamda bolalar tarbiyasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash borasida barcha tashkilotlar yuqori darajada ishlar amalga oshirmoqdalar.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT)ga a'zo davlatlar o'rtasida ayollar va erkaklar tengligini ta'minlashga doir milliy majburiyatlarni to'liq bajarish har bir davlatning oldiga qo'ygan o'z ezgu maqsadlariga erishish va BMT tamoyillarini qo'llab-quvvatlashga munosib hissa qo'shish demakdir. Barchaga ma'lum, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2015 yilning sentyabrida Barqaror rivojlanish bo'yicha o'tkazilgan sammitida qabul qilingan 70-son rezolyutsiyasiga muvofiq hamda O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020 yil 23 sentyabr Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) Bosh Assambleyasining 75-yubiley sessiyasidagi o'z nutqida "biz uchun gender tenglik siyosati ustuvor masalaga aylandi. Xotin-qizlarning davlat boshqaruvidagi o'zni tobora kuchaymoqda. Yangi Parlamentimizda ayol deputatlar soni ikki barobarga ko'paydi", deb mamlakatimizda xotin-qizlar siyosati bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarni nazarda tutdi. Haqiqatan ham mamlakatimizda xotin-qizlarning o'z imkoniyatlarini to'laqonli ro'yobga chiqarishlari uchun barcha shart-sharoitlarni ta'minlash davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

Mamlakatimizda gender tengligini ta'minlash borasida bir qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi va amaliyotga tatbiq etilmoqda. Bu borada, 2030 yilgacha bo'lgan davrda BMT global kun tartibining barqaror rivojlanish maqsadlarini izchil amalga oshirish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etish maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi "2030 yilgacha bo'lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" qaror qabul qildi.

Shu bilan birga, O'zbekiston barqaror rivojlanishning beshinchi maqsadini amalga oshirish doirasida "Gender tenglikni ta'minlash hamda barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish"ga oid to'qqizta vazifani ishlab chiqdi. Jumladan:

- hamma joyda barcha xotin-qizlarga nisbatan kamsitishning barcha shakllariga barham berish;

- xotin-qizlarga nisbatan zo'ravonlikning barcha shakllarini, shu jumladan, odam savdosi, jinsiy ekspluatatsiya hamda ekspluatatsiyaning boshqa shakllarini tugatish;

- erta nikohlar va zo'rlab nikohlashni tugatish;

- kommunal xizmatlar, infratuzilma va ijtimoiy himoya tizimlarini taqdim etish orqali parvarishlash va uy xo'jaligini yuritish bo'yicha haq to'lanmaydigan mehnatni tan olish va qadrlash, milliy sharoitlarni hisobga olgan holda oilada xo'jalik yuritish uchun umumiy mas'uliyat tamoyilini rag'batlantirish;

- xotin-qizlarning siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayotning barcha bosqichlarida har tomonlama ishtirok etishlarini hamda qaror qabul qilishda yetakchilik qilishlari uchun teng imkoniyatlarni ta'minlash;

- reproduktiv salomatlikni asrash sohasida umumqamrovli tibbiy-sanitariya yordami ko'rsatish uchun sog'liqni saqlash xizmatlaridan umumiy foydalanishni ta'minlash;

- xotin-qizlarni ularning huquq va manfaatlarini ijtimoiy-iqtisodiy sohada amalga oshirishlarida qo'llab-quvvatlaydigan dasturlarni kengaytirish;

- xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirishga ko'maklashish maqsadida yuqori samarali texnologiyalar, xususan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan faolroq foydalanish;

- "Gender tenglik" tamoyillarini boshqaruvning turli bosqichlarida davlat dasturlarini qabul qilish jarayoniga to'la singdirish. Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan tub islohotlardan ko'zlangan asosiy maqsad, xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, shuningdek, ularning bandligini ta'minlash, mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotidagi roli va faolligini oshirishga qaratilgandir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomalarida eng asosiy vazifa etib, mamlakatimizda istiqomat qilayotgan 17 milliondan ziyod opa-singillarimiz, qizlarimiz, onaxon va momolarimizga munosib sharoit yaratib berish uchun barcha imkoniyatlarni ishga solishimiz lozimligi hamda hayotni va ayollar muammolarini yaxshi biladigan, faol va tashabbuskor opa-singillarimizdan iborat Respublika Xotin-qizlar jamoatchilik kengashini tashkil etishni taklif etdilar. Shuningdek, joylarda aniqlangan xotin-qizlar muammolarini hal etish uchun byudjetdan qo'shimcha ravishda 1 trillion so'mdan ziyod mablag' yo'naltirilganligi ta'kidlab o'tildi.

Xotin-qizlarning davlat va jamiyat qurilishi va boshqaruvdagi rolini kuchaytirish, ularning siyosiy huquqlarini oshirishga alohida e'tibor qaratilayotgani tufayli ularning jamiyatdagi tutgan o'rnini yuksaldi. O'zbek ayoli ismi-sharifi yoniga "O'zbekiston Qahramoni", "Deputat", "Senator", "Vazir", "Vazir o'rinbosari", "Akademik", "Olima", "Mo'tabar ayol", "Tadbirkor", "Direktor" atamaları qo'shib aytilishi buning yaqqol misolidir. Zero, bugungi kunda mamlakatimiz aholisining qariyb 50 foizini xotin-qizlar tashkil etadi. Ular ijtimoiy-ma'naviy, siyosiy-iqtisodiy hayotning barcha sohalarida samarali va faol mehnat qilib kelishmoqda. Yuksak ma'naviyatli va ma'rifatli, namunali odobi va tarbiyasi bilan e'tirof etilgan onalarimizning izdoshlari bugun davlat va jamiyat qurilishida, ishlab chiqarishda, ilm-fan, madaniyat, tibbiyot, ta'lim va hatto harbiy sohada xizmatlari beqiyos.

Shunday ekan, Respublikamiz BMTning — Xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning barcha shakllarini yo'q qilish haqidagi konvensiyasi, Xalqaro mehnat tashkilotining — Onalikni muhofaza qilish to'g'risidagi, Mehnat va mashg'ulotlar sohasidagi kamsitishlar to'g'risidagi konvensiyalariga MDH davlatlari orasidan birinchilar qatorida qo'shildi. Shuningdek, "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi hamda "Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'g'risida"gi Qonunlarning qabul qilinishi xotin-qizlar manfaatlarini muhofaza qilish, ularning oila va umuman jamiyatdagi mavqeiini



mustahkamlashga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar kompleksining tarkibiy qismidir. Ushbu Qonunlarga ko'ra gender tushunchasi - xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim hamda ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihati ekanligi ochib berildi.

Yangi qonun bilan gender tenglikni ta'minlash kafolatlari yaratilgani O'zbekistonda bu masala davlat siyosati darajasiga ko'tarilganini ko'rsatdi va bu mamlakatimizning inson huquqlari sohasidagi ilg'or qadamidan nishonadir.

### **Foydalanilgan adabiyotlarro'yxati**

1. Genderbyudjetibo'yicha qo'llanma. Genderbyudjetivaboshqaruvixalqaromarkazi. BMT Ayollar 2013 yil
2. Bahromova M. O'zbekistonda gender tenglikni ta'minlashda xotin-qizlarning roli. *Образование и наука в XXI веке. 2-qism* 1179-1182 b.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 29 dekabr.

## **КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ**

*Ҳабибуллаев Маъруфжон Одилжон ўғли*  
*Наманган давлат университети, Юридик факультети, Миллий гоё ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси*  
*[e-mail: habibullayev2233@gmail.com](mailto:habibullayev2233@gmail.com)*

Оила ижтимоий ҳодиса сифатида инсоният томонидан яратилган энг улуғ кашфиёт саналади. Фарзанд эса, инсон ҳаётининг мазмуни, насл – насабини давомчиси, оиланинг, жамиятнинг ва давлатнинг мустаҳкам занжиридир.

Маълумки, жамият тараққиётининг ривожини ундаги оилаларнинг ижтимоий – иқтисодий ва маънавий – ахлоқий қиёфасига боғлиқ. Оила, давлат ва жамиятнинг келажаги ҳисобланадиган фарзандлар учун энг асосий тарбия макони бўлиб, бу маконда, бола камолоти учун аҳамиятли бўлган таълим – тарбия, ҳулқ – атвор, хатти – характер ҳамда, давлат ва жамиятга, инсонларга бўлган муносабатлар шаклланади. Зеро, инсон табиати ва дунёқарашидаги барча яхши хислатлар, энг аввало, оилада куртак ёзади.

Оила шахснинг кадриятларини, урф-одатларини, маданиятини, турмуш тарзини ва дунёқарашини шакллантиради. Бу диалектик муносабатлар эса пировардида оилани жамиятнинг ижтимоий институти сифатида тушунишимизга асос бўлади.

Оила – тарбиянинг биринчи мактаби. Фарзанднинг одоб – ахлоқи, ҳулқ атвори даставвал оилада шаклланади, ундаги инсонийлик, ҳалоллик, ватанпарварлик хислатлари ота – онанинг берган тарбияси орқали вужудга келади. Жумладан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг илк босқичлари ҳам оилада шаклланади десак муболаға бўлмайди, албатта.

Сўнги йилларга келиб мамлакатимизда коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, уни олдини олиш ва қарши курашиш, шунингдек, жамиятимизда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мутлақо мурасасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган бир қатор маънавий – маърифий ва ҳуқуқий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятда коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши кураш сиёсатни амалга оширишда энг катта муваффақиятга эришган мамлакатлар тажрибасининг таҳлил қилиш натижасида шуни кўрмоқдамизки, айнан жамиятда коррупцияни маънавий–ахлоқий даражада рад этиш муҳитини шакллантириш энг

самарали ечим ва ёндашув дея баҳоланмоқда. Бу жараёнда эса оила тарбиясининг ўрни шак – шубҳасиз муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичи аниқ белгилаб берилган бўлиб, бунда асосий эътибор коррупциянинг олдини олишга, яъни коррупцияга сабаб бўлаётган мотив ва шарт – шароитларни бартараф этишга қаратилган.

Дарҳақиқат, инсон оилада шаклланади. Оила – ватанпарварлик, инсонийлик, эл – юртиги муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бирдамлик, меҳрибонлик ва ахлоқ манбаидир. Айнан шу кадриятларга бугунги кунга келиб, ҳар бир ривожланган жамият суянмоқда. Шунингдек, оиладаги таълимий-тарбиявий жараёнларда виждон, ҳалоллик, одоб – ахлоқ, шахсий дахлдорлик хисси, миллат ва давлат тақдири, адолатлилик каби яна кўплаб маънавий тамойилларнинг устувор бўлиши, амал қилиниши каби кадриятларнинг мунтазам равишда олиб бориш ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири келажак авлодни тарбиялашдир. Бу олижаноб машғулотда унинг ўрнини ортиқча баҳолаб бўлмайди. Оила билан биргаликда бола ўзи яшайдиган жамиятнинг маданий кадриятлари ва меёрларини ўзлаштиради, одамлар билан мулоқот қилиш усулларини ўрганади, асосий эҳтиёжларни ва уларни қондириш учун мавжуд имкониятларни ривожлантиради. Халқ ўқитувчиси дея эътироф этиладиган К.Д.Ушинский “оиланинг асосий бурчларидан бири ёшларни жамият учун фойдали инсонлар қилиб вояга етказишдир. Шунингдек, дунёда туғилган инсоннинг мукаддас ҳуқуқларидан бири бу тўғри ва яхши тарбия олиш ҳуқуқидир”[2] дея такидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда шаркнинг таниқли файласуфларидан бири, шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ушбу фикрларига кулоқ тутсак.

*“Аввал гиштни қийшиқ қўяркан меъмор,  
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор”* [3].

Баён этилган ушбу мисралардан кўриниб турибдики, инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам улкан бинога қиёс қилиш мумкин. Агар одамга ёшлиқдан тўғри тарбия берилмас экан, катта бўлгач, уни тўғри йўлга солишнинг имконияти бўлмайди. Шу боис, мамлакатимизда ижтимоий – иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан биргаликда юксак маънавиятли баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, оилада маънавий – ахлоқий жиҳатдан мукамал тарбия топган шахс, ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдидларга, жумладан коррупциянинг ҳам турли кўринишларига нисбатан мутлақо муросасизлик муносабатида бўлади. Шунинг учун ҳам таълим – тарбияда ҳар биримиз ҳалоллик, адолатпарварлик, одоб – ахлоқ ғояларига эътибор қаратишимиз, ҳар қандай ахлоқсиз ва ноқонуний хатти – ҳаракатлардан воз кечишимиз керак. Келажакимиз қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ, фарзандларимизни тарбиялашда буни ёдда тутиш керак. Айнан тарбия ва таълим жараёни шахснинг коррупцияга қарши маданиятини шакллантиришнинг асосидир. Бу эрда асосий рол оила ва таълимга юклатилган. Ҳар бир ота – она, болаларга муносиб ўрнатиб бўлиши, ҳақиқий кадриятларни танлашда ёрдам бериши керак.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, замонавий ёш авлод масъулият ва ҳуқуқий онг даражасининг сезиларли даражада деформатсияси билан ажралиб туради. Кўпчилик ёшлар учун пора ҳам, коррупциянинг бошқа кўринишлари ҳам оддий, таниш ва қайсидир маънода нормал ҳолатдек гўё. Бу ҳолат эса, давлат ва жамиятнинг ичидан емирилишига сабаб бўлувчи аргумент ҳисобланади. Бунда, давлат, жамият ва фуқаролик жамияти институтларининг бугунги кундаги вазифаси нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, балки асосий эътиборни унинг олдини олишга қаратиш, яъни коррупцияни юзага келтирувчи сабаб ва шарт – шароитларни бартараф этишдан иборат бўлиши керак. Бу каби кескин ислоҳотлар охир – оқибатда мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида аутсайдерлар қаторидан чиқиб кетишига замин яратади. Бу муаммони муваффақиятли ҳал этиш коррупция ва протекционизмдан холи

мамлакат келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар бир инсон манфаатларига мутлақо мос келади.

Юқоридаги фикр – мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин:

- Коррупцияга қарши тарбия ва тарбиявий фаолиятда оила муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда оиланинг маънавий масъулиятини ошириш зарур;

- Ёшларни оилада ватанпарварлик, ҳалоллик, адолат, ахлоқ ва ор – номус руҳида тарбиялаш шахсинг коррупцияга қарши дунёқарашининг асоси сифатида давлат ва жамият томонидан талаб қилиниши керак;

- Ўсиб келаётган ёш авлодни коррупцион характердаги хатти-ҳаракатлардан асраш, масъулиятли ва муносиб инсонларни тарбиялаш учун ота-оналар коррупциянинг нафақат ноқонуний, балки ахлоқсиз эканлигини ҳам ўз мисолида кўрсатиши зарур;

Ҳуқуқ ҳимоячиси Жеймс Болдуин – “Болалар ҳеч қачон катталарга бўйсунушмаган, лекин мунтазам равишда уларга тақлид қилишган” деган фикрлари ҳар бир ота – она учун дастуриламал вазифасини ўташи лозим. Шундай экан, хўш нега ота – оналар бундан ўз манфаатлари учун фойдаланмаслиги керак? Демак, кўриниб турибдики, оилада ота – оналар энг аввало ислоҳотни ўз – ўзини тарбиялашдан бошлаши керак. Бу эса, болада ҳам антикоррупцион тафаккурни шаклланишига амалий асос бўла олади. Бир сўз билан айтганда, ёш авлодда коррупцияга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда давлат ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал этишда оила институти муҳим стратегик вазифани бажариб беради.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.- Т.: Ўзбекистон, 2020. –Б.42.

2. Ушинский К.Д. Русская школа/ Сост., предисл., коммент. В. О. Гусаковой/Отв. ред. О. А. Платонов. М.: Институт русской цивилизации. 2015. 688с.

3. Бедил ва ўзбек маънавияти. Техрон–Тошкент.: Ал-Худо-Мовароуннахр, 2005. –Б.73.

4. Юсупов Э,Юсупов Ў. Оила– маънавият булоғи. –Т.:2003. –Б.142.

## ОИЛАВИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

*Мелибоева Сарвиноз Собиржон қизи “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот  
институти” мустақил изланувчиси.  
e-mail: erkaboyeva60@bk.ru*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида қуйидагилар қайд қилинган: “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”. [1.- Б.35.]

Оилавий тарбияда халқ ижодида талқин этилган меҳнат, ҳамкорлик ҳақидаги қарашлар муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат жараёнида пайдо бўлган ижобий меҳнат анъаналари, маросимлари аждодларимиз томонидан жуда қадрланган ва инсонийлик фазилатлари ичида энг самарали фазилат сифатида улуғланган. Боланинг келажак истиқболи, бахт саодати меҳнат орқалигина тасаввур этилган. Халқимизда ўз

фарзандларини меҳнатсевар қилиб етиштириш ота-она ва умуман, кекса авлоднинг дастлабки инсоний бурчи ҳисобланган. Болаларни меҳнатга одатлантириш, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда оила, оилада олиб бориладиган тарбия етакчи роль ўйнайди. Меҳнаткаш оилалар ёш авлодга меҳнатнинг кадр-қиммати, меҳнатсиз ҳаёт кечириш мумкин эмаслигини ўқитган ва узлуксиз равишда тарбиявий таъсир кўрсатиб борган. Натижада эса болалар уч-тўрт ёшидан бошлаб оиладаги дастлабки дастёрлик ишларига жалб қилинган. Ўн икки – ўн тўрт ёшидан бошлаб оила хўжалигидаги жисмоний меҳнатнинг барча турларида фаол қатнаша бошлаган. Бу жараён халқимизнинг бола тарбиялаш борасидаги кўникмасига айланиб анъанавий характерга эга бўлган тарбия тури сифатида давом этиб келган. Бу жараёнлар халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам ўз аксини топган.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги миллий қадрият сифатида қадимий тарихга эга. Ўзбек халқи халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигига жуда катта эътибор ва ихлос билан қараб келган. Фарзандни камол топтиришда халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликдан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш қадимдан бизга мерос бўлиб етиб келмоқда.

Оилавий қадриятлар негизида оилаларда устоз шогирд мактаби анъанасида муайян касб ҳунар эгаллаш жараёни махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланиб, анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш кўринишида амалга оширилади. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда ҳунарманд шогирдининг ёши 15 ёшдан ошган бўлишлиги талаб этилади. Ҳунармандчилик фаолияти ҳунарманд томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ҳунарманд ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширишда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун кўпи билан 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳақлидир. [2]

Бугунги кунда ёшларимизни ҳунар ўрганиш ишига йўналтирувчи иштирокчилар қуйидагилар: ўқувчи, ота-она, таълим муассасаси, касбга йўналтирувчи мутахассислар, фан ўқитувчилари, синф ва гуруҳ раҳбарлари, мактаб шифокори, психолог, жамоат ташкилотлари, корхоналар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари. Ҳар бир оилада тарбияланаётган инсон маълум бир турдаги касб эгаси бўлиш билан бир қаторда ҳунар эгаси ҳам бўлиши, ишлаб даромад топиб рўзғорга кўмаклашиши шу оиланинг жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий мавқеини ҳам белигилашда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда оилавий қадриятлар негизида ҳунармандчиликни ривожлантириб, унинг сир-асрорларини, кўникма ва малакаларни кунт билан ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бирор касб-ҳунарни уддасидан чиқа оладиган бўлиш учун ҳунар ўрганувчи даставвал қандай ҳаракат қилиш кераклигини, бу ҳаракатларнинг қай йўсинда амалга оширилишини билиб олиши ва эса сақлаб қолиши зарур. Ҳунарни ўрганиш жараёнида дастлаб ҳар бир шахс ўрганаётган ҳунарига қизиқиши, имконияти, қобилияти ва лаёқатини ҳисобга олиши лозим. Таваккалчилик асосида иш кўриш амалий касбий фаолиятда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Натижада ижтимоий сусткашлик, ҳафсаласизлик, дангасалик иллатлари пайдо бўлади. Бунинг учун ҳар бир ҳунар ўрганувчи касб-ҳунар турлари, иқтисодиётнинг ривожланаётган соҳалари, ҳунармандчиликда малакали кадрларга эҳтиёж сезаётган йўналишларни билиши, меҳнат бозорини ўрганиши лозим. Ота-она, шифокор, психолог, ҳунарманд устоз тавсиялари ҳам ёшларимизда керакли ҳунарни эгаллашларида асқотади.

Зеро, ёшларни миллий ҳунармандчилик устаси қилиб тарбиялашда уларда ҳунармандчиликка оид касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш устозларнинг асосий бурчлари ҳисобланади, ҳунармандчиликка доир малака кўникмаларни

такмиллаштириш жараёнида ҳамкорлик педагогикасига устуворлик бериб бориш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, ўз ҳатти ҳаракатини шеригининг ҳаракатига мос олиб боришга ишнинг натижаси ҳар бир иштирокчининг фаолияти натижасига боғлиқ эканлигини англаб боришади.

Ўзбекистон шароитида оилаларни камбағаллик даражасидан ҳунармандчилик кадриятлари асосида чиқаришга ёрдам берувчи тизимлардан бўлган касб-ҳунар таълимини бериш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз:

➤ ота-она фарзандига маълум турдаги ҳунарни ўргатишда ишлаб чиқаришнинг техникавий-технологик, халқ хўжалиги асосларини, ижодни ривожлантирувчи, политехник, касбий йўналишдаги топшириқларни бериб боришни, қишлоқ хўжалик асосларини, техникасини, технологиясини тушунтириши;

➤ ҳунар ўргатишнинг назарияси ва амалиётида тарихий, миллий, маҳаллий, этнографик, географик, тиббий, иқлимий ва шарқона хусусиятларни ҳисобга олиш ва ҳунармандчиликнинг келгусида ривожланишида бу омилларга устивор қоидалар сифатида риоя қилиш;

➤ халқ ҳунармандчилигининг касб-ҳунар таълимининг мазмунидаги анъанавий йўналишлари сафига янги йўналиш сифатида киритишнинг назарий-илмий, услубий, педагогик, амалий-ташқилий, моддий-техникавий ва кадрлар билан таъминлаш масалалари тизимини ишлаб чиқиб амалда кўллаш;

➤ ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда оилалар билан бир қаторда таълим муассасаларининг ҳам имкониятларини ошириб, меҳнат таълими (технология)ниқўшимча фан сифатида эмас асосий фанлар даражасида ўқитилиши;

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир ота-она ўз фарзандига касб эгаллашига кўмаклашиши билан бир қаторда унга ҳунар ўргатмоғи ҳам лозимдир. Фарзанд эса ўз ўрнида касб-ҳунарига меҳр кўйиши, ўша ҳунарга ўзини лойиқ била олиши, жиддий қараши, ғайрат билан ишлаши ҳамда бу иши туфайли топаётган даромадини ота-онаси билан маслаҳат қилган ҳолда оиласи сарф-харажатлари учун ишлатиши керак. Юртнинг фаровон бўлиши, инсонларнинг турмуш даражасининг яхшиланиши фақат ва фақат ҳалол меҳнат билан қилинаётган юмушлармиздан келаётган ризқимизга боғлиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004. – Б.35.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2009 йилдаги 216-сон қарори.

#### **ЁШЛАРГА ИНСОНИЙ ТЕНГЛИК ВА ИНСОНИЙҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШДА ИЖТИМОЙ МУХИТ ТАХЛИЛИ**

*Темиров Набижон Солиевич –  
ФарДУ, педагогика фанлари доктори  
e-mail: tns-53@mail.ru*

#### **Аннотация**

*Мақолада ёшларга инсоний тенглик ва инсонийқадриятларни сингдиришда ижтимоий муҳитнинг таъсири, оқибатимасалласи таҳлил қилинган. Мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлашда олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** *гендер, тенглик, қадрият, оила, таълим, сиёсат, қонун. муҳит, миллат, намуна,*

Анализ влияния социальной среды на привитие молодежи ценностей гуманизма и равенства людей

### **Аннотация**

*В статье произведен анализ влияния социальной среды на привитие молодежи ценностей гуманизма и равенства. Также в статье описывается проводимая в стране работа по обеспечению гендерного равенства и представлены достигнутые результаты в этом направлении.*

**Ключевые слова:** гендер, равенство, ценность, семья, образование, политика, закон, среда, национальность, пример.

Analysis of the influence of social environment on instilling the idea of humane values and equality into the youth

### **Abstract**

*This article provides an analysis of how social environment has an influence on instilling values of humanism and equality into the youth. Also, it describes the measures undertaken for ensuring gender equality in our country and results achieved with this regard.*

**Keywords:** gender, equality, value, family, education, politics, law, environment, nationality, role model.

Мамлакатимизда инсонни қадрият сифатида улуғлаш давлат сиёсатида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 моддасида эркак ва аёлларнинг ҳуқуқли эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган ва унга амал қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини бурчи ҳисобланади.

Тарихан ўзбек миллатини ривожда аёллар ўз ўрнига эга бўлган. Ёшларимиз ўз тарихини қанчалар мукамал билсамиллатига ва аёлларига нисбатан ҳурмат қилиш маданияти ортади.

Ҳар бир инсон жамият ва давлат ривожига доир қонунларга амал қилган ҳолда ўзвий тизим асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йили “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиб ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига бўладиган муносабатлар негизида инсонни улуғлаш ва ҳурмат қилиш бўлишини асосий мезон қилиб белгилаб берди. , Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунида эркаклар ва аёллар ҳуқуқлари, эркинликларизамон талабларини инобатга олган ҳолда янада мустахкамланди.

Ёшларнинг камолга етишжараёни қуйидагитаълимий даврларни ўз ичига қамраб олади: 1. Мактабгача давр 2- 6-7 ёш, мактаб даври 7-17-18 ёш, талабалик 18-21-22 ёш. Бу даврларда ҳар бир киз бола ва ўғил бола, умумий олганда 19 йилтаълим тарбия жараёнида фаол иштирок этади. Қизларнинг физиологик ва психологик хусусиятларидан келиб чиқилса барча даврларда қизлар ўғил болларга нисбатан фаол ва сезгирроқ бўлишади. Бунинг асосий сабаби қизларнинг ижтимоий муҳитдаги тарбияси ўғил болларникидан анча фарқ қилади. Ота-оналар қизларини оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига жуда ҳам масъулият билан қарайдилар. Қизлар балоғат ёшига етгач албатта бошқа жойга турмушга чиқади ва оиласида олган тарбия маданиятини беғона жойда амалий кўрсатишга тўғри келади.

Ўғил болалар тарбияси эса оиладаги эркаклар намунаси таъсири остида шаклланади. Ўғил бола ҳимоячи, таъминотчи, оилани обрўсини сақловчи сифатида ривожланади.

Мактаб даврида таълим ва тарбия бир хил андозада берилса ҳам қизлар ўғил болаларга нисбатан анча фаол бўлишади, Худди шундек олий ўқув юртида талабалик даврида ҳам бу фаоллик сезилиб туради. Аммо маълум касбни эгаллагандан сўнг турмуш тарзи ва ижтимоий вазият аёлларни анча сусайтириб қўяди. Оиладаги муҳит аёлларнинг эркин фаолият кўрсатишига имкон бермай қўйиши мумкин. Бола парвариши, оиладаги барча юмушлар, маросимлар, урф одатлар ва бошқа қўйилмаган

инсоний ва ноинсоний ўзарозиддиятлар аёлларни давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига йўл қўймайди.

Мусурмон аёллари тарбияси Европа ва бошқа давлатларда аёллари тарбиясидан тубдан фарқ қилади. Ислом динида онани, опани, сингилни эъзозлаш энг юқори инсоний фазилат ва бурч хисобланади. Мусурмон аёлида “яхши бўлиб қолар” деган умид билан яшашлик тарихан сингдирилиб келган. Айниқса “Сабрни таги олти” деган нақлимиз доимо аёлларимизни ҳар қандай вазиятга сабрлик билан қарашга ундайди.

Ўзбекистон Президенти дунёдаги аёллардан бизнинг Ўзбекистон аёлларини камжойи йўқ, аёлларимизга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини бу йўналишда гендер тенглигини йўлга қўйиш кераклигини асослаб берди. Бу соҳада мамлакатимизда аниқ тизимли ишларни амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030 йилларда гендер тенгликни таъминлаш Стратегияси ишлаб чиқилди ва унга амалга қилган ҳолда мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида аёлларимиз тўғрисида аҳоли ўртасидаги негатив фикрнинг тубдан ўзгартириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила кўрғонининг кўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”. Бумасалани ўзгартириш учун давлат бошқарувида аёллар иштирокчиси қилиниши, бола парваришидаги давридаги ижтимолий таъминоти, меҳнат стажива иш ўрнини сақланиши, айниқса аёлларни олий таълим олишига кенг имкониятлар яратилди ва имтиёзлар белгиланди.

Аёлларимиз учун, айниқса қишлоқ шароитида яшаётган кам таъминланган, муҳтож ва ишсиз аёлларни ижтимоий қопқондан чиқариш учун уларни ҳақиқий ҳолатини кўрсатиб беришчи махсус “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтарлари” тизими ишга солинди. Бунинг оқибатида тушқунликка тушган аёллар тикланиши ва муносиб турмуш тарзига эга бўлиши. Президентимиз қишлоқ аёлларига шаҳарлик аёллар шароитидан кам бўлмаган уйлар билан таъминланишини маҳаллий ҳокимият ва бошқа мутасадди ташкилотлар назоратига ўтказди ва ижросини қаттиқ назоратга олди.

Мамлакатимиз сиёсатида инсон энг асосий субъектга айланди. Аёллар учун барча шароитлар ичида энг зарури бу ўз билимини ошириш масаласи долзарб масала хисобланади. Айниқса илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлиш учун аёллардан кўп нарсадан возкечишига тўғри келар эди. Барча таълим тарбия жараёнида фаол бўлган қизлар давлат ташкилотларидан узоқлашган захоти улар умуман унитилиб кетар эди. Энди бу вазият тубдан ўзгарди. Аёлларимиз олимлик даражасига эга бўлишда эркаклардан кўра кўпроқ иштирок этишмоқда, чунки уларнинг илм билан шуғуланишлари учун давлатимиз томонидан етарлича барча шароитлар яратилиб берилмоқда.

Аммо аёллар ўртасида мавжуд муаммоларини тахлили шуни кўрсатадики аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлик даражаси талаб даражасида эмас. Бу масала оилада умуман муҳокама қилинмайди. Агарда қилинадиган бўлсанат ижтимоий оқибатларга олиб келади. Худди оилада амал талашаётгандек вазият вужудга келади. Ота- оналарнинг турмуш тарзи ёшлар учун асосий мезон хисобланади. Тенгликни таъминлаш ва уни сақлашда кўпни кўрган оқсоқоллар ва момоларимиз босиб ўтган йўл, оиласида ахилликни ва тинчликни таъминлай олганларгина жамиятда муносиб обрўга эгалар.

Эркак ва аёлларнинг ҳуқуқли бўлган жамиятда ривожланиш бўлади, бу жараёнда давлат, жамият ва фуқаролар манфаатлари бир бирига мос келиши керак. Манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида ўрганилиб, таҳлил қилиниб ижтимоий муҳитга мос ва миллий қадриятларни инобатга олган ҳолда илмий тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувоқидир. Бу йўлда мамлакатда инновацион ёндашувлар қилинмоқда.

Янги Ўзбекистондабарча фуқаролар қонун асосида яшашга ва ўз ҳаётинитубдан ўзгартиришга олиб келадиган йўлни танлаганлиги учун Ўзбекистондаги БМТнинг жамоаси айни пайтда барча миллий ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг кенг маслаҳатлашувлари билан ишлаб чиқиладиган “2021-2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш ҳамкорлик дастури” доирасида гендер тенгликни таъминлаш учун мамлакатга ҳар томонлама ёрдам бераётганибунга ёрқинмисол бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистан”, 2003й.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2018 йил 2 февраль. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3.Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқи.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун.

### **ШАМСИРОЙ ҲАСАНОВАНИНГ ИЖОДИДА РОМАНТИК ЙЎНАЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ**

*Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна  
Андижон давлат тиббиёт  
институтининг доценти, фалсафа доктори (PhD).*

**Аннотация:** Ушбу мақолада романтик йўналишнинг яна бир вакиласи **Шамсирой Ҳасанованин**г ижоди бутунлай Шарқ миниатюраси ва монументал рассомчилик анъаналари билан боғлиқлиги тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** романтизм, Шарқ миниатюраси, рассомчилик, табиат гўзаллиги, жозибадор, завқланиш.

Миниатюра – чуқур шартли санъат. Ясси тасвир яхлит кўринишга, образнинг рангли соявий моделировкасига тўсиқ бўлган, унда ярим туслар йўқ. Шартлилик тамойили масштаблар нисбатида кузатилади. Масалан, «одамларнинг силуэтлари, ҳайвонлар, одатда табиий ва меъморий манзара ландшафт элементлари, тош ва дарёлар билан солиштирганда жуда катта. Сарой ва чодирлар яқин фон ёки орқа фонда бўлса-да, одамларнинг қоматлари билан таққослаганда мутаносиб равишда кичик эмас. Аммо, шунга қарамай, Шарқ миниатюрасининг жозибасидан завқланган ҳар бир киши ушбу номутаносибликдан ҳеч чўчимайди, аксинча, бу миниатюра услубининг ажралмас қисми эканлигидан ҳайратланади. Чунки бу услуб маълум бир бадиий техника мажмуини ўз ичига олган мажозий тасвирлар тизимида шаклланади ва Ўрта Шарқ халқларининг яхлит бадиий дунёқарашини ифодалайди».

Миниатюра мавзусини адабиёт сюжетида қонунлаштириш ва олдиндан белгилаш рассомдан заргарлик қобилиятини ҳамда экспрессив воситаларнинг қисқа, аниқ ва лўнда ифодаланишини талаб қилади. Бошқа томондан, маҳаллий ранглارнинг ёрқинлиги миниатюрада устунлик қилади. Рангли ёрқинлик нафақат миниатюралар бадиий услубининг бир шакли, балки шарқона муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ифода этади, бу ерда «рангларнинг зичлиги, ёқимли калорит ва тоза қувноқ рангларга бўлган муҳаббат Шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетганлиги»[**Ошибка! Источник ссылки не найден.**, 307-б.] кўзга ташланади.

Шарқ миниатюраларининг ҳис-туйғуларга бойлиги, шеъринг назокати, суратларнинг нозиклиги, ритмнинг оҳангдорлиги, рангнинг қуюқлиги ва композициянинг уйғунлиги



айнан мана шунда кўринади. Шунинг учун ҳам XX асрдаги баъзи рассомлар миниатюра санъатини ўрганаётганларида ундаги фалсафий ва бадий дунёқарашнинг бирлигини ифодаловчи синтетик хусусиятини ҳисобга олмадилар. Улар миниатюранинг ғоявий ва бадий тузилишини тушуниш ўрнига унинг индивидуал услубий элементларини идрок этдилар ва шу билан эстетик қизиқиш доирасини услуб ёки шаклнинг ташқи безакдорлиги билан чеклаб қўйдилар.

Романтик йўналишнинг яна бир вакиласи **Шамсирой Ҳасанованинг** ижоди бутунлай Шарқ миниатюраси ва монументал рассомчилик анъаналари билан боғлиқ.

1940 йилда Алишер Навоий юбилейига тайёргарлик кўриш жараёнида Ш. Ҳасанова Навоий ижоди билан боғлиқ бир қатор миниатюраларни кўчирди. У дастлаб Шарқ миниатюраларининг бой хазинаси билан танишди, Шарқ халқлари бадий даҳоси — миниатюранинг буюк ижодларидан бири ғоявий ва бадий жозибасини англаш ва тушунишга интилди.

Навоий ижоди билан боғлиқ миниатюраларни ўрганиб, уларнинг бадий-эстетик тамойилларига чуқурроқ кириб борган Ш.Ҳасанова, ўзбек шоира ва созандаларининг образларини яратишга киришади. Биринчи асар Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони билан боғлиқ эди. Ш.Ҳасанова гуллаб-яшнаётган боғ фонида Шириннинг меҳр-муҳаббатга тўла мулойим қиёфасини яратишга ҳаракат қилди.

Ш.Ҳасанова Зебунисобегим номли ўзбек аёллари мактабида таҳсил олган. Афтидан ундашоира Зебунисо номи билан боғлиқ болалик таассуротларининг қандайдир романтик наслари бор ва у ўзининг бир қанчаполотноларини Шарқнинг гўзал ва афсонавий шоираси образини яратишга бағишлагани бежиз эмас. Бобурнинг машҳур набираси Зебунисобегим ҳаётга романтик нуқтаи назар билан қараган, лирик ва фалсафий мулоҳазаларга бой адабий мерос қолдирган шоира эди. У руҳий тажрибанинг турли даражалари ҳақида ҳикоя қилувчи меҳрли шеърят билан бир қаторда, мураккаб шаклдаги фалсафий шеърлар ҳам қолдирган. Баъзи замондошларининг хотирлашига қараганда, шоира романтик жиҳатдан беқарор характерга эга бўлган ва феодал жаҳолатпарастлик даврида ўзининг ақл-заковати ва шеърый руҳиятига мос келадиган қаллиқ топишга ҳаракат қилган.

Портретда Зебунисобегим гуллаб-яшнаган боғ фонида бутун бўй-басти билан тасвирланган. Рассом миниатюра анъанасидан келиб чиққан ҳолда шоиранинг идеал-илҳомланган ҳолатини кўрсатишга интилган. Зебунисобегимнинг қатъиятли ва ҳаяжонли қарашлари, кучли шамолнинг шойи чойшаб каби учиши унинг ижодий ҳолатини акс эттиради.

Шу билан бирга, Ш.Ҳасанова кенг кўламли образ ва психологик аниқликка интилади. Аммо ҳаяжонланган, романтик руҳланган аёлнинг қиёфаси, қўл ва кўзларининг ифодаси, ташқи атрибутлар орқали яратилган. Миниатюраларда бўлгани каби юз ифодалари орқали руҳий ҳолатни тавсифлаш йўк.

Рассомнинг ушбу жуда гўзал ишида унинг образни умумлаштирилган идеаллаштириш қилинган моделировкага қобилияти намоён бўлган.

Худди шу композиция, худди шу мотив ва романтик жиҳатдан — маънавийлаштирилган тамойил «Кўкон шоираси» портретига хосдир. Аммо, экспресивлик ва чуқурлик кучи жиҳатидан бу расм Зебунисобегимпортретидан кучсизроқ. Унда шоира ижодий концентрациясининг ифодаси эмас, балки тасвирий элемент устунлик қилган.

Иккала портрет ҳам рассом инсоннинг маънавий кучи ва фаолиятининг уйғонишини Шарқ шеърятлари образларида кўриши билан ажралиб туради. Улар баъзи афсонавий шеърларнинг қахрамонлари сифатида тавсифланади, Ширин образи билан боғланади ва нафақат табиат, балки руҳ ва инсон кадр-қимматини юксалтиришни тасдиқловчи куч билан ҳайратга солади. Бу Ш. Ҳасанова полотнолари таркибидаги маҳобатли улуғворлик кейинчалик Ч. Аҳмаров ижодида ҳам ҳар томонлама ғоявий ва бадий тўлиқликка эга бўлган хусусиятдир. Эҳтимол, ўша пайтда рассомнинг турмуш ўртоғи, Навоий номидаги

опера ва балет театри деворига нақшлар чизган таниқли рассом Ч.Ахмаров ҳам унга таъсир кўрсатгандир.

«Қашқар шоираси Мутрибанинг портрети» рассомнинг мукамал ва ранг-баранг чиройли шеърий асари ҳисобланади. Ушбу портретда Ш.Ҳасанова гўёки икки йўналиш — Шарқ миниатюраси ва деворга расм чизиш анъаналарини ўзаро боғлайди. Тасвирнинг текислиги, рангларнинг жойлашиши, шаклнинг чизикли тузилиши, нафислиги ва нозиклиги мусиқий-қувноқ ва шеърий назокатли ҳолатга бўйсундирилган. Рубоб чалаётган гўзал шоира гўёки туғилаётган кўшиқ ёки шеърнинг янги сатри устида бир лаҳзага тўхтаб, бош қотиратёгандек тасвирланган.

Ш. Ҳасанова пушти, яшил ва тўқ қизил рангларнинг жойлашишини келтириш билан чекланиб қолмайди, балки нозик чизикли-тонал ўтиш орқали уларнинг комбинациясида ажойиб уйғунликни топади.

Агар аввалги портретларда кўпроқ руҳ фаоллиги ифодаланган бўлса, бу ерда аёллик ва гўзаллик таъкидланган. Ушбу портретда Ш. Ҳасанованинг ижодий индивидуаллиги — образни идеаллаштириш янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бу ерда шоиранинг идеаллашган киёфаси Гўзаллик ва илҳом париси рамзлари даражасига етади.

Ўрта асрлар Шарқ миниатюрасидаги идеаллаштириш, шеърий ва романтик ҳаёт намоёиши тенденцияси билан ажралиб турадиган замонавий рассомларникидан фарқли равишда, ғоявий ва эстетик мазмунга эга бўлган. Уста Мўмин (Николаев), Ч. Ахмаров, Ш. Ҳасанова, Т. Муҳамедов, А. Нур, А. Мирзаев ва бошқалар шеърий идеаллаштириш орқали ўзларининг комил инсон идеалини намоён этишга уринадилар, табиатнинг гўзаллигини куйлайдилар, оммавий ҳодисаларни ёқлайдилар. Улар учун шеърий идеаллаштириш инсон ҳаёти ва фаолияти ривожланишининг гуманистик тенденцияларини таъкидлашга хизмат қилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ремпель Л.И., Пугаченкова Г.А. История искусств Узбекистана. — М.:Искусство, 1965. — С. 317.
2. Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. — Т.: Фан, 1997
3. Маҳмудов Т. Эстетика и духовные ценности. — Т.: «Шарк», 1993. —С. 60.
4. Г.Маҳмудова. Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси / Г.Т. Маҳмудова, Г.Ғ. Фаффарова, Г.О. Жалалова. — Т.: «NOSHIR», 2020. — 120 б.

### **ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШ ТАЛАБЛАРДА ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ**

*Жарқинов Даврон Умаралиевич  
Андижон Давлат Университетитадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада талабларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда замонавий таълим тизимини зарурий компоентига айланиб бораётган мустақил таълимдан унумли фойдаланиш усуллар кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** ижодий ҳамкорлик, мустақил таълим, индивидуал қобилият, ижодий фаолият, олий таълим, касбий тайёргарлик

Талабларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда замонавий таълим тизимини зарурий компоентига айланиб бораётган мустақил таълимдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таълимнинг айнан шу шакли талабанинг индивидуал қобилиятларини аниқлаш, шахсий иқтидор ва истеъдодга монанд равишда ижодий фаолият учун имконият яратади. Шунингдек, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. “Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар

тобора кучайиб бормокда. Жаҳон миқиёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмокда. Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айти вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт”. Бунинг учун эса, жамиятда бирлик ва ҳамжиҳатликни шакллантириш билан бирга фаолиятда ижодий ҳамкорликни, ўзаро қўллаб-қувватловни шакллантиришимиз керак бўлади.

Олий таълим муассасаларида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, талабаларнинг билим олишига комплекс ёндашув, уларнинг замонавий талабларга жавоб бера оладиган мутахассислик олишларини, таълим жараёнини сўнгги педагогик технологиялар асосида таъминлаш;

иккинчидан, талабалар касбий тайёргарлиги учун зарур бўлган, турли йўналишдаги, уларнинг касбий шаклланишига йўналтирилган мустақил ишлар, замонавий усулларида самарали фойдаланиш заруриятини илгари суради;

учинчидан, ўқиш жараёнида, барча фанларни ўрганишда бўлажак мутахассисларнинг келажаги учун зарур бўлган янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган методларидан фойдаланиш;

тўртинчидан, бўлажак мутахассисларга амалиётда инсон билан индивидуал ва жамоада ишлай олиш, даврга, ижтимоий муҳитга мослашувчанлик имкониятларини шакллантиришга оид махсус кўникма ва махсус билимларни бериш лозим;

бешинчидан, олий ўқув юртида ўқиш жараёнида, мутахассисларнинг бир-бирига ёрдам беришини тасвирловчи педагогик вазият ва касбий ўйинларни ўтказиш орқали уларда ўз касбининг устаси, етакчилик хусусиятларини, кўникмаларини шакллантириш зарур;

олтинчидан, олий таълимнинг тарбиявий имкониятлари, бўлажак мутахассисларда ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришдаги услубий жиҳатларидан ҳам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

еттинчидан, бўлажак мутахассислар онгида фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш узлуксиз жараён эканлигини англаш кўникмаларини шакллантириш муҳим жиҳат сифатида қаралиши лозим.

Олий техник таълим муассасаларида талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим мақсадларини қўйишда қуйидаги талабаларни ҳисобга олиш тавсия қилинади:

1. Мавжуд эҳтиёж ва муаммоларнинг таҳлили мақсадни қўйишнинг бош асоси бўлиб хизмат қилиши, биринчидан, дастлабки имкониятлар, воситалар, иккинчидан, ўқувчининг шахсий билим заҳиралари кабилар;

2. Мақсадлар муҳим муаммоларни ҳал қиладиган даражада долзарб бўлиши;

3. Мақсадлар мураккаб, бироқ реал бўлиши;

4. Мақсадларнинг аниқ (исталган натижанинг аниқ даражаси ва унга эришиш муддати кўрсатилган ҳолда) шакллантирилган бўлиши(уларга эришганликни аниқлаш шунча осон бўлади).

5. Мақсадлар диагностик, рағбатлантирувчи, ундовчи характерга эга бўлиши.

6. Мақсадлар ўқувчининг олдида турган вазифаларига мос келиши. яқин келажақдаги ривожланиш доирасида бўлиши

7. Ҳамкорликдаги фаолият мақсадлари унинг барча қатнашчиларига маълум, улар томонидан тушунилган ва англаган ҳолда қабул қилинган бўлиши(Бу жамоавий фаолият ва мақсадлар бирлигини талаб қилади).

8. Кичикроқ аниқ мақсадлар йирикроқ ва узоқ муддатли мақсад ва интилишларга бўйсунган бўлиши.

Талабанинг ижодий ҳамкорлик кўникмалари учун зарур малакавий сифатларини шакллантиришда уни кафедра, олий ўқув юрти миқёсида олиб бориладиган фундаментал лойиҳалар асосидаги тадқиқотларга жалб этиш яхши самара беради. Бозор талабига мос, пухта ғоя ва концепцияга эга, экспертлик хулосасида илмий, ижтимоий ва иқтисодий самардорлиги тасдиғини топган ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Бунинг учун, энг аввало инновацион лойиҳани моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласини атрофлича ўрганиш керак бўлади.

Хулоса қилганда, талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш бугунги куннинг зарур ижтимоий талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ижтимоий ҳамкорлик мутахассиснинг ижтимоий эҳтиёжни англаб етиши ва унга керакли ечимни беришига қаратилган фаолиятдир. Шу боис олий таълим тизимида талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг самарадор педагогик модели ва шарт-шароитларини яратишга доир тадқиқотларни олиб бориш, бу орқали аниқ натижага йўналтирилган таълим технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Мазкур тадқиқот иши ҳам шу вазифаларни амалга оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради ва унда техника йўналиши мутахассисларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларда коммуникативлик сифатларини, фаолликни шакллантириш мумкинлигига урғу берилган. Талабаларда ижодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, вертикал ёндашув асосида шакллантириш технологияси ва мазмунини кейинги параграфларда тадқиқ этиш мақсад қилинган.

#### **Адабиётлар**

1. Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент: ТАТУ, 2006. – Б.32.
2. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2005. – С. 206.
3. Темур тузуклари / Форсчадан Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент: Шарқ, 1991. – Б.144.

### **ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАЗМУНИ**

*Мавлонов Илхомжон Холмирзаевич*

*Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси*

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг миллий тараққиёт масалаларига оид муаммоларни ҳолисона ҳал этиш нафақат давлат сиёсатининг муҳим тамойили сифатида кенг қўламли ишлар амалга оширилади бўлса, соҳа олимлари томонидан ҳам жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Негаки, «миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёни»ни ўрганишга доир турли ҳил ижтимоий-фалсафий қарашлар тизимини илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилиш, уни амалий ҳаётга жорий этиш зарурати бутунжаҳон миқёсида миллий низолар авжига чиққан бир пайтда долзарб аҳамиятга эга масалалардан бирига айланиб бормоқда. «Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни узлуксиз ривожлантиришимиз зарур.

Ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадри-ятлар тарбиясини тушунашимиз»[1].

Кишилиқ жамияти ҳеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ордидан инқирозлар, ютуқлар кетидан мағлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъқиб этган. Муайян жамият иқтисодий-сиёсий, ахлоқий-диний, бадий-эстетик тараққиёт борасида инқирозга дуч келар экан, ундан чиқиб кетиш учун илғор фалсафий таълимотларга эҳтиёж сезади. Инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида

ушбу муаммолар янгидан кун тартибига кўйилаверади. Уларни ўрганиш жараёнида давлат, жамият тараққий этиб боради.

Рим империяси заволга юз тутганидан кейин ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа мамлакатларида, ўрта асрларга келиб, миллий тараққиёт яратиш имкони туғилди. Тўғри, улар умумевропа худудида, Қадимги Юнонистон ва Рим маданияти негизида шаклланди. Уларда Европа халқларига хос умумий жиҳат ва хусусиятлар, умумэтник менталитет акс этган эди. Бу жараён, аввало, Италия ва Англияда, сўнгра Францияда юз берди[2].

Миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнининг ижтимоий-фалсафий негизларини, тарихий ривожланиш босқичларини кўздан кечирадиган бўлсак, Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури ривожига ўзига хос ўрин тутиб, аста-секинлик билан бугунги замонавий кўринишигача бўлган мураккаб босқични босиб ўтганлигини кузатишимиз мумкин. Айниқса, мазкур муаммо Р.Декарт, Б.Спиноза, И.Кант, И.Фихте, Г.Гегель каби Европа файласуфларининг асарларида алоҳида мавзу сифатида ўрганила бошланганлигини кўришимиз мумкин[3]. Улар, авваламбор, ўз юрти, миллати шаън-у шарафини юксакликка кўтариш, тараққиётга олиб чиқиш учун илғор ғояларни ўртага ташлаган, давр тақозо этган мафкураининг шаклланишига ҳисса қўшган.

XX асрнинг ўрталаридан келибгина Европада миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнини яхлит фалсафий муаммо сифатида тадқиқ этиш борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилди. Бу тадқиқотларда илғари сурилган концептуал ғоялар, хулосалар ва фикрлар миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнининг нафақат инсон ҳаёти, балки ижтимоий муносабатлар билан ҳам боғлиқ мураккаб, кенг камровли муаммолардан бири эканини кўрсатади.

Биз яшаётган дунё сўнги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул воқеалар юз берди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этди[4].

Миллий тикланиш, тараққиёт ва юксалиш жуда кенг, чуқур, мураккаб тарихий жараён бўлиб, у миллатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларни: иқтисодий ҳам, сиёсий фаолиятни ҳам, маънавиятни ҳам, илм-фан, тил, тарих, урф-одатлар, ҳунармандчилик, меъморчиликни ҳам, инсон камолоти билан бевосита дахлдор барча масаларни ўз ичига қамраб олади. Миллий тикланишга бирданига эришиб бўлмайди. Миллий тикланиш узок давом этадиган, кўп йилларни ўз ичига қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Маънавий юксалиш миллий тараққиётнинг асоси эканлигини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ўз навбатида миллий тараққиёт моделларининг хилма-хиллигини ҳам қамраб олади. Шу боис маънавий юксалиш жараёнлари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир[5].

4. Ватанимиз Ўзбекистон Россиянинг қарийб бир ярим асрлик мустамлака зулмидан озод бўлганига чорак аср тўлмоқда. Бу даврда беҳад катта ва улуғвор тарихий ҳодиса юз берди. Қадимдан дунёга машҳур бўлган давлатчилигимиз замонавий асосда қайта тикланиб, жаҳонга янгитдан танилди. Ватанимиз равнақи Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг миллий мустақиллик ва тараққиёт йўли — «ўзбек модели» асосида амалга ошириб, такомил топмоқда[6]. Миллий юксалиш жараёнининг эволюцион модели эканлигини англатади.

#### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси // Ислам Каримов – Мустақил Ўзбекистон

давлатининг асосчиси. –Тошкент. Ислам Каримов номидаги республика Хайрия жамоат фонди, 2018. – Б

2. Мирзиёев Ш.М. Миллийтикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – Б. 166.
3. <https://uza.uz/uz/posts/> Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари
4. <https://uza.uz/uz/posts/> Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлари
5. Мирзиёев Ш.М. Миллийтикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – Б. 297.

## **АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ-ТАКТИК КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МОДЕЛИ ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

*Тураханов Ақром Абдуллахакимович  
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси*

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантириш тизими инновацион ҳарбий таълим концепциясига асосланиб, жисмоний камолотга ва тактик тайёргарликка эга бўлиши, ёшларни Ватан химоясига тайёрлаш борасида учраётган барча камчиликларни қатъий кўрсатиб бериши ва уларни тузатиш тадбирларини ишлаб чиқиши керак. «Айни вақтда халқаро терроризм ва экстримизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қўймайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади». Бундай вазиятда чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангавор-тактик кўникмаларни ривожлантириш талаб этади.

Талабаларда жисмоний тайёргарликни ошириш, жангаворлик руҳини ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири – бу таълим-тарбия тизимидир. Бизга маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Таълим – жамиятнинг ислоҳ қилиш ва уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги технология ва билимларга йўналтирилган жамиятга айланишнинг асосий омилidir. Миллатимизнинг эртанги куни қандай бўлиши, бугунги кунда таълим олаётган ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олиши билан боғлиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида шундай кучлар юзага келмоқдаки, улар ҳали онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Зеро, талабалардаги жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳарбий хизматга, ўз Ватани - Ўзбекистон Республикасини химоя қилишдаги бурчини бажаришга ҳар томонлама тайёрлаш - ўқув юрлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани муваффақиятли равишда ечиш учун «Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари» номли махсус фан яқиндан ёрдам беради.

«Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари» фанини ўрганиш предмети ҳарбий таълимда жангаворликни ривожлантириш жараёни бўлиб, ҳарбий таълим муассасаси кадрлари орқали ўқувчи-ёшларда Қуролли Кучлар хизматида, Ватан химоясига ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёрлашни ташкиллаш, унинг мазмуни, шакл ва услубларини ривожлантиришга йўналтирилади.

«Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари»нинг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

**биринчидан**, олий ўқув юртида ўқитилаётган бошқа фанлар билан узвий бирликда, талабаларни миллий ва байналминал руҳида тарбиялаш, уларни Ватан ҳимоясига доимо кўлда қурол билан шай бўлишларини таъминлаш;

**иккинчидан**, талабаларда фаол онгли, меҳнатсевар, Ватан учун жасоратга ва қаҳрамонликка тайёр ёш авлодни тарбиялай оладиган педагог ўқитувчи хислатларини ривожлантириш;

**учинчидан**, талабаларни жисмоний-тактик тайёргарликнинг назарий-амалий билимлари билан қуроллантириш, уларда умумий ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиси лавозимида ишлаш учун ўқув ва тарбиявий ишларни ташкиллаш ва ўтказиш, малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ошириш, тактик кўникмаларни ривожлантириш тизимини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Булар:

– ўқув юртида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши;

– жисмоний-тактик тайёргарликни ташкил этиш жараёнининг муваффақияти педагоглар ва талабалар жамоасининг савиясига бағлиқлиги;

– тактик тайёргарлик машғулотларининг режали, узлуксиз, тизимли бўлиши;

– талабаларни ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга, умумий тартиботга қатъий риоя этишга ўргатиш, зиммасидаги бурчни тўлақонли адо этишларига эътиборни қаратиш. Тарбиянинг ҳаётийлигини таъминламасдан туриб тарбия бераётган ёшларимиздан, фарзандларимиздан қандайдир нажот кутиб бўлмайди. Фақатгина тўғри тарбияланган фарзандларимизда Ватанга, ота-онага, аτροφдагиларга, муҳаббат садоқат, меҳр ва оқибат қирралари шаклланади. Акс ҳолда улугғалломамиз А.Авлоний таъкидлаганидек, инсон ўзини, оиласини, ўзи яшаб турган жамиятни ҳалокат ёқасига олиб келади ва қутилмаган фалокат юз беради. Бу жараён тарбиянинг ҳамма йўналишида рўй бериши мумкин. Буни биз ахлоқий, иқтисодий, жисмоний, айниқса тиббий-гигиеник, ва экологик тарбияларда ҳам кўришимиз мумкин. Яқин аτροφимиздаги мамлакатларда бўлаётган сиёсий, иқтисодий, тиббий жараёнларда рўй бераётган фалокатлар бунга аниқ мисол бўла олади. Демак, бизнинг юртимизда тарбиянинг бугунги тақдири кеча яратилиб унга жуда мукамал пойдевор яратилган экан бу билан биз бугун ғурурланиш билан бир вақтда, жамиятда бугуннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ана шу ота-боболаримиз яратиб кетган тарбия пойдеворининг устида бунёд бўлган тарбия деворини мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

#### Адабиётлар

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.422.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги/“Халқ сўзи”. 2017 йил, 13-январ.

4. Абдуллаев Р.И. Психология операциялари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2004.

5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ. Ишонарли тўплам. 2 томлик. 1-Т. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.161.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АКАДЕМИК ВА  
МОЛИЯВИЙ АВТОНОМИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Азамов Жасур  
Қўқон давлат университети доценти (PhD)*

Ҳозирги кунда кўпчилик Европа таълим тизимларида, ОТМлар давлат томонидан тартибга солинадиганлари бундан мустасно, ўқув дастурлари мазмунини белгилашда юқори эркинлик даражасига эга. Мисол учун, Италияда агар ОТМлар академик тизим ва ўқув фаолиятининг умумий тузилмасини тартибга солувчи фармон доирасида белгиланган кўрсатмаларга риоя қилсалар, ўқув дастурларини ишлаб чиқишга ваколати бор.

Европа университетлари ассоциацияситомонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, олтита мамлакат – Ирландия, Норвегия, Буюк Британия, Эстония, Финляндия, Исландия ОТМлари энг юқори илмий автономия даражасига эга. Академик автономия соҳасида 100% кўрсаткич билан Ирландия етакчилик қилади. Ирландияда ОТМлар деярли барча академик масалалар бўйича мустақил ва ҳар қандай чекловларсиз қарорлар қабул қилиш мумкин. Бироқ, Ирландия ОТМлари сифатни таъминлаш бўйича Ирландия Кенгаши томонидан амалга ошириладиган институционал аудитдан ўтишлари талаб қилинади. Ушбу талаб сифатни таъминлаш механизмлари ва агентликларини танлаш эркинлигини чеклайди. Шунга қарамай, мавжуд ҳисобдорлик тизими бюрократик харажатларни минималлаштириш, самарадорликни ошириш ва таълимнинг юқори стандартларини таъминлаш орқали ўқитиш сифатини оширишга қаратилган. Худди шундай ҳолат Эстония, Финляндия, Норвегия ва Буюк Британия каби Европанинг қатор мамлакатларида ҳам кузатилмоқда. Ирландия ва Норвегияда ОТМлар талабалар сони ва уларни танлаш мезонлари бўйича мустақил равишда қарор қабул қиладилар. Бироқ, Норвегияда давлат олий таълим муассасалари талабалар сонининг кўпайиши натижасида кўшимча молиялаштириш олади, деб бўлмайди. Бошқа бир қатор мамлакатларда талабалар сони ОТМ ва ваколатли орган ўртасидаги музокаралар натижасида аниқланади.

**3-жадвал. Олий ўқув юртлари академик автономияси даражасига кўра Европа мамлакатлари рейтинг**

| Рейтинг | Мамлакат               | Фоиз кўрсаткичи |
|---------|------------------------|-----------------|
| 1       | Ирландия               | 100%            |
| 2       | Норвегия               | 97%             |
| 3       | Буюк Британия          | 94%             |
| 4       | Эстония                | 92%             |
| 5       | Финляндия              | 90%             |
| 6       | Исландия               | 89%             |
| 7       | Кипр                   | 77%             |
| 8       | Люксембург             | 74%             |
| 9       | Австрия                | 72%             |
| 10      | Швейцария              | 72%             |
| 11      | Гессен                 | 69%             |
| 12      | Шимолий Рейн-Вестфалия | 69%             |
| 13      | Бранденбург            | 67%             |
| 14      | Швеция                 | 66%             |
| 15      | Польша                 | 63%             |
| 16      | Италия                 | 57%             |




|    |             |     |
|----|-------------|-----|
| 17 | Испания     | 57% |
| 18 | Дания       | 56% |
| 19 | Словакия    | 56% |
| 20 | Латвия      | 55% |
| 21 | Португалия  | 54% |
| 22 | Чехия       | 52% |
| 23 | Нидерландия | 48% |
| 24 | Венгрия     | 47% |
| 25 | Туркия      | 46% |
| 26 | Литва       | 42% |

Европа ОТМларида давлат томонидан молиялаштириш ва молиявий автономия хусусиятларининг намоён бўлиши турлича. Сўнги бир неча ўн йилликлар мобайнида олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш тизими деярли бутун Европа маконида катта ўзгаришларга юз тутди. Биринчи навбатда, бу олий таълим тизимининг иқтисодий ривожланишидаги ролининг ўзгариши ва натижада ОТМларга кўпроқ молиявий мустақиллик бериш зарурати билан боғлиқ эди. 2008 йилдаги иқтисодий инқироз оқибатида, давлат томонидан молиялаштириш кўплаб мамлакатларда, жумладан, Нидерландия, Дания, Чехия, Литва, Эстонияда 5-10% га, Латвияда 48% га қисқаришига олиб келди, Европа ҳукуматлари давлат молиялаштириш схемаларини ва усулларини такомиллаштириш орқали олий ўқув юртларини молиявий мустақиллигини рағбатлантириш истагини оширди.

Инқироздан кейинги даврда олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш қисқартирилганига қарамай, турли манбалар улар бугунги кунда давлат молияси кўплаб Европа ОТМлари учун асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда (1 - диаграмма).

**1-диаграмма. Европа Комиссиясининг маълумотларига кўра ОТМларни молиялаштириш манбалари**



Шундай қилиб, энг кўп автономияга эга бўлган Европа ОТМлари кафолатланган давлат томонидан кам миқдорда молиялаштирилади ва танлов асосида бошқаларга нисбатан тезроқ молиявий кўмақолишади. Молиялаштириш манбаларини

диверсификациялаш даражасива Европа мамлакатларидаги ОТМларнинг молиявий мустақиллиги даражаси ўртасидаги муносабатлар очиб берилди.

Шундай қилиб, олий ўқув юртлари учун молиялаштириш манбалари қанчалик кўп диверсификацияланган бўлса, уларнинг автономлик даражаси шунчалик катта бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, даромад манбаларини диверсификация қилиш ҳам ОТМларга молиявий автономия бериш шарт, ҳам натижасидир. Бошқача айтганда, бир томондан, ОТМлар давлатдан янада кўпроқ молиявий мустақил бўлиш учун, уларнинг молиявий манбаларини диверсификация қилиш керак. Бошқа томондан, ОТМларига тақдим этилган молиявий имкониятлар, ОТМнинг тижорат фаолияти натижасида даромад улушининг ортишига ёрдам бериши.

#### Адабиётлар

1. Policy Statement on Quality and Quality Assurance in the European Higher Education Area, Brussels – European University Association, 2010. [http://www.eua.be/Libraries/Publications\\_homepage\\_list/EUA-QA-Policy-2010.sflb.ashx](http://www.eua.be/Libraries/Publications_homepage_list/EUA-QA-Policy-2010.sflb.ashx)

2. 100% тўлиқ академик автономияни, 0% эса академик масалалар тўлиқ ваколатли орган ёки қонун томонидан назорат қилинишини англатади. Кўпгина мамлакатларда ОТМларга қонунчилик томонидан чекланган ёки ОТМлар билан ҳукуматлар ўртасида музокаралар ўтказилгандан сўнг автономия тақдим қилинади.

3. Bennetot E. Pruvot, Estermann Th. European Universities Diversifying Income Streams in European Higher Education at the Crossroads. Between the Bologna Process and National Reforms. Editors: Adrian Curaj, Peter Scott, Lazăr Vlasceanu, Lesley Wilson. Part 2. – New York, London: Springer Science, Business Media Dordrecht, 2012 – pp. 715-716.

### ЎЗБЕКОНА ТАРБИЯ АНЪАНАЛАРИДА ГЕНДИР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Ў.М. Асқарова НамДУ профессори  
Г.Н. Нарзуллаева НамДУ тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Ўзбеклардаги мавжуд анъанага кўра жинсий мансублик ва шунга мувофиқ келувчи социал роллар, шахс социализацияси жараёнида шаклланади. Оилада тарбияланган болаларнинг жинсий ролларга доир хулқ-атвори эркак ва аёл ролларининг ассиметриясини намоён қилади ва бундай хулқ-атвор доирасини тартибга солиш ота-оналар томонидан амалга оширилади.

**Таянч тушунчалар:** ўғил ва қиз болалар, тарбия усули, оталар, боболар, акалар, тоғалар, бир сўзли, қатъиятли, тўғри сўз, қўрқмас, ўзини-ўзи тарбиялаш, ғурур, имитация.

#### ISSUES OF GENDER EQUALITY IN UZBEK EDUCATIONAL TRADITIONS

NamSU professors O'.M. Askarova NamSU researcher G.N. Narzullaeva **Annotation:** According to the Uzbek tradition and corresponding social roles are formed in the process of socialization of the individual. Behavioral behaviors of children brought up in a family reflect the asymmetry of male and female roles, and the regulation of the scope of such behaviors is done by the parents.

**Key words:** boys and girls, method of upbringing, fathers, grandfathers, brothers, uncles, one-word, firm, correct word, fearless, self-discipline, pride, imitation.

#### ВОПРОСЫ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКСКИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТРАДИЦИЯХ

*профессора НамГУ О'.М. Асқарова научный сотрудник  
НамГУ Г.Н. Нарзуллаева*

**Аннотация:** По узбекской традиции и соответствующие социальные роли формируются в процессе социализации личности. Поведенческое поведение детей,

воспитывающихся в семье, отражает асимметрию мужских и женских ролей, а регулирование объема такого поведения осуществляется родителями.

**Ключевые слова:** мальчики и девочки, метод воспитания, отцы, деды, братья, дяди, однословие, твердость, правильное слово, бесстрашие, самодисциплина, гордость, подражание.

Маълумки, ўғил ва қиз болаларни ўзига хос тарбия усулидан фойдаланиш тарбияда жинсий мансублигига эътибор қаратиш, уларга бериладиган тарбия мазмуни жиҳатидан фарқланиш мавжудлиги ўзбек халқимизда анъанавий тарбиясида кузатилади.

Агар халқимизнинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ анъаналарига назар соладиган бўлсак, аксарият ўғил туғилиши ва унинг оила ҳамда жамоада тутган ўрнига муносабат юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Қиз болага нисбатан ўғил болани устун қўйилиши билан боғлиқ одатлар айрим оилаларда ҳозирги кунларгача сақланиб келмоқда.

Ўзбекона тарбия анъаналарига кўра, кичик ёшдаги ўғил болага ҳам қиз болага ҳам бир ҳил тарбия берилади. Бу каби одат дунёдаги кўплаб халқ-ларнинг анъанавий тарбия усули бўлиб, мазкур ҳолат ҳақида мутахассис психологлар шундай ёзишади: Дастлаб ҳар иккала жинсга мансуб болалар ҳам психологик ўсишнинг аёлларга хос типини қабул қиладилар, лекин 3-4 ёшдан бошлаб ўғил болалар эркакларга хос хулқ – атворни ўзлаштира бошлайди, улар буни имитация орқали амалга оширадилар.

Демак, 5-6 ёшдан бошлаб ўғил болалар секин асталик билан она ёки аёллар қарамоғидан чиқиб, ўғил болалар ва эркаклар даврасига кўшилиб боради. Шу даврдан бошлаб, ўғил бола ва қиз болаларга бериладиган тарбия усули ҳам ўзгариб боради. Қизларга аёлларга хос тарбия, ўғил болага эркакларга хос тарбия берилади. Шунинг учун ўғил болалар тарбияси билан асосан оталар, боболар, акалар, тоғалар ёки бошқа қариндош эркаклар шуғулланганлар.

Исломий тарбия анъанасига кўра аёллар ва қизлар оғир жисмоний хўжа-лик ишларига жалб қилинмаслиги лозим эди. Аммо, олиб борилган тадқиқотларда жисмоний, шу жумладан оғир жисмоний меҳнатда ҳам қиз болалардан фойдаланишга йўл қўйилганлиги аниқланди. Айниқса, нотўлиқ оилаларда қиз болаларни жисмоний меҳнатга тортиш ҳолатлари кўп ҳолларда кўзга ташланади. Оиладаги томорқа ишларида ҳам қиз болалар ўғил болалар билан тенг иштирок этганлар.

Ўғил болалар ҳам 7 ёшдан бошлаб, доимо эркаклар орасида юриб кўпгина хўжалик ва рўзғор ишларини бажарганлар, лекин қиз болалар билан таққослаганда уларнинг “оиладаги мавқеи анча яхши” ва “ўғил болаларнинг болалиги нисбатан ташвишсизроқ” эди. Чунки ота-оналар ўғил болаларга “бўлғуси боқувчи, ёрдамчи” сифатида қараганлар. Ўғил болалар асосан дехқончилик ишларида: ер чопиш, экин ўриш, дарахт ва ўсимликларни парвариш қилиш кабиларни, чорвачилиқда эса қўй-молларни боқиш, уларга қараш каби ишларни бажарганлар. Бундан ташқари рўзғордаги оғирроқ жисмоний ишлар: ўтин ёриш, сув сепиш, супуриш каби вазифаларни бажариш ҳам улар зиммасида бўлган. Шаҳарда яшовчи ўғил болалар эса савдо-сотик ёки хунармандчиликнинг бирор турига ўргатилган.

Ўғил болаларни тарбиялаш усули ҳар жиҳатдан қиз болаларни тарбиялаш усулидан тубдан фарқ қилган. Агар қиз болаларни тарбиялашда асосий ўринни оила тарбияси эгалласа, ўғил болалар тарбиясининг иккинчи босқичи кўпроқ жамоа доирасида ўтади. Анъанавий тарбияга кўра, қизларга кичиклигидан уй-рўзғорга, гўдак болаларга қараш билан боғлиқ талаб ортиб боради. Натижада, қизларда, ўғил болаларга нисбатан уларда ўйин билан шуғулланиш учун анча кам вақт қолади. Бу ҳолат тарбиянинг фарқли хусусиятини очиқ кўрсатади: қизларни уй-рўзғор ишларини бажаришга, ўғил болаларни эса оиладан ташқари, жамоа олдидagi фаолиятга тайёрлашган. Шунинг учун ҳам ўғил болаларга кўпроқ мустақиллик берганлар.

Педагогик- психологик тадқиқотлар шуни кўрсатади-ки, жинсий мансублик ва шунга мувофиқ келувчи социал роллар, шахс социализацияси жараёнида шаклланади.

Оилада тарбияланган болаларнинг жинсий ролларга доир хулқ-атвори эркак ва аёл ролларининг ассиметриясини намоён қилади ва бундай хулқ-атвор доирасини тартибга солиш ота-оналар томонидан тақиқлар ва жазолар системаси ёрдамида амалга оширилади.

Кузатишларимизча, ўғил болалар 5-6 ёшга етишлари ҳамон секин асталик билан онасидан ва уйдан узоклашиб эркаклар жамоасига ва ўзига тенгқур-тенгдош бўлган ўғил болалар жамоасига қўшилиб боради. Ўз тенгқур ва тенгдошлари билан ўйнаб вақтини чоғ ўтказган бола, улғайган сари бу жамоага жипсроқ киришади.

Қизларга эса аксинча, кичиклигиданоқ уй-рўзғорга, гўдак болаларга қараш билан боғлиқ талаб ортиб боради. Бинобарин, қиз болалар уй-рўзғор ишлари учун, ўғил болалар жамоа фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун тайёрлаб борилган. Ота қизини “она қизим” – деб ардоқласа ҳам уни ўғилга тенг кўрмаган. 8 ёшга қадар қиз бола уйдан ташқарига чиқиши мумкин бўлса-да, аммо 8-9 ёшдан кейин ташқарига чиқарилмаган. Ота ҳам қизидан ўзини четга тортган.

Ўзбекларда “ўғил бола” сўзи - бир сўзли, қатъиятли, тўғри сўз, кўркмас деган маънони ҳам англатган. Шунинг учун бирон ишни яхши бажарган ёки ютуққа эришган болани эркалаб “Ҳа, ўғил бола” деб елкасига қоқиб қўйишган. Ўғил боланинг шаъни, ор-номуси юксак қадрланган. “Ўғил боламисан ўзи” – деган сўз оғир ҳақорат саналган. Ўсмир болаларни яна, бошқани ҳам, ўзини ҳам сирини ошкор қилмайдиган “ичида гап сақлай оладиган ҳақиқий эркак” сифатида тарбиялашга эътибор қаратишган. Худди шу усулда тарбияланган болалар келажақда қатъиятли, иродали, бир сўзли, оғир-вазмин ва камгап эркаклар бўлиб етишганлар.

Оиладаги ўсмир болалар тарбиясида агар ўсмир биринчи ўғил бўлса, унга муносабат бошқача бўлган, чунки у отадан кейинги шахс ҳисобланган. Албатта, у бундай мақомга дарров эришмаган. Бунинг учун у бутун масъулиятни бўйнига олиши, укаларини бошқариши, уларга ва баъзида сингилларига ҳам юмушларни тақсимлаши ва шу каби жуда кўпдан-кўп вазифаларни бажариши лозим бўлган. Шу тариқа кичик болалар олдида унинг хурматини кўтаришган. Тўнғич ўғил ўзини катта ҳис қилиб, энди бундан кейин ўзини-ўзи тарбиялашга ўтган. Ота ўзининг тўнғич ўғли билан ўзига тенгдай муносабатда бўлган, ўзининг ташвишлари, қувончлари ва қайғусини бўлишган ва қачонки оилавий масалада бирон қарорни қабул қилишда у билан маслаҳатлашган. Отанинг бундай муомаласи ўғилда ғурур туйғусини уйғотган. Баъзи оилаларда катта ўғилни ота-онаси, айниқса она кўпроқ сизлаб гапирган. Демак, катта ўғил бажарадиган вазифалар ўзининг кўлами ва мазмуни жиҳатидан бошқа ўсмир болалар бажа-радиган вазифалардан фарқ қилган.

Маълумки, ўзбекларда 12–14 ёшли болалар ўсмир деб, 15–17 ёшли болалар ўспирин йигит, деб аталган. Ўтиш ёшидаги бу болаларнинг ўз муаммолари, ўзига хос сирлари бўлган, албатта. Шунинг учун ҳам, ота-онасига ҳамма сирларини айта олмаган ўсмир болалар учун тенгдош-тенгқурлари ҳам сирдош ўртоқ, ҳам ўйин ва бошқа тадбирларда ҳамкор вазифасини ўтаган. Кўплаб педагог, психолог, социологларнинг фикрича, ўғил болаларнинг кейинги дунёқарашининг шаклланишида айнан шу тенгдош-тенгқурлар жамоаси ҳам катта таъсир қилган. Ўғил болалар жамоаси болага муайян хислатларни сингдирган ва уларнинг таъсирида болада ўшанга мос тарзда одатлар, сўзлашиш усули, маълум хатти –ҳаракатларни бажаришдаги ўзига хослик шакллана бошлаган.

Ўғил болалар насиҳатга қулоқ солмаса, қаттиқ гапиришган, талабчан бўлишган ва керакли пайтларда жисмоний жазо ҳам берилган. Ўғил болаларни бундай тез-тез ва қаттиқ жазолаш одати дунё халқларининг аксариятида мавжуд бўлган, шу билан бирга ўғил болаларга оила ичида ҳам оила ташқарисидаги ижтимоий фаолиққа доир масалада ҳам кўпроқ рағбат ва мустақиллик берилган. Масалан, кўп ахборотчиларнинг фикрича, ўғил болаларни “ўғил болача” тарбиялаш керак, уни кўча тарбиялайди, шунинг учун атрофидаги кишиларнинг қандай одамлигига эътибор қаратиш керак. “Ўғил болаларни “уй-қизи” қилиб тарбияламаслик керак”.

Маълумки, жамиятда табақаланган ёш босқичи ўз ичига ёш билан боғлиқ меҳнат тақсимоти ва ижтимоий тизимдан келиб чиқадиган муайян ўринни белгилайдиган ролларга бўлинишнинг меъёрлари (нормативно-ролевих) хусусиятини ҳам олади. Ҳар қандай анъанавий жамиятларда ҳам жинсий меҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб “аёллар иши” ва “эркаклар иши” каби вазифаларга бўлинган. Илмий адабиётларда бундай бўлиниш жинсга мансуб социал роллар ёки жинсга хос рол, деб юритилади. Кейинги йилларда эркаклар ва аёлларни жисмоний-социал ва рухий-эмоционал хусусиятларига кўра социал – психологик стереотипларга ажратилиб, уларга нисбатан “маскулинлик” ва “феминистлик” атамаларини қўлланилмоқда.

Ўзбек анъанавий тарбияси ҳам ўғил болаларни келгусида “эркаклик” ролини бажаришга қодир инсон қилиб тарбиялашга қаратилган ва бола онгига ёшлигидан катта ёшли эркаклар (ота ва бошқа қариндошлар, ўқитувчилар, устозлар), тенгдош-тенгкур ўғил болалар томонидан жинсий мансублиги англариб борилган. Лекин, ўзбекларда “эркаклик роли” деганда нафақат жамоа доирасидаги социал вазифаси, балки оила ичидаги етакчилик вазифаси, ота ва эр сифатидаги масъулияти ҳам сингдириб борилган.

Мактабдаги социализация жараёнида эркак ўқитувчилар ҳам алоҳида ўрин тутлади. Ҳозирги пайтда эса мактабларда эркак ўқитувчилар сони ва аҳамияти ҳам борган сари камайиб бормоқда-ки, бу ҳол ўғил болалар тарбияси

Ўзбекларнинг анъанавий тарбиясида ўғил учун айниқса тоғанинг ўрни катта бўлган. Барча оилавий маросимларда тоға бошчилик қилган, болалар етим қолса, тоға ўз қарамоғига олган, жиянлар вафот этса тоға қабрга қўйган. Халқ орасида ўғил тоғага, қиз бола аммасига ўхшайди –деган мақол бўлган. Тоғанинг жиянлар билан ирсий боғлиқлигига урғу берилиши ва бола тарбиясида тоғанинг масъул бўлишининг сабабини икки хил изоҳлаш мумкин. Ота-онаси уйда қолган ажралишган сингил ва опасини болаларнинг тарбияси билан албатта тоға шуғулланган.

Анъанавий ўзбек оилаларида қиз болалар ота, умуман эркаклар олдида ҳатто йўргакланмайди. Қизлар билан асосан она шуғулланади. Кексаларнинг фикрича, қиз болаларни туғилиши билан турмушга тайёрлаб бориш керак. Она талабчанроқ бўлиши, қизини меҳнаткаш қилиб тарбиялаши лозим. Айни пайтда хушмуомалаликка ўргатилади, чунки у “биронинг уйига боради”, шунинг учун ширин сўз, иболи ва ҳаёли оғир ва вазмин бўлиши керак. “Қиз боланинг қадри, унинг ҳаёси билан ўлчанади”–дейди саккиз фарзанднинг онаси. Демак, ўзбек оиласида қиз болани турмушга чиқиши, “борган жойида тиниб-тинчиб кетиши” учун тайёрлаб борилган. Қиз боланинг бахти унинг “яхши жойга” тушишида деб қаралган. Бугунги кунда ҳам қиз боланинг бахти турмуш қуриши билан боғлиқ тарзда қаралса-да, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида бошқа омиллар (маълумотли бўлиши, ҳунар эгаллаши) ҳам инобатга олинади.

Бугунги кунда ўғил бола туғилиши (ёки оилада ҳеч бўлмаса, бир ўғил бола бўлиши) муҳим ҳисобланса-да, лекин илгариги каби ўғил ва қиз туғилишига нисбатан муносабатдаги катта фарқланиш йўқолган. Аксарият ҳолда иккиси ҳам бўлгани маъқул кўрилади. Кекса ёшдаги кишилар, айниқса, аёллар ҳаттоки қиз болани устунроқ кўришади, чунки уларнинг фикрича, энди қизлар ҳам йигитлар билан тенг ишлаб пул топиши мумкин, ўғил болалар эса айрим ҳолларда уйлангандан сўнг ота-онадан узоқлашиб кетади ва уларнинг отаси ва онасига бўлган муносабати кўпинча унинг хотинига боғлиқ бўлиб қолади деган фикрлар ўз исботини топмоқда.

Илгари оналарнинг вазифаси фақат кичик ёшли ўғил болалар ва ўсмир қизлар тарбияси эди. Энди она мавқеи ва обрўси анча кўтарилган. Ҳозир оналар оталар билан баравар мактаб ёшидаги ўғил болалар тарбияси билан ҳам шуғулланадилар. Оилада болалар ва оталар ўртасидаги муносабатлар анча эркинлашган. Маълумотларига кўра, оталарнинг нафақат ўғиллар балки қизлар билан ҳам дўстона ва эркин муносабати юзага келмоқда. Бу оиладаги муносабатларнинг анча демократлашганидан, ота-оналарнинг ҳар икки жинсга мансуб болаларга бўлган эътибориқарийиб тенглашганидан далолат беради.

Миллий тарбия анъаналари ўғил ва қиз-бола тарбиясидаги масъулият юкида ҳам фарқланишни тақозо этган. Қиз бола тарбиясида оиланинг масъулияти юқорироқ бўлса, ўғил бола тарбиясида эса масъулиятнинг бир қисми оиладан ташқарида маҳалла, қариндош-уруғ, хунар ўргатувчилар зиммасига ҳам тушган. Шунинг учун муайян жинсга мансуб фарзанд тарбиясидаги қийинчиликлар ҳақидаги қарашлар сақланиб келган. Ўғил бола тарбиясига нисбатан қиз бола тарбияси бир мунча ташвишли ва ҳавотирли ҳисобланган. Шу туфайли ота-оналар “тезроқ эгасига топшириб қутилиш”га шошилишган.

Бугун қиз бола ва ўғил болаларнинг бир-бирларини баҳолашлари ҳам муҳим масала. Зеро, ўзаро муносабатлар мазмуни шу билан белгиланади. Ўғил бола ва қиз бола тарбиясидаги фарқланиш, уларга бўлган турлича муносабат, уларнинг руҳий-эмоционал дунёси, характер жиҳати ва ташқи олам, ижтимоий муҳитга нисбатан муносабатдаги икки хил йўналиш, қизларда қиз болалик, ўғил болаларда йигитлик хислатларини шакллантиради.

Йиғилган маълумотлар натижасига кўра **хулоса қилиш** мумкин-ки, ўзбекларда ўғил ва қиз бола тарбиясидаги анъаналар бирмунча ўзгарган. Ўтмишда қиз болалар камтарлик, тортинчоқлик, ювош ва итоатгўйлик, ҳаё ва ибонинг тимсоли бўлиб келган бўлса, бугунги қизларнинг кўпчилигида ташаббускорлик, интилувчанлик, тadbиркорлик ва етакчилик хислатлари кўзга ташланмоқда. Оила ичида ҳам хўжалик ишларида ҳам қиз болаларни ўғил болалар билан тенг тарзда жисмоний меҳнатга жалб қилиниши, ижтимоий таълим (мактабгача, мактаб)да ўғил бола ва қиз бола тарбиясидаги фарқланишни тугатишга уриниш қиз болаларда ана шундай хислатларни шаклланишига сабаб бўлди. Айти пайтда, ўғил бола тарбияси жараёни ҳам катта ўзгаришларга учраган. Мазкур ўзгаришлар қуйидагиларда кўринади: оилада ўғил бола тарбиясида ота иштирокининг борган сари камайиб бораётганлиги; катта ёшдаги бошқа қариндош эркаларнинг тарбиявий таъсири деярли сезилмаслиги; мактаб ва маҳалла каби оиладан ташқаридаги тарбиявий институтларининг ўғил бола тарбиясидаги роли пасайиб бораётганлиги; тенгдош-тенгқурлар жамоаси билан ўғил бола ўртасидаги алоқалар кўламининг камаётганлиги; ўғил бола онгида “ота ва она” ҳақидаги анъанавий тасавурларнинг ўзгариб бораётганлиги ва ҳок. Ўғил бола тарбияси жараёнида юз бераётган бундай ўзгаришлар оилаларнинг инқирози, отасизликнинг кўпайиши, “тирик етим”лар сонининг кўпайиши, ижтимоий-маънавий мувозанатнинг бузилиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкинки, ҳозирги “ғарб маданияти” моделида яшаётган кўплаб мамлакатлардаги аҳвол бунга мисолдир.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан ... – Б. 76.
2. Ў. Асқарова Меҳрибонлик уйлари тарбиялаувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаштизими Т.; ФАН 2009й 87 – бет
3. Кон И. С. Возрастные категории в науках о человеке и обществе // Социологический исследования. – 1978. – №3. – С. 79.
4. Поляков С.П. Традиционализм ... – С. 43.

## **JANUBIY KOREYA VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BILAN DIPLOMATIK MUNOSABATLAR**

*Xamidov Shukurullo FarDU Tarix fakulteti  
3-bosqich talabasi*

**Annotatsiya:** O'zbekiston Respublikasi tashqi siyosatni amalga oshirishning ustuvor yo'nalishlari orasida Janubiy Koreya bilan mustahkam hamkorlik qilish masalasiga dastlabki kundanoq katta e'tibor qaratdi. Chunki Janubiy Koreya taraqqiyot jihatidan dunyo mamlakatlari orasida 12 o'rinda turadi. Ushbu mamlakatda xalq ho'jaligining ko'plab sohalari

yuksak darajada rivoj topgan. Ushbu maqolada Koreya respublikasi va O'zbekiston o'rtasidagi munosabatlarning o'rnatilishi, rivojlanishi va istiqboliga haqida ma'lumotlar berilib, tahlil qilinadi.

**Kalit ko'zlar:** Koreya respublikasi, iqtisodiy-siyosiy, ijtimoiy-ma'daniy munosabatlar, xavfsizlik, barqarorlik, sarmoya, eksport, import, qo'shma korxonalar, ishlab chiqarish, iqtisodiy zonalar.

Bugungi murakkab vaziyatda dunyo tinchligi, xavfsizlik va barqarorlik davlatlar hamda millatlarning o'zaro ishonchi, hamjihatligi va do'stona aloqalarni mustahkam o'rnatishiga bog'liq bo'lib qoldi. Ijtimoiy-siyosiy, madaniy-iqtisodiy munosabatlarning ijobiy o'zanda rivojlanishigina global muhitda, integratsiyalangan sharoitda yashashga ko'nikib ulgurgan insoniyatni bugungi tang vaziyatdan olib chiqishi mumkin. 1991 yilda mustaqil davlat sifatida dunyo sahnasiga chiqqan mamlakatimiz prezidenti Islom Karimov boshchiligida ana shu yo'ldan, ya'ni tenglik, do'stlik va hamjihatlik tamoyillariga asoslangan siyosatni yuritgan holda dadillik, qat'iyat bilan olg'a intilmoqda. SHu vaqtga qadar ko'plab marotaba yurtimiz har qanday mojaro, ziddiyat va inqirozlarni tinchlik yo'li bilan, umuminsoniy mezonlar, xalqaro qonun-qoidalar asosida hal etish tarafdori ekani ma'lum qilingan va mana shu pozitsiya sobitqadamlik bilan himoya etilmoqda.

Janubiy Koreya ham xuddi shu yo'lda tobora taraqqiy etib borayotgan yana bir tinchlik, ezgulik va hamjihatlik mamlakati hisoblanadi. Ta'kidlash joizki, o'zbek va koreys millatlarining o'xshashlik, umumiylik jihatlari bisyor. Bizlarni til jihatdan Oltoy tillar oilasi birlashtirib turgan bo'lsa, hudud jihatdan bir qit'a, bir mintaqqa – Yevroosiyo va sharq umumiyashtirib turadi. Tarixiy, madaniy jihatdan ham ko'plab uyg'unliklarni ko'rish mumkin. Jafokash koreys xalqi ham o'zbeklar singari o'tmishda ko'p bor bosqinchilar zulmi ostida yashashga, ularga qarshi qon va jon kurashini olib borishga majbur bo'lgan. Ana shunday qiyinchiliklar evaziga bo'lsa kerak, koreyslar hozirgi tinch va farovon muhitda ham o'zlarining mehnatsevarligi, tirishqoqligi bilan ajralib turadi, yangiliklarga qo'l urib, turmush tarzini yanada farovonlashtirishga intilib yashaydi.

Yurtimiz mustaqillikka erishganidan keyin Janubiy Koreya 1991 yil 30 dekabrda Osiyo - Tinch okean mintaqasi davlatlari orasida birinchi bo'lib O'zbekiston mustaqilligini tan oldi. 1992 yilning 29 yanvar kuni esa ikki mamlakat o'rtasida diplomatik munosabatlar o'rnatildi. SHu kundan buyon O'zbekiston va Janubiy Koreya o'rtasidagi munosabatlar har bir sohada ijobiy ruhda, muvaffaqiyatli tarzda rivojlanib borayapti.

1992 yilning 19 iyunida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Koreya Respublikasiga davlat tashrifi bilan bordi. Mazkur tashrif ikki mamlakat, ikki millat o'rtasidagi iqtisodiy, savdo, madaniy-texnikaviy aloqalarga asos soldi. Aynan mana shu safar vaqtida "O'zbekiston va Janubiy Koreya o'rtasida davlatlararo munosabatlar va hamkorlik to'g'risida"gi deklaratsiya imzolandi. Savdo-iqtisodiy ayirboshlash, O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishga mablag' sarflaydigan Janubiy Koreya ishbilarmonlariga beriladigan kafolatlar to'g'risidagi qator shartnomalar imzolandi. Madaniyat, ta'lim, ommaviy axborot, sayohat, sport sohalarida hamkorlik qilishning uzoq muddatga mo'ljallangan rejalari belgilab olindi. Janubiy Koreyadagi DEU korporatsiyasi rahbarlari bilan Andijon viloyatining Asaka shahrida avtomobil zavodi qurishga kelishib olindi.

1992-1996 yillarda "O'zDEUavto" O'zbekiston-Janubiy Koreya qo'shma korxonasini qurish, loyihalashtirish ishlari olib borildi. 1996 yilning 25 mart kuni zavodning ilk mahsuloti ishlab chiqarildi.

Mamlakatlarimiz hamkorlik ko'lami savdo, sarmoya, eksport-import, yoqilg'i-energetika, kimyo, transport va logistika, avtomobilsozlik, tog'-kon sanoati, yengil sanoat, oziq-ovqat, qishloq xo'jaligi, axborot texnologiyalari va telekommunikatsiyalar, tibbiyot, turizm, fan-ta'lim va madaniyat kabi ko'plab sohalarni qamrab olgan.

Hozirgi kunda O'zbekistonda janubiy koreyalik investorlar bilan hamkorlikda tashkil etilgan 412 ta korxonalar, ushbu mamlakatdagi 81 kompaniyaning vakolatxona ishlamoqda. O'zbekistonga kiritilgan investitsiyalar hajmi esa 6 milliard dollardan oshib ketdi. Koreya Respublikasi O'zbekistonning asosiy tashqi savdo hamkorlaridan biri hisoblanadi. Yurtimiz tashqi

savdosining 7,8 foizi aynan Janubiy Koreyaga tegishli bo'lib, 2014 yili o'zaro tovar ayirboshlash hajmi 2 milliard dollardan oshdi.

O'tgan davr mobaynida ikki mamlakat rahbarlari ishtirokida 16 ta oliy darajadagi uchrashuvlar o'tkazildi. 2006 yila strategik hamkorlik to'g'risida Qo'shma deklaratsiyaning imzolanishi o'zaro munosabatlardagi muhim voqea bo'lgan bo'lsa, 2019 yil ikki mamlakat o'rtasida Alohida strategik sheriklik to'g'risidagi qo'shma deklaratsiyaga erishildi.

O'zbekiston Respublikasi va Koreya Respublikasi xalqaro tashkilotlar, xususan, BMT doirasida muvaffaqiyatli hamkorlik qilmoqda.

So'nggi yillarda O'zbekiston Koreya Respublikasining BMTning Irqiy kamsitishni bartaraf etish bo'yicha qo'mitasi (2018-2021 yillar), Iqtisodiy va ijtimoiy Kengashi (2016 yil), Inson huquqlari bo'yicha Kengashi (2013-2015 va 2016-2018 yillar), Xalqaro huquq Komissiyasi (2017-2021 yillar), Xalqaro savdo huquqi bo'yicha BMT komissiyasi (2013-2019 va 2019-2025 yillar), Xalqaro telekommunikatsiya ittifoqi Kengashi (2010-2014 yillar)ga nomzodini qo'llab-quvvatladi.

O'z navbatida, Seul BMT Bosh Assambleyasi doirasida O'zbekiston tashabbusi bilan 2018 yilda qabul qilingan "Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va izchil taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash" va "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" to'g'risidagi rezolyutsiyalarni qo'llab-quvvatladi va hammualliflik qildi.

Mamlakatlarimiz o'rtasidagi savdo-iqtisodiy hamkorlik izchil rivojlanmoqda. 2019 yil yakuni bo'yicha o'zaro savdo aylanmasi 27 foiz yillik o'sish bilan 2 milliard 750 million dollardan oshdi. O'zbekiston iqtisodiyotiga Janubiy Koreyadan jalb etilgan investitsiyalar hajmi 7 milliard dollarni tashkil etgan bo'lib, 2020 yil 1 yanvar holatiga ko'ra mamlakatimizda Janubiy koreyalik investorlar ishtirokida 811 ta korxonalar, shu jumladan 100 foiz xorijiy kapitalga ega 354 ta korxonalar faoliyat ko'rsatmoqda.

O'zaro munosabatlarning huquqiy asoslari 180 ta hujjatdan iborat. Ular, jumladan savdo, investitsiya, soliqqa tortish, havo qatnovi, fan, madaniyat, turizm, xavfsizlik va terrorizmga qarshi kurashish, tabiiy boyliklarni rivojlantirish, sud va boshqa sohalarini qamrab olgan.

2009 yil may oyida O'zbekistonga va 2010 yil fevralda Korea Respublikasiga amalga oshirilgan o'zaro davlat tashriflari tomonlarning kelajakda strategik hamkorlik munosabatlarni rivojlantirishga qaratilgan, avvalgi sammitlarda imzolangan bitim va kelishuvlarning amalga oshirilishini mustahkamladi.

Mamlakatlarimiz o'rtasida iqtisodiy hamkorlik izchil rivojlanmoqda. O'zbekiston va Janubiy Koreya neft-gaz, konchilik, mashinasozlik, avtomobilsozlik, to'qimachilik, logistika, kimyo sanoati, qurilish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va qator boshqa sohalarida keng ko'lamli qo'shma loyihalarni amalga oshirmoqda. Savdo-iqtisodiy hamkorlik bo'yicha O'zbekiston-Koreya qo'shma qo'mitasi muntazam yig'ilishlar o'tkazib, aloqalarning yangi qirralarini ochish, mazmunini boyitish, savdo va sarmoya hajmini oshirish masalalarini ko'rib chiqadi. Energetika va tabiiy resurslar bo'yicha idoralari qo'mita tuzilgan.

Ikki tomonlama munosabatlar 2006 yilda imzolangan Strategik sheriklik to'g'risidagi qo'shma deklaratsiya ruhida rivojlanib borayotganini ta'kidlash lozim. Janubiy Koreya O'zbekistonning eng yirik sarmoyaviy sheriklaridan biridir. Uning mamlakatimiz iqtisodiyotiga kiritgan sarmoyasi 2 milliard AQSH dollaridan oshdi. Ayniqsa, neft-gaz, konchilik, neft kimyosi, logistika, qurilish sohalarida yirik loyihalar bor. Navoiy shahridagi xalqaro aeroport negizida barpo etilayotgan erkin industrial-iqtisodiy zona bunga yorqin misoldir. Ushbu zonadagi qit'alararo intermodal logistika markazi MDHda yagona bo'lib, u yerda yuklar tezkorlik bilan tushiriladi va oriladi, taqsimlanadi, maxsus omborlarga joylashtiriladi. Osiyodan Yevropaga va Yevropadan Osiyoga jo'natiladigan yuklar global yuk tashish tarmog'ining muhim bo'g'iniga aylanadigan ana shu markazdan o'tadi.

Ta'kidlash joizki, xorijda mazkur erkin industrial-iqtisodiy zonaga qiziqish kuchayib bormoqda. 2009 yil mart oyida Seulda O'zbekistonda sarmoyaviy hamkorlik sohasidagi yangi imkoniyatlarga bag'ishlangan anjuman bo'lib o'tdi. Koreyalik ishbiarmonlar erkin industrial-iqtisodiy zonadagi qulaylik va imtiyozlar bilan atroflicha tanishtirildi. Natijada umumiy qiymati



500 million AQSH dollaridan oshadigan 35 sarmoyaviy loyiha bo'yicha kelishuvlarga erishildi. Bu shundan dalolat beradiki, "Navoiy" erkin industrial-iqtisodiy zonasini rivojlantirish ikki tomonlama hamkorlikning istiqbolli yo'nalishlaridandir.

Shuni alohida qayd etish kerakki, O'zbekiston aynan Janubiy Koreya bilan hamkorlikda ishlab chiqarishning murakkab, eng ilg'or texnologiyalar talab qiladigan, tayyor mahsuloti yuksak darajadagi qo'shimcha qiymatga ega turini o'zlashtirib, dunyodagi sanoqli avtomobilsoz davlatlar qatoridan o'rin oldi.

"Koreya gaz korporatsiyasi" ("KOGAZ") bilan hamkorlik nafaqat gaz konlarida geologiya-razvedka ishlarini olib borish va konlarni o'zlashtirish, balki yiliga 445 ming tonna polietilen va polipropilen ishlab chiqarishni ham qamrab olgan. Ya'ni, gaz xomashyosini qayta ishlab, yuqori qo'shimcha qiymatli mahsulot chiqariladi. Bu loyiha doirasida 3,12 milliard AQSH dollari miqdorida Janubiy Koreya sarmoyasini jalb qilish rejalashtirilmoqda.

Savdo aloqalari borasida O'zbekiston bilan Janubiy Koreya o'rtasida 1992 yildan eng ko'p qulaylik yaratish tartibi joriy qilinganini ta'kidlash joiz. 2008 yilda o'zaro tovar ayirboshlash hajmi 1 milliard dollardan oshdi. 2009 yilda esa bu ko'rsatkich 1,2 milliard dollarni tashkil etdi. Yurtimizda 351 O'zbekiston-Janubiy Koreya qo'shma korxonasi faoliyat ko'rsatmoqda. Ushbu mamlakatning 91 firma va kompaniyasi O'zbekistonda o'z vakolatxonasini ochgan.

Koreya Respublikasi Kichik va o'rta biznes federatsiyasi delegatsiyasi "Posco Architects & Consultants", "SN Engineering" (qurilish), "MooDAEWOong" (mashinasozlik), "Searim" (yog'-moy), "Samae Leather" (ko'ncilik), "Xana Interneshnl" (to'qimachilik), "Komodo" (sayyohlik), "Inchang" (tibbiy uskunalari), "Munsong Grafik", "Mungyo" (matbaachilik), "Nolbu" (oziq-ovqat mahsulotlari) kabi ko'plab yetakchi kompaniya rahbarlari yurtimizga kelishgan.

Mamlakatlarimiz o'rtasida 1992 yildan buyon iqtisodiy sohada eng ko'p qulaylik yaratish tizimi amal qilib kelmoqda. 2008 yilda o'zaro savdo hajmi 23,7 foiz o'sib, 1 milliard AQSH dollaridan oshdi.

Biroq, kooperatsion birjada ta'kidlanganidek, bu ko'rsatkichlar O'zbekiston va Janubiy Koreyaning salohiyat va imkoniyatlarini to'liq aks ettirmaydi. Savdo- iqtisodiy va sarmoyaviy aloqalarga oid raqamlarni bir necha hissa oshirish mumkin. Buning uchun o'zaro ayirbosh qilinayotgan mahsulotlar ro'yxatini qayta ko'rib chiqish, uni yangi tovarlar va xizmatlar bilan boyitish, qo'shma korxonalar sonini yanada ko'paytirish lozim.

Davlatlararo munosabatlar rivojlanish yo'lidan borar ekan, turli maqomdagi muloqotlar izchil davom etaveradi. Zero, taraqqiyotga intilgan har bir mamlakat ishonchli sheriklar bilan hamkorlik ko'lamini kengaytirishga harakat qiladi. Bu jihatdan O'zbekiston va Janubiy Koreya rahbariyati hamfikir ekaniga, munosabatlar negizida o'zaro manfaatdorlik, ishonch va hurmat mujassamligiga Li Myon Bakning mazkur tashrifi yorqin dalildir.

O'zbekiston va Janubiy Koreya xalqaro siyosat maydonida bir-birining tashabbuslarini yoqlab, bir-birini qo'llab-quvvatlab keladi. O'zbekiston BMT organlariga, jumladan, Bosh kotib lavozimiga Koreya Respublikasining nomzodlarini yoqlagan. Janubiy Koreya Osiyoda hamkorlik bo'yicha muloqot va Jahon savdo tashkilotiga a'zo bo'lishda O'zbekistonni, "Sky Team" safidan joy olishda "O'zbekiston havo yo'llari" milliy aviakompaniyasini qo'llab-quvvatlagan. Umuman, siyosiy hamkorlik - ikki mamlakat rahbariyatining doimiy diqqat-e'tiborida. Tashqi siyosat mahkamalari o'rtasida muntazam maslahatlashuvlar o'tkazish mexanizmi yo'lga qo'yilgan.

Bundan tashqari, Toshkent Seulning Koreya yarimorolidagi muammolarni tinch yo'l bilan hal qilish masalasiga yondashuvini, Koreya Respublikasi rahbariyatining "Yangi Osiyo diplomatiyasi" tashabbusi hamda energetik strategiyasini qo'llab-quvvatlaydi. O'zbekiston rahbari tashabbusining samarasi - Markaziy Osiyo yadro qurolidan xoli hududga aylangani Seulda yuksak qadrlanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Asirbabaeva S. Respublika Uzbekistan i Respublika Koreya: protsessi modernizatsii i perspektivi sotrudnichestva avtoref diss kand ekon nauk. T.: 2007.

2. Jo`rayev N. O`zbekiston tarixi T.:O`qituvchi 2003
3. Kim U Jung. Biznesning buyuk olami . T.: O`zbekiston 1997.
4. 2.5.Kim Ken Xo Janubiy Koreya va Uzbekiston iqtisodiy hamkorligi . Bozor pul va kredit 2000.iyul.
5. Kirgizbaev A.K. O`zbekiston Respublikasining Osiyo mamlakatlari bilan xalqaro hamkorligi. Tarix fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya T.: 2004 (A. Navoiy nom O`zbekiston Milliy kutub)
6. Li Myon Bak .Mo`jiza sodir bo`lmaydi. T.: O`zbekiston. 2009.
7. Lim R.A. Traditsii, obichai, obryadi, rituali koreytsev, projivayushix na territorii T.:Uzbekistan.1996

## МУНДАРИЖА

|   |   |       |
|---|---|-------|
| <i>Б.Шермухаммадов</i>  | <i>Кириш сўзи</i>   | 3-6   |
| <i>Б.Шермухаммадов</i>  | <i>Вступление</i>   | 7-9   |
| <i>B.Shermuhammadov</i>   | <i>Introduction</i>   | 10-12 |
| <b>1-ШЎЪБА. ЁШЛАРДА АКЦИОЛОГИК ОНГНИ<br/>ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ВА ГЕНДЕР<br/>ОМИЛЛАРИ</b> |   |       |
| <i>Эгамбердиева Т.А</i>   | <i>Ёшларга миллий урф-одат ва анъаналарни ўргатишида оналар, хотин-қизларнинг ўрни</i>  | 13-19 |
| <i>Джамил А.</i>  | <i>Гендерный подход к формированию коммуникативной компетенции</i>  | 19-22 |
| <i>Ахунова Ш.,<br/>Охунова Д.</i>   | <i>Тазйиқдамисиз, қўрқманг, Ҳимоядасиз!</i>   | 23-25 |
|   | <i>Жамиятда ёшлар фаоллигини оширишида аксиологик қарашларни ўрни ва гендер омиллари</i>  | 25-28 |
| <i>Мақсудов У.Қ.</i>  | <i>Гендер ёндашув асосида талаба-ёшларнинг ташаббусларини рағбатлантиришнинг замонавий тенденциялари</i>                              | 28-31 |
| <i>Жамолова Ю.</i>  | <i>Мамлакатимизда хотин-қизлар гендер сиёсатининг асослари</i>  | 31-33 |
| <i>Хакимова К.,<br/>Махмудова А.</i>  | <i>“Аёлга эҳтиром кўрсатиш уни эъзозлаш халқимизга хос олийжаноб қадрият сифатида”</i>  | 33-35 |
| <i>Shernafasova H.R.</i>  | <i>Pedagogical opportunities of using internet technologies in teaching activities of teachers of higher educational institutions</i> | 35-37 |
| <i>Abdullayeva N.</i>   | <i>Talaba-qizlarni imtiyozlar asosida tadqiqotchilik kompetentligini shakllantirishga yo'naltirish</i>                                | 37-39 |
| <i>Алимжоновна Г.И</i>  | <i>Олий техник таълим муассасалари талабаларида техноэтик маданиятини ривожлантириш жараёнини бошқаришнинг педагогик омиллар</i>      | 39-40 |
| <i>Жўраева Г.З.</i>   | <i>Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига Web-квест технологиясини ўқитишнинг аҳамияти, педагогик-психологик хусусиятлари</i>             | 40-42 |
| <i>Назарова Г.А.</i>  | <i>Замонавий иқтисодий таълим асосида бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни педагогик ривожлантириш тизимни такомиллаштириш</i>  | 42-44 |
| <i>Муродова Д.</i>  | <i>Бўлажак музика таълими ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириш функциялари</i>                               | 44-46 |
| <i>Умурзакова Б.А.</i>  | <i>Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида фанлараро ҳамкорлик асосида медиа истеъмоли маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари</i> | 46-48 |
| <i>Xamidov Sh.</i>  | <i>Amir temur jang san'ati</i>  | 48-51 |
| <i>Ўлмасов М.М</i>  | <i>Бўлажак кадрларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари</i>                                     | 51-52 |

| <b>2-ШЎЪБА. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНАЪАНАЛАРДА ГЕНДЕР ЖИХАТЛАР</b>  |  |       |
|--|--|-------|
| <i>Эркабоева Н.Ш.</i>  | <i>Аёллар фаоллигини оширишда бандлик муаммоларига янгича ёндашув</i>  | 53-55 |
| <i>Камбарова Д. Ю.</i>   | <i>Таълимда гендер ёндашувга оид халқаро тажриба</i>   | 55-58 |
| <i>Алимжоновна М.</i>  | <i>Таълимнинг глобаллашуви Шароитида талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик асослари</i> | 58-60 |
| <i>Раимов А.</i>   | <i>Тарих фанини ўқитишда ўқувчиларда аккультура тив кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик тамойиллари</i>                        | 60-62 |
| <i>Саидова Х.</i>  | <i>Таълим сифатининг назорат-бошқарув тизими: тушунча ва структура</i>   | 62-64 |
| <i>Эватов С. С.</i>  | <i>Коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти ва илмий-педагогик асослари</i>  | 64-66 |
| <i>Охунова Д.,<br/>Сотволдиева О</i>   | <i>Ўзбек миллий урф-одатлари асосида қизлар тарбияси ва қизларни турмушга чиқиш масаласида гендр муносабатлар</i>                  | 66-69 |
| <i>Асқарова А М.</i>   | <i>Духовные и нравственные обязанности семьи на новом этапе развития в узбекистане</i>   | 69-71 |
| <i>Yulbarsova X.A.,<br/>A.Asqarova</i>   | <i>Gender stereotiplari: tiamtmo va yechimlar</i>  | 71-73 |
| <i>Йўлдошев С.В.</i>   | <i>Ёшлар соғлом турмуш тарзи ва гендер масалалари</i>  | 74-76 |
| <i>Давлятова Г.</i>  | <i>Аксиологические стратегии в риторике в контексте гендерного подхода</i>   | 77-79 |
| <i>Солихўжаева Д.</i>  | <i>Milliy urf-odatlar vositasida talaba-qizlarni mustaqil hayotga tayyorlash</i>   | 79-81 |
| <i>Махмудова С. А.</i>   | <i>Юртимизда миллий музикий меросни асраш ва ривожлантиришнинг аксио педагогик моҳияти</i>   | 81-83 |
| <b>3-ШЎЪБА. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ГЕНДЕР, ТАРИХИЙ, МЕНТАЛ, ЭТНИК, ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> |  |       |
| <i>Максимова Л.А.</i>  | <i>Роль женского лидерства в развитии психологического образования в уральском государственном педагогическом университете</i>     | 84-86 |
| <i>Охунова Д.</i>  | <i>Ислом дини манбаларда гендер тенглиги гоясининг илгари сурилиши ва бугунги кун ёшлар тарбиясидаги аҳамияти</i>                  | 86-89 |
| <i>Ro'zmetova F.A.</i>   | <i>Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida turli yosh guruhlarida eklogik madaniyatni tarbiyalash asoslari</i>                          | 89-91 |
| <i>Dautova B.E.</i>  | <i>Yuksak manaviyatli yoshlarni tarbiyalashda to'xir malik asarlarining ahamiyati</i>  | 91-93 |
| <i>Madirimova M. R.</i>  | <i>Maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik rivojlantirishning nazariy asoslari</i>  | 93-95 |
| <i>Omonov Sh.</i>  | <i>Psixologik-pedagogik adabiyotlarda matematik tasavurlarni rivojlantirish masalalari</i>   | 96-97 |
| <i>Yuldashev S.</i>  | <i>Maktabgacha yoshdagi bolalarni matematik ta'limida steam-texnologiyalaridan foydalanish</i>                                     | 97-99 |

|  |  |         |
|--|--|---------|
| <i>Mo'minova N. A.</i>   | <i>Boshlang'ich sinflarda ertak o'qitishga kreativ yondashuv</i>   | 99-101  |
| <i>Yusupova N. M.</i>  | <i>Boshlang'ich sinflarda ilmiy-ommabop asarlarni o'rgatish</i>  | 101-103 |
| <i>Quchqorova N.M.</i>   | <i>Raqamli texnologiyalardan foydalanish-zamonaviy faoliyat</i>  | 103-104 |
| <i>Самедова Н.</i>   | <i>Ўзбекистон тарихи таълимида тарихий-маданий ёдгорликларнинг маънавий моҳиятини ёш авлодга етказишнинг аксиологик асослари</i> | 104-109 |
| <i>Хамидов Ш.</i>  | <i>Олтин бешик уюмда қўғон хонлари сулоласи қонунлаштирилиши</i>   | 109-111 |
| <b>4-ШЎББА. ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНАЪНАЛАРГА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ</b>   |  |         |
| <i>Жамолдинова О.Р.</i>  | <i>Олий таълим истиқболлари ва гендер тенглиги масалалари</i>  | 112-114 |
| <i>Siddikov X.T.</i>   | <i>Oliy ta'limda innovatsion ta'lim texnologiyalari</i>  | 114-117 |
| <i>Асқарова А.М.</i>   | <i>Шарқ мутафаккирларининг оилада шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларига доир қараши</i>                    | 117-120 |
| <i>Тожибоева Х.М.</i>  | <i>Гендер ёндашув асосида ўсмирларда миллий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари</i>                         | 121-123 |
| <i>Турсунова Б.</i>  | <i>Хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий - иқтисодий фаоллигини ошириш</i>   | 123-125 |
| <i>Yulbarsova X.A.,<br/>Mirzayeva I.</i>   | <i>Yangi O'zbekistonda ayollarni ijtimoiy qo'llab quvvatlash masalalari</i>  | 125-128 |
| <i>Хамидов Ш.</i>  | <i>O'rta osiyo xonliklarida yer egaligi munosabatlarining o'ziga xos xususiyatlari</i>   | 128-132 |
| <b>5-ШЎББА. ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНАЪНАЛАРГА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАРНИНГ ЎРНИ</b> |  |         |
| <i>Талышева И.А.<br/>Асхадуллина Н. Н.</i>   | <i>Развитие ценностных ориентаций и гендерных представлений у студентов направления подготовки «педагогическое образование»</i>  | 133-137 |
| <i>Mo'minov D. M.,<br/>Davlatov I.</i>   | <i>Yoshlarda milliy urf-odat va an'analarga aksiologik munosabatni shakllantirish tendensiyalari</i>                             | 137-139 |
| <i>Ж. Юнусалиев</i>  | <i>Дидактик Тамойиллар Таҳлили</i>   | 139-142 |
| <i>Otayeva S. S.</i>   | <i>Rahbar tadqiqotchilik kompetensiyalari tarkibiga qo'yiladigan zamonaviy talablar</i>  | 142-144 |
| <i>Abdullayeva D.</i>  | <i>Maktabgacha ta'lim tashkiloti uslubchisining ish hujjatlari</i>   | 144-146 |
| <i>Maksudova D.M.</i>  | <i>O'quvchilarni yozuvga o'rgatishning pedagogik-psixologik asoslari</i>   | 146-148 |
| <i>Soyipova Z.Q.</i>   | <i>Boshlang'ich sinflarda xalqaro baholash dasturlari</i>  | 148-150 |
| <i>Quchqorova N.M.</i>   | <i>Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarini tashkillash huquqiy-iqtisodiy faoliyat</i>                                | 151-152 |

|  |  |                |
|--|--|----------------|
| <i>Abdullayeva D.</i>                          | <i>Maktabgacha yoshidagi bolalarning sensor tarbiyasi</i>  | <i>152-154</i> |
| <i>Nasritdinova M<br/>Abduqodirova D.</i>      | <i>Jamiyatda ayollar hamda erkaklarning – gender tengligi</i>  | <i>154-157</i> |
| <i>G`aniyeva Sh. N.<br/>Yetmishboyev Sh</i>    | <i>Milliy urf – odat va ananalarda gender jihatlar</i>   | <i>157-158</i> |
| <i>Abduraxmonova M.M<br/>Akramov D.O.</i>      | <i>Inklyuziv ta`limda nogironligi bo`lgan o`quvchi qizlar bilan ijtimoiy ish amaliyotining samaradorligi</i>   | <i>159-166</i> |
| <i>Makhmudova S A.</i>                         | <i>Socio-cultural of axiological elevation in youth</i>  | <i>166-169</i> |
| <i>Асқарова А.М,<br/>Асқарова О.</i>           | <i>Ёшларни оилага тайёрлашнинг асосий омиллари ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари</i>  | <i>169-175</i> |
| <i>Qurbonova B.Q.</i>                          | <i>Sharqona etik hamda estetik tarbiyani mukammal rivojlantirishda genderlik yondashuvning o`rni</i>   | <i>176-177</i> |
| <i>Nasritdinova M.N.<br/>Turg'unboyeva M.B</i> | <i>Milliy urf–odat va an'analarda gender jihatlar</i>  | <i>178-180</i> |
| <i>Yulbarsova X.A.</i>                         | <i>Gender sotsiomadaniy fenomen sifatida</i>   | <i>180-182</i> |
| <i>Абдувалиева С.</i>                          | <i>Обеспечение гендерного равенства с помощью педагогических стратегий</i>   | <i>182-184</i> |
| <i>Умурзакова Д.И</i>                          | <i>Ёшларнинг толерантлик тафаккури ривожланишида зоявий таълимотларнинг ўрни</i>   | <i>189-190</i> |
| <i>Bahromova M.</i>                            | <i>Gender tenglik siyosati ustuvor masala</i>  | <i>190-193</i> |
| <i>Ҳабибуллаев М.О.</i>                        | <i>Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда оила институтининг роли</i>   | <i>193-195</i> |
| <i>Темиров Н.С.</i>                            | <i>Ёшларга инсоний тенглик ва инсоний қадриятларни сингдиришда ижтимоий муҳит тахлили</i>  | <i>197-200</i> |
| <i>Ўроқова О.Ж.</i>                            | <i>Шамсирой ҳасанованинг ижодида романтик йўналишнинг ўзига хос услуби</i>   | <i>200-202</i> |
| <i>Жарқинов Д.У.</i>                           | <i>Олий техник таълим йўналиш талабларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда замонавий таълим тизими</i>  | <i>202-204</i> |
| <i>Мавлонов И.Х.</i>                           | <i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий юксалишнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни</i>   | <i>204-206</i> |
| <i>Тураханов А.А.</i>                          | <i>Акмеологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик модели ва таълим технологияси</i> | <i>206-207</i> |
| <i>Азамов Ж.</i>                               | <i>Олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий автономиясининг ўзига хос хусусиятлар хусусиятлари</i>  | <i>208-210</i> |
| <i>Асқарова Ў.М.<br/>Нарзуллаева Г.Н.</i>      | <i>Ўзбеккона тарбия анъаналарида гандир тенглик масалалари</i>   | <i>210-214</i> |
| <i>Xamidov Sh.</i>                             | <i>Janubiy koreya va o`zbekiston respublikasi bilan diplomatik munosabatlar</i>  | <i>214-218</i> |



